

Х. РАҲМОНҚУЛОВ Б. ЖҶРАЕВ

БИЗНЕС
ВА ТАДБИРКОРЛИК

СИРЛАРИ



Х. Р. РАҲМОНҚУЛОВ
Б. Б. ЖЎРАЕВ

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СИРЛАРИ

(Бозор иқтисодиёти терминлари)



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2002

© Х. Р. Раҳмонкулов, Б. Б. Жураев.
Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2002 й.

МУАЛЛИФЛАРДАН

Бозор иқтисодиёти кенг қамровли, кўп қиррали, комплекс ва динамик жараён. У нафақат соф иқтисодий, балки кўплаб бошқа соҳаларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистонда чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш асосида бозор иқтисодиётига ўтиш тобора тақомиллашиб бормоқда ва шу билан боғлиқ бўлган кўплаб терминлар ва тушунчалардан фойдаланишга тўғри келмоқда. Аммо ўзбек тилида ушбу терминлар ва тушунчаларнинг ўта камлиги катта қийинчиликни вужудга келтирмоқда. Ана шу зарур эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ушбу қўлланмага қўл уриб, уни имконияти борича талабга жавоб бера оладиган даражада амалга оширишга ҳаракат қилдик. Қўлланма 2612 тадан ошиқ терминларни ўз ичига олган. Китоб кенг китобхонлар оммасига маъқул бўлади, деган умиддамиз. Аммо у айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Китобхонлар ўз мулоҳазаларини билдиришади, деб ўйлаймиз, уларнинг танқидий ҳамда ижобий фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

МУҚАДДИМА

Мустақил Ўзбекистон давлати чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш орқали ўз мавқеини тикламоқда ва бозор иқтисодиётининг кейинги босқичларига тобора дадилроқ ўтмоқда. Бу борада Юртбошимиз И. А. Каримовнинг курсатмалари, доно маслаҳатлари, маърузалари ва фармонлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон фуқаролари олдига қўйилган жиддий муаммоларни ижобий ҳал этиш эса кенг қўламда бозор иқтисодиётига оид билимларни эгаллашни тақозо этади. Шу сабабли ҳам амалга оширилаётган кўплаб тадбирлар бозор иқтисодиёти сирларини ўрганиш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишга қаратилмоқда. Бу муҳим соҳада Термиз Давлат университети ректорати ва олимлари ҳам Президентимиз олиб бораётган сиёсатни турмушга татбиқ қилиш ва иқтисодий билимларни эгаллашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Профессор Х. Р. Раҳмонкулов, доцент Б. Б. Жўраевларнинг “Бизнес ва тадбиркорлик сирлари” (Бозор иқтисодиёти терминлари) қўлланмаси бунинг исботидир. Муаллифлар жиддий ва мураккаб ишга қўл урганлар ва унинг уддасидан чиқа олганлар. Қўлланма кенг қамровли ва ҳар хил йўналишга эга бўлиб, унда бозор иқтисодиётига оид кўплаб терминлар ва тушунчаларнинг моҳияти атрофлича ва чуқур ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Қўлланмага унинг ҳозирги кундаги аҳамияти, роли ва ўрни, зарурлиги ва муҳимлиги нуқтаи назаридан ҳеч иккиланмасдан ижобий баҳо берса бўлади. Қўлланмани чоп этиш нафақат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, балки бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи кўплаб китобхонлар оммаси фаолияти учун ҳам жиддий аҳамият касб этади.

Иқтисод фанлари доктори,
профессор ХУҲАЕВ Н. Х.

А

АБАНДОН (фр.) — юк ва кема эгасининг суғурта қилувчи фойдасига суғурта қилинган мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқидан воз кечиши, бунда суғурта қилувчи суғурта қилдирувчига тўла суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини олади.

АБДИКАЦИЯ (лот.) — ўз ваколатини гарданидан соқит қилиш; вазифадан, ҳуқуқдан воз кечиш; тахтдан воз кечиш.

АБЕКОР (инг.) — (Европа ассоциациялашган корпорация банклари) капиталистик дунёда энг йирик кўп миллатли банк гуруҳи. 1971 йилда Ғарбий Европа банклари рақобатлилигини мустаҳкамлаш учун тузилган.

АБОЛИЦИОНИЗМ (инг., лот.) — қандайдир қонунни бекор қилишга эришган жамоатчилик ҳаракати. Масалан, АҚШда XVIII—XIX асрларда қонунлашган негрлар қуллигини бекор қилиш ҳаракати.

АБОЛИЦИЯ (лот.) — 1. Қонун, қарор, шартномани бекор қилиш; 2. Вазифани бекор қилиш; 3. Айби ҳали юридик жиҳатдан ўрганилмаган босқичда жиноий ишни тўхтатиш; 4. Орномусни тиклаш, тўхматни расмий рад этиш.

АБОНЕМЕНТ (фр.) — муайян вақт давомида бирор нарсадан (телефон, томошахонадаги ўрин, шаҳар транспорти, кутубхона ва ҳ.к.) кўпинча аввал ҳақ тўлаш йўли билан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

АБРОГАЦИЯ (лот.) — фойдасизлиги ёки вақт руҳи ва дидага зид бўлган эски қонунни бекор қилиш. А. янги қонун деб эълон қилинади. А. қуйидагича фарқланади: А. нинг ўзи эски қонунни янгиси билан тўлиқ алмаштириш; дерогация — эски қонунни қисман бекор қилиш; аброгация — эски қонунга зарур ўзгаришлар киритиш ва суброгация — эски қонунни тўлдириш.

АБСЕНТЕИЗМ (лот.) — ўзининг гражданлик ҳуқуқларидан фойдаланишдан бош тортиш ҳамда коллегиал органлар аъзолари мажлисларида мунтазам қатнашмаслик.

АБСЕНТЕИЗМ ЗЕМЛЕВЛАДЕЛЬЧЕСКИЙ (лот.) — ер ишлаб чиқариш воситаси сифатида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб

чиқариши жараёнига қатнашмайдиган, аммо ер рентаси тарзида даромад оладиган ё ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этадиган ва ҳўжаликни бошқарадиган махсус менежер ёлловчи мулк эгасидан ажратилган дёҳқончилик шакли. А. з. жаҳон амалиётида кенг тарқалган.

АБСОЛЮТ ЕР РЕНТАСИ (лот.) — ерга бўлган хусусий мулкчилик монополияси билан тақозо этилади. Натижада бу рента ишланадиган ҳамма участкаларда вужудга келади ва ишлаб чиқариш баҳосидан ортиқча қийматни ташкил этади. Демак, қишлоқ ҳўжалик товарлари қийматидаги қўшимча қиймат миқдори жамиятда шаклланган ўртача фойдадан ошиқ бўлади. Қишлоқ ҳўжалик товарларининг бозор баҳоси билан ижтимоий ишлаб чиқариш баҳоси ўртасидаги бу тафовут абсолют ер рентасини вужудга келтиради. Бу қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига талабнинг ошиб боришига кўп томондан боғлиқ бўлади.

АБСОЛЮТ УСТУНЛИК — ўз мамлакати учун товарни бошқа савдо шерикдошларига қараганда кам харажат билан ишлаб чиқариш имконияти.

АБСОЛЮТ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ — хусусий мулкчилик мавжуд мамлакатларда, айниқса, капитализмда қўшимча қиймат нормасини кўпайтириш усулларидаан бири ҳисобланади. Абсолют қўшимча қиймат иш кунини узайтириш йўли билан ҳосил бўлади. Ишчининг иш куни зарур ва қўшимча иш вақтига бўлинади. Зарурий иш вақтида ишчи ўз иш кучининг қиймати-га тенг қиймат ҳосил қилади. Қўшимча иш вақтида қўшимча қиймат яратади, бу корхона эгалари томонидан ўзлаштирилади. Гап шундаки, қўшимча иш вақти зарурий иш вақтига нисбатан ҳар доим кўп бўлади ва мамлакат ривожланиши билан бу фарқ ошиб боради.

АБСОЛЮЦИЯ (лот.) — судланувчини жазолаш, масъулият, қарзлар ва ҳ.к.дан озод этувчи суд қарори.

АБСТРАКТ МЕҲНАТ — ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг унинг конкрет шаклларидаан қатъи назар, бутун ижтимоий меҳнатнинг бир зарраси, умуман, одам иш кучининг сарфланишидир. Меҳнатнинг бу тури абстракт меҳнат деб аталади ва товар қийматини яратади.

АВАЛИСТ (фр.) — вексель кафолати берувчи, яъни авални амалга оширувчи шахс.

АВАЛЬ (фр.) — бу вексель кафолати бўлиб, бунда авалист, яъни уни амалга оширувчи шахс, вексель эгаси олдида у вексель бўйича ҳар қандай шахснинг (акцептант, вексель берган шахс, индоссант) мажбуриятларини бажаришни ўз бўйнига олади. Векселнинг олд томонига ёки қўшимча варақда (аллонжда) авалистнинг имзоси бўлиши керак. Векселни тўлаган авалист векселдан келиб чиққан ҳолда ҳуқуққа эга бўлади. Энг аввало, бу

кафолат берган шахсга алоқадордир. Масалан, авалист акцептантга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқига эга. Авалист вексель бўйича асосий қарздор сифатида жавобгарлиги тўхтагандан кейин жавобгарликдан озод бўлади.

АВАНС (фр.) — белгиланган моддий қийматлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳисобига бериладиган пул суммаси. 1. Халқаро савдода фирма кредитларининг маълум тури ҳисобланган импортёрлар томонидан экспортёрларни кредитлаш шакли сифатида сотиб олиш (харидорлар) аванслари кенг тарқалган. Аванс ҳажми одатда контракт суммасининг 10—15 фоизини ташкил этади. Машиналар ва ускуналар етказиб берилганда аванс ёхуд товарлар, ишлар ёки хизматлар учун ҳисобкитоб тўлиқ ҳисобланади, ёхуд айрим товарлар партияси ёки иш босқичларини тўлашда қисмлаб ҳисобланади. 2. Аванс олувчининг топшириқни бажарганлиги бўйича харажатларни қоплаш учун бериладиган пул суммаси.

АВАНС ХАРИД ҚИЛИШ — муқобил савдонинг шакллари-дан бири.

АВАНС ҚИЛИНГАН КАПИТАЛ — мулкдор томонидан фойда мақсадида ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи сотиб олишга сарфланган пул суммаси.

АВАНТАЖ (фр.) — наф, фойда, қулай вазият.

АВАРИЯ БАДАЛИ (итал.) — кема эгаси томонидан умумий авария бўйича юк эгасининг харажатлардаги ҳиссасини тўлаш-ни таъминлашни талаб қилувчи пул суммаси. Халқаро амалиётдаги юклар ташишда А.б. депозит деб номланади.

АВАРИЯ ПУЛЛАРИ СУҒУРТАСИ — қутқарганлик учун мукофот олишни таъминлаш мақсадида кемалар ва юкларни қутқазиш учун мурожаат қилувчи суғурта тури.

АВАРИЯЛАРДАН СУҒУРТА — 1. Кўпгина мамлакатлар суғурта ташкилотлари фаолиятида, айниқса, оммавий ишлаб чиқариш ва ҳар хил техника турларини ўзлаштириш даврида кенг қўлланиладиган суғурта масъулияти тури; 2. Мулккий суғурта тури.

АВАРИЯ ТИЛХАТИ (авария банди) — юкларни қабул қилиб олувчининг кема эгасига умумий авария бўйича белгиланган бадалларни тўлаши. Агарда умумий авария бўлганда капитал юкларни қабул қилувчига фақат унинг авария тилхатига ўрнатилган шаклга кўра имзо чеккандан кейин беради.

АВИЗО (итал.) — 1. Бир контрагент томонидан бошқасига ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатида ўзгаришлар бўлганлиги тўғрисида юбориладиган банк хабарномаси. 2. Пулларни юборганлик, чекларни қўйганлик, аккредитив очганлик тўғрисида қабул қилиб олувчининг билдириш хати. А. махсус бланкда тўлдирилади, бунда унинг тартиб рақами, вақти, амалга оширилладиган опера-

циянинг характери, счёт суммаси ва тартиб рақами, жўнатувчининг номи ва манзили ҳамда бошқа маълумотлар кўрсатилади. А. сифатида тулов кафолатлари нусхаси, мемориал ордерлар ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳамда бухгалтерия ҳужжатлари ҳам хизмат қилиши мумкин. А. жўнатиш усули бўйича почта ва телеграф усулларига бўлинади. Уларни жўнатиш тартиблари мижоз билан бўлган корреспондент битимлари ва шартнома билан тақозо этилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида А. филиаллараро оборот деб аталувчи банк муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда қўлланилади. Бундай А. бир банк муассасасининг бошқасига мижоз счётига пул ўтказиш ёки ушбу суммани унинг ҳисобидан чиқариш тўғрисида кўрсатмасини билдиради.

Меҳнат харажатларини қисқартириш учун бир неча ҳисоб-китоб операцияларини ифодаловчи йиғма А. қўлланилади. Халқаро банк ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда кўрсатилган шаклдаги ташқи савдо ташкилоти дебетда — авизо кафолати қўлланилади.

АВИАЮК НАКЛАДНОЙ (лот.) — ҳавода юк ташиш шартномаси. Жўнатувчи томонидан тўлдирилади ва бир вақтнинг ўзида ташувчи юкни ташиш учун беради. Уч оригинал нусхада тузилади. Биринчисига жўнатувчи имзо қўяди ва ташувчида қолади, иккинчисига жўнатувчи ва ташувчи имзо қўяди ва юк билан олувчига юборилади, учинчисига ташувчи имзо қўяди ва юк билан олувчига юборилади.

АВИСТА (итал.) — бу векселда ёки бошқа пул ҳисоб-китоблари ҳужжатидаги ёзув бўлиб, булар ушбу ҳужжатларни кўрсатганда, уларнинг ҳақи тўланганлигини кўрсатади.

АВТАРКИЯ (грек.) — ҳўжалик сиёсати бўлиб, бу мамлакат (ёки ҳудуд) доирасида биқик ва ўзига етарли даражада ҳўжалик тузилганлигини, барча рақиблари билан анъанавий иқтисодий алоқаларнинг узилганлигини кўрсатади. Ушбу сиёсатнинг асосий воситалари бўлиб келтириладиган товарларга юқори чекланган бож ўрнатиш, истеъмол товарларига нархни ошириш, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо алоқаларининг ҳамда муносабатларининг ривожланишига ҳар қандай йўллар билан тўсиқ яратиш ҳисобланади. Бунда товар-бозор муносабатлари бошқа жаҳон ҳўжаликларидан ажралган бўлиб, фақат мамлакат ичида сақланиб қолади. Натижада бошқа мамлакатлар билан ҳар хил истеъмол қийматлари алмашиниш имкониятидан фойдаланилмайди. Умуман, бундай йўл ҳозирги шароитда реакцион йўл бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг анъаналарига мос келмайди.

АВТОКРАТИЯ (грек.) — бошқариш тизими бўлиб, бу маълум бир шахсга чекланмаган олий ҳокимият тегишли эканлигини билдиради.

АВТОКРАТИК РАҲБАР (*грек.*) — ижрочиларга ўз хоҳиши-ни мажбуран қабул қилдирмоқ учун етарлича ҳокимият кўламига эга бўлган раҳбар.

АВТОНОМИЯ (*грек.*) — умумдавлат конституциясида мустақамланган мустақил бошқариш ҳуқуқи, давлат масалаларини ечилиш.

АВТОНОМ ТАРИФ (*грек.*) — мавжуд давлат томонидан бир томонлама, бошқа давлат билан шартнома тузмасдан ўрнатиладиган божхона тарифи.

АВТОРИТАРИЗМ (*фр.*) — сиёсий режим бўлиб, бунда ҳокимиятга бўлган монополия бошқаришда иштирок этишга бошқа гуруҳларни қўймайдиган битта шахсга, партияга ёки бошқа органи тегишли бўлади.

АВТОРИТАР КАПИТАЛИЗМ (*фр.*) — асосий ресурслар хусусий мулк ҳисобланган, ҳукумат эса кенг миқёсда иқтисодий жараёни йўналтирадиган ва тартибга соладиган иқтисодий тизим.

АВУАРЛАР (*фр.*) — 1. Пул маблағлари, олтин, чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқа активлар бўлиб, буларнинг ҳисобидан тўловлар ўтказилиши ва улар эгаларининг мажбуриятлари қопланиши мумкин. 2. Чет эл банкларида — корреспондентларида банк счётларида турган чет эл валютасидаги банк маблағлари. Бу маблағлар валюта, қимматбаҳо қоғозлар ва олтиндан иборат бўлиши мумкин. Қандайдир мамлакатга тегишли бўлган шундай маблағлар жами унинг чет эл авуарларини ташкил этади. Уларнинг ҳисобидан тўловлар ўтказилади ва мажбуриятлар қопланади, мамлакатлар ўртасидаги тўлов обороти амалга оширилади. Чет эл авуарларининг ҳолати ва структураси халқаро валюта ликвидилигига боғлиқ бўлади. Чет эл авуарлари улар жойлаштирилган мамлакат юрисдикциясига бўйсунди. Авуарлар эркин (чекланмаган тарзда фойдаланиш), блокада қилинган (давлат ва банк ихтиёрида бўлган) ва маълум фойдаланиш режимига бўлинади.

АВУЛЬСИЯ (*фр.*) — қуруқликдан ажралиш, дарё оқимининг ўзгариши, сув тошқини ва ҳ. к. оқибатида ер участкасининг тасодифан бегона киши ихтиёрига ўтиб кетиши.

АГЕНТ (*лот.*) — топшириққа биноан ва бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб олинган ваколат доирасида савдода, кemasозликда ва бошқа соҳаларда фаолият қилувчи ишончли шахс (юридик ёки жисмоний). Ваколатлар бир марталик хусусиятга эга бўлиши мумкин ёки агентлик шартномасига мос равишда амалга оширилади. Маълум мукофот хизматлар тақдим этилади. Мукофот ҳажми агент ва принципал (бошлиқ) ўртасидаги битим бўйича белгиланади (энг юқори белгиланган нархлар со-

тилган маҳсулотнинг қийматига қараб 2 фоиздан 10 фоизгача бўлади).

АГЕНТ-ДЕЛЬКРЕДЕРЕ (лот., итал.) — махсус мукофот учун принципалга сотиб олувчидан товар учун ҳақнинг тушишини кафолатлайдиган агент.

АГЕНТЛИК (ВАКОЛАТХОНА) (лот.) — 1. Муассасалар, юридик ёки жисмоний шахслар маълум топшириқларини бажарувчи ташкилот. 2. Қандайдир муассасани маҳаллий жойдан аниқлаш: АҚШ истеъмолчилари ҳимояси бўйича агентлик, хизматларнинг тўла цикли агентлиги — товарни ишлаш режасидан ва маркетинг тадқиқоти ўтказишдан то рекламаларни оммавий матбуот ахборотида жойлаштиришга қадар (реклама агентлиги, тадқиқотлар ва рекламаларни жойлаштириш билан шуғулланмайдиган ижодий реклама агентликлари, агентлик шохобчалари) ишни бажарувчи ташкилот.

АГЕНТЛИК БИТИМИ — жисмоний ёки юридик шахс (агент) билан тузиладиган шартнома тури. Қоида бўйича бу ёзма шаклда бўлади. Ҳужжатда одатда агентга берилган ваколат, топширилган фаолият соҳаси, бажарилиш характери ва тартиби, агентни мукофотлаш шарти ва ҳажми, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, амал қилиш муддати, А. б. шартини бузган томонларга қарши жарималар ва уни бажариш билан боғлиқ бўлган баҳсларни тартибга солиш тартиби кўрсатилган бўлади.

АГЕНТЛИК ОПЕРАЦИЯСИ — савдо-воситачилик ҳаракати бўлиб, келишилган ҳуқуқда принципал номидан ва унинг номидан бир томоннинг топшириғи бўйича (принципал) ундан мустақил бўлган бошқа томон фаолияти билан (агентлик) товарларни сотиш ёки сотиб олиш мақсадида амалга оширилади. Агент унга юклатилган агентлик битими (шартномаси) маъсулияти доирасида ҳаракат қилади. Айрим мамлакатларда А. о. ҳуқуқий тартибга солиш нопринципал характердаги айрим ҳусусиятларга эга бўлади. А. о. бажарувчи агентлик фирмалари мамлакатдаги принципал агентлигига (экспортлар ва резидентлар) ва чет эл давлатидаги фирма-агентликларига бўлинади (импорт агентлар, сотиш агентлари, чет эл сотиб олиш фирма-агентликлари).

АГРАР ИСЛОҲОТ (лот.) — ер-сувга эғалик қилиш учун вужудга келган ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни давлат томонидан ўзгартириш усули. Аграр ислохотнинг ўтказилиши мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига бўлган эҳтиёжлар тақозоси ҳисобланади.

АГРАР МУНОСАБАТЛАР — ерга эга бўлиш ва ердан фойдаланиш характери билан белгиланадиган қишлоқ ҳўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатлари жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши муқаррар равишда ижтимоий иш-

лаб чиқариш мгносабатларининг, шу билан бир қаторда А. м. ўзгаришига олиб келади.

АГРЕГИРОВАНИЕ (лот.) — қандайдир белги бўйича бирлашма, гуруҳларга қўрсаткичларни яхлитлаш. Математик моделлаштириш, прогнозлаш, режалаштириш, ҳисоб-китобда кенг қўлланилади. Унинг тескарисини эса дезагрегирование дейилади.

АГРЕМАН (фр.) — халқаро ҳуқуқда давлатнинг маълум шахсни бошқа давлатнинг дипломатик вакили сифатида қабул қилишга олдиндан билдирган розилиги. А. олиш мавжуд шахсни дипломатик вакил бошлиғи этиб тайинлаш имконини тақозо этади.

АГРЕССИВ ИНВЕСТОР (фр., лот.) — юқори дивиденд олиш ниятида таваккалчиликка боришга тайёр турган қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчи. Одатда А. и. акцияларни сотиб олади.

АГРЕССИВ ПОРТФЕЛЬ — тўлиқ сотиб олинадиган ва сотиладиган қимматбаҳо қоғозлар ҳамда уларни чиқариш портфели, улар қиймати тезроқ ўсади деган эҳтимол ҳам мавжуд. А. и. энг юқори даромад олиб келадиган қимматбаҳо қоғозлар ўзгариши берувчилардан фарқ қилади (облигация, префакция). Унинг тескариси “ҳимоя портфели” дейилади.

АГРЕССИВ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР — капиталнинг тез ўсишини таъминловчи қимматбаҳо қоғозлар.

АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ — қишлоқ хўжалиги билан турдош тармоқларнинг ўзаро алоқалари ва узвий бирлигини билдиради. Бу тармоқлар қишлоқ хўжалигига хизмат қилади, ресурсларни тайёрлаб беради ва унинг маҳсулотини истеъмолчига етказиб туради. А. и. агросаноат комплекси ташкил топишининг негизи бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперативлашуви унинг асоси ҳисобланади.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ (АСК) — қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан банд бўлган халқ хўжалик тармоқларининг жами. АСК таркибига қуйидаги соҳалар киради: 1. Қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш; 2. Қишлоқ хўжалигининг ўзи; 3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш; 4. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилма.

АДАПТАЦИЯ (лот.) — ўзгариб турадиган муҳитга мослашиш системаси жараёни. Адаптация даражаси қанчалик юқори бўлса, система шунчалик ишончли бўлади ва унинг яшаши шунчалик юқори бўлади.

АДАПТИВ СТРУКТУРА (лот.) — атроф-муҳитдаги ўзгаришларга уддабуронлик билан муносабат билдириш ва механик (ёки

бюрократик) структурадан принципиал фарқ қилишга имкон берувчи ташкил этилган структура. Узвий тузилма ҳам деб аталади.

АДВАЙЗЕР (нем.) — маслаҳатчи, консультант.

АДВАЛОРНЫЙ (лот.) — қиймат; товарнинг, битимнинг (солиқ, коммиссион мукофот, божхона ва ҳ. к.) умумий қийматидан қайд этилган фоиз шаклида ҳисобланган.

АДВОКАТ (нем., лот.) — консултациялар орқали профессионал ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи, айбдорни судда ҳимоя қилувчи ва ҳ. к. юрист.

АДВОКАТУРА (нем., лот.) — адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси. Таъсисчи гуруҳлар аризаси бўйича ташкил этилувчи адвокатлар коллегияси А. ташкилий шакли ҳисобланади.

АДЕКВАТ (лот.) — тенг, ўхшаш, бутунлай мос келиш.

АДДЕНДУМ (лот.) — шартномани имзолаган томонлар тарафидан ишланган, у ёки бу шартнома шартини ўзгартирадиган ёки тўлдирадиган шартномага илова.

АДЛИБИТУМ (лот.) — хоҳиши бўйича, ўз ихтиёри бўйича, ўзбошимчалиги бўйича (муаллифнинг, нашриётчининг ва ҳ. к.).

АДРЕСАНТ (нем.) — 1. Жўнатувчи; корреспонденцияни, юкни жўнатувчи шахс; 2. Номига вексель ёзилган шахс.

АДРЕСАТ (нем.) — 1. Олувчи; корреспонденция, юкни олувчи шахс; 2. Перевод векселини берувчи шахс.

АДРЕФЕРЕНДУМ (лот.) — шартномани имзолаш турларидан бири — “адресферендум”ни имзолашга нисбатан халқаро ҳуқуқда қўлланиладиган латинча термин.

АД ХОК (лот.) — маълум функцияларни бажариш учун (одатда вақтинчалик) тузилган органларга нисбатан халқаро ҳуқуқда истеъмол қилинадиган латинча термин. А. х. термини БМТ Халқаро Судидаги ўзгарувчан аъзоларига нисбатан ҳам қўлланилади.

АЖИО (итал.) — 1) Белгиланган валюта турига ёки қимматбаҳо қоғозлар баҳосига қўшимча пул; 2) Қимматбаҳо қоғозлар биржа (бозор) курсининг, бошқа фонд мулкларининг ёки қоғоз пулларнинг уларнинг қийматига қараганда ошиши. Одатда, фоиз ҳисобида номинал қиймат ёки баҳога қўшилади. Ажионинг тескараси дизажио дейилади; 3) Қоғоз пулларни тангага айирбошлаш ёки “беқувват” валютани “кучлисига” айирбошлаш учун ундириб олинadиган воситачилик ҳақи.

АЖИО-КОНТРО (итал.) — қимматбаҳо қоғозлар ёки ажиотаж давридаги товарлар биржа курсининг кескин ўзгариши натижасида вужудга келувчи, фойда ёки зарар акс этувчи сёт.

АЖИОТАЖ (биржа) (фр.) — қимматбаҳо қоғозлар курси ёки товарлар баҳоси ўзгаришидан фойда олиш мақсадида ҳосил қилинган биржа чайқов жонсарақлиги.

АЖУР (фр.) — бухгалтерия ҳисобининг ҳолати, бунда барча счёти ёзувлари ҳўжалик операциялари амалга ошириладиган бир-жада бажарилади; кенг маънода ҳисоб-китоб ишларининг бел-пиланган муддатда бажарилиши.

АЙИРБОШЛАШ — иқтисодиётда кишилар ўртасида бево-сита ёки меҳнат маҳсулотини айирбошлаш шаклида намоён бўла-диган ўзаро фаолият. *А.* такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим фа-зиси ҳисобланади, унинг иқтисодий асосини ижтимоий меҳнат тақсимои ташкил этади. *А.* ишлаб чиқаришга тескари таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кўп томондан *А.* га боғлиқ бўлади.

АЙЛАНМА КАПИТАЛ — ишлаб чиқаришдаги капиталнинг бир қисми. Айланма капиталга хом ашё, ёқилғи, ёрдамчи мате-риал, иш кучи ва ҳ. к. киради. У ўз қийматини янгидан ҳосил қилинган товарга тўлиқ ўтказди. Айланма капиталнинг тарки-бига кирган иш кучининг хусусияти шундан иборатки, у ўз қий-матини маҳсулотга ўтказибгина қолмай, янги қиймат ҳам яра-тади.

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР — ҳўжалик фаолиятини жорий молиялаш учун, яъни ишлаб чиқариш хом ашё захиралари, ма-териаллар, ёқилғи, таралар, инструментлар, ишлаб чиқариш ва маиший инвентарлари, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолмаслиги учун зарур захиралар, тугалланмаган ҳисоб-китобдаги, банклардаги ҳисоб-китоб счётларидаги, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳазиналаридаги маблағларни ҳам қўшиб тай-ёр маҳсулот захираларини яратиш учун ҳўжалик корхоналари ва ташкилотлари пул маблағлари. *А. м.* бир қисми ишлаб чиқа-риш, бошқа қисми эса муомала соҳаларида фаолият қилади. *А. м.* меъёрланадиган (тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳ-сулот ва ҳ. к. ҳам қўшиб товар-материал бойликлари захираля-ридан иборат) ва меъёрланмайдиган (ортиб юборилган товар-лар, ҳисоб-китобдаги маблағлар ва пул маблағлари) қисмларга бўлинади.

АЙЛАНМА ФОНДЛАР — ҳар бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ истеъмол қилинадиган халқ ҳўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми. *А. ф.* ишлаб чиқариш жара-ёнида ўз натурал шаклини ўзгартиради, ўз қийматини янги меҳ-нат маҳсулотига тўлиқ ўтказди ва тўлиқ маҳсулот ишлаб чиқа-риш харажатларига киради. *А. ф.* меҳнат буюмларидан — ишлаб чиқариш захираларидан (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материал-лар, ёқилғи, ярим фабрикатлар ва ҳ. к.) ва тугалланмаган маҳсу-лотдан (ўзи тайёрлаган ярим фабрикатлар ва кейинги давр сарф-лари) иборат. Тугалланмаган маҳсулот қийматига ушбу маҳсу-лотни чиқаришга кетган ишчи ва хизматчиларнинг ҳақи ҳам киради.

АКВИЗИТОР (лот.) — янги алоқаларни кенгайтириш, янги буюртмачилар ва мижозларни жалб этиш бўйича транспорт ёки сугурта агенти.

АКВИЗИЦИЯ (лот.) — биржада компания акцияларини унинг розилиги ёки розилигисиз сотиб олиш йўли билан унга эгалик қилиш.

АККЛАМАЦИЯ (лот.) — чақириқлар, реплика ва ҳ. к. ифодааланган мажлис иштирокчилари реакцияси асосида овозларни ҳисобга олмасдан мажлис томонидан қандайдир таклифни қабул қилиш ёки рад этиш.

АККРЕДИТИВ (нем., лот.) — 1. Шахсининг номига ёзилган ҳужжат, тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган шахс кредит муассасасидан (банкдан, қисман жамғарма банкидан) унда кўрсатилган суммани олиш ҳуқуқига эга бўлади; 2. Банк счётлари турларидан бири, бошқа шаҳарликлар нақд пулсиз ҳисоб-китоблари шакли сифатида корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамда тижорат операциялари бўйича ҳисоб-китобларда фойдаланилади. Контрагентга хизмат қилувчи банкдаги тўловчи топшириғи бўйича очилади. Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли товар ва хизматларнинг бошқа шаҳарликлар учун нақд пулсиз шакллари билан бири. Ҳисоб-китобнинг бундай шакли тартибга аниқ риоя қилмайдиган тўловчилар учун ҳам қўлланилади. А. икки тури фарқланади: шартсиз, бу бўйича банк А. икки турини сотиб олади, шартсиз, бу бўйича банк амал қилиш муддати тугаган пайтда эгаларидан барча облигацияларни сотиб олади, кейин эса эмитент ҳисобидан ўз харажатларини қоплайди. Бундай А. бўйича банк облигацияларни тўлов тўхтаб қолган ҳолда сотиб олади. Фойдасига А. ёзилган шахс бенефициант ёки олувчи деб аталади. Номидан банк А. ёзган ва ҳақ тўлаш амалга оширилган шахс аппликант ёки даъво қилувчи деб аталади. А. чақириб олинган бўлиши мумкин, яъни чақириб олиш имкониятига ёки даъвогар томонидан йўналишга тегишли, чақириб олинмайдиган, яъни агар бунга бенефициантнинг розилиги бўлган ҳолатларда чақириб олинисига ёки йўналишга тегишли бўлмаган. Бундан ташқари, тасдиқланган ёки тасдиқланмаган А. ҳам бўлиши мумкин. Тасдиқланган А. га кўра шунга мос равишда бошқа банк (банк-эмитентдан фарқ қилувчи) расмийлаштирилган ва тақдим этилган тратт ҳақи бўйича ўзига мажбурият қабул қилади. Тасдиқланмаган А. учун эса фақат банк-эмитент жавобгар ҳисобланади.

АККРЕДИТАЦИЯ (фр.) — 1. Қандайдир халқаро ташкилотда дипломатик вакил бошлиғи ёки доимий вакилни вазифага тайинлаш ва киришиш билан боғлиқ бўлган халқаро ҳуқуқдаги ҳаракатлар мажмуи; 2. Пулни олиш ёки савдо операцияларини ўтказишга кимгадир расмий ваколатлар бериш.

АККРЕДИТИВ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАКЛИ — бошқа шаҳардаги ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш усули. Аккредитив сотиб олувчи банкнинг маҳсулот етказиб берувчининг бошқа шаҳардаги банкига сотиб олувчининг аккредитив аризасида кўзда тутилган шартга кўра маҳсулот етказиб берувчининг счётига юборилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун топшириғи. Тўлов маҳсулот етказиб берувчининг турар жойи бўйича моддий бойликларни жўнатгандан кейин амалга оширилади ва шу мақсад учун бронланган воситалар билан кафолатланади. Бундай суммалар тўловчининг ўз маблағларидан ёки кредит ҳисобидан депозитга ўтказилади. Очiq аккредитивлар қисман кредит ҳисобидан рухсат берилмайди. Томонлар муносабатлари регуляp характерга эга бўлмаган ёки маҳсулот етказиб берувчининг тартибга аниқ риоя қилмайдиган тўловчига жарима солинган ҳолатлардагина ишлатилади. Банк муассасаси юкни жўнатганликни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлгандагина олинган аккредитив асосида қўйилган счётларни тўлайди. Аккредитив почта ва телеграф бўйича белгиланган минимумдан кам бўлмаган суммада очилиши мумкин. У чекланган вақт давомида (мисол учун 15 кун) фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган.

А.-КОНТО (*итал.*) — экспортёр билан дастлабки ҳисоб-китоб қилишни экспортёр счётлари асосида импортёр томонидан амалга ошириладиган тўлов.

АКСЕЛЕРАТОР (*лот.*) — бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда фойдаланадиган кўрсаткич. Акселерация принципи шундан келиб чиқадики, бунда истеъмол харажатларининг кўпайиши ёки камайиши капитал жамғарилишида ўзгариш бўлишини тақозо этади. Мисол, товарларга бўлган истеъмол талабининг бирмунча ўсиши ишлаб чиқариш қувватларининг кўпайиш натижаси бўлиши мумкин. Аксинча, истеъмол харажатларининг анча камайиши маҳсулот тайёрловчилар фойдасини шунчага камайтиради, бу уларга ҳаттоки эскирган ускунани алмаштириш имконини бермайди, яъни у ёки бу инвестицияни камайтиришга олиб келади. Акселерация коэффициенти (акселератор) истеъмол харажатларининг ўсиши ёки пасайиши тақозо этиладиган инвестициялар ҳажмининг ўзгаришини характерлайди.

АКСЕЛЕРАЦИЯ (*лот.*) — ишлаб чиқариш қувватларини, натижада истеъмол талабини камайтириш-кўпайтириш билан тақозо этиладиган инвестицияларни кўпайтириш-камайтириш. Миқдоран инвестициялар ўсишининг у тақозо этадиган даромад, истеъмол талаби ёки тайёр маҳсулотнинг нисбий ўсишига бўлган нисбатида ифодаланади.

АКТИВ (*лот.*) — 1. Маълум корхона ёки муассасага тегишли барча моддий бойликларнинг уларнинг тартиби ва жойлаштирилиши нуқтаи назаридан (пул маблағлари, бошқа муассасаларга қарз бериш-олиш талаблари ва ҳ. к.) пулда ифодаланишини акс эттирувчи бухгалтерия балансининг бир қисми; 2. Четдан олинган мамлакат пул даромадларининг (товар чиқариш натижасида) унинг чел элдаги харажатларидан ошиши; 3. Жисмоний ёки юридик шахсга тегишли мулккий ҳуқуқларнинг жами. Активлар материал субстанцияга эга бўлувчи кўриниб турадиган (ускуна, қурилиш, товар, материал ғамламалари) ва кўрииб турмайдиган (патентлар, қарз бериш-олиш мажбуриятлари ва ҳ. к.) бўлиши мумкин. Активлар уларнинг йил давомида пулга айланиши ёки айланмаслигига бўлиқ ҳолда жорий ва фиксацияланган хилларига бўлинади. Хўжалик амалиётида актив ва қарз баланслари тузилади. Қарз унинг счёти даврида қопланиши ёки ундан кейинги ўтишига қараб қисқа ва узоқ муддатга бўлинади. Фирма мулкчининг қиймати активдан қарзни чиқарган қийматга тенг бўлади.

АКТИВЛАР (*лот.*) — маблағ ёки ташкилот ресурслари: бинолар, машиналар, нақд пуллар.

АКТИВЛАР МУНОСАБАТИДАГИ ПРЕФЕРЕНЦИЯ (*имтиёз*) — имтиёзли акциялар эгаларига бизнес тугаган ёки корпорация тарқатилган ҳолатда кредиторлар даъволари қондирилгандан кейин ўз даъволарини қондиришни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи имтиёз.

АКТИВ ПОЗИЦИЯ — 1. Биржа савдосида тўпланган етказиб бериш ойлари. Активлар ўртасидаги бошқа ойларда етказиб бериш битимлари камдан-кам тузилади ва уларда баҳолар амалда котировка қилинмайди; 2. “Коллз” — махсус биржа сессиялари пайтида котировка қилинадиган етказиб бериш ойлари.

АКТИВ САЛЬДО (*лот., итал.*) — савдо ва тўлов балансида даромадларнинг харажатлардан ошиб кетиши.

“АКТИВ” ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР — объекти оммавий олди-сотди ҳисобланган, котировкаси тез-тез эълон қилиб туриладиган қимматбаҳо қоғозлар.

АКТ (*лот.*) — 1. Расмий ҳужжат, ёзувлар; 2. Қарор. Одатда А. деб маълум ҳуқуқий меъёрлар шаклида юридик, жисмоний шахслар, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий битимлар, шартномалар қайд этилган ҳужжатга айтилади.

АКТУАРИЙ (*лот., инг.*) — статистик ва математик методлардан фойдаланиш орқали суғурта хавфини баҳолайдиган ва суғурта мукофотини ҳисоблайдиган суғурта компанияси ходими.

АКТ ҚОҒОЗИ — шартномалар ва битимлар учун гербли (тамғали) қоғоз.

АКЦЕПТ (лат.) — тўловчи томонидан ўз муддатида вексель, сўёт, бошқа ҳисоб-китобларни ва товар ҳужжатларини тўлаш мажбуриятини қабул қилиши. Акцептант томонидан тўлов талабномасида “акцепт” қилинган ва унинг “имзоси” ёзуви тўлдирилади. Ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида ишни бажарувчи ёки етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) тўлов талабномаси тузилади ва банкка унинг ўз счётига ўтказиш учун берилади. Ушбу пулларни олганга қадар бажарувчи (етказиб берувчи)ни кредитлайди. Ундирилган суммани банк етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида тўловчидан олади. Акцепт ҳужжатлари ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Асосан, салбий А. қўлланилади, бунда агарда келишилган муддат давомида сотиб олувчи тўловдан воз кечмаган бўлса, тўлов талаби акцепт қилинган дейилади. Ижобий акцепт сотиб олувчининг ҳар бир тўлов талаби ҳақини тўлашга ёзма розилигини қўзда тутати. Акцепт дастлабки ёки сўнгги ҳам бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда акцептдан воз кечиш тўлов муддати келганга қадар банкка тақдим этилади. Сўнгги акцептда эса ундан воз кечиш товар ҳужжатлари ҳақини тўлагандан кейин ўз муддатида банкка тақдим этилади.

АКЦЕПТДАН ВОЗ КЕЧИШ (векселдан) (инг.); **ТЎЛОВДАН ВОЗ КЕЧИШ** (вексель бўйича) — агарда трассат векселни акцептлаштиришдан воз кечса ёки акцептлаштириб уни ўз муддатида тўлашдан воз кечса, уни акцептлаштиришдан ёки тўлашдан воз кечди дейилади. Акцептдаги бундай воз кечиш тўғрисида ўзини трассат томонидан тўланмаганлик учун жавобгар ҳисобловчи вексель эгаси ёки вексель бўйича тўлашдаги барча томонлар дарҳол хабар қилмоғи лозим.

АКЦЕПТДАН ҚИСМАН ВОЗ КЕЧИШ — товарларга ёки хизматларга ўрнатилган баҳоларнинг талабдагидан ошиб кетиши, арифметик хато, буюртма қилинганлар билан бир қатор қонунсиз моддий бойликларни жўнатиш, товар бир қисмининг муддати ўтганга қадар ҳужжат билан белгиланганга нисбатан акцепт учун сифатсизлиги, нокомплектлиги ёки стандарт талабларига мос келмаслиги, олдиндан қисман тўланган товарлар ва хизматларга талабларни айтиш билан тақозо этиладиган пул ёки товар ҳужжатларини тўлашдан кечиш.

АКЦЕПТ ИДОРАСИ ЁКИ БАНКИ — вексель билан таъминланганлик учун кредит берувчи молия ташкилоти. Кредит кредиторни трассатга қўшиш йўли билан берилиши мумкин (айниқса ташқи савдода). Акцепт идоралари товарни ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ўртасидаги вақтда, узилишни бартараф этиш учун экспортёрларни тез-тез кредитлаб туради. Бундай кредит тратта томонидан расмийлаштирилади ва айрим ҳолатларда акцепт кредити дейилади.

АКЦЕПТ КРЕДИТИ (лот.) — экспортёр ёки импортёр томонидан ўз векселларини банкка бериш йўли билан (агар шу банкка қўйилган бўлса) олинadиган банк кредити. Бундай векселлар сотилиши мумкин, яъни банк акцепти векселларни сотиб олувчига банкда шу бўйича расчёт олиш ҳуқуқини беради.

АКЦЕПТЛАШТИРИШ (лот.) — қимматбаҳо қоғозларни кафолатли жойлаштириш, акциялар олди-сотдисида воситачи фирмаларнинг вазифаларидан бири. Агарда қандайдир фирма акциялар чиқарган бўлса, улар фирмага сақлаб қўйишга берилади ва уларни омонатчиларга сотиш топширилади. Агарда акцияларнинг миқдори кўп бўлса, воситачи фирма маълум таваккалчиликка боради, чунки унда барча акцияларни тарқатиш имконияти бўлмаслиги мумкин. Аммо акциялар тўлиқ сотилган ҳолатда, у ўз хизматлари учун юқори даромад олади.

АКЦЕПТАНТ ЁКИ ТРАССАТ (лот.) — тақдим этилган счёт, вексель бўйича тўлов муддати келиши билан мажбуриятни тўлашни ўз бўйнига олувчи банкнинг ёки фирманинг жавобгар шахси.

АКЦЕПТСИЗ ТЎЛОВ ТАЛАБЛАРИ — тўловчининг розилигисиз ва унинг акцептдан воз кечиш тўғрисидаги аризасига қарамасдан тўловни банк орқали ундириб олиш. Қонунда кўрсатилган ҳолатларга кўра, шубҳасиз, қарз маблағларни ундириб олиш ифода этилган. Тўлов талаблари қуйидаги тартибда бўлади: уй-жой эксплуатацияси ташкилотларидан ўлчов-асбоблари кўрсаткичлари ва амал қилаётган тарифлари асосига кўра газ, сув ва иссиқлик энергияси учун; алоқа корхоналаридан ўрнатилган тариф бўйича телефондан фойдаланганлик учун; ташишга хизмат қиладиган, ҳужжатлар киритилган харажатлар бўйича юкларни ташишда бевосита ва аралаш алоқадаги темир йўл, кemasозлик ва автотранспорт ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун; сифати ва давлат стандартлари комплекслиги, техник шароитлар, намуналар ёки йўл бўйича мос келмайдиган товарларга ортиқча тўланган суммаларни қайтариб олиш учун қонунда кўрсатилгани бўйича тайёрловчилардан ва бошқа ҳолатларда жаримани ҳисобдан чиқаришга сотиб олувчилар талаблари.

АКЦЕПТЛАНГАН ТЎЛОВ КАФОЛАТИ — банк акцепти мавжуд кафолат, яъни тўловчи счётида тўлаш учун зарур маблағлари борлиги тўғрисида далил. Олувчига маблағларни ўтказишни кафолатлайди, алоқа вазирлиги корхоналари билан ҳисоб-китобда, транспорт ташкилотлари билан юкларни, йўловчилар гуруҳларини ва уларнинг юкларини ташиганлиги учун бир марталик ҳисоб-китобларда қўлланилади. Кафолат ўтказувчининг ҳисоб ва жорий счётларида маблағлар мавжудлигида бўладиган тўлов суммасини алоҳида баланс счётига депозитга қўйгандан кейин акцептлаштиради. Кафолатнинг акцептлаштирилган

нусхаси тўловчига берилади, товар ва хизматларни олгандан кейин маблағларни олувчига ўтказилади. Маблағлар олувчи уни ўз счётига ҳисоблаш ва депозитга қўйилган кафолат суммасини ўз счётидан чиқариб ташлаш учун банкка тақдим этади.

АКЦЕПТ УЙИ — халқаро савдода вексель таъминоти доирасидаги кредит берувчи молия институти. А. у. кўпинча товар ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ўртасидаги вақт фарқини бартараф этиш учун экспортёрларни кредитлайди. Шундай кредит тратта томонидан расмийлаштирилади ва акцепт кредит деб аталади.

АКЦЕССИОН ШАРТНОМА (лот.) — давлат бошқа давлатлар ўртасидаги олдиндан тузилган шартномага қўшиладиган шартнома.

АКЦЕССИЯ (лот.) — 1. Унинг таъсирида битта ўзи бошқа янги мулкдорга ўта олмайдиган ҳуқуқий ашё; 2. Мулкнинг кўпайиши (айниқса кўчмас мулк); 3. Шартнома ёки битимга қўшилиш.

АКЦЕССОР ШАРТНОМА (лот.) — фақат бошқа шартнома муносабати билан мавжуд бўладиган қўшимча шартнома.

АКЦИЗ (фр.) — эгри солиқ тури. Товар ёки хизмат баҳосига қўшимча сифатида олинади ва улар охириги истеъмолчи томонидан тўланади. Чет элда А. умумий солиқ сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади ва бюджет даромадларини кўпайтириш ва айрим товарларни истеъмол қилиш (тамаки, спиртли ичимлик), айрим тур ишлаб чиқаришнинг табиатга салбий таъсир қилиш оқибатлари билан тақозо этиладиган ижтимоий харажатларни қоплаш ҳамда қурилиш ва автомобиль йўлларига қараш (автомобилни сотиб олиш, солиқ тури сифатида, автомобиль ҳайдашга рухсат ва ҳ. к.) мамлакат ишлаб чиқариш ва бошқаларни протекционизм (мамлакат миллий иқтисодий сиёсат) учун фойдаланилади. Қоидага биноан А. товар қиймати билан ҳам, уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат харажатлари билан ҳам боғлиқ эмас, у солиқ олиш мақсади ва бюджетнинг даромад қисми эҳтиёжига боғлиқ ҳолда белгиланади. Айрим мамлакатларда истеъмолдан солиқ олиш, яъни чакана савдодаги ҳар бир сотиб олишдан, хизматлар соҳасидаги айланмасидан солиқдан, томошадан солиқ ва ҳ. к. кўпроқ ривожланиб бормоқда.

АКЦИОНЕР (фр.) — бир ёки ундан кўпроқ акцияларга эга бўлган акционер жамият аъзоси, бу унга жамият йиллик фойдасининг бир қисмини дивидент тарзида олиш ҳуқуқини беради ҳамда у акционер жамият тугатилганда мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлади. А. йиллик ва фавқулоддаги мажлис-

ларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган корхона эгаси. А. компания фаолиятини назорат қилишни амалга оширади, директорлар сайловларида қатнашади. Фавқулудда масалалар бўйича қарорларни тасдиқлайди (масалан, бошқа корпорациялар билан бирлашиш, фирмани сотиш ёки тугатиш, низомларга ўзгартиришлар киритиш ва тўлдириш). А. ундаги мавжуд акциялар қиймати чегарасида акционер корхонаси мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ — акцияларни сотиш орқали пул маблағларини марказлаштириш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда корпорациялар шаклида кенг тарқалган.

А. ж. ёпиқ турида акциялар фақат таъсисчилар ўртасида тарқатилади, очик турида эса акциялар эркин сотилади ва сотиб олинади. Очик А. ж. расмий жиҳатдан битта акцияни сотиб олган киши ҳам бирлашган мулкнинг биргаликдаги эгаси бўлиши мумкин. Аммо А. ж. мулкни бошқариш ва буйруқ беришда реал ҳокимиятга эга бўлиш учун акцияларнинг анча қисмини ўз қўлида тушлаши зарур (50 фоиздан ошик қисмини). Акционерларнинг умумий мажлисида улардаги овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар суммасига пропорционал равишда ҳар бир киши овоз миқдорига эга бўлади.

А. ж. — бу юридик шахс. У ўзининг низомига эга, унда жамиятнинг мақсади, капитал ҳажми, ишларни бошқариш тартиби аниқ кўрсатилган бўлади. Акционерларнинг умумий мажлиси А. ж. олий бошқариш органи ҳисобланади. Қоидага кўра мажлис бир йилда бир марта чақирилади, жорий ишларга маҳкама ёки директорлар кенгаши раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, тафтиш комиссияси сайланиши мумкин.

А. ж. оладиган фойдаси солиқларни тўлашга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, резервларни тўлдиришга, мукофотларни тўлашга ва ҳар бир кишининг акциялар суммаси қийматига пропорционал равишда акционерлар ўртасида даромадлар — дивидендлар сифатида тақсимланади.

Дивидендлар ҳажми А. ж. ишининг ҳолатига боғлиқ бўлади ва ҳар йили А. ж. олий органи томонидан белгиланади. Қимматбаҳо қоғозларнинг бозордаги номинал баҳосидан қатъи назар, улар бозор ёки курс баҳоси бўйича сотилади, бу эса уларга дивиденд келтиришга бевосита ва ссуда фоизига тескари боғлиқ бўлади. А. ж. мулки бўлинмайди. Ҳар бир акционер унинг акцияларининг қийматига мос равишда мулк ҳиссасига эга бўлади. А. ж. чиққанда эса фақат ўз акцияларини сотиши мумкин.

Акционерларни жалб этишнинг устунлиги — бу А. ж. мажбуриятлари бўйича жавобгарликнинг йўқдигидир. Банкрот бўлган

ҳолатда жамият аъзосининг ҳавфи унинг акционер капиталга солган ўз суммасидан ошмаслиги мумкин.

АКЦИОНЕР КАПИТАЛ — акционер жамиятнинг асосий капитали. Акциялар эмиссияси ҳисобидан ҳосил этилади. Низом капитали, обуна (обуна орқали ишга солинган), тўланган (обуна пайтида ўтказилган) капиталлар фарқланади. Одатда таъсисчилар компания активлари реал қийматидан анча ошиқ суммада акциялар чиқариш билан капиталнинг ажралишини амалга оширади. Ошган қисм фирманинг қўшимча капиталини ҳосил этувчи таъсис фойдасини ташкил этади. А. к. янада ўсиши жамғарилган фойдани капиталлаштириш орқали ва акцияларнинг янги эмиссияси ҳисобидан юз беради.

АКЦИОНЕР КИЧИК КОРХОНА — бирлашмани билдиради. Унинг таъсисчилари йирик корхоналар, шаҳар, туман ижроия қўмиталари, ижтимоий ташкилотлари, яъни ҳар қандай юридик ва хусусий шахслар, ҳаттоки чет эл давлатлари фуқароси бўлишлари мумкин. А. к. к. барча иштирокчилари фақат олинган акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўлагандан кейингина акцияларга ҳужайинлик ҳуқуқига эга бўладилар (корхона эгаси ҳуқуқига эмас). Шундан кейин корхона мустақил ҳуқуқий шахс бўлиб қолади, унга тегишли маблағлар доирасида тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Акционер жамиятнинг асосий фонди ҳажми аниқлангандан кейин таъсисчилар унинг ёпиқ ёки очик турини ҳал этиши керак. Ёпиқ турида акциялар фақат таъсисчилар ўртасида тақсимланади. Очик турида эса ҳар қандай хоҳловчиларга сотилади. Очик жамиятда акцияларнинг 60 фоиздан кам бўлмаган қисми очик обунага қўйилади, ёпиқда эса акцияларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган қисми таъсис мажлисига қадар тўланиши зарур, кейин банк топиш ва у билан шартнома қилиш керак. Фақат шундан кейингина мажлис чақирилади, жамият тузилгани тўғрисида баённома тузилади, низом тасдиқланади, раҳбар органлар сайланади.

А. к. к. катта истиқболга эга, аммо одатдаги кичик корхонага қараганда камроқ ҳуқуққа эга. Бу унга ривожланиш учун катта имконият очади. Бирданига йирик масалаларни ечишга киришиш мумкин. Аммо дастлабки капитални сарфлашга эътиборни кучайтириш зарур.

АКЦИОНЕР КОМПАНИЯ — акционер компания деб умумий акционер капиталга пул бадалларини бўлувчи, уни маълум тadbиркорлик фаолиятида фойдаланувчи ҳамда фойдаларни биргаликда олувчи ва зарарлар юкини биргалишиб кўтарувчи шахслар бирлашмасига айтилади.

АКЦИОНЕР МУЛКИ — бозор иқтисодиётида энг кўп тарқалган коллектив мулкчиликнинг маълум тури бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва хўжалик фаолияти натижаларини коллектив мулкдорлар томонидан биргаликда фойдаланишни билдиради. Акционер мулки акциялар сотиш ҳисобида ҳосил бўлган, шунингдек, ўзи хўжалик фаолияти натижасида олинган ва Қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир.

Акционер мулкка асосланган корхоналар йирик компания ҳисобланади, акционерлар маблағларини тўплайди, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун улардан капитал сифатида фойдаланади ва капиталдан олинган фойданинг бир қисmini акционерларга даромад — дивиденд сифатида тўлайди. Фуқаролар ва фирмаларнинг катта молиявий маблағларини бирлаштирган акционер мулки йирик миқёсдаги лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро назорат ва ҳар хил тармоқлар корхоналари ўртасида ишончли кооператив алоқаларни ўрнатиш имкониятига эга бўлади.

АКЦИОНЕР СЕРТИФИКАТ (*фр.*) — акцияларга эга қилиш юридик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Одатда бу варақ таркибида сувқоғоз белгиси бўлган юқори сифатли қоғоз бўлиб, унинг юқори қисмидаги жойда акция эгасининг номи ва акциялар миқдори ёзилган бўлади. Агар акция *А. с.* шаклида рўйхатдан ўтган бўлса, унда дивидендлар унинг эгасига тўғри почта орқали ўтказилади. Акциялар қайта сотилгандан кейин трансфер-агент фирмани мулкый ҳуқуқий сотиб олувчига перевод қилади ва янги сертификат беради.

АКЦИДЕНТНИЙ (*лот.*) — тасодикий, ёрдамчи, номуҳим, шартномалар ва битимларда тасодикий, номуҳим шарт-шароитлар акцидентлар деб аталади.

АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ НИЗОМИ — акционер жамиятни тузиш, фаолият қилиши ва тугатиш тўғрисида асосий ҳолатларни ўз ичига олувчи ҳужжат. Бунда фирманинг номи, жойланган жойи, жамиятларнинг мақсадлари, капитал чиқаришга руҳсат этилган сумма, акцияларнинг умумий сони ва уларнинг хара-ктеристикаси ва ҳ. к. ифодаланган бўлади. Низом рўйхатдан ўти-ши шарт.

АКЦИОНЕРЛАР УМУМИЙ МАЖЛИСИ — қонун, низом, ички регламент томонидан унинг компетенциясига кирувчи масалаларни ечиш учун акционерлар ёки уларнинг ишончли шахслари мажлиси.

АКЦИЯ (*фр.*) — акционер жамиятга солинган капитални тасдиқловчи ва унинг фойдасининг бир қисmini дивиденд тар-зида олишга кафолат берувчи қимматбаҳо қоғоз. Дивиденд фойда массасига, унинг жамғарилувчи ва истеъмол қилинувчи ҳисса-лари ўртасидаги пропорцияга, корпорациянинг инвестициявий

сиёсатига ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Акцияларда ифодаланган пул суммаси акцияларнинг номинал қиймати дейилади, бозорда акцияни сотиш баҳоси акциялар курси деб аталади. Акциялар курси у бўйича олинadиган дивидендга бевосита, фоиз нормасига эса қарама-қарши боғлиқликда бўлади.

А. эгаси овоз олиш ва корпорация раҳбарлигига сайланиш ҳуқуқига эга бўлади, натижада у корпорация мулкнинг биргалликдаги эгасига айланади. Корпорациялар А. чиқариш билан молиявий қудратга эга бўла бошлайди. Бу эса уларга йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Акциялар облигациялар сингари йирик хўжалик масалаларини ҳал этиш мақсадида бўлиниб қолган кичик пул маблағларини бирлаштириш учун ўйлаб топилган. Шу билан бир қаторда акциялар эгаси нафақат ўз капиталини кўпайтиради, балки овоз олиш ҳуқуқи ва акционернинг бошқа ҳуқуқларини реализация қилиш орқали тадбиркорлик ва хўжалик қобилиятини намоён қилади. А. эгаси акционер жамиятни бошқаришда иштирок этади. А. сотиш ва сотиб олиш қимматбаҳо қоғозлар бозори ҳисобланган фонд биржасида амалга ошади. А. ҳар хил турларда бўлади: оддий ва имтиёзли. Имтиёзли А. эгасига дивиденд олишга устун даражада ҳуқуқ беради, аммо бошқариш имконини бермайди. Оддий А. дивидендлар ҳажми ўтган йил хўжалик фаолияти натижалари бўйича акционерлар йиллик умумий мажлиси томонидан белгиланади. Ҳар бир оддий А. нинг эгасига акционерлар мажлиси бир овоз беради. Бундан ташқари, номи ёзилган ва кўрсатувчига атаб А. чиқарилади. Хусусий шахслар номи ёзилган А. сотиб олишлари мумкин, бу маблағ манбаларининг софлиги нуқтаи назаридан ушбу А. сотиш, сотиб олиш ва солиқ мажбуриятларини бажариш учун эгасининг пакетлар ҳажмини, унинг тўғрилигини назорат қилиш имконини беради.

Яна акционерлар мажлисида унинг эгасига овоз бериш ҳуқуқини бермайдиган ва бир овоз бериш ҳуқуқини берувчи А. бўлади. Одатдаги ёки биринчи чиқарилган А. бўлиб, булар акционерлар умумий мажлисида овоз бериш, акционер жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва дивидендларни олиш (уларни олиш кафолатланмайди) ҳуқуқини беради. Акционерга бир қанча овоз плурель ("кўп овозли"), компания томонидан сотиб олинadиган, чиқаришга рухсат берилган, аммо ҳали чиқарилмаган назначей А., устига ёзиб қўйилган қиймат каби А. ҳам фаолият қилади. Бундан ташқари, меҳнат жамоалари, корхоналар ва ташкилотлар, акционерлар жамияти А. ҳам фарқ қилинади.

АКЦИЯЛАР БАҲОСИ — кўпчилик мамлакатларда акция номинал баҳосининг минимал ҳажми кўзда тутилади. Масалан, Австрияда 100 шиллинг, Германияда 50 марка, Японияда 500

иен ва ҳ. к. Англия ва АҚШ нинг кўплаб штатларида акциянинг минимал баҳоси келишиб олинмайди. А. б. минимали қанча кам бўлса, акционерлар сонини кўпайиши ва озгина кишилар қўлида барча акционер капитални бошқаришни тўплаш эҳтимоли шунча катта бўлади. Кўплаб мамлакатларда корхона ишчилари ва хизматчилари ўртасида имтиёзли шарт билан тақсимлаш учун акциялар чиқариш амалда қўлланилмоқда.

Қимматбаҳо қоғозлар ҳисобланган акциялар фонд биржаларида ҳамда биржадан ташқари савдода сотилади ва сотиб олинади. Шунинг учун улар номинал баҳоси белгилангандан ташқари яна жамиятнинг фойда ҳажмига, дивидендига, акциялар бўйича тўланадиган банк фоизига, талаб ва таклифга, жамиятнинг молиявий аҳволига, тармоқ ва мамлакатдаги ишбилармонлик активлигига боғлиқ бўлган бозор курсига ҳам эга бўлади.

АКЦИЯЛАРГА (ёки акцияга) ГУВОҲЛИК — акция эгасига кўрсатилган акциялари ёки акционер капитал учун ҳуқуқ берувчи акционер жамиятнинг муҳри билан бириктирилган ҳужжат. Акциялар ва акционер капитал ўртасидаги фарқ қуйидагича: акциялар тўлиқ берилиши керак, акционер капитал эса қисмларга бўлиниши мумкин.

АКЦИЯЛАР ИНДЕКСЛАРИ — рақам кўрсаткичлари бўлиб, булар биржада котировка қилинадиган айрим акциялар курсларининг ўзгариши тўғрисида ахборотни бир бутун қилиб боғлайди ва шу билан кўплаб ушбу акциялар қийматининг ўзгариши тўғрисидаги прогнозни асосли қилиб қўяди. Миллий ва халқаро капитал бозорида белгилаб қўйилган кўплаб янгиликларга А. и. ҳам тегишли бўлади, яъни бозор хусусиятини ифодаловчи янги кўрсаткичлар ташкил топади. Масалан, немис бозори учун ДАХ-индекс киритилган (немисча А. и.). Халқаро аҳамиятга эга бўлган кейинги янгиликлардан бири 1990 йил октябрида Лондон биржасига киритилган Евротракт-индекс ҳисобланади. У континентал Европанинг 100 та энг муҳим акцияларини ҳисобга олади ва немис маркаларида ифодаланади.

Акциялар ва облигациялар эгаси ролида чиқадиганларни институционал инвестор — молия-кредит институтлари дейилади.

АКЦИЯЛАР НАЗОРАТ ПАКЕТИ — битта акционер қўлида тўпланган (фуқаро, ташкилотлар), унга акционер жамияти фаолияти устидан ҳақиқий назорат қилишни амалга оширишга имконият таъминловчи акцияларнинг бир қисми. Назарий жиҳатдан А. к. н. овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча чиқарилган акцияларнинг камида 51 фоизини ўз ичига олиши керак. Акцияларнинг акционерлар ўртасида тарқалиб кетганлиги, акционерлар умумий мажлисларида кичик акциялар эгаларининг қатнашмаслиги муносабати билан акционер жамият устидан тўлиқ на-

зорат қилиш учун акцияларнинг 8 фоизидан 20 тасига эга бўлиш старли ҳисобланади.

АКЦИЯЛАРГА ОБУНА — акционер жамиятни таъсис этиш босқичларидан бири. Агарда обуна низомда белгиланган низом фонди миқдорини қопламаса, акционер жамият амалга ошмаган бўлади. *А. о.* шартнома ҳисобланиб, унинг доирасидаги обуна бўлганлардан ҳар бири акционер жамиятнинг низом фондига ўзининг бадали ёки унинг қисми сифатида маълум суммани ўтказиш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ҳар бир обуначи томонидан акционер жамият тузилганига қадар қабул қилинади, тузилиши билан эса акционер жамиятнинг ўзи томонидан қабул қилинади. *А. о.* агарда бу жамиятни тузишга олиб келмаса, берилган пай пули қайтарилади. *А. о.* янги тузиладиган акционер жамиятнинг бир қатор акционерларини аниқлайди. У бирламчи молия бозорида акцияларни жойлаштиришни билдиради.

АКЦИЯЛАР ПАКЕТИ УЧУН ҚЎШИМЧА — сотиб олувчида корпорациядаги ҳокимияти ўсганлиги учун сотувчи томонидан акциялар пакетини олувчи акциялар курсига қўшимча.

АКЦИЯЛАР РАЗВЕРСТКАСИ — тегишли саволларга жавоб олинганлиги ёки шундай мақсад учун тузилган шартномаларни бажарганлик сабабли акционер компанияси акцияларини тақсимлаш.

АКЦИЯЛАР ҚИЙМАТИНИНГ КЎПАЙИШИГА ҲУҚУҚЛАР — опцион шакли, бунда корпорация менежерига акцияларнинг бозор қиймати ва корпорация унинг счётига ушбу қоғозларни ўтказган баҳо ўртасидаги фарқни нақд олиш ҳуқуқи берилади.

АЛЕАТОР БИТИМЛАР (*лот.*) — қалтис битимлар (айрим биржа битимлари, гаров ўйнаш).

АЛЕАТОРЛАР ОПЕРАЦИЯСИ (*лот.*) — қалтис, ютуққа, омад ўйинига ҳисоб-китоб қилинган операциялар (мисол: лотерея, тотализатор).

АЛИБИ (*лот.*) — айбланувчини унинг айбсизлигини исботловчи бошқа жойда, жиноят юз берган жойда топиш.

АЛИЕНАЦИЯ (*лот., инг.*) — бегоналашиш, сотиш; сотиш ёки бериш ҳуқуқи.

АЛЛОГРАФ (*грек.*) — бошқа шахс учун қўйилган сохта имзо; сохта қўлёзма.

АЛЛОЖ (*фр.*) — агарда вексель бланкада улар ортиқ жойлаштирилмаса ўтказиладиган, кафолатли ёзувлар учун векселга ёпиштириб қўйилган қўшимча варақ. *А.* аваль ҳам амалга ошириш мумкин. *А.* ҳозирги савдо битимларида кўплаб қўллар орқали ўтади, бунда векселни ўтказиш миқдори анча кўп бўлиши, ammo барча номдаги индоссантларни сигдириш учун векселнинг

орқа томонида жой етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда индоссаментларни кўпроқ жойлаштириш учун векселга аллонж деб аталувчи йўл-йўл қозғоз ёпиштирилади.

АЛМАШУВ ҚИЙМАТИ — товарнинг муайян нисбатларда бошқа товарларга айирбошланиш хоссаси. Икки товарнинг айирбошланиши уларнинг бир-бирига тенглаштирилишини билдиради. Бундай тенгланишнинг мазмунида уларга хос бўлган умумий объектив хоссалар, яъни тенг ижтимоий меҳнат ётади.

АЛЬПАРИ (итал.) — қимматбаҳо қозғозлар биржа, бозор курсининг ёки валюталар бозор курсининг уларнинг номинал қиймати билан (паритети) тенглашиши.

АЛЬТЕРНАТ (фр.) — 1. Қандайдир қонундан навбат билан фойдаланиш ёки қандайдир мажбуриятларни навбат билан бажариш; 2. Халқаро ҳуқуқда — шартнома қатнашчилари томонидан шартнома матнига навбат билан имзо қўйишни тартибга солиш тартиби, матндаги шартнома қилувчи томонларни навбат билан тилга олиш, имзоларнинг жойлашиши, муҳрларнинг қўйилиши ва ҳ. к.

АЛЬТЕРНАТИВА (лот., инг.) — биров-бировини инкор қилувчи имкониятлардан биттасини танлаб олишни амалга оширишдаги вазият.

АЛЬТЕРНАТИВ БУЙРУҚ (фр.) — лимитлашган баҳо бўйича маълум қимматбаҳо қозғозларни сотиб олиш ёки сотиш буйруғи.

АЛЬТЕРНАТИВ ЧЕК (фр.) — маълум шахс номига ёзилган, аммо шу бўйича уни тўлаш ҳар қандай унинг кўрсатувчиси учун амалга оширилиши мумкин бўлган чек.

АЛЬТЕРНАТИВ ҚИЙМАТ (фр.) — ўша вақт ёки ўша ресурсларни талаб қилувчи қулай альтернатив фаолият турларидан энг яхшиси билан шуғулланишда йўқотилган имконият нуқтаи назаридан ўлчанувчи товар ишлаб чиқариш ёки хизматлар қиймати.

АЛЪЯНС (фр.) — 1. Шартнома мажбуриятлари асосидаги иттифок, бирлашма (давлатлар, ташкилотлар); 2. Никоҳ бирлиги (мезальянс) — тенг бўлмаган никоҳ, паст ижтимоий табақадан бўлган шахс билан никоҳ.

АМАЛЬГАМАЦИЯ (фр.) — 1. Корпорациялар ва ҳ. к. ягона акционер компанияга аралашини, бирлашини ва қўшилиб-чирмашиб кетиши; 2. Рақобат кураши натижасида олдин мустақил бўлган икки ёки бир қанча банкларнинг қўшилиб кетиши.

АМАНАТ (араб.) — шартномани таъминлаш учун бериладиган гаровга ушлаб қолинган киши. Термин Қадимги Русда (Александр Невский аманат бўлган) ва айрим шарқ мамлакатларида фойдаланилган.

АМБАССАДОР (*исп.*) — элчи, олий дипломатик мартабага мос келувчи унвон. А. термини XIII асрда пайдо бўлган.

АМБАЛАЖ (*фр.*) — қадоқлаш бўйича харажатлар, қадоқлаш материали.

АМАЗОН БИТИМИ — Лотин Америкаси ассоциацияси интеграцияси доирасидаги субрегионал савдо-иқтисодий бирлашмаси. 1978 йилдаги имзолашга мувофиқ тузилган ва 1980 йилда кучга кирган. Амазон ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномага кўра унинг таркибига Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гайяна, Колумбия, Перу, Суринам ва Эквадор киради. А. б. тузишдан мақсад, Амазония ресурсларини ҳамкорликда ўрғаниш, ўзлаштириш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, Амазон зоналари ривожланиши натижаларини регион давлатлари ўртасида тақсимлаш ва А. б. мамлакатлари аъзолари ўртасидаги интеграцияни тезлаштириш.

АМОРТИЗАЦИЯ (*лот.*) — асосий фондлар қийматини махсус нормативлар ёрдамида яшлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга аста-секин ўтказилиши, пул маблағларининг мақсадли жамғарилиши ва уларни асосий фондларнинг эскирган қисмини қоплаш учун кейинчалик қўлланилишига айtilади. Амортизация ўз моҳиятига кўра асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлади ва корхоналар харажатларида ўз ифодасини топади.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишда эскиради. Натижада улар ўзининг истеъмол қийматини йўқотadi, уларнинг қиймати эса шунга мувофиқ камаяди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилгандан кейин даромаднинг бир қисми асосий фондларни тиклашга тайинланган махсус амортизация фондига ўтказилади.

Амортизация тўғри чизиқли ва бир текис бўлиши мумкин. У асосий фондларнинг қийматига тўғри пропорционал тарзда ҳисобланади ва уларни эксплуатация қилишнинг барча белгиланган муддатига бир текис тақсимланади. Амортизацияни кутиладиган фойдали самарадан олинган суммадан чиқариш имкони ҳам бор (мисол, автомобилнинг йўл босиши). Бундай ҳолатда амортизация фойдали самара бирлиги ҳисобланади ва ҳақиқатда фойдаланишга боғлиқ ҳолда ўтказилади. Бир текис амортизациядан ташқари, камайиб борувчи баланс усули бўйича ҳисобланган тезлаштирилган амортизация ҳам бўлиши мумкин. Бу усул эксплуатациянинг биринчи амортизация нормасини икки баробар оширишни кўзда тутadi, иккинчи йил эса қолдиқ қийматдан 20 фоиз ўтказилади ва ҳ. к. жами бўлиб асосий фондлар ярим хизмат муддати қийматининг учдан икки қисми амортизация қилинади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда амортизация ажратиш тартибини белгилаш йўли

лаштириш, ягона бож тарифи киритиш, кам ривожланган мамлакатлар учун имтиёзли шароит яратиш орқали уларнинг иқтисодий ўсишини тезлаштиришдан иборатдир.

АНКЕТАЛАШТИРИШ — маркетинг тадқиқотида миждозлар билан сўроқ ўтказиш усулларида бири. А. жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: анкеталарни тайёрлаш, қайси сўралган саволларга жавоб бериш мумкин; анкеталарни тарқатиш, уларни ишлаш ва таҳлил қилиш. А. да икки хилдаги саволлар бўлади: 1) очиқ савол, бунга сўралаётган кишининг ўз сўзи билан жавоб бериш имконияти бўлади; 2) ёпиқ савол, бу барча вариант жавобларини ўз ичига олади ва сўралаётган киши очиқ саволлардан фақат биттасини танлайди.

АНГЛИЯ АУКЦИОНИ — ставкалари пастдан юқорига кўтариладиган ва товар савдоси энг юқори ставкани тақлиф қилган охириги харидорга сотилмагунча давом этадиган аукцион.

АННУИТЕТ (нем., фр.) — 1) Йиллик қарзни қоплаш ва фоизларни тўлаш учун давлатнинг муддатли қарзи; 2) Ҳар йили кредиторга олинган қарзни қоплаш (фоизни ҳам қўшиб) ҳисобига тўланадиган маълум пул суммаси.

АНОМАЛИЯ (грек.) — жамиятдаги кризис, эълон қилинган мақсадлар (бойлик, ҳокимият) ўртасидаги зиддиятлар ва уларни реализация қилишнинг мумкин эмаслиги билан тақозо этиладиган қийматликларни жойлаштиришни характерловчи индивидуал ва жамият онгининг ахлоқий-психологик ҳолати; кишининг жамиятдан бегоналашиши, лоқайдлик, кўнгил қолганликда ифодаланади ва қоидага кўра жиноятчиликнинг ўсишига олиб боради.

АНОНС (фр.) — бўлажак аукцион, кўргазма-сотиш тўғрисида эълон қилиш.

АНТИДЕМПИНГ БОЖ — товарларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатига зид бўлган таннархидан паст баҳога сотишдан бозорни ҳимоя қилиш воситаси.

АНТИДЕМПИНГ ҚОИДАЛАРИ — янги протекционизмга тегишли қоидалар. Мамлакат ўз товарларини таннархидан паст ёки демпинг баҳода сотади деганда нимани тушуниш лозим? Биринчидан, товар эгаси бўлган мамлакат ўзининг экспорт товарларини чет эл бозорларида мамлакат ички бозорига нисбатан арзон сотади, иккинчидан, товарларни реализация қилиш уларни ишлаб чиқаришга нисбатан анча арзонга тушади. АҚШнинг айрим қонунлари мазмунига кўра, мамлакат бозорлари импорт товарларини демпинг баҳоси бўйича сотишда рақобатга дуч келса, улар янги тариф киритилишини талаб қилишлари мумкин. Масалан, АҚШнинг пўлат ишлаб чиқариш компанияси ҳокимиятга шундай ҳолатлардан ҳимоя қилишни сўраб мувожаат қилган.

АНТИДЕМПИНГ ҚОНУН — миллий иқтисодий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда импортни тўхтатиш бўйича давлатнинг антидемпинг чоралари. Демпинг билан расмий қонунлаштирилган кураш-тарифлар ва савдо бўйича бош битим доирасида махсус антидемпинг кодекси тарзида расмийлашган. Демпингдаги айбланиш сони сезиларли ўсмоқда. Агарда 70-йилларнинг охирида улар 100дан ошди бўлган бўлса, 80-йиллар ўртасида 190 га етган. Ҳаммаси бўлиб 80-йиллар охирида ишни кўриш жараёнида қарийб 600 процедура қатнашган. Текширишнинг антидемпинг объектига тушиб қолаётган товарлар турлари кўпаймоқда.

АНТИИНФЛЯЦИЯ СИЁСАТИ — давлат томонидан пул муомаласини тартибга солиш, пул массасини қисқартириш, нархнинг ўртача ўсишини тўхтатишга йўналтирилган танлаб олган йўли ва ўтказадиган чора-тадбирлар мажмуи. Кўпинча бу макроиқтисодий даражада умумий барқарорлик чоралари билан уйғунлаштирилмоқда. Антиинфляция сиёсати инфляция маҳовигини айлантеришнинг олдини олиш ёки бўлмаса тобора ўсиб бораётган инфляция вазияти шароитида олиб борилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳар хил кўринишдаги антиинфляция сиёсати, яъни дефляция сиёсати амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда антиинфляция сиёсатининг асосий объекти харажатлар инфляцияси ҳисобланади (баҳолар — даромадлар — баҳолар спирали). Шунинг учун антиинфляция сиёсати энг аввало даромадлар ва баҳолар ўсишини музлатиш ёки чеклаш, кредитни қимматлаштириш орқали ортқча ишбилармонлик активлигини тўхтатиш йўли билан бажарилади. Фақат иккинчи навбатда давлат бюджетини тартибга солиш, давлат харажатларини қисқартирилиши кўриб чиқилади. Собиқ Иттифоқда ва ҳозирги директив режа иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида турган мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларида вазият бошқача. Бу ерда асосий хавф асосан бюджет-кредит табиатига эга бўлган инфляция талаби ҳисобланади. Иқтисодиётдаги пул массасининг айланиб ўсиши энг аввало давлат молия мажбуриятларининг кўпайиши билан рўй бермоқда (текинга кредит бериш, қарзларни, дотацияларни, молиявий имтиёзларни ҳисобдан чиқариш). Баҳо устидан давлат назорати инфляцияни яшириш ҳолатига ўтказди, бу эса умумий тақчиллик, ажиотаж талаб, пулга ишончсизлик билан бирга содир бўлади. Бу пул муомаласини шиддат билан тезлаштиради ва моҳиятига кўра қиммати бир хил пул массаларини қўшимча ҳақдан ташқари кўпайтиради. Бу вазиятда жаҳон молия уюшмаси ва етук иттифоқ иқтисодчиларининг тавсиявий стратегияси бири-бирига тўғри келади. Ривожланган молиявий бозор етишмаслик шароитида антиинфляция сиёсати энг аввало давлат бюджети-

ни тартибга солиш, унинг тақчиллигини бартараф қилиш, инвестиция, ишлаб чиқарувчиларга дотация бериш, ҳарбий харажатлар соҳасида давлат харажатлари ва молиявий мажбуриятларни қисқартиришга таяниши керак. Давлат харажатлари структурасининг ўзгариши зарар келтираётган корхоналарни бюджет ва бюджетдан ташқари молиялашни тугатиш, ҳар хил нафақа тулашни коррективировка қилиш, пенсия тизимини бюджет билан қўллаб-қувватламайдиган пенсия маблағига ўтказиш, давлатнинг барча ноижтимоий харажатларини қатъий қисқартириш, тақчил бюджетни фақат молия бозорида давлат мажбуриятларини жойлаштириш асосида молиялашни кўзда тутати.

Кредит соҳасида ссуда фоизининг депозитлар ставкаси бўйича максимал ва ссуда фоизи ставкаси бўйича минимал даражасини, бошқа кредитнинг максимал ҳажмини ўрнатишни, барча банклар ва мажбуриятнинг барча турлари учун резерв талабнинг ягона нормасини киритишни кўзда тутати. Шунингдек, валюта бозори тузилади, пулнинг реал валюта қиймати ўрнатилади. Ўз навбатида баҳони либерализация қилиш, яъни яширин инфляцияни тугатиш, бюджет тақчиллигини ялпи миллий маҳсулотдан 3 фоиздан ошмаслик даражасида қисқартириш, қатъий солиқ ва кредит-пул интизомини иш ҳақи ўсишининг ёки иш ҳақи фондининг суръати учун юқори чегара ўрнатишни кўзда тутати. Тавсия қилинадиган солиқ чора-тадбирлари, яъни оборотдан, солиқдан солиқ олинадиган товарлар улгуржи баҳосининг ҳар қандай ошишини чакана нархлар ҳисобида кўзда тутувчи қўшилган қийматга солиқ солишга ўтиш, шахсий ягона даромад солиғи киритишга қаратилган бўлади.

Узоқ муддатли режада антиинфляция сиёсати обдан ўйланган структуравий ва инвестиция сиёсати билан узвий боғланган бўлиши керак, акс ҳолда бундай баланссизликлар инфляция талабини тиклайди ва инфляциянинг янги ҳалқасини туғдиради.

АНТИМОНОПОЛ СИЁСАТ — ишлаб чиқаришни монополаштиришга қарши ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилган давлатнинг комплекс тадбирлари (тегишли қонунлар, солиқ олиш тизими, денационализация, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик корхоналар тузишни тақдирлаш ва ҳ. к.).

АНТИМОНОПОЛ ТАРТИБГА СОЛИНИШ — ишлаб чиқарувчиларнинг бозорни монополизация қилиш имкониятини чеклаш мақсадида давлат томонидан амалга ошириладиган қонуний, маъмурий ва иқтисодий тадбирларнинг мажмуи. Ривожланган индустриал мамлакатлар антимонопол тартибга солишда катта тажрибага эга. Биринчи марта АҚШда ишланган ва қабул қилинган трестларга қарши қонунлар кейинчалик барча ривожланган sanoat мамлакатларига тарқалди. Шунингдек, кар-

теллар ва трестлар фаолиятини тўхтатиш каби маъмурий чоралар ҳам қўлланилмоқда (иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия ва Япония иқтисодиётида бўлган).

Одатдаги иқтисодий чора — бу монопол ишлаб чиқарувчилар учун нархнинг ўсишини чеклашдир. Янги ва энг янги технологиялар соҳасидаги монополизмга келганда шуни айтиш мумкинки, у қондага кўра рақобат орқали бартараф қилинади ва давлатнинг вазифаси уни ҳар хил усуллар билан мукофотлашдан иборатдир. Юқорида кўрсатилган монополизмни бартараф қилиш бўйича чоралар мустақил Ҳамдўст Мамлакатлар иқтисодиёти учун ҳам қўлланилса бўлади, чунки монополизация даражаси индустриал давлатлар ўртасида энг юқори. Антимонопол қонунлар жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, унинг асосида эса махсус антимонопол қўмита тузилган. Унинг асосий вазифаси бозор структурасини таҳлил қилиш, монополизм маълумотларини тушунтириш, антимонопол қонунларни турмушга тадбиқ қилиш, қонунлар ва давлат қарорларини қабул қилувчи антимонопол экспертиза тузиш, корхоналар — монополистларга жарима қўллаш, монополияларни қайта тузиш ва бўлиб юбориш бўйича тавсия тайёрлашдан иборатдир. Монополияларни бўлиб юбориш деганда монопол бошқариш структурасини тугатиш, энг йирик, кўпинча сунъий равишда тузилган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарини ташкилий жиҳатдан бўлиб юбориш кўзда тутилади. Бунда энг жиддий муаммо савдони, айниқса, улгуржи савдони ва моддий-техника таъминотини демонополизация қилиш ҳисобланади. Антимонопол тартибга солиш инфраструктуралардан ташқари кўпгина товарлар гуруҳига нархни либераллаштириш бўйича тегишли баҳо сиёсати олиб боришни кўзлайди (транспорт, алоқа ва бошқаларга давлат назорати сақланиб қолади). Асосан, қисқа муддатли хусусиятга эга бўлган шундай комплекс чоралар ўрта муддатли ва узоқ муддатли антимонопол тартибга солиш асосини ўрнатади. Унинг асоси рақобатни мукофотлаш сиёсати бўлиб, бу мамлакат бозорида чет эл ишлаб чиқарувчиларига назорат қилиш чегарасида йўл қўйиш, мавжуд монополияларга қарши турган ишлаб чиқарувчи рақобатчиларни молия, солиқ ва кредит бўйича рағбатлантириш, ишлаб чиқариш диверсификациясини мукофотлаш тадбирлари тизимини ишлаб чиқади ва қабул қилади. Нарх ва нонарх рақобатнинг ҳар хил усулларида, яъни фирма хизмати, доимий сотиб олувчилар нархидан скидка қилиш, кредитга сотиш ва ҳ. к. фойдаланиш лозим бўлади.

Жамиятда тадбиркорликни, рақобатни мукофотловчи, шу жумладан, кичик бизнес ва оилавий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи ижтимоий-сиёсий ва рухий муҳит яратиш ҳам му-

ҳим аҳамиятга эга бўлади. Макроиқтисодий даражада молиявий барқарорлик, талаб ва таклифнинг баланслилигига эришиш билан антимонопол тартибга солишнинг умумиқтисодий шароити яратилади.

АНТИМОНОПОЛ ҚОНУНЛАР — бозорда ҳужалик обороти иштирокчилари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун йўли билан мустаҳкамланган энг муҳим қоидалари. А. қ. асосий мақсади халқ ҳужалигида рақобатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва рағбатлантиришни таъминлаш, қонун асосида марказий ҳокимият органлари монополистик хатти-ҳаракатларни, ҳужалик обороти иштирокчилари диктаторлигини истисно қилиш йўлидаги активлаштириш билан боғлиқ бўлган барча тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда монополистик ҳаракатларни тартибга солишда соф рақобат қоидаларини тузишидаги ҳуқуқий тартиботни аниқлашдан иборатдир.

АНТИЦИПАЦИЯ (лот.) — келишилган муддатга қадар қарз мажбурияти бўйича пулларни тўлаш.

АПОРТЛАР (фр.) — акциялар учун тўлаш мақсадида акционер жамиятга тушадиган маблағ. А. га маълум суммани пул капиталига баҳоланадиган ва тенглаштириладиган товарлар, савдо ва саноат корхоналари сифатида тақдим қилиниши мумкин. Кўпинча таъсисчилар тегишли маблағ қийматларига қараганда энг катта миқдордаги акцияларни олиш учун ўз корхоналари ва товарларини акционер жамиятларга А. тарзида оширилган баҳода берадилар.

АПРОБАЦИЯ (лот.) — текширишга, синовга асосланган розилик бериш, маъқуллаш, тасдиқлаш; кўпинча А. терминидан нотўғри фойдаланишда, унинг ўрнига синаш, синаб кўрмоқ тушунчалари истеъмол қилинади.

АРАЛАШ БАНКЛАР — 1. Чет эл капитали иштирокида ишлайдиган банклар; 2. Давлат ва хусусий капиталлар иштирокида ишлайдиган ярим давлат банклари.

АРАЛАШ ЖАМИЯТ — 1. Хусусий ва давлат капиталлари бўлган корхона; 2. Капитали тadbиркорларга (юридик ва jisмоний шахсларга) ёки икки ёки ундан ошиқ мамлакатлар давлатлари муассасаларига тегишли бўлган корхона.

АРАЛАШ АССОЦИАЦИЯЛАР — ишлаб чиқариш — ҳужалик ва ижтимоий фаолиятга олиб келувчи ўзининг асосий тавсифига эга.

АРАЛАШ ЎРТОҚЛИК — ҳамкорликда фаолият қилиш учун улар ўртасидаги шартномага асосан тузилган бир неча граждaнлар ва (ёки) юридик шахслар бирлашмаси. А. ў. ҳақиқий аъзолар ва омонатчи аъзоларни ўз ичига олади.

АРБИТРАЖ (фр.) — давлат корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги мулкий баҳсларни ечиш учун давлат

органи. Давлат арбитражида қуйидаги масалалар қўрилиши мумкин: шартномавий етказиб бериш ёки қарзларни ундириб олишни бажармаганлик масалалари бўйича корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг бир-бирларига даъволари; ўша бозорда, аммо кейинги даврда ёки бошқа бозорларда товарларни (контрактларни) энг фойдали нарх бўйича қайта сотиш йўли билан даромадларни олиш мақсади бўлган фаолияти; баҳслар воситачи судья (арбитр) томонидан ечиладиган ҳакамлар суди ва ҳ. к.

АРБИТРАЖ БИТИМ — 1. Бир вақтнинг ўзида битта бозорнинг ўзидан чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ёки товарларни сотиб олиш ва уларни (энг юқори баҳо билан) бошқа бозорда сотиш; 2. Ҳар бир биржа марказларида ҳар бир баҳолар даражасидан фойдаланишга асосланган фойдали биржа битими (“spot” ёки муддатли).

АРБИТРАЖ СУДИ — савдо-саноат палатасида доимо амал қилувчи ижтимоий ташкилот. У ташқи иқтисодий ва фан-техника алоқаларини амалга оширишда шартнома ва гражданлик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи баҳсларни ечиш учун тузилган.

АРБИТРАЖЁР (*фр.*) — товар, фонд, валюта ва пул бозорларида арбитраж битимларни амалга оширадиган молия-кредит муассасалари, йирик корпорациялар ва фирмалар.

АРБИТРАЖЛАШТИРИШ — фойда олишга йўналтирилган ва бирон нарсани битта бозорда паст баҳода харид қилиш йўли билан амалга ошириладиган ҳамда ушбу товарни бошқа бозорда энг юқори нарх билан қайта сотадиган фаолият.

АРТЕЛЬ — умумхўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси шаклларида бири.

Чайқовчиликдан фарқли ўлароқ (товарни бир вақтнинг ўзида битта бозорда сотиб олиш ва қайта сотиш) А. бир хил товарни ҳар хил бозорлар нархидаги фарқи ҳисобидан мавжуд бўлади. Соф ҳолда А. қишлоқ хўжалик, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида иштирок этади.

АССОРТИМЕНТ (*фр.*) — номлари, турлари, сортлари, маркалари, ҳажмлари, артикуллари ва ҳ. к. бўйича конкретлаштириладиган бир хил номли маҳсулот (хизмат)ни танлаш.

АССОРТИМЕНТ АЙИРБОШЛАШ — ички савдо ташкилотлари (давлат, кооператив ва ҳ. к.), айниқса чегара олди ҳудудлари томонидан истеъмолга мўлжалланган товарларни баланс асосида ўзаро етказиб бериш. Шундай етказиб бериш ҳажмлари томонларнинг биттасининг ички чакана баҳоларида ёки эквивалент валютага ҳисобланган шартнома баҳоларида аниқланади. А. а. ташқи савдо битимлари доирасидан ташқари, биринчи навбатда чегара олди мамлакатлар территорияси ўртасидаги реа-

лизация қилинадиган кенг истеъмол товарлари комплектини бойитиш ва кенгайтириш имконини беради. *А. а.* универмаглар савдо иқтисодий ҳамкорлиги ҳисобланади. Айни пайтда *А. а.* рақиблар ҳудудида очиладиган айрим мамлакатларнинг фирма магазинлари ёрдамида ҳам амалга оширилади (мисол, Москва шаҳридаги “Лейпциг”, “Ядрон”, “Балатон”, “Кобул” ва ҳ. к.). *А. а.* ташқи иқтисодий фаолиятда туб ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янада ривожланиш учун қулай шарт-шароит туғдирувчи чегара олди ва қирғоқ олди ташқи иқтисодий айирбошлашнинг муҳим ва истиқболли шаклидир.

АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИ — моддий ишлаб чиқариш соҳасида узоқ вақт мобайнида натурал шаклда фаолият қиладиган ва ўз қийматини янгидан ҳосил қилинган маҳсулотга аста-секин ўтказиб борадиган ва бир қанча доиравий айланишларни ўз ичига олувчи меҳнат воситаларининг жами. *А. и. ч. ф.* таркибига бинолар, иншоотлар, алоқа қурилмалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, маҳсулдор чорва моллари ва уй ҳайвонлари, кўп йиллик дарахтлар ва ҳ. к. ки-ради.

АСОСИЙ КАПИТАЛ — меҳнат воситаси бўлиб, у машина, асбоб-ускуна, ишлаб чиқариш бинолари, ускуналари ва ҳ. к. ўз ичига олади ва ўз қийматини ишлаб чиқарилган товарларга қисман-қисман ва узоқ муддатда ўтказиб бориш йўли билан қоплайди. Асосий капитал жисмоний ва маънавий эскириб бориш хусусиятига эга.

АСОСИЙ НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИ — ижтимоий меҳнат билан яратилган, ноишлаб чиқариш соҳасида узоқ вақт давомида хизмат қиладиган ҳамда ўз қийматини аста-секин эскириб бориш йўли билан йўқотадиган моддий-ашёвий бойликлар йиғиндиси. *А. и. ч. ф.* га уй-жой ва коммунал хўжалиги, аҳоли пунктларининг ташқи ободончилиги, фан, маориф, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, маъмурий ва жамоат ташкилотларининг асосий фондлари ки-ради.

АССИГНАТЛАР (*фр.*) — буюк француз революцияси давридаги (1789—1794 йиллар) қоғоз пуллар. 1789 йил декабрида биринчи марта йирик купюраларда (10000 ливр) 400 млн ливр фойз қоғозлари сифатида чиқарилган эди. Уларни таъминлаш учун эса революция томонидан мусодара қилинган қироллик ва черков мол-мулклари хизмат қилиши зарур эди. Иккинчи марта (1790 й.) 800 млн ливр фойзсиз чиқарилган. *А.* қонуний тўлов воситаси деб эълон қилинган эди, шу сабаб ҳар хил кичик купюраларда чиқарила бошланди ва металл тангаларга тенглаштирилди.

АССИГНАЦИЯЛАР (*фр.*) — 1769 йилдан 1849 йилгача Россияда чиқарилган қоғоз пуллар. *А.* чиқаришнинг бевосита са-

баблари Туркия билан бўлган уруш ва ҳўжалик оборотига бесўнақий мис ҳамда кумуш тангалар ўрнига муомаланинг қулай воситасини бериш зарурлиги ҳисобланади.

АССИГНОВКА (лот.) — ҳужжат, буйруқ, шу бўйича вазифадор шахсга ёки кредит муассасаларига очилган харажат амалга оширилади ёки маълум мақсад учун маълум сумма бериледи.

АССИММЕТРИК АХБОРОТ — битимларнинг айрим иштирокчилари эга бўлган, бошқа манфаатдор шахслар шундай ахборотга эга бўлмаган вазият.

АССОЦИАЦИЯ (лот.) — бошқа бирлашмаларга кириши мумкин бўлган иқтисодий мустақил корхонадар, ташкилотлар эркин бирлашувининг энг юксак шакли, ўзининг тармоқ ва регионал итоатлилигини сақлаб қолади. А. фан-техника, тижорат, ижтимоий ишлаб чиқариш, иқтисодий ва бошқа масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш учун шартнома асосида ташкил этилади. Қоидага кўра А. таркибига маълум ҳудудда жойлашган бир ихтисосга оид ташкилотлар киради. А. мулки унинг аъзоларининг кириш бадаллари, ўз фаолияти даромадлари, ҳомийлар бадаллари, кредитлар ва ҳ. к. дан иборат бўлади. Қоидага кўра, А. га таъсисчилар кенгаши раҳбарлик қилади, у президент (раис)ни сайлайди, таъсисчилар мажлислари ўртасидаги даврда принципиал масалалар ечимини ҳал этувчи правление (дирекция)ни ташкил этади.

АССОЦИАЦИЯЛАНГАН АЪЗО — операция залига кириш имкониятига эга бўлган, аммо битимни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс.

АССОЦИАЦИЯЛАНГАН ШАХС — воситачилик уйлари хизматчиси ҳамда агент ва у билан боғлиқ бўлган шахс (шахслар), улар миждозларни излаш билан шуғулланадилар, уларнинг буйруқларини қабул қиладилар, улар билан доимий алоқада бўладилар, уларга биржа тактикаси тўғрисида тавсиялар берадилар. АҚШда А. ш. савдо биржасини тартибга солувчи (фьючерс товар савдоси бўйича комиссиялар) давлат органида рўйхатдан ўтишлари шарт.

АУДИТ (лот.) — унинг ишончлилигини ва молия ҳамда ҳўжалик операция қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий актларига ҳамда бухгалтерия ҳисоби ёки бошқа молия ҳисоботи юритиш талабларига мос келишлиги, реаллиги ва ўзлиқлигини аниқлаш мақсадида унга ваколати бўлган аудитор шахслар (аудитор фирмалар) томонидан мустақил экспертиза ва ҳўжалик субъектлари молия ҳисоботи таҳлили. Аудит консалтингни ҳам (миждозга шартнома бўйича хизматлар таклиф этиш) ўз ичига олади.

АУДИТОР (лот.) — корхонанинг молиявий фаолиятини назорат ва таҳлил қилувчи ҳамда йиллик бухгалтерия ҳисобот-

лари ва баланслари бўйича хулоса берувчи ревизор, аудитор фирмаси ходими.

АУДИТОР ФИРМА — корхоналарни текшириш ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тасдиқлаш учун дастлабки шартнома асосида амалга ошириладиган мустақил ҳўжалик ҳисоботи ташкилоти. *А. ф.* текшириш давомида қўйидагиларни назорат қилади: бухгалтерия ҳисоби ва унинг кўрсатилган талабларга мос келишлиги, молия ҳўжалик масалалари бўйича амал қилаётган қонунларга ва таъсис ҳамда бошқа ҳўжатлар низомларига, бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ҳақиқий ҳолатга мос келишлигига риоя қилиш. Аудиторлар талаби бўйича корхоналар барча сўраладиган бухгалтерия ҳисоби ҳўжатларини тақдим этиш, кассадаги нақд пул, товарлар, асосий воситалар ва корхонанинг бошқа воситаларини инвентаризация қилишга таъсир кўрсатишга мажбурдирлар. Текшириш натижалари бўйича йиллик ҳисобот таркибига киритиладиган ва молия органига ҳисоботдан кейин йил давомида тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоби ва корхона ҳисоботларининг ишончилиги тўғрисида аудитор хулосасини беради.

АУДИТОР ХИЗМАТ — контракт асосида акционер компанияларининг молиявий ҳўжалик фаолиятини текширувчи аудитлар-фирмалар. *А. х.* одатда тегишли акционер компаниялар фаолиятини кузатувчи давлат органларидан махсус ваколат олади. *А. х.* асосий вазифаси текшириладиган компаниянинг молиявий ҳолати тўғрисида хулоса беришдан иборатдир, бу эса қонунда белгиланган тартиб бўйича мавжуд компаниянинг унинг махсус баланси ва фойда ҳамда зарар сётлари билан биргаликда фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботда эълон қилинади. Бундан ташқари, кўпгина *А. х.* нафақат назорат, айни пайтда, маслаҳатлар бериш вазифасини ҳам бажарадилар.

АУДИТОР ХУЛОСАСИ — аудитор томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ва ҳўжалик субъекти ҳисоботининг бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ошкор йиллик молия ҳисоботи тузиш талабларига мос келиши тўғрисида унинг фикр-мулоҳазаларини ўз ичига олувчи ҳўжат.

АУКЦИОН (*нем.*) — кўрсатма учун олдин қўйилган товарлар миқдори ёки мулкларни олдиндан белгиланган вақтда ва кўрсатилган жойда ошкора савдо билан сотиш. Сотиладиган товарлар ёки мулк энг юқори баҳо таклиф қилган сотиб олувчига насиб бўлади. *А.* мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Мажбурий *А.* суд органлари ёки ҳокимият органлари томонидан тўламаганлардан қарзларни ундириш ҳамда ҳар хил давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан мусодара қилинган юкларни, қўйилган, аммо ўз муддатида сотиб олинмаган мулкларни, талаб қилиб олинмаган ва тўланмаган товарлар ва ҳ. к. реализация қилиш

учун ўтказилади. Ихтиёрий *А.* сотиладиган товарлар ёки мулк эгалигининг ташаббуси бўйича уларни энг юқори фойда билан реализация қилиш мақсадида ташкил этилади. *А.* олдиндан эълон қилинган вақтда, ҳар хил даврларда ўтказилади. Товарнинг эгаси уни олдиндан аукцион омборга етказди, бунда кўрсатма учун бир хил партияли товарлар савдо бошланганга қадар сотиб олувчиларга тақдим этилади. Савдо пайтида ушбу товарлар каталогда кўрсатилган кўрсаткич тартибида навбат билан сотишга қўйилади. Энг юқори баҳо таклиф этган киши сотиб олган ҳисобланади. Ўқимлар оғзаки ёки шартли белгилар орқали тузилади, савдо амалга ошгандан кейин, сотиб олувчи стандарт шартномага имзо чекади.

Халқаро товарлар *А.* йирик савдо марказларида, асосан, бир йилда 2—4 марта ташкил этилади (порт шаҳарлари Лондон, Нью-Йорк, Амстердам, Калькутта, Ливерпуль ва ҳ. к.). *А.* ўтказиш учун комиссия асосида ишлайдиган махсус фирмалар мавжуд. *А.* брокерлик фирмалари ва ассоциациялари томонидан ҳам ташкил этилади.

АУКЦИОНЕР (нем.) — аукцион иштирокчиси.

АУКЦИОНИСТ (нем.) — аукционни ўтказувчи шахс. Қондага кўра *А.* аукционни ўтказиш учун махсус тайёрланган шахслар ҳисобланади. Улар тегишли аукцион савдолари қоидаларини билган, ташкил этиш ва ўтказиш техникасини эгаллаган бўлишлари, аукцион орқали ўтадиган товарлар сифати ва хусусиятларини яхши текшира оладиган бўлишлари, товар бозорларида баҳолар ҳаракати тенденциялари ҳолатини ва аукционларда иштирок этувчи потенциал сотиб олувчилар — аукционерлар психологиясини ҳисобга олишлари керак.

АУКЦИОН БАҲО — аукционларда товарларни реализация қилишда аукционист томонидан эълон қилинган дастлабки баҳоларнинг кўпайиш ёки камайиш томон ўзгариши жараёнида ташкил топган баҳо. *А. б.* етарлича эътиборли ва ишончли, уни ташкил этиш шарт-шароити таҳлил қилиш имконини беради.

АУКЦИОН САВДО — бозор савдоси тури бўлиб, бунда сотувчи максимал фойда олишни кўзлаб сотишда иштирок этувчи бир қанча сотиб олувчилар билан бевосита рақобатдан фойдаланади. *А. с.* сотилувчи товарнинг дастлабки баҳосини белгилайди, бу баҳо эса аукцион давомида аукционда иштирок этувчи сотиб олувчиларнинг тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда ўзининг чегара даражасига борганга қадар кўпайиб боради.

АУКЦИОН ҚОИДАЛАР — махсус қоидалар бўлиб, шуларга мос равишда аукционга товарлар етказиб бериш, аукционда товарларни сотиш, контрактларни тўлдириш ва сотиб олинган товарларни олиш амалга оширилади. Одатда *А. қ.* аукцион савдо иштирокчиларига бериладиган махсус ахборот материалла-

рида тўлиқ ифода этилади. Асосий А. қ. ҳар хил аукционерлар учун энг типик ҳисобланади, яъни вақтни белгилаш ва товарларни қабул қилиш тартиби, уларни кўриб чиқиш муддати, савдонини ўтказиш вақти ва тартиби, контрактларни тўлдириш тартиби ва товарларни олиш каби қоидалар.

АУТЕНТИЧНИЙ (грек.) — қандайдир ҳужжатнинг биринчи манбасидан келиб чикувчи, мазмуни, матни бўйича аслига мос келувчи ва у билан бир хил кучга эга бўлувчи ҳақиқий матн.

АУТПОРТ, АВАНПОРТ (инг.) — кемалар учун дангар ташлаш жой билан биргаликда ташқи порт акваторияси (портнинг сувдаги қисми).

АУТРАЙТ (инг.) — томонлар учун қатъий белгиланган муддатида “форвард” курси бўйича тўлашни кўзда тутувчи оддий муддатли валютаси битими.

АУТТРЕЙД (инг.) — қандайдир хато туфайли тузилган ва биржа сессиясининг охирига қадар бир томонлама бўлиб қолувчи муваффақиятсиз битим. А. т. бир кунда савдо якунлари бўлганда савдо битимлари тўғрисидаги маълумотлар мос келмай қолган ҳолатда вужудга келади.

АУТСАЙДЕРЛАР (инг.) — монополистик бирлашмага кирмайдиган корхоналар (одатга кўра кичик ва ўртача).

АФИНА КОДЕКСИ (грек.) — Павлик Пилейшнз Халқаро ассоциациясининг ҳар бир аъзоси роя қилиши зарур бўлган этикага оид қоидалар мажмуаси. 1965 йил майда қабул қилинган ва 1968 йил апрелда тўлдирилган.

АФРИКА РИВОЖЛАНИШ БАНКИ (АФРБ) — халқаро регионал банк. Африка учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий комиссияси ёрдамида 23 Африка давлатлари томонидан АФРБ тузиш тўғрисида 1963 йилда битим имзоланган, 1964 йилда кучга кирган. АФРБ 1966 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирги вақтда 50 Африка давлати (Жанубий Африка Республикасидан ташқари) унинг аъзолари ҳисобланади, унинг яна 26 норегионал аъзолари мавжуд. 1983 йилгача АФРБ фақат Африка ташкилоти сифатида фаолият қилган, аммо ресурслар етишмаслиги сабабли банкка учдан бир қисмидан кўп бўлмаган ўлчов капиталга ва шунча овозлар сонига эга бўлган ноконтинентал аъзоларга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ҳар бир аъзо — мамлакат 625 асосий овозга ва банк капиталидаги битта акцияга биттадан овоз ҳисобидан қўшимча овозга эга. Банкнинг мақсади регионал ривожланиш дастурини молиялаш йўли билан Африка мамлакатлари — аъзоларининг иқтисодий ривожланиши ва ижтимоий тараққиётига ёрдам қилишдан иборатдир. Кредитлар фақат Африка континентлари мамлакатларига жўнатилади, кредитларнинг учдан икки қисми Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисобидаги камбағал

мамлакатларга жўнатилади. Кредитларнинг катта қисми инфраструктура ва транспортни ривожлантириш лойиҳаларини молиялашга фойдаланилади. Банк президенти фақат африкалик бўлиши керак.

АФФИЛИРОВАННАЯ КОМПАНИЯ — контролдан паст (одатда 5—50%) акциялар пакетига эга бўлган компания.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ — ишчи ва хизматчиларнинг давлат корхоналари муассасалари, ташкилотлари ва бошқа ҳар хил мулк шаклидаги корхоналардан, деҳқон ва ишчиларнинг қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ўз шахсий томорқасидан оладиган иш ҳақлари, пул ва моддий даромадлари, пенсиялар, стипендиялар, жамғарма банкига қўйилган пуллардан келадиган даромадлар, ҳар хил имтиёзлар ва мукофотлардан иборат бўлади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯЛАШ — нархнинг оширилиши, пенсиялар, стипендиялар, аҳолининг бошқа, қайд қилинган даромадларини, шу жумладан, окладлар ва тариф ставкалари, чакана нархлар индексини (улар ўзгаришининг нисбий кўрсаткичи) қайта ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган аҳолининг йўқотилган пул даромадларини қоплаш шаклларида бири. Нарх индекси минимал истеъмол бюджети ёки тирикчилик минимуми аниқланадиган товарлар ва хизматлар йиғими бўйича ўрнатилади. *А. д. и.* ҳар хил мамлакатларда қўлланилади ва бир хил маънода баҳоланади. Масалан, Франция ва Германияда иқтисодиёт учун ижобий томондан салбий оқибатлари кўпроқ деб *А. д. и.* дан воз кечдилар. Аммо чакана нархнинг кўпроқ ўсиб бориши шароитида маълум бир давр давомида *А. д. и.* муқаррар ва ўзини оқлаган бўлиб туюлади. *А. д. и.* тартиби қуйидагича бўлиши мумкин. Ягона методика асосида баҳо индекси ҳар йили ҳисобланади, яъни бу йил ўтган йилга нисбатан чакана баҳо ўртача ўзгариши кўрсаткичи (мас., агарда баҳо индекси 1,12 тенг бўлса, бу нархнинг ўртача 12 фоизга ошганлигини билдиради). Давлат баҳо индексига қайд қилинган қайта ҳисобланган даромадга маълум коэффициент ўрнатади, одатда 0,3—0,7 атрофида, яъни тўлиқ компенсация кўзда тутилмайди, чунки бу ўзининг натижаси билан бошқариб бўлмайдиган инфляциянинг ўсиши бўлиши мумкин. Қайд қилинган даромадлар баҳо индексига ва ўрнатилган компенсация коэффициентига қайта ҳисобланади (кўпайтирилади). Агарда, масалан, бир ойга минимал иш ҳақи 400 сўмни ташкил этса, бу йилги чакана нархлар 12 фоизга ошган бўлса, компенсация коэффициенти 0,5 ҳажмида ўрнатилган бўлса, индексациялаш натижасида қуйидагиларга эга бўламиз: $12 \times 0,5 = 6$ фоиз; $400 \text{ сўм} \times 1,06 = 424,0 \text{ сўм}$. Индексациялаш натижасида келгуси йилда минимал иш ҳақи ва пенсиянинг минимал ҳажми 424,0 сўм ҳажмида белгиланади, шундай тарзда

(6 фоиз ҳисобида) вазифа окладлари, тариф ставкалари ва бошқалар ҳам оширилади, гарчи бу ўсиш барча ходимлар ва пенсионерларга тааллуқли бўлмаса ҳам. Турмуш қиймати ўсишини компенсациялаш ноишлаб чиқариш соҳаси ходимлари учун истеъмор баҳоси индексига мувофиқ (соғлиқни сақлаш муассасалари, халқ маорифи ва бошқалар) бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тижорат корхоналарида уларнинг ўз хусусий манбаи ҳисобидан, фақатгина айрим рентабелли ва зарар кўраётган корхоналар давлат бюджетидан ажратилган дотацияга даъвогар бўлишлари мумкин. *А. д. и.* минимал гарантияси Олий Кенгаш томонидан ўрнатилади. Нафақат иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларни индексациялаш лозим бўлади, айни пайтда, бу омонат кассадаги пул маблағлари, давлатнинг хазинадорлик мажбуриятлари, облигациялар, суғурта ҳужжатларига ҳам алоқадордир.

АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ — фуқароларнинг амал қилувчи қонунга зид бўлмаган фаолияти бўлиб, бу уларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва қоида бўйича уларга иш ҳақи бериш ёки меҳнат даромади келтириш билан боғлиқдир. Мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлиги аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунлар асоси, меҳнат ҳақидаги қонун ва шуларга мувофиқ чиқариладиган қонунлар акти ҳамда коллектив келишувлар (шартномалар) билан тартибга солинади. Фуқароларга унумли ва ижодий меҳнатда ўз қобилиятларидан ўзлари фойдаланмоқ ва қонунга зид бўлмаган ҳар қандай, шу жумладан, бажарилган ишга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган (болаларни тарбиялаш, уй хўжалигини юритиш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, ижтимоий фаолият) фаолиятини амалга оширишга катта ҳуқуқ берилган. Давлат фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқини реализация қилиш учун шароит яратишга йўналтирилган тўлиқ, самарали ва эркин танлаб олинган бандлигига ёрдам қилиш учун сиёсат олиб боришни таъминлайди. Банд бўлган аҳолига қуйидагилар киради: тўла ёки тўла бўлмаган иш куни давомида (ҳафтада) мукофотлаш учун ёлланиб ишловчилар ҳамда ҳақ тўланадиган, аммо вақтинчалик касаллиги, таътилда бўлганлиги, иш ташлаш туфайли вақтинча ишга қатнаша олмайётганлар, ўзини мустақил иш билан таъминловчилар, тадбиркорлар, индивидуал иш фаолияти билан банд бўлган шахслар, ишлаб чиқариш кооператив аъзолари, фермерлар ва ишлаб чиқаришда қатнашувчи уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳақ тўланадиган давозимга сайланган, тайинланган ёки тасдиқланган ходимлар, ҳарбий хизматчилар ва айрим бошқа тоифадаги фуқаролар. Мамлакат фуқароларига иш билан бандликни, яъни эркин иш жойи танлашни таъминлаш кафолатланади. Уларнинг иш билан таъминланиши давлат

хизматига мурожаат қилганларида улар бепул профессионал консультация олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва иш билан бандлик турини, касб, иш жойи ва меҳнат режимини танлаш мақсадида тегишли ахборот оладилар. Давлат тула иш билан таъминланишга қаратилган молия-кредит, инвестиция ва солиқ сиёсати тадбирларини кўриб чиқади. Шу мақсадда давлат, ижтимоий, республика, регионал, вилоятлараро иш билан таъминланишнинг дастури ишлаб чиқилади. Иш жойи ривожланиши давлат томонидан кўпроқ тақдирланаётган территориялар асосида аниқланади. Аҳолини иш билан банд қилиш сиёсатини реализация қилиш мамлакатнинг барча территорияларида фуқароларга тегишли кафолатни таъминлаш мақсадида иш билан таъминлаш давлат хизмати ташкил этилади. Иш билан бандлик сиёсатини ва давлат хизматининг самарали фаолиятини реализация қилиш бўйича тадбирларни молиялаш учун мулк ва хўжалик юритиш шаклидан, давлат ва маҳаллий бюджетдан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва кооперативлар ҳисобидан мажбурий ажратмалар, мамлакат ва чет эл корхоналари, ижтимоий ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ва бошқа тушумлардан ҳосил қилинадиган иш билан таъминланишга ёрдам берувчи давлат фонди тузилади. Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан мамлакатдаги иш билан таъминланиш муаммоси ўткир хусусият тусини олади. Шундан ишсизлик бўйича нафақа тўлашни ҳам қўшиб, ишни йўқотган пайтда ижтимоий кафолатнинг зарурлиги келиб чиқади.

АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ — аҳолининг бир ердан иккинчи жойга кўчиб юриши. Аҳоли миграцияси ички ва халқаро миграцияга бўлинади. Аҳолининг ўз мамлакати доирасида бир ердан иккинчи жойга кўчиши ички миграция, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиши эса халқаро миграция дейилади. У ҳар хил сабабларга кўра юз беради.

АҲОЛИНИНГ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ БАЛАНСИ — аҳоли пул даромадларининг ҳосил бўлиш жараёни ва улардан фойдаланишни ифодалаш шакли. *А. н. д. ва х. б.* нафақат пул даромадларини, айни пайтда, иш ҳақи фондига кирувчи, натурал тарзда бериш ва имтиёзларни, иш ҳақи ҳисобига ходимларга бериладиган маҳсулотни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кетган харажатларни акс эттирувчи пул тушумларини, олдиндан сотиб олинган моддий бойликларни, реализация қилишдан тушган даромадни ҳам ўз ичига олади. *А. н. д. ва х. б.* халқ хўжалиги баланси тизимининг элементи сифатида аҳоли пул даромадлари ва харажатлари ўртасидаги пропорцияни аниқлайди, аҳолининг асосий реал даромадлари жамини кўрсатиб беради.

АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ — истеъмол ёки жамғариш учун фойдаланадиган миллий даромаднинг бир қисми номинал даромадлардан фарқ қилиб *А.р.д.* чакана нархнинг ўзгариши ва солиқларни тулашга кетган харажатлар ҳамда бошқа мажбуриятларини тулашларни ҳисобга олган ҳолда сотиб олинган моддий бойликлар ва хизматларнинг миқдорини характерлайди.

АЭРОДРОМ ТУШУМИ (*инг.*) — аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича учувчи йўловчилардан олинadиган тушум.

Б

БАБЛ (*инг.*) — “совун кўпиғи”, банкрот бўлган ёки операциялар схемаси ютуғига эга бўлмаган ичи ковак корхона. Уларнинг энг номдорларига 20-йилларда инқирозга учраган “Миссисипи-бабл” (Франция) ва “Бабл Южного моря” (Англия) ва ҳ.к. киритиш мумкин.

БАЗА (*фр.*) — маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш, омборда қайта ишлаш ва улгуржи сотиб олувчиларга жўнатиш бўйича корхона. *Б.* одатда бир қанча омбор бинолари, очиқ сақлаш жойлари, комплектлаш, саралаш, маҳсулотни ортиш ва уни истеъмол қилишга тайёрлаш бўйича цехлар (участкалар), идоралар ва хизмат қилувчи бўлимларни ўз ичига олади. Фаолият қилиш соҳаларига боғлиқ ҳолда *Б.* ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдоси, халқ истеъмоли товарлари улгуржи савдоси, ташқи савдо, ишлаб чиқариш техника комплектилилиги ва ҳ.к. бўйича бўлинади. Бажариладиган вазибаларнинг характери бўйича *Б.* ишлаб чиқариш марказлари ёки транспорт узелларидаги маиший кам тоннажли маҳсулот партияларининг районлараро омборларга етказиб бериш, резерв ғамламаларни сақлаш, чакана савдо истеъмолчилари ёки корхоналарини маҳсулот ёки товарлар билан таъминлаш *Б.* ларига бўлинади. Бунда универсал *Б.* ни ихтисослаштирилган *Б.* дан фарқ қилиш лозим бўлади.

БАЗИС (*грек.*) — маълум муддатга етказиб бериш шарти билан сотилган баҳоси ва тезликда етказиб бериш шарти билан сотилган ўша товар баҳоси ўртасидаги фарқ.

БАЗИС БАҲО — ташқи иқтисодий соҳада икки хил мазмунга эга. Биринчидан, умуман, халқаро савдода (экспорт ва импорт) ва айрим товарлар гуруҳлари бўйича база сифатида қабул қилинади. Халқаро ва миллий ташқи савдо статистикасида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг даврий иқтисодий нашрларида эълон қилинади. *Б.б.* қайта кўрилади, чунки ташқи савдо

айирбошлашидаги ассортимент ўзгаришларини, айниқса *Б.б.* ҳажмий миқдори сифатида устига қўшиб ёзиладиган тайёр буюмлар бўйича кўп томонлама ҳисобга олиш имконини беради. Иккинчидан, мавжуд маҳсулотнинг ташқи савдо баҳосини белгилашда намуна тарзида қабул қилинадиган қайд этилган параметрлари билан маълум бўлган буюм баҳоси сифатида.

БАЗИС ВАЛЮТА — мавжуд мамлакат ёки молия марказида унга нисбатан бошқа валюталар котировка қилинадиган валюта. Масалан, АҚШ доллари, Англия фунт-стерлинги ва ҳ.к.

БАЗИС ЕТКАЗИБ БЕРИШ — товар ҳаракати бўйича сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида мажбуриятларни тақсимлашни кўзда тутувчи ташқи савдо битими шarti, тегишли ҳужжатларни тўлдириш ва транспорт харажатларини тўлаш, товарга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг сотувчидан сотиб олувчига ўтиш пайтини аниқлаш, товарга тасодифан зарар етказиш ёки йўқотиш ҳамда етказиб бериш вақти.

БАЗИС ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ — халқаро амалиётда тан олинган битим характериға ҳар томонлама мос келувчи савдо урф-одатлари, бунда манфаатдор томонлар контракт тузишда индивидуал шартлар билан бир қаторда қўллайдилар, уларнинг қўлланилиши контрактларни тузиш ва келишувни осонлаштиради, келишмовчиликларни тенг ҳуқуқли ҳал этиш усуллари топишға ёрдам қилади. *Б.е.б.ш.* ни шарҳлаб бериш ва ундан келиб чиқадиган томонлар мажбуриятлари халқаро савдо палатаси “Инкотермс”нинг махсус эълонларида акс этирилган бўлади. Уларнинг охириги таҳрири 1980 йили жорий бўлган. *Б.е.б.ш.* товарларни транспортировка қилишда, жойлашда ва маркалашда, юкларни суғурта қилишда, тижорат ҳужжатларини тўлдиришда, товарга бўлган мулккий ҳуқуқнинг сотувчидан сотиб олувчига ўтишдаги жой ва вақтини белгилашда ва ҳ.к. томонларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлайди. Базис етказиб бериш шартлари ФАС, ФОБ, СИФ, КАФ, ФАС, Франк завод ва бошқалар ҳисобланади.

БАЗИС ЙИЛ — иқтисодий индексни аниқлашда база деб қабул қилинадиган йил.

БАЗИС СОРТ — стандарт сифатида контрактда кўриладиган товар сорти.

БАЗИС ПУНКТ — ўлчов бирлиги бўлиб, асосан, облигацияларнинг даромадлилигини ўлчаш учун фойдаланилади.

БАЗИС (дастлабки) СТАВКА (*инг.*) — энг кредитбардош ва йирик акционер компаниялардан тижорат банклари томонидан олинадиган энг паст фoиз ставкаси.

БАЙ-БЭК (*инг.*) — “қайтадан сотиб олиш” узоқ муддатли товар айирбошлаш операцияси бўлиб, бунда машиналар ва ус-

қуналар етказиб бериш, ушбу машиналар ва усқуналар ёрдамида ишлаб чиқилган маҳсулот ҳақини тўлаш билан кредит бериш амалга оширилади. Мамлакат амалиётида — бу одатда йирик корхоналарни қуришда фойдаланиладиган компенсациявий битимлар.

БАК (гол.) — АҚШда 1850 йилда пайдо бўлган долларнинг сўзлашув тилини белгилаш.

БАКАЛАВР (лот.) — Ғарбий Европа университетларида (ҳозир фақат Буюк Британияда) биринчи илмий даража; Франция ва бошқа мамлакатларда ўрта мактаб курси учун имтиҳон топширган шахс.

БАКЕТИНГ (инг.) — фьючерс битими ўтказишда атайлаб мижозлар буйруқларини бажармаслик ва уларни кафолатлаш бадалидан фойдаланишни ўз ичига олувчи брокерларнинг қонунсиз фаолияти.

БАЛАНС (фр.) — маълум кунда, одатда квартал ёки йил охирида унинг активларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини қиймат шаклида ифодаловчи ҳужжат. У бухгалтерия маълумотлари асосида тузилади ва иккита тенг кўрсаткичлар гуруҳига — актив ва пассивга бўлинади. Активда кўрсаткичлар маблағларнинг таркиби ва жойлашиши, пассивда эса уларнинг ташкил топиш манбалари бўйича гуруҳланади. Йиллик ҳисоботларда *Б.* молия йилининг боши ва охирида тузилади. *Б.* асосий элементлари актив ва пассив бўлиб, булар гуруҳларга, гуруҳлар эса бўлимларга бирлаштирилади. *Б.* жамлама ва бухгалтерия баланслари тизимига бўлинади. Жамлама баланслар ичида тўлов, савдо, ҳисоб-китоб, халқаро қарзлар балансларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЇЁТ — мол-мулкнинг ҳисоби ҳамда банкларнинг активлари ва пассивларига тегишли бўлмаган ҳужжатлар ва топшириқлар учун фойдаланадиган сёт. *Б.т.с.*да пул билетлари фонди резервлари ва тангалар, қарзга ссуда олувчиларнинг муддатли мажбуриятлари, банк томонидан инкассага қабул қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатлари, йўлда ҳисоб-китоб ҳужжатлари эвазига кредит билан таъминлаш, жиддий ҳисобот бланкалари, муомалага қоғоз пуллар чиқаришга рухсат бериш, тўлаш учун аккредитивлар ва ҳ.к. ҳисобга олинади. *Б.т.с.* банк балансида баланс сётлари бўйича якундан кейин жойлаштирилади. Булар бўйича қуйидаги ҳисоблар олиб борилади: кирим, харажат, қолдиқ.

БАЛАНС ФОЙДАСИ — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг синтетик кўрсаткичи. Маҳсулот реализациясидан тушган фойда суммаси (ишлар, хизматлар), моддий қимматликлар ва реализациядан ташқари операциялардан келган даромад-

лар, ушбу операциялар бўйича харажатлар суммасига нисбатан камайтирилган ҳолатда аниқланади.

БАЛАНС ҲИСОБОТИ — маълум вақтдаги компания табиати ва активлари миқдори, унинг мажбуриятлари ва капиталини ифодаловчи қисқа молиявий ҳисобот.

БАНДЕРОЛЬ (*фр.*) — акциз ёки божни тўлаш белгиси сифатида товарга қўйилган тамға.

БАНКЛАР (*фр.*) — пул маблағларини, пул муомаласи ва қимматбаҳо қорозларни ишлаб чиқарувчи, сақловчи, айирбошловчи, назорат қилувчи молия ташкилотлари. Шу билан бир қаторда шундай банклар, айниқса, чет эл мамлакатларида борки, улар операцияларнинг айрим турларига ихтисослашадилар — депозит, инвестициявий, ипотека, тижорат, савдо, саноат, ғоялар *Б.*, ривожланаётган мамлакатларни молиялайдиган *Б.* ва бошқалар. Барча *Б.* жами банк тизимини ташкил этади. Мулк шаклига боғлиқ ҳолда давлат, акционер, кооператив, муниципал, аралаш ва халқаро *Б.* фарқланади.

Б. — “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ тасдиқланадиган ва ўз фаолиятини амалга оширадиган юридик шахс. Банклар ўртасидаги муносабатлар депозитлар, кредитлар ва низомларда қўзда тутилган бошқа операциялар шаклида шартнома асосида пул маблағлари жалб этилади ва биров-бировига жойлаштирилади. Банкларга банк операциялари бозорини монополлаштиришга, банк ишида рақобатни чеклашга қаратилган келишувларга эришиш учун ўз иттифоқчилари, ассоциациялар ва бошқа бирлашмалардан фойдаланишни тақиқлайди.

Мижозлар билан муносабатларида (шартнома асосида) банк ўз операциялари бўйича фоиз ставкаларини ва комиссиян мукофот миқдорини мустақил белгилайди, банк томонидан ўрнатилган ва халқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда ҳисобкитобларни амалга оширади, қуйидагича таъминлаш билан кредитлар беради: Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос равишда мулкларни гаровлаш, кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятлар ва бошқа шакллар; мажбуриятини бажармаган қарздорни, тўловга қудрати йўқларни (банкротик) матбуотда тегишли хабарни босиш билан маълум қилиши мумкин; операциялар, счётлар ва омонатлар бўйича ўз мижозлари ва мухлислари сирини кафолатлайди; юридик шахсларнинг операция ва счётлари бўйича маълумотномалар беради: мижозларнинг ўзига (ташкilotларга), уларнинг юқори ташкilotларига, судларга, тергов органларига, арбитраж органларига, аудитор ташкilotларига, молия органларига (солиқ акти масалалари бўйича). Мижозлар

кредит ҳисоб-китоб хизматлари учун банкларни мустақил танлайди.

БАНК АКЦЕПТИ — тўлов ҳужжатларини тўлашга банкнинг розилиги, улар ҳақини кафолатлаш шакли: банк-акцептантининг тегишли ёзуви тарзида тўлдирилади. Одатда, қарздор унинг муддати келганда қарз суммасини банкка ўтказади, банк эса тўловни амалга оширади. Қарздорнинг тўловга қобил эмаслиги ҳолатида тўлов банк — акцептанти ҳисобидан амалга оширилади.

БАНК БИЛЕТЛАРИ — марказий банклар томонидан муомалага чиқариладиган ҳар хил пул белгилари. *Б.б.* пайдо бўлиши товар-пул ва кредит муносабатларининг ривожланиши билан тақозо этилган. *Б.б.* биринчи марта XVII асрнинг охирида чиқарилган. Марказий банклар уларни таъминлашга хизмат қилган хусусий тижорат векселлари ҳисоби (сотиб олинган) асосида банкнотлар чиқарган. Векселлар билан бир қаторда *Б.б.* таъминлашни марказий банклар ихтиёрида бўлган олтин бажарган. Икки ҳисса таъминланиш “классик банкнотларга” юқори барқарорлик ва ишонч бағишлаган. Чиқарилган *Б.б.* ҳисобланган вексель бўйича тўлов муддати келганда ҳамда улар эгалари томонидан олтинга алмашишга қўйилганда мунтазам марказий банкка қайтарилган. Чунки олтин стандарти даврида банкнотларни қимматбаҳо металлларга эркин алмашиш етакчи капиталистик мамлакатларда биринчи жаҳон уруши даврида тўхтатилган. *Б.б.* чиқариш давлат харажатларини молиялаш учун фойдаланила бошлади.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб капитализмнинг нисбатан барқарорлик даврида *Б.б.* чекланган ҳолда олтинга алмашиш, олтин қўйма ва олтин девиз стандартлари доирасида тикланди. Жаҳон иқтисодий кризисидан кейин (1929—1933) банкнотнинг олтинга алмашиши узил-кесил тўхтатилди. Ҳозирги шароитда биронта мамлакатда ҳам *Б.б.* металлга айирбош қилинмайди.

АҚШда 5, 10, 20, 50 ва 100 дол., Англияда 1, 5, 10 ва 20 ф. ст. Францияда — 10, 50, 100 ва 500 фр. банк билетлари ҳисобланади.

БАНК ВЕКСЕЛИ — мамлакат миллий тижорат банки томонидан ҳўжалик обороти иштирокчилари ўртасида мамлакат ҳудудида ҳисоб-китобларни тезлаштириш учун чиқариладиган қимматбаҳо қоғоз.

БАНК ГУРУҲИ — янги чиқарилган қимматбаҳо қоғозларга обуна бўлиш жараёнида индивидуал молия жавобгарлигини қабул қилувчи, яъни эмитент баҳо билан олдиндан келишув бўйича маълум вақтда чиқарилган қимматбаҳо қоғозларни ўз номига сотиб олувчи инвестициявий дилерлар гуруҳи.

БАНК ДЕПОЗИТЛАРИ — банкдан ё олдиндан банкка тўланган эквивалент пул миқдори, ёки бошқа валюта асосида, ё кре-

диг ҳисобидан маълум пул суммасини олиш ҳуқуқини берувчи омонатлар.

БАНК ЁЗУВИ — вексель эгасининг векселнинг орқа томонида янги ҳужайиннинг номи кўрсатилмаган, хоҳлаган шахсга вексель берувчидан векселда кўрсатилган суммани ундириб олиш ҳуқуқини берувчи ёзув.

БАНК ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ — қоидага кўра узоқ муддатга солинган банк ресурслари, кўпгина тараққий этган мамлакатларда одатда *Б.и.* акциялар, облигациялар ва бошқа юқори даромадли қимматбаҳо қорозлар киради. Иқтисодиётга солинган бевосита эмас, балки билвосита банк маблағларини билдиради, яъни банкларнинг инвестициявий портфели шаклидаги фиктив капитал ҳаракатини ифодалайди.

БАНКЛАРНИ КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШ — молия капиталининг ўсиши ва молия олигархиясининг бойишини таъминлаш мақсадида капиталистик мамлакатларнинг йирик ва энг йирик банкларида кредит ресурслари ва операцияларнинг тўплануви. Банкларнинг йириклашуви асосан банк фойдасининг бир қисmini капиталлаштириш ва акцияларнинг янги эмиссиялари ҳисобига ўз капиталини кўпайтириш; тўпланган депозитлар ҳажмининг ўсиши; кўп бўғинли филиаллар ва бўлимлар тизимларини яратиш; ишонч асосида бошқалар мулкани бошқариш бўйича банк операцияларини кенгайтириш; бошқа банкларни қўшилиши ва ўзлаштирилиши орқали амалга оширилади.

БАНК КАПИТАЛИ — банкир ёки банк акционерлари томонидан банк корхонасига солинган капитал. *Б.к.* банк ресурсларининг нисбатан кўп бўлмаган қисmini ташкил этади. *Б.к.* аҳамияти шундан иборатки, у банк пассивининг энг ишончли, тасодифан қайтариб олиш ҳавфига учрамайдиган моддасини ифодалайди. Банк акционерларида *Б.к.* акцияларни сотиш орқали жалб этилади. Монополистик капитализм шароитида йирик банклар *Б.к.* кичик акциялар эгалари акцияларни сотиб олишни кенг жалб этиш ҳисобидан кўпайтиришга ҳаракат қиладилар.

Низом, обуна ва туланган *Б.к.* тушунчалари фарқланади. Низом *Б.к.* бу банк контроли давлат органлари томонидан акциялар чиқаришга рухсат берилган максимал суммадир. Аммо банк томонидан акцияларга эълон қилинган обуна суммаси низом капитали суммасига тенг бўлиши шарт эмас, қоидага кўра кам бўлади. Баъзан акцияларга обуна бўлинганда банк таъсисчилари обуначилардан ўтказилган акцияларнинг тўла қийматини талаб қилмайди. Шундай вақтда обуна бўлинган ва туланган (яъни реал ўтказилган) капитал ўртасида фарқ ҳосил бўлади.

Банк баланси капиталлар моддалари банк ифодасидан ажратиш ҳисобидан ҳосил бўлган резерв капитални ҳам киритади.

Бу капитал кўзда тутилмаган зарарларни қоплаш, фавқулодда юз берадиган харажатлар ва ҳ.к. учун фойдаланилади.

БАНК КАФОЛАТИ — ўз миждози учун банк-кафолатнинг кафиллиги. Кафолат бўйича ва ўз миждозлари ҳисобидан миждоз томонидан ўз муддатида ундан олинадиган тўловлар тўланмай қолган ҳолатда банк ўз ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Одатда банк томонидан маълум таъминланиш асосида берилади. Энг кўп тарқалган тўлов кафолатлари: банк-кафолат кредитор ёки экспортёр олдида қарздор ёки импортёр томонидан унинг контракт бўйича тўлов мажбуриятларини бажариш учун жавобгарлик вазифасини олади. Банк-кафолат пул шаклида бошқа шартнома мажбуриятларини бажаришни таъминлаши мумкин (авансни қайтариш, савдо ёки контракт шартларини бажариш ва ҳ.к.).

БАНК КРЕДИТИ — пул маблағлари банкларга вақтинчалик фойдаланиш учун бериладиган кредит шакли. Кредит операцияларини қатор белгилар бўйича туркумлаш мумкин: 1) таъминлашга боғлиқ ҳолда таъминланмайдиган ва таъминланадиган ссудалар; таъминланадиган ссудалар векселли (сотиб олиш шаклида ёки гаровга бериладиган векселлар) товарга, фондавийга (қимматбаҳо қоғозлар) бўлинади; 2) қопланиш муддати бўйича — онколли (қарздор ёки банк талаби бўйича қопланадиган), қисқа муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатли (5 йилдан ошди); 3) қопланиш характери бўйича — бир марталик бадаллар билан қопланадиган ва бўлиб-бўлиб тўланадиган (кечиктирилган муддатда); 4) фоизларни ундириш методи бўйича — фоиз ссудалар берилган вақтда тутиб қолинади (векселлар учётида, истеъмол ссудалари берилганда), кредит қопланган пайтда ёки бир маромдаги бадаллар билан кредит муддатининг бутун давомида; 5) кредитнинг иқтисодий мазмуни ва мақсадини ифодаловчи қарздорлар категориялари бўйича ссуданинг 5 тури фарқ қилади: такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган оборот капиталнинг вақтинчалик камчилигини тўлдириш, асосий капиталга маблағ солиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналар сотиб олиш ва ҳ.к. учун корхоналарга тижорат ссудалар бериш; фонд биржаси воситачилигида ссудалар қимматбаҳо қоғозларни таъминлашга берилади ва биржа чайқовчилиги учун фойдаланилади; йирик капитал харажатларни қоплаш учун қишлоқ хўжалигига ипотека ссудалари берилади, булар ҳосилни реализация қилганда қопланади; истеъмол молларини кредитлаш, уй-жой қурилишларини гаровга қўйиш, истеъмол товарларини кечикиб қоплаш орқали сотиб олиш билан амалга оширилади; бир марталик қоплаш билан ссудалар ва ҳ.к.

БАНКЛАР ЛИКВИДЛИГИ — банкларнинг ўз вақтида ўз мажбуриятларини бажаришни таъминлаш қобилияти. Банк баланси пассивлари ва активлари баланслиги жойлаштирилган активлар муддатлари мос келиши ва банк томонидан жалб этилган пассивлар даражаси билан аниқланади.

БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ — берилган мезонлар ва маълум тематикага кўра (мас., савдо статистикаси, товар баҳолари ва ҳ.к.) маълумотларни сақлаш ва излаш бўйича фойдаланувчиларга хизматлар берувчи махсус ташкил этилган система. Банк маълумотларини олиш компьютер шохобчаси, видеотекст ёки почта бўйича амалга оширилиши мумкин. Тижорат маълумотлари банки *Б.м.* махсус шакли ҳисобланади, бу товарлар ва хизматлар бозори структураси ва ҳолатини характерловчи, системаланган, доимо янгиланиб турувчи кўрсаткичлар рўйхати.

БАНК МОНОПОЛИЯЛАРИ — банк операцияларини ўтказишда ҳукмронлик қилувчи ва шу асосда юқори монопол фойдани ўзлаштирувчи йирик капиталистик банклар ва уларнинг бирлашмалари. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви муқаррар равишда банк капиталининг концентрациялашуви ва марказлашувини юзага келтиради, бу эса *Б.м.* пайдо бўлишига олиб келади.

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ — тижорат ёки депозит банклари томонидан олиб борилади, пассив, актив ва воситачилик операцияларини ўз ичига олувчи комиссияон операцияларга бўлинади. Тижорат банклари ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан “пассив”ни ҳосил қилади. Ўз маблағларини ҳосил қилишнинг асосий усуллари фонд биржасига мавжуд банк акцияларни жойлаштириш (асосий ва акционер капитални вужудга келтириш) ва фойдадан чегириш ҳисобидан ҳар хил резервларни тузиш (резерв капитал).

Барча банк ресурсларининг катта қисми жорий ҳисоб рақамлардан ва омонатлардан иборат депозит операциялар ҳисобидан ташкил этилади. Жорий ҳисоб рақамлари мижозга хоҳлаган вақтда зарур суммаларни қўйиш ва олиш имконини беради. Жорий ҳисоб рақамларига буйруқ бериш учун банк мижозга ҳисоб эгасига чек дафтарчасини беради. Чеклар ёрдамида мижоз нафақат ҳисоб рақамидан зарур суммани чиқариш ва уни олиш, айти пайтда, учинчи шахс билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Мижоз томонидан олинадиган фоиз қолдиқ ҳажмига ва банкнинг фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади. Айрим банклар жорий ҳисоб рақамлар бўйича фоиз тўламайди, аммо мижозларга бепул ҳисоб-китоб ва бошқа характердаги хизматлар кўрсатади.

Депозит операцияларининг иккинчи тури омонатларни қабул қилиш. Омонатлар муддатли ва муддатсиз бўлади. Муддатли

омонат фақат ўрнатилган муддат тугагандан кейин, муддатсиз эса ҳоҳлаган пайтда талаб қилинади. Омонат бўйича банк ми-
жозга муҳим ҳужжат — омонат гувоҳномасини беради, уни
кўрсатганда банк омонатни эгасига қайтаради. Омонатлар бўйича
жорий ҳисоб рақамлардан фарқ қилиб банк юқори фоиз тўлай-
ди, айниқса, муддатли омонатларга нисбатан фоизи анча юқори
бўлади.

Мижоз топшириқларини бажариш бўйича ўзаро хизматлар
кўрсатиш учун банклар корреспондент шартномалари тузади ва
биров-бировларига корреспондент счётлари очади. Қайтадан
ҳисоблаш ва қарзни қайта кўриш банк томонидан маблағларни
жалб этишнинг бошқа шакллари ҳисобланади. Векселларни қайта
ҳисоблашда банклар мижозлардан сотиб олинган векселни қай-
тадан сотади. Қарзни қайта ҳисоблаш банкларга таъминлаш учун
мижозлардан гаровга қўйиб олинган мол-мулк учун ссудалар
олиш имконини беради.

Актив операциялар — бу жалб қилинган маблағларни фой-
дали жойлаштириш мақсадида банклар томонидан ўтказилади-
ган операциялар. Бу гуруҳда энг муҳимлари кредит операцияла-
ри ҳисобланади. Кредитлашни амалга ошириш билан банклар
мижознинг қарзни тўлай олиш қувватини ўрганишга катта аҳамия-
т беради. Банк кредитларини таъминлашда векселлар, товар-
лар ва товар ҳужжатлари, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа маб-
лағлар яққол ажралиб туради. Яна таъминланиши мумкин бўлма-
ган кредит-бланкали кредитлар, тарқалган бланкали кредитлар,
контокоррент счётлар, аванс ва овердрафт шаклида берилади.
Бу кредитларни қондага кўра, банк билан узвий алоқада бўлган,
ўзининг барча банк операцияларини мавжуд банк орқали амал-
га оширадиган мижозлар олади.

БАНК ПЕРЕВОДИ — юридик ёки жисмоний шахслар ми-
жознинг топшириғига биноан пул маблағларини ўтказиш бўйи-
ча банк операцияси. *Б.п.* орқали импортёрлар аванс тўловлари-
ни амалга оширадилар ё товарни олгандан кейин унинг ҳақини
тўлайдилар. Тўлов пул маблағларини тўловчи ҳисоб рақамидан
олувчи ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Б.п. одатда бошқа халқаро ҳисоб-китоблар шакллари товар им-
портёр томонидан тўланмай қолган ҳолатда тўлов экспортёрдан
олинган товарларга буйруқ берувчи ҳужжатларга қарши амалга
ошириладиган банк кафолати билан уйғунлаштирилади.

БАНК РЕСУРСЛАРИ — банклар ихтиёрида бўлган ва кре-
дит ҳамда бошқа операциялар учун улар томонидан фойдалана-
диган маблағлар жамланмаси. *Б.р.* структураси банкларнинг их-
тисослашувига (марказий, тижорат, инвестициявий ва ҳ.к.) боғ-
лиқ бўлади.

БАНК ТИЗИМИ — бу пул айланиши ва кредит муносабатларига хизмат қилувчи, корхоналар ҳўжалик фаолияти устидан ҳисоб ва назоратни ҳисоб-китоблар ва касса операциялари орқали амалга оширувчи давлат муассасалари мажмуи. Банк тизими қўйидаги банклардан иборат бўлади: 1) мамлакатнинг марказий банки; 2) ташқи иқтисодий миллий банк; 3) жамғарма банки; 4) ҳар хил турдаги тижорат банклари; 5) айрим банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия олган бошқа кредит муассасалари ва ҳ.к.

Банклар ҳар қандай мулк шакли асосида (чет эл капиталини жалб этишни ҳам қўшиб) тижорат асосида қонунда кўрсатилган ҳар қандай фаолиятни амалга оширади.

Давлат банки ҳисобланган Марказий банк бошқа банкларга нисбатан устунликка эга. У олий кенгашга ҳисобдор, иқтисодиётда рўй бераётган жараёнларга ўз баҳосини бериш ва ўз тавсияномаларини парламентда кўриб чиқиш учун таклиф киритиши мумкин. Унга муомалага нақд пул чиқариш, яъни пул муомаласини тартибга солишда ниҳоятда катта ҳуқуқ берилган. Бундай тартибга солиш тижорат банкларга берилган кредитлар ҳажминини ўзгартириш, қимматбаҳо қоғозлар сотиш ва сотиб олиш, чет эл валюталари, давлат банкида тижорат банк томонидан жойлаштирилган мажбурий резервлар нормаларини ўзгартириш ва реал иқтисодий шароитларга мувофиқ кредитлар бўйича фойз ставкаларини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Ўз навбатида тижорат банклари қўйидагича фарқ қилади:

1) низом фондининг қимга мансублиги ва унинг ташкилий усули бўйича, акционер жамияти, чекланган масъулиятли жамият, чет эл банклари ва бошқалар;

2) бажариладиган операцияларнинг тури бўйича: универсал ва ихтисослаштирилган;

3) ҳудудий белгилари бўйича: республика, регионал;

4) тармоқ йўналиши бўйича: саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, социал инфраструктура учун.

Марказий давлат банки уларга кредит бериш билан ёрдам кўрсатмоқда. Тижорат банклари олдига қўйилган энг муҳим талаблардан бири ўз ресурсларининг бир қисmini марказий банкда резерв қилиб қўйиш ҳисобланади. Резерв счётларида турган маблағларни тижорат банкларининг кредит операциялари учун фойдаланиш мумкин эмас. Банк ахборотларига эришишни таъминлаш ва ишнинг аҳволини назорат қилиш учун ҳар хил банк ва қарздорлар учун махсус давлат тафтиш аудитор хизмати тузилади.

БАНК ТРАТТАСИ — кўрсатиш бўйича туланади; банкнинг ўзи томонидан ёки унинг номидан қўйилади; нақд пул маблағларига тенглаштирилади ва ҳақ туламасдан қайтарилиш мумкин

эмас. Кўпинча ташқи савдода фойдаланилади; “перевод вексели” синоними.

БАНКЛАРНИНГ ФОНД ОПЕРАЦИЯЛАРИ — қимматли қоғозлар (акциялар ва облигациялар) билан операциялар. *Б.ф.о.* га қуйдагилар киради: қимматли қоғозлар гаровга қўйилган кредитлаш ва банкларнинг ўзи ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиб олиш; янгидан чиққан қимматли қоғозларни жойлаштириш; миждозлар топшириғи ва ҳисобидан бозорда қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш; миждозлар қимматли қоғозларини сақлаш ва бошқариш.

БАНК ЧЕКИ — тижорат тўловларини (аванс, кафолат ва бошқа суммаларни тўлаш), асосан, нотовар характеридаги тўловларни амалга ошириш учун фойдаланилади. *Б.ч.* пул маблағларини бир мамлакатдан бошқа мамлакатга перевод қилишда кенг тарқалган. *Б.ч.* қўйиш тўғрисидаги чек берувчи банк олдин хабарнома юбориши мумкин (авизо). Бундай *Б.ч.* авизо қилинган деб аталади ва тўловчи банк томонидан фақат хабарномани олгандан кейин тўланади. Ҳозирги шароитда корреспондент банклар *Б.ч.* олдиндан хабарнома йўлламасдан ўзаро тўлаш тўғрисида шартнома қилишни афзал кўрадилар, чунки бу ҳисоб-китобларни тезлаштиради ва соддалаштиради.

Англия банклари кредитлашни овердрафт шаклида амалга оширадилар. Банк билан келишув бўйича миждоз жорий сўтдаги қолдиқдан кўпроқ чеклар беради, улар эса банк томонидан тўланади.

Актив операциялар таркибига вексель ссуда ва бланкали кредитлар бериш бўйича операциялардан ташқари банк томонидан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ҳам (инвестициялар) киради.

Тижорат банклари операцияларининг учинчи гуруҳига коммиссионлар киради, яъни миждозларнинг айрим топшириқлари маълум мукофот учун бажарилади. Коммиссион операцияларга қуйдагиларни киритиш мумкин: воситачилик (перевод, инкассо ва аккредитор), кафолатли — акцепт, ишончли ва ҳ.к.

БАНКНОТЛАР (*инг.*) — эмиссион банклар томонидан чиқариладиган фоизсиз мажбуриятлар (банк билетлари); кредит пулларнинг асосий тури. Банкнотлар товарлар, векселлар ва бошқаларни гаровга қўйиш эвазига банкларнинг ссуда операциялари тартибида чиқарилади ва ссудаларнинг муддати тугаши билан банкка қайтарилади. Давлат харажатларини қоплаш учун чиқариладиган банкнотлар қоғоз пулларга айлантирилади.

БАНКНОТ МУОМАЛАСИ — муомала ва тўлов воситаси сифатида марказий банклар томонидан чиқарилган банк билетларининг фаолият қилиши. Вексель муомаласи базаси капитализмга қадар бўлган формацияларда вужудга келган.

БАНК-КОРРЕСПОНДЕНТ (*фр.*) — ишбилармонликда бошқа банклар билан муносабатда бўлувчи ва уларнинг кўрсатмаси бўйича маълум молия операцияларини бажарувчи банк.

БАНК-ЭМИТЕНТ (*инг.*) — муомалага пул белгилари, қимматбаҳо қоғозлар, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларини чиқарувчи банк.

БАНК-ДЕПОЗИТАРИЙ — казначейлик фойдасига депозитга пул суммаларини қабул қилувчи ваколатли банк. Қатор Фарбий Европа мамлакатлари Б.-д. ичида (Англия, АҚШ ва ҳ.к.) резервларни сақловчи банклар, давлат фондларини сақловчи банклар, ҳукумат фондларини сақловчи банклар ҳам фарқ қилади.

БАНКРОТ (*нем.*) — тўловга қодир бўлмаган қарздор.

БАНКРОТЛИК (*нем.*) — қарздорнинг суд томонидан тан олинган тўловга қодир эмаслиги. Қарздорнинг мулкани бошқариш суд қарори бўйича кредитор манфаати учун амалга оширилади. Ихтиёрий банкротлик судга қарздорнинг ўзининг берган аризаси билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Мажбурий банкротлик эса кредиторларнинг судга мурожаат қилиши билан боғлиқ. Банкротлик тўғрисидаги қонун кредиторларнинг ҳолатини енгиллатиш моддаларини ўз ичига олади. Фаолият қилиш муддати тугаган, облигацияларни сотиб олишга қурби бўлмаган корпорацияларга олдинги бошқарувчи раҳбарлигида ёки васий назорати остида реорганизация ўтказишга, қарздор ҳажми ёки шаклини камайтиришга рухсат берилади. Қарздорларга қонун асосида ўз кредиторлари билан битим тузиш ва қарзларни узишга имкон берилади.

Собиқ Иттифокда банкротлик амалиётда бўлмаган. Зарар кўрган корхоналар қарзлари давлат дотациялари билан қопланган.

БАНКО (*итал.*) — банк қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олишни амалга оширадиган баҳо ёки курс.

БАРТЕР (*инг.*) — товар айирбошлаш; товар қиймати аниқланадиган ва бир товарни бошқа товарга айирбошлашни амалга оширадиган битим; тузилган шартномага кўра “Товар учун” схемаси бўйича савдо.

БАРТЕР БИТИМИ (*операцияси*) — товар муносабатлари ривожланмаган ва валюталарнинг нобарқарорлиги даврида давлатлар, фирмалар, корхоналар ўртасидаги бевосита натурал товар айирбошлаш (пуллардан фойдаланмасдан). Бартер операцияларида пул тўловлари юз бермаса-да, товарлар етказиб бериш пул шаклида баҳоланади ва баҳоларга мос равишда балансланади. Ташқи бартерда товар айирбошлаш эквивалентининг шартли жаҳон баҳоси ёхуд унинг асосида жаҳон баҳоси ётган шартнома

бўйича товар айирбошлаш ҳисобланади. Ички бартерда айирбошлаш пропорцияларини икки томонлама айирбошлаш шартномаси белгилайди. Б.б. асосий сабаблари пул муомаласининг барқарорсизлиги, инфляцияларнинг юқори суръатлари, пул бирлигига бўлган ишончнинг йўқолганлиги, валюталарнинг етишмаслигидир.

БАРТЕР БИРЖАСИ — натурал товар айирбошлаш товар биржаси маҳсулот тақчиллиги шароитида вужудга келади ва эркин баҳо белгилаш йўқлигида бозорнинг ривожланишини ифодаловчи ўтиш шакли ҳисобланади. Бу соҳадаги муҳим чекланишлар олиб ташланса, бартер операцияларига эҳтиёж қолмайди.

БАҲОЛАР МИҚЁСИ — пулларнинг техник вазифаси; қийматни пул бирликларида ифодалаш воситаси. Товарнинг пулда ифодаланган қиймати унинг баҳосини билдиради. Товарнинг қийматини ўлчаш учун муайян миқдордаги пул материални бирлик қилиб олиш зарур. Бундай бирлик баҳолар миқёси деб аталади.

БАҲО КОТИРОВКА ҚИЛИНМАЙДИ — биржада манфаатнинг тўла йўқлиги, биржа савдосининг биронта иштирокчиси ҳам баҳони қўйишга тайёр эмаслиги.

БАРҚАРОР — мустаҳкам, доимий, маълум даражада мустаҳкам ўрнашган, ўзгармайдиган.

БАРҚАРОР ҚИЛИШ — қандайдир қимматликлар қийматини бир даражада сақлаш, масалан, пул белгилари, олтин, товарлар.

БЕКОР ҚИЛИНГАН ЧЕК — банк томонидан тўланган чек. Чекни тўлаш билан банк ўз индоссаментини чекнинг лицевой ёки тескари томонига қўяди, шу билан уни узил-кесил бекор қилади.

“БЕЛЫЙ СЛОН” — харажатлар мавжуд потенциал фойдадан ошиб кетувчи битимни белгиловчи биржа жарғони, ифодаси. “Б.с.” хилидаги битимлар товарни (қимматли қоғозни) тез сотиш зарурияти туғилганда, ҳар хил сабаблар билан боғлиқ бўлган бошқа ўхшаш вазиятда бозор баҳоларини (қимматли қоғозлар курсларини) тушириш учун амалга оширилади.

БЕНЕФИЦИАР (лот.) — суғурта қилинган ҳужжат бўйича тўловни олувчи ёки фойдасига ишонч мулки ҳосил қилинадиган шахс, фойда ёки устунлик оладиган киши.

БЕССА (фр.) — қимматбаҳо қоғозлар курси ёки товар баҳоларини пасайтиришни ўз мақсади қилиб қўйган биржа чайқовчилиги. Пасайишга ўйнайдиган чайқовчи (бессит) қимматбаҳо қоғозларни ёки товарларни ўз муддатида сотади; агарда бозордаги баҳолар битимни тузиш ва бажариш ўртасидаги даврда тушса, унда битимни бажариш муддати келганда чайқовчи-сотувчи қоғозларни ёки товарларни энг паст баҳо бўйича сотиб олиши мумкин ва уларни ўз контрагентига энг юқори баҳо бўйича со-

тиб фойда олади. Битимлар товарларни ёки қўғозларни ҳақиқатда етказиб бермасдан курс фарқларини тўлаш билан амалга ошади. Курс ёки баҳо пасайганда фарқ чайқовчи-сотувчининг фойдасига тушади, ошганда эса сотиб олувчи фойдасига тушади.

БИД (*инг.*) — 1) Маълум баҳо бўйича товар ва қимматбаҳо қўғозларни сотиб олиш мажбурияти. Мисол, дилер сотиб оладиган ёки валютани қўғозга қарзга оладиган курс; 2) Европа облигациясини иккиламчи бозорда сотиб олувчи томонидан таклиф этиладиган баҳо.

БИЗНЕС (*инг.*) — бозор иқтисодиёти шароитида маълум маҳсулотни ёки хизматларни реализация қилишни яратиш орқали фойда олиш мақсадига қаратилган субъектнинг иқтисодий фаолияти. Бизнесмен ва менежер бир хил эмас. Бизнесмен — бу “пул қилувчи”, оборотда турган, даромад келтирувчи капитал эгаси. У тобелигида ҳеч ким бўлмаган ишбилармон одам ёки ташкилотда доимий вазифага эга бўлмаган, аммо унинг акциялари эгаси ҳисобланган йирик мулкдор бўлиши мумкин. Менежер, албатта доимий вазифага эга, унинг тобелигида одамлар бўлади. Бизнеснинг алоҳида томони — бу тадбиркорликдир. Фаолиятнинг бу тури одам — тадбиркор шахси билан кўп томондан алоқадор, у янги ишни бошлаш, айрим янгиликларни реализация қилиш, янги корхонага ўз маблағини сотиш ва ўзига янги таваккалчиликни қабул қилиш билан бизнесни амалга оширади. Менежер билан тадбиркор ўртасидаги фарқ жуда катта. Менежерни кўпроқ раҳбарликнинг бюрократик услуби ўзига тортади, аммо агарда у раҳбарликнинг тадбиркорлик услубига кўпроқ риоя қилса, бу тафовут барҳам топади. Бу зиддиятли вазифани ҳал этиш айрим фирмаларгагина мумкин бўлади.

БИЗНЕС-РЕЖА (*инг.*) — бу бўлажак тижорат корхонаси барча асосий аспектларини ёзиб оладиган, у дуч келадиган барча муаммоларни анализ қиладиган ҳамда ушбу муаммоларни ечиш усулларини аниқлайдиган ҳужжат.

БИЗНЕСМЕН (*инг.*) — ишбилармон, коммерсант, тадбиркор; умуман, фойда ёки бошқа нафлар келтирувчи ўз маблағларига эга бўлган, ҳар қандай иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи киши. У катта бўлмаган корхонанинг ягона мулкдори, акционер жамият бошқарувчиси, корхона раҳбари ва ҳўжалик бирлашмасининг менежери (ёлланган бошқарувчи) бўлиши мумкин.

БИКИ — чет эл тижорат ахбороти бюллетени.

БИКИК ВАЛЮТА — фақат бир мамлакат доирасида фаолият қиладиган ва бошқа чет эл валюталарига айирбошланмайдиган миллий валюта. Б.е. миллий ва чет эл валютасини чиқариш ва келтириш, сотиш, сотиб олиш ва айирбошлаш бўйича ҳар хил чеклашлар ва тақиқлашларни қўллайдиган ҳамда валютани

тартибга солишнинг ҳар хил чораларидан фойдаланувчи мамлакатлар валюталари киради.

БИЛАТЕРАЛ ОЛИГОПОЛИЯ (лот.) — чекланган йирик сотувчилар сонига чекланган йирик сотиб олувчилар сони қарама-қарши турган бозордаги вазият.

БИЛЛЬ-БРОКЕРЛАР (инг.) — фонд бозорларида векселлар ҳисоби ва қайта ҳисоб бўйича битимларга воситачи бўлувчи вексель маклерлари. Вексель суммасидан маълум фоиз тарзида комисион мукофот олади.

БИМЕТАЛИЗМ (лот.) — товарларнинг умумий эквивалентли сифатида икки нодир металл — олтин ва қумуш хизмат қилган пул муомаласи тизими. Биметализм тизими капиталистик мамлакатларда XIX асрнинг охиригача кенг тарқалган эди, кейин эса олтин монометализми тизимига ўтилди.

БИРЖА (нем., грек.) — мунтазам турувчи қонунлаштирилган жой, товарларни (товар), чет эл валютасини (валюта) стандартлар ва намуналари бўйича сотувчи ёки иш кучини ёллаганда (меҳнат биржаси) воситачиликни амалга оширувчи қимматбаҳо қоғозлар улгуржи (баъзан чакана) савдо бозори. Бошқа кам тарқалган ҳар хил биржалар ҳам маълум. Қондага кўра биржа қўмитаси Б.нинг раҳбар органи ҳисобланади. Б. брокерлар (маклерлар), дилерлар фаолияти жойидир. Ҳозирги вақтда Б. ишида компьютер шохобчалари ва ҳозирги замон алоқа воситаларидан кенг фойдаланилади, бу ахборотлар оператив айирбошлаш имконини беради ва биржа операцияларини ўтказишда самарадорликни оширади. Б. президенти ундаги бош вазифадор шахс ҳисобланади. Уни Б. раҳбар органи бўлимига бошқарув органига тайинлайди. Б. раҳбар органи уни бошқаради; унинг сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бу акционерлар кенгаши, правление ёки кишиларнинг бошқа гуруҳи бўлиши мумкин.

БИРЖА АУКЦИОНИ — биржада товарларни сотиш шакли, бунда бошланғич ҳолат сотувчилар томонидан тайинланадиган баҳо ҳисобланади, товар эса энг юқори баҳо таклиф қилган сотиб олувчига тегади. Ҳозирги биржа савдосида унчалик роль ўйнамайди.

БИРЖА БАҲОСИ — биржа савдоси тартибида реализация қилинадиган товарларга қўйилган баҳо. Биржа баҳолари ҳақидаги маълумотлар тизим нашрларда, товарлар Б.б. бюллетенларида бериб борилади, вақтли котировкаларда хабар қилинади. Б.б. тегишли товарлар баҳосининг даражаси ва динамикаси тўғрисида ахборотнинг муҳим ва етарлича ишончли манбасидир.

БИРЖА БИРЛИГИ — намунавий биржа шартномасида қўрилган сотиладиган муайян товарнинг стандартлаштирилган минимал ҳажми. Б.б. жўнатилган ушбу товарнинг минимал меъёри бошқа омилларга боғлиқ ҳолда аниқланади.

БИРЖА БИТИМЛАРИ — биржада қимматбаҳо қоғозлар, товарлар ва чет эл валютаси билан савдо битимлари. Икки асосий хилга бўлинади: касса, бунда пул дарҳол тўланади ва муддатли, бунда қимматбаҳо қоғозлар ёки товарлар битимлар тузилгандан кейин дарҳол берилади, пуллар эса маълум муддатдан сўнг тўланади (одатда бир ой ичида). Муддатли битимлар тез-тез оддий курслар фарқига бўлган ўйинни билдиради. Ютилган қимматбаҳо қоғозлар ва товарларни бермасдан уни тўлайди. Бу ишбилармонларга биржада йирик суммалар билан чайқовчилик қилиш имконини беради. *Б.б.* мазмуни (товарнинг номи, миқдори, баҳолари, жойи ва бажариш муддатларидан ташқари) ошқор қилинмайди. *Б.б.* улар кўрсатилган тартибда биржада рўйхат қилиш пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади ва фақат брокерлар томонидан амалга оширилади.

БИРЖА БОЖИ — биржа битимларини бажарганлик ҳуқуқи учун биржа қўмитаси томонидан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олганлардан ундириладиган пул тушуми (одатда, ушбу сотилган қимматбаҳо қоғозларнинг 20 фоизи ҳажмида).

БИРЖАДАГИ БРОКЕР — ишлаб чиқарувчи ва дилер ёки дилер ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларга нисбатан агент сифатида чиқувчи воситачи. Фақат комиссиялар тарзида мукофот олади.

БИРЖА БЮЛЛЕТЕНИ — биржанинг даврий органи, бунда қимматбаҳо қоғозлар курслари ва товарлар баҳоси эълон қилинади. Айрим биржаларнинг *Б.б.* ҳар бир биржа мулкисининг оборот суммаси кўрсатилади. Агарда белгиланган кунда товарлар ва қимматбаҳо қоғозлар билан битимлар тузилмай қолса, курс ўрнига баҳо справочниги эълон қилинади. *Б.б.* қоидага кўра ҳар куни чиқарилади ва савдо-саноат газеталари ва журналларида босилади.

БИРЖА ВАҲИМАСИ (*биржа ҳалокати*) — қимматбаҳо қоғозлар, биринчи навбатда акциялар курсининг кескин ва ҳалокатли тушишини характерловчи биржа кризисининг энг ўткир даври. *Б.в.* да қимматбаҳо қоғозлар таклифи кескин кучаяди, аммо уларга бўлган талаб кескин тушади. *Б.в.* қоидага кўра, иқтисодий кризис рўй беришининг натижаси ёки олдинги биржа ажиотажининг (кўтарилган шов-шувнинг) қонуний якуни ҳисобланади. Мисол, 1929 йил октябрида Нью-Йорк фонд биржасидаги биржа ҳалокати.

БИРЖА ГУБЕРНАТОРИ — биржа раҳбар органига — губернаторлар правлениеси ёки кенгашига кирувчи тажрибали брокер. Брокер маълум муддатга *Б.г.* бўлиши мумкин. Биржа раҳбариятига ташқи губернаторлар ҳам киришлари мумкин.

БИРЖА ДАРОМАДИ — одатда биржалар корпоратив солиқ тўлашдан озод этилган, фойда олмайдиган ассоциацияларни

ифодалайди. Улар даромадининг асосий моддалари қуйидагилар ҳисобланади: биржа фирмаларидан ҳар бир буюртма учун тутиб қолинадиган, савдо залида бажариладиган акциз (битимга солиқ), улар акцияларини биржа рўйхатига киритганлик учун компаниялар ҳақи; биржа томонидан улар листингини юқори даражада қўллаб-қувватлашга сарфланадиган йиллик компания бадаллари; листингда, уларнинг капиталлари структурасида ўзгариш бўлганлиги муносабати билан, ўзгариш бўлганлиги учун компаниялар ҳақи; жорий зарарларни қоплаш ёки резерв ҳосил этишга биржа фирмаларининг эпизодик бадаллари (мунтазам бўлмаган), яъни аъзоларнинг кириш бадаллари; жарималар.

БИРЖА ДОИРАСИ (*майдончаси*) — 1) Фьючерс бозори (айниқса биржа топшириғи қўзда тутилганда). Бу термин бир қанча Европа биржаларидаги биржачиларнинг доира бўлиб туришлари ёки ўтиришлари билан тушунтирилади; 2) Биринчи биржаларда ҳисоб-китоб келишувининг примитив шакли, шунга мувофиқ брокерлар сотиб олувчилар ва сотувчилар занжири ёки майдончаси бўйича контракт ҳаракати кузатиб турилади, тўлаш эса фақат фарқдан берилади.

БИРЖАНИ ЁПИШ — операцион куннинг охири, мижозларнинг охирги қарорларни бажариш вақти.

БИРЖА ЖЕСТИКУЛЯЦИЯСИ — қўллар ва панжалар билан сигналлар бериш орқали битим тузиш усули; брокер қўлининг ҳолати сотиш ёки сотиб олишни билдиради.

БИРЖА ИНТЕРВЕНЦИЯСИ — қимматбаҳо қоғозлар курслари сунъий таъсир кўрсатиш мақсадида фонд биржалари операцияларига давлатнинг, банкларнинг ва йирик тadbиркорларнинг аралашуви. *Б.и.* — биржа чайқовчилиги шаклларида бири. Давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини оммавий сотиб олиш орқали давлат кредитини мустаҳкамлаш учун молия муассасалари ва марказий эмиссион банклари *Б.и.* мурожаат қилади.

БИРЖА КЕНГАШИ — биржа акционерларининг мажлислари ўртасида биржани бошқарувчи олий орган. Биржа акционерлари мажлисларида сайланади ва раиси ёки президент томонидан раҳбарлик қилинади.

БИРЖА КОНЪЮНКТУРАСИ ИНДЕКСИ — фонд биржаларидаги фиктив капитал айланиши бозор қиймати динамикасининг ўртача кўрсаткичи. Доу Жонс индекси машҳур индекс ҳисобланади.

БИРЖА КОТИРОВКАЛАРИ — биржада амал қилувчи товарлар баҳоси. Ҳар бир биржа *Б.к.* ўқети системалаш ва эълон қилишни амалга оширади. Одатда биржа эрталабки ва кечки биржа савдосининг бошланиши ва тамом бўлиши, товарларни сотувчилар ва сотиб олувчилар, товарларни тезлик билан ва муддатли етказиб бериш котировкаларини эълон қилади. Биржа-

нинг ҳар бир иш кундаги ўртача ва бошқа котировкалар ҳисобланади ва эълон қилинади. Биржада фақат 20 фоиз хом ашёлар ва озиқ-овқат товарлари жаҳон савдоси ҳажми амалга оширилиши ва биржадаги 90 фоиздан кўпроқ битимлар чайқовчилик характериға эға бўлишиға қарамасдан котировкалар биржа товарлари жаҳон баҳоси даражасини етарлича объектив ифодалайди ва уларнинг махсус эълонлари биржадан ташқари савдодаги ўхшаш товарларға баҳо қўйиш учун асос ҳисобланади.

БИРЖА КОТИРОВАЛ КОМИССИЯСИ — биржа муомала-сидаги қимматбаҳо қоғозлар курсини ёки товарлар баҳосини аниқловчи ва эълон қилувчи биржа органи. Унинг вазифалариға биржада тузилган битимлар ва биржа бюллетенини тузиш тўғрисидаги маклерлар ва биржанинг бошқа аъзолари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини кузатиш қиради. Комиссия тартиби биржа аъзолари томонидан сайланади.

БИРЖА КУРСИ (нем.) — биржада муомалада бўлувчи қимматбаҳо қоғозларнинг сотиш баҳоси (акциялар ва облигациялар). Акцияларнинг Б.к. дивиденд ҳажми, ссуда фонзи даражаси ва бошқа омилларға боғлиқ. Акцияларнинг номинал баҳоси. Б.к. га таъсир қилмайди, облигацияларнинг номинал баҳоси эса таъсир қилади.

БИРЖАДАГИ ЛИКВИДЛИК (нем.) — айрим битимни амалда тузиш баҳолар (курслар) даражасига таъсир қилмайдиган биржадаги битим ҳажми шерикни излашда қийинчилик туғдирмайдиган, биржадаги баҳода катта нобудгарчиликка йўл қўймасдан уларни нақд пулга айлантириш мақсадида тез сотиш имконияти.

БИРЖА ПРАВЛЕНИЕСИ (нем.) — биржани бошқаришнинг тайинланадиган ёки сайланадиган органи.

БИРЖА МАКЛЕРИ (нем.) — товар ва фонд биржаларида битимларни тўлдиришда воситачилик вазифасини бажарувчи шахс. У ушбу вазифаларни ўз ҳисобидан ва ўз номидан амалга ошириш ҳуқуқиға эға эмас, ўз миждасидан воситачилик фаолияти учун мукофот олади. Мукофотнинг ҳажми биржа низомида қайд қилинган бўлади ва биржа қўмитаси томонидан белгиланади.

БИРЖА МАЖЛИСИ (нем.) — биржа аъзолари мажлиси, бунда қимматбаҳо қоғозлар ёки биржа товарлари талаб ва таклифи аниқланади ҳамда мажлис иштирокчилари ўртасида бевосита ёки брокерлар (маклерлар) орқали битимлар тузилади. Б. м. тартиби биржа қўмитаси томонидан ўрнатилади ва биржа аъзолари бунга қаттиқ риоя қилишлари керак. Б.м. ҳар кун и белгиланган соатда ўтказилади.

БИРЖА МУЛКИ (нем.) — қуйидагилардан ташкил топган биржа маблағлари: 1) пай, кириш ва йиллик аъзолик бадалларидан; 2) кафолатли бадаллардан; 3) биржа операцияларидаги

тушумлардан; 4) хизматлар кўрсатганлиги учун тушумлардан; 5) савдо қоидаларини бузганлик учун жарималардан. *Б.м.* сарфлари тартиби унинг аъзоларининг умумий мажлиси томонидан белгиланади.

БИРЖА НОТАРИУСИ (*нем., лот.*) — биржа оборотига тегишли шартномаларни ва бошқа ҳужжатларни тасдиқловчи шахс. Чет элликлар билан тузилган биржа битимлари асосан нотариал тасдиқлашга тегишлидир. *Б.н.* векселларга норозилик билдиришни амалга ошириш (уларга кўра вексель эгалари чет элликлар ҳисобланади) тижорат қоғозлари ва актларни чет тилидан ва чет тилида таржима қилиш юклатилади. Бир мамлакатда *Б.н.* биржа қўмиталари томонидан тайинланса, бошқаларида адлия ташкилотлари томонидан тайинланади.

БИРЖА ОБОРОТИ (*нем.*) — биржада маълум даврда бажарилган қимматбаҳо қоғозлар ёки товарлар билан бўлган битим ҳажми. Реализация қилинган товарлар (товар биржасида) ёки қимматбаҳо қоғозлар (фонд биржасида) баҳолари суммаси билан аниқланади. Реализация қилинган қимматбаҳо қоғозлар миқдори ҳам фонд биржасида *Б.о.* кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

БИРЖА ОПЕРАЦИЯЛАРИ (*нем., лот.*) — ҳар хил турдаги биржа битимлари мажмуи. Тижорат битимларини, жирлашни, биржа контрактлари бўйича товар етиштиришни ва опционларни ўз ичига олади.

БИРЖА ПРЕЗИДЕНТИ (*нем., лот.*) — биржада бош вазифадор шахс. Уни ҳар бир биржанинг раҳбар органи тайинлайди.

БИРЖА РАҲБАР ОРГАНИ — биржани бошқарувчи, биржа сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи орган. Правление ёки губернаторлар кенгаши бўлиши мумкин. Бир қанча биржа хизматчиларидан, губернаторлардан ва ташқи губернаторлардан иборат. *Б.р.о.* ёрдам бериш учун ҳар хил қўмиталар тузилади: аудитор, бюджет, биржа индекслари, опционлар, листинг, савдо зали процедуралари бўйича.

БИРЖА РИНГИ (*нем., инг.*) — 1. Биржа савдолари ўтувчи фьючерс биржасидаги жой. Термин шундан далолат берадики, Лондон нодир металл биржаси, Цюрих ва айрим бошқа Европа биржаларидаги биржачилар доира бўлиб турадилар ёки ўтирадилар; 2. Термин беш дақиқалик даврни белгилаш учун истеъмол қилинади, чунки шу вақт давомида ҳар бир алоҳида металл билан савдо юритилади.

БИРЖА РҲЙХАТИ (*нем.*) — биржадаги компаниянинг у операцияларни амалга оширишга қўйилгунга қадар рўйхатдан ўтиши мумкинлиги. *Б.р.* ахбороти учун тақдим этиладиган ҳажмлар ва ҳар хил мамлакатлардаги юридик характеридаги ҳар хил таълаблар анчагина фарқ қилиши мумкин.

БИРЖА СОЛИФИ — биржа оборотига солиқ, солиқ олиш объекти — фонд биржасидаги қимматли қоғозлар обороти: акциялар, облигациялар, инвестиция сертификатлари ва ҳ.к. *Б.с.* олишга асос бўлиб қимматли қоғозлар бўйича битим хизмат қилади.

БИРЖА САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ — брокерлар, биржа маклерлари, бош маклер, брокерлар ва биржа маклерлари ёрдамчилари. *Б.с.и.* дан ташқари биржада операция залига қуйидаги шахсларга рухсат берилади: биржа ходимлари, бош бошқарувчи, правление раиси, давлат комиссари ва Биржа Кенгашининг масъул аъзоси ҳамда Биржа Кенгаши томонидан рухсат берилган шахслар.

БИРЖА СПЕКУЛЯЦИЯСИ (*нем., лот.*) — 1) Битим тузиш ва бажариш пайтидаги курслар ўртасидаги фарқдан чайқовчилик йўли билан фойда олиш мақсадида биржада қимматбаҳо қоғозлар билан битимларни амалга ошириш; 2) Товар биржалари ҳам чайқовчилик савдо жойи ҳисобланади; у товарлар баҳосининг ошиши ва пасайиши ўйинига асосланади.

БИРЖА СТРУКТУРАСИ (*нем., лот.*) — биржани ташкил этишнинг асосий хусусиятлари умумий характерга эга. Биржа бошида биржа аъзоларининг тўртта категориясини тасаввур этувчи директорлар Кенгаши туради: реал товар билан савдо қилувчилар, биржа ҳалқасидаги брокерлар, комисион уйлар ва томошабинлар.

БИРЖА ТАҚИҚЛАРИ ВА БУЗИЛИШЛАРИ — биржада тақиқланган ҳаракат турлари: 1) баҳоларга таъсир қилиш мақсади бўлган битта шахснинг қўламли битимлари; 2) жорий биржа баҳоларини ўзгартириш ёки қайд қилиш мақсади бўлган савдо биржаси иштирокчиларининг ҳар қандай келишиб ҳаракат қилишлари; 3) конъюнктуранинг сунъий ўзгаришларига олиб келиши мумкин бўлган ёлғон овоза тарқатиш кўрсатилган бузилишларни текшириш билан савдо биржаси қоидалари бўйича қўмита шугулланади.

“БИРЖАДАН ТАШҚАРИ НОМ” — кўчанинг номи. Уларни сотиб олувчи номига эмас, балки брокер номига ўтказилган қимматли қоғозлар “кўча номи бўйича” нақдга эга бўлган *Б.т.н.* ўтказилган ҳисобланади. Бу қимматли қоғозларни маржадан сотиб олишда ёки сотиб олувчи қимматли қоғозларни брокернинг ўзи сақлашини афзал кўрган чоғда юз беради.

БИРЖАДАН ТАШҚАРИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ (*нем.*) — фонд биржаси аъзолари бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган дилерлар томонидан ташкил этилган қимматли қоғозлар бозори. *Б.т.қ.қ.б.* телефон, телефакс, компьютер шохобчалари бўйича ўтказилади ва ўз акцияларини қандайдир биржала рўйхатдан ўтказиш учун етарлича акциялар, акционерлар

ёки даромадларга эга бўлмаган қимматли қоғозлар билан шуғулланади. Биржадан ташқари қимматли қоғозлар билан савдо қилувчи дилерлар принципаллар ва брокерлар сифатида чиқишлари мумкин. *Б.т.қ.қ.б.* барча турдаги облигацияларнинг асосий бозори ҳисобланади.

БИРЖА ФИРМАСИ (*нем., итал.*) — биржада ўринга эга бўлган фирма. *Б.ф.* ҳар бир ўринга бир овозга эга бўлади ва биржа ишида ташаббускор ташкилот сифатида иштирок этади. Ўрин биржанинг ўзидан ёхуд бошқа биржа фирмаларидан солиб олинади. Бу *Б.ф.* қимматли активи бўлиб, у биржа тўғрисидаги низомида акс эттирилган шартларга мувофиқ фойдаланиши мумкин.

БИРЖА ФОЙДАСИ — товар ва фонд биржасида қимматбаҳо қоғозлар ва товарлар билан савдо қилишдан олинган фойда. Қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларда фарқ қилинади: 1) таъсис фойдаси; 2) курс фойдаси. *Б.ф.* ажиотаж даврида энг катта ҳажмга этади.

БИРЖА ҚАТНОВЧИСИ — биржа аъзоси бўлмаган, аммо биржа операцияларини бажариш учун биржа қўмитаси қарори бўйича ижозат олган шахс. *Б.қ.* биржада доимо, вақтинча ёки бир марталик битимлар тузиш учун қатнашиши мумкин, битимлар эса, қоидага кўра, фақат маклер орқали бажарилади. *Б.қ.* биржани бошқаришда ёки унинг органларини сайлашда иштирок этмайди.

БИРЖА ҚОНУНЛАРИ МАЖМУИ — биржаларда савдони тартибга солувчи қонунлар мажмуи. Асосий вазифаси — баҳо-лардаги ҳийла ва ҳалокатларнинг олдини олиш; чайқовчилардан кичик фирмалар манфаатини ҳимоя қилиш. Савдо биржасини қонунлар билан тартибга солиш кейинги 20 йилда анча кучайди. Олдинлари у кўп мамлакатларда биржаларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилган нормалар ва қоидалар билан устун даражада тартибга солинар эди.

АҚШда 1973 йилдан бошлаб фьючерс биржаларида барча операцияларни тартибга солиш билан фьючерс товар савдоси бўйича комиссия шуғулланади. Унинг шахсий таркиби президент томонидан тайинланади ва конгресс томонидан тасдиқланади. Англияда 1986 йилгача товар биржалари фаолияти устидан Англия банки кузатиб борган, 1986 йилдан бошлаб қимматбаҳо қоғозлар ва инвестициялар бўйича Кенгаш бошқаради. Францияда тартибга солиш вазифалари фьючерс товарлар бозори бўйича Комиссия ваколатига киради. Японияда эса ҳар хил вазирликлар тартибга солади.

БИРЖА ҚЎМИТАСИ (*нем., лот.*) — биржанинг доимий ташкилоти, унинг жорий ишларини олиб боради. Раис ва аъзолар умумий мажлис томонидан маълум муддатга сайланади. *Б.қ.*

вазифасига биржада операциялар тартибини ўрнатиш, қимматбаҳо қорозлардан фойдаланишни кузатиш ва биржа бюллетенларини тузиш, биржа ишлари бўйича ҳукумат ташкилотлари билан алоқани амалга ошириш, биржа маклерларини (брокерларини) тайинлаш, баҳоларни кўриб чиқиш ва ҳ.к. киради. Б.қ. дан ташқари биржанинг бошқа қўмиталари ҳам мавжуд.

БЛАНК (фр.) — маълум форма бўйича ҳужжат тузиш учун муассаса, корхона, ташкилот томонидан босма усулда тайёрланган ёки қисман матнли нашр қоғоз varaғи.

БЛАНКЕТ НОРМАСИ — давлат органларига, вазифадор шахсларга ахлоқий қондалар, тақиқлар ва ҳ.к. мустақил ўрнатиш учун берилган ҳуқуқ меъёри.

БЛАНКОВИЙ (фр.) — бланкка тегишли.

БЛАНКОВИЙ ВЕКСЕЛЬ — фақат вексель эгасининг имзоси қўйилган, аммо матн ёзилмаган вексель.

БЛАНКОВИЙ ЁЗУВ — вексель эгаси томонидан векселнинг орқа томони тўлдирилган, аммо олувчининг номи кўрсатилмаган вексель.

БЛАНКОВИЙ КРЕДИТ — фақат кредит берувчининг шахсий ишончига асосланган, аммо молиявий таъминланмаган кредит.

БЛАНКОВИЙ ИНДОССАМЕНТ (фр., нем.) — бенефициар номи кўрсатилмаган ҳолда ўтказадиган ёзув.

БЛАНКОВИЙ ЧЕК (фр., инг.) — суммаси қўйилмаган чек.

БЛОК ФИРМЕННИЙ (фр.) — композицияга бирлашган товар белгиси ва логотип ҳамда ҳар хил тушунтирувчи ёзувлар (мамлакат, почта манзили, телефон, телекс, телефакс).

БЛОКАДА ҚИЛИНГАН ВАЛЮТА — обороти ҳукумат томонидан назорат қилинадиган валюта; фақат бир мамлакат ичида тўловлар учун фойдаланилади.

БЛОНБАСТЕР (инг.) — шаҳар кўчмас мулк коммерсанти (уйлар, участкалар).

“БЛУ ЧИПС” (голубые корешки) (инг.) — 1. Ўзларининг товарлари ва хизматлари сифати муносабати билан умуммиллий машҳурликка ва фойда олиш, дивидендлар тўлаш қобилиятига эга бўлган компаниялар; 2. Машҳур, йирик, дивидендларни барқарор тўлаб турувчи компаниялар акциялари.

БЛОКАДА ҚИЛИНГАН СЧЁТ (инг.) — тўлов эркин амалга оширилиши мумкин бўлмаган банк счёти; “музлатилган” счёт, масалан, сиёсий сабабларга кўра.

БЛОТТЕР (инг.) — фонд биржасидаги кунлик битимлар рўйхати; брокерлар ва клиринг корпорацияларидан олинган маълумотларни таққослаш учун хизмат қилади ва биржа ахбороти-ни ҳисобга олиш, ишлаш учун асос ҳисобланади.

БОДМЕРЕЯ (нем.) — кема ёки юкни гаровга қўйиш эвазига унинг эгалари ҳисобидан олинадиган қарз пул, кема капитанига рейсни (қатновни) ниҳоясига етказиш учун пул маблағларига жуда ҳам зарурият туғилганда юз беради.

БОЖХОНА (инг.) — юкларни ва шахсларни чегарадан ўтказишда ўқёт ва назоратни амалга оширувчи давлат божхона хизмати маҳкамаси. Б. чегара пунктлари, аэропортлар, денгиз ва дарё портларида ташкил этилади ва мавжуд бўлади, шулар орқали товарлар ва мол-мулклар чет элга жўнатилади ва чет элдан олиб келинади. Б. асосий вазифалари божхона назорати, ўрнатилган божхона тарифларига мувофиқ божхона божи ва божхона тушумларини ҳисоблаш ва олиш, божхона статистикаси юритишдан иборатдир. Б. айни пайтда, юкларни, бағажларни, бошқа мол-мулкни ва давлат чегарасидан ўтаётган шахсларни шахсан текширади. Зарур ҳолатларда санитария-карантин, ветеринария, фитосанитария назорати, мамлакатдан маданий ва тарихий қимматбаҳо нарсаларни олиб чиқишни назорат қилишни амалга оширади. Б. бош вазифаси контрабандага қарши кураш ва божхона иши тўғрисида қонунларга риоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

БОЖХОНА БОЖИ (инг.) — мамлакат чегарасидан ўтказилаётган товарлар, қимматбаҳо нарсалар ва мол-мулкдан божхона муассасалари томонидан олинадиган давлатнинг пул тушумлари (солиқлари). Б.б. олиб келинадиган, юбориладиган ва транзит товарлардан олинади. Унинг ҳажми Б.б. да олинадиган товарлар рўйхатида кўрсатилган божхона тарифлари асосида белгиланади. Божхона тарифида товарлар ишланиш даражасига (тайёр буюмлар, ярим фабрикалар, хом ашё) бўғлиқ ҳолда ва келиб чиқиши бўйича (саноат, қишлоқ хўжалиги, минерал хом ашёлар ва ҳ.к.) гуруҳланади. Солиқ олиш методлари бўйича “адвалор” Б.б. (товар баҳосидан фоиз) ёки ўрнатилган товар бирлиги учун қатъий ставка шаклидаги Б.б. (дона, оғирлик, ҳажми, узунлик ва ҳ.к.) фарқ қилади. Б.б. импорт товарлар баҳосини қимматлаштиради ва шу билан давлатга ички бозорни ҳимоя қилиш, импорт ҳажми ва унинг структурасини тартибга солиш имконини беради.

БОЖХОНА БОЖИГА ҚЎШИМЧА — одатда иқтисодий, айрим ҳолатларда фискал ва сиёсий мақсадларда қўлланилади.

БОЖХОНА ДАРОМАДЛАРИ — давлат бюджетининг даромадли моддаларидан бири. Давлат чегарасини кесиб ўтган товарлардан божхона солиғи олиш натижасида ҳосил бўлади ва божхона божи чегарадаги божхона тушумлари, жарималар ва божхона томонидан мусодара қилинган товарларни реализация қилишдан тушган даромадлардан иборат бўлади. Давлат органлари божхона харажатлари махсус божхона тушумлари ҳисоби-

ни қопланади: лицензия, статистик, бандерол, марка ҳамда санигария тушумлари ва ҳ.к. *Б.д.* асосан, импортга чет эл валюта-сида тўланган харажатлар ва ички бозорда маҳаллий валютада импорт қилинган товарларни сотишдан тушган даромадлар ўртасидаги фарқ ҳисобидан ҳосил бўлади.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ (*инг., лот.*) — экспорт ва импорт қилинадиган товарларни, йўловчи юки, қўлда олиб юриладиган юк, қимматбаҳо нарсалар ва валютани ҳам қўшиб чегарадан ўтадиган юк тўғрисида маълумот берувчи ҳужжат. *Б.д.* давлат чегарасидан юкларни олиб келиш, чиқариб юбориш ва транзит юкларни ташишда уларни ўтказиб юбориш учун асос ҳисобланади. У юк тўғрисида маълумотнинг тўғри ва тўлиқ бўлиши учун тўла жавоб берадиган юкнинг эгаси ёки тақсимловчи томонидан тўлдирилади ва божхона идораларига тақдим этилади. Декларацияда кўрсатилмаган ва божхона назоратидан яширилган буюмлар мусодара қилинади.

БОЖХОНА ИТТИФОҚИ — икки ёки ундан ошиқ давлатлар ўртасида божхона божини тугатиш тўғрисида келишув; коллектив протекционизми шакли. *Б.и.* мақсади иштирокчи мамлакатларнинг ўзаро савдосини енгиллаштиришдан иборатдир. *Б.и.* рақобат курашини ўткирлаштиришга таъсир қилади ва ривожланган капиталистик мамлакатлар гуруҳлари томонидан ривожланаётган мамлакатларга нисбатан камситувчи сиёсат олиб боришда фойдаланиши мўмкин. Ривожланаётган мамлакатлар *Б.и.* ёрдамида савдо экспанциясидан ўз миллий бозорларини ҳимоя қилишга интиладилар.

БОЖХОНА КОДЕКСИ (*инг., лот.*) — давлат чегарасидан ўтадиган товарлар, қимматликлар ва бошқа буюмларни жойлаштириш ҳамда устидан божхона назоратини, божхона операцияларини амалга ошириш, контрабанда ва божхона қоидаларини бузишга қарши кураш олиб боришни тартибга солувчи қонуний акт. *Б.к.* божхона ишини бошқаришни белгилувчи меъёрларни, божхона органлари вазифалари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўз ичига олади.

БОЖХОНА КОНВЕНЦИЯСИ (*инг., лот.*) — ҳам экспортёр, ҳам импортёр мамлакатаида божхона расмиятчилигини енгиллатиш, божхона солиғи масалалари ва иштирокчи-мамлакатлар ўзаро савдосидаги божхона расмиятчиликларини тартибга солувчи кўп томонлама ёки икки томонлама халқаро битим. *Б.к.* иштирокчилари биров-бировларига божхона имтиёзлари бериш ва божхона қоидалари ўзаро савдо ва бошқа ташқи иқтисодий алоқалар турлари, ишбилармонлик контрактлари, туризмнинг ривожланишига тўсиқлик қилмаслигига ёрдам бериш учун ўзларига мажбурият оладилар.

‘БОЖ НАЗОРАТИДАН ОЗОД ЗОНА — давлат ҳудудининг бир қисми, бунда ташқи савдо битимлари ҳисобланадиган ҳар қандай моддий бойликлар бож назоратига тегишли эмас ва импорт товарларидан солиқ олинмайди, эркин зонада фақат бож кузатиши амалга оширилади. Эркин зонага товар олиб келиш учун бож декларацияси талаб этилмайди.

Эркин тижорат зонаси солиқлар ва бож тушумларини кўзда тутувчи бож процедура тизимларидаги катта миллий тафовутлар мавжуд шароитларда ташқи савдо фаолиятини мукофотлаш мақсадида тузилади. Бундай зонада фақат импорт-экспорт товарларнинг истеъмоллилик хусусиятларини сақлаб қолиш учун шарт-шароитлар ҳосил қилинади. Саноат эркин зонасида товарлар ишлаш таъсирига учрайди ёки улар асосида янги буюмлар ва маҳсулотлар тайёрланади.

БОЖХОНА ОМБОРИ — божхона раҳбарлари томонидан мамлакат ичига ва чет элга чиқарилмаган юklar, багажларни сақлаш учун тайинланган омбор биноси.

БОЖХОНА РАСМИЯТЧИЛИКЛАРИ — божхона томонидан товарларни, қийматликлар, шахсий буюмлар ва бошқа буюмларни келтириш ва чиқаришни талаб қилиш ёки амалга ошириш ҳаракатлари.

БОЖХОНА СИЁСАТИ (*инг., гр.*) — давлатнинг иқтисодий ва ташқи иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми. Давлат томонидан мамлакатга импорт қилинадиган товарлардан божхона солиғи олишнинг маълум тартиби ва улар томонидан божхонанинг келиб чиқиш расмийчилигини ўрнатиш мақсадида қўлланиладиган чора-тадбирлар тизими. *Б.с.* амалга оширишнинг асосий воситалари қуйидагилар: божхонани тартибга солишнинг иқтисодий инструментлар тизими, саноат товарлари ва божхона конвенциялари эркин савдо зоналари, божхона иттифокларига иштирок этиш; чегарадан юklarни олиб ўтишнинг ўрнатилган тартиби, божхона назоратининг давлат органлари шохобчалари, божхона фаолиятининг зарурий қонуний нормалари. Амалиётда *Б.с.* ташқи иқтисодий фаолиятдаги иккита энг муҳим принципал ёндашишдан биттасига асосланади: эркин савдо ва протекционизм.

БОЖХОНА ТАРИФИ (*инг., фр.*) — бож олинадиган товарлар, бож олинмайдиган товарлар, олиб келиш, чиқариш ёки транзит тақиқланган товарлар рўйхати ҳамда божхона божи ставкалари.

БОЖХОНА ТЕКШИРУВИ — давлат чегараси орқали ўтадиган товарлар, транспорт воситалари, шахсий буюмлар ва буюмларни текшириш. Божхона томонидан уларни келтириш, чиқариш ёки транзит қилиш қонунчилигини ўрнатиш, божхона

божи олиш, контрабанда буюмларини ошкор қилиш учун буюм характеристикасини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

БОЖХОНА ТЕРРИТОРИЯСИ — унга нисбатан келтириш, чиқариш, транзит товарлар, қийматликлар ва бошқа буюмларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидалар тўлиқ ҳажмда қўлланиладиган ҳудуд. Шундай ҳудудга нисбатан айрим божхона тарифлари ва савдони тартибга солувчи бошқа воситалар қўлланилади.

БОЖХОНАНИ ТОЗАЛАШ — божхона томонидан бериладиган ҳужжат; у божхона божлари тўланганлиги ва бошқа талаблар бажарилганлигини тасдиқлайди; кема учун портдан чиқишга расмий рухсат ҳисобланади.

БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ — ягона божхона қонунига амал қилувчи ва ташқи савдода ягона статистик ҳисоб юритувчи ҳудуд чегараси. Б.ч. агарда мамлакатда эркин иқтисодий зоналар ёки порто-франко бўлмаса, давлатники билан мос келади.

БОЗОР (инг.) — товар ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат харажатларини аниқловчи ва ўрнатувчи товар муомаласи, товар обороти соҳаси. Товар-пул муомаласи соҳасида яна иккита жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий жараён юз беради. Биринчидан, бу ерда товар ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган қўшимча ва айрим ҳолларда зарурий маҳсулотни қайта тақсимлаш жараёни давом этади. Нафақат объектив, аynи пайтда тасодикий субъектив сабаблар таъсирида “Эркин бозорда” ноэквивалент, чайқовчиларнинг олди-сотди битимлари рўй бериб туради. Натижада бир хиллар ҳаддан ташқари бойиб кетишади, бошқалар эса ўзларининг ишлаб топган даромадларини бой беришади. Иккинчидан, товарнинг олди-сотди акти натижасида мулк субъектлари алмашуви юз беради. Товар сотилганда унга янги хўжайин пайдо бўлади, бозор қонунларига кўра ўз ихтиёри бўйича сотиб олинган буюм ёки бошқа бойликлар фойдаланилади ва хўжайинлик қилинади.

Бозор (кенг маънода) ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шундай йўлики, бунда товар ишлаб чиқарувчилар уларни сотиб олувчилар талабига йўналтиради ва қуйидагиларни ҳал этади: 1) қачон, қанча миқдорда ва қандай товарларни ишлаб чиқариш; 2) бу товарларни қандай ишлаб чиқариш (қандай ресурслар ва қандай технология ёрдамида); 3) қандай истеъмолчилар учун товарлар ишлаб чиқарилади.

Бозорнинг нормал фаолият қилиши учун қатор шарт-шароитларни таъминлаш зарур: 1) бозор, товар-бозор муносабатлари фақат жонлантириладиган мулк асосида реализация қилиниши мумкин, бу дегани товар ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситалари хўжайини ҳисобланади ва ўз меҳнати натижаларидан эркин фойдалана олади; 2) ижтимоий ишлаб чиқариш бар-

ча иштирокчиларининг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти эркин бўлиши зарур; 3) барқарор ва ишончли валютанинг мавжудлиги; 4) аниқ тартибга солинган кредит ва молия муносабатлари тизими; 5) ишлаб чиқарувчилар ва бошқарувчиларнинг ташкилий ва психологик жиҳатдан ишончли бозор муносабатларига ўрнашиб олиш маҳорати. Бозор ҳўжалигини яратиш қўидаги масалаларни ечишни талаб этади: денационализация ва иқтисодиётни тўлиқ мафкурадан озод этиш ҳамда рақобат.

БОЗОР БАҲОЛАРИ (*инг., лот.*) — талаб ва таклифга мос равишда ўрнатиладиган ҳақиқий баҳо. Баҳолар товар-пул муомалалари шакллари ва реализация қилинадиган буюмлар турларига боғлиқ ҳолда фарқланади. Биринчи навбатда улгуржи баҳоларни ажратиш мумкин, улгуржи баҳолар бўйича баъзи фирмалар (корхоналар) ишлаб чиқарадиган буюмларни катта партияларда бошқаларга етказиб беради ёки воситачиларга ҳамда улгуржи савдо ташкилотларига ўз маҳсулотини реализация қиладди, улар товарлар аҳолига сотиладиган чакана баҳоларнинг базасини ташкил этади.

Йирик капиталистик фирмалар, шу жумладан, трансмиллий корпорациялар ичида (товар айирбошлаш ҳар хил мамлакатларда жойлашган уларга тегишли корхоналар ўртасида юз беради) қўлланиладиган бозор баҳолари муҳим хусусиятларга эга. Улар трансферт (ўтказадиган) баҳолар дейилади ва солиқ беришдан бош тортиш учун корпорациялар томонидан фойдаланилади, чунки улар тижорат сирлари ниқоби остида яширилади. Товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бозор баҳоларининг аҳамияти уларнинг вазифалари билан белгиланади. Биринчи навбатда баҳо ахборот ролини ўйнайди. У сотувчилар томонидан товарлар таклифи ва улар ўз маҳсулоти учун қанча олишлиги ёки ишлаб чиқариш ресурсларининг кўпайиб кетганлиги тўғрисида маълумот беради.

Бу бозор учун катта аҳамиятга эга. Баҳонинг рағбатлантирувчи вазифаси ҳам бўлиб, у яхши натижалар олиш учун ўз ишлаб чиқариш имкониятларидан рационал фойдаланган кишини мукофотлайди, илғор техника ва технологияни қўллайди.

БОЗОРНИ БОШҚАРИШ — товарларни қаршиликсиз сотиш ва эҳтиёжларни тўла қондириш ҳамда тўловга қобил талабни таъминлаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида бозорнинг ривожланишини таъминлашга йўналтирилган фаолият тури.

БОЗОР БУЙРУҒИ — буйруқнинг савдо иштирокчиларига маълум бўлганлиги эълон қилингандан кейин кўрсатилган миқдордаги қимматли қоғозларни энг қулай баҳо билан сотиб олиш ёки сотиш учун брокерга буйруқ.

БОЗОР БУЮРТМАСИ — бозорнинг энг яхши баҳоси бўйича акцияларнинг (ёки облигациялар) олди-сотдисига бўлган бу-

кўртма шакли. Баҳоси бўлмаган барча буюртмалар *Б.б.* ҳисобланади. Шунинг эслаш лозимки, “нозик” бозорда жойлаштирилган *Иirik Б.б.* жорий баҳога сезиларли таъсир қилиши мумкин.

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ (*инг.*) — товар ва бошқа бозорларни меъёрий функция қилишини таъминловчи муассасалар, ташкилотлар, давлат ва тижорат корхоналари ҳамда хизматлари йиғиндиси. Товар бозори инфраструктураси энг аввало улгуржи ва чакана савдони, савдо тармоқларини — магазинлар ва бошқа корхоналарни ўз ичига олади, уларнинг асосий вазифаси моддий-техника таъминоти ва сотиш ташкилотларининг уларнинг материал базасини сақлаш ва ривожлантиришда тақсимот тармоқларини алмаштиришга қаратилган аукционлар, ярмаркалар, воситачи тижорат марказлари ва товар биржалари ҳамда шу каби товарлар марказлари ва товар биржалари ҳамда шу каби товарлар олди-сотди жараёнини тўхтовсиз таъминлашдан иборатдир. Товар бозори инфраструктурасига махсус давлат органлари, яъни давлат контракт системасини, антимонопол қўмита, нархлар устидан назорат қилиш бўйича инспекция ва бошқалар кирази. Ташқи савдо инфраструктурасига савдо-тижорат марказлари, савдо-саноат палаталари, кўргазма ва ярмарка павильонлари, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари ва бирлашмалари кирази. Молия бозори инфраструктураси унинг самарали фаолият қилишини таъминловчи барча банк тизимини, шу жумладан, тижорат банкларини, фонд биржасини, валюта биржасини, брокерлик ва суғурта компанияларини, холдинг компаниялар ва бозор ҳўжалигига хизмат қилувчи бошқа молия-кредит шаклларини ўз ичига олади. Бунга тижорат асосида хизмат қилувчи ҳар хил молия-кредит вазифаларини бажарувчи аудитор фирмалар кирази (к. аудитор фирмалар). Қимматбаҳо қоғозлар, давлат маблағлари фонди ва бошқалар бўйича контроллик қилувчи инспекция давлат органлари сифатида ҳаракат қилади. Иш кучи бозори ёки меҳнат бозори ҳам ривожланган инфраструктура яратилишини талаб қилади, бунга иш билан банд бўлиш хизматлари ёки меҳнат биржаси, иш кучига талаб ва таклифнинг ҳисобини олувчи умумдавлат ва регионал тизимлар, кадрларни қайта тайёрлаш, ижтимоий ишлар ташкилотлари, нафақа ва стипендияларни белгиловчи, иш кучи миграциясини тартибга солувчи ва ҳ.к. кирази. *Б.и.* қатор бўғинлари умуман бозор ҳўжалигига хизмат қилиш учун тайинланган. Бу сотувчи ва сотиб олувчига юридик хизмат қилиш, уларга битимларни юридик жиҳатдан тўғри ҳўжатлаштиришда ёрдам кўрсатиш, транспорт-омбор системаси, бозор жараёни қатнашчиларига информатсион ва реклама хизмати кўрсатиш демакдир. Юқори ривожланган *Б.и.* кўпгина харажатлар билан боғлиқдир ва қисқа муддатда амалга ошириш мумкин эмас. Кенг тармоқли брокер-

лик фирмаларга эга бўлган юзлаб универсал ва ихтисослашган товар биржаларини очиш, уларни ҳозирги замон электрон алоқаси системаси билан таъминлаш, одат тусига кирган команда, буйруқбозлик, фондлар ва лимитлар ажратиш ўрнига воситачилик функцияларини бажаришга қодир бўлган кадрлар тайёрлаш зарур. Йирик капитал маблағлар товар омборлари, базалари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган жойлар қуришни талаб қилади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ҚОНУНЛАРИ — инкор қилиш жамиятни ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга олиб келмайдиган объектив ҳаракат қилувчи бозор қонунлари. Уларга қуйидагилар киради: 1) товар ишлаб чиқарувчининг маъмурий эркинлиги ва мустақиллиги; 2) товар ишлаб чиқарувчи ўз меҳнати натижасининг эгаси бўлиши керак; 3) хом ашё етказиб берувчилар ва маҳсулот истеъмол қилувчиларни эркин танлаш; 4) товарлар ишлаб чиқаришни демонополизация қилиш; 5) прогрессив солиқ сиёсати ва бошқалар.

БОЗОР КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СИЁСАТИ — товар ва унинг ишлаб чиқарувчиларига ижобий образ яратишга йўналтирилган бозордаги ҳаракатлар мажмуи. Конкрет товарлар бозоридаги истеъмолчиларнинг шароитлари ва ахлоқий мотивлари тўғрисидаги кенг билимларга асосланади.

БОЗОР КУЧЛАРИ — баҳони аниқловчи эркин бозорда талаб ва таклифга таъсир этувчи шарт-шароитлар (сотиб олувчилар ва сотувчилар, кредиторлар ва заёмчилар ахлоқига).

БОЗОР ЛИКВИДЛИГИ — бозор фондининг қимматли қоғозлари уларнинг баҳоларини оқилона ўзгартириш билан миқдорини (сотиб олиш ёки сотиш) оқилона ўзига сингдириш қобилияти. Ликвидлик энг муҳим бозор характеристикаларидан бири ҳисобланади.

БОЗОР МЕХАНИЗМИ — бозорнинг учта асосий таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири механизми: таклиф, талаб ва баҳо. Шу орқали талаб ва таклиф қонуни, қиймат қонуни ўз ҳаракатини намоён қилади. Б.м. хусусияти шундан иборатки, унинг ҳар бир элементи талаб ва таклифга таъсир этувчи асосий ашё бўлиб хизмат қиладиган баҳо билан узвий боғлиқ. Талаб баҳога тескари боғлиқ бўлади: товар баҳосининг ошиши билан унга бўлган талаб қисқаради ва аксинча.

БОЗОР МУВОЗАНАТИ — талаб ва таклиф тенглигидаги бозор ҳолати ва баҳо даражаси. Мувозанат нуқтаси талаб ва таклиф эгри чизиги кесишган жойда бўлади. Тегишли баҳо мувозанати нуқтаси мувозанат баҳоси деб аталади, чунки айнан унинг шундай даражасида талаб ва таклиф тенглашади.

БОЗОРДАГИ ОЛИГОПОЛИЯ — маркетинг стратегияларидаги биров-бировига ва баҳо белгилаш сиёсатида ўта сезгир бўлган оз сонли сотиб олувчиларнинг ҳукмронлиги.

БОЗОР ПОТЕНЦИАЛИ (инг., лот.) — маълум вақт даврида бозорнинг у ёки бу сегменти томонидан харид ёки истеъмол қилиниши мумкин бўлган абсолют ёки нисбий товарлар ҳажми.

БОЗОР РЕПОРТЁРЛАРИ — ҳар бир битимнинг савдо биржаси қондаларига мос келишини текшириш ва биржа доирасидан ташқарида биржа ахборотини бериш, тузилган битимнинг туғрилигини назорат қилиш учун битимларни, котиловкани рўйхат қилувчи ва ЭҲМ маълумотларига кирувчи биржа хизматкорлари.

БОЗОР СЕКТОРИ (инг., лот.) — у ёки бу фирма чиқарадиган товари ва хизматининг диди ва эҳтиёжига қараб мўлжалланадиган истеъмолчилар жами.

БОЗОР СИФИМИ — баҳонинг мавжуд даражасида ва мавжуд вақтинчалик интервалда бозорда маълум товарлар ҳажмини сотиш имконияти. Б.с. рақобатчилар томонидан мавжуд бозорни ўзлаштириш даражаси, талабнинг эластиклиги, иқтисодий конъюнктура, баҳо даражаси, товарнинг сифатига, рекламага кетган харажатларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Маълум товарга иккиламчи талабни ташкил этиш Б.с. қўпайтиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади, бунга уни қўллашнинг янги соҳаларини аниқлаш билан эришилади. Б.с. товарларнинг ўрнини олувчи товарлар таклифи, буюмларнинг хизмат муддатини чўзиш, сотишдан кейинги хизмат ва ремонтни ривожлантириш, махсус давлат стандартларини қабул қилиш, истеъмолчилар иттифоқи талаблари ҳисобидан пасайтириш мумкин.

БОЗОР СТРУКТУРАСИ — бозорнинг асосини қуйидаги хараakterли хусусиятлари белгилайди: фирманинг сони ва ҳажми; ҳар хил фирма товарларининг ўзаро ўхшашлик ёки аксинча, бири-бирдан фарқ қилиш даражаси; конкрет бозорга кириш ва чиқишнинг осонлиги, бозор ахборотидан фойдаланиш.

БОЗОРДАН ТАШҚАРИ ОПЕРАЦИЯЛАР — ЯММ ҳисоблашга кирмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, чунки улар сотиб олинмайди ва сотилмайди.

БОЗОРНИ ТЕКШИРИШ — 1) Қандай котиловка яхши ва қанча акцияларни сотиб олиш ёки котиловка қилинган баҳо бўйича сотишни белгилаш учун биржа обороти ташқарида турувчи бир қанча фирмалардан қимматбаҳо қоғоз котиловкасини расмий равишда сўраш; 2) Бозорнинг ўзгариши даражасини белгилаш мақсадида ҳар қандай мол-мулк фонди бўйича котиловкани расмий равишда сўраш.

БОЗОР ТОМОНИДАН ЯНГИ ТОВАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ — қўп томондан ҳал қилувчи даражада янги товарнинг характериға боғлиқ бўлади. Айрим товарлар бир кунда машхур-

ликка эришиши, бошқа товарлар учун бу узоқ вақт талаб қилиши мумкин.

БОЗОР ТУРЛАРИ — бозор жойлашган жойи, ҳажми, сифми ва ҳ.к. га қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1) Халқаро жаҳон бозори — барча жаҳон мамлакатлари кирадиган бозор (капиталистик, ривожланаётган ва айрим бошқа мамлакатлар).

2. Регионал бозор — регионал белгиси бўйича мамлакатлар гуруҳини қамровчи бозор (масалан, Ғарбий Европа мамлакатлари Умумий бозори).

3. Миллий бозор — барча миллий ҳудудни қамровчи бозор.

4. Маҳаллий бозор — мамлакатнинг битта ёки бир қанча районлари билан чекланадиган бозор.

5. Маҳсулотларнинг маълум тури ёки гуруҳлари ёки хизматлари бозори (масалан, компьютерлар, пахта, консултиватив хизматлар бозорлари ва ҳ.к.).

БОЗОРНИНГ ФАОЛИЯТ ҚИЛИШИ — бозорлар ўзаро фойдали савдони ташкил этишни таъминлашдан иборат ўз вазифасини қанчалик самарали уддалаётганлиги муаммоси.

БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ (инг., лот.) — бозор имкониятларини тадқиқ қилишни чуқурлаштириш истеъмолчилар гуруҳлари ва товарларнинг истеъмолчилик хусусиятларига боғлиқ ҳолда бозорларни қисмларга ажратиш зарурлигини талаб этади, бу эса кенг маънода бозор сегментацияси тушунчасини билдиради. Мақсадли бозорни танлашнинг уч услуби мавжуд: 1) оммавий маркетинг; 2) бозор сегментацияси; 3) кўплаб сегментация. Истеъмолчилар қандай мамлакатга ёки ижтимоий қатламга тегишли бўлмасин, ҳар доим бир хил эҳтиёжларга эга бўлган ва эга бўлади (овқат, кийим, дори-дармон ва ҳ.к.). Аммо истеъмолчилар уларнинг кўп сонли ва мураккаб эҳтиёжларига кўра (гуруҳларнинг талаб характеристикалари бўйича) чекланган ва бир хил бўлади. Шунинг ўзини Б.с. дейилади. Б.с. истеъмолчиларнинг товарга бўлган талаблари ва истеъмолчиларнинг ўзларининг характеристикасини батафсил билишни талаб этади. Б.с. бир қанча турда бўлади: а) макросегментация — регионлар, мамлакатлар бўйича бозорларнинг бўлими; б) микросегментация — энг батафсил мезонлар бўйича бир мамлакат доирасида; в) ичкари томон сегментация — кенг қўламдаги истеъмолчилар гуруҳларидан бошланади, кейин эса чуқурлашиб, торайиб боради (қўл соатлари, эркаклар учун соатлар, ишбилармон эркаклар учун соатлар); г) энига сегментация — чекланган гуруҳлардан бошланади, кейин эса кенгайиб боради; д) дастлабки сегментация — кўп сонли мумкин бўлган бозор сегментларини қамрайди; е) энг сўнгги сегментация — оптимал бозор сегментларини аниқлашнинг сўнгги босқичини аниқлайди. Индивидуал истеъмол қилув-

чи ва ишлаб чиқаришга тайинланган товарлар истеъмолчилари сегментациясини фарқлаш зарур. Истеъмол товарлари сегментациясининг асосий мезонлари: географик (иқлим, рельеф); демографик, иқтисодий (талабнинг баҳога боғлиқлиги); мулкӣй (аҳоли қатламлари даромадлари даражаси); социал, маданий, психологик, миллий, жинси, ёши ва ҳ.к. Ишлаб чиқаришга тайинланган товарлар сегментацияси мезонлари: ишлаб чиқариш — иқтисодий мавжуд товарларни истеъмол қилувчи тармоқлар ва корхоналар ҳолати, технологик жараёнлар, истеъмолчи компанияси ҳажми, истеъмолчи кирувчи иқтисодий регион ва ҳ.к. (харид қилишни ташкил этишнинг ўзига ҳослиги, жадаллиги, етказиш шартлари, ҳақ тўлаш ҳажми, ҳисоб-китоб методи); сотиб олиши, буюртма бериш билан боғлиқ бўлган кишининг шахсий характеристикаси.

БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСИ (инг., лот.) — у ёки бу структура, товарлар талаби ва таклифи динамикаси даврида ташкил топадиган иқтисодий шарт-шароитлар ва омиллар жами, у ёки бу миллий ва жаҳон иқтисодиётида вужудга келган вақтинчалик вазият. *Б.к.* умумҳужалик конъюнктурасининг таркибий қисмидир, асосий капитални янгилаш ва кенгайтириш, маҳсулот чиқариш ғамламалари ва хизматларни реализация қилиш, капитал курилиш ва инвестициялар ҳажми, ички ва ташқи савдо обороти динамикаси, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси; тайёр маҳсулот, хом ашё ва ярим фабрикатлар, фойда динамикаси, қимматбаҳо қоғозлар курслари, фоиз баҳо ва ҳ.к., иш ҳақи ҳаракати, бандлик ва бошқалар унинг асосий миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари ҳисобланади. *Б.к.* оқибат-натигада узоқ муддатли (такрор ишлаб чиқариш цикли, ишлаб чиқариш ва муомала соҳаси ҳолати, талаб ва таклифнинг бош мувозанати) ва доимий турли-туман (шу жумладан, қисқа муддатли) характердаги омиллар таъсири билан белгиланади. Мавжуд бозордаги товарлар баҳосининг динамикаси, энг аввало, унинг эркин секторидаги ҳамда тузиладиган битимлар сони, портфель буюртмалари ҳолати, захиралар ҳаракати ва ҳ.к. *Б.к.* нинг энг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

Кўтарилувчи ва юқори, пасаяувчи ва паст *Б.к.* фарқланади. Кўтарилувчи *Б.к.* товар баҳоларининг ўсиши ва битимлар сонининг кўпайиши билан тақозо этиладиган талабнинг таклифга нисбатан етарлича барқарор ошиши шароитида ташкил топади. Юқори *Б.к.* учун маълум барқарор оширилган баҳо, бозор субъектларининг тижорат активлиги характерлидир. Бундай ҳолатларда сотувчилар учун (сотувчи бозори) маълум иқтисодий устунлик вужудга келади. Пасаяувчи *Б.к.* учун бозорни тўлдириш, бозор баҳоларини пасайтириш, тижорат активлигининг инқирози характерлидир. Ушбу омилларнинг таъсири *Б.к.* нинг паст ҳола-

тига олиб келади ва сотиб олувчилар (сотиб олувчи бозори) иқтисодий фойда ҳосил қилади. *Б.к.* ни ўрганиш маркетингнинг муҳим элементиدير. Бунинг уч босқичи мавжуд: тайёрланиш босқичида объект, асосий кўрсаткичлар ва конъюнктура аҳборотининг манбалари майдони аниқланади, жорий кузатиш доирасида тушум жамғариш ва *Б.к.* ҳолати тўғрисида маълумотларни умумлаштириш амалга оширилади, таҳлил босқичида вазиятни принципал баҳолаш ташкил этилади. *Б.к.* ни прогнозлаш ишлаб чиқилади.

БОЗОР ФИАСКОСИ (*инг., итал.*) — бозор ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун иқтисодий танлаш жараёнларини координация қилиш ҳолатида бўлмайд қоладиган вазият.

БОЗОР ФОНДЛАРИ (*инг., лот.*) — ички бозорда (шахсий истеъмол) аҳолига таклиф этиладиган товарлар йиғиндиси. Улар кўпгина истеъмол моллари бўйича товар ресурсларининг асосий қисmini ташкил этади. *Б.ф.* ҳажми ва структурасига кўра, бир томондан — ишлаб чиқариш, ҳажми, товар билан таъминланиш орқали; иккинчи томондан — аҳолининг харид фондлари ҳажми билан боғланади. Товарларнинг ҳар бир гуруҳи ва айрим товарлар бўйича *Б.ф.* товар ресурсларининг баланси ёрдамида аниқланади. У кириш ва чиқим қисмларидан иборат бўлиб, уларда товарларнинг келиш манбаи ва уларнинг тақсимланиши кўрсатилади.

БОЗОР ҚИЙМАТИ — товар, қимматли қоғозлар жорий баҳоси ҳамда улар сотиб олиниш ва сотилиши мумкин бўлган баҳолар даражаси.

БОЗОРДАГИ ҲОЛАТ — мавжуд баҳода товарлар ва хизматларнинг қандайдир тури бўйича талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

БОЗОРДАГИ ҲУКМРОНЛИК ҲОЛАТИ — корхона ё мустақил, ёхуд бир неча корхоналар билан ҳамкорликда маълум товар ёки хизматлар, ёхуд товарлар гуруҳи ва хизматлар бозорини назорат қилиши мумкин бўлган вазият. *Б.ҳ.ҳ.* эга бўлиш учун корхонада иккита имконият мавжуд: 1) У айрим чекланган ишчанлик амалиёти методларидан фойдаланиш орқали бозорда энг йирик ёки ягона корхона бўлиб қолишга интилиши мумкин; 2) У баҳоларни ўрнатиш ва бозорларни бўлиш учун фаолият қилувчи рақобатчилар билан келишиши мумкин.

БОЙЕНТ (*инг.*) — умумий ноқулай шарт-шароитлар муносабати билан баҳолар енгилгина ошадиган бозор ҳолати.

БОЙКОТ (*инг.*) — шахс, ташкилот, давлат билан тўла ёки қисман муносабатларни тўхтатишдан иборат сиёсий ва иқтисодий кураш услуби; маълум товарлар, хизматлар ва ҳ.к. сотиб олиш ёки сотишдан воз кечиш.

БОНД (*инг.*) — товарнинг ҳали божхона божи тўланмаган ҳолати.

БОНДОВЫЕ ОПЕРАЦИИ (*инг.*) — хорижий эгаларига, бондо божхона омборларига тегишли бондо юклари билан амалга ошириладиган операциялар. *Б.о.* сақлаш, жойлаш, маркировка, ортиш-тушириш ва юк эгасининг кўрсатмаси бўйича бошқа ҳаракатлар киради.

БОНДО ЮКЛАРИ — божхона омборида сақланувчи, ҳали божхона божи тўланмаган импорт товарлари.

БОНИТЕТ (*инг.*) — тўловга қодир заёмчининг кредитни қоплашни баҳолаш имконияти. Кредит рейтинги тўловга қодир кўрсаткич ҳисобланади.

БОНИФИКАЦИЯ (*инг.*) — агарда товарнинг сифати юқори бўлса, шартномада кўрсатилган унинг баҳосига устама бериш. *Б.* барча товарлар ҳаракати иштирокчиларини мукофотлаш ҳар хил турларидан фойдаланадиган товарлар ҳақи тизими (масалан, етказиб берувчиларни товарларни ўз муддатида етказиб берганлик учун; савдо ходимларини сотилган товар миқдори учун, сотиб олувчиларни харид ҳажми учун).

БОНЛАР (*инг.*) — хазинабонлик, муниципал органлар ва капиталистик мамлакатларнинг хусусий фирмалари томонидан чиқариладиган ва уларнинг эгалари томонидан сотиб олиш ва тўлов воситалари сифатида фойдаланадиган қисқа муддатли қарздорлик мажбуриятлари (майда тангалар суррогати ролини бажаради). Собиқ Иттифокда 1922—1924 йиллар пул ислоҳотига қадар ҳар хил муассасалар ва корхоналар чиқарадиган ва майда пул белгилари етишмаганда айрим вақтда пул суррогати сифатида муомала қиладиган мажбуриятлар: ислохотдан кейин мамлакатда пулни чиқариш тўхтатилган; истеъмолдан чиққан қоғоз пуллар коллекционерлаштириш буюмига айланган.

БОНУС (*инг.*) — 1) Қўшимча тақдирлаш, мукофотлаш; 2) Битим шартларига ёки алоҳида келишувга мувофиқ сотувчи томонидан талаб этиладиган қўшимча скидка; 3) Қўшимча дивиденд; қўшимча мукофот; белгили муддатда хизмат қилганлиги учун устама; кечки сменадаги иши учун устама; авариясиз ишлагани учун тақдирлаш; режани ошириб бажарганлиги учун мукофот; иш вақтидан ташқари иши учун мукофот; сифат учун мукофот; мақсадли мукофот; ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтирганлик учун устама.

БОРД (*инг.*) — сотувчи ҳисобидан товарнинг кема бортига етказиб бериш кераклигини талаб этувчи шарт.

БОРДЕРО (*фр.*) — банк, банкир ёки биржа маклери томонидан *Б.* операциясини унинг қимматбаҳо қоғозлари билан амалга оширишга топшириқ берувчи шахс номига тузиладиган реали-

зация қилинган қимматбаҳо қоғозларнинг (акциялар, облигациялар, векселлар ва ҳ. к.) мукаммал рўйхати.

БОШҚАРИШ — маълум структурани сақлаш, фаолият тартибини қўллаб-қувватлашни сақлаш, дастурни реализация қилиш, фаолият мақсадларини таъминловчи элемент, ташкилий тизим вазифаси.

БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИ — жамият учун зарур бўлган натижаларга эришиш мақсадида иқтисодий муносабатларга ва ходимларнинг манфаатларига таъсир кўрсатиш усуллари. *Б. и. у.* маъмурий бошқариш усулларида фарқ қилади, бу объектларнинг мустақиллиги ва ташаббусини чеклаб қўймайди, давлат, корхона ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини тўла-тўқис қўшиб олиб боришга ёрдам беради. *Б. и. у.* жумласига ҳўжалик ҳисоби, иқтисодий нормативлар, қўшимчалар ва скидкалар тизимига эга бўлган нархлар, иқтисодий рағбатлантириш фондлари, мукофотлар, амортизация ажратмалари, кредит, капитал маблағлар, жарималар, ишлаб чиқаришнинг пировард-натижаларидан манфаатдорлик ва ҳ. к. киради. *Б. и. у.* имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, корхоналар ишлаб чиқариш потенциалидан омилкорлик билан фойдаланиш иқтисодий самарадорликни оширишга олиб келади.

БРАКЕРАЖ (*инг.*) — расмий товаршунослар (бракчилар) томонидан товарлар кўриб чиқилганда бракни аниқлаш.

БРЕЙН-ДРЕЙН — нотекис ҳаётий шарт-шароитлар сабаб бир мамлакатдан бошқасига ақлий меҳнат намояндалари, интеллектуалларнинг чиқиб кетишини билдирувчи термин.

БРЕЙН (*инг.*) — баҳоларнинг тез ва кескин пасайиши.

БРЕЙНСТОРМИНГ (*инг.*) — “мозговая атака” ёки мозговой штурм; лойиҳа қарорларини тўла эркин кўрсатишдаги муаммоларни коллектив бўлиб муҳокама этиш.

ВРЕМЯ НАЛОГОВОЕ — тўланадиган солиқ суммаси.

БРЕТТОН-ВУД ВАЛЮТА ТИЗИМИ — Ғарбий Европа мамлакатларида уларнинг халқаро иқтисодий алоқалари билан тақозо этиладиган пул муносабатларини ташкил этиш шаклларида бири. *Б.-в. в. т.* иккинчи жаҳон урушидан кейин амал қила бошлаган (тизим 1944 йилда ўрнатилган), шунга кўра жаҳон пули ролини олтин билан бир қаторда АҚШ доллари бажара бошлады. АҚШнинг бу валюта механизми капиталистик дунё саноати ва савдосидаги ўз монопол ҳолатига таянган ҳолда Ғарбий Европа мамлакатларига мажбуран қабул қилдирилди. Барча капиталистик мамлакатлар давлат олтин заҳираларининг тўртдан уч қисмига эга бўлган АҚШ ҳар қандай мамлакатларнинг марказий эмиссион банклари тақдим этадиган олтинга долларни ал-

маштириш мажбуриятини олди. Б. - в. в. т. Америка долларини, қолаверса, АҚШнинг ўзини устунлик ҳолатига қўйди. Бошқа мамлакатлардан фарқ қилиб АҚШ тўлов баланси бўйича ўз қарзларини олтин билан эмас, балки доллар билан қоплаш имкониятига эга бўлди.

БРИГАДА ПУДРАТИ ВА БРИГАДА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ — ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобига асосланган меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули — хўжалик мустақиллигини кенгайтириш ва меҳнат натижаларидан ходимларни пул билан рағбатлантиришни белгилловчи қиймат кўрсаткичи билан баҳолаш орқали ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун қўлланилади. Маъмурият ва хўжалик ҳисоби бригадаларининг ўзаро мажбуриятлари пудрат шартномаси тарзида расмийлаштирилади. Ҳар бир томон шартнома бўйича моддий жавобгар ҳисобланади. Меҳнат ҳақи меҳнатни коллектив ташкил этиш ва рағбатлантириш шаклига мувофиқ пировард-натижалар бўйича (келишилган шартнома муддатига товар ишлаб чиқариш ёки кўрсатилган хизмат бўйича) амалга оширилади.

БРИФИНГ (инг.) — расмий шахсларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви, бунда маълум масала бўйича расмий позиция ёки халқаро музокаралар, кенгашлар, конференцияларда иштирок этувчилар томонидан келишилган позиция қисқача баён этилади.

БРОКЕР (инг.) — биржада қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларни олди-соттиси бўйича маклер, воситачи, агент (фирма ёки шахс). Б. одатда сотиб олувчи ва сотувчи, суғурта қилувчи ва суғурта қилдирувчи, кема эгаси ва кемани кирага олувчи киши ўртасида воситачи сифатида чиқади, у воситачилиги учун маълум ҳақ олади ва мижозларнинг топшириғи бўйича ва улар ҳисобидан ҳаракат қилади. Ҳар хил категория брокерлари мавжуд: биржа, суғурта, фрахта ва ҳ. к. 1. Биржа брокери — ишлаб чиқариш ва дилер ёки дилер ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларда агент сифатида чиқувчи воситачи. Фақат коммиссион тарзида мукофот олади. Биржа доирасида битимларни амалга оширади. 2. Суғурта брокери — суғурта шартномаларини тузишда суғурта қилувчи ва суғурта қилдирувчи ўртасидаги воситачи. Қонунчилик соҳаси ва суғурта амалиётида эксперт ҳисобланади, у суғурта қилувчи олдида ҳуқуқий жавобгар ҳисобланмайди, унинг тўловга қобиллигини кафолатламайди, зарарни тўлаш ва фойдани қайтаришга жавоб бермайди. Агарда брокернинг эҳтиётсизлиги туфайли ўз мажбуриятини бажараётганда суғурта қилувчига зарар келтирилса, у брокердан зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. 3. Фрахт-брокери — комиссия шартномасини тузишда кема эгаси ва кира қилувчи ўртасидаги воситачи.

БРОКЕРАЖ (*инг.*) — брокернинг оладиган мукофоти. У битим қийматидан фоиз (қимматбаҳо қоғозларни сотганда) ёки юк партияси учун тўланадиган маълум сумма тарзида ўрнатилиши мумкин.

БРОКЕРИЖ (*инг.*) — биржада акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни уларнинг эгаси ёки бўлажак эгаси топшириғи бўйича сотиб олиш ва сотиш.

БРОКЕР-ДИЛЕР (*инг.*) — брокер (воситачи) ва дилер (принципал) функцияларини уйғунлаштирувчи компания.

БРОКЕР-КОМИССИОНЕР (*инг. фр.*) — қимматли қоғозлар ёки товарларни сотиб олиш ёки сотиш бўйича буйруқларни бажарувчи ва уларни бажарганлик учун коммиссион мукофот оладиган шахс (агент).

БРОКЕРЛИК КРЕДИТЛАРИ (*инг., лот.*) — қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш бўйича фонд биржасида операцияларни амалга ошириш учун банклар, биржа маклерлари — брокерлари ва дилерлари томонидан бериладиган кредитлар.

БРОКЕРЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИ (*инг., лот.*) — қимматли қоғозлар ёки товарларнинг олди-соттиси бўйича воситачилик операциялари. Воситачилик битимлари асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали амалга оширилади. Йирик брокерлик фирмалари сотиб олувчиларга кредит бериши ёки битим тузишда кафолат бериши мумкин.

БРОКЕРЛИК ССУДАЛАРИ (*инг.*) — ҳар хил мақсадлар учун банклардан брокерлар томонидан ёки бошқа брокерлардан олинadиган пул суммалари. Улар мутахассислар томонидан (биржа маклерлари) молиялаш, қимматли қоғозлар сотиб олиш учун фойдаланиши мумкин.

БРОКЕРЛИК СЧЁТИ (*инг.*) — буюртмачи қимматли қоғозлар ёки товарларни (танлаш, вақт, миқдор ва баҳосини ҳам қўшиб) сотиб олиш ёки сотишда брокер ёки бошқа шахсга эркин ҳаракатлар берувчи счёт.

БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ (*инг. итал.*) — биржада воситачилик билан шуғулланувчи компания. Жаҳоннинг энг йирик фирмалари: “Морган Стенли”, “Соломон бразерс”, “Меррил Линг” (АҚШ), “Номура”, “Дайва секьюритиз” (Япония), “С. Дж. Уорбург” (Буюк Британия), “Доминиен секьюритиз” (Канада).

БРУТТО (*итал.*) — 1. Қадоклаш товар массаси; 2. Харажатларни чиқармасдан корхона ёки ташкилотнинг ялпи даромади.

БУК (*инг.*) — мазкур термин дилерлар томонидан уларнинг валютани сотиш ва сотиб олиш имкониятлари тўла тугаганда вазиятни изоҳлаш учун фойдаланилади.

БУКИНГ-ЛИСТ (*инг.*) — ташиш учун жойлаштирилган юклар рўйхати.

БУКИНГ-НОТ (*инг.*) — чегара йўлида денгизда юк ташиш контракт тури (чегара коносаменти шартлари асосида). *Б.-н.* юк ташувчи номи, юк эгаси, юкнинг тури ва миқдори, уни жойлаштириш жойи, жўнатадиган пунктлари ва тайинланиши, юк жўнатиш вақти, фрахта ставкаси, коносамент шаклини ўз таркибига олиши мумкин.

БУКИРОВАТЬ (*инг.*) — юк ташишда буюртмаларни жойлаштириш.

БУКЛЕТ (*фр., инг.*) — реклама нашриёти, йўлларни курсатувчи китобча ва ахборот varaқлари.

БУКМЕКЕР (*инг.*) — тотализатор ўйинда, энг аввало, от чопиш ва югуришда пул ставкалари қабул қилувчи шахс.

БУМ (*инг.*) — баҳоларнинг ва ишчанлик активларининг тез ва барқарор ошиши.

БЎЛИНАДИГАН ШАРТНОМА — биттаси бошқасига боғлиқ бўлмаган бир неча мажбуриятларни ўз ичига олувчи шартнома.

БУТИК (*фр.*) — 1. Мижозлар ва кўрсатиладиган хизматлар доираси билан чекланган унчалик катта бўлмаган тор ихтисослашган брокерлик фирмаси ёки инвестиция банки; 2. Унчалик катта бўлмаган ихтисослашган магазин (мас., кийим магазини).

БУТЛЕГЕР (*инг.*) — контрабанда спиртлик ичимликлари билан шуғулланувчи савдогар; тақиқланган товарлар билан шуғулланувчи савдогар.

БУФЕР КАПИТАЛ (*инг.*) — бозорда баҳоларни ва таклифларни барқарорлаштириш учун қандайдир халқаро ассоциация томонидан жамғарилган товарлар заҳираси.

БУХГАЛТЕРИЯ (*нем., инг.*) — 1) Бухгалтерия ҳисоби юритиш; 2) Шундай ҳисоб юритиш учун корхона ёки ташкилотнинг мустақил структура бўлиниши.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ (*фр.*) — бирлашмалар, корхоналар, хўжалик ташкилотлари, бюджет муассасалари маблағларининг ҳолати, жойлашиши, фойдаланиши ва манбалари бўйича ифодалаш усули, бухгалтерия ҳисобига киради. Тузилиши жиҳатидан бухгалтерия баланси икки томонли бўлиб, унинг чап томони актив, унинг ўнг томони эса пассив дейилади. Маблағларнинг таркиби ва фойдаланиши активда, маблағларнинг ташиқил топиш манбалари эса пассивда акс эттирилади. Актив билан пассивнинг йиғиндиси ҳар доим тенг бўлади, ана шу тенгликка бухгалтерия баланси дейилади.

БУХГАЛТЕРИЯ УЇЇТИ — корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолиятлари натижалари уЇЇти тизими. Бошқаришнинг маъмурий тизими шароитида бухгалтерия уЇЇтининг бош элементи ҳисоб-китоб бўлган бўлса, бош бухгалтер корхона фаолиятини юритиш бўйича кўп сонли кўрсатмаларга риоя қилишни

кузатадиган давлат назоратчиси ҳисобланган, ҳақиқатда эса у корхона раҳбарига қарши қўйилган. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида корхонада бухгалтер учётини ташкил этиш ва унинг ҳолати учун бош жавобгар шахс мулк эгаси ёки раҳбар ҳисобланади. У мулк эгаси олдида мулк, мажбурият ва корхона фойдалилиги учун жавоб беради. Улар бухгалтерия учётини ўзлари амалга оширишлари, бухгалтер ёллашлари ва шунга мосланган фирмалар билан шартнома тузишлари мумкин. Айни пайтда, бухгалтерия учётларининг вазифалари ҳам ўзгармоқда. Унинг ёрдамида корхонанинг ўз мулки, молиявий мажбуриятлари, фойдаси, журъат қилиш ва инвестициядан кутилаётган даромад баҳоланиши мумкин. Бунинг учун бухгалтерия балансларида мавжуд мулк, ўз маблағлари фондлари ва қарз маблағлар ифодаланиши зарур. Низом фонди, агарда корхона акционер бўлса, корхона мулки иштирокчилари ҳиссаси суммаси сифатида ойдинлашиши керак. Баланс фойдаси тушунчаси ҳам ўзгармоқда, уни валюта курсининг жорий ўзгариши ва бозор баҳосини ҳисобга олган ҳолда корхона активи ҳажмининг ўсиши ва пассивининг қисқариши сифатида аниқлаш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия учёти фақат корхона ва унинг эгасининг ички иши бўлмай қолди. Акционер мулки, товар ва фонд биржалари, банк-кредит фаолияти, уларни қизиқтираётган корхоналар ва фирмаларнинг мулки ҳамда молиявий маблағи тўғрисида молия ва савдо битимлари иштирокчиларини кенгроқ ахборот билан таъминлашни талаб қилмоқда. Бу ҳозирги бизнинг иқтисодиётимизда ошкора бухгалтерия ҳисоб-китоб тузишни талаб қилади, унинг асосий шarti мустақил мутахассис (аудитор) томонидан ҳисоб-китобнинг тўғри тузилганлиги ва унинг мазмунининг ишончлилигини текширишдан иборатдир. Шу мақсадда аудитор тижорат маҳкамалари ва фирмалари тузилмоқда, уларнинг фаолияти қонун билан тартибга солиниши керак.

БУХГАЛТЕРИЯ ФОЙДАСИ — жами даромаддан барча харажатлар чиқарилгандан кейин қолган қисми.

БУЮМЛАШГАН МЕҲНАТ — табиат буюмларини ўзгартириб, эҳтиёжига мослаштириш жараёнида сарфланган ва моддий неъматларда гавдаланган меҳнат.

БУЮРТМА — тижорат ҳужжати, бунда импортёр буюртма берилган товарни тайёрлаш учун барча зарур шарт-талабларни, экспорт битими тузиш учун бошқа муҳим элементларни кўрсатади.

БУЮРТМАЛАР — фирма ва корхоналарнинг ҳужалик фаолиятини амалга ошириш ва тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шакли. Давлатнинг маҳсулоти ишлаб чиқариш ва етказиб беришга (шу жумладан, экспортга) буюртмала-

ри *Б.* энг муҳим шакли ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда давлат *Б.* маълум монополиялар учун маҳсулотни фойдали сотишга иқтисодий кафолат йўли билан устунлик таъминловчи иқтисодиётни тартибга солиш учун кенг тарқалган давлат-монополистик методидир. Ташқи бозорга тайинланган муҳим маҳсулот турларига тарқалган давлат *Б.* ташқи иқтисодий экспансияга таъсир кўрсатишнинг инструментларидан бири ҳисобланади. Фирма мавжуд вақтда ёки маълум даврда эга бўлган *Б.* жами портфель буюртмаларни характерлайди. У тегишли корхоналарнинг имкониятлари ва ишлаб чиқариш қувватларининг бандлик даражаси, унинг иқтисодий истиқболи, товар бозоридаги ўрни тўғрисида мулоҳаза қилиш имконини беради. *Б.* ҳолати кўрсаткичлари ва қисман портфель *Б.* тегишли товарларнинг жаҳон бозори конъюнктураси таҳлилида таркиб топган мезонларидан биридир.

БЫК (*инг.*) — 1) Биржа амалиётида курс ёки баҳонинг ошишига ўйнайдиган чайқовчини билдирувчи ибора. *Б.* ролида чиқувчи чайқовчи биржада баҳонинг ошишига ҳисоб-китоб қилади ва шу пайтнинг ўзида у маълум бир вақтдан кейин уларни юқори баҳода сотиш мақсадида ўзларининг контрагентлари акцияларни сотиб олади (товар ёки биржа контрактларини). Унинг тескариси “медведь” (айиқ) дейилади; 2. Термин баҳо ошади деган кишиларнинг барчасига тарқатилади (спекулянтлар ва хежерлар).

БЭКВОРДЭЙШН (*инг.*) — нақд товарга баҳо муддатли битимлар бўйича баҳодан юқори, яқин муддатда товар етказиш баҳоси, узоқ муддатда товар етказишга қараганда ошиқ бўладиган вазият (антоним-контанго). Масалан, февралда (1 т. учун доллар ҳисобида соя дуккаклиларнинг нақд баҳоси) 300, мартда 290, майда 280, июлда 270, августда 265, сентябрда 250, ноябрда 230 бўлиши мумкин. Бозорда товарнинг бундай нисбати омборларда товарнинг етишмаслиги (ҳосил кам бўлиши, иш ташлаш ва ҳ. к.) билан тақозо этилади, истиқболда, таклифнинг келажакда яхши бўлиши мумкин (янги ҳосилдан). Бу давр бозорда оширилган асабийлик, баҳоларнинг кескин ўзгариши, чайқовчиликнинг кучайиши билан фарқ қилади.

БЮВАР (*фр.*) — одатда, ёзув ва босма қоғоз, конвертлар билан стол устида турадиган папка.

БЮДЖЕТ (*фр.*) — Молия вазирлиги пуллар ва ўз ҳисоботларини олиб юрган портфель шундай деб аталган. Вақт ўтиши билан бу сўз “Молия вазирлигининг парламент олдидаги ҳисоботи” маъносини англатган. Ҳозир эса мутлақо янги даромадлар ва харажатлар сметаси мазмунига эга.

Б. маълум вақт давомида бўлажак даромадлар ва харажатлар нисбатини баҳолашдир. Бюджетлар одатда шундай ҳолатларда

фойдаланиладики, бунда зарурий ва мақбул харажатлар мўлжалланган даромадлар билан таққосланган ҳолда синчиклаб баҳоланиши керак. Бюджетлар оила, ишбилармон корхоналар, давлат молиялари ишлари ҳолатини баҳолаш учун қўлланилади; унификациялашган бюджет (бир хил шаклга келтирилган) — бу 1968 йилдан бошлаб АҚШ бюджет концепциясидир. У федерал ва ишонч фондлари молия ресурсларини ўз ичига олади. Федерал фондлар солиқлар ва қарзлар ҳисобидан ташкил топади. Ишонч фондлари, масалан, ишсизлик бўйича маълум солиқлар ва тушумлар ҳисобидан ташкил топади, маълум мақсадлар ва дастурларга сарфланади. Ишончли фондлар баланси АҚШнинг Молия вазирлиги ва қимматбаҳо қўғозлардаги инвестициялар билан бўлган операцияларни ўз ичига олади. Давлат бюджетининг харажатлари даромадларидан ошмаслиги керак (баланслашган бюджет). Акс ҳолда, иқтисодиётга салбий таъсир этувчи бюджет тақчиллиги ҳосил бўлади.

БЮДЖЕТ ЙИЛИ — қонун йўли билан ўрнатилган бир йил муддатта тузилган, тасдиқланган ва бажарилган давлат бюджети. Купгина, мамлакатларда *Б. й.* календарь йилига мос келади (собик Иттифоқ, Италия, Франция, Германия ва бошқалар), АҚШда 1 октябрдан 30 сентябргача давом этади.

БЮДЖЕТНИ МОЛИЯЛАШ — корхоналар ва ташкилотларга улар фаолиятини амалга ошириш учун бюджет маблағларини текинга бериш. Бозор иқтисодиёти шароитида ўзини-ўзи молиялашга юқори даражада катта ўрин берилмоқда. Айни пайтда, фанни, маданиятни, маорифни, соғлиқни сақлашни ҳамда айрим корхоналар, тармоқлар ва регионларни ривожлантиришнинг зарур воситаси ҳисобланади.

БЮДЖЕТ ТАНҚИСЛИГИ — белгиланган йил учун ҳукумат харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетган пул суммаси; инфляция жараёни ривожланишининг омиллари билан давлат молияси кризис ҳолати кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР (*фр.*) — қонун томонидан ўрнатилган баҳолар ва давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи юридик ва jisмоний шахслардан ажратмалар системаси.

БЮЛЛЕТЕНЬ (*фр.*) — 1. Расмий актлар, буйруқлар, қарорлар ва ҳ. к. тўплами; 2. Қисқа расмий ахборот хабари; 3. Қандайдир масалаларга бағишланган даврий ёки давом этувчи нашриёт; 4. Ишчи ёки хизматчининг касаллигини рўйхат қилиш учун меҳнат қобилиятини йўқотганлик варақаси.

БЮРО (*фр.*) — 1. Қўғозлар ва майда буюмлар учун унчалик катта бўлмаган яшиқлар ва бўлимларга эга бўлган баланд ёзув столи; 2. Ташкилот, муассасада маълум буйруқ берувчи ва раҳбарлик қилувчи ишларни бажариш учун сайланадиган ёки таъ-

сис этиладиган коллегиял орган; 3. Хизмат қилувчи функцияларни бажарувчи (справка бюроси, реклама бюроси ва ҳ. к.) қатор идоралар ва муассасалар учун қабул қилинган ном.

БЮРОКРАТИЯ (фр.) — ходимнинг компетентлигига асосланган ихтисослашган меҳнат тақсимоти, аниқ бошқариш иерархияси, қондалар ва стандартлар, ишни баҳолаш кўрсаткичлари, ёллаш принципи характерли бўлган ташкилот хили.

В

ВАКАНСИЯ ЯРМАРКАСИ (фр.) — турли корхоналар вакиллари уларда вакансиялар борлиги тўғрисида ахборот берадиган ярмарка.

ВАЛОРИЗАЦИЯ (фр.) — давлат молия органлари тадбирлари ёрдамида товарлар баҳоси, қимматбаҳо қоғозлар курси ва ҳ. к. ошиши.

ВАЛЬВАЦИЯ (фр.) — миллий пул бирлигида чет эл валюталари қийматини аниқлайди.

ВАЛЮТА (итал.) — мавжуд давлатнинг пул бирлиги (миллий валюта) ва чет давлатларнинг пул белгилари ҳамда чет эл пул бирликларида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган (чет эл валютаси) кредит ва тўлов ҳужжатлар (векселлар, чеклар, банкнотлар ва ҳ. к.). Халқаро қарзлар бўйича ҳам тўлов талаблари чеклар, векселлар ва бошқа тижорат ҳужжатлари кўринишида бўлиши мумкин. Улар даъво (талаб) бўйича ёки маълум муддат давомида тўланади; халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланадиган (олтин, кумуш ва қоғоз валюта) чет давлатлари пул массаси. Миллий валюта барча ҳисоб-китоблар, тўловлар, баҳолар ва ҳ. к. учун маълум давлат чегарасида фойдаланадиган қонун билан белгиланган пул бирлиги, 70-йиллардан бошлаб капиталистик ва кўплаб бошқа мамлакатлар аста-секин ўз валюталарининг олтин мазмунидан воз кечдилар ва бозорда мавжуд валютанинг талаб ва таклифи билан аниқланадиган сузувчи валюта курсларига ўтдилар. Истеъмол қилиниш тартибига боғлиқ ҳолда валюталар қуйидагиларга бўлинади: а) тўлиқ юрадиган (эркин конвертирланадиган), бунга бошқа валютага эркин алмаштириладиган валюта киради; б) барқарор валюта — ўз номинали ва бошқа қимматли валюталар курсига нисбатан; в) пасаядиган валюта — ўз номинали ва бошқа мамлакатлар қатъий валютасига нисбатан таъминланадиган валюта. Бундан ташқари валюталарга ҳукуматлараро валюта-кредит ташкилотлари томонидан эмиссия қилинадиган халқаро пул бирликлари сўётлари ҳам (СДР ва ЭКЮ) киради.

Валюталар конвертирланадиган ва конвертирланмайдиган бўлади. Конвертирланадиган валюта ҳар қандай чет эл валюта-сига эркин (тўлиқ) алмаштириладиган ва қисман алмаштирила-диган валюта. Конвертирланмайдиган валюта — бир мамлакат доирасида фойдаланадиган валюта.

ВАЛЮТА АЖРАТМАЛАРИ — махсус курс бўйича корхона томонидан давлат валюта фондига сотилиши керак бўлган ва-люта даромадининг (тушуми) бир қисми; *В. а.* фоизи ва шундай сотиш курси давлат томонидан ўрнатилади.

ВАЛЮТА АРБИТРАЖИ (*итал., фр.*) — валюталар курси фарқидан ва ҳар хил валюта бозорларида мавжуд валюта курси-даги фарқ ҳисобидан кейинги қайта битимда фойда олиш мақ-садида чет эл валютаси олди-соттиси.

Арбитраж битимлар якки, яъни оддий арбитраж ва кўп сон-ли валюталар иштирокидаги мураккаб арбитраж йўли билан амалга оширилиши мумкин.

ВАЛЮТА АУКЦИОНИ — валюта маблағларини олди-сотти-си бўйича операциялар ўтказишнинг уюшган шакли.

ВАЛЮТА БАҲОСИ — ташқи савдо контрактида товар баҳо-сини ифодаладиган пул бирлиги; валюта битими (контракти) ҳам деб аталади. Валюта тўлови курсининг ўзгариш хавфини суғурта қилиш мақсадида ўрнатилади. *В. б.* аниқлашда савдо битими иштирокчиларининг зиддиятли манфаатлари намоён бўлади. Экспортёр талафотдан қутулиш учун баҳони барқарор валютада аниқлашдан манфаатдор. Иккинчи жаҳон урушидан кейин *В. б.* сифатида кўпгина хом ашё товарларига фунт-стер-линг ўрнига АҚШ доллари ўрнашиб олди. 70-йилларда Амери-ка валютасининг беқарорлиги муносабати билан *В. б.* аниқлаш учун Германия маркаси, Швейцария франки, Япония иени ҳамда валюталар тўплами фойдаланиладиган бўлди.

ВАЛЮТАНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ФОНДЛАРИ — та-раққий этган мамлакатларда валюталар курсига таъсир этиш мақсадида валюта интервенциясини ўтказиш учун олтин, чет эл валютаси ва миллий валютадаги давлат фондлари. *В. б. ф.* АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва айрим бошқа мам-лакатларда мавжуд. Биринчи марта *В. б. ф.* 1929—33-йиллардаги жаҳон иқтисодий кризиси даврида олтин монометаллизми бе-кор қилиниши ва шунинг асосида валюта курслари ўзгариши кескин кучайиши муносабати билан тузилган. Ҳозирги вақтда *В. б. ф.* тушунчаси у ёки бу мамлакатда бир хил маънога эга эмас. Масалан, Францияда *В. б. ф.* мамлакатнинг расмий ол-тин-валюта резервлари доирасида ажратилган валюта интер-венцияси ўтказиш учун мақсадли фондни ифодалайди ва ҳ. к.

ВАЛЮТА БИРЖАСИ — бозор баҳоси бўйича чет эл валюта олди-соттисини мунтазам ва тартибга солиш асосида амалга

оширувчи тижорат корхонаси (ташкилоти). Ўз фаолияти билан у мамлакат валюта курсини ташкил топтириш ва тартибга солишга таъсир кўрсатади. Биржа мамлакат валюта бозорининг бир қисми ҳисобланади. Биржа қуйидаги қонуний ҳуқуқга эга: 1) битим тузиш ҳамда ўз ваколати доирасида ҳар қандай битимларни амалга ошириш; 2) мулкни сотиб олиш, ижарага бериш ва бегоналаштириш; 3) судда ва арбитражда даъвогар ва жавобгар сифатида чиқиш; 4) мамлакат ҳудудида бўлимлар ва ваколатхоналар очиш; 5) унинг ваколатига тегишли бўлган қоидаларни нашр этиш.

ВАЛЮТА БИТИМЛАРИ — товар баҳоси ёки берилган кредит суммаси ифодаланган ташқи ёки кредит битимига боғлиқ бўлган валюта. Валюта тўлови товарни тўлаш ёки кредитни қоплаш учун амалга ошириладиган валюта. *В. б.* валюта тўлови билан тўғри келмаслиги мумкин. Битимда ҳар хил валюталар кўрсатилганда товар баҳосини ифодалаш ва тўлов учун *В. б.* иккита белгига эга бўлади: “валюта баҳоси” ва “валюта тўлови”.

Бундай ҳолатда битимга курс шarti киритилади, ушбу курс бўйича тўлов мажбуриятлари келганда *В. б.* ёки баҳолари валюта тўловига қайта ҳисобланади.

ВАЛЮТА БЛОКЛАРИ — империалистик давлатларнинг қарам мамлакатларни мол сотиш бозорлари, хом ашё манбалари ва капитал солиқи сифатида валюта гегемонлигини таъминлаш учун тузилган валюта гуруҳлари. *В. б.* характерли белгилари: асосий валюталарнинг барқарор курсини қўллаб-қувватлаш, гегемон мамлакатлар банкларида олтин валюта резервларини сақлаш ва улар орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш. *В. б.* валюта кризисининг кучайиши, олтин стандартидан чекиниш муносабати билан 1929—1933-йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози даврида вужудга келди ва валюта уруши қуроли сифатида фойдаланилди. Стерлинг блоки Буюк Британияда 1931 йилда олтин стандарти бекор қилингандан кейин вужудга келди; унинг таркибига Британия империяси мамлакатлари ва қатор бошқа давлатлар кирди. Доллар блоки АҚШда 1933 йилда олтин танга стандарти бекор қилингандан кейин тузилди ва АҚШдан ташқари Канада ва Лотин Америкаси мамлакатларини ўз ичига олди. Жаҳон иқтисодий инқирози даврида олтин стандартини сақлаб қолган давлатлар 1933 йилда Франция раҳбарлигида олтин блок тузишди ва бу 1936 йилда парчаланиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши даври ва ундан кейин *В. б.* базасида валюта зоналари ташкил этилди.

ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИ — валюта қонунлари томонидан тегишли муомала тартиби ўрнатилган бойликлар. *В. б.* тушунчасига ҳозирги вақтда мамлакат қонунларида ўрнатилганидек қуйи-

дагилар киради: нақд чет эл валютаси, чет эл валютасида тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, тратталар, депозит сертификатлари, аккредитивлар ва бошқалар); қўймалар ва тангалар тарзида олтин, сертификатлар, облигациялар, вариантлар ва номинали олтинда ифодаланган бошқа қимматбаҳо қоғозлар.

ВАЛЮТА БОЗОРИ — чет эл валютаси айирбошланадиган, чеклар, векселлар, переводлар, бошқа пул ҳисоб-китобларини сотиб олиш ва сотиш амалга ошириладиган миллий ва халқаро банклар, биржалар. Ўзининг тартибига кўра *В. б.* эркин валюта чекланишлари билан қийинчилик туғдирмайдиган (жорий операциялар бўйича валюта чекланишлари йўқ мамлакатларда) ва эркин бўлмаган (валюта операцияларини ўтказиш учун тегишли рухсат ва расмий валюта курси рўй қилиш зарур бўлади) бозорларга бўлинади. Валюта чекланишлари ўрнатилган мамлакатларда валюта операциялари фақат расмий *В. б.* яъни махсус ваколатга эга ташкилотлар ва тартибга солувчи органлар томонидан ўрнатилган расмий курс бўйича амалга оширилади. Айрим мамлакатларда расмий курс билан бир қаторда валюта курслари расмий курслардан бирмунча фарқ қилувчи параллел *В. б.* йўл қўйилади. Параллел валюта бозори бўлмаганда кўпинча нолегал “чайқов” *В. б.* вужудга келади, бунда операциялар ўтказиш эса қонун бўйича жазоланади.

Йирик трансмиллий банклар *В. б.* бош субъектлари сифатида пайдо бўлади. *В. б.* у ёки бу валюталарнинг роли халқаро ҳўжалик алоқаларидаги уларнинг ўрни билан белгиланади. Операцияларнинг катта қисми АҚШ доллари, Германия маркаси, Англия фунт-стерлинги, Япония иени, Франция ва Швейцария франклари ҳиссасига тўғри келади. Кейинги вақтларда халқаро тўлов воситалари ҳисобланган СДР, ЭКЮ оборотга киритилмоқда. *В. б.* учун операцияларнинг иккита асосий тури характерлидир: спот — валюталарни тез етказиш; форвард валюта — келишилган вақтдаги муддатда ва курс битими пайтидаги келишув бўйича етказилади.

ВАЛЮТА ГЕГЕМОНИЯСИ (*итал., грек.*) — капитализм учун характерли бўлган валюта соҳасидаги ҳукмронлик, бу бир мамлакатнинг иқтисодий энг бақувват бўлган бошқа мамлакат томонидан бўйсундирилишига асосланади. Биринчи жаҳон урушига қадар гегемонлик роли стихияли равишда саноат ишлаб чиқариш ва жаҳон савдосида етакчи ўрин эгаллаган Буюк Британия валютасига бириктирилган эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин молия марказининг Европадан АҚШга жойлашиши *В. г.* фунт-стерлинг ва АҚШ доллари ўртасида ўткир рақобат курашига олиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ доллари гегемон валюта ролини ўйнай бошлади. Бунга Халқаро

валюта фонди таъсир кўрсатди. Кейин эса валюта гегемонлиги-га Германия маркаси, Япония иени ва бошқа валюталар давво-гар бўла бошлашди.

ВАЛЮТА ДЕМПИНГИ (*итал., инг.*) — ўртача жаҳон баҳоси-дан паст баҳода товарларни экспорт қилиш, бу пулнинг сотиб олиш учун кучи пасайишининг валюта курси пасайишидан орқада қоли-пи билан боғлиқ. *В. д.* ҳар хил товар демпинги¹дир. *В. д.* учун куйидагилар характерли ҳисобланади: юқори ички ва паст экс-порт баҳолари ўртасидаги фарқ; товарларни ўртача жаҳон бозо-ридан паст баҳолар бўйича оммавий қўламда чиқариш.

ВАЛЮТА ДИПЛОМАТИЯСИ (*итал., фр.*) — дипломатик фаолиятнинг таркибий қисми. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, фан-техниканинг ривожланиши таъсири остида ташқи сиёсат иқтисодий аспектининг аҳамияти ўсди. Диплома-тик методлардан ва халқаро пул муносабатлари соҳасидаги, яъни валюта соҳасидаги воситалардан фойдаланиш иқтисодий дип-ломатиянинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Масалан, АҚШ мо-лия вазирлигида халқаро ишлар бўйича ёрдамчи вазифаси бор. Унинг ихтиёрида халқаро ишлар ва валюта муаммолари, тўлов баланси масалалари ва валюта сиёсати, олтин билан операциялар ўтказиш бўйича бўлимлар мавжуд. Улар халқаро молия инсти-тутлари билан узвий алоқада бўлишади.

ВАЛЮТА ЗОНАЛАРИ (*итал., грек.*) — халқаро валюта иқти-содий муносабатлари соҳасида келишилган сиёсат олиб бориш мақсадида асосан урушдан олдинги валюта блоклари базасида иккинчи жаҳон уруши даври ва ундан кейин тузилган капита-листик мамлакатларнинг валюта гуруҳлари. Валюта блоклари-дан фарқ қилиб *В. з.* кирувчи мамлакатлар бошқарувчи мамла-кат билан ягона валюта молия тартиби ва асосан валюта чекла-нишларининг бир хил тизими билан боғланган. *В. з.* характерли белгилари: *В. з.* ишгирокчилари томонидан асосий валютага нисбатан барқарор валюта курсини қўллаб-қувватлаш, гегемон мамлакатлар банкларида миллий валюта резервларини сақлаш ва зоналар ичида валюта ҳисоб-китобларининг имтиёзлар тар-тиби.

Энг йирик *В. з.*: стерлинг зонаси — Буюк Британия раҳбар-лигида дунёнинг ҳар хил қисмларидаги мамлакатларнинг энг йирик валюта гуруҳи; доллар зонаси — 1930—1970 йиллар даво-мида амал қилган валюта гуруҳи, ўз ичига асосан Шимолий, Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларини олган, пул ти-зимлари ва халқаро ҳисоб-китоблар АҚШ доллариға асослан-ган; Француз франки зонаси — Франция раҳбарлигидаги валю-

¹ Д е м п и н г — чет эл бозорларида молни сунъий равишда арзон сотиш.

та гуруҳи, унинг олдинги мустамлакалари базасида тузилган. 1939 йилда вужудга келиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам давом этди. Франция франки зонасига кирувчи қатор Африка мамлакатлари иккита валюта иттифоқига бирлашдилар — Ғарбий Африка валютаси зонаси ва Марказий Африка давлатлари эмиссия банки зонаси.

ВАЛЮТА ИЗОҲИ — савдо ва кредит битимларида валюта курсининг қадрсизланиши ёки пасайиши хавфидан суғурта қилишнинг усулларида бири.

ВАЛЮТА ИНТЕГРАЦИЯСИ (итал., лот.) — иштирокчи давлатлар, регионал зоналарнинг актив таъсирида тузилган объектив асосланган жараён, булар доирасида миллий валюта курсининг нисбий барқарорлигини (ёки миллий валютани аста-секин ягона регионал валюта билан алмаштириш), иштирокчи мамлакатларнинг ўзаро валюта муносабатларини ҳамкорликда тартибга солиди ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона валюта сиёсатини таъминлайди. *В. и.* регионал иқтисодий интеграциянинг таркибий қисмини билдиради. *В. и.* зарурлиги шу билан белгиланадики, регионда валюта муносабатларининг барқарорлиги иштирокчи мамлакатлар миллий иқтисодиёти бошқа соҳалари интеграциялари нормал ривожланишининг ҳал қилувчи шартларидан бири ҳисобланади. Томонларнинг ташқи савдо ва носавдо операциялари бўйича улар ҳисоб-китоблари муносабати билан ўзаро валюта муносабатларини тартибга солувчи куп томонлама клиринг ва ноклиринг тўлов келишувлари ва иттифоқлари *В. и.* да объектив шарт-шароитлар яратади.

Амалиёт кўрсатганидек, энг ривожланган интеграциявий гуруҳлар, қисман Европа иқтисодий уюшмаси *В. и.* асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади: а) иштирокчи давлатлар бошқа гуруҳ аъзоларига зарар келтирмайдиган, олдиндан келишилган методлар билан ўз валюталари бозор курсини марказдан белгиланган курсдан (паритетдан) келишилган доирада ўзгаришларини қўллаб-қувватлаш мажбурияти; б) иштирокчи валюталар паритети сифатида ё нуфузли миллий валюта, ёки иштирокчи валюталар базасида ҳисоб-китоб қилинадиган халқаро пул бирлиги счётидан фойдаланиш (мисол, 1979 йилдан бошлаб ЕИХда Европа валюта бирлиги экю фойдаланилмоқда); в) ўз валюталарини қўллаб-қувватлашини кейинчалик сезаётган аъзо давлатларга кредит ёрдами кўрсатиш учун ҳамкорлик фонди тузиш; г) пул-кредит ва валюталарни оператив тартибга солиш учун давлатлараро ҳамкорлик органини таъсис этиш. 80-йилларнинг бошларида ривожланаётган қарийб 55 давлат Араб валюта фонди, Анд резерв фонди каби тўлов ва валюта иттифоқларида иштирок этишган ва ҳ.к.

ВАЛЮТА ИНТЕРВЕНЦИЯСИ (*итал., лот.*) — чет эл валютасининг олди-соттиси орқали миллий валюта курсига таъсир кўрсатиш мақсадида валюта бозоридаги операцияларда марказий банкнинг аралашуви. Миллий валюта курсини ошириш мақсадида чет эл валютасини сотади, ўз валютаси курсини пасайтириш учун эса миллий валютага айирбошлаш йўли билан чет эл валютасини сотиб олади. Валюта курсини жиддий барқарорлаштириш учун ташқи иқтисодий фаолият бўйича мавжуд мамлакат тўлов балансини чет мамлакатлар гуруҳлари ёки барча шерик мамлакатлар баланслари билан тартибга солиш талаб этилади.

ВАЛЮТА КАССАСИ — чет эл валютасида мамлакатнинг тушумлари ва тўловлари мажмуи. Нақд пуллардан, счётдаги ва омонатдаги маблағлардан иборат бўлади. Структураси бўйича ҳисоб-китоблардаги валюта ва маблағларнинг 3 гуруҳи бўлади: эркин конвертирланадиган валюталар; капиталистик мамлакатларнинг биқик валюталари ва чекланган конверсиялар билан клиринги; бошқа давлатлар билан ҳисоб-китоблар (клиринг бўйича, миллий валютада).

ВАЛЮТА КОНТРАКТИ ШАРТЛАРИ — валюта контракти баҳосини белгилловчи экспортёр ва импортёр ўртасидаги келишувлар ва ташқи савдо контрактида қайд қилинган шартлар; экспортёр ва импортёр ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширувчи валюта тўловлари; валюта баҳолари курсини валюта тўловига қайта ҳисоблаш (агарда улар мос келмаган, валюта хавфларини ҳимоя қилувчи томонларнинг ҳар хил шартлари бўлган ҳолатларда); ҳисоб-китоблар шартлари (нақд тўлов ёки кредитга); ҳисоб-китоблар шакли (инкассо, перевод, аккредитив ва ҳ.к.); тўлов воситалари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.).

Контракт тузишда валюта ва молия шартлари тўғрилигини аниқлаш тўловни ўз вақтида ва тўла ҳажмда олишни таъминлайди, шартларни нотўғри танлаш эса катта нобудгарчиликка олиб келиши мумкин. Яна энг муҳим чора — контрактлар тугаганда валюта курсларининг ўзгариши муносабати билан ҳимоя тадбирларини ҳам кўриш, яъни валюта хавфини минималлаштириш зарур бўлади. Валюта баҳоси — бу шундай валюта билан боғлиқки, бунда контрактдаги товар баҳоси ифодаланган бўлади. Валюта баҳоси сифатида, қоидага кўра, валюта битимлари тузиш пайтида энг барқарор валюта танланади.

ВАЛЮТА КОНТРОЛИ (*итал., фр.*) — чет эл валютаси олди-соттисини давлат томонидан тартибга солиниши. Тартибга солиш шакллари қуйидагича бўлади:

— ҳукумат маҳаллий валютани чет эл валютасига алмаштиришни, чет мамлакатларда маҳаллий валютага товарлар ва хизматлар сотиб олишни тақиқлаганда валютани блокада қилиш;

— қарзни қоплаш тўғрисида келишув: икки ёки ундан кўп давлатлар ўрнатилган валюта курсига мос равишда ўзаро товарлар ва хизматларни айирбошлаш тўғрисида шартнома қилсалар; бунда тўловлар сотиб олувчига миллий валютада амалга оширилади, қарзни тартибга солиш эса иштирок этган мамлакатлар келишувларига биноан марказий банклар томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади;

— битимнинг характериға боғлиқ ҳолда миллий валюта учун ҳар хил валюта курслари ўрнатишни кўзда тутувчи қўплаб валюта тизими;

— сиёсатни амалга оширишни билдирувчи чет эл валютасини рационаллаштириш, бу чет эл валютаси эгаларига расмий курс бўйича уни маҳаллий валютага алмаштириш учун давлат органларига топшириш мажбуриятини юклайди. Импортёрлар ўзларининг чет эл операцияларини молиялаш учун валютадан фойдаланишга давлатдан рухсат сўрашга мажбурдирлар. Нақд чет эл валютаси ҳукумат мукофотлаш учун истак билдирган импортёрлар ўртасида тақсимланади. Агарда чет эл операциялари тўлов балансига зарар келтирса, импортёрлар чет эл валютасидан маҳрум бўладилар.

ВАЛЮТА КОРЗИНАСИ (савати) — миллий ва халқаро (регионал) валюта курсини аниқлаш учун чет эл валюта котировкасида фойдаланиладиган валюталар набори. *В. к.* айирбошланинг умумиқтисодий ўзгаришлари шарт-шароитлари таъсири-ни, валюталарни сотиб олиш қувватини энг асосли ҳисобга олиш имконини беради. *В. к.* мезони сифатидаги ҳисоб-китобларда тегишли мамлакатлар гуруҳи жами ялпи миллий маҳсулотида, ташқи савдо оборотида мавжуд мамлакатнинг ҳиссаси тўғрисидаги маълумотлар фойдаланилади. Масалан, СДР котировкасида *В. к.* бешта миллий валютани киритади (АҚШ доллари, Германия маркаси, Франция франки, Англия фунт-стерлинги, Япония йени). *В. к.* қоидага кўра мамлакатнинг ташқи иқтисодиёти алоқаларидаги системаларни ва валюта молия муносабатлари соҳасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

ВАЛЮТА КОТИРОВКАСИ (*итал., фр.*) — ҳаракатдаги қонунлар меъёри ва амалиётидаги вазиятга мос равишда чет эл валюталари курслари ўрнатиш. Валюталар котировкасини давлат (миллий) ёки йирик тижорат банклари амалга оширади. Котировка бевосита ёки билвосита усул билан амалга оширилади. Англиядан ташқари барча мамлакатлар томонидан қабул қилинган бевосита котировка методида чет эл валютаси пул бирлиги курси миллий валюта бирлигининг бир қанча миқдорида ифодаланади. Чет эл валюталарининг билвосита котировкаси Англияда қўлланилади, бунда бирлик сифатида фунт-стерлинг қабул қили-

нади ва чет эл валютасининг бир қанча миқдорида ифодаланади.

ВАЛЮТА КОЭФФИЦИЕНТИ (*итал., лот.*) — баҳолар ва пул суммаларини бир валютадан бошқа валютага қайта ҳисоблангандаги курс нисбати: айрим мамлакатларда қўлланиладиган миллий валюта шаклларида бири. *В. к.* кўпгина ҳолатларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг маълум соҳасида валюталарнинг сотиб олиш қуввати нисбатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади (масалан, экспортда).

ВАЛЮТА КРЕДИТЛАРИ (*итал., лот.*) — пул шаклида бериладиган халқаро кредитнинг турли хили. *В. к.* қоидага кўра миллий, қисман чет эл валютасида ҳамда халқаро пул бирликлари счётларида (СДР, экю) берилади. *В. к.* товарлар сотиб олиш ёки тўлов баланси пассив савдосини қоплаш учун фойдаланилади. Экспортёрлар томонидан бериладиган товар кредитларидан фарқ қилиб *В. к.* экспорт ва импорт товарларни ёки кредитор мамлакатлар томонидан объектлар қуришни кредитлаш учун банкдан берилади.

ВАЛЮТА КУРСИ (*итал., лот.*) — бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси. *В. к.* қайд этиш ё олтин паритетига мос равишда (яъни маҳаллий пул бирлигининг кафолатланган олтин мазмуни), ёки бўлмаса халқаро битим бўйича амалга оширилади. Классик олтин стандартида, яъни марказий банкдаги олтинга эркин валюта ҳажмида *В. к.* уларнинг олтин мазмуни мутаносиблигида ўрнатилган. Конвертирланадиган валюта учун курснинг асосида валюта паритети ётади. Аммо валюта курслари уларнинг валюта паритетига ҳеч қачон мос келмайди. Халқаро савдо ва бошқа ташқи алоқалар шароитларида чет эл валютасида тушум ва тўловлар нисбати (тўлов баланси ҳолати), яъни чет эл валютаси талаб ва таклифи ҳеч қачон мувозанатда бўлмайди. Актив тўлов балансида агарда чет элдан келган валюта тушумлари тўловлардан ошиқ бўлса, мавжуд мамлакат валюта бозорида чет эл валютаси курси тушади. Маҳаллий миллий пул бирлиги курси эса ошади. Агарда мамлакат тўлов баланси пассив бўлса, унинг акси рўй беради. Шунинг учун кўпгина мамлакатларда миллий валютанинг қатъий расмий курси билан бир қаторда эркин курс ҳам мавжуд бўлади. Расмий паритет бўйича мамлакатларнинг марказий банклари ва бошқа валюта молия муассасаларида халқаро ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Эркин курс бўйича ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалардан келиб чикувчи хусусий шахслар ва ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Ўзгарувчи курс — бозор механизмидан фойдаланишга асосланган талаб ва таклиф таъсири остида эркин ўзгарувчи *В. к.* Сузувчи курс валютани тартибга солишнинг бозор

механизмидан фойдаланишни кўзда тутувчи турли хил ўзгарувчи *В. к.* Валюта алмаштириладиган курслар кундан-кунга, йилдан-йилга ўзгарадиган уларнинг талаб ва таклифи билан белгиланади.

ВАЛЮТА МЕТАЛЛИ (*итал., лот.*) — мавжуд мамлакатда қиймат ўлчови сифатида қабул қилинган (умумий эквивалент) ва мамлакатнинг барча пул муомаласи асосланадиган металл (одатда олтин, камдан-кам кумуш.)

ВАЛЮТА МОНОПОЛИЯСИ — давлатнинг валюта маблағлари билан операцияларни ўтказиш ва унга тегишли бўлган олтин-валюта резервларини бошқаришга ҳаддан ташқари ҳуқуқи. *В. м.* ташқи иқтисодий алоқадаги давлат монополиясининг таркибий қисми ҳисобланади.

ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ — ташқи савдони амалга ошириш, иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатиш, чет элларга ва чет эллардан ҳар хил кредитлар ва қарзлар бериш ва олиш, валюта сотиб олишда битимни амалга ошириш ва ҳ. к. да валютанинг фаолият қилиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар. Давлат, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар *В.м.* иштирокчилари ҳисобланади. *В. м.* вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб халқаро келишувлар ва ички давлат актлари хизмат қилади. Нисбий мустақилликка эга бўлган *В.м.* тўлов баланси, валюта курси, ҳисобкитоб операциялари орқали жаҳон иқтисодиётига актив таъсир кўрсатади.

ВАЛЮТА КЛИРИНГИ (*итал., инг.*) — товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш тенглиги қийматидан келиб чиқувчи муқобил талаблар ва мажбуриятларнинг ўзаро мажбурий заҳёти тўғрисидаги ҳукуматлараро битим. *В.к.* ҳукуматлараро битимда кўзда тутилувчи маълум элементлар наборини ўз ичига олади: ташқи иқтисодий банкдаги ваколатли банклар томонидан очиладиган клиринг счётлари системаси; клиринг ҳажми (товар оборотлари бўйича барча тўловлар ёки бир қисми); валюта клиринги — келишилган валюта ҳисоб-китоблари; техник кредит ҳажми — ҳисоб-китобларнинг узлуксизлиги ва одатда фоиз тарзида ёки абсолют тарзида аниқлаш учун зарур бўлган йўл қўйилган чегарадаги сальдо қарзи; тўловларни тенглаштириш системаси.

ВАЛЮТА ОПЦИОНИ (*итал., нем.*) — контрактнинг муқобил валюта шартларини танлаш ҳуқуқи. Опцион тўлов шакли, усуллари ва жойи билан боғлиқ бўлган валюта битими шартларидан келиб чиқади. Контрактларни тайёрлашда зарур амалий масалалардан бири ҳисобланади, чунки муддати келишилган ҳар қандай тўловлар имкониятига ва ҳаттоки тўловдан воз кечишга

йўл қўйилади, яъни бу катта фойда ва зарар қўриш билан боғлиқ.

ВАЛЮТА ПАРИТЕТИ (*итал., нем.*) — валюта курси асоси ҳисобланган икки валюта ўртасидаги қонуний ўрнатилган нисбат. Ҳозирги шароитда ХВФ Устави СДР базасида (қарз олишнинг махсус ҳуқуқлари) *В.л.* ўрнатишни кўзда тутлади.

ВАЛЮТА ПОЗИЦИЯСИ (*итал., лот.*) — чет эл валютасида банк (фирма)нинг талаб ва мажбуриятлари нисбати. Агарда улар тенг бўлса, *В.л.* ёпиқ, мос келмаганда эса очиқ дейилади. Очиқ *В.л.* “узоқ” (талаб мажбуриятдан ошганда) ва “қисқа” (мажбурият талабдан ошганда) бўлиши мумкин. Очиқ *В.л.* валюта хавфи билан боғлиқ ва банкларга қўшимча даромадлар ва зарарлар (ҳаттоки банкротликка) келтириш мумкин. Шунинг учун кўпгина мамлакатларнинг давлат органлари очиқ *В.л.* ҳажмини аниқ белгилайди.

ВАЛЮТА РЕЗЕРВЛАРИ (*итал., фр.*) — мамлакатларнинг марказий банклари ва валюта-молия органларида жойлашган марказлашган олтин захиралари ва чет эл валютаси. *В.р.* таркибига ҳар хил сифатдаги элементлар киради: резервдаги валюталар, СДР, ХВФдаги мамлакатнинг резерв позицияси. Сузувчи курслар шароитларида *В.р.* валюта курсини қўллаб-қувватлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

ВАЛЮТА СИЁСАТИ (*итал., грек.*) — валюта муносабатлари соҳасида давлат органлари, марказий банклар ва молия муассасалари, халқаро валюта-молия ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чоралари мажмуи. *В.с.* умуман, иқтисодий сиёсатнинг ва қисман ташқи иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади. *В.с.* жаҳон ҳўжалиги алоқаларини, ташқи фаолиятни кенгайтиришнинг валюта қуролидир. Жорий ва узоқ муддатли *В.с.* фарқ қилади. Жорий *В.с.* доирасида валюта-бозор конъюнктурасини оператив тартибга солиш амалга оширилади, шу жумладан, дисконт ва девиз сиёсати ёрдамида (қисман, валюта интервенцияси, валюта чеклашлари, валюта субсидияси ва валюта резервлари). Валюта тизими халқаро ва миллий механизмларининг нормал фаолият қилиши, тўлов баланслари мувозанатини қўллаб-қувватлаш жорий *В.с.* амалий вазифаси ҳисобланади. Узоқ муддатли *В.с.* етарлича давом этадиган даврни қамрайди ва валюта механизмининг изчил ўзгариши бўйича структура характеридаги узоқ муддатли чораларни кўзда тутлади. Давлатлараро музокара ва келишувлар, аввало халқаро валюта фонди доирасида ва регионал даражада ҳамда валюта ислохотлари *В.с.* асосий методлари ҳисобланади. Узоқ муддатли *В.с.* валюта тизими асосий элементларининг қатор ўзгаришлари бўйича (халқаро ҳисоб-китоблар, валюталар курси ва валюта паритетлари, олтиндан фойдаланиш,

резерв валюталар ва халқаро тўлов воситалари, халқаро ва регионал валюта — кредит ва банк ташкилотлари функционал вазифалари) чораларни ўз ичига олади. Иқтисодий миллий ҳужаликлар ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, жаҳон ҳужалиги муносабатларида улар ўрни ва ролининг ўзгариши, унинг субъектларининг барқарор манфаатлари узоқ муддатли *В. с.* объектив омиллари ҳисобланади.

ВАЛЮТАСИЗ АЙИРБОШЛАШ — жисмоний маданият ва спорт соҳасида намоён бўладиган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг махсус шакли. *В. а.* ҳолатида меҳмон мамлакат одатда ўз делегацияси йўлининг ҳар иккала томонига ҳам тўлайди, мезбон мамлакат эса спорт мусобақаси ўтказиш пайтидаги яшashi, овқатланиши ва ҳ. к. бўйича харажатларни тўлайди. Спорт мусобақалари навбат билан иккала мамлакатда ҳам бўлиб ўтади, шу муносабат билан иштирок этувчи мамлакатлар харажатлари икки томонлама характерга эга бўлади.

ВАЛЮТА САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧИ — мавжуд мамлакат валютаси ҳолатининг унинг асосий савдо шериклари валюталари билан таққослашни характерловчи индекс; индекс оғирлиги сифатида ташқи савдо ҳажмлари қабул қилинади.

ВАЛЮТА СПЕКУЛЯЦИЯСИ (*итал., лот.*) — вақтдаги ёки ҳар хил бозорлардаги валюта курслари ўзгариши ҳамда валюта хавфини атайлаб қабул қилишдан фойда олиш мақсадида банк муассасалари, фирмалари, юридик ва жисмоний шахслар операциялари. *В. с.* очиқ позиция шаклида (яъни муддатли валюта битимларида, форвард қопловисиз фоиз арбитражида) ёки атайлаб валюта хавфи суғуртасидан бош тортишда (маълум баҳоналар билан хежирлашдан воз кечганда) бўлиши мумкин. *В. с.* натижалари унинг иштирокчилари томонидан валюталар курси динамикаси имкониятларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади, чунки бу катта ютуқларга катта йўқотишлардан бошлаб банк ва фирмалар синишигача олиб келиши мумкин. *В. с.* имкониятлари иқтисодий асосланмаган расмий ёки махсус валюта курслари фойдаланганда кенгайди, бу эса хуфиёна валюта бозорларининг вужудга келиши ва фаолият қилишида намоён бўлади.

ВАЛЮТА СУҒУРТАСИ — суғурта тузилган валюта. *В. с.* да суғурта мукофоти тўланади ва суғуртанинг ўрни тўлдирилади.

ВАЛЮТА СЧЁТИ — ташқи иқтисодий банкдаги муассасаларда чет эл валютасида корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ва айрим фуқаролар счёти. *В. с.* чет эл контрагентлардан кредитга олинган ёки ўрнатилган тартибда валюта аукционидан олинган валюта маблағлари тушуми. *В. с.* турган суммалардан мамлакат қонунига мос равишда импорт маҳсулоти ва хизматлар ҳақи, ажратилган валюта фондлари ёки қарзга олинган ва-

люта маблағлари доирасида чет эл сотиб олувчиларига барча жарималар тўланади. Корхоналар ва ташкилотлар *В. с.* икки турда бўлиши мумкин: балансдан ташқари ва жорий баланс. Балансдан ташқари *В. с.* чет эл валютасидаги тушумлар ҳисобидан ташкил топган корхона ва ташкилотлар валюта фондлари маблағлари ҳисоби учун тегишли буюртма асосида очилади. Жорий баланс *В. с.* ташқи иқтисодий банк ва шундай ҳуқуқга эга бўлган бошқа банклар томонидан очилади.

ВАЛЮТА ТАДБИРКОРЛИГИ — вақт бўйича ёки ҳар хил бозорлардаги валюта курслари ўзгаришидан фойда олиш мақсадида банк муассасалари, фирмалар, юридик ва жисмоний шахслар операциялари ҳамда атайлаб валюта таваккалчилигини қабул қилиш. *В. т.* очик позиция (яъни муддатли валюта битимларида форвард туловисиз арбитраж фоизиди) ёки валюта таваккалчилиги суғуртасидан атайлаб бош тортиш (маълум баҳоналар билан хежирлашдан воз кечганда) шаклида бўлиши мумкин. *В. т.* натижалари унинг иштирокчилари томонидан валюта курслари динамикаси имкониятларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади. Бу катта ютуқ банк ёки фирмаларнинг синишига қадар бўлган катта талафотларга олиб келиши мумкин.

ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ — халқаро ҳисоб-китоблар регламентини ва валюта маблағлари билан битимларни амалга ошириш тартибини очик белгилашга йўналтирилган давлат фаолияти.

ВАЛЮТА ТИЗИМИ — халқаро ҳисоб-китобни тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш сиёсати ва амалиёти жаҳон амалиётида мавжуд турли хил валюта тизимлари:

— иккита нодир металлдан (олтин ва кумуш) фойдаланишни кўзда тутувчи иккиланган стандарт (биметаллизм);

— олтин қуймали (ёмби) стандарт, бунда тангалар эмас, балки олтин қуймалар фойдаланилган, тартибга солиш эса фақат йирик қўламли битимларга тегишли бўлган;

— маълум оғирлик ва тоза олтиндан фойдаланишни кўзда тутувчи олтин стандарт, олтин тангани эркин зарб қилиш, уларнинг эркин муомалада бўлиши ва бошқа валюталарга айирбошланиши, олтин билан тўла қийматга эга бўлмаган пул паритетини қўллаб-қувватлаш;

— олтин девиз стандарти, бунда халқаро ҳисоб-китобларда тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб, олтиннинг ўрнини босувчи девизлар хизмат қилади, уларнинг ўрнини эса айрим миллий ва коллектив валюталар босади. Олтинга алмаштирилган ягона валюта 1971 йилгача (фақат Марказий банклар ўртасидаги ҳисоб-китобларда ва чекланган ҳажмда) доллар бўлган. 1976 йилдан бошлаб халқаро ҳисоб-китобларда девиз тизими

амал қила бошлади, бунда миллий валюталардан биронтаси (долларни ҳам қўшиб) олтинга айирбошланмайди.

Юридик жиҳатдан жаҳон пули ролини девизлар, миллий ва коллектив валюталар тўплами бажаради.

ВАЛЮТА ТУШУМИ — экспорт товардан валюта тушумлари суммаси, яъни экспортга қўйиш билан боғлиқ бўлган валютада харажатлар чиқарилган ташқи савдо валюта баҳоси (комиссион транспорт харажатлари ва ҳ. к.). *В. т.* курсаткичи экспорт самарадорлиги ҳисоб-китобларида фойдаланилади.

ВАЛЮТА ХАВФИ — чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан ташқи савдо валюта ва бошқа операциялар ўтказишда талафот хавфи: хавф ўз вақтида валюта сотиб олиш ёки кредит жалб этиш билан қопланиши ва муддатли валюта битимлари тузиш билан ҳимоя қилиниши мумкин. *В. х.* очикча валюта позицияси мавжуд бўлганда, яъни чет эл валютасида фирманинг талаблари ва мажбуриятларига боғлиқ ҳолда вужудга келади. Талаблар ва мажбуриятлар тенг бўлганда валюта позицияси ёпиқ деб; тенг бўлмаганда эса очик деб аталади. *В. х.* валюта баҳоларининг (ташқи савдо контракти бўйича) миллий валюта билан мос келмаслиги туфайли ҳам рўй бериши мумкин. Валюта баҳоси контракт бўйича пул бирлиги бўлиб хизмат қилади, бунда эса ташқи савдо контрактидаги товар баҳоси ифодаланган бўлади.

ВАЛЮТА ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗ ВАЛЮТА ДАРОМАДЛАРИДАН ҚОПЛАШ — ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар харажатларини уларнинг ўз валюта даромадлари ҳисобидан қоплаш. Бу ташқи иқтисодий фаолиятда ҳужалик ҳисобининг асосий принципларидан бири ва мамлакат ҳудудида фаолият қилувчи қўшма корхоналарга нисбатан ҳам қўлланилади. Бу принцип зарур бўлганда қарз валюта маблағларидан вақтинчалик фойдаланиш ва ўрнатилган ҳолатларда валюта аукциони ва валюта биржаларида валюталарни сотиб олишни кўзда тутати.

ВАЛЮТАЛАРНИ ЧЕГИРИШ НОРМАТИВЛАРИ — экспортёр ихтиёрида қоладиган валюта тушумининг бир қисми.

ВАЛЮТА ЧЕКЛАНИШИ — чет эл валютаси билан бўладиган барча операциялар устидан қаттиқ контрол ўрнатишга ва валюта ресурсларини давлат ихтиёрига тўплашга йўналтирилган ҳукумат тадбирлари тизими. *В. ч.* тегишли мамлакатларнинг компетент органлари томонидан тўлов балансларини тенглаштириш ва миллий валюталар курсини қўллаб-қувватлаш мақсадида валюта назоратини ташкил этиш ва амалга оширишни кўзда тутати. *В. ч.* киритилиши валюталар ва олтин резервларининг камайиши, тўлов балансларининг пассивлиги оқибатида келиб

чиқадди. Улар валюта сиёсатининг характерли хусусиятларидан бирини ифодалайди. *В. ч.* биринчи марта қатор капиталистик мамлакатлар томонидан биринчи жаҳон уруши даврида (1914—1918 й.) киритилган эди. Кейинги йилларда АҚШ, Швейцария ва қатор Лотин Америкаси мамлакатларидан ташқари, барча капиталистик давлатларда қўлланган. 50-йилларда *В. ч.* куплаб Г'арбий Европа мамлакатларида бирмунча юмшатилди (жумладан, Францияда) ва олтин билан мамлакат ичида савдо қилишга ҳамда четдан франклар олиб келишга рухсат берилди.

1958 йилдан бошлаб Франция франки ва Англия фунт-стерлинги долларга эркин алмаштирила бошланди. Ўз валюталарини эркин алмаштириш Бельгия, Италия, Нидерландия ва қатор бошқа мамлакатларда анча кенгайди. Аммо *В. ч.* сусайтиришга қаратилган тadbирлар қўрилишига қарамасдан, валюта операциялари устидан валюта контроллиги давом этмоқда ва айниқса, валюта инқирози ўткирлашган даврларда янада кучаймоқда.

ВАЛЮТА БЛОКАДАСИ (*итал. инг.*) — банклардаги счётларда турган, фойдаланиш давлат ҳокимияти органлари томонидан тақиқланган ёки чекланган чет эл валютаси. *В. б.* вужудга келиши капиталистик давлатлар томонидан амалда қўлланиладиган счётларни қамал қилиш ва валюталарни чеклаш билан боғлиқ. *В. б.* тоифасига счёт эгаси билан икки томонлама тартибда олдиндан келишилган, фойдаланиш тартиби чекланган банк счётларидаги маблағлар кирмайди (масалан, клиринг счёти, мақсадга йўналтирилган счёт ва ҳ. к.).

ВАЛЮТА ҚОНУНЛАРИ — мамлакат ичида валюта бойликлари билан битимларни амалга ошириш, резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги битимлар ҳамда миллий ва чет эл валютаси ва бошқа валюта бойликларини келтириш, чиқариш, ўтказиш, тегишли жойга юбориш тартибини йўлга солишнинг ҳуқуқий меъёрлар мажмуи. Мамлакатнинг *В. қ.* бозор иқтисодиёти шароитида ички хўжалик айланмаси ва халқаро ҳисобкитобларда валюта операцияларини амалга ошириш тартибини ўрнатади. Қонунларда валютани тартибга солишнинг умумий принциплари, ҳокимият органлари ваколатлари ва валюта резервларини бошқаришда мамлакат банк тизимининг вазифалари, мамлакат ва чет эл ҳуқуқий шахслари ва валюта масаласида айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари, валюта назорати йўналишлари ва *В. қ.* тузилишидаги масъулият белгиланган бўлади.

ВАЛЮТА ҲИСОБОТИ — валюта операцияларини амалга оширишга ваколати бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат назорат органларига тақдим этиладиган валюта ҳисоб-китоблари ҳолати тўғрисидаги ахборот. *В. ҳ.* миллий қонунлар билан белгиланади.

ВАРРАНТ (*инг.*) — эгасига вақт билан чекланган ёки одатдаги акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олишга муддатсиз ҳуқуқлар, янгини чиқаришга обуна бўлиш имконини берувчи гувоҳнома.

ВАСИҚА — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, революциягача Туркистонда ер-мулк олди-соттиси тўғрисида тузилган расмий шартнома. Васиқа кўчмас мулкка (ер-сувга ва ҳужалик биноларига) доимий ва вақтинча эгалик қилиш ҳуқуқини берган.

ВАУЧЕР (*инг.*) — олувчининг номига хусусийлаштирилган чек.

ВАШИНГТОН МОЛИЯ БИТИМИ — Вашингтонда 1945 йил 6 декабрда имзоланган молия, валюта ва савдо масалалари бўйича АҚШ ва Буюк Британия ўртасидаги битим.

ВАҚТБАЙ ИШ ҲАҚИ — меҳнатга ҳақ тўлаш шакли бўлиб, унда ишловчига тўланадиган иш ҳақи унинг ишлаган вақти миқдорига, малакасига ва меҳнатнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш меъёрлари белгиланиши мумкин бўлмаган ёки алоҳида ҳақ тўлашни белгилаб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлмаган ишларда қўлланади.

ВАҚТ НОРМАСИ — маҳсулот (иш) бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақтининг илмий жиҳатдан асосланган, тартибга солинган ҳажми бўлиб, киши-соатларда (минутларда, кунларда) белгиланади. *В. н.* муайян иқлим ва ташкилий-иқтисодий шароитларда ишлайдиган бир ёки бир неча ижрочининг меҳнат сарфини аниқлайди. *В. н.* муҳандислик ҳисоблари ва хронометраж ўлчовлари асосида белгиланади. *В. н.* иш меъёрларини ишлаб чиқиш, маҳсулотга кетадиган меҳнат сарфини аниқлаш, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

ВАКУФ; ВАҚФ (*араб.*) — диний муассасалар фойдасига иона қилинган Шарқнинг қатор мамлакатларидаги мулк (кўчар ёки кўчмас).

ВЕКСЕЛЬ (*нем.*) — эгасига (вексель эгасига) муддат туташи билан қарздордан ёки акцептантдан белгиланган пул суммасини тўлашни талаб қилишга, кафолатли ҳуқуқ берувчи белгиланган шаклдаги пул ҳужжати (қимматбаҳо қоғоз тури). *В.* тижорат кредити курали ҳисобланади. Шакли бўйича *В.* оддий ва кўчирилувчига бўлинади. Оддий вексель қарздор томонидан ёзиб берилади. Унда векселни бериш жойи ва вақти, суммаси, муддати ва тўлаш жойи, *В.* эгасининг исми шарифи ва вексель берувчининг имзоси албатта кўрсатилган бўлади. Кўчирилувчи *В.* кредитор томонидан учинчи шахс (ремитантга) маълум пул суммасини тўлаш тўғрисида ёзма қарори. *В.* учинчи шахсга бериш

индоссамент шаклида топшириладиган ёзув орқали амалга оширилади. Топшириладиган ёзувни бажарган ҳар қандай *В.* эгаси векселни сақловчи кишининг тўловга қурби етмаган ҳолатда қўйилган имзоларнинг навбатдаги тартибида *В.* бўйича тўлашга мажбур. *В.* корпорациянинг қарздорлик мажбуриятлари ўртасида охириги ўринда туради.

ВЕКСЕЛЬ БЛАНКИ (*нем., фр.*) — суммани ёки юридик ва жисмоний шахслар реквизиитини ё муддатини, ёки барча ушбу шартлар жамини ёзиш учун очиқ жой қолдириб вексель берувчи имзоси билан таъминланган вексель қоғози варақаси.

ВЕКСЕЛЬ БРОКЕРЛАРИ (билль-брокерлар) (*нем., инг.*) — векселлар учёти ва қайта учёти бўйича битимлардаги воситачилар. Уларнинг фаолияти Буюк Британияда энг кўп тарқалган. Банк капитали билан саноат капитали қўшилишининг кучайиши, банклар алоқаларининг кенгайиши ва улар филиал шохобчаларининг ривожланиши билан *В. б.* роли камайиб боради ва векселлар ҳисоби бўйича битимларда банкларнинг ва ҳисоб уйларининг (компаниялар) аҳамияти ошиб боради.

ВЕКСЕЛЬ ГРАЦИЯСИ (*нем., лот.*) — муддати битишига кўра вексель бўйича ўрнатилган тўлаш муддатини тузиш.

ВЕКСЕЛЬ ИНТИЗОМИ — вексель мажбуриятларини аниқ бажаришнинг қоидалари мажмуи.

ВЕКСЕЛЬ КОНВЕНЦИЯСИ (*нем., лот.*) — Женева конвенцияларига қаралсин.

ВЕКСЕЛЬ КУРСИ (*нем., лот.*) — чет эл векселининг маҳаллий валютатадаги баҳоси.

ВЕКСЕЛНИ МУДДАТИДА ТўЛАМАГАНЛИГИ УЧУН НОРОЗИЛИК — кредиторнинг векселда белгиланган суммани вексель эгаси томонидан муддатида тўламаганлиги учун нота-риал ёки суд органлари орқали аризаси.

ВЕКСЕЛНИ ПРОЛОНГАЦИЯЛАШ (*нем., фр.*) — векселнинг амал қилиш муддатини чўзиш. Вексель бўйича тўлов муддатини чўзиш ё қонун бўйича, ё вексель эгалари ўртасидаги шартнома бўйича (*В. н.* шартномаси) амалга оширилади. Қонун бўйича пролонгациялаш векселни тўлаш учун объектив ҳолат вужудга келганда ёки протест рўй берганда вужудга келади. Шартнома *В. н.* қуйидагича юз беради: вексель мажбуриятларини ўрнатилган тўлаш муддатини ўзгартирмасдан бажаришни маълум вақтга тўхтатиш тўғрисида вексель эгаси ва тўловчи ўртасидаги шартнома орқали (оддий пролонгация); кечиктирилган тўлов муддати билан эски вексель ўрнига янгисини қўйиш орқали (билво-сита пролонгация).

ВЕКСЕЛНИ ПРОТЕСТ ҚИЛИШ (*нем., лот.*) — чет эл векселидан воз кечиш факти ёки (вексель бўйича ўз вақтида қарз

тўламаганлиги ҳақида расмий арз қилиш) шу бўйича тўлов нота-риусдан рўйхатдан ўтиши керак. Воз кечишга доир даъво ариза-си тузилиши керак. Шуларнинг ҳаммаси векселни протест қилиш дейилади.

ВЕКСЕЛЬ РЕКВИЗИТИ (нем., лот.) — векселни ёзишда киритилиши лозим бўлган маълумотлар мажмуи. Вексель акция-дан фарқ қилади. Акциялар векселдан фарқ қилиб пассив эмас, айнан улар орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқариш дасту-ри ишлаб чиқарилиши мумкин ва реализация қилиниши керак.

Жаҳон бўйича акциялар бир хил масалаларни ечишга, яъни эркин молия маблағларини тўплаш ва оборотга киритиш, капи-таллар ҳаракатини ўзгартириш ва самарадорлигини оширишга имкон беради. Булар битта бош мақсадга — халқ истеъмоли то-варлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришга қаратилган бўлади. Шу билан бир қаторда акциялар бозори турғунликка ва есуда капитали бозорига тушиб қолишга имкон бермайди. Кредит сиёсати қимматбаҳо қорозлар ҳаракати тенденциясини жиддий баҳолаш билан олиб борилади. Акцияларни эркин сотиш чет эл капиталини самарали жалб этишга ҳам имкон беради.

Акциялар орқали иштирок этиш системаси реализация қили-нади. Акцияларга эга бўлиш у ёки бу масалаларни қабул қилишда овоз ҳуқуқига, бошқаришга эга бўлишни билдиради. Акционер жамиятнинг тузиш мақсадларини эълон қилиш унинг аъзолари таркибини ҳам белгилайди. Биринчи навбатда аъзо бўлиб олишга манфаатдор шериклар ҳаракат қиладилар (технологик принцип бўйича), шундай қилиб, манфаатдорлик билан иштирок этиш иқтисодий алоқанинг янги шаклидир.

Бизнинг шароитимизда акцияларга эга бўлиш бир томондан вертикал бўйича директив боғлиқликдан озод бўлишга, иккин-чи томондан эса сифат жиҳатдан янги асосда горизонтал бўйича ҳўжалик алоқаларини мустаҳкамлашга имкон беради. Етарли даражада акциялар пакетининг мавжудлиги телефон бўйича одатдаги буюртма бериш анъанавий шартномани алмаштириш мумкин.

ВЕКСЕЛЛАР ҲИСОБИ, ДИСКОНТИ (нем., инг.) — номи-налдан паст қиймат бўйича векселларни сотиш ёки перевод қилиш. Дисконтирланадиган вексель қиймати фоиз ставкаси миқдорини тўлов муддати келганга қадар қолган кунлар сонига кўпайтириш билан аниқланади. Фоиз ставкалари даражаси трас-сат ёки индоссантнинг ишончлилиқ даражасига боғлиқ ҳолда фарқ қилади. Айрим ҳолатларда вексель регресс қайтадан талаб қилинадиган ҳуқуқини таъминламайдиган шароитларда сотили-ши мумкин, яъни векселни сотиб олувчи дисконтирловчи то-монни векселнинг номинал қийматини белгиланган муддатда

қонлашдан озод қилади. Қоидага кўра дисконт тўғрисида қўйиш-ни сўраган шахс векселни индоссант қилиши керак. Шу трассат ундан ёки бўлажак индоссатлардан воз кечган ҳолатда уни тўлаш жавобгарлигини ўз бўйнига олади.

ВЕКСЕЛЬ ЭГАСИ — унда кўрсатилган пул суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлган вексель эгаси. Векселда олувчи сифатида белгиланган *В. э.* биринчи *В. э.* (демитант) дейилади. Векселни беришда узлуксиз индоссаментлар қаторидаги ўз ҳуқуқига асосланадиган шахс қонуний *В. э.* ҳисобланади. *В. э.* векселга, вексель бўйича акцептантдан (оддий *В. э.* вексель берувчиси) тўловни олиш ҳамда регресс тартибидаги бошқа барча масъул шахслардан олиш ҳуқуқига эга. *В. э.* бошқа қатор ҳуқуқларга ҳам эга (норозилик билдириш, суд даъвоси эълон қилиш ва ҳ. к.).

ВЕКСЕЛЬ ЯРМАРКАЛАРИ (*нем.*) — ўрта асрда савдогарлар вексель бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширадиган жой. Йирик савдо ярмаркалари белгиланиб қўйилган бўлиб, буларга кўпгина мамлакатлардан сотиш учун товарлар келтирилар эди. Энг йирик *В. я.* қуйидагилар бўлган: XIII—XIV асрларда компания ярмаркалари Францияда, XV—XVI асрларда Лион ва Антверпенда бўлган.

ВЕКСЕЛЬ ҚОНУНЛАРИ (*ҳуқуқлари*) — вексель муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи. Айрим мамлакатларда *В. қ.* миллий савдо кодексларига киритилган (Алжир, Сурия, Туркия ва бошқалар), кўпгина мамлакатларда алоҳида миллий вексель қонунлари амал қилади.

ВЕКСЕЛНИНГ ҚОНУНИЙ ЭГАСИ (*уни қайтармаслик шарти билан олган вексель эгаси*) — вексель оборот ҳужжатида қолганга қадар уни бекор қилинишига оид ҳеч нарса юз бермайди, чунки вексель бериладиган шахс маълум, у муқобил қониқиш ҳосил қилган шароитда бундай шахс унинг қонуний эгаси ҳисобланади. Юқорида кўрсатилганлардан фарқ қилган ҳолатда уни олган ҳар қандай вексель эгаси уни қайтармаслик шарти билан олган вексель эгаси бўлиб қолаверади.

ВЕНЧУР (*таваккал*) **БИЗНЕС** — технологик янгиликларнинг асосий шакли. Тадбиркорликнинг бу тури фан кўлами юқори бўлган ва биринчи навбатда истиқболи кафолатланмаган ва таваккалчилик ҳиссаси катта бўлган юқори технологик соҳаларда илмий изланиш натижаларини тижоратлаштириш учун характерлидир.

ВЕНЧУР КАПИТАЛ — таваккал қилган корхоналарни молиялаштириш ва фан-техника тараққиётини рағбатлантиришнинг принципиал янги қуроли. Венчур молиялаштириш анъанавий банк кредитлаши ва инвестициялаштиришидан фарқ қилади. АҚШда вужудга келган, кейин эса барча тараққий этган

мамлакатларга ёйилган ва улар томонидан хусусий секторда, давлат тизимида ва инновациявий фаолиятни рационал тартибга солишда актив фойдаланилмоқда. 70-йилларнинг охирларида махсус институт ташкил этилди. *В. к.* фирмаларининг бир қисми мустақил, бошқа қисми йирик корпорациялар ва молия гуруҳлари бўлимлари ҳисобланади, учинчи қисми эса банклар, суғурта компанияларидан ажралиб чиқишган. *В. к.* нинг ағъанавий кредитлашдан принципиал фарқи шундан иборатки, у билан мақсадли тартибда ғоя, лойиҳа инвестицияланади. *В. к.* олувчилар — таваккал қилувчи корхоналар фоизини тўлаш билан ҳам, олинган суммани қайтариш билан ҳам боғланмаган. Инвесторлар манфаати патентланган ва патентланмаган (ноухау) янгиликларга ҳуқуқни эгаллаб олиш ва ютуққа эришган таваккал қилувчи корхоналарнинг қўшилишидан олинган таъсис фойдаси билан қондирилади. Венчур молиялаш капитални жойлаштиришнинг энг жозибадор усули (ўртача фойда 20—25 фоиз) ва фан-техника тараққиётини тезлаштиришнинг самарадор воситаси ҳисобланади.

ВЕНЧУР КОРХОНАЛАР — фан қўлами юқори бўлган ҳўжалик соҳаларида амал қилувчи унча катта бўлмаган фирмалар. Улар қоида бўйича илмий-текшириш, муҳандис ишланмалари, янгиликни яратиш ва жорий қилиш, шу жумладан, йирик фирмалар ва давлат субконтрактлари буюртмалари бўйича банд бўлади.

ВЕНЧУР КОМПАНИЯ — илмий тадқиқотлар, муҳандислик ишланмалари ва уларни кредитлаш билан банд бўлган кичик ёки ўртача инвестициявий компания. Янги ғоялардан фойдаланиш ва молиялаш билан *В. к.* йирик компанияларга фан-техника тараққиётининг янги йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам қилади. Бир-биридан фарқ қилади: ички венчурлар янгиликни яратиш ва ўзлаштириш (одатда 2 йил) даврига корпорациялар структурасидан ажратиладиган кичик жорий этувчи фирмалар ва ташқи венчурлар — улар томонидан молиявий маблағлар, консультациялар, экспериментал база ва ҳ. к. бериш орқали йирик корпорациялар фаолияти соҳасига кирувчи илғор технологиянинг ривожланиши билан шуғулланувчи мустақил кичик жорий этувчи фирмалар. Шундай фирмалар томонидан олиб бориловчи венчур операциялари оширилган даражада таваккалчилик (хавф) билан характерланади, шунинг учун *В. к.* “хавфли компаниялар” деб аталади. АҚШ венчур тадбиркорлигининг ватани ҳисобланади, у иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келди.

ВЕНЧУР ОПЕРАЦИЯЛАРИ — фан-техника ишланмалари ва ихтироларини кредитлаш ва молиялаш билан боғлиқ бўлган, асосан инновациявий банклар билан ўтказиладиган операция-

лар. Бу операциялар юқори даражадаги хавф билан характерланади.

ВЕРБАЛЬ (лот.) — оғзаки ва ёзма; жумладан, вербаль шартнома, вербаль нота.

ВЕРДИКТ (инг., лот.) — судланувчининг (айбловчи ёки оқловчи В.) айбдор ёки айбсизлиги тўғрисидаги масала бўйича маслаҳатчилар иштирок этган суднинг қарори. АҚШ суди амалиётида айбдорлиги тўғрисидаги масала бўйича умумий В. ва ушдан доимий судлар ҳулоса қиладиган маълум маълумотларнинг исботланганлиги тўғрисидаги масала бўйича махсус В. фарқ қилади. Маслаҳатчилар томонидан яқдиллик ёки қўп овоз олиши билан В. қабул қилинади. В. асосида суд қоғоз бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

ВЕРИФИКАЦИЯ (фр., лот.) — ҳужжатлар, ҳисоб-китобларнинг ҳақиқийлигини исботловчи гувоҳлик.

ВЕРТИКАЛЬ МАРКЕТИНГ СИСТЕМАСИ (лот., грек.) — ягона система бўлиб амал қилувчи товар ишлаб чиқарувчи, улгуржи ва чакана савдогарлар жами. В. м. с. аъзоларидан бири ё қолганларнинг эгаси ҳисобланади (корпоратив В. м. с.), ё уларга савдо преференцияларини тақдим қилади (шартнома В. м. с.) ёки бўлмаса тўла ҳамкорликни таъминловчи эътиборга эга бўлади (В. м. с. бошқарувчи).

ВЕРТИКАЛЬ ҚЎШИЛИШ — ҳўжалик ўзаро муносабатлари “етказиб берувчи — сотиб олувчи” алоқалари билан белгиланган фирмалар қўшилиши.

ВЕТО (лот.) — 1. Олий ижроия ҳокимият органининг (масалан, президент) парламент томонидан қабул қилинган қонунни тасдиқлашдан воз кечиши. В. ҳуқуқи қоидага кўра имзо қўймаслик билан амалга оширилади. Абсолют veto қонун лойиҳасидан узил-кесил бош тортишни кўзда тутати; суспензив (кечиктириш) veto кейинга қолдириладиган, тўхтатиладиган қонун лойиҳасини парламент томонидан қайта тасдиқлаш имкониятини билдиради, бу давлат бошлиқлари томонидан бўладиган қаршиликка қарамасдан қонун бўлиб қолади; 2. Қандайдир қарор қабул қилишга тўсиқлик қилувчи яқдилликнинг йўқлиги.

ВИА (фр.) — товарнинг йўналиш йўлини белгиловчи термин ёки ушбу термин ёнида белгиланган пунктдан кейинги корреспонденциялар. Масалан, Лондондан Киевга жўнатилган ва С. Петербург ёзуви бор юк С. Петербург орқали ўтиши керак, агарда шундай ёзув бўлмаса, уни бошқа маршрут бўйича жўнатиш мумкин.

ВИДЕОТЕКС — клавиатурани одатдаги телевизор ва телефон билан уйғунлаштириб фойдаланишга имкон берувчи система. Биргаликда бу қурилма телефон канали бўйича узоқлашган ахборот хизматида сўзлашув орқали етишишни таъминлов-

чи терминални ҳосил этади. *В.* терминали телефон шохобчасига бепул ўрнатилади ва уланади ва абонент ҳақи эвазига ҳар хил справка маълумотлари олиш учун фойдаланилади: биржа коти-ровкалари, ишга қабул қилганлик тўғрисида маълумотномалар, ҳар хил муассасалар ва граждaнларнинг манзиллари ва телефон-лари, лотереялар, тотализаторлар ва ҳ. к. натижалари.

ВИЗА (*лот.*) — 1. Расмий ҳужжатдаги вазифадор шахснинг ёзуви, бу унинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди (хатнинг нусхаси-га ташкилот раҳбари имзо қўйган бўлим раҳбари *В.*), ё унга куч беради (коллегиал бошқарув органи лойиҳаси қарорига бўлим раҳбарлари *В.*), ёки у билан танишиб чиққанлиги тўғрисида гу-воҳлик беради (ишга қабул қилиш тўғрисида қарордаги ходим *В.*) 2. Бирор давлатга киришга рухсат бериш (киришга рухсат бериш *В.*), чиқиш (чиқиш *В.*) ё давлат ҳудудидан ўтиш *В.* (тран-зит *В.*). *В.* (кириш, чиқиш, транзит) маълум муддатга махсус давлат органларига берилади ва паспортда ёки уни алмаштира-диган ҳужжатга тегишли белги қўйилиб тўлдирилади.

ВИЗА ҚЎЙИШ (*лот.*) — виза қўйиш (ҳужжатга, паспортга).

ВИЗИТАЦИЯ (*лот.*) — халқаро денгиз ҳуқуқида — кема ҳар-бийларининг очиқ денгиздаги шубҳа уйғотувчи савдо ва бошқа ноҳарбий кемалардан уларнинг кема ҳужжатларини кўрсатиш-ни талаб қилиш ҳуқуқи. *В.* шундай кемаларни тўхтатиш, уни текшириш ва ҳибсга олиш ҳуқуқига эга. Тинчлик вақтида *В.* ҳуқуқи фақат махсус битимлар асосида вужудга келади.

ВИП (*инг.*) — халқаро муносабатлар амалиётида “муътабар зотни” қисқартириб белгиланиши — олий давлат мансаблари-дан бирини эгалловчи шахс. Халқаро этикет одатда шундай шахс-ларни қабул қилишнинг махсус тартибини кўзда тутди. Амери-каликлар буни кесатиш маъносида **ВИП** деб атайдилар (катта балик).

ВИРЕМЕНТ (*фр.*) — бир шахснинг жорий счёти суммасини бошқа шахснинг жорий счётига ўтказишдан иборат банк опера-цияси.

ВИРТУАЛ (*лот.*) — амалга оширса бўладиган, мўлжаллан-ган; маълум шарт-шароитларда намоён бўлиши кераклиги.

ВИСТАВКАЛАР ВА ЯРМАРКАЛАР — товарларни сотишни рағбатлантириш мақсадида ўтказилади. Халқаро виставка бю-росининг аниқлашича, виставка бу товарлар, техникалар ва тех-нологияларни намойиш қилиш орқали инсоният фаолиятининг битта ва бир неча соҳаларида уларнинг мавжудлиги тўғрисида тингловчиларга ахборот бериш. Асосий мақсади товарларни кўрсатиш. Ярмарка — халқаро ярмаркалар иттифоқининг аниқ-лашича — иқтисодий намуналар виставкаси, бу йирик товарлар ва хизматлар бозорини билдиради, битта жойнинг ўзида чек-ланган давр вақти давомида ўрнатилган муддатларда амал қила-

ди на бунда экспонентларга битимлар тузиш учун ўз маҳсулоти намуналарини кўрсатишга руҳсат берилади. Виставка ва ярмаркаларда ҳар хил намуналарни намойиш қилиш, тижорат-тарғибот ишлари олиб бориш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар контрактларини ўрнатиш ва битимлар тузиш амалга оширилади. *В.* ва *я.* да иштирок этишнинг устунлиги ишлаб чиқарувчи ва потенциал сотиб олувчи ўртасида бевосита контракт ўрнатиш бўлиб, бу ишлаб чиқаришнинг бозор талабларига максимал тез мослашишни таъминлаш имконини беради.

Жаҳон амалиётида *В.* ва *я.* нинг қуйидаги турлари ривожланган: халқаро ёки миллий тармоқлар бўйича умумий ва ихтисослаштирилган савдо; оммавий ёки фақат мутахассислар учун кўзда тутилган; қандайдир воқеа рўй берган ҳолатга кўра доимий ёки ташкил этиладиган.

ВИЦЕ (*лот.*) — расмий сўзларни билдирувчи олд қўшимчаси; вазифаси бўйича муовин, ёрдамчи, масалан, вице-президент.

ВУНДИКАЦИОН ДАЪВО — суд даъвоси, ушбу даъво бўйича шахсдан қонунсиз тортиб олинган товарлар ёки мулк эгасига қайтарилиши мумкин.

ВУНКУЛИРОВАННЫЕ АКЦИИ (*лот., инг.*) — учинчи киншига фақат уларни чиқарувчи акционер жамият руҳсати билан берилиши мумкин бўлган номи ёзилган акциялар. Бу акционерлар таркибини назорат қилиш ва сингдириб юборишга бўлган интилишдан ҳимоя қилиш учун чиқариладиган номи ёзилган акцияларнинг махсус шакли.

ВОСИТАЧИ ВОТУМ (*лот.*) — сайловларда овоз бериш; овоз бериш йўли билан билдирилган қарор, фикр.

ВОСИТАЧИ — товар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида турувчи ва улар муомаласига таъсир кўрсатувчи шахс, фирма ёки ташкилот. Юриспруденцияда *В.* га сотувчилар ва сотиб олувчиларга контракт тузишда ва бажаришда таъсир кўрсатувчи шахслар, фирмалар ва ташкилотлар киради.

ВРЕМЯ-ПИК (*фр.*) — теле ва радио эшиттиришни кўп сонли одамлар кўради (эшилади)ган теле ва радиореklamани жойлаштириш учун маркетингдаги энг фойдали (энг қимматли) вақт.

Г

ГААГСКИЕ ПРАВИЛА — континент бўйича юкларни ташинишда кема эгалари масъулияти ҳажмини аниқловчи асосий ҳолатлар.

ГАБАРИТ (*фр.*) — юк қўядиган (буюм) жойнинг асосий ҳажми (узунлик, кенглик, баландлик).

ГАБРИД ФОНД ҚОҒОЗИ — ямтиёзли нокумулятив акцияларга тенг бўлган облигациялар.

ГАП (*инг.*) — биржанинг ўтган куни (даври) минимал баҳоси максимал жорий баҳодан юқори бўлган товар баҳосининг кескин камайиши; ёки товар баҳосининг шундай кескин ошганлигидан иборатки, бунда ўтган кун (давр)нинг максимал баҳоси жорий куннинг минимал баҳосидан кам бўлади.

ГАРАЖ (*фр.*) — 1. Нью-Йорк фонд биржасининг операция зали секцияларидан бири; 2. “Гаражга қўйиш” — активлар ёки пассивларни қаергадир кўчириш, масалан, солиқларни камайтириш мақсадида бошқа компанияга.

ГАРАНТ (*фр.*) — кафил бўлган киши; нима биландир кафиллик берувчи давлат, муассаса ёки шахс.

ГАРМОНИЗАЦИЯЛАШГАН ТИЗИМ — товарларни таърифлаш ва кодлаштириш тизими — халқаро божхона ҳамкорлиги кенгаши томонидан ишлаб чиқилган товарларнинг кўп мақсадли божхона ва статистик ташқи савдо классификацияси.

ГАРОВ — қарзни таъминлашга хизмат қилувчи мулк ёки бошқа қимматбаҳо нарсалар.

ГАРОВ ГУВОҲНОМАСИ — қарздор томонидан кўчар мулк гарови тўғрисида ҳужжат.

ГАРОВГА ҚЎЙИШ — фирманинг ўз ери, иншоотлари ёки унга тегишли бошқа мулкни гаровга қўйишга розилигини тасдиқловчи ва қарзни тўламаган ҳолатда қўйилган активларни кредиторнинг мулки қилиб олишга ҳуқуқ берувчи юридик ҳужжат.

ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН ОБЛИГАЦИЯ — корпорациянинг физикавий активлари ёки қимматли қоғозлар билан таъминловчи корпорациянинг қарздорлик мажбурияти. *Г. қ. о.* ва гаров ўртасида фақат шаклда фарқ бор. *Г. қ. о.* — компаниянинг барча мулкига қўйилган гаровнинг бир қисми.

ГАРОВХОНА — гаровга қўйилган муайян буюмлар эвазига маълум муддатга пул (маблағ) бериб турадиган муассаса. Олинган пул ўз вақтида қайтарилмаса гаровхона қўйилган буюмларни сотишга ҳақли.

ГАСТОР БАЙТЕР (*нем.*) — чет эл ишчиси.

ГЕНЕРАЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ (*лот.*) — саноат объекти учун комплекс ускуналар ва материаллар етказиб бериш бўйича пудрат контракти мажбуриятларини бажарувчи фирма ёки ташкилот.

ГЕНЕРАЛ ЛОЙИҲАЛОВЧИ — саноат ёки бошқа объектни пудрат контракти бўйича комплекс лойиҳалашни бажарувчи фирма ёки ташкилот.

ГЕНЕРАЛ ОПЦИОН — чартерда изоҳланган, чартерда тақозо этилган юклардан ортиш ва (ёки) тушириш портини танлаш фрах тавител ҳуқуқи.

ГЕНЕРАЛ ПОЛИС (*лот., фр.*) — суғурта қилдирувчи ва суғурта қилувчи ўртасида узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган шартномани билдирувчи полис (гувоҳнома). *Г. п.* да унинг амал қилиши, ҳажми ва суғурта қилувчининг масъулияти чегаралари, суғурта мукофотини тўлаш муддатлари ҳамда бошқа шартлар ва қўшимчалар кўрсатилган бўлади.

ГЕНЕРАЛ ПУДРАТЧИ — инвестиция жараёнининг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб, буюртмачи билан тузилган шартнома, пудрат асосида қурилиш майдонида қурилиш-монтаж ишларининг барча комплексини амалга ошириш учун тўлиқ жавоб беради.

ГЕНЕРАЛ ШАРТНОМА — ташкилотлар ўртасидаги ҳўжалик шартномаси тури.

ГЕОГРАФИК ОПЦИОН (*грек., нем.*) — чартерда кўрсатилган юклардан ортиш ёки тушириш портини танлаш кема ёлловчининг олдиндан айтилган ҳуқуқи. Бу шартлар чартерда белгиланган вақтдан кечикмасдан олдиндан қилинган арзномага биноан фақат бир марта фойдаланилиши мумкин.

ГЕОГРАФИК РОТАЦИЯ (*грек., лот.*) — бир неча портларда уларнинг географик кетма-кетликдаги тартибига кўра кеманинг юк ортиш ёки тушириш йўналиши тўғрисида чартер шартлари.

ГЕРБ БЕЛГИСИ (*пол., нем.*) — тижорат ва молия ҳўжжатларини — шартномалар, векселлар, чекларни тузиш учун тайинланган, унга хос бланка ва махсус маркалар. *Г. б.* ни сотиш орқали давлат герб ҳақини ушлаб қолади.

ГЕРБ МАРКАСИ — герб белгиси тури. Герб маркасини сотиш орқали фуқаровий ҳуқуқий характердаги аризаларни маъмурий ва суд органларига берганда герб ҳақи олинган.

ГЕРБ СОЛИГИ (*пол.*) — ҳар хил турдаги ишбилармонлик битимларини тўлдирувчи, компанияни рўйхатдан ўтказиш ёки унинг акционер капиталини кўпайтириш, ишонч хати, ижара тўғрисида шартнома, қимматбаҳо қоғозлар, акциялар, облигацияларни бериш тўғрисида; васийлик, воситачилик, вакиллик тўғрисида келишув ҳўжжатларига солиқ, герб солигини тўлаш тўғрисида белгиланган суммага герб маркасини ёпиштириш, ёки солиқ тўланганлиги тўғрисидаги ҳўжжатнинг белгиланган жойига герб тамғасини босиш билан тасдиқланади. Ҳўжжатнинг характерига боғлиқ ҳолда қатъий ёки пропорционал (ҳўжжат билан тўлдирилган битим ёки операция суммасидан фоиз ҳисобида) солиқ ставкаси қўлланилади.

ГЕРБ ТУШУМИ (*сбор*) — фуқаровий ҳуқуқий битимларни тўлдириш, ҳўжжатлар бериш ва ҳ.к.да айрим шахслар ва ташкилотлардан ушлаб қолинадиган ҳақ, бож тури.

ГЕРБ (*акт*) **ҚОҒОЗИ** — акт ва ҳўжжатларни ёзиш тайинланган (векселлар, шартномалар, мулкни сотиш тўғрисида

актлар ва ҳ.к.) махсус қоғоз; герб белгиси турларидан бири. Россияда Пётр I даврида (1699 й.) киритилган. Собиқ СССРда герб қоғози фойдаланиш ҳужжатларидан герб ҳақини ҳисоблаб олиб қолиш шакли ҳисобланган. Герб қоғози сотишдан тушган пул маблағлари ҳар йили давлат бюджети даромадларига ўтказилган.

ГЕРМЕС (грек.) — 1917 йилда Германияда тузилган эксперт кредитларнинг суғуртаси бўйича акционер жамият, унинг фаолияти иккинчи жаҳон урушида тўхталиб, 1949 йил 26 августда қайта тикланган. Гермесни Германия экспертларига чет эл сотиб олувчилари тўловлари суғуртаси бўйича синдикат бошқаради; давлат номидан ва давлат ҳисобидан фаолият кўрсатади. Хавфни қоплаш бўйича (кредитга қўйилган товар учун тушмаган тўловлар билан боғлиқ бўлган) кафолат беради. Валюта курси ўзгариш хавфи 1972 йилдан бошлаб суғурта қилинган. 1976 йилдан бошлаб 85 фоизгача тижорат хавфидаги ва 90 фоизгача сиёсат хавфидаги талафот қопланади, қолган харажатлар эса экспортёр ҳисобига ўтказилади. Давлат Гермес фаолияти устидан контролни амалга оширади: экспертлардан тушган буюртмалар иқтисодиёт, молия, ташқи ишлар вазирликлари ва немис федерал банки вакиллари ўз ичига олувчи эксперт кафолатлари бўйича халқаро қўмитага кўриб чиқиш учун берилади. Суғурта қилинган Гермес Германия экспортининг асосий қисми — 80 фоизи ривожланаётган мамлакатларга, 7 фоизи ривожланган мамлакатларга, 13 фоизи бошқа мамлакатларга тўғри келади. Гинейя — Англиянинг олдинги тангаси. Биринчи марта 1663 йил Гвинейдан олиб келинган олтиндан зарб қилинган. Шунинг учун унинг номи гинейя деб аталади. Дастлаб қумушга қўшимча танга ва 20 шиллингга тенг бўлган; гинейя курси қумуш баҳосининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариб турган, 1717 йил 21 шиллингга тенглашган, 1816 йилда олтин танга билан алмаштирилган.

ГИЛЬДИЯ (нем.) — кенг маънода Фарбий Европадаги ҳар хил (диний, сиёсий ва ҳ.к.) ассоциациялар; энг тор маънода ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилувчи профессионал бирлашмалар.

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ (грек., лот.) — пул бирлигининг кучли қадрсизланишига, тўлов оборотининг бузилишига ва нормал хўжалик алоқаларининг ишдан чиқишига олиб келувчи товар баҳолари ва муомаладаги пул массасининг ҳаддан ташқари тез ўсиши. Қайта тақсимлаш учун ҳалокатли оқибатларидан ташқари, гиперинфляция иқтисодий синишни тезлаштиради. Гиперинфляция ишлаб чиқариш эмас, балки чайқовчилик фаолиятга йўналтиришни кучайтиришга таъсир қилади. Натижада келажакда баҳонинг ошишини сезган корхоналарга хом ашё ва тайёр маҳсулотни йиғиб қўйиш қулай бўлиб қолади. Капитални инвестициявий товарларга солиш ўрнига ишлаб чиқарувчилар ва айрим шахслар инфляциядан ҳимояланиш мақсадида унумсиз мод-

дий қийматликларни — заргарлик буюмлари, олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар, кўчмас мулк ва ҳ.к. сотиб оладилар.

Муомалага қоғоз пулларнинг кўплаб чиқарилиши гиперинфляцияни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Маълум босқичда гиперинфляция ўзини-ўзи кўллаб-қувватловчи кумулятив жараён хусусиятларига эга бўлади: баҳонинг ошиши кўшимча пул эмиссияларини талаб қилади, унинг қадрсизланиши эса баҳолар ошишининг янги тўлқинини келтириб чиқаради. Гиперинфляция ҳар қандай мамлакатни ҳам катта иқтисодий ларзага солиши мумкин. Масалан: 1938—1946 йилларда баҳолар Японияда 116 баробар ошган. Шу сабабли тараққий этган мамлакатлар ўртамиёна инфляция бўлишига ҳаракат қиладилар. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви (пул ва фискал) инфляцияни иқтисодий йўл қўйиладиган доирада сақлаб туриш имконини беради.

ГЛОБАЛ ДАРОМАД СОЛИҒИ — манбасидан қатъи назар, солиқ тўловчиларнинг жами даромадидан олинади. Биринчи марта 1891 йилда Пруссияда қўлланган. Ҳозирги шароитда кўплаб тараққий этган мамлакатларда амал қилади. Глобал даромад солиғи қурилиш тизими оддий бўлиб, солиқ суммасини тўғри аниқлаш имконини беради.

ГЛОБАЛ КОНТРАКТ (фр., лот.) — одатда томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва ушбу мажбуриятларнинг умумий қиймати бўйича кенг диапазон (чегара)га эга бўлган контракт. Томонлар глобал контракт қабул қилган мажбуриятлар доирасида янада конкретроқ айрим контрактларни имзолашни эътиборга олишлари мумкин. Кооператив алоқаларнинг ривожланишини тўхтатмаслик учун намуналар, хизматлар ва комплект деталларга баҳоларни келишиб олиш муддатлари ва уларни аниқлаш методикасини кўзда тутиши керак.

ГОЛЛАНД АУКЦИОНИ — савдо энг юқори ставкадан бошланадиган ва харидор топилганга қадар пасайиши давом этадиган аукцион.

“ГОЛУБЫЕ ФИШКИ” — фонд дилерлари жарғонида энг кўп дивидендлар келтирадиган акциялар шундай деб аталади. АҚШда “Г.ф.” термини кўпинча қандайдир биринчи классни белгилаш учун қўлланилади, масалан, “голубая фишка” ставкаси — биринчи классли заёмчига банк кредити бўйича фоиз ставкаси: база ставкасининг тахминан 1 фоизи (Британия варианты прайм-рейб).

ГОНОРАНТ (лот.) — вексель бўйича унда махсус ёзувни амалга оширишни топиши билан тулашни ишониб топшириладиган шахс.

ГОНОРАР (лот.) — муаллифга адабий асар ёки санъат асарлари учун туланадиган мукофот.

ГОНОРАТ (лот.) — вексель берувчи, вексель бўйича тўлаш гонорантга топширилади.

ГОРИЗОНТАЛЬ БИРЛАШМА — ишлаб чиқаришнинг битта босқичини амалга оширувчи ва битта фирманинг мулки ҳисобланган корхоналар гуруҳи.

ГОРИЗОНТАЛЬ ҚЎШИЛИШ — белгиланган маълум бозорнинг ўзидаги фирмаларнинг қўшилиши.

ГОРНАЯ ПОДАТЬ — ер ости бойликларини топиш билан шуғулланувчи тоғ саноатидан давлат томонидан олинадиган махсус солиқ. *Г. н.* киритилиши тоғ регалиясининг мавжудлиги билан боғлиқ. Унинг ҳажми капитализмнинг дастлабки босқичида қазиб олинган ялпи сумманинг 15—20 фоизига етган, бу эса тоғ саноатининг ривожланишига тўсиқ бўлган; кўпгина капиталистик мамлакатларда даромад солиғи билан алмаштирилган. *Г. н.* Россияда 1719 йили Пётр I даврида киритилган. Фармонда қазиб олинган ялпи бойликнинг ўндан бир қисми натурал шаклида тўлансин, деб ёзиб қўйилган.

ГОРЯЧИЕ ДЕНЬГИ (қайноқ пуллар) — энг ишончли ва фойдали солиқни кўзлаган мамлакатлар ўртасида катта массадаги қисқа муддатли спекулятив капиталларнинг жойини ўзгартириш. Капиталлар жойининг ўзгартирилишига сиёсий ва иқтисодий сабаблар; девальвация, ревальвация, чекланган валюталарни киритиш хавфлари туртки бўлиб хизмат қилади. *Г. д.* қандайдир бир мамлакатга оқиб келиши унинг хўжалик ва молиявий ҳолатини кескинлаштиради.

ГОФ МАКЛЕР (нем.) — биржа маклерлари ичидан маълум муддатга биржа аъзолари томонидан сайланадиган фонд ёки товар биржасидаги бош маклер. Гоф маклер биржада маклерлар фаолияти устидан кузатиш олиб боради ва биржа мажлисининг охирида биржа комиссияси учун тузилган битимлар курсларини кўрсатган ҳолда эркин курс ёзуви тузади. Гоф маклер биржа қўмитаси таркибига киради.

ГРАНТ-ЭКВИВАЛЕНТ (лот.) — “ривожланишга расмий ёрдам” имтиёзли кўрсаткичи. Имтиёзли шартлар билан берилган кредит бўйича тўлов фоизларини ҳажми бўйича кам, аммо тижорат шартлари билан берилган кредит бўйича даромадга тенглаштириш мумкин. Имтиёзли кредит ва тижорат кредити суммаси ўртасидаги фарқ бўйича даромад тенг бўлса, имтиёзли кредитнинг грант-эквиваленти ҳисобланади, яъни кредитор томонидан бепул берилган қисмини кўрсатади.

ГРАНТ-ЭЛЕМЕНТ (лот.) — ҳар хил кредитлар ва қарзлар бериш шартларини таққослаш учун халқаро статистикада қўлланиладиган кўрсаткич. Ҳар бир кредит (қарз)нинг шартлари учта параметр билан характерланади: бериш муддати, имтиёзли дав-

ри ва фоиз ставкаси. Грант-элемент ҳар бир параметрдаги қарз-ни ҳисобга олувчи интеграл кўрсаткич ҳисобланади.

ГРАТИС (нем.) — “бепул” деган маънони англатади. Бу термин қандайдир операцияларни ёки кўрсатиладиган хизматларнинг бепуллигини кўрсатиш учун савдода қўлланилади.

ГРАТИФИКАЦИЯ (лот.) — пул мукофоти. Ғарбий мамлакатлар савдо оборотида грастификация агентлар, брокерлар ва бошқа савдо обороти иштирокчилари томонидан у ёки бу ҳаракатларни ёки уларга юклатилган мажбуриятларни бажарганлари учун рағбатлантириш мақсадини кўзда тутаяди.

ГРАЦИОН КУНЛАР (лот.) — тўлов муддати ўрнатилгандан кейин векселни тўлаш учун айрим мамлакатларда амал қилувчи имтиёзли муддат.

ГРИНБЕКИ (инг.) — металлга майдаланмайдиган турли хил АҚШ казначейлик билетлари.

ГРИН-КОРТ (инг.) — АҚШда доимий яшаш ҳуқуқини ёки доимий резидент олувчи шахсларга бериладиган чет эллик рўйхат картаси.

ГРИФ (фр., нем.) — 1. Имзо намунаси ёки қандайдир бошқа матнли муҳр, штемпель ҳамда ҳужжатда шундай муҳр ёки штемпелнинг оттиски; 2. Улардан фойдаланишнинг махсус тартибини белгиловчи ҳужжатдаги ёки нашрдаги ёзув, масалан, “хизматда фойдаланиш учун” Г.

ГРОССБУХ (нем.) — бухгалтериядаги бош дафтар.

ГРОСС-ТЕРМС (нем.) — кемага юкни ортиш ва кема трюмига уни жойлаштириш ва тушириш қиймати юк ташувчи ҳисобидан амалга оширилишини билдирувчи денгизда юк ташиш тўғрисида контракт шарти.

ГРЮНДЁРСТВО (нем.) — ишлаб чиқариш ва савдонинг жонланиш давлари учун характерли бўлган чайқовчилик мақсадларда корхоналар, акционер жамиятлар ва ҳ.к. ошиғич равишда таъсис этиш. Акциялар курсини оширишга ва ҳ.к. бўрттирилган корхоналар, биржа ўйинини тузиш билан олиб борилади.

ГРЮНДЁРЛИК МАРКАЗЛАРИ — турли хил технополислар, аммо уларнинг ишбилармонлик хизматлари рўйхати кенг; уларда муаммолар кенг доираси бўйича бошқариш маслаҳати кенг ривожланган. Г. м. одатда қайта ишлаш саноати корхоналарига дастлабки ёрдам кўрсатиш учун тайинланган.

ГУРД (фр.) — Ганта пул бирлиги, 100 сентимога бўлинади. Кумуш танга сифатида 1814 йилда киритилган, 1880 йилдан бошлаб 1,4516 г. соф олтин мазмунига эга бўлган Гурд банкнотлари чиқарилган. 1919 йилдан бошлаб АҚШ доллари билан 52—1 доллар қатъий нисбати сақланмоқда.

ГУДВИЛ (инг.) — 1. Фирманинг ишбилармонлик алоқалари шартли қиймати “жамғарилган номатериал активлар “баҳоси”,

сезилмас даражадаги капиталнинг пул баҳоси — нуфузли савдо маркаси, ишбилармонлик алоқалари тажрибаси, мижозлар ҳамда бошқариш, ташкилий ва техник ресурсларнинг барқарорлиги, молия дунёсида обрўи, олди-сотди фаолияти устидан назорат қилиш механизми ва ҳ.к.; 2. Сезилмас даражадаги асосий капитал, фарқи асосий капитал сифатидаги активлар.

ГУРУҲ АУКЦИОН — брокер ёки биржа ходими ваколатлиги назорати остида буюртмалар тўпланиб қолган, кейин бир кунда бир ёки икки марта биржа залига чиқариладиган ва савдо қилинадиган биржадаги савдо шакли.

ГУРУҲ ОБУНАЛАР — қимматли қоғозлар чиқаришни жойлаштирувчи бир неча дилерлар.

ГУРУҲ СУҒУРТА — шахсий суғуртанинг турли хили. Гуруҳ суғурта шартномалари индивидуал суғурта каби суғурта қилувчи томонидан айрим шахслар билан тузилмайди, балки мавжуд корхонада ёлланиб ишловчи шахслар гуруҳини суғурта қилдириш сифатида чиқувчи корхона маъмурияти (ташкilotлар, муассасалар ёки касаба уюшмаси билан тузилади). Корхонада белгиларига боғлиқ ҳолда бир неча суғурта гуруҳлари тузилиши мумкин: касби, вазифаси, иш ҳақи, ёши. Гуруҳ аъзолари сони ҳар хил бўлиши мумкин, аммо шартномада бир хил категорияли ходимларнинг кўп қисми иштирок этиши керак (75 фоиз, айрим ҳолатда 100 фоизгача). Корхона жамоаси қамровининг юқори фоизда бўлиши операцияларнинг молиявий мунтазамлигини таъминлаш учун зарур. Унинг барча аъзолари учун ягона тариф ўрнатилади. Айрим ҳолатда *Г. с.* суғурта гуруҳлари аъзоларининг оилаларига ҳам тарқалади.

Д

ДАВАЛЬЧИКОЕ СЫРЬЁ — бошқа мамлакатга уни қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантириш, кейин тайёр маҳсулотни хом ашё эгаси мамлакатига чиқариш учун олиб келинадиган контрагент — шерик хом ашёси.

ДАВЛАТ АКЦИОНЕР КОРХОНАСИ — ўз хўжалик фаолиятида давлат ва акционер капиталидан фойдаланадиган корхона. *Д. а. к.* акционер капитали давлат корхонаси томонидан унинг асосий ва оборот маблағлари қийматидан ошмаган ҳоҳлаган суммада акциялар чиқариш орқали ҳосил бўлади. Акцияларни сотишдан тушган маблағлар кўшимча молия ресурслари сифатида давлат капиталига қўшилади ва улар билан оборотга қатнашади. *Д. а. к.* фойдаси давлат ва акционер капиталга тўғри келадиган қисмларга бўлинади. Биринчиси давлат корхонаси фойдаси,

иккинчиси эса акционер жамият фойдаси сифатида тақсимланади. Одатда, қўшимча маблағларга муҳтож бўлган йирик корхона *Д. а. к.* шаклига айлантирилади.

ДАВЛАТ АППАРАТИ (*лот.*) — давлат ҳокимияти ва давлатни бошқариш органлари, одил суд, прокуратура назорати ва ҳ. к. тизими.

ДАВЛАТ БАНКИ (*фр.*) — давлат мулкида турувчи кредит муассасалари. Капиталистик мамлакатларда *Д. б.* нинг қуйидаги уч тури фарқланади: марказий банклар, тижорат банклари, махсус кредит институтлари. Давлат банклари иқтисодий тартибга солади, хусусий банклар фаолияти устидан назорат қилишни амалга оширади, халқаро кредит операцияларига таъсир кўрсатади, давлат дастурларини молиялашни олиб боради.

Давлат тижорат банклари ҳужаликларни кредитлаш соҳасида давлат сиёсати ўтказишни таъминлайди, инвестициявий, воситачи ва ҳисоб-китоб операцияларини ўтказди, улар орқали эса мижозлар иқтисодий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Давлатнинг махсус кредит институтлари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида мамлакатда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужалик тармоқларига хизмат қилади. Улар жорий ва стратегик масалаларни ҳал қилишни таъминлайди; капитал маблағларни, ташқи савдо экспансиясини рағбатлантиради; қишлоқ ҳужалигини тартибга солишни амалга оширади; давлатнинг регионал сиёсатини ўтказди (инвестициявий банклар, ташқи савдо банклари, қишлоқ ҳужалигини кредитлаш учун банклар ва ҳ.к.).

ДАВЛАТ БАНКРОТЛИГИ (*нем.*) — давлатнинг ташқи ва ички қарзлари бўйича тўлашдан тўла ёки қисман воз кечиши; давлат молия инқирозининг энг ёрқин намоён бўлиш шакли.

ДАВЛАТ БОЖИ — импорт ва экспорт товарлардан давлат томонидан олинadиган (божга қаралсин) ва давлат бюджетига йўналтириладиган ҳақ. *Д.б.* киритилиши ва ҳажми чет эл товарларига баҳоларни тартибга солиш ва шу билан миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, миллий товарларни экспорт қилишни рағбатлантириш, фискал мақсадларни, яъни давлат бюджети даромадлари ва харажатларини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутди. Юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни топишишни кўзлаб амалга оширилганлик учун махсус ваколат органлари томонидан (судлар, арбитраж судлар, нотариал идоралар, зағселар, ички ишлар органларининг виза ва рухсатнома берувчи бўлимлари ва ҳ. к.) ундириб олинган пул суммалари. Оддий ва пропорционал *Д.б.* фарқланади. Оддий *Д.б.* белгиланган қатъий суммада ундириб олинади, пропорционал *Д.б.* да эса маълум суммага нисбатан маълум фоизда ундирилади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ (фр.) — маблағларнинг тушум манбалари ва харажат қилишнинг асосий каналлари бўйича ҳукумат даромадлари ва харажатларининг мукамал сметаси. Давлатнинг молиявий ҳолати, етакчи мамлакатларнинг муҳим йўналишлари, бюджет ва солиқ сиёсати хусусиятлари мунтазам эълон қилинадиган махсус давлат ҳужжатларида ўз ифодасини топади, уларнинг ичида энг муҳими марказий ҳукуматнинг бюджети ҳисобланади. Ҳозирги вақтда давлат бюджетининг молиявий операциялари кўлами уни иқтисодий ривожланишнинг муҳим параметрига айлантирди. Ҳозир давлат бюджети канали орқали ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир яримигача қисми қайта тақсимланмоқда. Иқтисодий жараёнларда, молиявий маблағлар ҳаракатлари оқимларини ташкил этишда давлатнинг мунтазам иштирок этиши умумий тенденция ҳисобланади. Ҳукуматнинг ҳар хил дастурлари бўйича бюджет маблағларининг айнан йўналишлари ва сарфланиш ҳажмлари давлатнинг иқтисодиётга ҳужалик ривожланишининг жорий ва узоқ муддатли устувор йўналишларига аралашувининг умумий тамойиллари билан белгиланади. Ушбу устувор йўналишларни ишлаб чиқиш мураккаб жараён ҳисобланади, бунда аҳолининг ҳар хил социал қатламлари ва гуруҳлари иштирок этишади. Бюджет маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади: қуроли кучлар ва давлат аппаратларини сақлашга, социал соҳани молиялаштиришга (социал таъминот, соғлиқни сақлаш; маориф, фан ва ҳ.к.), халқ ҳужалигини молиялаш.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ БАЛАНСИ — давлатнинг пул даромадлари ва харажатлари нисбати. Харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши давлат бюджети танқислигини келтириб чиқаради. Давлат даромадлари асосан мустақил ҳужалик фаолияти юритувчи давлат кооператив ва бошқа корхоналар (ташкилотлар) пул бадаллари ҳисобидан давлат бюджетига тушиши орқали ҳосил бўлади. Бюджет тушумлари “солиқ” ва “носолиқ” турларга бўлинади. Бюджетнинг солиқ тушумлари — бу корхоналар даромадларидан олинган солиқлар, марказий фондларга мажбурий тўловлар (масалан, социал суғуртага), аҳолидан олиннадиган солиқлар (биринчи навбатда даромад солиғи) ҳамда қишлоқ ҳужалик солиқларидан ташкил топади. Носолиқ тушумлари — бу ҳар хил турдаги тўловлар ва тушумлар, ташқи савдодан келадиган даромадлар, давлатнинг олган қарзлари, пул-буюм лотерея билетларини реализация қилишдан тушган даромадлар ва ҳ.к. иборат бўлади. Давлат харажатлари — халқ ҳужалигини ривожлантиришга ва жамиятнинг социал эҳтиёжларига йўналтирилган молиявий ресурслардир. Давлат заёмлари — давлат корхоналаридан ва аҳолидан қарз оладиган кредитнинг асосий

тури (облигациялар чиқариш йўли билан). Облигация маълум муддатга олдиндан келишилган фоиз билан сотиб олиш ва тўлаш учун бериладиган давлатнинг қарз мажбурияти. “Сертификатлар”ни облигациядан фарқ қилиш лозим — ҳоқори фоиз ва фақат ўрнатилган муддат тугаши билан сотиб олинadиган давлат қарзининг асосий тур билетлари.

Давлат заёмлари қайтариш муддатига қараб қисқа муддатли (бир йилга қадар), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан ошiq) бўлиши мумкин. Даромадлиқ турлари бўйича улар фоизли (унинг эгалари давлат томонидан ўрнатилган даромадни олади) ва ютуқли (кредитдан фойдаланганлик ҳақи ютуқ сифатида берилади)га бўлинади. Пул заёмларини жойлаштириш ихтиёрий (облигациялар эркин сотилади ва сотиб олинади) ва мажбурий (мамлакатдаги уруш ва урушдан кейинги йиллар) бўлиши мумкин. Аҳолининг бўш пул маблағларини жамғарма банкларига топшириши, давлатни оммавий кредитлаш шакли ҳисобланади. Жойлашган жойига қараб давлатнинг ички ва ташқи заёмлари фарқланади.

Давлат қарзи олинган кредитлар бўйича давлатнинг қопланмаган суммаси ва улардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш билан белгиланади.

“Дотациялар”, “Субсидиялар” ва “Субвенциялар” давлат томонидан молиялаштиришнинг муҳим шакллари ҳисобланади. Дотация харажатларнинг даромадлардан ошган қисмини қоплаш учун ҳаракатдаги корхоналарга давлат томонидан бериладиган пул маблағлари. Субсидия — давлат бюджетидан айрим корхоналарга конкрет мақсадга ажратиладиган суммаси (фундаментал тадқиқотларни молиялаш, экологик дастурларни амалга ошириш ва ҳ.к.). Субвенция — қандайдир конкрет ҳўжалик масалаларини ечиш учун етмаган маблағларни тўлдириш мақсадида давлат томонидан айрим тармоқлар ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш тури. Бозор иқтисодиётида корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш билан шуғулланadиган ёки молиявий ишлаб чиқаришни олиб борадиган аудитор-молиячи — профессионал фахрли ўринни эгаллайди.

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ — давлатнинг ҳўжалик алоқаларини бевосита тартибга солиш шакли. Давлат буюртмасини бажариш шартномалари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тузилган шартномага нисбатан генерал шартнома сифатида Давлат контракт тизими органлари ва корхоналар — тайёрловчилар томонидан тузилади. Генерал шартномаларда номенклатурани кенгайтириш ва етказиш ҳажми, уларни олувчилар, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва уларни бажармаганлик учун жарималар ҳамда шартнома баҳолар ва шартнома-

ни бажариш давомида уларни коррективка қилиш шартлари аниқланган бўлади. Ишлаб чиқарувчи учун давлат буюртмаси фойдалилиги қуйидагилар билан таъминланади: 1) шартнома баҳоси; 2) генерал шартнома билан белгиланган миқдорда жойлаштирилган давлат буюртмалари маҳсулот номенклатураси доирасида материал ресурслари; 3) фойдага солиқ бўйича имтиёзлар.

ДАВЛАТНИНГ ВАЛЮТА МОНОПОЛИЯСИ — давлатнинг валюта маблағлари билан операциялар ўтказиш ёки шундай операцияларни ўтказишни маълум органлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва фирмаларга рухсат бериш, валюта маблағларидан фойдаланиш тартибини ўрнатиш бўйича ҳуқуқи.

Давлат валюта монополияси валюта операцияларини тартибга солиш, валюта маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш, уларни қўллашнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларни амалга оширишни кўзда тутadi. Бу соҳадаги конкрет вазифаларни бажариш тегишли банкларга юклатилади.

ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИ — давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш учун фойдаланадиган давлат даромадлари.

ДАВЛАТ ЁРДАМИ — даромади маълум даражадан ошмаган жамият аъзолари бепул тўлов ва ёрдам оладиган дастурлар.

ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ — бозор механизмнинг фаолият қилиши учун меъёрий шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ва бозор конъюнктурасига давлатнинг таъсир кўрсатиши; экологик ва социал муаммоларни ечиш. Ҳар хил шаклларни ўз ичига олади: бюджет-солиқ, кредит-пул, маъмурий. 1989 йилда АҚШда бюджет орқали ялпи миллий маҳсулотнинг 36 фоизи, Японияда — 33 фоизи, Германияда — 44,9 фоизи, Англияда — 38 фоизи, Францияда 50,2 фоизи, Италияда — 48,7 фоизи, Голландияда — 53 фоизи, Швейцарияда — 27 фоизи қайта тақсимланган. Бюджет-солиқ орқали тартибга солиш бюджетнинг даромад ва харажат қисмларини тенглаштиришни кўзда тутadi, чунки бюджет танқислиги инфляциявий жараёнларга туртки бўлади. Кредит-пул орқали тартибга солиш фоиз ставкаси “очиқ бозор”да операциялар, банк захиралари мажбуриятлари меъёрининг ўзгаришини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиётида маъмурий тартибга солиш мажбурий картеллаштириш, очиқ корхоналарга рухсат олиш зарурлиги ва ҳ.к. каби тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

ДАВЛАТ ЗАЁМИ КОНВЕРСИЯСИ (лот.) — даромадларга тегишли бўлган дастлабки заём шартларининг ўзгариши кўпин-

ча Д.з.к.да ҳукумат меъёрий фоиз ҳажмини алмаштиради. Мажбурий, ихтиёрий ва факультатив Д.з.к. амал қилади.

ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИ (лот.) — кредит-молия операцияларининг турли хили бўлиб, бунда давлат заёмчи ёки кредитор сифатида чиқади.

ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ (лот.) — халқаро ҳуқуқдаги тамойил бўлиб, шунга мувофиқ давлат ва унинг органларига чет эл давлати суди даъво қилиши мумкин эмас, чет эл давлати мулки эса мажбурий характердаги чоралар таъсирига учраши мумкин эмас.

ДАВЛАТ ИСТЕЪМОЛИ — давлат аппаратини сақлаш ва унинг функцияларини амалга ошириш учун давлат томонидан сарфланадиган ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисми.

ДАВЛАТ КАЗНАЧЕЙЛИК БИЛЕТИ — эгалари томонидан пул маблағлари қўйганлик тўғрисида гувоҳлик берувчи ва мажбуриятта эғалик қилган муддати давомида даромад олишга уларга ҳуқуқ берувчи давлатнинг мажбурияти, аҳоли ўртасида қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш тури.

ДАВЛАТ КАЗНАЧЕЙЛИК МАЖБУРИЯТИ — қимматбаҳо қоғозлар эгалари томонидан пул маблағларини бюджетга ўтказишни тасдиқловчи ва ушбу қимматбаҳо қоғозларга эғалик қилиш барча муддати давомида қайд қилинган даромад олишга ҳуқуқ берувчи давлат қимматбаҳо қоғозларини ихтиёрийлик асосида аҳоли ўртасида жойлаштириш тури. Узоқ муддатли хазинабонлик мажбуриятлари давлат томонидан 5 йилдан 25 йилгача кўрсатувчи учун чиқарилади. Узоқ муддатли хазинабонлик мажбуриятларининг сотиш қийматини белгилаш тартиби уларни сотиб олиш вақтидан келиб чиққан ҳолда республика ва автоном республика вазирлиги томонидан ўрнатилади.

ДАВЛАТ КРЕДИТИ (лот.) — кредит муносабатлари мажмуи, бунда томонлардан бири давлат ҳисобланади, жисмоний ва юридик шахслар эса кредиторлар ёки заёмчилар ҳисобланади.

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ БОЗОРИ — ҳокимият вазифаларини бажариш учун уларга зарур бўлган товарларни сотиб олувчи ёки ижарага олувчи давлат муассасалари ва маҳаллий муассаса ташкилотлари.

ДАВЛАТ МУЛКИ — ишлаб чиқариш хусусида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабат хили бўлиб, мулк объектларини бошқариш ва буйруқ беришни халқ номидан давлат ҳокимияти органлари бажаради. Ер ости бойликлари, ички сувлар, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳокимият ва идора органларининг мол-мулки, республика бюджети маблағлари, республика ва давлат аҳамиятидаги банклар, суғурта, захира ва бошқа давлат фондлари, давлат мулки

асосида вужудга келган корхоналар ва халқ хўжалиги комплекслари, ўқув юртлари, ижтимоий-маданий алоқа объектлари ҳамда республиканинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган бошқа мол-мулклар давлат мулки объектлари ҳисобланади.

Халқ оммаси эса Ўзбекистон Республикаси мулкнинг субъектидир.

ДАВЛАТ РЕНТАСИ (нем.) — давлатнинг муддатсиз облигация заёмининг махсус тури, бунда давлат қарз олинган капитал учун ҳар йили маълум даромад (рента) тўлаш мажбуриятини ўз бўйнига олади.

ДАВЛАТ РЎЙХАТИ — уларнинг вужудга келиш, янгидан тузиш ва фаолиятини тўхтатишнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш мақсадида давлат, кооператив корхоналар ва жамoa ташкилотлари корхоналари томонидан ҳисоб қилиш.

ДАВЛАТ СЕКТОРИ (лот.) — давлат томонидан тўла назорат қилинадиган мамлакат иқтисодиётининг бир қисми; ҳукумат.

ДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИГА ҚЎШИМЧА — маҳаллий бюджетга тушадиган қўшимча солиқлар суммаси; давлат солиқларига нисбатан маълум ҳиссада ўрнатилади.

ДАВЛАТНИНГ СОЦИАЛ СУҒУРТАСИ (лот.) — иш кучини ишлаб чиқариш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида социал таъминлаш шакли, бунда давлат ташкилоти суғурта ташкилоти ҳисобланади ва суғурта аҳоли кенг қатламини қамрайди.

ДАВЛАТ ТАДБИРКОРЛИГИ — миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар чиқарувчи давлат корхонаси фаолияти. Фақат тижорат асосида амалга оширилмайди. Ҳар хил мамлакатларда дастлабки тижорат ва нотижорат уйғунлашув давлат корхоналари фаолиятида бир хил эмас. Масалан, Италияда нотижорат бошланиш устун. Англияда 1979 йилда ишлаб чиқаришда давлат секторининг ҳиссаси 18,7 фоизни ташкил этган. 80-йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўлқини бошланганда давлат секторининг ўз қисмидан кўпроғи хусусий қўлларга ва коллектив корхоналарга берилган. Францияда 80-йиллар бошларида давлат корхоналари ҳиссаси 22,8 фоизгача етган, кейин эса камай бошлаган. Кейинги вақтда бозор иқтисодиётида давлат тадбиркорлигига бўлган муносабат ўзгармоқда. Унинг турмуш сифатига ва иқтисодиётнинг рақобатлилигига самарали таъсири олинган.

ДАВЛАТНИНГ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ (фр., лот.) — давлат ҳокимияти маҳаллий органлари уй-жой фонди ва тўла хўжалик юри-

тиш ва давлат идоралари, корхоналари, ташкилотлари, муассасалари оператив бошқарувида турувчи уй-жой фонди.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ — энг аввало ҳарбий буюртмаларни, граждан қурилиш дастурларини тўлаш билан боғлиқ бўлган давлат истеъмоли шакли ва давлат корхоналарига капитал маблағларни молиялаштириш.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ — кредит операциялари бўйича давлатнинг қарз суммаси.

Заёмлар чиқарилган ва жойлаштирилган ва ҳ. к. валюталарни жойлаштириш бозорига боғлиқ ҳолда *Д.к.* ички ва ташқи бўлиши мумкин. Қоплаш муддатига қараб капитал ва жорийга бўлинади. Бир томондан чет эл қарзини, иккинчидан эса *Д. к.* ни фарқ қилиш лозим. Чет эл қарзи бу мамлакатнинг тўлов баланси танқислигини қоплаш учун чет элдан олган қарзини билдиради. *Д.к.* эса давлатнинг тўлов баланси танқислигини қоплаш учун олган қарзини кўрсатади. Қарзлар одатда мамлакат ичига жойлаштирилади, аммо унинг бир қисми чет элда жойлаштирилиши ҳам мумкин. Давлатнинг чет элдан олган қарзи айни пайтда ҳам давлат, ҳам чет эл қарзига киради. Тўлов баланси харажати чет эл қарзи суммасини белгилайди. Шундай қилиб, *Д.к.* бюджет танқислиги динамикаси билан белгиланади. *Д.к.* камайиши учун бюджет ижобий савдога эга бўлиши керак. Агарда давлат бюджети танқис бўлса, *Д.к.* кўпаяди. Бюджет танқислиги қанча кўп бўлса, *Д.к.* шунча ўсади.

ДАВЛАТ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗИ — заёмларни жойлаштириш ва пул ресурсларини сафарбар қилиш мақсадида марказий ҳукумат, маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳ.к. томонидан чиқариладиган облигациялар, ҳазинабонлик векселлари ва бошқа давлат мажбуриятлари. Булар қуйидагича фарқланади: 1) бозор *Д.қ.қ.* — ҳазинабонлик векселлари, ноталар, бонлар. Улар пул бозорида эркин сотилади ва сотиб олинади; 2) нобозор *Д.қ.қ.* — жамғарма сертификатлари ва ҳ.к. Асосан, давлат кредит соҳасига аҳоли жамғармаларини жалб этиш мақсадида чиқарилади. Бу қимматбаҳо қоғозлар хоҳлаган пайтда тўловга қўйилиши мумкин, аммо муддатидан олдин тақдим этилса, фоиз тўловлари кескин камаяди.

ДАЙЖЕСТ (*инг.*) — 1. *Д.* тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун танлаб олинган ва гуруҳланган конкрет матндан сайлаб олинган эълон; 2. Бошқа нашрлардан қайта нашр қилинган (қисман қисқарган) энг қизиқ материалларни ўз ичига олувчи тўплам.

ДАМНИФИКАЦИЯ (*лот.*) — мол-мулкка зарар келтириш.

ДАМНО (*лот.*) — қимматбаҳо қоғозларни уларнинг меъёрий қиймати билан сотган курсда кўриладиган талафот.

ДАРОМАД — капиталга бўлган даромадларнинг ҳар қандай турлари учун куп маъноли тушунча. Куп белгиларга эга ва ҳар хил контекстларда фойдаланилади: 1) даромад ставкаси — облигация бўйича ҳар йили туланадиган ва унинг номинал қийматидан фоизларда ҳисобланадиган даромад; 2) қарзнинг амал қилиш ҳисоб-китоб муддати учун *Д.* барча қарздан даромад ёки қарз бўйича қимматбаҳо қоғозларнинг барча ҳажми унинг эгасида турадиган, барча тулаш эса олдиндан урнатилган ҳажмларда амалга оширилади деган таклифдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган унинг бир қисми; 3) амал қилиш ўртача муддатнинг ҳисоб-китоби учун *Д.* — купол ориентирланган характерга эга бўлган ва шунинг учун конкрет ҳисоб-китобларда фойдаланиши учун тавсия этилмайдиган шартли ҳисоб-китоб даромади.

ДАРЕНИЕ — бир томоннинг мулкни текинга бошқа томоннинг тула мулки қилиб бериш. Кучмас мулкни ва транспорт воситаларни совға қилиш қоидага кўра бериладиган мулк қийматидан маълум фоиз тарзида давлат божли олинадиган битимни нотариал тасдиқлашни талаб этади. Бундан ташқари, бож ҳажми шундай битим иштирокчиларининг қариндошлиги даражасига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

ДАРОМАДЛИ АКЦИЯЛАР — саховатли дивидентлар туланадиган акциялар. Аммо барча акциялар юқори даражали дивидентга эга эмас — шу пайтдаги юқори дивидент келажақда эълон қилинмаган дивидентдан кутилган натижа бўлиши мумкин.

ДАРОМАД БҲЙИЧА ТАЛАБ ЭЛАСТИКЛИГИ — тенг шароитлардаги товарга бўлган талаб миқдори фоиздаги ўзгаришнинг истеъмолчилар даромадларининг берилган фоиз ўзгаришига нисбати.

ДАРОМАДЛАР ИНДЕКСАЦИЯСИ (*лот.*) — баҳолар даражаси ўзгаришига боғлиқ ҳолда аҳоли ҳар хил гуруҳлари меъерий даромадларининг узлуксиз ўзгариши.

ДАРОМАДЛИЛИКНИНГ КАМАЙИБ БОРИШ ҚОНУНИ — бир тур харажатнинг ошиши ва бошқа барча харажат турларининг камайишида нуқтага эришилганликни билдириш тамойили, шундан кейин ўзгарувчи харажатнинг ҳаддига етган маҳсулотнинг миқдори қисқара бошлайди.

ДАРОМАДЛИЛИК КЎРСАТКИЧИ — уларнинг жорий баҳосига нисбатан 100 акция ҳисобига компания томонидан йилнинг охириги даврида олинган барча фойда миқдори нисбати сифатида аниқланадиган шартли нисбий кўрсаткич. Амалиётда тескари миқдори, яъни баҳо — фойда нисбати ҳам фойдаланилади.

ДАРОМАДЛИ ОБЛИГАЦИЯЛАР — агарда даромад ишлаб топилган бўлмаса, фоиз туланмайдиган облигациялар. Айрим пайтда *Д.о.* бўйича фоиз кумулятив дейилади ва агарда туланма-

са, компания тугатилган ҳолатда облигация эгаси даромаднинг бир қисмига бўлган даъвога қўшилади. Ҳозирги вақтда *Д. о.* камдан-кам чиқарилади.

ДАРОМАД САМАРАСИ — тақдим этилган талаб миқдори. Ўзгариш ҳиссасининг бошқа неъматларни кам қийматли неъматлар билан алмаштириш натижасида ҳосил бўлган арзонлашган товарга нисбати.

ДАРОМАД СОЛИФИ — унинг фаолияти натижаси ёки мулкдан фойдаланишдан олинган жисмоний ёки юридик шахс даромадидан ундириладиган солиқ тури. *Д.с.* аҳолидан олинadиган бевосита асосий солиқ тури ҳисобланади ва солиқ олишнинг ўсиб борувчи ставкаси асосида прогрессив система бўйича ундирилади.

ДАТА (*фр., лот.*) — ҳужжат, қоғоз тузилган ёки битим амалга оширилган сана, ойни аниқ белгилаш.

ДАТИРОВАТЬ (*фр.*) — ниманингдир санасини қўйиш, белгилаш.

ДАТО-ВЕКСЕЛЬ (*итал., нем.*) — тўлов муддати унинг тўлдирилган кунидан бошлаб кўрсатилган вексель.

ДЕБЕНТУРА (*лот.*) — 1. Компаниянинг қайд қилинган ва бошқа активлари билан таъминланган ссуда ёки шундай ссуданинг бир қисмига гувоҳлик беришни билдирувчи оборотли қимматли қоғоз (облигация); 2. Таъминланган қарздорлик мажбурияти (АҚШда); 3. Вазифадор шахс томонидан маошни олишдаги имзо; 4. Божни қайтариш тўғрисида божхона гувоҳлиги.

ДЕБЕТ (*лот.*) — икки тарафлама жадвалда бўлган бухгалтерия счётининг чап томони. Пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини, моддий товар бойликлари ғамламаларини рўйхатга олиш учун фойдаланиладиган счётларда ҳар ойнинг давомида улардан қанча тушиб туриши *Д.* да кўрсатилади. Счётларда қанча қолганлиги ва ой бошида ҳисобга олинган бойликларда улар маблағлар манбаининг камайишига олиб борадиган ҳужалик операциялари акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида бир хил суммадаги ҳар бир операция икки марта, бир-бирига боғлиқ бўлган иккита счётда битта счётнинг дебетига ва иккинчи счётнинг кредитига ёзилади.

ДЕБЕТ КАРТОЧКАСИ — ташқи кўриниш бўйича кредит карточкасини эслатувчи, терминал воситасида нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун сотиб олувчи томонидан фойдаланиладиган пластмассали пластина. *Д. к.* сотиб олувчининг жорий счётидан сотувчи счётига маълум пул суммасини кўчиришни амалга ошириш имконини беради.

ДЕБЕТ-НОТА (*лот.*) — ҳисоб-китоб муносабатларида турувчилардан бир томоннинг бошқа томон дебет ҳисоб рақамига қандайдир ҳолат вужудга келиши билан охирги маълум сумма-

ни, ушбу суммани талаб этиладиган ҳуқуқ яратилганлиги сабабли ёзиш тўғрисида юбориладиган хабарнома. Д.н. юборилган томон унда эътироз йўқлиги туфайли кредит-нота посилкасини тулашга ўз розилигини тасдиқлайди.

ДЕБИТ (фр.) — вақт бирлиги ичида табиий ёки сунъий манбадан тушадиган (бурғиланган қудуқ, трубалар, қудуқ ва ҳ.к.) суюқлик, сув, нефть ёки газ ҳажми. Суюқлик учун л/с, куб. м/с ёки м/сут; газ учун куб. м/с да ифодаланади.

ДЕБИТОР (лот.) — гражданлик ҳуқуқида қарздор; шартнома ёки бошқа мажбуриятдаги томоннинг маълум ҳаракатни амалга оширишга мажбурлиги ёки ҳаракатни амалга оширишдан бетараф қолишлиги. Икки томонлама шартнома мажбуриятларида битта шахснинг ўзи ҳам дебитор ҳам кредитор сифатида чиқади.

ДЕБИТОР ҚАРЗ — юридик ёки жисмоний шахслардан (дебиторлардан) улар билан ҳўжаликларнинг ўзаро муносабатлари якуни бўйича корхонага берилиши лозим бўлган қарзлар суммаси. Маблағларнинг мавжуд корхона оборотидан четга чиқилиши ва улар дебиторлар томонидан фойдаланишини характерлайди. Ҳўжалик фаолиятида метёрий (қонуний) ва муддати кечиктирилган Д. қ. фарқ қилинади.

ДЕБУРС (фр.) — савдо ёки яна қандайдир қайтмайдиган харажатлар.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ (нем.) — қонуний тартибда амалга ошириладиган бошқа мамлакатлар валютасига нисбатан мамлакатнинг пул бирлигидаги расмий олтин мазмунининг камайиши ёки унинг курсининг пасайиши; қонуний тартибда миллий валюта расмий курсининг чет эл валютаси ёки халқаро ҳисоб рақами бирлигига нисбатан тушиши. Д. сабаблари инфляция, тўлов балансларининг танқислиги ва ҳ.к. ҳисобланади. Миллий валютанинг қиймати 70-йилгача мамлакат пул бирлигининг олтин мазмуни билан аниқланар эди, кейинроқ эркин конвертирланадиган валютанинг расмий курси билан, ХВФ мамлакатлари аъзолари учун эса СДР, ЭКЮ (қарз олишнинг махсус қондалари) билан белгиланадиган бўлди.

Бозор учун кураш кескинлашган шароитларда Д. экспортни рағбатлантириш манфаатлари ва тўлов балансини яхшилаш учун расмий курсни етакчи валюталар бозор курси билан вақтинчалик мувофиқлаштириш орқали импортни қисқартиради. Аммо “сузувчи” валюталар курси тартибига ўтиш тўлов баланси танқислигини камайитириш валюталари сифатида Д. амал қилишни юқори даражада пасайтирди. Чунки халқаро ҳисоб-китобларда қўлланилаётган валюталар курсининг кескин даврий ўзгаришлари кўшимча Д. самарасини нейтраллаштиради.

ДЕВИАЦИОН КЕЛИШУВ (лот.) — юкни транспортировка қилишда девиация имкониятини кўзда тутувчи коносамент, чартер ёки суғурта полиси шарт.

ДЕВИЗА (фр.) — 1) Чет элда тўлашга тегишли тўлов маблағлари (чет эл банкларига қўйилган маблағлар, чеклар, аккредитивлар, тўлов талаблари, тўлов топшириқлари ва векселлари) учун чет эл валютаси сифатида ёзиб берилган вексель; 2) Д. халқаро тўлов маблағи хизматини ўтайди.

ДЕВОЛЮЦИЯ (лот.) — мажбурият ёки функцияларини бериш ҳамда қонун бўйича ҳуқуқнинг ёки эгаллик қилишнинг бир шахсдан бошқасига ўтиши (мас., мероснинг қонуний меросхўрга берилиши).

ДЕДВЕЙТ (инг.) — кеманинг сузиш учун барча зарур ғамламалар ҳамда бошқа юк ва одамларни қўшиб тўлиқ юк кўтариш қобилияти.

ДЕДРИНГ (инг.) — барча қарз капитал қиймати ва барча имтиёзли акциялар ва номинал ёки бозорнинг капиталлашган миқдорларида ифодаланган компаниянинг одатдаги акциялари қиймати ўртасидаги нисбат. Д. юқори даражаси шунини кўрсатадики, талабнинг биринчи навбатдаги ҳуқуқи билан мажбуриятлар ва қимматли қоғозлар бўйича тўлов одатдаги акциялар қийматидан кўп бўлади.

ДЕЕСПОСОБНОСТЬ — ўз ҳаракатлари билан гражданлик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эришган жисмоний шахс қобилияти. Шундай ҳуқуқий хусусият кишининг ақлий ҳолатига боғлиқ бўлади. Барча мамлакатлар қонунлари томонидан ўрнатилишига кўра, гражданлик тўла қўламда қонунда белгиланган балоғат ёшига (18 ёш, айрим мамлакатларда 21 ёш) етганида қобилиятга эга бўлади.

ДЕЗАНТЕРМЕДАЦИЯ (фр., лот.) — 1. Қимматли қоғозларни тўғридан-тўғри чиқариш фойдасига банкнинг воситачилиқдан воз кечиши; 2. Фоиз ставкаларининг ўсиш даврида уларни пул бозори (акциялар, облигациялар) воситалари қиёфасида жойлаштириш учун мижозлар томонидан депозитларнинг банклардан олинishi; 3. Кредит ресурслари бир қисмининг миллий банк тизими доирасидан чиқиши.

ДЕЗИГНАЦИЯ (инг.) — 1. Кредитга берадиган шахслар имзоси; 2) Бузила бошлаган товарлар рўйхати.

ДЕЗИНФЛЯЦИЯ (фр., лот.) — рецессия, сотишнинг пасайиши давридаги баҳолар ўсиш суръатининг камайishi.

ДЕКЛАРАЦИЯ (лот.) — бож тўловлари тўланганда кўрсатиладиган товарлар рўйхати. Чет элга жўнатилаётган пул ёки қимматбаҳо пакетга илова қилинадиган почта хужжати.

ДЕКОРТ (нем.) — муддатидан олдин тўлаганлиги учун келишилган товар баҳосидан ёки товар сифатининг контракт, битим шартларига мос келмаганлиги учун олинадиган скидка.

ДЕКУВЕР (фр.) — суғурта қилдирувчи таваккалчилигига қолдириладиган мулк баҳоси ва суғурта суммаси ўртасидаги фарқ.

ДЕЛИВЕРИ ОРДЕР (инг., нем.) — 1. Коносамент бўйича кемада етказилган юкнинг бир қисмини маълум шахсга бериш тўғрисида ҳиссавий коносамент ролини ўйновчи ва буйруқни ўз ичига олувчи ҳужжат; 2. Омбор эгасидан сақланган юкнинг бир қисмини маълум шахсга бериш тўғрисида юк эгасининг омбор эгасига буйруғини ўз ичига олувчи ҳужжат.

ДЕЛЬФИ МЕТОДИ (грек.) — экспертлар гуруҳи томонидан муаммони ҳамкорликда муҳокама қилиш давомида бўлажак воқеаларни прогнозлаш методи (мас., техник инновациялар).

ДЕЛИКТ (лот.) — шахс ёки фуқаронинг қонунни бузишлиги ёки келтирган зарари. Бунда кўчмас ёки кўчириб бўладиган мулкка келтирилган зарар, шахсга ёки унинг обрўйига етказилган зиён кўзда тутилади.

ДЕЛИСТИНГ — биржа ёки компаниянинг ўзининг қарори билан акцияни биржа рўйхатидан чиқариб ташлаш, бу листингнинг умрбод имтиёздан маҳрум бўлганлигини кўрсатади. Д. акция фирма томонидан қайтариб олинган ёки янгисига алмаштирилган, компания активсиз қолган ёки банкрот бўлган, акцияларни очиқ жойлаштириш тўғри келмайдиган кичик ҳажмга эга бўлган компания листинг тўғрисидаги битимни бузгандагина амалга оширилади.

ДЕЛКРЕДЕРЕ (итал., инг.) — коммиссионер томонидан учинчи шахс билан тузилган шартномани бажарганлиги учун коммиссионернинг комитет олдидаги кафолати; делькредере учун коммиссионер махсус мукофот олади.

ДЕЛЬТА (грек.) — опцион мукофоти ўзгаришининг биржа котировкаси ўзгаришига нисбати. Д. қиймати 1-дан 0 гача ташкил этади. Д. реал товар бозорида мажбуриятларни хежирлаштириш учун зарур бўлган опцион миқдорини ҳисоблаш имконини беради.

ДЕМАРКЕТИНГ (фр.) — тақчил товарга нарх ошиши ёки реклама ва хизмат кўрсатишга маблағларнинг қисқариши орқали сотиб олиш талабининг пасайиши.

ДЕМЕРЕЖ (бекор турганлик учун ҳақ) (инг.) — келишилган вақтдан ошиқ ушланиб қолганлиги учун (кема, вагон) тўлашга тегишли сумма.

ДЕМОГРАФИЯ (грек.) — 1. Аҳоли, унинг ўзгаришлари тўғрисидаги фан. Д. аҳолининг сони, унинг географик тақсимланиши ва таркиби, аҳолини такрор ишлаб чиқариш жараёнлари (туғилиш, ўлиш, ҳаётнинг давом этиши, ёшига қараб тақсимлаш ва ҳ.к.), аҳоли таркиби ва ҳаракатининг социал-иқтисодий ва маданий омилларга боғлиқлигини ўрганади. 2. Демографик статистика, яъни аҳолининг сони, таркиби, жойлаштирилиши ва

ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар тизимига илова қилинган статистик методлар билан шуғулланувчи статистика соҳаси.

ДЕМОНЕТИЗАЦИЯ (фр.) — нодир металлларнинг (кумуш ва олтин) пул вазифаларини бажаришни йўқотганлиги. Кумуш XIX асрнинг охирида, олтин эса XX асрнинг ўрталарида пул бўлишдан тўхтаган, *Д.* товар-пул муносабатлари механизми, унинг ташкилий шакллари ва воситалари ривожланиши жараёнини ифодалайди. Миллий валютанинг металл мазмуни халқаро иқтисодий муносабатларда муайян мазмунини сақлаб қолади.

Олтинни *Д.* қилиш ХВФ Низомида халқаро ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган, ундаги тузатиш 1978 йилдан бошлаб олтинга бўлган расмий баҳони бекор қилган, олтин ХВФ ва ушбу ташкилот аъзолари ўртасидаги ҳисоб-китобдан чиқарилган. Шунга қадар олтин унга алмаштирилмайдиган кредит пуллар томонидан ички ва халқаро оборотдан сиқиб чиқарилган. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида олтин фақат чекланган вазифаларни бажаради: инфляция оқибатларини суғурта қилиш фонди; баланс тўловлари бўйича қарзларни қоплаш мақсадида фойдаланадиган кредитларни таъминлаш маблағлари; пул ресурслари ликвидлик резерви, шу жумладан, ЭКЮ қисман таъминлаш учун Европа валюта тизимини (ЕВТ), бу қатор мамлакатлар — ЕВТ иштирокчиларида етарлича йирик олтин захираси борлигини кўрсатади.

ДЕМПИНГ (инг.) — таннархидан паст баҳо бўйича, яъни ишлаб чиқариш харажатларидан паст баҳолар бўйича (сифати паст экспорт, *Д.* баҳолар) ички ва ташқи бозорда рақобатчиларни хонавайрон қилиш ва ташқи бозорларни эгаллаш учун товарлар бозорига оммавий чиқариш; валюта *Д.* валюта қадрсизланган мамлакатлардан жаҳон баҳоларига нисбатан паст баҳоларда валютаси мустаҳкам ёки кам қадрсизланган мамлакатларга товарлар чиқариш. Валюта *Д.* имконияти агарда мамлакат ичидаги мавжуд пул бирлигининг сотиб олиш қуввати бошқа валюталар курсига нисбатан яқинроқ пасайган ҳолатда ҳам вужудга келади. *Д.* ни таърифлаш ва изоҳлашнинг бир неча тушунчаси мавжуд. Кўплаб капиталистик мамлакатлар қонуналирида *Д.* экспорт қилинадиган мамлакат ички бозорига нисбатан товарларни ташқи бозорда кам баҳолар билан сотиш сифатида таърифланади. Бундай ҳолатларда товар импорт қиладиган мамлакат ундан одатдагидан юқори ва мамлакатнинг ички ва экспорт товари ўртасидаги фарқ ҳажмида антидемпинг бож олиш ҳуқуқига эга бўлади. Чунки ривожланган капиталистик мамлакатларда ички баҳолар даражаси одатда экспортга нисбатан юқори бўлади, бундай тариф кўламли бўлади ва монополияларга *Д.* импортга қарши қурол сифатида фойдаланиш имконини беради.

Одатда *Д.* куйидаги шаклларга эга бўлади:

— споралик (стихияли, камдан-кам учрайди) — чет элда товарни реализация қилиш уни бозорнинг кутилмаган ҳолатда тўлдиришига олиб келади. Бу камдан-кам учрайдиган характердаги ҳолатдир;

— талончилик — товарни чет элга ички бозор баҳосига нисбатан кам баҳода уларнинг ўз бозорида чет эл маҳсулот етказувчилар ҳолатини қўпориш ниятида онгли, атайлаб чиқариш. Бундай ҳаракатнинг мақсади ташқи бозорда рақобатчини четлатиш ва монополияларни ташкил этиш ҳисобланади;

— барқарор — баҳо хусусида ички бозорга нисбатан энг мосланувчан ҳисобланган ташқи бозорда рақобатга чидамли даврани эгаллаш мақсадида демпинг сиёсатни реализация қилиш бўйича узоқ вақтга чўзиладиган узлуксиз кучайиб бориш.

ДЕНОМИНАЦИЯ (*лот.*) — мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш, ҳисобот ва ҳисоб-китобни енгиллатиш мақсадида эски пул белгиларини янгисига ўрнатилган нисбати бўйича айирбошлаш орқали миллий пул бирлигини яхлитлаш. Шундай нисбатда товарлар ва хизматлар баҳолари, тариф, иш ҳақи, пенсиялар, банк ҳисобидаги пул маблағлари қолдиқлари, корхоналар ва муассасалар баланслари қайта ҳисобланади. Натижада *Д.* ҳам пул бирлиги валюта курси ўзгариши юз беради, бунда у ёки бу коэффициент бўйича ошиши мумкин.

ДЕНОНСАЦИЯ (*фр.*) — шартномадан воз кечиш. Томонларнинг биттасидан шартномадан унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар воз кечиш тўғрисида ёзма аризаси бўлмаса, шартнома ўз кучида қолади.

ДЕПОЗИТ (*лот.*) — 1) Кредит муассасаларида (банклар, омонат кассаларида) сақлаш учун жойлаштириладиган пул маблағлари ёки қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар); 2) Кредиторга бериш учун қарздор томонидан суд муассасаларига топшириладиган пул суммаси (ёки қимматбаҳо қоғозлар). *Д.* меҳнаткашларнинг жамғарилган пул маблағларини сақлаш шакли сифатида омонат деб аталади ва нақд пул ёки нақд пулсиз орқали қўйилади. Омонатлар бўйича даромадлардан ёки тушган пулдан солиқ олинмайди. Депозитларга куйидаги суммалар киради: суд ижрочилари томонидан ундириб олинган ва тегишли шахсларга берганга қадар халқ суди депозитида сақлаш учун банкка қўйилган; қўзғатилган жиноят ишини кўрганга қадар юридик ва жисмоний шахслар томонидан суд *Д.* га қўйилган; даволаш муассасида даволанаётган касалга тегишли (агарда у ушбу пуллари банкка ўз депозит счётига қўйган бўлса) ва бошқалар. Муддатли йўқлаб олинадиган, шартли депозитлар фарқ қилади. Банк депозити — бу хусусий шахс, корпорация, давлат ташкилоти — банк

мижози номидан банкка сақлаш учун қўйиладиган пул суммаларидир. Банк ҳисоботида *пассив сифатида* ифодаланади.

ДЕПОЗИТАРИЙ — 1) Депозитлар ишониб топширилган жисмоний ёки юридик шахс; 2) Халқаро шартноманинг ҳақиқий матнини сақловчи давлат ёки халқаро ташкилот.

ДЕПОЗИТЛАШ (*лот.*) — пул суммалари, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа қимматликларни кредит муассасаларига сақлаш учун топшириш.

ДЕПОЗИТОР (*лот.*) — 1) Депозит эгаси; 2) Корхона ёки муассаса томонидан белгиланган муддатда қандайдир сабабга кўра унда туланмаган пул суммасига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

ДЕПОЗИТ БАНКЛАРИ (*лот., фр.*) — асосан жалб этилган депозитлар ҳисобидан кредит ҳисоб-китоб ва ишончли операцияларни амалга оширувчи кенг тарқалган банк тури. Ўрта ва узоқ муддатли операцияларга ихтисослашган инвестициявий банклардан фарқ қилиб, *Д.б.* қонун ёки анъана бўйича асосан қисқа муддатли депозит ссуда операциялари билан шуғулланади. Кенг маънода *Д.б.* тижорат банклари деб аталади, буларга аҳолидан омонатларни қабул қилишга рухсат берилган, тор маънода эса булар Буюк Британия ва Франциядаги уларнинг миллий банк классификациясига мос келадиган банклар гуруҳидир.

ДЕПОЗИТ ГУВОҲНОМАСИ — депозитга жойлаштирилган маблағга унинг эгасининг ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ (*лот.*) — пул маблағларини жалб этиш ва уларни жойлаштириш бўйича кредит муассасалари операциялари. *Пассив* ва *актив* депозит операциялар фарқланади. *Пассив Д. о.* корхоналар, давлат муассасалари, банклар ва аҳоли маблағларини муддатга ва ўзи бориб олгунга қадар жалб этишдан иборат бўлади; бу банк ресурсларининг асосий манбасидир. *Актив Д. о.* бир хил банклар вақтинча бўшаган пуллари-ни бошқа кредит муассасаларига жойлаштиришини билдиради. Банклар томонидан депозитларни марказий банкка қўйиш турли хил *актив Д. о.* ҳисобланади, бу клиринг ҳисоб-китоблар ва пул — кредитни тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Банкнинг хили ва ҳажмига боғлиқ ҳолда *Д. о.* 70 фоизи *актив* ва 95 фоизи *пассив*га тўғри келади.

ДЕПОЗИТ ФОИЗ СТАВКАСИ — АҚШ ФРС кафолатланган тижорат банклари, кредит ассоциациялари ва жамғарма иттифоқларидаги депозит ва жамғарма счётлари бўйича максимал *фоиз ставкалари*. Бундай ставкалар АҚШ ФРС кенгаши, сугурта депозитлари бўйича корпорациялар федерацияси, уй-жойни кредитлаш федерал банк идораси ва миллий кредит маъмурияти томонидан ўрнатилади.

ДЕПОЗИТ РЕСУРСЛАРИ (*лот., фр.*) — омонатчиларга фойзаларни келгусида тўлашни сақлаш ва фойдаланиш учун банкларда жойлаштирилган маблағлар.

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ (*лот., фр.*) — пул маблағларини депозитга ўтказиш тўғрисида омонатчининг депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ёзма далил. Маълум суммани *Д. с.* кўрсатилиши билан олиш ҳуқуқини берувчи йўқлаб олиннадиган ва омонатни олиш муддати ва ҳисобланган фойз ҳажми кўрсатилган муддатли *Д. с.* кенг тарқалган бўлиб, бунда *Д.с.* омонатчилар томонидан банкка ёки фойзини йўқотиш билан дилерларга сотилиши ёки ўтказув ёзуви ёрдамида бир шахсдан иккинчисига берилиши мумкин.

ДЕПОЗИТЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ — банклар томонидан амалга ошириладиган суғурта тури, шу бўйича қарз беришга қурби етмайдиган ва уларнинг банкрот бўлганлиги эълон қилинган ҳолатда омонатчиларга уларнинг омонатларини қайтариш кафолатланади.

ДЕПОЗИТНИ ҚОПЛАШ — очик позицияни ёки олинган заёмни таъминлаш.

ДЕПОЗИТГА ҚЎЙИЛГАН ВЕКСЕЛЬ — кредитни таъминлашга берилган вексель.

ДЕПОНЕНТ (*лот.*) — вақтинчалик бошқа жисмоний ва юридик шахсда сақланаётган пул маблағлари тегишли бўлган жисмоний ва юридик шахс, депозит эгаси. *Д.* ўз вақтида иш ҳақини олмаган ходимлар ва суд органларининг ижро этиш ҳужжатлари бўйича иш ҳақидан унинг фойдасига ушланиб қолган шахс ҳам қиради.

ДЕПОНИРОВАТЬ (*лот.*) — сақлашга бериш; бадал, пул.

ДЕПОРТ (*фр.*) — қимматбаҳо қоғозларни бир вақтнинг ўзида маълум муддатга паст курс бўйича қайта сотиш шarti билан сотиб олиш. Қимматбаҳо қоғозлар курси насайишига тўғри келганда қўлланилади. Иқтисодий *Д.* олди-сотди эмас, балки сотиб олиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқ, ссуда фойзини ташкил этиш. *Д.* тескариси рекорт деб аталади.

ДЕПОРТ БИТИМ (*фр.*) — уларни маълум муддатдан кейин насайтирилган қиймат бўйича қайта сотиш шarti билан куннинг қиймати бўйича қимматли қоғозлар сотиб олишни характерловчи пролонгациявий битим тури.

ДЕПРЕССИЯ (*лот.*) — иқтисодий кризисдан кейинги иқтисодиётнинг ривожланиш фазаси. Хўжаликнинг турғунлик ҳолати, баҳоларнинг паст даражаси, товарларга талабнинг заифлиги, оммавий ишсизлик ва ҳ.к. билан характерланади. *Д.* фазасида жонланиш ва ундан кейинги юксалиш фазасига ўтиш учун шарт-шароит яратилади.

ДЕПРЕЦИАЦИЯ (лот.) — қийматининг тушиши, қийматидан паст баҳолаш.

ДЕТЕНШЕН (нем.) — кемани ёлловчи томонидан кема эгасига контростал вақтдан ошиқ кеманинг тўхтаб қолганлиги учун исботланган ҳақиқий зарарларни қоплашни тўлаш.

ДЕФИЦИТ (лот.) — бирор нарсанинг етишмаслиги, етарли эмаслиги: молия соҳасида етарли эмаслиги, зарар харажатларнинг даромадлардан ошиб кетганлиги натижаси. Тўлов баланси дефицити — мамлакатнинг чет элдаги харажатларининг чет элдан олинган даромадлардан ошиб кетганлиги.

ДЕФЛЯТИРОВАНИЕ (лот.) — жорий баҳоларда ҳисобланган иқтисодий кўрсаткичларни дефлятор ёрдамида таққосладиган доимий баҳоларга ўтказиш.

ДЕФЛЯТОР (лот.) — жорий, ўзгармайдиган баҳоларда ҳисобланган иқтисодий кўрсаткичлар коэффициентини ўтказиш.

ДЕФЛЯЦИЯ (лот.) — муомаладан ошиқча пул массасининг маълум қисмини сунъий чиқариш. Д. солиқларни ошириш, иш ҳақини музлатиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва ҳ. к. орқали инфляцияга қарши усул ҳисобланади. Д. кўпинча иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтиришга, демак, ишсизликнинг ўсишига олиб келади.

ДЕФЛЯЦИЙВИЙ СИЁСАТ — ишчанлик активлигини камайтириш ва иқтисодий ўсишни секинлаштириш орқали тўхтатиш ва тўлов балансини соғломлаштириш мақсадига эга бўлган давлатнинг молиявий ва пул-кредит соҳасидаги тартибга солиш чора-тадбирлари мажмуи.

ДЕҲҚОН (фермер) **ҲҲЖАЛИГИ** (тожик.) — айрим фуқаро, оила ёки шахслар гуруҳи томонидан тақдим этилган, уларнинг ихтиёрида бўлган мулкдан, шу жумладан, ижарага олиш, умрбод меросга қолган ердан ёки ўз мулки бўлган ер участкасидан фойдаланиш асосида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил ҳўжалик субъекти. Д.х. иқтисодий самарадорлик тамойиллари асосида амалга ошириладиган эркин тадбиркорлик шаклини ифодалайди.

Ҳамкорликда ҳўжалик юритувчи меҳнатга қобилиятли оила аъзолари ва бошқа фуқаролар Д.х. аъзолари ҳисобланади. Д.х. бошлиғи унинг энг қобилиятли аъзоларидан бири ҳисобланади: у корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар ва давлат органлари билан муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди. Д.х. бошқа турли хил корхоналар билан бир қаторда иқтисодий тизимнинг тенг ҳуқуқли бўғини ҳисобланади. Унинг ҳўжалик ва бошқа фаолиятига давлат, жамоа ва кооператив органлар томонидан аралашувга йўл қўйилмайди (ердан фойдаланиш қонунларини бузиш билан боғлиқ бўлган айрим ҳолатлардан ташқари).

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ (лот.) — комбинацияланган ишлаб чиқаришдан иқтисодий самара олишга йўналтирилган корхона томонидан ишлаб чиқиладиган товарлар номенклатурасини кенгайтириш: бир-бири билан технологик ишлаб чиқариш турлари билан боғланмаган вақтда қўлаб ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш.

Д. нинг бир неча турлари фарқланади: а) горизонтал (чиқариладиган товарлар билан боғлиқ бўлмаган ассортиментни янги буюмлар билан тўлдириш); б) концентрик (ассортиментни чиқариладиган товарга ўхшаш бўлган янги буюмлар билан тўлдириш); в) конгломерат (ассортиментни қўлланиладиган технологияга, чиқариладиган товарларга ва бозорга алоқаси бўлмаган буюмлар билан тўлдириш).

ДИВИДЕНД (лот.) — акцияни сотиб олиш алоҳида ихтиёрий ишдир. Акция эгасини капитал ҳаракатини ошириш масалалари, бошқа давлат муаммолари ташвишлантирмаслиги мумкин, шунинг учун уни манфаатдор қилиш зарур. Бу акция эгаларининг фойдани тақсимлашга иштирок этишлари ва унга дивиденд сифатида даромад тўлашга иштирок этишлари билан эришилади. Равшанки, уларнинг ҳажми жамғарма банкидаги омонатлар бўйича фойзалар ставкасидан ошиқ бўлиши керак. Қатор мамлакатларда акцияларни сотиб олишни рағбатлантириш шу даромадларни солиқ олишдан озод қилиш орқали кучайтирилади.

Тўланадиган дивидендлар ҳажми, имтиёзли акциялардан ташқари, акционер корхона фаолиятининг пировард-натижаларига, яъни фойдага тўлиқ боғлиқ бўлади. Шу сабабли барча акция эгалари ўз кучи ва имкониятига қараб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, корхонанинг барча ишларига хўжайинларча муносабатда бўлишга ҳаракат қилади, деган тўла асосланган фикр мавжуд. Нима учун даромад камайди, муайян ким айбдор ва уни янада сақлаб қолиш мумкинми, деган саволни раҳбардан ҳам сўраш мумкин.

ДИВИДЕНД РЎЙХАТИ — дивидендлар оладиган барча акциялар эгалари рўйхати. Жаҳон амалиётида Д. р. куни одатда тўлов муддатигача 3—4 ҳафта олдин эълон қилинади.

ДИВИДЕНДНИ ҚОПЛАШ — фойда билан дивидендларни қоплаш кўрсаткичи: солиқларни ва бошқа мажбурий чегирмаларни тўлагандан кейин компания фойдасининг дивидендлар суммасига нисбати.

ДИЗАЖИО (итал.) — турли хил қийматлар (фойзли қимматбаҳо қоғозлар, пул, перевод векселлари) учун биржа битимлари тузилганда уларнинг умумий курсидан ушлаб қолиш.

ДИЛЕР (*инг.*) — қоидага кўра брокердан фарқ қилган ҳолда ўз номи ва ўз ҳисобидан қимматбаҳо қоғозлар, товарлар ва ҳ.к. лар олинди-соттиси битимидан оладиган фойдаси. *Д.* бозор, реклама, сотиладиган маҳсулотга технологик хизмат кўрсатиш, сервиснинг ҳолати тўғрисидаги сотувчиларнинг ахборотини ташкил этиш билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, мутахассис олинган топшириқни бажариш билан брокер ролида чиқиши мумкин. Амалда брокер ҳар доим қандайдир топшириқни бажаради, яъни агент ҳисобланади.

Аммо қачон мутахассис акцияни ўзи учун сотиб олса ёки сотса *Д.* ҳисобланади.

Д. — бу оддий агент сифатида эмас, балки мавжуд битимнинг иштирокчиси сифатида қимматбаҳо қоғозлар билан операция олиб борувчи одам ёки фирмадир. Брокер билан дилер ўртасидаги фарқ шундан иборатки, брокер фақат хизмат қилиш вазифасини бажариш билан сиз учун фойдали бўлган битим тулади. *Д.* эса буни сиз билан биргаликда амалга оширади. *Д.* одатда, ўзи эга бўлган қимматбаҳо қоғозларни сизга сотади ёки ўз манфаатини кўзлаб, улар билан кейинги операциялар учун сиздан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади.

Мутахассис сизнинг брокерингизга унга зарур бўлган қимматбаҳо қоғозларни сотиш ёки сотиб олишни таклиф қилиш учун ҳар доим тайёр туради. Биржада 30—40 фоиз атрофидаги акциялар мутахассислар орқали сотилади ва сотиб олинади. Ушбу операциялардан мутахассислар ўз даромадининг ярмига эга бўлади. Даромаднинг бошқа ярми брокер кўрсатмаларини бажарганлик учун мукофотлардан иборат бўлади.

ДИЛЕР ЧЕГИРМАЛАРИ (*инг.*) — дилерлар сотиш ва сервис харажатларини қоплаш, уларга бериладиган чегирмалар, бу уларга маълум фойда ҳажмини таъминлайди. *Д.ч.* ҳажми товар тури ва воситачилик хизматлари ҳажмига боғлиқ бўлади ва 30 фоизга етиши мумкин.

ДИЛИНГ (*инг.*) — савдо, воситачилик ва ишбилармонлик хизматлари комплекси.

ДИМАЙЗ-ЧАРТЕР (*инг.*) — экипаж иш ҳақини ҳам қўшиб кема бўйича барча харажатларни ўз бўйнига олувчи ва кема эгаси билан ҳар ойда ҳисоб-китоб қилувчи, унинг аъзолари ёлловчининг хизматкорига айланган кема эгаси команда билан биргаликда келишилган муддатга уни ёллаган кишига бергандаги кема ёллаш шартномаси.

ДИНАМИК САМАРАДОРЛИК — янгиликларни ва технологик ўзгаришларни жорий этиш ҳисобига истеъмол талабини қондириш даражасини кўпайтиришда иқтисодиётнинг қуввати.

ДИНАМИТЧИК (грек.) — ишончсиз товарларни ёки қимматли қоғозларни сотувчи серғайрат савдогар.

ДИПЛОМАТИК АКТ (лот., фр.) — бир давлатнинг ташқи алоқалар органлари томонидан бошқа давлатнинг ташқи алоқалар органларига топшириладиган ёки юбориладиган хат матни. Нота, меморандум, расмий хат, эсдалик хати энг кўп тарқалган *Д.а.* ҳисобланади.

ДИПЛОМАТИК ИММУНИТЕТ (фр., лот.) — чет эл давлатлари дипломатик вакилларига бериладиган имтиёз: шахс, хизмат бинолари, уй-жой ва мулкнинг дахлсизлиги, давлат судлари томонидан суд қилиниши мумкин эмаслиги, солиқлардан, божхона тегириришидан озод этиш. Шундай *Д.и.* асослари 1961 йили Вена Конвенцияси низомида ва халқаро қонунлар томонидан мустаҳкамланган.

ДИРЕКТ МЕЙЛ (инг.) — рекламанинг жамоа воситаси, бевосита почта рекламаси, конкрет потенциал сотиб олувчиларга реклама материалларини жўнатиш методлари.

ДИРЕКТОР (лот.) — корхона раҳбари. У ўз компетенцияси доирасида ва мавжуд корхона низомига мос равишда унга ишонилган корхонани бошқаради. *Д.* унга ишонилган корхона кредитларини бошқарувчи ҳисобланади, пул ҳужжатларига биринчи имзо чекиш ҳуқуқидан фойдаланади, ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади. Гражданилик юридик муносабатларда *Д.* мавжуд юридик шахс номидан унинг органи сифатида чиқади.

ДИСБУРСМЕНТ СЧЁТИ — кеманинг портга келиши муносабати билан кема эгаси ҳисобидан денгиз агенти томонидан қилинган харажатлар рўйхати. *Д.с.* ва унга бириктирилган оқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси кема капитани томонидан тасдиқланади. *Д.с.* тулаш тартиби агент ва кема эгаси ўртасидаги келишув бўйича ўрнатилади.

ДИСБУРСМЕНТ ХАРАЖАТЛАР — портга кеманинг келиш вақти билан боғлиқ бўлган харажатлар. *Д.х.* портдаги ходимларнинг барча турларига иш ҳақи, стивидор ишлар, буксирлар ва швартовшиқлар, бункер, озиқ-овқат ва кемани таъминлаш ва бошқа хизматлар харажатларини ўз ичига олади.

ДИСКАУНТЕР (лот.) — саноати ривожланган мамлакатларда ҳеч қандай қўшимча хизматлар кўрсатмасдан пасайтирилган баҳолар бўйича узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан (холодильниклар, телевизорлар, радио-видеотехника ва ҳ.к.) савдо қилувчи магазин. *Д.* минимум савдо ускуналарига эга бўлади. *Д.* сотиб олувчиларга яхши маълум бўлган фирмалар ишлаб чиқарувчи товарларини тавсия этади, аммо уларнинг энг яхши намуналари тавсия этилмайди. Фирмалар — ишлаб чиқарувчилар пасайтирилган баҳо бўйича ўзларининг бир қанча

ёски моделларини *Д.* га бажонидил беришга рози бўладилар. *Д.* да пасайтирилган баҳолар оммавий сотишни таъминлайди.

ДИСКОНТ (*инг., итал.*) — скидка. 1. Қимматбаҳо қоғознинг ҳозирги пайтдаги ва қоплаш пайтидаги ёки номинал баҳоси ўртасидаги фарқ, уни қоплаш пайтига қадар номиналдан кам баҳо бўйича молиявий ашёни сотиб олиш. 2. Форвард курси ва валютани тез етказишдаги курси ўртасидаги фарқ. 3. Бир товарнинг ўзини ҳар хил муддатларга етказиб бериш баҳолари ўртасидаги фарқ. 4. Сифатининг контрактда келишилган сифатга мос келмаслиги натижасида товар баҳосининг пасайиши. 5. Валютанинг расмий курсидан кам томонга ўзгариши.

ДИСКОНТЁР (*инг.*) — 1. Векселлар счётини юритувчи шахс; 2. Пулларни майдалаш билан пуғулланувчи шахс.

ДИСКОНТИРОВАНИЕ (*инг.*) — инвестиция дастурларини баҳолаш ва танлашда қўлланиладиган усул.

ДИСКОНТ ОБЛИГАЦИЯ (*инг., лот.*) — қоидага кўра иккиламчи бозорда номиналдан паст баҳо бўйича сотиладиган облигация.

ДИСКОНТ СИЁСАТ — ссуда капиталлари талаб ва тақлифига таъсир этиш мақсадида эркин конвертирланадиган валюта билан марказий эмиссион банклари томонидан ўтказиладиган ҳисобот ставкасининг ошиши ёки камайиш сиёсати; тўлов баланси ҳолати ва валюта курслари, кредит учун фоиз ставкаларини ўзгартириш йўли билан валюта курсини, капиталлар ҳаракати ва тўлов балансини тартибга солишга йўналтирилган валюта сиёсати шакли.

ДИСКОНТИРЛАШ — амал қилувчи фоиз меъёрида маълум муддатдан кейин унинг ёрдамида бугунги аналог суммаси тўланадиган процедура.

ДИСКРЕЦИОН СЧЁТ — брокер ва бошқа шахсларнинг чиқадиغان маблағидан счёт эгасининг ҳар бир шундай топшириққа олдин розилигини олмасдан сотиб олиш ва сотиш топширигини тўлаши мумкин бўлган счёти. Счёт эгаси билан олдиндан кам қамровли битим тузиш керак.

ДИСКРЕЦИОН МАРКАЗЛАР — харажатлар (натижалар) меъёрларини қатъий ўрнатиш имконияти йўқ маъмурий бўлинмалар, бу ерда маркетинг бюджети харажат моддаси мосланувчанлигидаги фаолиятни максимал сифатли таъминлашни талаб этади.

ДИСКРЕЦИЯ (*лот.*) — ўз хоҳишига кўра вазифадор шахс ва давлат органи томонидан қандайдир масалани ечиш.

ДИСКРИМИНАЦИОН БАҲОЛАРНИ ЎРНАТИШ — харажатлар даражаларидаги фарқдан қатъи назар ўрнатиладиган икки ёки ундан кўпроқ баҳоларда товарни сотиш.

ДИСПАЧ (*инг.*) — кемани охирги юклаш ва туширишни муддатида олдин тамомлагани учун кема эгаси ва юк эгасига тўланадиган мукофот.

ДИСПАША (*фр.*) — умумий авария бўйича зарарлар ҳисобкитоби ва уларнинг рейсни ташкил этишга иштирок этувчи томонлар ўртасида тақсимланиши.

ДИСПАШЕР (*фр., инг.*) — кема, юк, фрахт, диспаш ўртасидаги умумий авария харажатларини тақсимлаш бўйича ҳисобкитоб тузувчи денгизчилик ҳуқуқи соҳасидаги расмий эксперт.

ДИСПЕТЧЕР ХИЗМАТИ (*инг.*) — ўз вазифасига эга бўлган ҳаво ҳаракаги хизмати тури:

1. Ҳаво кемалари ўртасидаги тўқнашишнинг олдини олиш (аэродромдаги ҳолатни ҳам қўшиб);

2. Ҳаво кемалари ҳаракати оқимидаги тартиб ва тезкорликни қўллаб-қувватлаш.

ДИСПОНЕНТ (*лот.*) — 1) Фирма ишлари бўйича вакил, буйруқ берувчи бошқарувчи;

2) Комиссионерлар ёки банк корреспондентлари счётларида эркин суммага эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

ДИСПОНИРОВАТЬ (*лот.*) — банк корреспондентлари ёки комиссионерлар счётларидаги бўшаб қолган суммаларни бошқариш.

ДИСПРОПОРЦИЯ (*лот.*) — айрим қисмлардаги номутаносиблик, мос келмаслик, пропорционалликнинг йўқлиги.

ДИСТАНЦИОН ФРАХТ (*лот.*) — юк ташиш масофасига пропорционал равишда тўланадиган юк ҳақи.

ДИСТРИБЬЮТЕРЛАР (*инг.*) — келишилган ҳудуд (бозор) доирасида маълум товарлар (хизматлар)ни сотиш ёки қайта сотишга алоҳида ва устунлик ҳуқуқи берилган юридик ёки жисмоний шахслар.

ДИСТРИБЬЮТЕР ХИЗМАТЛАРИ (*лот.*) — ускуналар ва ноу-хауни сотиб олишга ҳамда ускуналарни ўрнатиш ва тузатиш, фойдаланувчиларни ўқитиш ва консультация хизматларини берадиган маркетинг ва воситачилар хизматлари комплекси.

ДИСТРИНЧАС (*лот.*) — агарда қандайдир шахс томонидан қимматли қоғозларга даъво қилинган бўлса, ушбу қимматли қоғозларни суд томонидан хатга олиш ёки шу бўйича дивидендлар тўлаш.

ДИФФЕРЕНТ (*лот.*) — буюртма бериш ёки олишда товар баҳосидаги фарқ.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ БОЖХОНА ТАРИФИ — товар олиб келадиган мамлакат, божхона чегараси, кеманинг қайси миллатга тегишлилиги ва ҳ.к.ларга боғлиқ ҳолда бир хил товар ёки маҳсулотнинг ўзидан ҳар хил ставкалар бўйича божхона божи олинадиган тариф.

ДИФФЕРЕНЦИЯЛАНГАН ВАЛЮТА КОЭФФИЦИЕНТИ — ички сўмда ташқи савдо (экспорт ва импорт) баҳоларини қайта ҳисоблаш учун махсус кўрсаткич.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ РЕНТА (лот.) — ресурслар уларнинг унумдорлиги бўйича муайян тартибга солинадиган энг юқори тадбирлар вазиятидаги ресурслар бирлигини фойдаланиш ҳисобидан олинadиган рента.

ДИФФЕРЕНЦИЯ (лот.) — 1. Биржада фьючерс битими тузилган кундаги ҳисоб баҳоси ва кейинги ҳисоб баҳолари ўртасидани фарқ. Д. агарда контракт жорий счёта баҳо бўйича тугатилган бўлса, фойда ва зарарни кўрсатади. Д. айна пайтда маржи ҳажмини ҳам аниқлайди; 2. Фьючерс тугатилгандаги фойда ёки зарар.

ДОИМИЙ КАПИТАЛ — ишлаб чиқариш воситаларига солинган дастлабки капитал қийматининг авансланган қисми. Қийматнинг кўпайиш жараёнидаги роли бўйича Д.к. ўзгарувчи капиталдан фарқ қилади. Ишлаб чиқариш жараёнида Д. к. қиймати меҳнат маҳсулотига ўтказилади ва унинг миқдори ўзгармайди. Д.к. қўшимча қиймат манбаи бўла олмайди. Товарлар сотилганда Д.к. харажатлари қопланади. Капиталист Д.к. ни ҳар томонлама тежашдан манфаатдор, унга капиталнинг мавжуд ҳажмида қўшимча қиймат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

ДОКЕТ (инг.) — 1. Юкни олувчи манзили кўрсатилган тамға; 2. Юкка илова қилинган рўйхат; 3. Божхона божини тўлаш тўғрисида тўлов қоғози; 4. Қарор ёки ҳукмнинг кўчирмаси, нусхаси; 5. Унинг қисқача мазмуни ифодаланган ҳужжатга илова.

ДОКОВОЙ ИМЗО — кейин кемага ортиш учун юкни причал ёки омборга қабул қилишни тасдиқлайдиган кема эгаси, унинг агенти ёки транспорт-экспедицион ташкилот томонидан бериладиган ҳужжат.

ДОЛЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ — тўлов баланси танқислиги ва олтин валюта резервларининг етишмаслиги билан тақозо этиладиган долларларнинг кескин етишмаслиги.

ДОЛЛАР ОБЛИГАЦИЯЛАРИ — котировка доллар баҳоларида бериладиган облигациялар, Европа бозорларида муомалада бўлган АҚШ долларларидаги облигациялардан фарқ қилиши керак.

ДОЛЛАР ПУЛ (инг.) — Лондондаги стерлинг зонаси мамлакатлари олтин валюта резервлари бирлашмаси.

ДОЛЛАР СТАНДАРТИ — олтин девиз стандартининг турли хили бўлиб, бунда битта миллий валюта (АҚШ доллари) олтин билан боғлиқ бўлади. АҚШнинг жаҳон иқтисодиётида ҳукмрон мавқени эгаллаши Д.с. объектив шарт-шароити ҳисобланади.

Олтин қуйилмаларни долларга сотишнинг тўхтатилиши (1971 й., август) *Д.с.* бекор қилинишига олиб келди.

ДОМИЦИЛИЙ (*лот.*) — вексель бўйича тўлов жойи.

ДОМИЦИРОВАННЫЙ ВЕКСЕЛЬ (*лот., нем.*) — вексель эгасининг турар жойига қараганда тўлаш жойи бошқача белгиланган вексель.

ДОНОР-МАМЛАКАТ (*лот.*) — ёрдам берувчи давлат.

ДОСМОТР — ташиш манъ этилган буюмлар ва буюмларни аниқлаш учун ҳаво кемаларида қўл багажи ва пассажирларни текшириш.

ДОСМОТРОВАЯ РОСПИСЬ — юкни божхона томонидан текшириш фактини тасдиқлаш учун божхона томонидан бериладиган ҳужжат.

ДОСЬЕ (*фр.*) — қандайдир масалага, ишга, шахсга тегишли ҳужжатлар ҳамда шундай ҳужжатлар солинган папка.

ДОТАЦИЯ (*лот.*) — оширилган харажатларни, нобудгарчиликни қоплаш, зарар кўрган корхоналарга фойда олишликни таъминлаш, баҳолар фарқини қоплаш (мас., улгуржи ва чакана баҳолар ўртасидаги) ва ҳ.к. мақсадида бепул молиявий ёрдам. Маъмурий бошқариладиган иқтисодиётда такрор ишлаб чиқаришнинг ажралмас элементи ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида *Д.* нинг ҳажмлари ва йўналиши кескин камаяди ва ўз харажати даромади ҳисобидан қоплаш асосида бозор механизми билан самарали тартибга солиш мумкин бўлмаган ёки экологик муаммоларни ечиш билан боғлиқ бўлган соҳалар билан қатъий чекланади. Давлат дотацияси ва имтиёзлар тузилмаси баланслигини таъминлаш учун бозорга ёрдам қилишни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин. Умуман олганда, бозор иқтисодиёти ўз-ўзини молиялаштириш асосида фаолият қилганлиги учун унда давлат *Д.* ҳиссаси нисбатан катта бўлмайди.

ДОУ-ДЖОНС ИНДЕКСИ (*инг.*) — 65 йирик компаниялар акциялари ўртача курси динамикаси асосида ишчанлик активлиги ўзгаришини характерловчи йиғма статистик кўрсаткич. *Д. -Д.и.* Нью-Йорк биржасида акциялар баҳоларининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар эълон қилинишига асосланади ва иқтисодий конъюнктурани баҳолаш учун фойдаланади.

ДУБЛИКАТ (*лот.*) — асл нусха билан бир хил юридик кучга эга бўлган ҳужжатнинг иккинчи нусхаси. *Д.* бериш ҳужжат йўқотилган ҳолатда амалга оширилади.

ДУОПОЛИЯ — ўхшаш маҳсулотни тавсия этувчи фақат икки ишлаб чиқарувчи мавжуд бўлган, “Қисман монополия” термини фойдаланилган бозордаги вазият.

ДУОПСОНИЯ — кўп сонли ишлаб чиқарувчилар томонидан тавсия этилган, ўхшаш маҳсулотнинг фақат иккита сотиб олувчиси бўлган бозордаги вазият.

ДУЎТЛИК ВЕКСЕЛИ — қисқа муддатда фақат қайта ҳисоб қилиш ва пул олиш мақсадида қўйилган, акцепт қилинган (ёки индоссирланган) кўчириш вексели. Шундай векселда кредит-бирдош учинчи шахс пул бозори воситаси сифатида векселнинг қимматини ошириш мақсадида ўз индоссаментини бажаради.

ДУЎТЛИК ИНДОССАМЕНТИ — банк ёки кредит беришга қодир томондан векселни ёки пул бозорида унинг қулайлигини кўпайтириш мақсадида бошқа кредит-пул ҳужжати оборотини индоссирлаштириш. Дўстлик индоссаменти маблағ ҳисоб-китобини тўлдиришнинг дастлабки босқичларида бевосита иштирок этмайди, аммо агарда ҳужжат тузишга иштирок этувчи томонлар ёки бошқа индоссантлар уни амалга ошириш ҳолатига эга бўлмаса, у ўзига мажбурият бўйича қарзни муддатида қоплаш масъулиятини олади.

ДУЎТЛИК ТОМОНИ — трассант, акцептант ёки индоссант сифатида векселга имзо қўювчи ва бунинг учун ҳеч қандай жавоб қониқиши олмаган шахс.

ДУШМАНЛИК АКВИЗИЦИЯСИ (*лот.*) — корхоналарнинг сингдирилиши ёки қўшилиши, бу сотиб олинган корхона розигисиз ўтказилади.

Е

ЕВРОАКЦИЯЛАР (*фр.*) — заёмчи келиб чиққан мамлакат ташқарисыда чиқариладиган қимматли қоғозлар.

ЕВРОБОЗОРИ (*инг.*) — операциялар евровалюталарда амалга ошириладиган ссуда капиталлари халқаро бозори.

ЕВРОВАЛЮТА (*итал.*) — чет эл валюталари бўлиб, бунда тижорат банклари ушбу валюталар эмитент мамлакатлари доирасидан ташқарида нақд пулсиз депозит-ссуда операцияларини амалга оширади.

ЕВРОВАЛЮТАЛАР — бу қандайдир маълум мамлакат банкнинг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган кредит воситалари. Масалан, Америка доллари, Япония иенлари, Швейцария франклари ва ҳ.к. (Франция, Буюк Британия, Бельгия ва ҳ.к.) капитал ҳиссаси бу банкнинг евродолларлари, евроиенлари, еврошвейцария франклари ва ҳ.к.да кредитига сабаб бўлади.

ЕВРОПА ВАЛЮТА БИРЛИГИ (ЭКЮ) — Европа валюта тизими иштирокчи мамлакатлари томонидан фойдаланиладиган халқаро счёти пул бирлиги. ЭКЮнинг вужудга келиши (1979) Фарбий Европа валюта интеграциясининг ривожланиши ва ЕИХ

иштирокчиси мамлакатларининг доллар ҳукмронлигига Европа коллектив валютасини қарши қўйишга интилиши билан тақозо этилади. ЭКЮнинг ярми олтин ва доллар билан, қолган ярми эса иштирокчи мамлакатларнинг миллий валюталари билан таъминланади.

Ғарбнинг барча тижорат банклари операцияларни ЭКЮда амалга оширишлари мумкин. У нисбатан барқарор, унинг қиймати ЕИХ мамлакатлари миллий валюталари базасида белгиланади.

ЕВРОПА ВАЛЮТА БОЗОРИ — қисқа ва ўрта муддатли кредитларнинг халқаро бозори. У мамлакат ташқарисида миллий валюта билан амалга ошириладиган кредит операцияларига асосланади. Европа дегани бозор Ғарбий Европа чегараси билан чекланишини билдирмайди, аксинча, валюта (доллар, марка, йен) чет эл банклари счётларида турганлиги ва кредитлар бериш учун фойдаланганлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Кредит фаолияти асосида Европа валюта депозитлари ётади. Бир мамлакат резидентлари энг юқори фоиз ставкалари олиш мақсадида бошқа мамлакат банк счётига пулларни жойлаштиради. Муддатли характерга эга бўлган евровалюта депозитлари депозит сертификатлари шаклида бир эгасидан иккинчисига ўтиш қобилиятига эгадир. Улар келишилган давр вақти давомида чиқариб ташлашга тегишли бўлмаган пул депозитини олишдаги банк тилхатларини ифодалайди. Сертификат фоиз келтиради. Бунда омонатчи сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганга қадар уни бозорда сотиш билан пул олиш имкониятига эга бўлади. Сертификат битим буюми бўлиб қолади. Евробанклар депозитларга эга бўлиш ҳуқуқида фоиз миқдорини бир қанча ошириш орқали биров-бировларига ён босишади. Битим қисқа муддатда (1—3 ойда амалга оширилади). Депозитлар билан банклараро операцияларнинг кредитлаш имкониятини кенгайтириш мақсади ҳам бўлади (депозитлар ҳажми қанча кўп бўлса, евробанклар охириги қарздорга шунча кўп кредитлар бериш қувватига эга бўлади). Қисқа муддатли маблағларни жалб қилиш билан евробанклар депозит сертификатларидан ва тикланадиган кредитлардан фойдаланиш орқали уларни ўрта муддатлиларига айлантиради.

ЕВРОПА ВАЛЮТА СИСТЕМАСИ (ЕВС) — иштирокчи мамлакатлар алмашадиган валюта курс ўзгаришини камайтириш ва Европада валюта барқарорлиги зонасини ҳосил қилиш мақсадида ЕИХ доирасида тузилган валюта механизми. ЕВС таркибига кирувчи давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий интеграциясига тўлиқ эришиш воситаси сифатида ягона умумевропа валюта бирлиги киритишни кўзда тутди. ЕВС доирасида Европа валюта бирлиги ЭКЮ тузилган. Бу улар билан операциялар ўтказишда валюта қийматининг ягона мезони ҳисобланади ва ЕВС

мамлакатлари ишгирокчилари валюталар “савати” методи бўйича синтезлаштирилган Европа тўлов иттифоқи ягона ҳисоб-китобиغا тенглаштирилади. Қабул қилинган низомга кўра “сават” таркиби агарда алмашадиган курслар ўзгариши “сават” таркибига кирувчи валюта қиймати ҳиссасини 25 фоизга ва ундан кўпроқ ўзгартирса ҳар беш йилда, ёки тез-тез қайта қўрилиши керак. Ҳар бир кўрсатилган валюта учун ЭКЮда ифодаланган марказий курс ҳисоб-китоб қилинади, унинг асосида валюталар ўртасида икки томонлама алмашув нисбати ўрнатилади. Курсларнинг ўзаро ўзгариш чегараси паритетнинг +2,25 фоиз ҳажмида ўрнатилади.

ЕВРОДЕПОЗИТИВЛАР БОЗОРИ — евравалюталар бозорида ҳосил қилинган маблағлар ҳисобидан капиталистик мамлакатларнинг йирик тижорат банкларида чет эл валютасида омонатларни ташкил этиш бўйича барқарор валюта-молия муносабатлари. Депозитлар бўйича евравалюталардаги операциялар банклар жойлашган мамлакатларнинг юрисдикциясига кирмайди, бу евравалюталар ресурсларини жалб этиш манфаатларидаги омонатлар бўйича фоиз ставкаларини мақсадга мувофиқ тартибга солиш имконини яратади.

ЕВРОДОЛЛАРЛАР — эгалари томонидан АҚШдан ташқарида, биринчи навбатда Европа банкларида жойлаштирилган ва ушбу банклар томонидан халқаро ссуда капиталлари бозорида депозит-ссуда операциялари учун фойдаланадиган Америка долларларидаги пул маблағлари. Евродолларлар бу нақд пуллар эмас, балки Америка долларларидаги банк счётларидир.

Дастлаб евродолларлар 50-йилларнинг охирида Европада пайдо бўлган ва уларнинг номи шундан келиб чиққан. Тикланадиган валюталарнинг киритилиши Америка долларларига бўлган талабнинг ўсишига таъсир қилди, бу эса евродолларлар бозорининг ташкил бўлишига олиб келди. Ушбу бозорнинг тузилишига АҚШ тўлов баланси пассивининг ўсиши муҳим роль ўйнади. 70-йилларда евродолларлар бозори миллий ҳукуматлар томонидан назоратнинг капиталлар миллий бозори билан таққосланганда энг қулай фоиз ставкалари, ушбу бозорда долларда бевосита АҚШга мурожаат қилмасдан тижорат банклари, фирмалар ва бошқа ташкилотлар учун кредит олиш имкониятининг йўқлиги билан ўзига тортади. Евродолларлар маблағлари миқдори мунтазам ўсиб бормоқда. Хусусий банкларда турган евродолларлар айрим мамлакатлар ҳукуматлари назоратида бўлмайди ва қулай қўлланишни излаш учун мамлакатдан мамлакатга эркин ўтиб туриши мумкин.

ЕВРОПА ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ (ЕИБ) — 1958 йилда тузилган ихтисослашган молия-кредит ташкилоти. Ҳозирги вақт-

да Европа Ҳамжамятининг (ЕҲ) барча 12 давлати ЕИБнинг иштирокчилари ҳисобланади. Банк ЕҲ мамлакатлари иштирокчилари ва ассоциацияланган давлатлар учун манфаатли бўлган объектларни жиҳозлаш ва реконструкциялашга кредит беради.

Низом капитали мамлакатлар — аъзолар бадалларидан ташкил топади. Банк жалб этадиган маблағлар халқаро пул бозорида, ЕИБ мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар пул бозорларида облигация заёмлари чиқариш орқали ҳосил бўлади. ЕИБ рентабелли лойиҳалар (халқаро пул бозорида амал қилувчи фоиз ставкалари бўйича)га одатдаги кредитлар ва кам рентабелли лойиҳаларга эса имтиёзли кредитлар беради. Биринчиси ЕҲ мамлакатлар — аъзоларга, иккинчиси эса ассоциациялашган давлатларга йўналтирилади ва устун даражада инфраструктурани ривожлантиришга кетади. Одатдаги кредитлар саноат объектларига 7 йилдан 12 йилгача муддат билан ва инфраструктурага 20 йилгача муддат билан, имтиёзли кредитлар 40 йилгача муддат билан молиялаш учун берилади. Кам ривожланган районларни регионал ривожланишга кредит бериш устунликка эга (70 фоиз). Бошқарув кенгашлари, директорат ва правление ЕИБ раҳбар ва маъмур органлари ҳисобланади. ЕИБ жойлашган жойи Люксембург.

“ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ” — Ғарбий Европадаги янги кенгайтирилган иқтисодий бирлашма, уни тузиш тўғрисидаги битим ЕҲ ва ЕЭСА қирувчи 19 мамлакат вакиллари томонидан 1991 йил 22 октябрда маъқулланган. Эришилган шартноманинг бош мақсади — 19 мамлакат ўртасида капиталлар, товарлар, иш кучи ва хизматларнинг эркин кўчиб юришидан иборат.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ (ЕИК) — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) халқаро регионал органи. ЭКОСОС резолюциясига мувофиқ дастлаб БМТ нинг вақтинчалик органи сифатида урушда хонавайрон бўлган мамлакатларга ҳамкорликда ёрдам бериш мақсадида Европа иқтисодиётини тиклаш бўйича беш йил муддатли ваколат билан 1947 йилда таъсис этилган. 1951 йилда БМТ доимий органи статусини олган. 32 Европа давлатлари, АҚШ ва Канада — ЕИК аъзолари ҳисобланади. ЕИК да ишга кузатувчи ёки консультант сифатида БМТ аъзоси бўлган ҳар қандай мамлакат, БМТ да статусга эга бўлган ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари иштирок этиш ҳуқуқига эга. Вазирлар муовини даражасида йилига бир марта ўтадиган умумий сессия ЕИКнинг раҳбар органи ҳисобланади. Комиссиянинг барча амалий фаолияти ёрдамчи органлар томонидан, яъни қишлоқ хўжалик, химия саноати, кўмир, электроэнергия, қора металлургия, ташқи савдони ривожлантириш, ички транспорт, иш кучи, уй-жой масалалари,

қурилиш ва режалаштириш, сув муаммолари бўйича қўмиталар, Европа статистикалари конференцияси, атроф-муҳит, фан ва техника, иқтисодиёт, автоматлаштириш ва ҳ.к. ишчи гуруҳлари бўйича катта маслаҳатчилар томонидан амалга оширилади. ЕИҚ ва унинг ёрдамчи органларига секретариат хизмат қилади. Комиссия секретариати Женева шаҳрида (Швейцария) жойлашган.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ (ЕИҲ) — 12 Ғарбий Европа давлатларини ўз ичига олувчи интеграциявий гуруҳ (Бельгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Франция, Германия) 1957 йилда тузилган. 60-йилларнинг охирида ягона божхона иттифоқи тузилган, божхона божи ва ўзаро савдода миқдорий чекланишлар бекор қилинган, учинчи мамлакатга нисбатан ягона божхона тарифи киритилган. 1992 йилнинг охирида ягона ички бозорни тузиш жараёни яхунланган, яъни товарлар, хизматлар, капиталлар, иш кучининг эркин жойлашиши йўлидаги чекланишлар олиб ташланган. Иқтисодий ва валюта иттифоқи тузиш бўйича иш олиб борилмоқда. Ҳақиқий эркин иқтисодий кенглик ҳосил қилиш жараёни узоққа чўзилди. Ягона бозорни ташкил этиш техникавий ва солиқ тўсиқларини бартараф этиш, 12 мамлакат ўртасидаги чегараларда божхона назоратидан воз кечишга йўналтирилган уч юзта акт қонунларини қабул қилишни талаб этди. ЕИҲ жуда катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. Аммо шунга қарамасдан улар ўртасида айрим тўсиқ ва келишмовчиликлар давом этмоқда.

ЕВРОКРЕДИТЛАР — евравалюта бозори ресурслари ҳисобидан мамлакатларнинг йирик тижорат банклари томонидан бериладиган халқаро заёмлар.

ЕВРОКРЕДИТЛАР БОЗОРИ (ЕБ) — капиталистик мамлакатларнинг йирик тижорат банклари томонидан евравалютада халқаро заёмлар бериш бўйича барқарор кредит алоқалари мавжуд. Евравалюталарда қарз олувчи сифатида маълум мамлакатлардаги ва чет элдаги қўламли лойиҳаларни ва тадбирларни молиялаш учун асосан трансмилий корпорациялар (ТМК) ва кредитлар муҳтож бўлган миллий монополиялар ҳамда сезиларли тўлов баланслари танқислиги мавжуд бўлган давлатлар чиқади. Шундай ҳолатда евравалютадаги банк операцияларига регламентация тарқатилмайди ва ссуда капиталлари чекланмайди. *Е.б.*ни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Қисман кредит учун уларни қайд қилиш ёрдамида фоиз ставкаларини, муддатларни белгилаш ва қайта кўриб чиқиш шартлари, устама тизим ва скидкалардан фойдаланиш ва ҳ.к.ларни тартибга солиш енгиллаштирилади. Қондага кўра евравалюталардаги халқаро кредитлар айрим мамлакатларнинг йирик миллий банклари ёки банклар қосморциумлари томонидан сузувчи фоиз ставка-

ларида 2 йилдан 10 йилгача муддат билан берилади. *Е.б.* ЕИХдаги интеграциявий жараёнларга қулайлик яратади, экспортни ривожлантиришни рағбатлантиради, ягона тартибни ташкил этиш омили сифатида чет эл инвестицияларини кенгайтиришга таъсир кўрсатади. *Е.б.* ресурслари ривожланаётган мамлакатларни ташқи кредитлаш маблағларининг анча қисмини ташкил этади.

ЕВРОПА КЎМИР ВА ПЎЛАТ БИРЛАШМАСИ (ЕКПБ) — кўмир, руда қазиб олиш ва металл ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилашга ёрдам қилиш мақсадида 1951 йилда тузилган Ғарбий Европа тармоқлараро интеграцион ташкилоти. Дастлаб 6 мамлакатни бирлаштирган — Германия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург. Кейинчалик ЕИХ иштирокчилари таркиби кенгайиши муносабати билан ЕКПБга Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йилдан), Греция (1981 йилдан), Испания ва Португалия (1986 йилдан) киришди. 1967 йилда ЕКПБ органлари ЕИХ ва Евроатом органлари билан қўшилиб кетди. ЕКПБ нинг штаб уйи Брюссель шаҳрида (Бельгия) жойлашган.

ЕВРОНОТАЛАР (*лот.*) — ўрта муддатли кредит дастурлари доирасида валюта келиб чиққан мамлакатдан ташқарида чиқариладиган банк кафолатига эга бўлган векселлар (депозит сертификатлари).

ЕВРООБЛИГАЦИЯ (*лот.*) — фоиз келтирувчи қимматбаҳо қоғоз. Уни чиқарувчи субъектлар (воситачилар ва сотиб олувчилар) мамлакат резидентлари ҳисобланмайди, ундаги валюта эмиссияда фойдаланилади. 1987 йилда чиқарилган еврооблигациялар ҳажми 177, 2 млрд. долларни ташкил этди. Уларга фоиз қайд қилинган ёки “сузувчи” бўлиши мумкин, “сузувчи” фоиз қадри-сиэланлиш шароитларида уларнинг жозибадорлигини оширади. Шундай еврооблигациялар ҳам чиқариладик, улар акцияда конвертирланган ёки компания акцияларини сотиб олиш учун варрантга эга бўлиши мумкин. Варрант — кафолат бўлиб, у облигациялар эгасига маълум вақт давомида келишилган баҳо бўйича қўшимча облигациялар ёки акциялар сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Кўпинча еврооблигациялар икки валюта вариантыда чиқарилади, яъни бир валютани бошқасига конверсия (ўзгартириш) ҳуқуқи билан. Еврооблигациялар эмиссияда коллектив валюталар — СПЗ, ЭКЮ қўлланилади.

ЕВРОПА ОПЦИОНИ (*нем.*) — фақат опционнинг амал қилиш муддати тугаган вақтда реализация қилиш ҳуқуқини берувчи опцион.

ЕВРОПА РЕГИОНАЛ РИВОЖЛАНИШ ФОНДИ — Европа Иқтисодий Ҳамжамияти бюджетининг таркибий қисми. ЕИХ мамлакатларида мавжуд регионал диспропорцияларни бартараф этиш бўйича тадбирларни молиялаш учун 1975 йилда тузилган. 80-йилларнинг бошига қадар асосий воситалар Италияга (барча

фонд ресурсларининг 40 фоизи) ва Буюк Британияга (28 фоиз — айрим регионлар ривожланиши даражасида энг катта фарқи бор мамлакатларга) ажратилган. 1981 йилнинг ноябрида ЕИХ кенгаши ушбу фондлардан Греция ва Ирландияга биринчи навбатда субсидия бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Улар ишсизлик даражаси мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга қараганда юқори бўлган депрессив (турғун) районлар учун тайинланган. Регионал муаммоларни ечиш иқтисодий иттифоқ тузиш учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

ЕВРОПА РИВОЖЛАНИШ ФОНДИ (ЕРФ) — Евроҳамжамияти Комиссиясида (ЕХК) ривожланаётган мамлакатларни Европа Ҳамжамияти ассоциацияси билан ҳамкорликда қўп томонлама кредит бериш ташкилоти. ЕРФ юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда ҳамкорлик ва ривожланиш масалалари бўйича ЕХУ Бош директори томонидан бошқарилади. ЕРФда масала қабул қилинганда ЕХ да ассоциация қилинган ривожланаётган мамлакатлар маслаҳат овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. ЕРФ субсидиялар (умумий операциялар ҳажмидан 80 фоиз кам бўлмаган миқдориди) ва имтиёзли заёмлар (йиллик ҳажмининг 1 фоизи, қопланиш муддати 40 йил, имтиёзли давр 10 йил) беради. ЕРФ доирасида ЕХ билан ассоциация қилинган ривожланаётган мамлакатлар талафотини қоплашнинг 2 схемаси амал қилади: қишлоқ хўжалик хом ашёси экспортида “Стабекс” (1975 йилдан бошлаб), “Иинекс” (1981 йилдан бошлаб) — минерал хом ашёси ЕРФ капитали ЕХ аъзолари мамлакатлари бадаллари ҳисобидан унинг барча амал қилиш муддати (5 йил) ассоциацияси тўғрисида навбатдаги битим тузилган пайтда ташкил қилинади. Кўрсатилган схемалардан ташқари, ЕРФ ресурслари конкрет лойиҳаларни ривожлантиришни молиялашга йўналтирилади. Ассоциация тўғрисида навбатдаги битимнинг амал қилиш муддати бошланишида ЕХК йиллар бўйича бўлинган ҳар бир мамлакатни кредитлаш йўналишини белгилайди; бундан ташқари, ЕРФ ЕХ мамлакатлари махсус ривожланишга ёрдам иккиёқлама дастурининг координатори ҳисобланади.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БАНКИ (ЕТРБ) — 1991 йилда очилган. Бунда Европа Ҳамжамиятини ҳам қўшиб 39 мамлакат, Европа Ҳамжамияти комиссияси ва Европа инвестиция банки иштирок этишади. ЕТРБнинг низом фонди 10 млрд. экюни ташкил этади. (1.01.93 й., 1 экю-1,25 долл.), АҚШ ҳиссаси 10 фоиз, Буюк Британия, Германия, Франция 8,5 фоиздан, қолган Европа Ҳамжамияти аъзолари ҳиссаси 0,2 фоиздан 3,4 фоизгача, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари 6,5 фоиз ва ҳ.к. Банк Лондонда жойлашган, бу ерда бошқарув Кенгашлари (барча мамлакатлар қатнашади) ва директорлар кен-

гаши (23 аъзо) мажлислари ўтади. ЕТРБ мақсади Шарқий Европада бозор иқтисодиётини ва демократияни тиклашга таъсир қилишдан иборат. Банк иқтисодиётни ривожлантириш эҳтиёжи учун хусусий ва давлат структураларига қарзлар беради. Бунда 60 фоиз маблағ хусусий секторга ва 40 фоиз давлат секторига берилади. ЕТРБ хайр-эҳсонлик билан эмас, балки фақат тижорат асосида ишлайди. У конкрет лойиҳалар учун мақсадли кредитлар беради. Бундан ташқари, бевосита инвестицияларни амалга оширади ва техникавий ёрдам кўрсатади. Маслаҳатлар беради ва банкирларни ҳамда менежерларни ҳар хил курсларда ўқитади, озиқ-овқатни тақсимлаш системасини ташкил этишга ёрдам қилади. Банкнинг ўзи техникавий ёрдам кўрсатиш учун махсус пулларга эга эмас, бунинг учун бошқа ресурслар жалб этилади.

ЕВРОПА ЧЕКЛАРИ (ЕЧ) — Европа банк тизимининг иштирокчи мамлакатларидан тўлашга қабул қилинган чеклар (1968 йилда тузилган). *Е.ч.* мақсади сайёҳларга хизмат кўрсатишни яхшилашдан иборат. Нақд пулларга сотиб олинадиган йўл (сайёҳлик) чеклардан фарқли ўлароқ, *Е.ч.* банк томонидан уларнинг эгаларига дастлабки бадал пулисиз катта суммаларда берилади ва бир ойгача муддат билан банк кредити ҳисобидан бўлинади (тўланган чек уни берган банкка тўланган кунидан бошлаб 20 кун ичида берилиши керак). *Е.ч.* фақат уларнинг эгалари томонидан чек дафтарчалари билан бирга банкдан олинган кафолат карточкалари кўрсатган шароитдагина тўланади. Карточкада банк томонидан максимал кафолатланган битта *Е.ч.* суммаси кўрсатилади, аммо иккита ва ундан кўпроқ чеклар бўйича (*Е.ч.* эгаси паспорт ёки махсус идентификацион карточка билан уни тасдиқлаганда) бир вақтнинг ўзида пул олишга рухсат берилади. *Е.ч.* тўлайдиган банк бу учун комиссияни ундиради. *Е.ч.* ягона шакли ва кафолатли карточкалар улғуржи тўлов оборотини тақомиллаштиришга тўловнинг ва ЭҲТ ёрдамида *Е.ч.* ишлашининг тўғрилиги устидан назоратни амалга оширишга таъсир кўрсатади.

ЕВРОПА ЭРКИН САВДО АССОЦИАЦИЯСИ — савдо-иқтисодий гуруҳлари бўлиб, ҳозирги вақтда буларга Австрия, Норвегия, Исландия, Финляндия, Швеция ва Швейцария киради. *Е.э.с.а.* мақсади саноат товарлари билан ўзаро эркин савдо қилиш учун шароит туғдириш ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИҲ) мамлакатлари билан рақобат қилишда унинг аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. *Е.э.с.а.* мамлакатлари учун саноат товарлари билан ўзаро савдо қилишда тариф ва миқдорий чекланишлар бекор қилинган. ЕИҲ мамлакатларидан фарқ қилиб *Е.э.с.а.* да ҳар бир давлат аъзоси мустақил ташқи савдо сиёсати олиб боради ва ассоциацияда учинчи мамлакатга қар-

ни битта ҳам бож тарифи йўқ. Аммо *Е.э.с.а.* да товарни ўтказиш тизими қондаси амал қилади, яъни унинг ички гуруҳда эркин ҳаракати экспорт қилинадиган хом ашё ва ярим фабрикатларнинг ишланиш даражасига боғлиқ бўлади. ЕИКдан фарқ қилиб ассоциация миллий органларга, судга эга эмас, иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқлар тузишни кўзда тутмайди. *Е.э.с.а.* фаолиятида унинг ЕИХ билан алоқаси муҳим ўринни эгаллайди. *Е.э.с.а.* барча мамлакат аъзолари эркин савдо тўғрисида ЕИХ билан икки томонлама битим тузишган.

ЕВРОПА ЭРКИН САВДО АССОЦИАЦИЯСИ (ЕЭСА) — олти мамлакат Австрия, Исландия, Норвегия, Финляндия, Швейцария ва Швециядан иборат ҳудудий иқтисодий гуруҳ. 1960 йилда ташкил топган. Эркин савдо зонаси ЕЭСAnинг асоси ҳисобланади. Бу ердаги ўзаро савдода божхона божи ва миқдорий чекланишлар бекор қилинган, ягона ташқи тариф амал қилмайди.

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИ (ЕХ) — 12 та Ғарбий Европа мамлакатини (Бельгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Франция, Германия) ўз ичига олувчи интеграл гуруҳ. Расмий равишда ЕХ деб аталади, у 50-йилларда тузилган, дастлабки кундан ўзаро узвий алоқада бўлувчи ва 1967 йилдан бошлаб умумий раҳбар органларга ва ягона бюджетга эга бўлган учта ҳамжамиятдан ташкил топган (ЕИХ, Евроатом, Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси — ЕКПБ). Рим шартномаси асосида 1957 йилда тузилган ЕИХ (ёки “умумий бозор”) энг катта мақсадлар қўйди. Жаҳон миқёсида сезиларли роль ўйнай бошлади ва амалда ЕХ номидан чиқмоқда. 90-йилларнинг бошларида ЕХ ҳиссасига саноати ривожланган мамлакатлар ЯММ учдан бир ва экспортнинг иккидан бир қисми тўғри келган.

ЕР БАНКЛАРИ — асосан ерни гаровга қўйиш билан узоқ муддатли ссудалар берадиган банклар.

ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ — хўжалик обороти ва бозор механизмига киритиладиган энг муҳим ишлаб чиқариш воситаларидан бири бўлган ерга хўжайинлик қилиш шакли. Ерга эгалик қилиш жисмоний ёки юридик шахс томонидан мулкка бўлган ҳуқуқ асосида маълум ер участкасига эга бўлишдир. Ҳозирги шароитда мамлакатда иқтисодий таркибни ислоҳ қилиш жараёнида ерга эгалик қилишнинг қўлаб шакллари вужудга келди. Ердан фойдаланиш ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер бўйича қабул қилинган қонунлар ёки хўжаликлар, шу жумладан, деҳқон (фермер) хўжаликларининг пайдо бўлиши билан ердан фойдаланишни тадбиркорлик асосида олиб бориш учун тегишли шарт-шароитлар яратилмоқда. Хўжалик юригувчи субъектларнинг ердан фойдаланишига эркин йўл очди ва бозорни ривожлантириш шарти бўлган ерга эгалик қилиш ва

ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормаларига қатъий риоя қилиш имконини бери.

Мамлакатда ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг самарали шаклларига ўтиш янги ер дастурини тузишни, яъни ернинг сифати ва миқдори ҳақида илмий асосланган ва амалда тасдиқланган комплекс маълумотлар олишни талаб қилмоқда. Ҳар хил унумдорликка эга бўлган ерларни баҳолашнинг турли хил усулларида ҳар томонлама фойдаланиш йўллари ўрганилмоқда. Ер кадастри ер солиқларини табақалаштириш ва ернинг баҳосини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ердан олинган даромад эса баҳолаш мезони учун асос қилиб олинади.

ЕРНИНГ БАҲОСИ — капиталга айлантирилган, фоиз сифатида даромад келтирадиган капиталлашган ер рентаси. Ерга бўлган хусусий мулк асосида ер олди-соттиси вужудга келади. Ер участкалари маълум баҳоларга эга. Аммо *Е.б.* одатдаги товарлар баҳосидан фарқ қилади, Ер бу меҳнат маҳсулотини эмас, балки табиат инъоми. Ер участкалари ҳозирги вақтда Ўзбекистон фуқароларига ва юридик шахсларга сотилмоқда. Ернинг қиймати йўқ, аммо баҳоси бор. Қандай аниқланади? Ерни сотиб олиш ер рентаси, даромадни сотиб олиш ҳуқуқини билдиради. *Е.б.* ер рентаси асосида вужудга келади, шунинг учун у баҳога эга бўлади. Ер участкаси қанчалик рентани кўп берса, сотиб олувчилар унга шунчалик кўп пул тўлайди, шунга мос равишда ернинг баҳоси ҳам юқори бўлади. Ернинг баҳосига таъсир қилувчи иккинчи омил ссуда фоизи нормаси ҳисобланади. Ерни сотиб олувчи ҳар доим рентани у банкка жойлаштирган пулдан оладиган ссуда фоизи билан таққослайди. Шу нуқтаи назардан *Е.б.* — Ер рентаси ссуда фоизи 100 фоизга тенг бўлади. Айни пайтда, *Е.б.* капиталлашган рентадир.

ЕР РЕЖАСИ — ердан фойдаланиш шакли. Бунда ер эгаси ўз ерини бирор шахс (ижарага олувчи)га маълум миқдорда ҳақ тўлаш шарти билан муайян муддатга фойдаланишга беради.

ЕР КАДАСТРИ — ернинг табиий, ҳўжалик ва ҳуқуқий ҳолати ҳамда иқтисодий аҳамияти ҳақидаги аниқ ва зарур маълумотлар йиғиндиси. Ер кадастри ерлардан, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, халқ ҳўжалигини режалаштириш, қишлоқ ҳўжалигини ихтисослаштириш, шунингдек, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа халқ ҳўжалик тадбирларини амалга ошириш мақсадлари учун хизмат қилади.

ЕР РЕНТАСИ (*нем.*) — қишлоқ ҳўжалигида бевосита ишлаб чиқарувчилар томонидан яратиладиган ва ер эгалари томонидан ўзлаштириладиган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми; ерга бўлган мулкчиликнинг пайдо бўлиши билан вужудга келган.

ЕР СОЛИҒИ (*инг.*) — мулкдорлар, ер участкалари эгалари ва фойдаланувчилари тўлайдиган маҳаллий солиқ (ер учун ҳақ); маҳсулот таннархи таркибига киради.

ЕР, ТАБИЙ РЕСУРСЛАР (*фр.*) — товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлган табиий ресурслар (табиат тортиқ қилган неъматлар).

Ё

ЁЛЛАНМА МЕҲНАТ — капиталистик жамиятда ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган, ўз кучини мулк эгаларига сотиб, улар учун қўшимча қиймат яратадиган кишиларнинг меҳнати.

ЁПИҚ АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ — акциялари фақат ўз ходимларига сотиладиган ва четда сотилмайдиган акционер корхона.

ЁПИҚ БИРЖАЛАР — операция кунни охири, миждозларнинг охириги кўрсатмалари бажарилган вақт.

ЁПИҚ МОНОПОЛИЯ — рақобатда кўрсатилган юридик тақиқлар билан ҳимояланган монополия.

ЁПИҚ САВДО-СОТИҚ — иштирок этиш учун кам сонли фирмалар таклиф этиладиган савдо-сотиқ. Савдо-сотиқни ташкил этувчилар етарлича ахборотга эга ва таклиф этилганларга ишонади. Шунинг учун савдо-сотиқ тўғрисида эълон чоп этилмайди, таклифнома эса индивидуал тарзда юборилади. Очик савдо-сотиқ ўтказишга нисбатан иштирокчилар доираси катта эмас ва рақобат кураши даражаси паст, аммо савдо-сотиқни ташкил этувчилар, етказиб берувчилар (буюртмачилар)нинг техник, ташкилий ва молиявий имкониятларига ишонадилар.

ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ишлаб чиқариш жараёнини энергия билан, иш ўринларини технологик ускуна-жиҳозлар билан таъминлаб турадиган, шунингдек, асосий фондларни ремонт қилиб, аслига келтириб борадиган қисми. Ёрдамчи жараёнларни бажариш учун корхона таркибида: энергетика цехлари, технологик ускуна-жиҳозлар, асосий воситаларни аслига келтириш цехлари ташкил этилади. *Ё.и.ч.* маҳсулотини асосан корхонанинг цехлари ва хизматлари истеъмол қилади. Ишлаб чиқаришнинг интенсивлаш шароитларида *Ё.и.ч.* роли анча ортади ва корхонани техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, асосий ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражасини ошириш, 2—3 сменада ишлаш учун замин тайёрлашдан иборат бўлади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун зарур имконият яратади.

ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР — у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган, аммо мустақил тарзда унинг таркибига кирмайдиган меҳнат буюмлари. Бир материалнинг ўзи бир ишлаб чиқаришда асосий, бошқасида эса қўшимча материал бўлиши мумкин. Ёрдамчи материаллар режалаштиришда алоҳида қайд этилади ва ҳисоботда мустақил элемент сифатида кўрсатилади.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — қишлоқ хўжалигида асосий соҳаларга хизмат қилувчи тармоқлар. Буларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, цехлар ва бошқалар киради. Ёрдамчи хўжаликнинг вазифаси хўжаликдаги асосий тармоқлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш ва қўшимча даромад келтиришдан иборат. Йирик саноат корхоналари ва бошқа тармоқларда ҳам ёрдамчи хўжаликлар мавжуд.

Ж

ЖАМИ ИЖТИМОЙ МАҲСУЛОТ — муайян давр давомида жамиятда ҳосил бўлган барча истеъмол қийматларининг йиғиндисидан иборат. Жами ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида сарфланган меҳнат билан яратилади ва унинг таркибига турли-туман моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар киради.

ЖАМИЯТ — табиат ривожланишининг маълум босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси. Жамият ҳар доим маълум ижтимоий формация шаклида яшайди. Жамият тараққиётининг асосини меҳнат, ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларга мос келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади. Жамият тараққиёти табиий-тарихий ва қонуний жараён ҳисобланиб, бунда бир ижтимоий-иқтисодий формация бошқаси билан алмашилиб туради.

ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРУКТУРАСИ — ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидир. Ишлаб чиқарувчи кучлар иш кучи ва ишлаб чиқариш воситаси (меҳнат воситаси ва меҳнат предмети)дан иборат. Ишлаб чиқариш муносабатлари эса мулкӣ, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол муносабатларидан ташкил топади, бунда мулкӣ муносабат ҳал қилувчи роль ўйнайди.

ЖАМИЯТНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ — ишлаб чиқарувчи кучлар ашёвий элементлари, технологик жараёнлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари мажмуи. Ж.м.т.б. мазмунини белгиловчи ишлаб чиқарувчи кучларнинг ашёвий

элементлари фан-техника революциясининг муҳим қонуниятларини ўзида мужассамлаштиради. *Ж.м.т.б.* илмий изланишлари функционал ва структуравий иккита асосий аспектни ўз ичига олади. Функционал аспект жамият тараққиёти шарт-шароитлари тизимида моддий-техника базасининг социал-иқтисодий ролини характерлайди. Структуравий аспект маълум миқдорий пропорцияларда ишлаб чиқаришнинг ўзгаришларини ифодалайди. *Ж.м.т.б.* фан-техника тараққиётига хос қонуниятлар ва жамият тараққиётининг иқтисодий қонунлари асосида тўхтовсиз такомиллашиб боради.

ЖАМИЯТНИНГ СОФ ДАРОМАДИ — жами ижтимоий маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни чегириб ташлагандан қолган қисми.

ЖАМҒАРИШ — янгидан ҳосил қилинган қиймат — миллий даромаднинг бир қисmini ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ажратилиши (сарфланиш). *Ж.* социал-иқтисодий табиати ҳукмрон ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулк шакли билан белгиланади.

ЖАМҒАРИШ НОРМАСИ — жамғарма фондининг миллий даромадга фоизда ифодаланган нисбати. *Ж.м.* қўшимча маҳсулотнинг миқдори, иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларига ва жамғарманинг самарадорлигига боғлиқ. Жамғарма меъёри фан-техника тараққиёти негизда иқтисодиётнинг юқори суръатларини таъминлаш ва халқ фаровонлигини янада оширишга етарли даражада бўлиши лозим.

ЖАМҒАРМАЛАР — инвестиция капитали манбаси, бу корпорациялар, ҳукумат ёки айрим граждaнларнинг даромадлари уларнинг харажатларидан ошган ҳолатда вужудга келади.

ЖАМҒАРМА БАНКИ (*фр.*) — аҳоли омонатларини аккумуляция қилиш ва фойдаланишга ихтисослашган молия муассасаси. Шундай банклaрнинг ўзига хос фаолият қилиши ҳар хил мамлакатларда ҳар хил. Биринчи марта тижорат банклари сифатида ишловчи акционер банклaр жамғарма счёти ва муддатли депозитлар тузувчи индивидуал омонатчиларга хизмат қилади ва қўчмас мулкка узоқ муддатли маблағлар солишни амалга оширади. Ўз навбатида жамғарма банклари, яъни ўртоқлик омонат кассалари тўланган ўз капиталисиз ишлайди. Улар ўз аъзолари резервларига эга ва фақат узоқ муддатли омонатларни қабул қилади.

ЖАМҒАРИШ БАНКЛАРИ (*фр.*) — омонат кассалари ва бошқа махсус кредит институтлари билан бир қаторда турли хил жамғарма муассасалари.

ЖАМҒАРМА ДЕПОЗИТИ (*лот.*) — фоиз асосида маълум (муддатли *Ж.д.*) ёки номaълум муддатга (муддатсиз *Ж.д.*) жамғарма муассасасига жойлаштириладиган пул суммаси.

ЖАМҒАРМА КВОТАСИ (лот.) — йиллик жамғарма ўсиш суммасининг аҳоли пул даромадлари суммасига нисбати.

ЖАМҒАРМА МАРКАЛАРИ (лот.) — кичик жамғармаларни ташкил этиш методларидан бири.

ЖАМҒАРМА МУАССАСАЛАРИ (нем.) — асосий функцияси аҳоли омонатларини жалб этишдан иборат бўлган кредит муассасаларининг тарқалган турларидан бири.

ЖАМҒАРМА ОМОНАТЛАРИ — жисмоний шахслар томонидан қоидага кўра ўзи бориб олгунга қадар банкларга ва жамғарма муассасаларига сақлаш учун қўйилган пул маблағлари.

ЖАМҒАРМА ОБЛИГАЦИЯЛАРИ (лот.) — давлатнинг но-бозор қимматли қоғозлар тури. Олди-соттига тегишли эмас; Ж.о. бўйича қоплаш фақат сотиб олувчи томонидан амалга оширилади; ссуда бўйича таъминлаш сифатида фойдалана олмайди.

ЖАМҒАРМА СЕРТИФИКАТИ (фр.) — унинг асосида банк қарзлари тартибга солинадиган ҳисоб-китоб палаталари гувоҳномаси; одатда унчалик катта бўлмаган купюрлар сифатида чиқариладиган кичик ва ўрта эгалари ўртасида жойлаштириладиган давлат заёмлари облигациялари тури; депозит олишга омонатчи ҳуқуқини тасдиқловчи пул маблағларини депозитлаш тўғрисида кредит муассасасининг ёзма гувоҳлиги. Жамғарма банклари томонидан чиқариладиган сертификатлар аҳоли ўртасида тарқатилади ва узоқ муддатли жамғармаларни ташкил этиш шаклларида бири ҳисобланади. Ташқи савдо амалиётида сертификатлар — тегишли ваколатли органлар томонидан бериладиган ва товарнинг сифати (сертификат сифати), унинг келиб чиқиши ва ҳ.к. тасдиқловчи ҳужжатдир.

ЖАМҒАРМА СЧЁТИ — аҳоли пулларида жамғариш учун тайинланган банк счёти.

ЖАМҒАРМА ФОНДИ (лот.) — миллий даромаднинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва асосий ноишлаб чиқариш фондлари, шунингдек, оборот маблағлари ва резервларни ўстириш учун фойдаланиладиган қисми. Ж.ф. кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг манбаи ва зарур шартидир.

ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ (нем., лот.) — контракт бўйича мажбуриятларни бузганлиги учун томонлардан олинadиган тўлов турлари. Сотувчилар (экспортёрлар) ҳусусида Ж.с. олинadиган тўловлар қуйидагича: етказиб берилadиган товарлар сифатининг номувофиқлиги, мақсадга мувофиқ упаковка ва маркировка қилинмаганлиги, муддатларининг, комплектациянинг бузилиши ва ҳ.к. Сотиб олувчилар (импортёрлар) ҳусусида Ж.с. қуйидагилар учун тўловлар олинади: техник ҳужжатларни тақдим этишнинг, мутахассисларнинг сафарга чиқишининг, аккредитивлар очишнинг, ўз вақтида тўловларнинг кечикиб қолганлиги

ва ҳ.к. Сотувчилардан олинадиган Ж.с. кечикиб қолишнинг давом этишига қараб прогрессив ҳажмларда белгиланади. Жарималарнинг максимал миқдори муддатида етказиб берилмаган товарлар қиймати суммасининг 8—10 фоизини ташкил этади.

ЖАҲОН БАҲОСИ — жаҳон бозорида ташкил топган байналмилал (жаҳон) ишлаб чиқариш баҳосининг пул ифодаси. Ривожланган жаҳон савдоси шароитларида бозор қиймати ва бозор баҳоси халқаро қўламда ташкил топади. Жаҳон бозорида ҳар хил турларда амал қилувчи ҳар хил миллий қийматлар ва товар ишлаб чиқариш баҳолари асосидаги рақобат стихияли равишда байналмилал қийматнинг, кейин эса байналмилал ишлаб чиқариш баҳоларга ва унга мос келувчи байналмилал (жаҳон) баҳоларга олиб келади.

Ҳозирги замон капитализми шароитида Ж.б. бўйича мунтазам характерга эга бўлган ва эркин конвертирланадиган валютада тўловни кўзда тутувчи йирик тижорат экспорт ёки импорт операциялари амалга оширилади. Агарда монополистик капитализмга қадар бўлган шароитда у ёки бу товарга ягона Ж.б. ўрнатиш тенденцияли бўлган бўлса, ҳозир эса битта товарга битта баҳо эмас, балки савдо операциялари характерига ва улар иштирокчиларининг ўзаро муносабатларига, валюта тўловлари ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда даражаси бўйича қатор баҳоларни ўз ичига олувчи кўплаб баҳолар характерлидир.

Ҳозирги халқаро савдода икки гуруҳ омиллари кўп хил баҳоларни вужудга келтиради: биринчидан, бозорлар ва истеъмолчилар категориялари бўйича табақалаштирилган баҳолар тизимини ўрнатувчи монополиялар сиёсати; иккинчидан, давлат монополизмининг тadbирлари савдо ва валюта сиёсати ҳамда ҳукумат органлари томонидан амалга ошириладиган нотижорат ва бошқа махсус операциялар.

ЖАҲОН БИТИМИ — у орқали икки томон ўртасида амал қилувчи баҳс-муносабатларини бартараф этувчи битим.

ЖАҲОН БОЗОРИ — бир-бири билан савдо-иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган айрим мамлакатларнинг миллий бозорлари мажмуи. Халқаро меҳнат тақсимотининг барча асосий йўналишларини қамрайди. Ж.б. тарихан жаҳон капиталистик бозори сифатидаги капиталистик ишлаб чиқариш усули базасида ташкил топган. Ж.б. ривожланиш истиқболи жаҳоншумул муаммоларни ечишга таъсир этувчи шарт-шароитларни яратиш, барча мамлакатлар томонидан халқаро меҳнат тақсимотининг ўзаро фойдали устунликларидан фойдаланиш билан узвий боғлиқ.

ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ ХИЗМАТЛАР — бу устун даражада сингдирилган шаклда бўлмаган ва ташқи бозорга тушувчи ис-

теъмол қийматлари. Ўз мажмуида улар жаҳон бозори хизматларини ҳосил қилади, у энг тор бозорларга бўлинади — лицензиялар ва ноу-хау, инженерлик консалтация хизматлари, транспорт, банк, сайёҳлик ва бошқа хизматлар турлари. Ж.б.х. одатда транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, маиший, уй-жой ва коммунал хизматлар, умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳлик, молиявий, суғурта хизматлари, молия, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт, маданият ва санъат ҳамда ахборот-ҳисоблаш, инженерлик консалтация, юридик, биржа ва воситачилик хизматлари, кучмас мулк билан операциялар, ускуналарни ижарага олиш, бозорни ўрганиш бўйича хизматлар, маркетинг фаолиятини ташкил этиш, реклама, сифатни назорат қилиш, сотишдан кейинги сервис ва ҳ.к.ни ўз ичига олади.

ЖАҲОН ИШ КУЧИ БОЗОРИ — иш кучининг олди-соттиси бўйича мунтазам, барқарор операцияларни амалга оширувчи халқаро иқтисодий алоқалар соҳаси. Ж.и.к.б. меҳнат ресурслари жойини ўзгартириш, халқаро қўламда уларнинг меҳнатга бўлган қобилиятини реализация қилишни кўзда тутади. Халқаро иш кучи миграцияси жараёни унинг жойини ўзгартириш бўйича маълум миллий чекланишлар, социал, иқтисодий, маданий, тарихий ва бошқа фаолият омилларининг таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлади.

ЖАҲОН КАПИТАЛЛАР БОЗОРИ — капитални экспорт ва импорт қилиш бўйича систематик ва барқарор операциялар билан боғлиқ бўлган халқаро айирбошлашнинг муҳим соҳаси. Тадбиркорлик ва ссуда капитали ушбу операцияларнинг объекти сифатида намоён бўлади. Ж.к.б. субъектлари айрим тадбиркорлар, фирмалар, молиявий ва банк муассасалари, айрим давлатлар ва халқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар (ТНК) бўлиши мумкин. Ж.к.б. муҳим ташкилий-иқтисодий шакли фонд биржаси ҳисобланади, унинг ёрдамида инвестициялар ва капиталлар ўзгариши, ш.ж. мамлакатлар ўртасида амалга оширилади.

ЖАҲОН МАШИНАЛАР ВА УСКУНАЛАР БОЗОРИ — маҳсулот, хизматлар ва машинасозликнинг олди-соттиси бўйича барқарор систематик операцияларни характерловчи халқаро савдо соҳаси. Ж.м.у.б. маълум маҳсулот турларининг муҳим товарлар бозори, оширилган динамиклик бўйича фарқ қилади, бу эса кўп томондан ушбу товарлар турининг хусусияти билан тақозо этилади (тайёрловчилар сонининг кўплиги, бажариш ва қўллашнинг кўп вариантлиги, фойдаланиш соҳаларининг ҳар хиллиги ва ҳ.к.). Бу конъюктуранинг ташкил бўлиш хусусиятига, ш.ж. Ж.м.у.б. баҳоларига, ундаги мавжуд иқтисодий, тижорат ахбо-

ротига таъсир кўрсатади. Куп сонли фирмалар тегишли буюмлар ва хизматлар экспортёрлари ва импортёрлари, халқаро компаниялар ва ТНК Ж.м.у.б. субъектлари ҳисобланади.

ЖАҲОН МОЛИЯ МАРКАЗЛАРИ — халқаро валюта ва кредит операцияларини, олтин, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа активлар билан битимларни амалга оширувчи банклар ва бошқа кредит-молия институтларининг тўпланган марказлари. Тарихан ссуда капитали миллий бозорларнинг ривожланиш базасида вужудга келган. 20-асрнинг бошида асосий капитал экспортёрлари Англия, Франция ва АҚШ бўлган ва энг йирик Ж.м.м. Лондон, Париж ва Нью-Йорк ҳисобланган.

Ҳозирги шароитда энг йирик Ж.м.м. ссуда капитали миллий бозорларини байналмилаллаштириш базасида ташкил топган капиталистик мамлакатларнинг Нью-Йорк, Лондон, Париж, Токио ва бошқа шаҳарлари ҳисобланади, улар орқали халқаро капитал миграциясининг асосий қисми амалга оширилади. 60—70-йилларда янги Ж.м.м. марказлари ташкил топди, буларга Люксембург, Сингапур, Гонконг (Сянган) ва бошқа зона ва регионларни киритиш мумкин.

Ж.м.м. атрибутлари капитални концентрациялаш, кредит-молия муассасалари системасини ривожлантиришдан иборат, улар орқали халқаро кредит-молия операциялари, ушбу операцияларни амалга ошириш учун валюта ва солиқ режими, жаҳоннинг ҳар хил районларида мижозлар ва бошқа молия марказлари билан алоқа системасини ўрнатиш амалга оширилади.

ЖАҲОН ОЛТИН БОЗОРИ — олтин билан халқаро савдо қилувчи марказлар, бу ерда олтинга бўлган талаб ва таклиф концентрация қилинади ва катта миқдорда савдо амалга оширилади. Маълум мамлакатда саноат ва заргарлар талабини қондирувчи ички ва маҳаллий олтин бозорларидан фарқ қилиб, Ж.о.б.да олтин бошқа мамлакатларга ва регионларга чиқарилади. Ҳозирги халқаро олтин савдо механизмидан олдин 1968-71-йилларда амал қилган “Икки ярусли система” бўлган. Икки ярусли бозор эркин бозор нархи бўйича ҳусусий савдодан олтин билан халқаро савдони расмий баҳо бўйича изоляция қилиш йўли билан АҚШ учун энг фойдали расмий баҳони сақлаб қолишга ҳаракат қилишдан иборат.

Ҳозирги шароитда Ж.о.б. ичида оборот ҳажми бўйича етакчи ўринни Лондон ва Цюрих бозорлари эгаллайди. Уларда жаҳон капиталистик мамлакатларининг асосий олтин қазиб олувчиси бўлган ЖАР (Жанубий Африка Республикаси) олтини сотилади. Бу ерда сотиладиган металнинг қарийб ярми яна қайта сотиш учун бошқа олтин бозорларига чиқарилади. Лондон олтин бозори 5 та фирма томонидан монополизация қилинган, улар олтин бозорининг расмий аъзолари ҳисобланади ва метал-

ларни сотувчи ва сотиб олувчилар ўртасида воситачилик ролини ўйнайди. Цюрихда олтин билан битимларни Швейцариянинг 3 гросс-банклари амалга оширади. 80-йилларда Ж.о.б.да етакчи ўринни Нью-Йорк эгаллайди, бу ерда олтин биржаси 1973 йилдан фаолият қила бошлади. Олтин билан халқаро савдонинг янги шакли олтин аукционлари ҳисобланади.

ЖАҲОН ПУЛИ — халқаро миқёсда ҳамма учун умумий тўлов воситаси, умумий сотиб олиш воситаси ва бойликнинг умумий тимсоли сифатида фаолият қилувчи ҳамда интернационал қиймат ифодаси бўлган пул. Олдинлари жаҳон пули ролини олтин ёмбилари бажарган, кейинчалик эса сотиб олиш қуввати баланд бўлган обрўли валюталарга юклатилган (доллар, фунт-стерлинг ва ҳ.к.).

ЖАҲОН ТОВАР БОЗОРИ — уни нафақат ҳар қандай миллий бозордан, балки уларнинг арифметик йиғиндисидан фарқловчи махсус сифати фақат унга тегишли бўлган хусусиятларга эгаллиги. Ушбу фарқ қилувчи сифат хусусиятлари Ж.т.б.га нисбатан автономлиги, унинг нисбий мустақиллиги, товарнинг интернационал қийматини ташкил этишнинг махсус шарт-шароитлари билан фарқланади. Ҳар қандай Ж.т.б. ташкил этиш ва ривожланишнинг моддий асоси Халқаро Меҳнат Тақсимотидир (ХМТ), миллий бозор эса мамлакат ичидаги Ижтимоий Меҳнат Тақсимотига (ИМТ) асосланади. Улар ўртасида ўзаро узвий алоқа ва ўзаро тақозо этишлик кўзда тутилган бўлсада, аммо ХМТ конкрет ҳаракати, унинг тенденциялари ва ривожланиш йўналишлари мамлакат ичидаги меҳнат тақсимоти жараёнларидан тубдан фарқ қилади. Бунинг сабаби — ҳар қандай Ж.т.б. нисбий мустақиллиги, жаҳон бозорининг маълум нисбий мустақиллиги фақат унга тегишли бўлган динамикаси ва ривожланиш тузилмасида, сотиб олувчиларнинг товарга, уни эксплуатация ва сервис шарт-шароитларига нисбатан ва қатор бошқа кўрсаткичлар бўйича “унификациялашган” жуда юқори концентрациялашув даражасида намоён бўлади.

ЖАҲОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОЗОРИ — технологик ечимларнинг олди-соттиси бўйича (лицензиялар, ноу-хау, лойиҳалар ва ҳужжатлаштиришлар) мунтазам тизимли операциялар билан боғлиқ бўлган халқаро савдо соҳаси. Ж.т.б. ҳозирги замон фан-техника тараққиёти роли билан тақозо этиладиган жаҳон ҳужалик айирбошлашнинг динамик ошиб боровчи сектори ҳисобланади. Ҳар хил мамлакатлардаги кўплаб етакчи фирмалар, халқаро компаниялар ва ТНК Ж.т.б. субъектларидир. Ташкилий конкрет Ж.т.б. илмий жорий қилиш, тадқиқот ва фирмалари фаолияти билан узвий боғлиқ.

ЖАҲОН ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ — ҳужалик ҳаётининг интернационаллашуви билан боғлиқ бўлган иқтисодий

Ўсишнинг муҳим объектив омили. Ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви шароитларида *Ж.ф.т.т.* роли анча ўсиб бормоқда. ФТТ умуман ижтимоий меҳнат унумдорлиги ошиши, жамият халқ фаровонлиги ва хизматларнинг кўпайиши зарур шарт-шароитини ташкил этади. Ижтимоий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан тақозо этилади. Иқтисодий маънода *Ж.ф.т.т.* ишлаб чиқарувчи кучлар даражасининг янги сифати, Халқаро Меҳнат Тақсимотининг чуқурлашувчи, барқарор ва кўламли жаҳон ҳўжалик алоқаларининг ташкил топиши билан боғлиқ. Бу кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва унинг пропорцияларига, унинг интернационал характерининг кучайишига бевосита таъсир этишни кўзда тутлади, бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётларнинг ҳар томонлама ўзаро алоқада ва ўзаро боғлиқ эканлиги билан тақозо этилади.

Ҳозирги шароитларда *Ж.ф.т.т.* роли айрим мамлакатлар регионларининг ривожланишида ниҳоят даражада катта аҳамият касб этмоқда, бу жаҳоншумул муаммолар билан боғлиқ. Уларни ечиш учун талаб этиладиган фан-техника вазифалари кўламли, воситалар ҳажмлари, ресурсларни халқаро концентрациялашнинг зарурлиги ҳўжалик ва социал ривожланишда *Ж.ф.т.т.* нинг ўрни ва роли белгиланади. *Ж.ф.т.т.* ютуқларидан фойдаланиш жорий ва перспектив масалаларни ечишга мўлжалланган моддий, меҳнат, табиий ресурсларни анча қисқартириш имконини беради. *Ж.ф.т.т.* доирасида интернационал асосда янги йўналишларни ва табиат қонунлари ҳамда кучларидан фойдаланиш усуллари реализация қилиш, фундаментал ва қидирув тадқиқотларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади. Шу каби ишланмалар айрим тармоқлар, секторлар, миллий иқтисодиётлар доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Мақсадли илмий-тадқиқот ва тармоқ ҳамда халқаро тармоқ характерига эга бўлган амалий ишланмалар харажатлар ҳажми ва ишлаб чиқаришга илмий натижаларни жорий этиш вақтини анча қисқартиради, техник, технологик ва экологик муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

ЖАҲОН ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ — ишлаб чиқариш ва истеъмолга мўлжалланган хизматларнинг олди-соттиси бўйича барқарор ва тизимли операцияларни характерловчи халқаро товар айирбошлашнинг муҳим соҳаси. Истеъмол қилинадиган хизматлар, фойдаланиладиган иқтисодий воситалар, баҳолар хусусиятлари муносабати билан айирбошлаш операцияларининг ўзига хос хусусияти билан фарқ қилади. Ҳозирги вақтда хизматлар айирбошлашга жаҳон савдосининг қарийб учдан бир қисми тўғри келади. Унинг асосий объектларидан ахборот ва дастур

воситаларини, инжиниринг, консалтинг ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

ЖАҲОН ХОМ АШЁЛАР ВА ЁҚИЛҒИЛАР БОЗОРИ — товарлар олди-соттиси бўйича мунтазам операцияларни амалга оширувчи тегишли товарлар билан халқаро савдо қилиш соҳаси ёки маркази. Хом ашё ва ёқилғи товарларининг катта қисми товар биржалари орқали реализация қилинади, бу Ж.х.а.ё.б. асосий ташкилий шакли ҳисобланади.

ЖАҲОН ХҲЖАЛИГИ — ахлитлик характери ва фаолият қилиши жамият тараққиётининг объектив қонунлари ва миллий иқтисодиётининг ўзаро боғлиқликда ўсиши билан белгиланадиган ўзаро муносабатлардаги барча жаҳон мамлакатлари миллий ҳўжаликларининг ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг жами. Ж.х. қарор топиши ишлаб чиқариш ривожланишининг қонуниятлари, Халқаро Ижтимоий Меҳнат Тақсимотининг ривожланиши, барча янги мамлакатларнинг жами такрор ишлаб чиқариш жараёнига тортилиши, жаҳон савдоси иқтисодий ўсишининг энг муҳим омилларидан бирига айланиши, аҳоли ва миллий ҳўжаликларнинг ҳар хил товарларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши билан объектив белгилаб берилган. Ж.х. XX асрнинг бошида ташкил топиши яқунланган.

Ҳозирги вақтдаги Ж.х. бир хил эмас, унга социал тузилмаси, сиёсий қурилиши, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражаси, характери, кўлами, шакллари ва методлари билан фарқ қилувчи ҳўжалиklar киради. Социал-иқтисодий ва сиёсий мезонларидан келиб чиққан ҳолда Ж.х.ни ҳар хил гуруҳ мамлакатларига бўлиш мумкин. Булар саноатнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг юқори даражада бошқарилиши ва тартибга солиниши, ҳўжалиklarнинг аграр хусусияти ва ҳ.к. билан фарқ қилади. Ушбу гуруҳларнинг ҳар биттасида янги минтақавий иқтисодий бирлашмалар таркиб топган ва улар давом этмоқда. Мамлакатларнинг ўзлари иқтисодий ва фан-техника потенциаллари, саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш ҳажмлари, Халқаро Меҳнат Тақсимоти, ташқи савдо ва бошқа ташқи иқтисодий алоқа турларига иштирок этиш даражаси, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ечишга қўшган ҳиссаси билан фарқланади. Саноат ишлаб чиқаришида АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия етакчи ўрин эгаллайди. Ривожланаётган мамлакатлар ичида катта иқтисодий табақаланиш юз бермоқда. Ҳозирги вақтда уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга янги индустриал мамлакатлар (Бразилия, Мексика, Аргентина, Жанубий Корея, Гонгконг, Тайван, Сингапур), иккинчи гуруҳга Яқин Шарқ мамлакатларини, учинчи гуруҳга жуда кам ривожланган мамлакатларни киритиш мумкин.

ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯЛАРИ (*векселлар ва чеклар*) — 1930 ва 1931-йилларда Женевадаги конференцияларда тузилган ва тулов обороти векселлар ва чекларни қўллаш тартибини белгилаб берувчи куп томонли халқаро шартномалар. Женева конференциясининг асосий мақсади — айрим мамлакатларда ўрнатилган ҳар хил ҳуқуқий нормалар билан тақозо этиладиган вексель ва чек қонунларини унификациялаш (бир хил шаклга келтириш) ва халқаро векселлар ва чеклар муомаласидаги қийинчиликларни бартараф этишдан иборат.

1930-йилдаги Женева конференцияси 3 та вексель конвенциясини ишлаб чиқди: пул ўтказиш ва оддий векселлар тўғрисида айрим зиддиятли қонунларни ҳал этишга йўналтирилган конвенция ва ниҳоят, пул ўтказиш, оддий векселлар хусусида, герб солиқлари тўғрисида конвенция.

Аммо 1930 йилдаги Женева Конвенцияси вексель қонунларини тўла унификациялашга эришиш имконига эга бўлмади. Чунки Буюк Британия, АҚШ ва Англия — Америка ҳуқуқидаги мамлакатлар Ж.к. га қўшилмадилар. Бунга сабаб, ушбу давлатларнинг миллий вексель қонунчилиги инглиз тилига асосланар эди.

1931 йилда ҳам Женевада 3 та чек конвенцияси имзоланди: бир хил чек қонунлари ўрнатувчи конвенция, чеклар тўғрисида айрим зиддиятли қонунларни ҳал этиш хусусидаги конвенция ва чеклар хусусида герб солиғи тўғрисида конвенция.

ЖЕНТЕЛЬМЕНЛИК КЕЛИШУВИ — ҳўжалик амалиётида оғзаки шаклда тузиладиган корхоналар ўртасидаги шартномага иштирок этувчи корхоналар, улар ўзаро манфаатларини боғлайдиган унинг шартига риоя қилишади, чунки куп ҳолларда улар амалдаги қонунларга мос келмайди ёки учинчи шахсга қарши йўналтирилган бўлади. Қисман йирик ишлаб чиқарувчилар ўртасида Д. к. шаклида баҳоларни ва бозорда сотиш ҳажмларини тартибга солиш, таъсир соҳаларини тақсимлаш ва ҳ.к. тез-тез амалга оширилади. Аммо бу антимонополия қонунларини қўллаш имконини инкор қилмайди, чунки монополистик келишуви бевосита шароитлар бўйича ўрнатилиши мумкин.

ЖИВНОСТЕН БАНКИ — қадимий Чехословакия банки, 1868 йилда таъсис этилган. Чехословакия буржуазиясида энг йирик акционер банк ҳисобланган ва энг қудратли молия-саноат гуруҳига бошчилик қилган. Ж.б. асосий манфаати оғир саноатга қаратилган, энгил саноатнинг айрим соҳаларида муҳим операцияларни амалга оширган, инглиз ва немис капитали билан узвий боғлиқ бўлган. 1945 йилда Ж.б. национализация қилинган, 1950 йилда унинг вазифасининг бир қисми Чехословакия

Социалистик Республикасининг Давлат банкига берилган. 1956 йилдан бошлаб Ж.б. вақтинча чет элда турган чет эл хусусий миждозлари ва ЧССР фуқароларига хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган кредит муассасаси ҳисобланган. Айирбошлаш, арбитраж, депозит ва тўлов операцияларини бажаради, чет эл ва миллий валютада счётлар юритади.

ЖИРАНТ (*итал.*) — векселда топшириладиган ёзувни бажарувчи шахс.

ЖИРАТ (*итал.*) — вексель перевод қилинадиган шахс.

ЖИРО (*итал.*) — векселда, чекда ва ҳ.к. топшириладиган ёзув; миждознинг жорий счётидан учинчи шахснинг жорий счётига маълум маблағни ўтказиш тўғрисида миждознинг банкка ёзма буйруғи.

ЖИРОБАНК (*итал.*) — ҳисоб-китоб счётларига эга бўлган миждозлар ўртасидаги ҳисоб-китоб операциялари билан шуғулланувчи банк.

ЖИРОБУЙРУҚ (*итал.*) — миждознинг жорий счётидан қандайдир учинчи шахс ёки муассаса жорий счётига маълум суммани ўтказиш тўғрисида миждознинг банкка ёзма буйруғи.

ЖИРОКОНТО (*итал.*) — ўша банкнинг ўзида жорий счётлари бўлган учинчи шахслар билан ҳисоб-китоблар учун очиладиган жорий счётининг махсус тури.

ЖИРОРАСЧЁТ (*итал.*) — битта счётдан бошқасига суммани ўтказиш орқали капиталистик мамлакатларнинг банклари ва омонат кассалари томонидан амалга оширадиган турли хил нақд пулсиз ҳисоб-китоблари. Ж. термини барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини белгилаш учун ҳам истеъмол қилинади.

ЖИРОСИСТЕМА (*итал., грек.*) — жиросчётлар орқали тўлов тизими кўплаб Европа мамлакатлари ва Японияда амал қилувчи почта бўлимларидаги счётлар. Ҳар қандай шахс счёт очиши ва ундан маблағларни шундай почта счётларининг бошқа эгаларига ўтказиши мумкин. Тизим одағда марказий бўғинни ташкил этади ва ҳисоб-китобларни тезлаштириш имконини беради.

ЖИРОЦЕНТРАЛИ (*итал.*) — коммунал омонат кассалари учун марказий банк функцияларини бажарадиган ҳар хил кредит муассасалари.

ЖИРОЧЕК (*итал., инг.*) — чек берувчининг жиросчётидан чекни сақловчининг счётига маълум пул суммасини ўтказиш тўғрисида чек берувчининг банкка буйруғини билдирувчи чеклар. Ж. фақат чек бўйича олувчи ва тўловчининг жиросчёти бўлган битта банк доирасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун фойдаланилади.

ЖОББЕР — тез қайта сотиш учун товарларнинг айрим йирик партияларини сотиб олувчи фирма.

ЖОИНТ ВЕНЧУР — фан ва техника ютуқларини саноат базасида қўллаб, ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва тadbиркорлик олиб бориш тўғрисида келишув.

ЖОНЛАНИШ — ишлаб чиқариш туркумининг бир фазаси бўлиб, унинг бошланиши озми-кўпми даражада барқарор ишлаб чиқаришнинг кенгайишга ўтишини билдиради. Ишлаб чиқариш аста-секин кризисдан илгариги даражасига етади, баҳо-лар кўтарилади, фойда кўпайиб, ишсизлар сони камайиб боради.

ЖОНЛИ МЕХНАТ — ишлаб чиқариш жараёнида киши ақлий ва жисмоний энергиясининг мақсадга мувофиқ сарфланиши. Товар ишлаб чиқаришда жонли меҳнат билан янги қиймат яратилади (миллий даромад) ва ўтган меҳнат харажатларини товарга ўтказади.

ЖЮРИ (фр.) — 1) Бозордаги вазият тўғрисида узил-кесил баҳолаш ва хулоса қилиш учун компания идораси томонидан тайинланган маслаҳатчи мутахассислар гуруҳи; 2) Танловларда, кўргазмаларда ва ҳ.к. да қўшимча ҳақ бериш ва мукофотлаш учун тайинланган ёки сайланган билимдон шахслар гуруҳи.

3

ЗАЁМ (қарз бериш ёки олиш) — шартноманинг маълум хили, шунга мувофиқ бир томон (заём берувчи) иккинчи томонга (заём олувчи) пул ёки буюмларни мулк ёки оператив бошқариш учун беради, булар шартномада кўрсатилган муддатда ўша суммада, миқдор ва сифатда қайтарилиши зарур.

Заём муносабатлари айрим фуқаролар ва корхоналар ўртасида ҳам (банклар, ломбардлар, ўзаро ёрдам кассалари томонидан қарз бериш, кредит муассасаларидаги банклар ва ҳ.к. фуқаролар омонатлари) вужудга келиши мумкин. Заёмлар бўйича фоизлар олиш фақат ўрнатилган қонунга мувофиқ йўл қўйилади. Тўланадиган фоизли ва тўланмайдиган 3. фарқ қилади. Кредит энг муҳим заём маблағларидан бири ҳисобланади.

ЗАЁМШИК (қарздор) — кредит муносабатлари субъектларидан бири, вақтинчалик қарз олинган қийматни кафолатловчи кредит олувчи.

ЗАЁМ МАБЛАҒЛАРИ — марказий ёки бошқа ихтисослаштирилган банкдан корхона ёки халқ ҳужалигининг бошқа бирламчи бўғини томонидан вақтинча фойдаланиш учун олинган пул маблағлари (ссудалар).

ЗАЙБАЦУ (япон.) — Япония монополияси ва молия олигархиясини белгилаш учун истеъмол қилинадиган ном.

ЗАКАЛАТ — шартнома тузилганлигини, унинг бажарилишини таъминлаш мақсадида шартлашувчилардан бирининг иккинчисига тегишли гулов ҳисобини олдиндан берадиган қарз. Закалат берган тараф шартноманинг бажарилишида айбдор бўлса, у закалатини қайтариб ололмайди.

ЗАКОТ (араб.) — ислом мамлакатларида маълум миқдордаги даромад, мол-мулкдан ихтиёрий бериладиган хайр-эҳсон, мусулмончилик фарзларидан бири. Закот аста-секин пул солигига айланиб борган.

ЗАПРОДАЖА — ҳали ишлаб чиқарилмаган товарни олдиндан сотиш тўғрисида тузилган дастлабки шартлар.

ЗАРУРИЙ ИШ ВАҚТИ — иш кунининг бир қисми бўлиб, унинг давомида моддий ишлаб чиқариш ходимлари томонидан мавжуд социал-иқтисодий шарт-шароитларда ходимлар ва улар оила аъзоларининг жисмоний ва маънавий қобилиятларини метёрий такрор ишлаб чиқариш натижасида зарурий маҳсулот яратилади. *З.и.в.* давомида сарфланган меҳнат эса зарурий меҳнат дейилади. Иш кунининг бошқа қисми қўшимча иш вақтини ҳосил қилади. Иш кунининг *З.и.в.* ва қўшимча иш вақтига бўлиниши ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожланиши ва ижтимоий ишлаб чиқарувчи куч меҳнатининг ўсиши муносабати билан ибтидоий тузумнинг емирилиши даврида вужудга келади. Булар ўртасидаги нисбат ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг ўзига хос хусусиятлари билан тақозо этилади.

ЗАРУРИЙ МАҲСУЛОТ — мавжуд социал-иқтисодий шарт-шароитлар нуқтаи назаридан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг жисмоний ва маънавий қобилиятларини нормал такрор ишлаб чиқариш натижасида зарур бўлган моддий ишлаб чиқариш ходимлари томонидан ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми. *З.м.* ишлаб чиқариш давомида сарфланган вақт зарурий иш вақтини ифодалайди. *З.м.* яратишга кетган меҳнат эса зарурий меҳнат дейилади. *З.м.* ҳажми қўшимча маҳсулотнинг миқдорини ва жами ижтимоий маҳсулотда уларнинг нисбатини белгилайди. *З.м.* ва қўшимча маҳсулотнинг нисбати турли ижтимоий-иқтисодий формацияларига хос бўлган хусусиятларга боғлиқ бўлади.

ЗАРУРИЙ МЕҲНАТ — зарурий маҳсулот яратиш учун моддий ишлаб чиқариш ходимлари томонидан сарфланган меҳнат. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жараёнида мавжуд тарихий ва мантиқий узлуксизликда *З.м.* ва қўшимча меҳнат нисбати ўзгаради. Қўшимча меҳнатнинг ҳажми *З.м.* миқдorigа боғлиқ бўлади. *З.м.* зарурий эҳтиёжларни қондириш мақсадида иш кучини такрор ишлаб чиқаришга сарфланади. Қўшимча меҳнат эса ушбу эҳтиёжлардан ошган қисмини амалга ошириш учун сарфланади.

З.м. сифати, хусусиятлари ва шакллари ҳар бир мавжуд ижтимоий-иқтисодий формация ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши даражаси билан белгиланади. Ибтидоий жамоа тузуми шароитларида меҳнат унумдорлигининг ниҳоят паст бўлиши натижасида қарийб барча меҳнат З.м. бўлган ва фақат минимал, камбағал ҳаёт кечириш даражасини таъминлаган. Кейинги формацияларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши муносабати билан З.м. ва қўшимча меҳнат ўртасидаги нисбатда ўзгариш юз бериб борган.

ЗАЧЁТ — икки ёки бир неча юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро тўлов мажбуриятларини тенг сумма атрофида қоплаш. З. мақсади ўзаро қарздорликни қисқартириш, ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва тўлов маблағларида тежамкорликка эришишдан иборат. Молия ва кредит органлари томонидан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли билан бўлган пул муносабатларида қўлланилади. Банк ссуда беришда ундан бошқа объектлар бўйича берилган ва муддати келган кредитлар бўйича қарздорларнинг қарзини тутиб қолиши мумкин. Молия органлари тўловчилар томонидан ўтказилган ошиқча суммани ўша тўловчиларнинг пул мажбуриятларини қоплаш учун ҳисобга олади. Бюджет муассасаларини молиялашда молия органлари материал қимматликларининг ошиқча запаслари қийматини ва дебитор қарзни (кредитор қарзни чиқаргандан кейин) ҳисобга олади, шунга мувофиқ бюджетдан ажратилган пулни камайтиради; З. тегишли суммалар йиллик ҳисобот бўйича аниқланади. Суғурта ташкилотлари суғурта қилинган кишиларга тўланадиган, шундай суғурта турлари ёки шартномалар бўйича улардан ҳисобланадиган суғурта бадалларини суғурта ва суғурта ўрнини тўлдириш суммаларини ушлаб қолади.

ЗАХИРА ОБОРОТИ — товар захираларини янгилаш жараёни ўзаро боғлиқ иккита кўрсаткич билан характерланади: кунлардаги З.а. ва коэффициент билан З.о. Кунлардаги З.о. кунлар сонини кўрсатади, кунлар сони давомида захира тўла оборот қилинади ёки янгиланади ва захираларнинг ўртача миқдорини (қийматини) омборлардан олинган товарларнинг ўртача кунига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Коэффициент билан З.о. вақт бирлиги ичида (одатда йил) захиралар неча марта тўлиқ оборот қилишини кўрсатади ва кўрсатилган даврдаги кунлар сонини кунлардаги З.о.га бўлиш йўли билан ҳисобланади. Ишлаб чиқариш захираси оборот коэффициентини ҳисоблашда ҳисобот даврида табиий ёки қиймат инфодасида истеъмол қилинган бир ёки бир неча материал турларини ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи фойдаланилади.

Товар захиралари оборот коэффициентини ҳисоблашда ҳисобот даврида натурал ёки қиймат ифодасида реализация қилинган ёки ортиқ юборилган маҳсулот кўрсаткичи фойдаланилади. 3.о. коэффициентни қанча юқори бўлса, мавжуд ишлаб чиқариш ҳажми ёки реализация қилинган товарларни таъминлаш учун улардан шунча кам талаб қилинади. Бу кўрсаткич кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблашда ва оборот маблағларини меъёрлашда фойдаланилади.

ЗАХИРАДАГИ МАБЛАҒЛАРНИ ИММОБИЛИЗАЦИЯЛАШ — материал захираларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган билвосита харажатлар (талафотлар, зарарлар). Захирага қўйилган молиявий маблағларни чалғитиш ва “музлатиш” билан тақозо этилади. 3.м.и. боғлиқ талафот миқдори агарда захирадаги чалғитилган маблағлар ҳўжалик оборотида бўлганда олиши мумкин бўлган фойда суммаси билан оборотни тезлаштиришга, захираларни нисбатан қисқартиришга (сотиш ва истеъмол қилиш ҳажмлари билан таққослаганда) ҳаракат қилиш зарур. 3.м.и. боғлиқ талафот суммасини захираларни жойлаштиришнинг таққосланадиган вариантларини баҳолаш ва улардан энг оптималларини танлашда ҳисобга олиш лозим. Бунда захирадаги маблағларни чалғитиш вақти ва музлатилган маблағларнинг умумий суммаси белгиловчи пайтлардан бири ҳисобланади.

ЗЕЛЁНАЯ КАРТА — автотранспорт воситалари эгаларининг суғуртани қоплаш гражданлик масъулиятини ўзаро тан олиш ва халқаро транспорт йўлида вужудга келувчи зарарларни тартибга солиш бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим.

ЗЛАТНИК — Киев князлигида X аср охири ва XI аср бошларида муомалада бўлган биринчи рус олтин пули.

ЗЛОТЫЙ (пол.) — Польша давлатининг пул бирлиги, 1924 йилда киритилган ва 0,290323 г. соф олтин мазмунига эга бўлган. Аста-секин олдиндан муомалада бўлган пул белгиларини сиқиб чиқарган. Янги олтин мазмунидаги 3. 1950 йил 28 октябрда қонун билан ўрнатилган ва 0,222168 г. соф олтинни ташкил этган.

ЗАМИНДОРЛИК АБСЕНТЕИЗМИ (лот.) — деҳқончилик шакли бўлиб, бунда ер ишлаб чиқариш воситаси сифатида қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш жараёнига қатнашмайдиган, аммо ер рентаси тарзида пул даромади оладиган ё қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этадиган ва ҳўжаликни бошқарадиган махсус менежерни ёлловчи мулкдордан ажратилган. 3.а. жаҳон амалиётида кенг тарқалган. Масалан, АҚШда 60-йилларда унинг улуши барча ижара ҳақи суммасининг 70 фоизи ва ижарага бериладиган ернинг учдан икки қисмини ташкил этган.

ЗОНАЛАШТИРИШ (*грек.*) — яратилиш жараёни ва аниқлов ҳудудлари билан тақозо этиладиган қўшма тадбиркорликнинг юқори ривожланган шакли — регионал рағбатлантириш ва чет эл капиталини жалб этиш, бошқариш тажрибаси, технологиялар ва юқори фан-техника, тижорат ва рақобатга чидамли экспорт учун тайинланган маҳсулотни яратиш преференциал тартибини киритиш орқали жаҳон ҳўжалик алоқаларига актив киришнинг ҳар хил шакллари, турлари ва хилларининг махсус иқтисодий зонаси (МИЗ).

ЗОНТИК БАҲО — ишлаб чиқариш ёки савдонинг маълум тармоғидаги лидер фирма томонидан ўрнатилган баҳонинг белгиланган даражасини қўллаб-қувватлаш. З.б. одатда маълум тармоқдаги кўпчилик корхоналар томонидан қўллаб-қувватланади. Бундай қўллаб-қувватлашнинг усуллари ҳар хил, шулардан энг кўп тарқалганлари асосий ишлаб чиқарувчи тармоқлар томонидан ўз таклиф миқдорини “лидер” баҳони мунтазам таъминлашга етарли тартибда солишдан иборатдир.

И

ИГНОРАНЦИЯ — латинча сўз бўлиб, кенг маънода “беҳабарлик, билмаганлик, билимсизлик” сифатида таржима қилинади.

ИЕНА — Япония пул бирлиги. *И.* кумуш ва олтин танга пуллари 1869—1871-йилларда босиб чиқарилди. 1897-йил октябрида *И.* олтин мазмуни 0,750 г. соф олтинга тенг бўлган. Ҳозирги вақтда *И.* энг нуфузли халқаро валюталар жумласига киради.

ИЕРАРХИЯ (*грек.*) — координацияга эришиш усули бўлиб, бунда барча индивидуал ҳаракатлар марказий ҳокимият инструкциясига бўйсунган бўлади.

ИЕРАРХИК СТРУКТУРА (*грек., лот.*) — кўп даражали бошқариш ва ҳар бир даражада унчалик катта бўлмаган бошқариш ҳажми билан характерланадиган ташкилий тузилма.

ИЖАРА (*пол., лот.*) — ҳўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган шартномада кўрсатилган мулкка муддатли ва ҳақини тўлаш билан эга бўлиш ҳамда фойдаланиш. *И.* халқ ҳўжалигининг барча тармоқларига ва мулк объектининг ҳар қандай шаклига рухсат этилади. *И.* қуйидагиларга берилиши мумкин: а) ер, бошқа табиий ресурслар; б) айрим бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, ашёлар, бошқа материал қийматликлар.

Ижарага бериш мулкдорга, шу жумладан, чет эл юридик ва жисмоний шахсларга бовлиқ. Ижарага ушбу функцияни бажаришга мулк эгаси ваколатини олган ташкилотлар ҳам бериши мумкин. Ижарага берувчилар мамлакат ва чет эл юридик ҳамда жисмоний шахслар, қўшма корхоналар ва халқаро ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин.

Ижарага берувчи ва ижарадор муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат — бу томонларнинг ўз хоҳиши ва тенг ҳуқуқлиги асосида тузилган ижара шартномасидир. Шартномада ижаранинг шартлари, ижара муддати ва ижара ҳақи белгиланган бўлади.

ИЖАРАГА БЕРУВЧИ (*арендодатель*) — ишлаб чиқариш шарт-шароитлари эгаси, уларни маълум ҳақ тўлаш шарти билан вақтинчалик фойдаланишга бериш.

ИЖАРАДОР (*арендатор*) (*лот.*) — унга тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш воситаларини даромад олиш мақсадида маълум шартлар билан вақтинчалик фойдаланишга олувчи одам (ёки кооператив).

ИЖАРА КОРХОНАСИ — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил ҳўжалик субъекти бўлиб, меҳнат коллективи томонидан ижарага олинган маблағдан, ускуна ва иншоотдан, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, иш бажаради, хизматлар кўрсатади ва ижара тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқ фаолият қилади.

ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ — бу икки шаклда амалга оширилади: ҳўжалик (корхона) ижараси ижарадорларга юридик шахс ҳуқуқини бериш, фаолият турларини ва ишлаб чиқариш структурасини танлаш, асосий воситаларни сотиб олиш ёки ижарага олишни, маҳсулотни мустақил реализация қилишни, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда унга баҳо ўрнатишни, ер ва ўзи ишлаб чиқариш воситаларини узоқ муддатли ижарага бериш, айирбошлаш ёки ерни иккиламчи ижарага бериш, иш кучини вақтинчалик жалб этиш ва ёллашни кўзда тутати. Ички ҳўжалик ижараси ўз моҳиятига кўра *И.м.* айрим элементларидан фойдаланадиган ҳўжалик ҳисобининг янгиланган шакли ҳисобланади. Ички ҳўжалик ижараси — бу маълум иш ҳажмини бажариш учун ходимларни ёллашдир. Ижара — бу мулкни ёллашдир. Демак, ҳўжалик ижараси бир неча мулкдорни, ички ҳўжалик ижараси эса битта мулкдорни кўзда тутати. Ҳўжалик ижараси мулкни реализация қилиш шакли бўлса, ички ҳўжалик ижараси эса меҳнатни ташкил этиш шаклидир. Ҳўжалик ижаранинг кўплаб турлари (шакллари) учрайди, улардан фақат қонун доирасида фойдаланиш мумкин.

ИЖАРА ПУДРАТИ — айрим ходимлар, жамоалар, бўлинмалар, корхона ичидаги ҳар хил мақомдаги ходимлар гуруҳи

меҳнатини ташкил этиш ва ҳақ тўлаш сифатида аниқланади. Бундай жамоалар ёки гуруҳлар корхона маъмурияти билан ижара шартномаси асосида ишлайди. Шартномага кўра, улар ички хўжалик баҳоси ва тарифи бўйича маҳсулот ёки хизматларни келиш-кўлласи ва корхонага сотиш мажбуриятини оладилар. Келишилган ҳажмдан ошиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлардан ижара жамоаси мустақил фойдаланади. Ижарага берувчи ва ижарадор ижара муносабатлари иштирокчилари ҳисобланади.

ИЖАРА ҲАҚИ — ижарага олинган мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ.

И.х. ҳажми, муддати ва бошқа тўлов шартлари ижарадор ва ижарага берувчи ўртасидаги шартномада кўзда тутилган бўлади.

И.х. ижарага берилган мулк қийматидан амортизация ажратмаларини ўз ичига олади. Ер ва бошқа табиий ресурслар ижарага берилганда амортизация ажратмалари ҳисобланмайди. *И.х.* кировчи амортизация ажратмалари ижарага берилган мулкни такрор ишлаб чиқариш бўйича томонлар мажбуриятларини ижара шартномасида ўрнатилган тақсимлашга қараб аниқланади. *И.х.* ижарага берилган мулкдан ижтимоий зарурий мақсадда фойдаланганлик учун олинган фойданинг (даромаднинг) бир қисmini ўз ичига олади. Бу шартномада кўрсатилган даражадан (банк фоизидан) кам бўлмаслиги керак. Банк фоизи ҳажми ижара муддатига боғлиқ бўлади ва шартномада кўрсатилган бўлади. Ижара шартномаси тузганда баланسدан то қолдиқ қийматга қадар бўлган доирада ижара мулки реал қийматини аниқлаш учун баҳолаш комиссияси тузиш тавсия этилади.

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ — ижарага берувчи билан ижарадор ўртасидаги муносабатни тартибга солувчи ҳужжат. У томонларнинг ўз ихтиёрийлиги ва тўла тенг ҳуқуқлиги асосида тузилади. *И.ш.*да ижарага бериладиган мулкнинг тартиби ва қиймати, ижара ҳақи ҳажми, ижара муддати, ижарага берилган мулкни тўла тиклаш ва тузатиш бўйича томонларнинг мажбурияти тақсимланади, ижарага берувчининг ижарадорга ижарага берилган мулкни шартнома шартларига мос ҳолатда бериш мажбурияти, ижарадорнинг мулкдан шартнома шартларига мос равишда фойдаланиш мажбурияти, ижара ҳақини тўлаш ва шартнома тўхтатилгандан кейин мулкни шартномада келишилган ҳолатда ижарага берувчига қайтариш кўзда тутилган бўлади.

ИЖДИВЕНЦЫ — бошқа шахслардан улар учун асосий яшаш воситалари манбаи ҳисобланган тўлиқ моддий таъминот оладиган шахслар. *И.* нафақа таъминоти соҳасида, улар унинг қарамоғида бўлган шахснинг ўлимига сабаб бўлган зарарни қоплаш тўғрисидаги масалаларни ечишда маълум ҳуқуқларга эга; *И.*

мавжудлиги айрим нафақа турларини ва компенсацияларни тўлашда ҳисобга олинади.

ИЖТИМОЙ ЗАРУР МЕХНАТ — ишлаб чиқариш шароитлари ижтимоий нормал, ходимлар маҳорат ва малакаси, меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнат интенсивлиги ўртача бўлганида товар ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат. Бундан ташқари, айтиб бериш билан товарнинг асосий кўпчилигини ишлаб чиқарувчи корхоналарда маълум товарни ишлаб чиқариш учун кетган меҳнат миқдори ҳам ҳисобга олинади.

ИЗОКВАНТА — ҳар хил харажатларнинг уйғунлашувини ифодаловчи чегара, бунда белгиланган маҳсулот ҳажми ишлаб чиқарилиши мумкин.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ПОТЕНЦИАЛ — мамлакат илмий-техникавий тараққиёт вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган кадрлар, моддий-техникавий, ахборот ва ташкилий ресурсларнинг жами.

ИККИЛАМЧИ БОЗОР — дастлабки кредитор ва қарздор бўлмаган шахслар ўртасидаги қимматбаҳо қоғозлар муомаласи; иккиламчи савдо банклари ва ихтисослашган фирмалар томонидан қўллаб-қувватланади.

“ИККИЛАМЧИ” ИЖАРА ЁКИ СУБИЖАРА — ижарага берилган мулкнинг бир қисmini учинчи шахсга ижарага бериш, бунда ижарадорнинг ўзи ижарага берувчи ролда чиқади. Аммо С. низом билан чекланган бўлади. Чунки низомда бу корхона ишлаб чиқариш иқтисодий потенциалининг камайишига олиб келмаслиги ёзилган бўлади. Бу мулкни С. бермаслик ва шу йўл билан меҳнатсиз даромадларнинг олдини олиш билан боғлиқ.

“ИККИНЧИ БОЗОР” — биржадан ташқари бозор, бунда биржада рўйхатдан ўтмаган қимматли қоғозлар билан операциялар амалга оширилади.

ИККИ МАРТА ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН ОБЛИГАЦИЯЛАР (УМУМИЙ ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН ОБЛИГАЦИЯЛАР) — гаровга қўйилган облигация тури. Шулар бўйича даъво биринчи гаров эгаси билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин, аммо бошқа инвесторлар билан ҳисоб-китоб қилинганга қадар қондирилади. *И.м.г.қ.о.* биринчи гаровга қўйилгандан кейин иккинчи ўринда туради, одатда энг юқори фоиз келтиради. *И.м.г.қ.о.* биринчи гаровга қўйилганлар муомалада бўлганда жойлаштирилади.

ИММИГРАНТЛАР (*лот.*) — сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа сабаблар таъсирида бир давлат фуқаросининг бошқа давлатга доимий яшаш учун кўчиб бориб жойлашиши. Ривожланган Ғарбий Европа мамлакатларида иш кучи иқтисодий иммиграцияси кенг қулоч ёймоқда.

ИМИЖ (лот.) — шахснинг реал ёки кўриниш тасавури, қиёфаси, у тўғрисида ахлоқий усул, тасаввур. Одатда, ютуқлари обрўсига, эришилган ҳурмат ва кўнлаб кишилар ишончига боғлиқ бўлган жамият арбобларига маълумотнома бериш ва муносабатни ифодалаш учун фойдаланилади. *И.* стихияли ташкил этилиши мумкин, аммо кўпроқ оммавий кўнлаб-кувватлашдан манфаатдор бўлган кишилар ўз *И.* устида онгли равишда ишлайдилар, тез-тез консультантлар (психологлар, режиссёрлар, реклама бўйича мутахассислар) хизматига мурожаат қиладилар ва танлаган ролларида юқори усталик маҳоратига эришадилар. *И.* ифодаловчининг ютуғи кўп томондан иррационал омиллар билан белгиланади, унинг ўз образи, ахлоқий усули онгли равишда манипуляция этишни инкор этмайди. Ишбилармон одам учун ҳар доим ишончлилик, қатъиятлилик, ўзини йўқотмаслик ва шу билан бир қаторда кўнгилчанлик, очиқ чехралилик, одамлардан бегоналашиб кетмаслик фазилатлари биринчи ўринда бўлмоғи лозим. Ўзининг гангиб қолмаслиги, ёмон кайфиятини, ғазабланганлигини билдирмасликни ўрганиши керак. Тақлид қилиш учун қандайдир ахлоқий кўринишни танлаш мумкин. Аммо ошириб юбормаслик керак, энг ҳалокатлилик — нотабиий, қалбаки бўлиб кўринишдир.

ИМИЖ РЕКЛАМА (лот.) — ташқи савдо рекламасининг ихтисослаштирилган фирмаси. Ташқи иқтисодиёт рекламасида 30 йиллик тажрибага эга 60 мамлакатда фирма агентликлари, 23 мамлакатда реклама ахбороти бюроси, 13 мамлакатда намойиш заллари мавжуд. Имиж фирма ва фирма стилининг барча тизими график қатори концепцияси ишлаш, нуфузли босма рекламани ишлаш ва яратиш, реклама тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ҳар хил хизматлар кўрсатади.

ИМИТАЦИЯ (лот.) — вазиятнинг қандай реал ўзгаришини тушуниш мақсадида реал вазият моделини ишлаш ва экспериментларни бажариш жараёни.

ИММЕННИК — нодир металллардан буюм тайёрловчи корхона тамғаси.

ИММИТАЦИОН ЛАГ (инг.) — мавжуд соҳада мамлакатлардан бирининг технологик устунлик олиш ва шу босқичда бошқа мамлакат томонидан муваффақиятли такрорланиши ўртасидаги давр вақти. Шундай даврнинг биринчи босқичи талаб лаги деб аталади, бу янги товарни олишга аниқ ифодаланган эҳтиёж вужудга келмагунча давом этади, кейин иккинчи босқич бошланади.

ИММОБИЛИЗАЦИЯ (лот.) — ҳаракатдаги капитални ҳаракатсиз, оборот капиталини оборотсиз капиталга айлантириш.

ИММОБИЛИЗАЦИЯ КАПИТАЛИ (лот.) — оборот капитални асосий капиталга айлантириш.

ИММУНИТЕТ (лот.) — халқаро ҳуқуқдаги маълум ҳуқуқлар ва имтиёзлар мажмуаси. Феодал ҳуқуқда *И.* феодалнинг ўз ерларида марказий ҳокимият вакиллариининг аралашувисиз давлат функцияларини (суд, солиқ йиғиш, полиция назорати) амалга ошириш ҳуқуқи ҳисобланган.

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ (лот.) — давлат томонидан халқаро-ҳуқуқий меъёрларни амалга оширилиши ва бажарилиши. *И.* методлари ва воситаларини ҳар бир давлатнинг ўзи аниқлайди.

ИМПЕРАТИВНЫЙ (лот.) — ҳуқуқий амалиётда — сайловга йўл қўймайдиган фармон.

ИМПИЧМЕНТ (инг.) — қатор мамлакатларда олий вазифадор шахсларнинг жиноятлари тўғрисида жавобгарликка тортиш ва ишларни судда қўришнинг махсус тартиби. *И.* тўғрисида қарор парламент иштироки билан қабул қилинади. Биринчи марта *И.* Англияда XIV асрнинг охирида олий вазифадор шахслар тахтини айблаш учун пайдо бўлган.

ИМПРЕСАРИО (итал.) — айрим мамлакатлардаги хусусий тадбиркор; унинг номидан ҳаракат қилувчи, унинг учун контрактлар тузувчи қандайдир артистнинг агенти.

ИМПОРТ (инг., лот.) — импортёр — мамлакатлар ички бозорида реализация ва таклиф қилиш учун чет элдан олиб келинган товарлар, технологиялар ва капиталлар; чет эллик шериклардан ишлаб чиқариш ёки истеъмол учун тўлаш шарти билан хизматлар олиш.

ИМПОРТ БИТИМИ (инг.) — товарлар ёки хизматларни харид қилиш, бу мавжуд мамлакат айрим шахслари, фирмалари ва ҳукуматидаги чет эл валютаси миқдорини қисқартиради.

ИМПОРТ БОЖЛАРИ (инг.) — давлат молия ресурсларини тўлдириш ва ички бозорга тушувчи чет эл товарлари оқимлари ҳажмини тартибга солиш мақсадида мамлакатга олиб келинадиган хорижий маҳсулотлар учун давлат чегарасида ундириб олиннадиган тўловлар.

ИМПОРТ ДЕПОЗИТИ (инг.) — импорт шартлари ва тартибини бузган ва четдан келтирилган маҳсулотдан, айниқса, машиналар ва ускуналардан махсус банк счётига мажбурий тўлов санкцияси сифатида фойдаланган импортёрларга иқтисодий санкция шакли.

ИМПОРТ КВОТАСИ (инг.) — 1) Мамлакатга келтириладиган айрим товарларни нотариф миқдорий (қиймат ёки натурал) чеклаш усуллари; 2) Умуман, миллий хўжалик ҳамда айрим тармоқлар ва ишлаб чиқариш учун ҳар хил маҳсулот турлари бўйича импортнинг аҳамиятини характерловчи иқтисодий кўрсаткич, қиймат ёки натурал ифодасида ҳисобланади.

ИМПОРТ ТАРТИБГА СОЛИШ — миллий иқтисодий манфаатларини кўзлаб мамлакатга товарлар ва хизматлар олиб келишни тартибга солишга йўналтирилган тариф ва нотариф характердаги чора-тадбирлар тизими.

ИМПОРТ ҚИЙМАТИ — товарлар импортидаги валюта харажатлари суммаси, яъни товар импорт қилинганлиги учун туланган валюта баҳоси ва валютада импорт билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (комиссион, транспорт ва ҳ. к.). *И. қ.* кўрсаткичи самарали импорт ҳисоб-китобида фойдаланилади.

ИМТИЁЗЛИ КУНЛАР — пул ўтказиш векселида ёки қарздорлик мажбуриятида кўзда тутилган ўша вақтда қўшимча туловни амалга ошириш учун пул ўтказиш вексели акцептантга ёки тратталарга, ёхуд қарздорлик мажбурияти олган шахсга бериладиган кунлар.

ИНАУГУРАЦИЯ (*лот.*) — давлат бошлиғининг тантанали равишда вазифани адо этишга киришиши.

“ИНАУДИТ” — УЧЁТ — молия фаолияти соҳасида таҳлил ва консултация бўйича мамлакат молия тизимидаги ҳўжалик ҳисоби акционер жамияти. Қўшма корхоналар ва ташкилотлар ҳисоби ва молиявий ҳисоботи устидан назоратни амалга ошириш, тегишли масалалар бўйича консултациялар, аудиторлик хизматлари кўрсатиш *И.* вазифалари ҳисобланади.

ИНВАЛИДАЦИЯ — қонуний кучдан маҳрум бўлиш, беқор қилиш.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ (*лот.*) — бирлашма, корхона, ташкилот, муассаса балансида турувчи мавжуд қийматликларни, уларнинг яхши ҳолдалиги ва тўғри сақланиши, маблағлар олиш мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳамда омбор ҳўжалиги юритиш ва мавжуд ҳисобнинг реаллигини вақти-вақти билан текшириш.

ИНВЕНТАРЬ РЎЙХАТИ (*лот.*) — предметларнинг миқдор ва сифат ҳамда уларни баҳолашни белгилашни кўрсатиш билан қандайдир ҳўжалик, муассаса, корхона мол-мулкнинг муфассал рўйхати. *И. р.* тузиш алоҳида қоидалар асосида махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР (*нем., лот.*) — халқ ҳўжалигининг ҳар хил тармоқларидаги харажатларга узоқ муддатли капитал солиш (мамлакат ичида ёки чет элда). Хусусий инвестициялар тўлиқ фойда олиш вазифасига қаратилган бўлади; давлатники эса фойда олиш ва иқтисодиётни тартибга солиш мақсадини кўзлаб амалга оширилиши мумкин. Давлат *И.* солиқлар, давлат корхоналари фойдаси, пул эмиссиялари ёки ҳукуматнинг ички ва ташқи заёмларини чиқариш орқали молиялаштирилади. Хусусий маблағларининг молиявий манбаси бўлиб компаниянинг ўз маблағлари (тақсимланмаган фойда, қисман амортизация ва бошқа фондлар), ташқаридан жалб этилган маблағлар, акциялар, об-

лигациялар, бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлар ҳамда узоқ муддатли кредитлар ва заёмлар хизмат қиладди. Иқтисодиётнинг қандайдир тармоғига солинган реал ва молиявий *И.* фарқ қиладди. Реал капиталнинг ошиб бориши реал *И.* натижаси ҳисобланади (бинолар, ускуналар, товар-материал захиралари ва ҳ. к.). Молиявий *И.* — акцияга, облигацияга, бошқа қимматбаҳо қоғозларга солинган капиталдир (хусусий ёки давлат). Иккинчи ҳолатда реал капиталнинг ўсиши юз бермайди, унинг моҳияти мулк титулини сотиб олишдан иборат (ер ва бошқа кўчмас мулкларни сотиб олганда ҳам шундай ҳолат юз беради). Шунга ўхшаш барча битимларда трансферт операциялари рўй беради.

Инвестициялар даражаси анчагина ўзгариб туради ва тизим ўсиши элементлари динамикаси ҳамда қатор бошқа нойқтисодий омилларга боғлиқ бўлади; техника тараққиёти ўтказиладиган давлат сиёсати характери ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Эркин тадбиркорлик шароитида жами инвестицияларнинг автоматик регулятори йўқ, шу сабабли ёки инфляцияни келтириб чиқарувчи ҳаддан ташқари инвестициялаш ёки дефляция, талафот ва ишсизликка олиб келувчи етарли бўлмаган инвестициялаш мунтазам тенденция пайдо қиладди. Шу сабабли *И.* ва иқтисодий ўсишни тартибга солишда солиқлар соҳасида, давлат харажатлари ҳамда пул-кредит соҳасида обдан ўйланган давлат инвестиция сиёсати зарур.

ИНВЕСТИЦИЯ БАНКЛАРИ (*нем., фр.*) — ҳар хил корхоналар ва кўплаб тармоқларни молиялаш ва узоқ муддатли кредитлашга ихтисослашган банклар. Одатда, банк томонидан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, яъни қимматбаҳо қоғозларга пул қўйишни амалга оширувчи молиявий инвестициялар ва капитални саноатга, қурилишга, қишлоқ хўжалигига, яъни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари объектига солиш орқали амалга ошириладиган “реал” инвестициялар фарқ қиладди.

ИНВЕСТИЦИЯ ДИЛЕРИ (*нем.*) — ушбу фирма билан боғлиқ бўлган фирма ёки айрим шахс, қимматбаҳо қоғозлар бозорида воситачилик билан шуғулланади. *И. д.* дилер ролида чиқади ва андерайтингни, яъни қайта сотиш мақсадида уларнинг эгаси бўлиш учун барча янгидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар ёки унинг қисмига обунани амалга оширади. Унинг иккинчи муҳим функцияси қимматбаҳо қоғозларнинг иккинчи муомаласига хизмат қилишдир, бунда у брокер ролини бажаради, яъни мукофот олиш учун мижознинг топшириғига биноан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади ва сотади, аммо уларнинг эгаси бўла олмайди. *И. д.* принципал ролида ҳам чиқади, яъни баҳони барқарорлаштириш мақсадида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади ва сотади.

ИНВЕСТИЦИЯ ИНСТИТУТИ (нем., лот.) — ўз фаолияти-ни асосий фаолият сифатида қимматли қоғозлар билан амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси қонунига мос равишда тузилган ҳуқуқий шахс.

ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ (нем., фр.) — ўз қимматбаҳо қоғозлари эмиссияси орқали хусусий инвестор пул маблағларини тўловчи ва уларни ўз мамлакати ҳамда чет эл корхоналари ва облигациясига жойлаштирувчи турли хил молия-кредит институтлари. *И. к.* капитал бозорида инвестиция инвесторлари сифатида чиқади. Инвестиция банкларига ўхшаш улар ҳам қарздор ва индивидуал инвестор ўртасида оралиқ ҳолатни эгалдайди, аммо индивидуал инвесторнинг манфаатини ифодалайди. Холдинг компаниядан фарқ қилиб *И. к.* корпорациялар фаолияти устидан назоратни амалга оширмайди.

Пассивларни ташкил этиш методига боғлиқ ҳолда *И. к.* иккита асосий гуруҳга бўлинади: 1) “ёпиқ хили”, бу қайд этилган акционер капитал бўлиб, уларнинг акциялари бозорда котировка қилинмайди ва компанияни тугатиш пайтига қадар қопланмайди; 2) “очиқ хили”, бу доимо ўзгариб турувчи капиталга эга, яъни уларнинг акциялари *И. к.* активлари жорий бозор қийматига мувофиқ баҳолар бўйича компаниянинг ўзи томонидан эркин сотилади ва сотиб олинади.

ИНВЕСТИЦИАВИЙ ЛИМИТ (нем., лот.) — инвестициялар бўйича маъқул минимал даромад. Компаниялар кўпинча шундай чегара ўрнатади ва фақат уларга ҳисоб-китоб минимумидан ошиқча даромад келтирадиган лойиҳаларни реализация қилишга киришади.

ИНВЕСТИЦИЯ СЕРТИФИКАТИ (нем., фр.) — маълум даромад олишга ҳуқуқ берувчи қимматбаҳо қоғозларнинг махсус фондида (инвестиция фондида) ҳиссаси (қатнашиш) тўғрисида гувоҳнома. *И. с.* қатъий фонзли қимматбаҳо қоғозларга ҳам, акцияларга ҳам ўтказилмайди. *И. с.* баҳоси инвестициявий фондга киритилган акциялар ва облигациялар талаби ўзгариши натижасида ўзгаради. Ҳар куни *И. с.* баҳолари фонд қийматини *И. с.* сонига бўлиш йўли билан аниқланади. *И. с.* унчалик кўп бўлмаган биржаларга рухсат берилган (масалан, Нью-Йорк, Лондон, Цюрих).

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ — иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида капитал маблағлардан фойдаланиш йўналишларини белгилайдиган халқ ҳўжалигининг қулай йўли ва ечими. *И. с.* у ёки бу босқичда ечиладиган иқтисодий, фан-техника, технология ва социал масалаларнинг мазмунига боғлиқ бўлади.

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ — инвестицияларни реализация қилиш бўйича давлат, юридик шахс ва гражданлар амалий ҳаракатлари мажмуи.

ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ — бошқа компаниялар учун қимматбаҳо қоғозларга капитал солган компаниялар. *И. ф.* ни очик типдаги ҳар қандай акционер жамият тан олади, бу бир вақтнинг ўзида ўз акциялар эмиссияси ҳисобидан маблағларни жалб этишни, маблағларини бошқа эмитентлар қимматбаҳо қоғозларига инвестициялашни, қимматбаҳо қоғозлар билан савдо қилишни ўз ичига олувчи фаолиятни амалга оширади, қиймати 30 фоиз ва бир календарь йилнинг тўрт ойи давомида унинг жами активлари умумий қийматидан кўпроқ инвестицияланган қимматбаҳо қоғозларга эга бўлади.

И. ф. фақат лицензия олгандан кейин ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга (қимматбаҳо қоғозларни чиқариш, сотиб олиш ёки сотиш, уни реклама қилиш ва акцияларни сотиш тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилиш).

И. ф. фақат очик турдаги акционер жамият шаклида ташкил этилади. Очик турдаги *И. ф.* талабнинг ўсиши билан узлуксиз акциялар чиқаради ва инвесторларга улардаги эскиларини сотиб олиш орқали ўзининг янги акцияларини сотади ҳамда фойдани бошқа компаниялар қимматбаҳо қоғозларига қўяди. Бир вақтларда чиқарилган ёпиқ турдаги *И. ф.* акциялари кейинчалик эркин айланади, аммо чиқарилмайди, янги акциялар чиқариш камдан-кам қабул қилинади.

ИНВЕСТИЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ — халқаро муносабатлар кўриниши бўлиб, унинг мақсади ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимоотида устун даражада иштирок этишдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш технология структурасини янгилаш ҳисобидан иқтисодиётда давлатлар томонидан энг юқори натижаларга эришишдан иборат.

И. х. тушунчаси икки маънода қўлланилади: кенг маънода — бунда у инвестицияларнинг учта турини ҳам ўз ичига олади; тор маънода — бунда инвестиция хилларидан фақат биттаси кўзда тутилади.

ИНВЕТОР (*инг.*) — ўз маблағлари, заём ва бошқа жалб қилинган маблағларни ҳамда интеллектуал қийматликларни инвестиция лойиҳасига солиш учун қарор қабул қилувчи ва амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахс. *И.* омонатчи ва кредитор ролида чиқиши мумкин. У амалга ошириладиган инвестициялар ҳажмини, йўналишларини ва самарадорлигини мустақил аниқлайди. *И.* кўрсатмаси бўйича қонунда ўрнатилган тартибда инвестициялар ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва кўрсатма бериш ҳуқуқи жисмоний ва юридик шахсларга берилиши мумкин. *И.* реинвестицияларни ҳам қўшиб инвестициялар амалга ошириш объектлари ва натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва кўрсатма бериш ҳуқуқига

эга. *И.* фарқ қилган ҳолда спекуляция мўлжал қилинган таваккалчиликка, ўйинчи эса ҳар қандай таваккалчиликка боради.

И. энг аввало кўп йиллар фаолият қилиб келаётган номдор йирик компанияларга йўналтирилган бўлади. Аммо бу компаниялар жамият ташаббускор тadbиркорларининг бир қисмини билдиради. Улар билан бир қаторда ҳозирги капиталистик иқтисодиётда товарлар ва хизматлар ҳажмининг катта ҳиссасига тегишли бўлган янги фирмалар вужудга келади ва фаолият қилади. Уларнинг хўжалик фаолиятидаги рағбатлантирувчи роли нафақат катта аҳамиятга эга, балки моҳиятига кўра бу унинг асоси, оқибат-натижада эса ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш асоси ва миллий ривожланиш омили ҳисобланади.

Қимматбаҳо қоғозлар янги бизнеснинг ифодаси ҳисобланади. Улар номдор компаниялар ва банклар қимматбаҳо қоғозлари билан бир қаторда бозорни тўлдиради.

ИНВЕСТОРЛАР МАҚСАДИ — ўз жамғармаларини қимматли қоғозларга жойлаштириб, қуйидаги мақсадларга эришишга интилувчи инвесторлар: маблағларнинг хавфсизлиги; маблағларнинг даромадлилиги; маблағларнинг ўсиши; маблағларнинг ликвидлиги.

ИНДЕКС (*лот.*) — иқтисодиёт ва унинг динамик ҳолатини статистик ўрганиш учун фойдаланадиган айрим ёки умумий иқтисодий параметрларнинг ўсиш ёки пасайиши нисбий кўрсаткичи. Баҳо индекси — баҳонинг умумий (ўртача) ёки айрим товарлар гуруҳи баҳолари нисбий ўзгариш даражасини ифодаловчи индекслардир. Бу *И.* умуман, мамлакат, унинг регионлари, ички бозор секторлари бўйича ҳисобланади. Бундан ташқари, жаҳон баҳоси *И.* ҳам аниқланади.

Турмуш даражаси *И.* моддий фаровонлик даражаси, аҳоли ҳар хил категорияларининг социал ва маданий ҳаёти шарт-шароитлари нисбий ўзгаришини ифодалайди (миқдоран). Бу айниқса, инфляциялар ва баҳолар ўсиши шарт-шароитларида актуал ҳисобланади. Жаҳон амалиётида тирикчилик қиймати *И.* ўртача истеъмолчи бюджетига кирувчи ва тирикчилик қийматини ташкил этувчи махсус товарлар набори ва хизматлари чакана баҳолари *И.* кенг фойдаланилади.

ИНДЕКСАЦИЯ (*инг.*) — истеъмолчилик баҳоси ошиши муносабати билан фуқаролар пул даромадлари ва жамғармалари кўпайишининг давлат томонидан ўрнатилган механизми. *И.* мақсади фуқаролар пул даромадлари ва жамғармаларини сотиб олиш қувватини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. *И.* уйғунлаштирилиши, айрим ҳолатларда эса аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа методлари билан алмаштирилиши мумкин (меҳнат ҳақи, нафақа ҳажмлари, социал ёр-

дам даражасини қайта қуриш). Фуқаролар даромадлари сотиб олиш қувватларини қўллаб-қувватлаш механизмига киритиладиган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли йил учун бюджет тўғрисидаги қонунни тасдиқлашда кўриб чиқилади. *И.* га қўйидагиларни киритиш мумкин: корхона ходимларининг иш ҳақи, улар томонидан ишлаб чиқиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларга баҳони мустақил белгилайдиган муассасалар ва ташкилотлар, давлат нафақалари, стипендиялар, социал ёрдамлар (болалар билан биргаликда оила, ишсизлик, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ҳ. к.), мамлакат жамғарма банкига қўйилган омонатлар, давлат заёмлари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари, давлат суғуртаси ташкилотидаги бадаллар. Фуқаролар пул даромадлари ва жамғармалари *И.* учун озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари ҳамда пуллик хизматларга истеъмоллилиқ баҳоси индекси фойдаланилади. Истеъмоллилиқ баҳоси ўзгариши устидан кузатишни республика ва маҳаллий статистик органлари таркибида фаолият қилувчи махсус давлат хизмати амалга оширади.

ИНДЕКС “уилшир — 5. 000” (*инг.*) — Америка бозорлари бўйича нашр қилинган акциялар баҳолари ҳаракатининг энг репрезентатив кўрсаткичи; Нью-Йорк ва Америка фонд биржаларида ва биржадан ташқари оборотда (5. 000 атрофида) котировка қилинадиган барча корпорация акциялари қийматини (млрд. долл.) ифодалайди; компания томонидан ҳисобланади.

ИНДЕНТ (*инг.*) — савдо комиссияси шартнома тури бўлиб, бунда комитент учун товарлар шартномасида кўзда тутилган ва комитент кўрсатмаси бўйича уларни белгиланган мамлакатга жўнатиш учун харид қилиш комисионер вазифасига киради.

ИНДЕНТ-АГЕНТ (*инг.*) — олди-сотти бўйича агент, товарларни сотиш бўйича чет элда комисион асосда операцияларни бошқарувчи.

ИНДИВИДУАЛ МЕҲНАТ МУЛКИ — хусусий мулкнинг маълум бир тури бўлиб, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири — мулкдор ва ишловчи — битта шахс бўлади. Индивидуал меҳнат мулкига асосланган ишлаб чиқариш бозорда ишлаб чиқарилган товарларни ва хизматларни олди-сотти орқали истеъмолни қондириш мақсадида юритилади. Индивидуал меҳнат мулкига асосланган корхоналар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Мулк тўғрисида”ги қонуни билан ҳимоя қилинади.

ИНДИВИДУАЛ СУҒУРТА — турли хил шахсий суғурта. Гуруҳ суғуртадан фарқли ўлароқ *И.* с. шартномалари суғурта қилувчи томонидан конкрет жисмоний шахслар билан индивидуал тартибда тузилади.

ИНДИГЕНАТ (индижинат) (*фр.*) — 1. Халқаро шартномалар томонидан кўзда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш; 2. Мавжуд

давлат граждaнлиги; масалан, Франция томонидан собиқ Фран-ция мустамлакалари аҳолисига бериладиган махсус ҳуқуқий ма-қом.

ИНДОССАМЕНТ (жиро) (*нем., лот.*) — вексель, чек ва ҳ. к. ларнинг орқа қисмида ўтказилган ёзув бўлиб, бу ушбу ҳужжат бўйича ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтганлигини тасдиқлайди. Вексель орқасида индоссант имзоси бланкали ўтказиладиган ёзув деб аталади. Агарда у векселни индоссироват қилса, бу куйида-гича бўлади: “Х. у. шахсга тўланса ёки унинг қарори бажарил-са” у ҳолда бу номига берилган — ўтказиладиган ёзув ҳисобла-нади. Ушбу ўтказиладиган ёзувлар ўртасидаги фарқ куйидаги-ни ўз ичига олади. Биринчи ҳолатда индоссатор векселни оддий топшириш йўли билан муомалага киритиши мумкин, иккинчи ҳолатда эса Х. у. шахслар имзоси ҳар қандай кейинга ўтказиш учун зарурдир. Агарда ўтказиладиган ёзувда “фақат Х. у. шахсга тўлансин” деб қўшимча қилинса, унда индоссамент чекланган бўлади ва ҳеч қандай векселнинг кейинги муомаласи мумкин бўлмайди. Векселнинг эгаси ҳар вақт ўтказувчи банк ёзувини номига ёзишга айлантириши мумкин. Бу вексель имзоси устига индоссант кўрсатмаси билан векселни индоссантнинг ўзига ёки қандайдир бошқа шахсга тўлансин деган кўрсатмасини ўтказиш орқали амалга оширилади. Чекланган *И.* ўзгариши мумкин эмас. “Оборотсиз” деган сўз орқали индоссант вексель бўйича ўз масъулиятини истисно қилади. Индоссатор шундай векселни қабул қилишдан эркин воз кечиши мумкин.

ИНДОССАНТ (жирaнт) (*нем.*) — вексель, чек ва ҳ. к. лар орқа томонига ўтказувчи ёзувни бажарувчи шахс.

ИНДОССАТ (*нем.*) — ўтказувчи ёзув бўйича вексель, чек ва ҳ. к. фойдасига пул ўтказадиган шахс.

ИНЖИНИРИНГ — ишлаб чиқариш корхоналари, бирлаш-малар, бозор инфраструктураси объектларини тузиш бўйича муҳандислик хизматлари. Улар дастлабки тадқиқотни ўтказиш, техникавий-иқтисодий асослашни ва лойиҳа ҳужжатлари тўплами тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ускуналардан фойдаланиш ва тайёр маҳсулотни сотиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш каби комплекс ишларни ўз ичига олади.

И. мустақил маслаҳат берувчи (ёки инженер маслаҳатчи) фирмалар ҳамда йирик қурилиш ва саноат фирмаларининг ушбу мақсадлар учун тузилган бўлимлари ва хизматларини бажаради. У ёки бу инжиниринг хизмати кўрсатишга муҳтож бўлган кор-хона мутахассис (инженер резидент) ёки улар гуруҳларини ба-жаришга тегишли бўлган ишларнинг кўлами, мураккаблиги, қийинлиги ва қийматини баҳолаш учун йўналтирадиган тегиш-ли инжиниринг фирмасига мурожаат қилади.

ИНКАССАТОР (*итал.*) — пулларни банкка топшириш учун ташкилотлар, корхоналар ва ҳ. к. пулларни қабул қилишни амалга оширувчи вазифадор шахс.

ИНКАССО (*итал.*) — банк томонидан ҳар хил ҳужжатлар бўйича ўз миждозлари номидан ва ҳисобидан улар томонидан берилган материал ва товар қийматликлари ҳамда воситалари ва кўрсатилган хизматлари учун пул олишни ўз ичига олувчи банк операцияси тури. Бу пул кейин ўз миждозлари счётига ўтказилади.

Ҳужжатларда характери бўйича *И.* соф пул ўтказувчи ва оддий векселлар, чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари *И.* (ҳужжатлар ёки муддатли тижорат ҳужжатлари счётлари, ҳар хил сертификатлар, жўнатилган ва сўғурта ҳужжатлари ва ҳ. к.) ташқи савдо ҳисоб-китоблари нуқтаи назаридан товар ҳужжатлари. *И.* катта қизиқиш уйғотади, бунда экспортёр товарни танлаб жўнатгандан кейин зарур ҳужжатни тўлдиради ва уни банкка *И.* беради. Бунда экспортёр тўлаш учун қачон ҳужжатлар бериш, улар импортёрга тўловга қарши бериладими, агарда импортёр ҳужжатларни сотиб олишдан ёки акцепт беришдан ва бошқа зарур инструкцияларни беришдан воз кечганлиги тўғрисида банкка аниқ инструкциялар беради. Банк экспортёри ўз мухбирига ҳужжатларни юборади, мухбир ва экспортёр томонидан инкассо топширигида кўрсатилган барча шартларни бажариб, уларни импортёрга беради. Шунини айтиш лозимки, банклар фақат воситачилик вазифаларини бажаради. *И.* бажарганлиги учун банклар мукофот оладилар. *И.* бажариш тартиби халқаро савдо палатаси томонидан нашр этилган қоидалар бўйича тартибга солинади, кўплаб жаҳон тижорат банклари ушбу қоидаларга риоя қиладилар.

ИНКАССИРОВАТЬ (инкассо ишларини олиб бормоқ) (*итал.*) — банк тўлашга ҳужжатлар кўрсатади ва ўз миждозлари номидан тўлашга мўлжалланган пул қарзини олади.

ИНКОРПОРАЦИЯ (*лот.*) — 1. Умумий ҳуқуқий мамлакатлардаги (асосан, АҚШда) юридик шахс сифатидаги (корпорация) жамият ёки муассаса рўйхати. Бундай рўйхат махсус ҳужжат-инкорпорация сертификати бериш билан яқунланади; 2. Ўз таркибига киритиш, қўшилиш; 3. Давлат қонунларини систематизациялаш, қонунлар мазмунларини ўзгартирмаган ҳолда уларни маълум тартибда жойлаштириш (хронологик, имло, ҳуқуқ тармоқлари бўйича).

ИНКОРПОРАЦИЯ СЕРТИФИКАТИ (*лот., фр.*) — компаниянинг юридик шахс сифатида рўйхат қилиш тўғрисида гувоҳлик. *И. с.* рўйхат қилиш тўғрисида гувоҳлик. *И. с.* рўйхат қилиш чет эл компанияси филиали очилган ҳолатда талаб этилади.

ИНКОТЕРМС (лот.) — жаҳон тижорат амалиётини умумлаштириш асосида халқаро савдо палатаси томонидан нашр қилинган савдо терминларини изоҳлаш бўйича халқаро қоидалар.

ИННОВАЦИЯ (янгилик жорий этиш) (инг.) — ижтимоий (социал) амалиётда катта ўзгаришларни қилувчи турли хилдаги янгиликларни яратиш ва жорий этиш. Социал-иқтисодий, ташкилий-бошқарув ва техник-технологик *И.* фарқ қилади. Инновациявий фаолият инсон омили, қисман, унинг барча ривожланиш босқичларида вужудга келувчи социал-психологик тўсиқларни бартараф этишни ҳисобга олишни талаб этади. Бу фаолиятта ўз манфаати, масаласи ва мақсади бўлган турли социал гуруҳлар (буюртмачилар, бевосита ишлаб чиқарувчилар, тажриба намуналарини тайёрловчилар, макетлар ва ҳ. к.) жалб этилади. Инновациявий фаолият социал-психологик тўсиқларни бартараф этиш қуйидагиларга таъсир этади: 1) қурилмалар, аҳамиятли йўналишлар, унинг иштирокчиларининг этик-ахлоқий нормаларини ҳисобга олиш; 2) инновациявий қобилиятни ривожлантириш, уни қабул қилиш ва уларда иштирок этишга тайёр бўлишни шакллантириш мақсади бўлган ходимларни актив ўргатиш социал-психологик методларини қўллаш.

Америка менежментида *И.* кенг қўлланилади. Бу XIX асрдаёқ Америка фермери амалиётида қўлланилган ва исботланган. Бу шуни кўрсатадики, ресурсларга инновациявий ёндашиш қўшимча фойда олишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

ИННОВАЦИЯВИЙ БАНК (фр.) — кўчмас мулкни гаровга қўйиш орқали узоқ муддатли пул ссудалари берадиган ҳамда солинган кўчмас мулкни таъминловчи гаров листлари чиқарувчи кредит муассасаси.

ИННОВАЦИЯ БАНКЛАРИ ЁКИ ФОНДЛАРИ — инновация жараёни яратилиши, ҳар хил янгиликлар ва фан-техника ишланмалари жорий этилишининг барча босқичларида кредитлаш амалга оширилади (асосан, маълум таваккалчилик билан боғлиқ бўлган венчур кредитлаш).

ИННОВАЦИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛ (лот.) — жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи фанни кўпроқ талаб қиладиган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи турли хил халқ ҳўжалик тармоқларининг қуввати. *И. п.* илмий, лойиҳавий конструкторлик ишланмаларини, янги ишлаб чиқаришни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган экспериментал хизматлар қувватини, кўпроқ фан сифими операциялари, технологик назорат воситалари ва ҳ. к. ни ўтказиш учун восита ҳамда жиҳозлашни ўз ичига олади.

ИННОРЕКЛАМА — мутахассислар билан таъминлаш бўйича ва ҳозирги замон чет эл технологияси ҳамда товарлар, лицензиялар, хизматлар савдоси энг актуал йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган ташқи савдо реклама фирмаси матбуотда хорижий

фирмалар реклама ахборотини нашр этади, хорижий фирмалар буюртмасига кўра ташкилотлар номига реклама, техника режалари, буклетлар ва варақаларни бевосита почта каналлари бўйича юборади, ташқи ва ички реклама воситаларидан кенг қўламда фойдаланади.

ИНСАЙДИР (*инг.*) — фирма, корхона ва ҳ. к. ишлари тўғрисида ўз хизмат ҳолатига кўра махфий ахборотга эга бўлган жисмоний шахс.

ИНСОН ОМИЛИ — ишлаб чиқариш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича меҳнаткашларнинг кўп қиррали фаолияти. Инсон ишлаб чиқариш воситаларини яратади ва жонлантиради, уларни ишлаб чиқарувчи кучларнинг элементига айлантиради, шу билан бир қаторда жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. Айни пайтда, инсон ишлаб чиқариш муносабатларининг ва барча ижтимоий муносабатларнинг субъектидир. Кўпгина омиллар, айниқса, фан-техника тараққиёти таъсирида инсоннинг ўзи ҳам такомиллашиб боради ва ишлаб чиқаришнинг бирдан-бир мақсади сифатида ҳар доим бош омил бўлиб хизмат қилади.

ИНСОНИЙ КАПИТАЛГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун (уларнинг малакаларини ошириш ва қobiliятларини ривожлантириш орқали) қилинган ҳар қандай чора: маориф, ишчилар саломатлигини яхшилаш ёки иш кучининг ҳаракатчанлигини оширишга кетган сарфлар.

ИНСПЕКЦИЯ (*лот.*) — бошқарувнинг айрим тармоқларида ўрнатилган ва айрим маъмурий ҳуқуқлар билан назорат функцияларини бирлаштирувчи қоидаларни бажаришни кузатишга қаратилган давлат бошқарув органларининг махсус тури. *И.* вазифасига нафақат ижронини текшириш, балки ўз жойида камчиликларни тузатишга қаратилган чоралар қабул қилиш ҳам кирadi.

ИНСТАНЦИЯ (*лот.*) — битта тузилманинг олий ва қуйи муассасаларига нисбатан маълум муассаса жойлашган поғонани белгиловчи маъмурий ва суд ҳуқуқи термини.

ИНСТИТУТ (*лот.*) — 1. Маълум ижтимоий муносабатлар доираси бўйича ҳуқуқий меъёрлар мажмуаси (масалан, никоҳ *И.*); 2. Ҳар хил ихтисослаштирилган ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари номи.

ИНСТИТУЦИОН ИНВЕТОР (*лот. инг.*) — асосий мақсади ўз маблағлари ёки бошқа компаниялар маблағларини инвестираш ҳисобланган ташкилот. Нафақа фондлари, инвестиция компаниялари, сугурта компаниялари, банкларни ўз ичига олади.

ИНСТИТУЦИОН РЕКЛАМА (лот.) — ҳаракат мақсади маҳсулот ёки хизматни сотиш эмас, балки корпорация образини яхшилаш бўлганда фойдаланилади.

ИНСТРУКЦИЯ (лот.) — 1. Марказий раҳбарлар ва маҳаллий давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг ўз компетенциялари доирасида қонунлар, буйруқлар, қарорлар ва ҳукумат фармойишлари ва давлатнинг олий бошқарув органлари актлари асосида ва бажариш учун нашр қилинадиган норматив акт.

ИНТЕГРАЦИЯ (лот.) — йирик халқ ҳужалиги масалаларини ҳамкорликда ҳал этиш мақсадларида мамлакатларнинг иқтисодий бирлашуви.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК (лот.) — ижодий фаолият маҳсулотларини тижорат мақсадларида фойдаланишга берилган ягона ҳуқуқидир. Буларга адабий, бадий-илмий асарлар, артистларнинг ижрочилик фаолияти, товушни ёзиб олиш, радио, телевизион эшиттиришлар, кашфиётлар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат белгилари ва ҳ. к. киради.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ УМУМЖАҲОН ТАШКИЛОТИ — халқаро ҳукуматлар ўртасидаги ташкилот. Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича 1983 йилда Париж Конвенцияси ва адабий ҳамда бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида 1986 йилда Берн Конвенцияси асосида таъсис этилган. Ушбу ташкилотни тузиш тўғрисида Конвенция 1970 йилда фаолият кўрсата бошлади. Бу ташкилот интеллектуал мулкни ҳимоя этишга ёрдам кўрсатади, янги шартномаларни тузишни рағбатлантиради ва миллий қонунларни ишлашга ёрдам қилади, ахборотни йиғади ва тарқатади, халқаро рўйхатлаштириш хизматини бажаради. *И. м. у. т.* штаб квартираси Женевада жойлашган.

ИНТЕНСИВ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ — олди-сотиш рағбатлантиришга юқори баҳо ўрнатиш ва катта миқдордаги маблағлар сарфлаш.

ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ (фр., грек.) — деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг фан-техника тараққиёти ютуқларини комплекс тарзда татбиқ қилишга асосланган ва ресурслар потенциали биоиклимий ва ишлаб чиқариш иқтисодий потенциалдан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган усул ва амаллари системаси. *И. т.* техник, биологик, иқтисодий, ташкилий ва социал масалаларни комплекс ҳал қилишни кўзда тутади.

ИНТЕРВЕНЦИОН ОПЕРАЦИЯ — кредит, қимматли қоғозлар, миллий ва чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш орқали капиталистик мамлакатлар марказий банклари хазиначиларининг кредит-молия ва валюта соҳасига аралашуви шаклларида бири.

ИНТЕРВЬЮ (*инг.*) — маркетинг тадқиқотида миқозларни сўраш методларидан бири. Стандарт тарзидаги бланкаларда жавобларни ёзиб олиш шарти билан маълум режа бўйича маркетинг амалга оширади. *И.* шахсий, гуруҳий телефондан сўраш каби бир неча турлари фарқ қилади.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ҚИЙМАТ — жаҳон ҳўжалигида товар ишлаб чиқаришга кетган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари. Ривожланган ижтимоий меҳнат тақсимои ва халқаро капиталистик савдо шароитларида *И. қ.* жаҳон баҳосини ташкил этиш асосида ёгувчи интернационал ишлаб чиқариш баҳосига айланади. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шарт-шароитлари ҳар хил мамлакатларда бир хил эмас, ҳар бир мамлакат учун меҳнат интенсивлиги ва меҳнат унумдорлигининг маълум миллий даражаси характерлидир. Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўзининг миллий қийматини белгиловчи товарлар ишлаб чиқаришга кетган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари даражасига эга. Халқаро товар муомалаларининг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви муносабати билан қиймат ҳам интернационал категория ҳисобланади. Жаҳон бозорида товарлар реализация қилинганда айрим мамлакатларнинг миллий меҳнати жаҳон ҳўжалигидаги жами меҳнатнинг умумий сифатида тан олинади. Ҳар бир мамлакатдаги меҳнат харажатлари жаҳон ижтимоий зарур меҳнатга нисбатан индивидуал меҳнат ҳисобланади.

ИНТЕРНИРОВАНИЕ (*лот.*) — 1. Халқаро ҳуқуқда урушаётган бир давлат томонидан урушаётган бошқа давлат ёки нейтрал давлат томонидан урушаётган мамлакатлар ҳарбий хизматчиларининг мажбуран ушлаб қолиниши. *И.* тартиби уруш вақтида граждaн аҳолини ҳимоя қилиш ва ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги 1949 йил Женева Конвенциялари, уруш бўлган ҳолатда нейтрал давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги 1907 йил Гаага Конвенциялари томонидан тартибга солинади; 2. Кимнидир изоляциялаш, вақтинчалик қамоққа олиш.

ИНТЕРПЕЛЛЯЦИЯ (*лот.*) — маълум масала ёки умуман, ҳукуматнинг сиёсий йўли бўйича парламент депутатининг ҳукуматга ёки унинг айрим аъзосига расмий талабининг махсус тури. *И.* бошқа талаб турларидан шу билан фарқ қиладики, жавобдан кейин резолюция қабул қилиш билан якунланадиган музокара бошланади, бунда парламент *И.* предмети бўлиб хизмат қилган ҳаракатлар ёки умуман, ҳукумат линияси хусусида (унга ишонч билдириш ёки ишончсизлик билдиришни ифодалайди) ўз фикрини билдиради.

ИНФЛЯЦИЯ (*лот.*) — иқтисодиётга тегишли жараён бўлиб, бунда муомала соҳаси ниҳоят даражада ортиқча қозғолар

билан тўлдирилган бўлади (ҳақиқатда истеъмол қилиниши зарур бўлган пулларга нисбатан). *И.* чиқарилган пул миқдори ўзгармаганда ишлаб чиқаришнинг қисқариши натижасида бўлиши мумкин. *И.* баҳонинг ўсишига, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. *И.* куйидаги сабабларга кўра рўй беради: 1) давлат маълум муддатга олдиндан қутиладиган даромадлар ва харажатларни ҳисоблайди. Давлат бюджети харажатлари даромадга нисбатан ошиб кетса, бюджет танқислиги вужудга келади. Давлат ўз харажатларини қоплай олмасдан пул чиқаришни кучайтира бошлайди. Бу эса қоғоз пулларнинг қадрсизланиб кетишига, баҳонинг ошишига ва реал иш ҳақининг камайишига олиб келади; 2) ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради. Бу ўз навбатида: а) *И.* ишлаб чиқариш турғунлиги ва ишсизликка олиб келади; б) ишлаб чиқариш ва савдо турғунлигининг бир вақтда рўй бериши иқтисодиётнинг ёмонлашуви ва инфляция; он жараёнининг кучайишига олиб келади; 3) талаб таклифдан ошиб кетади, бу бозорнинг товарлар билан тўлмаслиги ва пул маблағларининг ортиқча бўлишига олиб келади. Бу баҳонинг ошиши ва *И.* рўй бериши билан боғлиқ; 4) маҳсулот — хом ашё, материаллар, ёқилғи тайёрлашда ишлаб чиқариш харажатлари ошади.

И. социал-иқтисодий оқибатлари: 1) нақд пулнинг қадрсизланиши: инфляция ўсиши билан аҳоли кам реал иш ҳақи олади; 2) даромадлар ва бойлик ҳар хил синфлар ўртасида қайта тақсимланади; 3) меҳнаткашлар аҳволининг ёмонлашуви тирикчилик қиймати ва баҳонинг ошишида ҳамда турмуш даражасининг пасайишида ифодаланади, ишсизлик кучаяди.

ИНФЛЯЦИЯ РИСКИ (*лот.*) — қимматли қоғозлардан инвесторлар томонидан юқори инфляция рискида олинадиган даромадлар ўсишга нисбатан тез қадрсизланади ва инвестор реал талафотлар кўради. Жаҳон амалиётида инфляция рискин камайтириш усуллари етарлича кўп ишлаган бўлса-да, инфляциянинг юқори даражаси қимматли қоғозлар бозорини ишдан чиқариши олдиндан қайд қилинган.

ИНФРАКЦИЯ (*лот.*) — шартлар, шартнома ва контрактни бузиш.

ИНФРАСТРУКТУРА (*лот.*) — ишлаб чиқариш ва кишилар ҳаётий фаолияти умумий шарт-шароитини таъминловчи ўзаро боғланган хўжалик тармоқлари комплекси. Ишлаб чиқариш ва социал *И.* фарқ қилади. Чет эл матбуоти маълумотларига кўра Франциянинг Альбервилли шаҳрида йўл қурилиши (ишлаб чиқариш инфраструктураси) тахминан 4 млрд. франкка тушган. Спорт иншоотлари ва бошқа олимпиада объектлари қуриш (со-

пиал инфраструктура) Савойя департаментида ишсизлик даражасининг тўртдан саккиз фоиз пасайишига олиб келган.

ИПОТЕКА (*грек.*) — кўчмас мулкни гаровга қўйиш билан бериладиган ссуда: 1. Ушбу ссудани таъминлашга хизмат қилувчи гаров кредиторга берилмайди, балки қарздорнинг ўзида қолади: 2. Шундай ссудага кўчмас мулкни гаровга қўйиш. *И.* учун қўйидагилар характерлидир: мулкнинг қарздор қўлида қолдирилиши, ўша мулкни гаровга қўйиш билан яна қўшимча ссуда олиш имконияти; ер дафтарида гаровни албатта рўйхатдан ўтказиш. Қарздорнинг тўловга қодир эмаслиги ҳолатида кредитор талабини қондириш гаровни навбат билан рўйхатдан ўтказиш тартибида мулкни реализация қилишдан тушган даромаддан амалга оширилади.

ИПОТЕКА БАНКИ (*грек., фр.*) — кўчмас мулкни (ер, қурилиш) гаровга қўйиш билан узоқ муддатли пул ссудаси бериладиган капиталистик мамлакатдаги ер банки. Бу банк кичик ва ўрта ҳол деҳқонлар ва фермерларни хонавайрон қилиб қўйилган кўчмас мулкни таъминлайдиган гаров варақалари ҳам чиқаради. Қарздорнинг қўйилган ер учун оладиган шундай ссудага буйруқ бериш ҳуқуқи чекланган бўлади. Кичик ва ўрта деҳқонларнинг гаровга қўйилган ерлари аста-секин кредитор мулкига айланади.

ИПОТЕКА БОЗОРИ — ссуда капиталлари бозорининг таркибий қисми бўлиб, бунда кўчмас мулкни гаровга қўйиш билан кредитлар беришдан фойдаланади, ипотека облигациялари чиқариш орқали узоқ муддатли пул жамғармалари тўпланади. *И. б.* иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ, Канада, Ғарбий Европа ва Японияда кенг ривожланди.

ИПОТЕКА КРЕДИТИ (*грек., лот.*) — капиталистик мамлакатларда кўчмас мулкни гаровга қўйиб бериладиган узоқ муддатли ссудалар. *И. к.* қулдорлик даврида вужудга келган ва феодализм шароитларида анчагина тарқалган, аммо капитализм даврида юқори тараққиёт даражасига эришган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳам *И. к.* дан ҳар томонлама фойдаланиш имконияти бор.

ИПОТЕКА ОБЛИГАЦИЯЛАРИ (*грек.*) — кўчмас мулк билан таъминлаш ва қатъий фоиз келтириш учун чиқариладиган узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлар.

ИСЛОМ БАНКЛАРИ — анъанавий мусулмон ҳуқуқлари принциплари асосида бошқарилувчи (шариат) ва қарийб барча банк операцияларини бажарувчи (депозитлар, ссудалар, ҳисоблар, аккредитивлар ва ҳ. к.) кредит институтлари. Шариат Қуръонга асосланган бўлиб, бунга кўра шахсий меҳнат билан вужудга келмаган ҳар қандай фойда, айниқса, фоиз, “Риба” — ноҳўя ҳисобланади.

ИСТЕЪМОЛ БАҲОСИ — буюмни демонтаж қилгандан кейин қолдиқ қийматдан фойдаланишни ҳам қўшиб уни эксплуатация қилишнинг барча меъёрий муддати давомида буюмни сотиб олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган истеъмолчининг тўла харажатлари. *И. б.* машиналар, ускуналар, техник воситалар ва бошқа машина-техникавий товарлар рақобатбардошлик даражасини интеграл баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ — кишининг эҳтиёжини бевосита қондириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг айирбошланиши. Истеъмол бозорига барча истеъмол моллари етиштирувчи ва у билан савдо-сотиқ қилувчи корхона ва ташкилотлар киради.

ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИ — аҳоли ҳар хил гуруҳлари мавжуд турмуш даражасини характерловчи оила пул даромадлари ва харажатлари баланси. Тушиш манбаси бўйича барча даромадларни ва уларнинг тайинланиши бўйича барча харажатларни ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлари сотиб олиш манбалари ва ҳажмларини кўрсатади.

Ҳар хил аҳоли категорияси бўйича истеъмол бюджети динамикасини ўрганиш улар турмуш даражаси ўзгаришлари тўғрисида фикрлаш имконини беради. Давлатнинг социал сиёсатини асослаш учун норматив ва ҳақиқий ўртача ҳамда минимал истеъмол бюджети ҳисобланади. Минимал истеъмол бюджети мавжуд иқтисодий шароитда аҳолини меъёрий тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган кам иш ҳақини аниқлашга имкон беради.

ИСТЕЪМОЛ КООПЕРАЦИЯСИ — ўз аъзолари ва бошқа фуқароларни савдо ва манший хизматга, кооператив аъзоларини уй-жой, дала ҳовли, боғ участкалари, гаражлар ва автомобил учун қўядиган жойлар, социал-маданий ва бошқа хизматларга бўлган эҳтиёжини қондирувчи кооператив. Кўрсатилган вазифалардан ташқари *И. к.* ҳар хил ишлаб чиқариш фаолиятини ҳам ривожлантириши мумкин. Истеъмол кооперациясини тузиш мамлакатнинг кооператив корхоналар тўғрисидаги қонуни асосида амалга оширилади.

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ — кредит шакли. Аҳолининг истеъмол ҳолатини қондирувчи восита бўлиб хизмат қилади. *И. к.* қарздорлар жисмоний шахслар, кредиторлар эса кредит муассасалари, корхоналар ва ташкилотлар ҳисобланади. *И. к.* пул ёки товар шаклида бўлиши мумкин. *И. к.* бериш ва қоплаш нақд пулсиз ўтказиш ёки нақд пул орқали амалга оширилади. Қоплаш шакли бўйича *И. к.* бир маргалик тўлов кредитига ва тўлови узайтирилган кредитга бўлинади.

ИСТЕЪМОЛ МУВОЗАНАТИ — истеъмолчи бир товарни сотиб олишга камроқ, иккинчи товарни сотиб олишга кўпроқ пул харажат қилиб, умумий фойдалиликни кўпайтира олмайдиган вазият.

ИСТЕЪМОЛ ОРТИҚЧАЛИГИ — қандайдир товар бирлигига истеъмолчи тўлашга тайёр бўлган максимум баҳо билан у ҳақиқатан тўлаган реал баҳо ўртасидаги фарқ.

ИСТЕЪМОЛ ПАНЕЛИ — истеъмолчилар эталон гуруҳи бўлиб, товарларга берилган унинг баҳоси жами истеъмолчилар фикрини тавсифлаш учун фойдаланилади.

ИСТЕЪМОЛ САВАТИ — ташкил топган истеъмол стандартини тўла ифодаловчи баҳоларни ва мавжуд савдога товарлар гуруҳини рўйхат қилишдан иборат (ўртача сотиб олувчи учун товарлар ва хизматлар йиғими).

ИСТЕЪМОЛ УЧУН ТАЙИНЛАНГАН ТОВАРЛАР — шахсий (оилавий) эҳтиёжларни, индивидуал истеъмолни қондириш учун тайинланган товарлар. *И. т. т.* ҳар хил белгилар бўйича туркумланади: тайинланиш бўйича — озиқ-овқат, кийим-кечак, мебель, маиший техника ва ҳ. к.; фойдаланиш муддати бўйича — узоқ муддат фойдаланадиган товарлар (мебель, автомобиль, телевизорлар ва ҳ. к.), қисқа муддатли фойдаланадиган товарлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, парфюмерия ва ҳ. к.); талабнинг характери бўйича оммавий талаб қилинадиган товарлар (озиқ-овқат, айрим хўжалик товарлари) ва танлаб талаб қилинадиган товарлар (ювелир буюмлар, электротехника ва ҳ. к.).

ИСТЕЪМОЛ ФОНДИ — аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги ташкилот ва муассасаларни таъминлаш учун тайинланган миллий даромаднинг бир қисми.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ — истеъмолчилар манфаати ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг ижтимоий ҳаракати ва маъмурий-ҳуқуқий фаолияти. Саноати ривожланган мамлакатларда вужудга келган *И. х. м. э.* иккита йўналишга эга: ҳуқуқий ва ташкилий.

1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг раҳбарлик принципларини қабул қилди, бунда халқаро фаолиятнинг асосий йўналишлари белгиланган. Буларга қуйидагилар киради: истеъмолчиларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсизлик нормаларини ва истеъмол товарлари ва хизматлари сифатини ишлаб чиқиш, истеъмол ассоциациялари ёки кооперативларини тузишга таъсир кўрсатиш, истеъмол ҳуқуқларини бузиш натижасида келтирилган зарарни қоплаш тадбирларини ишлаб чиқиш.

ИСТЕЪМОЛ ҚИЙМАТИ — буюм ёки хизматнинг фойдалилиги, сифати, унинг инсоннинг бирор-бир эҳтиёжини қон-

дириш қобилияти. *И. қ.* бир неча буюмларда мужассамлашган бўлиши мумкин ва аксинча, битта буюм ўзига хос хусусиятлар билан фойдали бўлиши, ҳар хил усуллар билан фойдаланилиши мумкин. *И. қ.* жами уларнинг ижтимоий шаклидан қатъи назар бойликнинг буюм мазмунини ташкил этади. Улар инсоннинг ривожланиши ва тараққиёти учун шарт-шароит бўлиб хизмат қилади. *И. қ.* баъзи турларини табиат тайёр ҳолда беради (ҳаво, сув, ёввойи ўсимликлар мевалари), аммо уларнинг аксарияти меҳнат маҳсулотидир. Натурал хўжалик шароитларида *И. қ.* ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан фойдаланилади. У бошқалар учун ишлаб чиқарилган бўлса, бозор орқали реализация қилинса, бошқа *И. қ.* айирбошланса товар ҳисобланади. Бу унинг нафақат ижтимоий истеъмол қийматига, балки алмашув қиймати хусусиятига эга бўлганида юз беради.

ИНВЕСТИРЛАШ ФОРМУЛАСИ (*лот.*) — инвестирлаш усули (формула бўйича инвестирлаш). Бу формула танланган бозор кўрсаткичи олдиндан белгиланган маълум нуқтадан юқори бўлган вақтда капитални одатдагидан имтиёзли акциялар ва облигацияларга ўтказишни ва бозор курси тушиши билан капиталнинг одатдаги инвестициялашга қайтишини талаб қилади.

ИХТИРО — амалий режада энг муҳим саноат мулки турларидан бири. *И.* агарда у янги ҳисобланса, ихтировий даражага эга ва саноатда қабул қилиш мумкин бўлса ҳуқуқ жиҳатдан қўриқланади. *И.* муаллифи деб ўзининг ижодий меҳнати билан уни яратган фуқаро тан олинади. *И.* ҳуқуқи давлат томонидан қўриқланади ва 20 йил давомида амал қилувчи патент билан тасдиқланади. *И.* фойдаланиш ҳуқуқи фақат патент эгасига тегишли. Патент давлат патенти томонидан *И.* давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин берилади.

ИЧКИ РЕГЛАМЕНТ — Англия ва АҚШда акционер жамият таъсисчилари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳужжат. *И. р.* компания аъзолари ўртасидаги шартнома сифатида қаралади ва жамият аъзолари ўртасидаги ички муносабатлар тартибга солинади: пайларни тақсимлаш ва бериш тартиби, капитал ҳажмларини ўлчаш, умумий мажлислар ўтказиш, овоз бериш, директорларни тайинлаш ва уларнинг ваколатлари ва ҳ. к. Жамиятнинг бошқа муносабатлари ҳужжат-компания меморандуми билан тартибга солинади. Меморандум қарорлари ва *И. р.* қарорлари мос келмаган ҳолатда устунлик меморандум қарорларига берилади.

ИЧКИ ФИРМА ТРАНСФЕРТ БАҲОСИ — саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан, товарлар ва хизматларни айирбошлашда кенг тарқалган баҳолар тури. Ишлаб чиқариш кооперациясининг ривожланиши *И. ф. т. б.*

юритиш учун аъзолик асосида фуқароларнинг ихтиёрий бирлашуви. *И. ч. к.* ихтиёридаги барча мулк кооператив низомига мувофиқ унинг аъзолари ҳиссасига бўлинади. *И. ч. к.* маблағи етмай қолган унинг аъзолари уни субсидиялаш мажбуриятини олади. *И. ч. к.* товарлар ишлаб чиқариш, иш бажариш, корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга, фуқароларга пуллик хизмат кўрсатишни амалга оширади. Улар ишлаб чиқариш, харид қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш, ишлаб чиқариш техникавий аҳамиятга эга бўлган буюмлар, халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш ва кўпилаб бошқа соҳаларда фаолият қилиш учун тузилмоқда ва амал қилмоқда.

И. ч. к. халқ истеъмоли товарлари, ишлаб чиқариш — техника маҳсулоти ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда иштирок этишни хоҳловчи барча фуқаролар чекланмаган тарзда фаолият кўрсатиши мумкин.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАЙИНЛАНГАН ТОВАРЛАР БОЗОРИ — бу субъектлар — бозор муносабатлари иштирокчилари нуқтаи назаридан бошқа товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланадиган, ижарага сотиладиган, топшириладиган ёки бошқа истеъмолчиларга бериладиган товарлар ва хизматларни харид қилувчи шахслар ва ташкилотлар жами. *И. ч. т. т. б.* кенг истеъмол товарлари бозоридан фарқ қилувчи асосий хусусиятлари қуйидагилар: унда сотиб олувчилар кам; булар кам сонли йирик сотиб олувчилар; улар географик жиҳатдан концентрация қилинган; ишлаб чиқаришга тайинланган товарларга бўлган талаб оқибат-натижада кенг истеъмол буюмлари товарларига бўлган талаб билан аниқланади; ишлаб чиқариш учун тайинланган товарларга бўлган талаб кам эластикликка эга; ишлаб чиқариш учун тайинланган товарларга бўлган талаб кескин ўзгаради: ишлаб чиқариш учун тайинланган товарларни сотиб олувчилар профессионаллар ҳисобланади ва ҳ. к.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАР — 1) Ишлаб чиқаришнинг шахсий (иш кучи) ва моддий (ишлаб чиқариш воситаси) омилларининг йиғиндиси ва ўзаро таъсири; 2) Инсоннинг табиатга бўлган муносабатини, табиат кучлари ва ҳодисаларини тобора кўпроқ жиловлаб олинни билдиради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ — ҳаётини неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол этишда кишилар ўртасида рўй берадиган объектив муносабатлар. *И. ч. м.* ижтимоий ишлаб чиқаришнинг зарурий томони ҳисобланади. Улар ишлаб чиқарувчи кучларнинг белгиловчи таъсири остида ривожланади ва жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиётига олиб келади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ — товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланадиган иш кучи ва ишлаб чиқа-

риш воситалари. Иш кучи ишлаб чиқаришнинг шахсий омили, ишлаб чиқариш воситалари эса моддий омили сифатида юзага чиқади. Уларнинг ўзаро таъсири ва ривожланиши объектив жараёндир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ — ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат ва моддий ресурсларнинг ўзаро нисбати. *И. ч. с.* ни ошириш жараёнининг моҳияти ҳар бир харажат бирлигига тўғри келадиган иқтисодий натижаларни кўпайтиришдан иборат.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — конкрет социал-иқтисодий шароитларда жонли меҳнатни ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари билан самарали қўшиш соҳасидаги тадбирлар комплекси. *И. ч. т. э.* ни такомиллаштириш меҳнат унумдорлигининг мунтазам равишда ошиб боришини, меҳнат шароитларининг яхшиланишини, ходимларнинг моддий ва маънавий даражаси ошиб боришини таъминлайди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛИ — ишлаб чиқарувчи кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги. *И. ч. у.* ижтимоий-иқтисодий формациянинг ядроси ҳисобланади, унинг тубдан фарқ қилувчи хусусиятларини ифодалайди. *И. ч. у.* алмашишни жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланишининг объектив йўналиши, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва характериға мос келиш қонуни билан тақозо этилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ — маҳсулот ишлаб чиқариш билан (ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш билан) боғлиқ бўлган жами харажатлар. Бухгалтерия ва статистика ҳисоботида таннарх сифатида ифодаланади. Ўз ичига моддий харажатлар, амортизация ажратмалари, иш ҳақи харажатлари, жорий оборот маблағларни молиялаш учун фойдаланадиган қисқа муддатли кредит фоизларини олади. Ишлаб чиқариш харажатларини тежаш фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ НИСБАТИ — битта маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайишининг бошқа маҳсулот ҳажми кўпайишиға бўлган нисбати, бу биринчи ишлаб чиқариш ресурслари иккинчи маҳсулот ишлаб чиқаришға ўтказилганда юз беради; бошқа ишлаб чиқариш ҳажми бир бирликка ошганда битта маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ СМЕТАСИ — ўз хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва носаноат характеридаги хизматлар кўрсатишнинг пулда ифодаланган бирлашма, корхонанинг умумий йиғма режали харажатлари.

ИШ НОРМАСИ — муайян шароитда тегишли малакадаги бир ёки бир неча ишловчи томонидан вақт бирлигида ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот (иш) ва кўрсатиладиган хизматлар миқдори.

ИШСИЗЛИК — социал-иқтисодий ҳодиса ҳисобланиб, бунда меҳнаткашларнинг бир қисми ўзига иш топа олмайди, нисбий аҳоли ортиқчилиги ва меҳнат захира армиясини ташкил этади. *И.* иқтисодиётнинг нобарқарорлиги, жамиятдаги миллий ва бошқа муносабатларнинг ўткирлашуви, сиёсий кучлар тенгсизлиги, аҳолини социал-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимининг ва бандлик соҳасида давлатнинг актив сиёсати йўқлиги ва ҳ. к. билан тақозо этилади. Ишсизликнинг турли хил шакллари мавжуд: яширин — бу қишлоқ хўжалиги учун характерли, ҳар хил сабабларга кўра саноат ва давлат аппаратида ҳам вужудга келиши мумкин; фрикцион — бу меҳнат бозори техник фаолиятининг такомиллашмаганлиги, иш жойининг мавжудлиги тўғрисида ахборотнинг йўқлиги ва бошқа техник сабаблар билан тақозо этилади; мавсумий — айрим тармоқлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги мавсумий ўзгаришлар билан тақозо этилади, бу курилиш, қишлоқ хўжалиги ишлари, ҳунармандчилик ва ҳ. к. маълум турларида мавжуд бўлади ва фақат маълум мавсум давомида бандлик таъминланади; структуравий — бу ишлаб чиқариш қувватларининг этишмаслиги, жинси, ёш хусусиятлари, миллати, малакаси ва бошқа шахсий хусусиятларига қараб иш топа олмаслик имконияти билан боғлиқ; технологик (ўзгарувчан) — бу одамларни машина билан алмаштириш натижасида вужудга келади, аммо бозор ҳажмининг ўсиши билан бандлик ҳам ўсади.

ИШЧАНЛИК ҲҲИНИ — конкрет вазиятда иқтисодий масалаларни ҳал этишнинг энг яхши усуллари топиш йўллари билан биттаси. Ишчанлик ҳҲини қўйилган масалаларни ҳал этиш учун ҳар хил ўқнаш вазиятлар, шароитлар ва қоидага риоя қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишчанлик ҳҲини рақобат курашида товар ишлаб чиқарувчиларнинг омон қолиши муҳим воситалари бўлиб хизмат қилади. Ассоциация вакиллари, концернлар, акционер корхоналар ишчанлик ҳҲини жараёнида бозордаги вазиятни, регионлар хусусиятларини, конъюнктурани, нарх динамикасини (рақобатлашиш шартларини) яхши биладилар. Ишчанлик ҳҲини иштирокчилари мавжуд дастлабки маълумотларга қараб ҳаракат қилиш усулини танлайдилар ва тавсия қилинадиган масалаларни таққослаш йўли билан вариантларни баҳолайдилар. Агарда ушбу масалалар айрим иштирокчилар томонидан асосли инкор этилса, унда ишчанлик ҳҲини давом этади. Янги моделга қўшимча ёки ўзгарган ахборот киритилади. Бу ҳолат барча ҳҲин иштирокчилари қабул қилинган масалаларни тасдиқламагунча давом этаверади. Ишчанлик ҳҲинини ўрганиш-

ли тадбиркорларни тайёрловчи менежмент мактаблари, иқтисодий олийгоҳлар ўтказадилар.

ИШ ҲАҚИ — иш ҳақи товар бўлган иш кучи қиймати ва баҳосининг ўзгарган шаклидир. Иш ҳақи миқдоран иш кучи қиймати ва баҳосига тенг бўлади. *И.ҳ.* меҳнатнинг натижаси эмас, балки унинг бир қисми зарурий меҳнат натижаси ҳисобланади. Меҳнатнинг иккинчи қисми қўшимча меҳнат бўлиб, бу қўшимча қиймат яратади. Қўшимча қийматни мулк эгаси олади.

ИШТИРОК ЭТИШ СЕРТИФИКАТИ — 1. Одатдаги акционернинг ҳуқуқлари йўқлиги туфайли компания капиталида иштирок этиш уйғунлаштирилувчи қимматли қоғоз (мисол, акционерларнинг умумий мажлисларида овоз олиш ҳуқуқи); 2. Эгасининг инвестиция ёки ипотека пулда иштирок этишини тасдиқловчи сертификат.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИНТЕРНАЦИОНАЛЛАШТИРИШ — халқаро меҳнат тақсимооти асосида айрим мамлакатлар ўртасида мустақкам ишлаб чиқариш — иқтисодий алоқаларнинг ташкил топиши.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕРВЕНЦИЯ (*грек., лот.*) — бошқа мамлакатларнинг ҳўжалик ҳаётига қандайдир мамлакатнинг зўравонлик билан аралашуви; товарлар баҳолари ёки валюта курсига (товар, валюта интервенцияси) таъсир кўрсатиш мақсадида ўз мамлакати ичида товар ёки пул бозорида давлатнинг чиқиши.

ИҚТИСОДИЙ КОНЬЮНКТУРА (*грек., лот.*) — маълум даврда жаҳон ёки мамлакатлар ҳўжалиги регион ёки товар бозорини ифодаловчи кўрсаткичлар жамини характерлайдиган, юзага келган иқтисодий ҳолат, вақтинчалик вазият. Ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси, ички ва ташқи савдо, товар захиралари, баҳо, фойза, қимматбаҳо қоғозлар курси, фойда ҳаракати, ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминлаш даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари динамикаси, иш билан банд бўлганлар ва ишсизлар сони, иш ҳақининг динамикаси ва ҳ. к. шундай кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу ҳар хил омиллар таъсирида бўлади (иқтисодий, сиёсий, социал, техник, табиий-биологик ва ҳ. к.).

ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯЛАР (*грек.*) — ишлаб чиқариш муносабатларининг назарий ифодаси. *И. к.* иқтисодий ҳаётдаги оммавий ҳодисаларни умумлаштириш, иқтисодий қонунларни билиш имконини беради. *И. к.* тарихий характерга эга бўлиб, умумий, хусусий ва махсус категорияларга бўлинади. Умумий категория иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларига хос (ишлаб чиқариш, мулк, эҳтиёж) хусусий тоифалар бир неча социал-иқтисодий тузумга хос (товар, нарх, талаб, тақлиф), махсус категориялар иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичига хос (эксплуатация, монополия, монопол баҳо ва ҳ. к.).

ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ — давлатдан бевосита хўжаликни бошқаришни олиб ташлаш, тегишли ваколатли корхона даражасига бериш, мулкдорни алмаштирмасдан амалга ошириш мумкин бўлган вертикал алоқани горизонтал алоқа билан алмаштириш. *И. д. т. ч.* нафақат давлат мулки шакли бошқасига алмашади, балки давлат органлари хўжалик фаолияти шакллари ҳам алмашади. *И. д. т. ч.* хусусийлаштиришга нисбатан кенг тушунча, хусусийлаштириш *И. д. т. ч.* айрим вақти ҳисобланади.

ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛЬ (*грек., фр.*) — ҳақиқатнинг соддалаштирилган манзараси; абстракт умумлашув.

ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛ (*инг.*) — мамлакат халқ хўжалиги тармоқларининг маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал қурилишни амалга ошириш, юкларни ташиниш, аҳолига зарур хизматлар кўрсатишдаги жами қобилияти. Фан ва техника, ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми, транспорт воситалари ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, уларни сифатли профессионал тайёрлаш, ноишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш даражасига ва ҳ. к. эришиш билан аниқланади. Экспорт потенциални яратиш учун зарур шароитлар ташкил этилади.

ИҚТИСОДИЙ ТАКЛИФ — иқтисодиёт назариясига кўра инфляция билан курашиш учун адекват товарлар таклифи, уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун капитал маблағларни кўпайтиришнинг энг юқори суръатлари зарур. Бош восита — солиқларни камайтириш.

ИҚТИСОДИЙ УКЛАД — иқтисодиётнинг анча қисмини қамраб олган ва нисбатан такрор ишлаб чиқаришга қодир бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг муайян хили.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ — асосий бизнес доирасидан ташқарида йирик фирмалар, бирлашмалар, корхоналар ва бутун бошли тармоқлар фаоллигини кенгайтириш, буни етиштириладиган бошқа маҳсулот турлари билан таққослаганда соф сотиш ҳажмида максимал ҳиссага эга бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш деб тушунилади. *И. ф. д.* меҳнат тақсимоти, рақобат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги тизимига муҳим таъсир кўрсатувчи ҳозирги бозор иқтисодиёти тузилмасининг муҳим таркибий қисмидир. *И. ф. д.* чегараси ўта ҳаракатчан бўлади. Корхона фаолияти йўналишлари қанча катта бўлса, *И. ф. д.* даражаси шунча юқори бўлади. *И. ф. д.* фирманинг асосий фаолиятини коррективировка қилиш ва унинг стратегиясини жиддий ориентация қилишни билдиради. *И. ф. д.* рақобат шароитларида фирманинг интилишлари, ўз вақтида иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришга муносабат билдириши, ўз фаолияти самарадорлигини таъминлаши рағбатлан-

тирилади. Натижада *И. ф. д.* кўп тармоқли характерга эга бўлади.

ИҚТИСОДИЙ ЭКСПАНСИЯ — уларнинг ривожланишини ўзинининг иқтисодий ва социал-сиёсий манфаатларига бўйсундириш мақсадида иқтисодий фаолиятни янги бозорлар ва ҳудудларга тарқатиш, иқтисодий назоратни кенгайтириш, бошқа мамлакатлар иқтисодиётига кириб бориш.

ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЛАР — ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида мавжуд, зарурий, барқарор, такрорланиб турувчи ва ўзаро сабабий алоқадорликда бўлувчи иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини ифодалайди. *И. қ.* объектив характерга эга, аммо табиат қонунларидан ўзининг тарихийлиги ва кишилар фаолияти асосида намоён бўлиш билан фарқ қилади. Ўзининг амал қилиш жараёнига қараб жамият тараққийотининг барча босқичларида амал қилувчи умумиқтисодий қонунларга (Меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши, вақтни тежаш, эҳтиёжнинг ўсиб бориши), бир неча формацияларда амал қилувчи қонунларга (қиймат қонуни), айрим формацияда амал қилувчи қонунларга (қўшимча қиймат қонуни) бўлинади.

К

КАБОТАЖ (*фр.*) — бир мамлакат портлари ўртасида денгиз орқали юклар ва пассажирлар ташиш.

КАВЕРИНГ (*лот.*) — пасайишга ўйновчи биржа чайқовчилари томонидан тузилган муддатли битимлар бўйича мажбуриятларни тўхтатиш учун олдиндан сотилган қимматбаҳо қоғозлар, контрактлар, товарларни ижрага олиш.

КАДАСТР (*фр.*) — тегишли бевосита реал солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган объектларни баҳолаш ва ўртача даромадлилик тўғрисида маълумотларни сақловчи реестр (руйхат). Мисол, ер *К.* тузишда мамлакатнинг ҳар хил районларидаги ер участкалари сифатига, жойлашган жойига ва фойдаланишга боғлиқ ҳолда гуруҳланади. Ҳар бир гуруҳ учун қатор йилларга ер бирлиги ҳисобига ўртача даромадлилик ўрнатилади, бошқа барча ер участкалари у ёки бу категорияга тенглаштирилади, бунинг учун ер бирлигидан солиқ ставкаси белгиланади. Ер *К.* давлат органлари томонидан мустақил ёки ер эгалари иштироки билан тузилади. Парцелляр (ёки французча) ёки реал (ёки австрияча) *К.* фарқ қилади. Парцелляр *К.* юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлган ер участкасининг ҳар бир айрим қисмидаги даромадликини ифодалайди. Реал *К.* мавжуд мулкдор барча ерларининг жами даромадлигини аниқлайди.

КАЗНАЧЕЙЛИК — давлат бюджети касса ишини бажарувчи қатор мамлакатларнинг махсус ҳукумат молия органи. *К.* солиқлар, банклар ҳамда давлат заёмларидан даромадлар ундиришни ташкил этади ва давлат бюджети томонидан кўриб чиқилган харажатларга маблағлар беради. Айрим ҳолатларда хазинабонлик эмиссияси амалга оширилади.

КАЗНАЧЕЙЛИК БИЛЕТЛАРИ хазинабон томонидан чиқариладиган қоғоз пуллар. *К. б.* эмиссияси давлат харажатларини молиялаш зарурлиги билан тақозо этилади.

КАЗНАЧЕЙЛИК БОНЛАРИ (*ғол.*) — давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли мажбуриятлари тури. Одатда ҳужжат кўрсатувчига хазинабонлар томонидан 5 йилдан 25 йилгача муддат билан чиқарилади; давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари бозори ҳисобланади. *К. б.* чиқариш устига ёзиб қўйилган қиймат бўйича амалга оширилади, булар бўйича даромад купон билан тўланади. Қоидага кўра *К. б.* жисмоний шахслар ўртасида реализация қилинади. Нобозор қимматбаҳо қоғозларига 7—10 йил муддат билан чиқариладиган омонат бонлари киради.

КАЗНАЧЕЙЛИК ЭМИССИЯСИ (*лот.*) — бюджет танқислигини қоплаш мақсадларида хазинабон ёки бошқа давлат молия органилари томонидан амалга ошириладиган хазина билетлари ва давлат қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш.

КАЗУС (*лот.*) — 1) Одатда мураккаб, чалкаштирилган ёки ноодатдаги ҳолат; 2) Юридик амалиётда ҳуқуқбузарлик белгилари бўлган, аммо айб элементи йўқ, шу сабабли айблаб бўлмайдиган тасодифий ҳаракат.

КАРУС БЕЛЛИ (*лот.*) — уруш ҳолатини эълон қилиш учун бевосита формал баҳона ёки ваз ж бўлиб хизмат қилувчи воқеа ёки маълумотни белгилаш учун фойдаланиладиган дипломатик термин.

КАРУС ФЕДЕРИС (*лот.*) — вазият ёки фактни белгилаш учун фойдаланадиган дипломатик термин. Уларнинг вужудга келишида давлатларнинг шартнома бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мажбурияти кучга киради. Ҳозирги Халқаро ҳуқуқ ҳар бир давлатнинг индивидуал ва жамоа мудофааси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқини кўзда тутди.

КАЛЬКУЛЯЦИЯ (*лот.*) — маълум маҳсулот (иш, хизмат) тури (бирлиги)ни ишлаб чиқаришга кетган корхона харажатларини аниқлаш. Харажатлар иқтисодий элементлар бўйича гуруҳланган смета харажатларидан фарқ қилган ҳолда *К.* моддаларида сарфларнинг ўрни ва тайинланиши кўрсатилади, бу режалаштирилганга нисбатан ҳақиқий харажатларнинг даражаси устидан оператив назорат олиб бориш имконини беради. Маълумки, буюмлар таннархига ўтказиш усули бўйича харажатлар тўғри

ва эгри харажатларга бўлинади. Тўғри харажатларга мавжуд маҳсулот таннархига алоқадор бўлган харажатлар киради. Эгри харажатлар қатор буюмлар ёки корхонада етиштириладиган барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Улар маҳсул ҳисоб-китоб асосида ҳар хил маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади. Халқ ҳўжалигининг ҳар хил тармоқларида, корхоналарда ва ишлаб чиқаришда калькуляция тузиш, калькуляциялаш усуллари технология хўсусиятига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш хилига, янгидан тақсимлаш характерида ва ҳ. к. боғлиқ бўлади.

КАМБИЗМ (*итал.*) — валюта операциялари стратегияси. К. моҳияти маблағларни бошқа мамлакатга пул ўтказишнинг энг самарали йўллариини излашдан иборатдир. К. энг аввало портфель инвестициялари деб аталадиган, яъни энг фойдали самара олиш мақсадида пул маблағларини хорижий мамлакатлар иқтисодиётига солиш билан узвий боғлиқ. К. айни пайтда қарздор давлатнинг кредит бўйича фоиз тўлаш қувватига эга бўлиши ҳамда ушбу фоиз миқдори максимал бўлиши учун тақдим этиладиган кредитни ишлаш, йўналишларини ва структурасини аниқлашдан иборат.

КАМБИО (*итал.*) — қарз ҳужжати, вексель.

КАМБИСТ (*итал.*) — хорижий монеталарда вексель операциялари ва савдо билан шуғулланувчи шахс.

КАМНЬЮ (*лот.*) — фонд биржасида айрим корпорациялар акцияларини сотиб олишда маълум шарт-шароит (клаузуала), шунга мувофиқ сотиб олувчига мавжуд корпорация чиқарган янги акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Акциялар сотиб олиш контрактида ифодаланади.

КАНБАН — маълум техник жараён ва буюртмани бажаришнинг қатъий ўрнатилган кунининг аниқ берилган вақти пайтида ишлаб чиқариш ва буюмларни етказиб беришни кўзда туғувчи истеъмолчиларни таъминлаш методи. К. тизими тугалланмаган ишлаб чиқариш, материаллар ва ярим фабрикатлар захиралари ҳажминини кескин камайтириш имконини беради.

КАНТОН (*фр.*) — 1) Швейцарияда территориал федерал бирликнинг номи. Ҳар бир К. нинг ўз конституцияси, қонун ва ижроия ҳокимияти бўлади. Федерал парламентнинг юқори палатасида ҳар бир К. иккита депутат билан тавсия этилади; 2) Бельгия ва Францияда маъмурий ҳудудий бирликнинг номи. Францияда К. департамент бош кенгашинини сайлашда сайлов округлари ҳисобланади.

КАНЦЕЛИНГ (*инг.*) — юк ортиш учун ёлланган кеманинг портта келишининг энг сўнгги муддати, муддат тугагандан кейин эса кема ёлловчи шартномани бузиш ҳуқуқига эга бўлади.

КАПИТАЛИЗАЦИЯ — акционер компания томонидан чиқарилган капиталга айлантирилган барча қимматбаҳо қоғозлар-

нинг умумий суммаси. Капитализация (капиталга айлантириш) облигацияларни, бошқа қарз мажбуриятларини, имтиёзли ва одатдаги акцияларни, резерв капитални ўз ичига олади. Одатда облигациялар ва қарз мажбуриятлари уларнинг номинали бўйича компания эмитенти китобига ўтказилади. Имтиёзли ёки одатдаги акциялар номинал ёки эълон қилинган қиймати бўйича ёзилиши мумкин. Эълон қилинган қиймат компания директори томонидан қабул қилинган ёки компаниянинг чиқариш пайтида қимматбаҳо қорозларни сотишдан олинган суммани билдирувчи ихтиёрий миқдор ҳисобланади.

КАПИТАЛ (*фр., инг.*) — қўшимча қиймат (фойда) келтирадиган ва ўзини-ўзи қўпайтирувчи қиймат (маблағ ва восита). Қўшимча қиймат (фойда) келтириш хусусиятига қараб капитал доимий (ишлаб чиқариш воситалари) ва ўзгарувчан (иш кучи), ишлаб чиқаришда хизмат қилиш ва ўз қийматини қоплаш хусусиятларига қараб асосий (меҳнат воситаси) ва оборот (меҳнат воситаси ва иш кучи) капиталларга бўлинади. Фақат ўзгарувчан капитал (иш кучи) ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматидан (иш кучи қиймати ва баҳосидан) ошиқча қиймат яратади, бу қўшимча қиймат (фойда)нинг асосий манбаси ҳисобланади.

КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР — ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида асосий маблағларни оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун тайинланган молиявий маблағлар.

КАПИТАЛ САРФЛАР — асосий капиталга солиш ва захира-ларнинг ўсиши билан боғлиқ бўлган пул харажатлари.

Капитал сифими асосий капиталнинг (асосий ишлаб чиқариш фондларининг) маълум даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотга ёки унинг қисми — соф маҳсулот, фойда ва миллий даромадга нисбатни аниқловчи кўрсаткич.

КАПИТАЛ ҚАЙТИМИ — иқтисодиётда капитал маблағлардан самарали фойдаланишни характерловчи кўрсаткич. Миқдоран капитал сифимнинг тескари кўрсаткичи ҳисобланади.

КАРГО (*исп.*) — юк ташиб ўтказадиган кемани белгилаш учун қўлланиладиган ва суғуртага ёки агарда номи аниқ кўрсатилмаган бўлса, суғурта қилинган юкка тегишли термин.

КАРТЕЛЬ (*фр.*) — битта тармоқ, баҳолар, олди-сотти бозори, ишлаб чиқариш ҳажмлари, патентлар билан айирбошлаш ва ҳ. к. каби корхоналар ўртасидаги битим. Ҳозирги вақтда 11 мамлакатдан 55 компания (“Телефункен”, “Сименс”, “Хитачи”, “Мицубиси” ва бошқалар)ни бирлаштирувчи халқаро электротехник К. энг йирик ҳисобланади.

КАРТ-БЛАНШ (*фр., инг.*) — карт-бланш томонидан берилган шахс номидан у ёки бу ҳаракатлар ёки операцияларни амалда ошириш учун ваколатнома берувчи шахс томонидан ўз ишонган кишисига бериладиган чекланмаган ваколатлар.

КАССА — 1) Корхонадаги мавжуд нақд пуллар; 2) Касса операцияларини бажарувчи корхона, ташкилот, муассасаларнинг структуравий бўлинмалари; 3) Бухгалтерия ҳисобида нақд пулларнинг ҳаракати, тушиши ва берилишини ифодаловчи счёт; 4) Қабул қилиш, сақлаш, пул ва бошқа қийматликларни бериш учун махсус ускуналанган бино.

КАССА ВИТИМИ — 1) Фонд биржасида амалга оширилувчи қимматбаҳо қоғозлар билан операция турларидан бири. *К. б.* хусусияти шундан иборатки, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олувчига тузилган кунги туланади ва берилади. *К. б.* шаклида одатда кичик партияли қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказилади. 2) Валюта бозорида валюта операцияларининг турлилиги.

КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ — банклар, корхоналар ва муассасалар кассаларида нақд пуллар, чет эл валютаси билан ўтказиладиган операциялар. Барча касса операциялари нақд пулларнинг сарфланиши устидан назоратни амалга оширадиган тегишли кириш ва чиқиш ҳужжатлари билан расмийлаштирилади.

КАТАЛОГ (*грек.*) — узоқ муддат фойдаланишга ҳисоб-китоб қилинган товар ёки товарлар гуруҳи сони ва хусусияти берилган кўп бетли, кўп рангли нашрни билдирувчи реклама амалиётида қабул қилинган, босилиб чиққан реклама тури.

КАТАЛОГ ЯРМАРКАСИ — товарлар намуналари қатнашмаган, унинг ўрнига каталоглар сотиладиган товарлар тўғрисида барча ахборот ифодаланган ахборот varaқлар ва ҳ. к. кенг тақдим этилган ярмарка.

КАФ (*фр.*) — товарни етказиб бериш ва нарх ўрнатиш бўйича сотувчи ва сотиб олувчи вазифаларини (мажбуриятларини) белгилаш учун олди-сотти контрактларида қўлланиладиган шарт. Халқаро савдода юкларни денгиз ва дарёда ташишда қўлланилади. Мавжуд шарт сотувчи томонидан белгиланган манзилга қадар товарни ташиб боришни, тўлашни кўзда тутди. Бунда ташиш шартномасини сотувчи тузади. Ташиш бўйича харажатлар товарнинг баҳосига киритилади. Шунинг учун *К.* баҳоси товар қийматини ва уни сотувчидан сотиб олувчига ташиб олиб бориш бўйича фрахта қийматини ўз ичига олади. Сотувчи экспорт мамлакатидagi экспорт божхона божларини, солиқларини, тушумлар ва ҳ. к. тўласа, сотиб олувчи эса импорт мамлакатидagi импорт божхона божларини, солиқларни, тушумларни ва ҳ. к. тўлайди.

КАФОЛАТ — қандайдир мажбуриятларни бажарганлик учун кафолат. Банк *К.* — ўз мижди учун, пул мажбуриятларини бажарганлик учун банк — гарантнинг кафолати. Одатда банк томонидан тегишли таъминлаш берилади.

КАФОЛАТ МУДДАТИ — сотиб олувчи томонидан товарни эксплуатация қилиш, фойдаланиш ва сақлашга риоя қилинганда сотувчини қўйган товарнинг шартнома талабларига мос бўлганлиги учун кафолатлаш давом этадиган давр. *К. м.* доирасида сотувчи камчиликларни яширганлик ва товарда топилган мавжуд нуқсонлар учун жавоб беради.

К. м. шартномада томонларнинг келишуви бўйича белгиланади.

КАФОЛАТЛАНГАН КАПИТАЛ (*фр., инг.*) — акционер ер банклари, жамғарма банклари, суғурта жамиятларининг ўз капитали, одатда ликвидлик шаклида бўлади ва уларнинг мажбуриятлари суммасига нисбатан маълум фоизни ташкил этади. Акционерлар бадалларидан ташкил топади ва кейин фойдадан ажратмалар билан тўлдирилади.

КВАЗИБОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ (*лот.*) — квази сўзи ўз моҳиятига кўра “ёлғон” — ҳақиқий эмас, деган маънони англатади. *К. и.* ҳам ҳақиқий бўлмаган маънони беради.

КВАЗИ ПУЛЛАР (*лот.*) — тижорат банкларидаги муддатли омонатлар. Депозитлардан фарқли ўлароқ, *К.* ўз хўжайинларига фоизлар олиб келади, аммо чекка буйруқ бериш ҳуқуқини бермайди. Шунинг учун муомала ва тўлов воситалари сифатида уларнинг роли унчалик эмас. Аммо кейинги пайтда Ғарбда айрим жамғарма банклари омонатчиларга фоиз тўлаш билан бир қаторда чекка буйруқ бериш ҳуқуқини ҳам беришмоқда. *К. п.* айни пайтда сақлаш ва табиий жамғариш ролида намоён бўлмоқда, шунинг учун улар ссуда капиталининг турли хил кўриниши ҳам ҳисобланади.

КВАЗИ ШАРТНОМА (*лот.*) — мажбурият шахсга унча боғлиқ бўлмаган ёки унинг шартнома муносабатларига кириш ниятига қарши ҳолда юклатиладиган шартнома. Шундай шартномаларни квази шартнома деб аталади, бу ном жуда қулай танланган, чунки у бу мажбурият ҳақиқий шартнома эмаслигини ва ҳақиқий шартномалар билан алмаштирилмаслигини кўрсатади.

КВОТА (*лот.*) — ўрганилаётган жараённинг умумий ҳажмидаги кўрсаткич ҳиссаси. Масалан, импорт квота у ёки бу мамлакатдан олиб келиш чекланган товарлар ва хизматлар ҳиссаси. Ишлаб чиқариш квотаси — компаниялар учун уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги товарлар ва хизматлар ҳиссаси. Иммиграцион квота — у ёки бу мамлакатдан, региондан келишга рухсат берилган иммигрантларнинг умумий сонини аниқлаш. Чекланган квота жамоатчилик фикрини билишда кенг қўлланилади. Аҳоли жинси, ёши, қайси миллатданлиги, даромад ҳажмига қараб гуруҳларга бўлиниши мумкин. Ҳар бир гуруҳдаги

таъаб олинган кишилар сони умумий аҳолига нисбатан ушбу гурӯҳ ҳиссасига мос келиши керак.

КИЧИК КОРХОНА — маълум мезонларга мос келувчи ҳар қандай мулк шаклидаги мустақил ҳўжалик субъекти ҳисобланган корхона. Ишлаётган ходимлар ва ҳўжалик фаолияти ҳажмининг чекланганлиги унинг фарқ қилувчи белгилари ҳисобланади. Кичик корхона бозор тузилмаси элементи бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг энг мосланувчан ва динамик шаклидир.

КЛАУЗУЛА (лот.) — шартномада кўрсатиладиган шарт, изох ёки айрим тақлиф; қонун, васият пункти.

КЛЕЙМСЫ (инг.) — қўйилган товар сифати ёки ҳолатида еттишмовчиликлар бўлиши муносабати билан сотиб олувчининг олувчига бўлган даъволари, талаблари, шикоятлари.

КЛИКА (фр.) — олдиндан келишилган ўз манфаатига мос келадиган ягона сиёсат олиб бориш учун биржада савдо қилувчи ўзига хос монополистик бирлашма. Шунинг учун К. биржа қоидалари бўйича савдо қилиши одатда тақиқланади. К. нинг бир неча турлари фарқланади: “Хўкиз К.” акциялар курсини (фонд биржасида), товарлар баҳоси ва контрактларининг (товар биржасида) оширишга ўйнайдиган брокерлар-чайқовчилар гурӯҳини билдиради. “Айиқ К.” ларга акциялар курсини товарлар баҳоси ва контрактларнинг пасайишига ўйнайдиган брокерлар-чайқовчилар киради.

КЛИРИНГ (инг.) — 1) Маълум валюта курсларига мос равишда нақд ҳисоб-китобсиз товарлар ва хизматларни сотиб олиш ва сотиш тўғрисидаги мамлакатлар ўртасидаги битим. Тўловлар сотиб олувчилар томонидан маҳаллий валютада амалга оширилади, баланс мамлакат марказий банклари — битим иштирокчилари томонидан вақти-вақти билан тартибга солинади. 2) Банклар томонидан миҳозлар қарзларини ўзаро қоплаш ва пул баланслари танқислигини тартибга солиш тўғрисида миллий ёки халқаро битим.

Банк ва валюта К. фарқ қилади. Банк К. банкларнинг фақат тўлов суммалари ва тушган пуллар ўртасидаги фарқ миқдорига ўзаро ҳисоб-китоблар қилиши билан характерланади. Банк К. ҳисоб-китоб палаталари орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар системасини билдиради. Валюта К. икки ёки бир неча мамлакатлар ўртасида ташқи савдо ва бошқа иқтисодий алоқаларда нақд пулсиз халқаро ҳисоб-китоблар тартибини ўрнатади. Қоидага кўра валюта К. давлатлар ўртасида ўзаро талабларни ҳисобга олган ташқи савдо операцияларидан келиб чиқадиган биров-бировларининг қарзларини қоплаш мақсадида амалга оширилади.

КЛИРИНГ БИТИМИ (*инг.*) — муқобил талаб ва ташқи савдодаги мажбуриятларнинг марказлашган ўзаро синови тўғрисида бир неча мамлакат ҳукуматлари ва марказий банклари ўртасидаги битим. Банклар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб палаталари орқали амалга оширилади, булар фонд ва товар биржаларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар ва уларнинг бажарилишини амалга оширади.

КЛИРИНГ ВАЛЮТАСИ (*инг.*) — ҳисоб-китоб валюта birlikлари. Бунда банкларда сёт юритилади ва клиринг хилидаги тўлов битимларини тузувчи мамлакатлар ўртасида ҳар хил операциялар ўтказилади. *К. в.* фақат нақд пулсиз шаклида — банк сётларидаги бухгалтер ёзувлари тарзида фаолият қилади. Товар етказиб беришни ўзаро кредитлаш ва тўлов битимлари иштирокчи мамлакатлари томонидан хизматлар кўрсатиш уларнинг манбаси ҳисобланади. *К. в.* эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган ва ёпиқ валюталар билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас.

КЛИРИНГ ПАЛАТАСИ (*инг., лот.*) — ўзаро талаблар синови асосида биржа битимлари иштирокчилари ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширувчи биржа ва биржааро орган.

КОВЕРНОТ (*инг.*) — брокер томонидан суғурта қилдирувчига хавфни ўз бўйнига олувчи суғурта қилувчини кўрсатиш билан унинг тузган суғурта шартномасини тасдиқлаш учун бериладиган маълумотнома.

КОЛЛЕКТИВ МУЛК — ишлаб чиқариш шароитлари хусусида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар хили бўлиб, бунда умумий мақсад билан бирлашган жамоа унга биргаликда эгалик қилади, фойдаланади, буйруқ беради. Коллектив мулк — мулк объектларининг унинг эгалари орасида ҳиссасига қараб бўлиниши, уларни ҳар қандай бошқа иқтисодий субъектларга сотиш имконияти ва ҳар бир мулкдорнинг мулк тақдири учун масъулияти билан характерланади.

КОЛЛЕКТИВ КОРХОНА — жамоа мулки асосида фаолият қилувчи корхона (кооператив, акционер, оилавий, хўжалик уюшмаси, маҳалла ва диний ташкилотларга тегишли корхоналар ва ҳ. к.). Коллектив корхонанинг фарқланувчи хусусияти бир неча мулкдор ва шу билан боғлиқ жамоа мулки объектларига эгалик қилиш, фойдаланиш, буйруқ бериш, олинган маҳсулотдан фойдаланиш, даромадларни тақсимлаш бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш ҳамкорлиги. *К. к.* хиллари ўртасидаги фарқ уларнинг ташкил этилиш, амал қилиш ва ривожланишининг конкрет хусусиятларига боғлиқ бўлади.

КОМБИНАТ (*лот.*) — товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқариш жараёнининг вертикал интеграция қилиниши билан характерланувчи ишлаб чиқариш хўжалик объекти шакли.

КОММАНДИТ ЎРТОҚЛИГИ (фр.) — ҳужалик жамоатчилиги ва ўртоқлиги тури бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолияти ўртоқлиги номидан шуғулланувчи ва ўртоқлик мажбуриятлари бўйича жавоб берувчи бир ёки бир неча иштирокчилар билан ўзларининг барча мулкига хайрихоҳлик билдирилади, улар томонидан солинган омонатлар суммаси доирасида ўртоқлик фаолияти билан боғлиқ зарар келтирувчи бир ёки бир неча иштирокчилар (коммандитистлар, омонатчилар) бўлади. К. ў. ҳуқуқий ҳолати ҳужалик жамоатчилиги ва ўртоқлиги тўғрисида қонун акллари билан белгиланади.

КОММЕРЦИЯ (лот.) — сотиш ёки товарлар ва хизматларни сотишга таъсир кўрсатувчи фаолият.

КОММИВОЯЖЕР (фр.) — мавжуд намуналар бўйича сотиб олувчиларга товарларни таклиф этувчи кўчма савдо фирмаси нақили. Бозор иқтисодиётида К. ёрдамида реклама таъминланади ва маҳсулотни сотиш, уни сотгандан кейин хизмат кўрсатиш учун энг яхши шарт-шароитлар яратилади.

КОММЮНИКЕ (фр.) — мамлакатнинг ички ҳаётидаги муҳим воқеалар тўғрисида, давлатлар ўртасида эришилган халқаро музокаралар ва битимлар тўғрисида расмий хабар.

КОМИССИОНЕР (фр., лот.) — тузилган битимга биноан комитент топшириғи бўйича воситачилик ролини ўйнаовчи ва коммиссион хизматлар кўрсатувчи юридик ёки jisмоний шахс. Товар бозорида К. товарни сотган билан мулкка эга бўла олмайди. Комитентдан унга хизматлар кўрсатилгани учун олинadиган коммиссион мукофот К. даромади ҳисобланади.

КОМИССИЯ (лот.) — 1) Бир томон (коммиссионер) бошқа томон (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, аммо комитент манфаатлари учун ва унинг ҳисобидан мукофот учун битим тузиш мажбуриятини олувчи шартнома, шундай битимни амалга оширганлик учун ҳақ; 2) Банк амалиётида миқозлар топшириғи бўйича ва улар ҳисобидан бажариладиган операцияларни ўтказганлик учун тижорат банкига тўланадиган ҳақ.

КОМИССИОН МУКОФОТ — сотувчилар ёки савдо компания вакиллари тўлов системаси, бунда иш ҳақи ҳажми бевосита ёки бавосита айланма миқдорига, уларнинг меҳнат билан таъминланишига боғлиқ бўлади. К. м. ҳар хил турлари қўлланилади: 1) линияли К. м. — сотувчи ёки вакил қандай товарлар миқдорини сотишига боғлиқ ҳолда ҳеч қандай ўзгаришсиз оборотдан маълум фоизни тўлаш; 2) дегрессив К. м. — оборот кўпайиши билан маълум фоизни тўлаш; 3) прогрессив К. м. — сотиш ҳажми ўсиши билан сотувчига ёки вакилга тўланадиган К. м. ставкаси ошади; 4) фойда асосидаги К. м. — иш ҳақи ялпи оборот эмас, балки фойда асосида ҳисоб-китоб қилинади.

КОМИССИОН УЙ — комиссион мукофот олиш мақсадида фьючерс биржасида мижозлар учун олди ёки сотти топшириқларини бажаришга ихтисослашган воситачи фирма; у ўз ҳисобидан битимни амалга оширмайди. *К. у.* савдо фирмалари эмас, балки ҳусусий шахслар топшириғи бўйича операцияларни амалга оширади.

КОМИТЕНТ (*лот.*) — бошқа томонга (комиссионерга) мукофот учун комиссияга товарлар, векселлар, акциялар, облигациялар ва ҳ. к. билан бир ёки бир неча битимларни амалга оширишни топширувчи комиссия шартномасидаги томон. Битим комиссионер номидан, аммо *К.* манфаатлари ва унинг ҳисобидан тузилади.

КОМПАНИЯ (*фр.*) — тижорат ёки саноат фаолияти мақсадида ташкил этилган шахслар ассоциацияси. *К.* шериклик принциплари асосида фаолият қилиши, ишчанликни ташкил этишнинг бошқа шакллари қабул қилиши мумкин. Шерик — ҳар биттаси компания қарзлари учун тўлиқ шахсий жавобгарлик қабул қилувчи икки ёки ундан ортиқ индивидуумлар ўртасида контракт орқали пайдо бўлган ишчанлик уйин шакли. *К.* масъулияти чекланган компаниядан корпорацияга ўтиш шакли. Унинг иштирокчилари *К.* қарзлари учун чекланган масъулиятга эга.

Инвестициявий *К.* капитал солади, бу корпорациянинг қимматбаҳо қоғозларига унинг ўз қимматбаҳо қоғозларини сотиш ҳисобидан сафарбар этилади. Мавжуд *К.* инвестицияларидан тушган даромад оператив харажатларни тўлаш ва акционерларга дивиденд тўловлари учун фойдаланилади.

КОМПАНИЯ ДЕРЖАТЕЛЬ — бошқа компаниялар контроль пакетларига эга бўлган компания.

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ — масъулияти чекланган барча компания шакллари учун кўнлаб мамлакатлардаги қонунда кўзда тутилган ҳисоботнинг бажарилиши шарт бўлган шакли. *К. м. ҳ.* компаниянинг умумий балансини, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботни ва компания раҳбари докладини ўз ичига олади. *К. м. ҳ.* шаклидаги ушбу барча ҳужжатлар пайчилар ёки компания акционерларига ҳар йили кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун берилади. *К. м. ҳ.* маркетинг тадқиқоти олиб бориш учун энг муҳим ахборот манбаларидан бири ҳисобланади.

КОМПЕНСАЦИЯ (*лот.*) — йўқотилган у ёки бу нарсани қоплаш; ўзаро айтилган талаблар бўлиб, синов орқали тўлиқ ёки қисман мажбуриятларни тўхтатиш усули.

КОМПЕНСАЦИОН ТОВАР БИРЖАСИ — ошқоча барча маҳсулот турлари, кўчмас мулк ва хизматларни ўзаро айирбошлаш бўйича битимлар тузиладиган биржа. Сотишга тавсия қилинган товар бартер ёки компенсацион доллар деб аталадиган шарт-

ли (виртуаль) пул (счёт) бирлигида баҳоланади. Ҳозирги вақтда К. т. б. АҚШ ва Канадада мавжуд.

КОМПЕНСАЦИЯ ШАРТНОМАСИ — товарнинг бир қисми пул билан тўланадиган муқобил савдо ёки бартер операцияларининг турли хили.

КОМПРАДОР (исп.) — ташқи ва ички бозорда савдони амалга оширувчи мустамлака ёки ривожланаётган мамлакатлардаги савдо воситачиси. К. асосий вазифаси маҳаллий деҳқонлар ва хунармандлардан сотиб олинган товар партияларини чет эл сотиб олувчиларига қайта сотишдан иборат.

КОНВЕНЦИЯ (лот.) — халқаро битим ёки келишув турларидан бири. Конвенция терминининг энг кўп ёйилиши халқаро почта, радио-телеграф алоқа, божхона масалаларига тегишли битимларни тузиш билан боғлиқ.

КОНВЕНЦИЯ БОЖЛАР — давлатлар ўртасида шартнома ёки келишув бўйича ўрнатиладиган божхона божлари; конвенция божлари ставкаси қоида бўйича бир томонлама давлат томонидан ўрнатиладиган одатдаги божхона тариф ставкасидан паст бўлади.

КОНВЕРГЕНЦИЯ (лот.) — қўшилиш томонига яқинлашиш, барқарор мувозанат ва ривожланиш. К. талаби талабнинг харақтерига мос равишда ҳар хил бозор сегментларининг яқинлашувини билдиради.

КОНВЕРСИЯ (лот.) — янги маҳсулот чиқаришга ўтиш, корхона ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш. Бу термин асосан мудофаа тармоқлари корхоналарига нисбатан қўлланилади, чунки уларнинг ишлаб чиқариши фуқаролар учун маҳсулот чиқаришга мослашган бўлади.

КОНВЕРСИОН БИТИМЛАР — валютани сотиб олиш. Қуйидаги валюта операциялари мавжуд: “спот” — валютани битим тузилган пайтда ёки бир иш куни ўтгандан кейин айирбошлаш; “форвард” — битим пайтида қайд қилинган курс бўйича ўрнатилган муддатда шошилишч валюта тўловлари; “своп” — битим пайтида қайд қилинган курс бўйича маълум вақтдан кейин ўша суммада қайта сотиб олиш шартлари билан битта валютани бошқасига сотиш.

КОНВЕРСИОН ИМТИЁЗ — маълум муддат маълум нархда келишилган компаниянинг одатдаги акцияларини сотиб олишга конвертирланадиган облигациялар эгасининг ҳуқуқи. К. и. чиқарилган акцияларни тез сотиш; заём баҳосини камайтириш ва компанияга энг қулай шартларда бавосита йўл билан оддий акциялар чиқарувчи компанияга қараганда акционер капитални жалб этишга имкон беради.

КОНВЕРТИРЛАНДИГАН ВАЛЮТА — миллий пул бирлигининг қонун билан мустаҳкамланган қайтариловчанлиги,

яъни айирбошлаш жараёнида давлатнинг бевосита аралашмасдан барча ҳоҳловчилар учун уни чет эл валютасига айирбошлаш имконияти. Конвертирланиш даражаси давлат органларининг валюталарни чеклашдаги қўллайдиган ҳажми ва қатъиятлилигига тескари пропорционал бўлади. Пул бирликларининг қайтарувчанлиги мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимооти, жаҳон савдоси ва ҳисоб-китобларида иштирок этишининг муҳим самарали омили ҳисобланади.

К. в. бу ҳар бир мамлакатда валютанинг тўлов воситасини бажариш қобилиятидир. 1986 йилда Халқаро Валюта Фонди шундай валюталар қаторига АҚШ долларини киритган (доллар немисча сўз — “Талер”дан келиб чиққан).

Ҳозирги вақтда 150 дан ошиқ мамлакатдан ХВФ аъзолари ҳисобланган жаҳоннинг энг ривожланган 10 та мамлакат валюталари тўлиқ конвертирланган бўлиб, буларга АҚШ, Канада, Япония ва қатор Европа давлатлари киради. Тахминан, 50 давлат чекланган *К. в.* га эга.

КОНВЕРТИРЛАНДИГАН ОБЛИГАЦИЯЛАР — конверсион имтиёз шартларига мос равишда бошқа қимматбаҳо қоғозларга айирбошлаш мумкин бўлган облигациялар. *К. о.* инвесторга маблағ солиш хавфсизлигини ва даромаднинг барқарор келишини таъминлаш ҳамда одатдаги акцияларни берадиган капитални кўпайтириш имконини беради. *К. о.* компаниянинг ўсишига ва айни пайтда хавфдан сақланиб қолишга ҳаракат қилувчи инвесторлар учун муҳим талаб бўлиб хизмат қилади. Бундай инвесторлар *К. о.* одатдаги акцияларга айирбошлаш имтиёзи учун кичик фоизга рози бўладилар. Кўплаб *К. о.* эрта бошланган конверсия инвесторларни муқофотлаш учун вақти-вақти билан конверсия нархи ошиб туради. *К. о.* одатда 5—10 йил муддат билан чиқади, аммо фоиз даражасини камайиши ушбу муддатни чўзиши мумкин.

КОНВЕРТИРЛАНДИГАН ПРЕФАКЦИЯЛАР — маълум вақтда олдиндан белгиланган баҳо бўйича бошқа классларга айирбошлаш мумкин бўлган префакциявий акциялар. Конверсион префакция одатдаги акцияларнинг бозор баҳосига нисбатан унча юқори бўлмаган тарзда ўрнатилади (10—15 фоиз). Конверсия билан боғлиқ бўлган барча имтиёзлар чиқарилгандан кейин маълум вақтдан сўнг бекор қилинади (амалда 5—12 йил). Кўплаб *К. н.* қайтишга мўлжалланган. Компания мажбурий конверсияни эълон қилиши мумкин, бу фақат директорлар префакцияларни қоплаш одатдаги акцияларни чиқариш орқали фойда берадиган бўлишига ишонган ҳолатда рўй беради.

КОНГЛОМЕРАТ (*лот.*) — корхона (фирма) бирлашмаси шаклларида бири. Ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро боғланган

корхона (фирма)ни бирлаштирувчи функционал конгломерат қўшилувлар ва ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган фирмаларни бирлаштирувчи инвестициявий конгломерат қўшилувлар фарқланади. *К.* учун қуйидагилар характерли:

1) ишлаб чиқариш соҳасида алоқаси бўлмаган ва турли хил функциялар бажарувчи кенг доирадаги бирлашма; 2) марказлашмаган бошқаришнинг юқори даражаси; 3) ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳисобидан эмас, балки ҳар хил қўшилувлар натижасида капиталнинг тез ўсиши; 4) *К.* доирасида корхонанинг бирлашуви банк иштироки билан ёки унинг атрофида юз беради. *К.* ҳосил этишнинг асосий рағбатлантирувчи воситаларидан бири унга кирувчи корхона акциялар курсининг ошиш имкониятидир, чунки *К.* фаолиятини диверсифициялаш конъюнктур ўзгаришлардан келадиغان зарарлар хавфини анча камайтиришга имкон беради.

КОНГЛОМЕРАТ ҚЎШИЛУВ — бир-бирига тўғри келмасдан бозор сегментларига таянувчи фирмаларнинг қўшилиши.

КОНКОРДАТ (*лот.*) — шахслар, партиялар, ҳукуматлар ўртасидаги дўстлик шартномаси. Дастлаб термин қандайдир давлат ҳукуматлари ўртасида фақат шартномани белгилаш учун истеъмол қилинган.

КОНКУРЕНТ (*бозорда*) (*лот.*) — товар ишлаб чиқарувчи бўлиб, унинг фаолият ҳажмини кенгайтириш ёки сақлаш мавжуд бозор субъекти ҳисобланмиш бошқа товар ишлаб чиқарувчи бозор ҳиссасининг камайишига олиб келади.

КОНКУРЕНЦИЯ (*рақобат*) (*лот.*) — бозор механизми элементи, бозор субъектларининг ўзаро таъсири шакли, капитал солишнинг энг қулай шарт-шароитлари учун кураш. Бозор шароитларида *К.* ҳўжалик пропорцияларини ташкил этишнинг асосий механизми ҳисобланади. *К.* ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Соф конкуренция — соф *К.* бозор кўплаб бир-бирига ўхшаш бўлган товарни сотувчилар ва сотиб олувчиларни пайдо қилади. Сотувчилар ва сотиб олувчилардан биронтаси ҳам алоҳида товарнинг жорий бозор баҳоси даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди.

2. Монополистик конкуренция — монополистик *К.* бозори баҳоларнинг кенг диапозонида битимларни амалга оширувчи кўплаб сотиб олувчилар ва ҳар хил товарларни таклиф этиш қобилияти билан тақозо этилади. Буюмлар биров-бировидан сифати, хусусияти, ташқи беаги ва тегишли хизматлар ассортименти бўйича фарқ қилади. Сотиб олувчилар фарқларни кўрадиган ва товар учун бозорда қайд этилган энг юқори баҳони тўлашга тайёр турадилар.

3. Олигополистик конкуренция — олигополистик бозор баҳи белгилаш сиёсатига ва маркетинг стратегиясига жуда ҳам сезигир, кўп бўлмаган сотувчилар сонини ташкил этади. Олигополистик бозор иштирокчиларининг унчалик кўп бўлмаган миқдори шундай бозорга кириб олишнинг қаттиқ шарт-шароити билан тақозо этилади. Олигополистик бозорнинг амал қилувчи белгиларидан бири шундан иборатки, унинг иштирокчилари баҳолар ошишининг узоқ муддатли ижобий натижасига ҳисоб китоб қилмайдилар, чунки рақобатчилар уларни пасайтиришга мажбур қиладилар. У ёки бу мамлакатда вужудга келган социал-иқтисодий муносабатларга боғлиқ ҳолда К. бир хил бўлмаган хили ва турларини ажратиш мумкин. Масалан, хусусий мулкка асосланган ҳўжаликларда уларнинг бир неча асосий турлари мавжуд: оддий товар ишлаб чиқарувчилар, яккахўжалик қашталлари, монополиялар, миллий капиталлар, интернационал капиталлар.

КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ (РАҚОБАТВАРДОШЛИК) (товар) (*лот.*) — рақобатчи товарига нисбатан мавжуд товар истеъмоллилик ва қиймат параметрларининг қиёсий харақтеристикаси.

КОНКУРЕНТ ВАРАҚАЛАР (*лот.*) — экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотнинг баҳолари; техник-иқтисодий кўрсаткичлари, сифати ва реализация қилиш тижорат шартлари тўғрисида маълумотларни умумлаштирувчи ташқи савдо ахбороти турини К. в. маҳсулотни экспорт ва импорт қилишда ташқи савдо баҳоларини асослаш, таклифлар ишлаб чиқиш ва аниқлаш учун материалларнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

КОНОСАМЕНТ (*фр.*) — сотилган товар уни сотиб олган кишига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Юк ташувчининг юкни олганлигини тасдиқловчи тилхати ёки юк ташувчи ва юкни жўнатувчилар ўртасидаги юкни жўнатганлиги тўғрисида контрактни билдиради. Товар ишлаб чиқарувчи ҳужжатни юк жўнатувчи томонидан тўлдиради, уни юк ташувчига юкни тоғишли жойга топширишда тасдиқлаш ёки имзо қўйдириш учун берилади. К. кўрсатиладиган, ордерли ёки номи ёзилган бўлиши мумкин.

КОНСАЛТИНГ — корхоналар, фирмалар, ташкилотлар (ш. к. ташқи иқтисодий фаолият соҳасида) иқтисодий фаолиятининг кенг қамровли масалалари бўйича ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва сотиб олувчиларга консултация бериш. Консалтинг фирмалар товарлар, хизматлар, лицензиялар, ноу-хау ва ш. к. жаҳон товарлар бозорларини ўрганиш ва прогнозлаш, халқаро ҳамкорлик объектларини техник-иқтисодий асослашни иш-лаш ва қўшма корхоналар тузиш, комплекс маркетинг тадқиқо-

тини ўтказиш, маркетинг тадқиқотини ишлаш ва ҳ. к. бўйича ҳар хил хизматлар кўрсатади. Хорижий мамлакатларда консалтинг фирмалари регионал бозорларга, товарлар гуруҳига ихтисослашган ёхуд тармоқ ихтисосига эга бўлади. Йирик концернлар ўз консалтинг бўлимларини ташкил этади, ўрта ва кичик фирмалар эса иқтисодий мақсадга мувофиқ эмаслиги ва мутасаддис кадрлар етишмаслиги сабабли ихтисослашган консалтинг фирмалар хизматларидан фойдаланади.

КОНСЕНСУС (лот.) — муҳокама қилинадиган вазият овозга қўйилмасдан келишув билан қабул қилинадиган ишлаб чиқилиш методи ва қарорлар, халқаро шартномалар, ҳужжатларни қабул қилиш. Келишув деб шундай вазиятга айтиладики, бунда музокарада иштирок этувчи давлат, агарда у ёки бу қоидага рози бўлмаса ҳам, аммо халқаро ҳамкорлик манфаатини кўзлаб ҳужжат қабул қилишга қаршилик қилмайди. К. масалаларни “пакетда” ечиш методи билан, яъни айрим масалалар бўйича эмас, бلكи уларнинг мажмуаси бўйича қарорлар қабул қилиш билан унинг боғлиқ.

КОНСИГНАНТ (лот.) — чет элда жойлашган омборлардан консигнацион савдони ташкил этишга топшириқ берувчи юридик ёки жисмоний шахс. К. сотилиши мумкин бўлган маҳсулотнинг реализация қилиш номенклатурасини ва унинг минимал баҳосини аниқ белгилаши керак. К. консигнацион омборга товарларни консигнатор билан келишилган ассортиментда ва миқдорда ўз вақтида етказиб беришга ҳамда омборхоналарида сақлаш бўйича харажатларни тўлашга мажбур. К. консигнация билан шартнома бўйича реализация қилинадиган товарларнинг (улар сотилган пайтга ёки унга уларнинг тўланган маблағи тушгунга қадар) эгаси ҳисобланади.

КОНСИГНАЦИЯ (лот.) — 1) Товарларни коммиссион сотиш шакли, бунда уларнинг эгалари (консигнант) товарни коммиссионер омборидан сотиш учун коммиссионерга (консигнаторга) беради; 2) Товарларни воситачиларнинг консигнацион омборлари орқали сотиш шартлари. Товарни омборда сақлаш ва уни сотиш олдида тайёрлаш сотувчи ҳисобидан амалга оширилади. Товарларни омборга қўйиш, сотиб олувчи билан сотиш контрактга қадар бажарилади. К. шarti шундан иборатки, товар воситачи омборида бир ва бир ярим йил сақланади. Агарда шу давр ичида товар сотилмаса, у мулк эгасига унинг ўзи ҳисобидан қайтарилади.

КОНСИГНАТОР (лот.) — чет элда жойлашган омборлардан ўз номидан ёки консигнант ҳисобидан консигнацион савдони ташкил этиш топширигини бажариш мажбуриятини ўз бўйича олувчи юридик ёки жисмоний шахс. К. функциясига савдони

ташкил этиш учун хоналарни тайёрлаш, персонални ёллаш кирди. У консигнацион омборда турувчи товарларни сақлашга жавобгар ҳисобланади, уларни суғурта қилишни ташкил этади.

КОНСОЛИДАЦИЯ (лот.) — 1) Капитални энг ишончли акцияларга солиш йўли билан акциялар билан савдодан олинган фойдалардан фойдаланиш; 2) Миллий валютани мамлакатнинг янги халқаро пул активлари валюта резервларига алмаштириш (масалан, СДР); 3) Ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган бухгалтерия ҳисоби методи; 4) АҚШда икки ёки ундан ортиқ фирма ёки компанияларни бирлаштириш ёки қўшиш; 5) Қисқа муддатли давлат ҳиссасини узоқ муддатга айлантирадиган кредит операцияси; 6) Мустаҳкамлаш.

КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ БАЛАНС — корпорация бўйича она ва қиз жамиятларининг фаолияти ва молиявий натижалари тўғрисида йиғма бухгалтерия ҳисоботи. Ички корпорация ассоциация компанияларининг ўзаро обороти иккиламчи счёtdан қочиш мақсадида консолидация балансидан чиқарилади. Она жамиятлари кўпинча холдинг-компания ҳисоблангани, уларнинг асосий қиз корхоналари капиталига иштирок этиши муносабати билан банк монополиялари консолидация баланси муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина мамлакатларда банклар миллий ва халқаро назорат органларига консолидация ҳисоботини топширишлари шарт.

КОНСОРЦИУМ (лот.) — ҳамкорликда заёмларни жойлаштириш ёки ягона капитал сифимли саноат лойиҳаларини амалга ошириш учун бир неча банклар ёки саноат компаниялари ўртасида вақтинчалик битим. Банк К. компаниянинг молия эҳтиёжлари бир банк томонидан уларнинг имкониятидан ошиб кетганда, дунёнинг ҳар хил қисмларида ҳар хил валюталарда молиялаш талаб қилинганда, узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитларга эҳтиёж пайдо бўлганда тузилади. Саноат компаниялари К. капиталлар, патентлар, сотиш шохобчаларини бирлаштириб, қиммат турадиган лойиҳаларни амалга ошириш учун тузади. Мижозларни кредитлашнинг консорционал шаклидан фойдаланиш биринчи навбатда айрим банкнинг йирик заёмчиларга кредит бериш учун маблағлари етмай қолиши билан боғлиқ бўлган муаммони ечишга имкон беради. К. да кредит муносабатлари амал қилувчи қонун асотида ва Республика давлат банки низомига мос равишда ҳамда кредитлаш қоидаларига мувофиқ курилади.

КОНСУЛЬ ФАКТУРАСИ (консультация) — товарни тайинловчи мамлакат консули товарнинг баҳоси ва барча товар партияси қийматига гувоҳлик берувчи ҳужжат. Кўпгина мамлакатларда К. ф. тасдиқланган бланкаларда экспортёрлар томонидан тузилади ва

импортёр мамлакат консули томонидан тасдиқланади. Импорт товарлардан адвалор бож (товар баҳосидан) олинадиган мамлакатларда *К. ф.* амал қилади.

КОНСЮМЕРЗМ (*инг.*) — фуқаролар ва давлат органларининг сотиб олувчилар билан бўлган муносабатларида сотиб олувчилар ҳуқуқлари ва таъсирини кенгайтириш учун ташкилий ҳаракати. Сотиб олувчи учун анъанавий ҳуқуқлар, сотиш учун таклиф қилинган товарни сотиб олмаслик, ундан фойдаланишнинг хавфсизлигига умид боғлаш, унинг сотувчи томонидан эълон қилинган қоидага мос равишда фаолият қилиши, истеъмолчи сотиб олинган товарнинг сифатига таъсир кўрсатиш имконияти ва маркетинг методлари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлмоғи лозим. Ушбу ҳуқуқларни муваффақиятли реализация қилиш учун истеъмолчиларни уюштириш талаб этилади. Улар жамоатчилик асосида ёки бўлмаса давлат органлари раҳбарлигида тузилади.

КОНТАНГО (*лот.*) — баҳолар нисбати бўлиб, бунда муддатли битимлар бўйича баҳолар нақд товар баҳосидан юқори бўлади. Узоқ муддатли товар етказиб бериш баҳоси яқин муддатда товар етказиш баҳосига нисбатан ҳам ошиқ бўлади. Бундай баҳолар нисбатининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, узоқ муддат сақланган товар учун кетган сарфлар ушбу товар баҳосида ифодаланган бўлади.

КОНТИНГЕНТ БУЮРТМА (*лот.*) — бир вақтнинг ўзида бир хил акцияларни сотиб олиш ва бошқаларини сотишни кўзда тутувчи буюртма.

КОНТИНГЕНТЛАШ (*лот.*) — экспорт ва импорт квоталарини (контингентларни) ўрнатиш ёрдамида давлатнинг ташқи савдо шакли. Одатда тартибга солишнинг бу шакли маълум даврга ёки қандайдир воқеа муносабати билан киритилади.

Импортга контингентлар мамлакатнинг тўлов балансини яхшилаш зарурлиги муносабати билан миллий саноат манфаатларини ҳимоя қилиш учун киритилади. Экспортга контингентлар маҳаллий бозордаги тақчил товарларга ёки ҳукуматнинг қабул қиладиган савдо-сиёсий чоралари муносабати билан киритилади. Контингентлар ўрнатилган чегарада товарлар билан савдо қилиш лицензиялар бўйича амалга оширилади. Контокоррент банкнинг мижозлар билан бўладиган барча операциялари ҳисобга олинадиган жорий сўтга эга бўлади.

КОНТОКОРРЕНТ КРЕДИТ (*итал.*) — банкларнинг ўзларининг доимий мижозлари билан бўлган ўзаро муносабатларида кенг фойдаланилади. Контокоррент банкнинг мижозлар билан бўлган барча операциялари ҳисобга олинадиган ягона сўти. Бунда бир томондан банк ссудалари ва мижоз топшириғи бўйи-

ча ҳисоб рақамлардан бериладиган барча тўловлар, иккинчи томондан эса банкка ҳисса тарзда мижозлардан тушадиган маълағлар, ссудаларнинг қайтарилиши ва ҳ. к. ифодаланади.

КОНТРАГЕНТ (лот.) — тузилган контрактга биноан ўзинга маълум мажбуриятни олувчи жисмоний ёки юридик шахс.

КОНТРАКТ (лот.) — товарлар ва хизматларни олди-сотти шартномаси. Товарга бўлган мулк ҳуқуқининг сотувчидан сотиб олувчига ўтганлигини кўзда тутати ва қуйидаги асосий ҳолатларни ўз ичига олади: товар етказиб бериш воситаси ва ҳажми (товарнинг номи ва миқдори), товарлар сифатини аниқлаш усуллари, товар етказишнинг муддати ва жойи, товар етказишнинг базис шарт-шароитлари, баҳо ва умумий қиймат, тўлов шартлари, топшириш — қабул қилиш тартиби, кафолат ва жарималар тўғрисидаги шартлар, арбитраж, форс-мажор, транспорт шарт-шароитлари, томонлар манзиллари, имзолар. Товарни етказиш, мулк ҳуқуқини ва тегишли ҳужжатларни сотиб олувчига бериш сотувчининг асосий мажбурияти ҳисобланади. Сотиб олувчининг товарни қабул қилиши ва уни тўлаши шарт.

Ҳўжалик амалиётида шартларнинг асосий қисми стандартлаштирилган типовой К. кўпроқ фойдаланилади. К. биржалар, савдо ёки ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари айрим йирик фирмалар, монополиялар томонидан ишлаб чиқилади. Типовой К. ишлаш келишувга тегишли шартлар сонини қисқартириш билан максимал қисқа муддатда музокара олиб боришга имкон беради, айрим ҳолатларни нотўғри талқин қилиш натижасида вужудга келган мунозаралар эҳтимолини камайтиради. Ҳозирги замон алоқа воситаларини ривожлантириш муносабати билан типовой К. қўллаш телекс ва телефакс бўйича битимлар тузишга имкон яратди, бу баҳоларнинг кескин ва катта ўзгариши учун характерли бўлган товарлар учун айниқса характерли ҳисобланади. Натижада товар обороти тезлашади ва муомала харажатлари камаяди. Амал қилиш вақти бўйича олди-сотти К. қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлади.

КОНТРАКТАЦИЯ (лот.) — муқобил савдонинг шаклларидан бири, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини харид қилишда кен қўлланилади. Пул бирлигининг паст сотиб олиш кучи ва товар тақчиллиги бўлган ҳолатларда фойдаланилади. Бундай шароитларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти эвазига зарур техника, эҳтиёт қисмлар, ем, минерал ўғитлар ва ҳ. к. товарлар етказиб берилади. Муқобил маҳсулот етказишнинг бу шаклида ишлаб чиқаришни ва маҳсулот етказишни қўпайтириш ишлаб чиқарувчилари рағбатлантирилади.

КОНТРАФАКЦИЯ (фр.) — 1) Номдор фирмалар товарлари билан ўхшаш бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация

шониндан даромадлар олиш мақсадида қўлланиладиган товар белгилари ва хизмат белгиларидан қонунсиз фойдаланиш. 1) қонун билан таъқиб қилинади ва лицензия ҳуқуқини бузган ҳисобланади; 2) Қалбаки.

КОНТРОФЕРТА (фр.) — дастлабки кўрсатилганига қараганда бошқача шароитларда шартнома тузиш учун таклиф қилинганнинг тўғрисида ариза.

КОНФЕДЕРАЦИЯ (лот.) — 1) Ўз мустақилликларини сақлаб қолган ва фақат ўзларининг айрим ҳаракатларини (одатда ташқи иқтисодий ва ҳарбий) координация қилиш учун бирлашувчи давлатлар иттифоқи. К. да одатда ягона территория ва ягона фуқаролик бўлмайди; 2) Қандайдир ташкилотларнинг иттифоқи, бирлашмаси (масалан, Халқаро Меҳнат Конфедерацияси).

КОНФИСКАЦИЯ (лот.) — ўрнатилган қонунга мувофиқ давлат томонидан мулкни мажбуран ва текинга бегоналаштириш.

КОНЦЕРН (инг.) — мулк ва назорат бирлиги билан характерланувчи бирлашма шакли; концернга кирувчи корхоналар мустақилликка эга эмас, концернни бошқарувчи бош ташкилот томонидан назорат қилинади.

КОНЦЕССИЯ (лот.) — давлатга ва маҳаллий органларга тегишли бўлган табиий бойликлар, корхоналар ва бошқа хўжалик объектларини маълум муддатга эксплуатация қилишга берилиш тўғрисидаги шартнома. К. деб шундай шартнома асосида ташкил этилган корхонанинг ўзини ҳам айтиш мумкин. Давлат томонидан чет эл фирмасига (ёки хусусий шахсга) берилган К. ушбу давлатнинг қонуни билан тартибга солинади. Халқаро ҳуқуққа мос равишда давлат К. ни муддатидан олдин тўхтатиши мумкин.

КОНЪЮНКТУРА ТАДҚИҚОТЛАРИ — бозорнинг юзага келган ҳолатини, уларнинг ўзгаришидаги анъаналарни аниқлашни тақдир қилишга йўналтирилган бўлади, бу ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг энг оригинал стратегиясини ишлашга имкон беради.

КООПЕРАТИВ (лот.) — ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи амалилаш асосида тадбиркорлик фаолияти учун бирлашувчи ешчиларнинг ихтиёрий гуруҳи томонидан тузилган ташкилот. К. юридик шахс ҳисобланади. Ўз маблағлари ва қарзга олган маблағлардан ҳамда ўз мулки ёки ижарага олган мулкдан фойдаланиш мумкин. К. маҳсулоти унинг ўз мулки ҳисобланади.

КООПИРАЙТ (инг.) — айнан таржима қилганда муаллиф ҳуқуқи маъносини билдиради. Хўжалик ҳуқуқий амалиётда К. белгини билдиради, бу белги маҳсулот тайёрловчи фирма номидан ёки муаллиф фамилиясидан олдин қўйилади. Одатда К. ом-

мавий тираждаги босма, кино ва видео маҳсулотлари ҳамда дигиталнинг айрим турлари ва ҳ. к. фойдаланилади.

КОРНЕР (инг.) — фойда олиш мақсадида битта ёки бир неча юридик ва жисмоний шахслар томонидан биржадаги акциялар, товарлар, контрактларни сотиб олиш (тил бириктириб). К. шундай фойда олишни таъминловчи тегишли товарлар ва ҳ. к. етишмаслигини ва нархларнинг ошишини сунъий юзага келтирувчи восита ҳисобланади.

КОРПОРАЦИЯ (лот.) — қонун асосида маълум мақсад билан тузилган, аъзоларнинг мерос қилиб олишлиги ҳисобига фаолият қилувчи битта ёки ундан ошиқ жисмоний шахслардан ташкил топган юридик шахс.

КОРПОРАЦИЯ ЁКИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ — ҳозирги вақтда капиталистик корхонанинг энг кўзга ташланадиган ва иқтисодий муносабатда юридик ташкилотнинг устунликка эга бўлган шакли. К. м. ч. ж. асосида ётувчи асосий ҳуқуқий принцип фирма эгасининг чекланган масъулияти, бу шериклар фақат активлар ҳажмидаги мажбуриятлар, яъни фирманинг ўз мулки бўйича жавоб беришлигини билдиради. Демак, масъулият фирма шерикларининг бошқа мулкига ёйилмайди.

КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ФОЙДАСИГА СОЛИҚ — юридик шахслар даромадларига солиқ. Барча капиталистик мамлакатларда амал қилади. Пропорционал ставкалар бўйича солиқ Декларацияси асосида олинади. К. ф. с. объекти бўлиб солиқ қонунчилиги ўрнатилган сумма ва скидкаларни чегириб ташлагандан кейин ялпи фойдага тенг бўлган фойда хизмат қилади. Чегиришларга ишлаб чиқариш, тижорат, транспорт харажатлари, қарз бўйича фоизлар, зарарлар, рекламага кетган харажатлар, дивидендлар ва ҳ. к. киради.

КОРРЕСПОНДЕНТ (нем., фр.) — банк ёки бошқа молия ташкилоти бўлиб, мавжуд шаҳар ёки мавжуд мамлакатда худди шундай бошқа ташкилот манфаатини ифодалайди. Корреспондент муносабатлар кредит муассасалари ўртасидаги шартнома муносабатлари бўлиб, уларнинг мақсади биров-бировларининг кўрсатмаси бўйича тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширишдан иборатдир. Корреспондент муносабатларни ўрнатиш учун кредит муассасалари ўзаро ҳисоб-китоблар қайси счётлар бўйича амалга оширилиши ҳусусида хатлар алмашишади, келишиб олишади, вазифадор шахслар намунавий имзолари, комиссия мукофот тарифлари алмашишади.

КОРРЕСПОНДЕНТ МУНОСАБАТЛАР — биров-бировларининг топширигига асосан тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсади бўлган кредит муассасалари ўртасидаги шарт-

нома муносабатлари. Кредит муассасалари ўзаро ўрнатган *К. м.* корреспондент дейилади.

КОТИРОВКА (*фр.*) — биржада чет эл валюталари, қимматбаҳо қоғозлар (акциялар ва облигациялар) ёки товарлар баҳоси курсларини аниқлаш; биржада қимматбаҳо қоғозлар ёки товарлар муомаласи; қимматбаҳо қоғозлар, чет эл валюталари, товарларнинг биржа қийматлари тўғрисида расмий эълон қилиш. *К.* одатда, товар, фонд ёки валюта биржаси махсус органлари (одатда, котировал комиссияси) томонидан ўтказилади ва товарлар улгуржи нархлари, қимматбаҳо қоғозлар курслари ва чет эл валюталари биржа бюллетенларида чоп этилади. Биржада *К.* мамлакат у ёки бу тармоғида ишлаб чиқаришнинг катта қисмини назорат қилувчи чекланган миқдордаги акционер жамиятларнинг қимматбаҳо қоғозларига йўл қўйилади. Чет эл валюталари курслари давлат валюта органлари томонидан ўрнатилади, бунда расмий валюта қийматлари билан бир қаторда “чайқов” биржаси курслари ҳам амал қилади. Чет эл валютаси *К.* асосий иккита методи мавжуд: бевосита ва бавосита. Энг кўп тарқалган бевосита *К.* бўлиб, бунда чет эл валютаси бирлиги миллий валютада ифодаланади.

КОТИРОВАЛ КОМИССИЯ — биржанинг ишчи органи бўлиб, унинг асосий вазифаси котировал нархларни чиқариш, уларнинг ҳаракатларини анализ қилиш, нархлар ва тегишли аналитик материаллар тўғрисида ахборот эълон қилиш.

КОУС ТЕОРЕМАСИ — тасдиқлаш фикрини билдиради, бунга мувофиқ ноишлаб чиқариш харажатлари бўлмаганда ташқи таъсир муаммолари мулк ҳуқуқининг дастлаб кимга тегишлилигидан қатъи назар, хусусий битим тузиш орқали самарали ҳал этилади.

КРЕДИТ (*лот.*) — 1) Ссуда капитали харажати шакли, маълум мақсадга ва муддатга қайтариш ва фойз тўлаш шарти билан бериладиган товар ва пул шаклидаги ссуда кредитор ва заёмчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. *К.* қуйидаги шакллари фарқ қилади; тижорат, давлат, банк, истеъмол, халқаро. Тижорат *К.* бўлган зарурият ишлаб чиқариш ва капитал муомаласи вақтининг мос келмаслиги натижасида рўй беради. Ишлаб чиқарилган товар сотиб олувчида нақд пул бўлганлиги оқибатида сотилмай қолади. Тижорат *К.* одатда қисқа муддатли бўлади. Давлат кредитини одатда давлат тақдим этади. Банк *К.* банк томонидан пул ссудалари тарзида тадбиркорларга, корхоналарга берилади. Истеъмол *К.* аҳолига шахсий истеъмол предметларини сотиб олишни бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилади; 2) Бухгалтерия счётининг ўнг томони бўлиб, бунда счёт харак-

териға боғлиқ ҳолда ҳисобға олинадиган сумманинг кўпайиши ёки камайиши ифодаланган бўлади.

КРЕДИТОР (*лот.*) — пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга (кредитга берувчи) қарз берувчи юридик ёки жисмоний шахс. К. корхона, давлат, банк ва аҳоли бўлиши мумкин. Корхона кредит муассасасига пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга берган ҳолатда К. сифатида чиқади. У улардан кредитлаш учун ресурс сифатида фойдаланади. Ҳар қандай қарзга олувчига узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит берганда банк К. сифатида чиқади; аҳоли банкдаги счётларда маблағларини сақлаганда К. бўлиши мумкин. Давлат халқаро кредит берганда К. ҳисобланади. Фойда пуллар учун тўлов манбаси ҳисобланади.

КРЕДИТ БИТИМИ — кредит беришни кўзда тутувчи шартнома. К. б. кредит суммаси, тартиби ва уни бериш муддатлари, кредитлаш шарт-шароитлари, фоиз ставкаси ҳажмлари, томонларнинг масъулияти, кредиторлар ва қарздорлар, реквизишлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

КРЕДИТ КАРТОЧКАСИ — банк томонидан ўз омонатчиларига уларнинг товарлари ва хизматларини нақд пулсиз тўлаш учун бериладиган махсус тўлов ҳисоб-китоб ҳужжати. Ташқи томонидан бу пластик карточкаси бўлиб, унда эгасининг номи, унинг тартиб сони ёки ишлари кўрсатилган бўлади, карточкада эгасининг имзоси намунаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади. К. х. магазин ёки банкнинг компьютер мосламасига берилади, бунда сотиб олиш ёки хизматни тезда тўлаш тўғрисида тегишли банкка буйруқ берилади.

КРЕДИТЛАШ МУДДАТИ — ташкилотлар томонидан банк ссудаларидан фойдаланиш даври. Тўла ва ўрта муддатли кредит фарқланади. Тўла муддатли банк кредити барча кредит суммаларини фойдаланиш вақтидан то уни узил-кесил қоплашга қадар бўлган давр. У ўз ичига фойдаланиш муддатини, имтиёзли даврни ва қоплаш муддатини олади. Банк кредити бўйича фойдаланиш муддати бу ўз мажбуриятларини тўлаш учун қарздорнинг банк ссудасидан фойдаланиш давомидаги муддат. Имтиёзли (грацион) давр — кредитни фойдаланиш пайтидан бошлаб уни қоплашга қадар бўлган давр. Қоплаш муддати — кредит бўйича ҳисобланган асосий қарзни, фоизларни ва комиссияларни тўла тўлаш билан боғлиқ муддат.

КРЕДИТ ХАВФИ (*таваккалчилиги*) — контрактда белгиланган муддатда тўловлар ва мажбуриятлар бўйича қарзни тўламаслик эҳтимоли. К. х. сотиб олувчининг виждонсизлиги ёки тўловга қодир эмаслиги оқибатидаги айбига кўра (тижорат хавфи) тўловнинг узайтирилиши ва сиёсий характердаги сабаблар (сиёсий

хавф) билан боғлиқ. Махсус хавфларга янги бозорга чиқишда вужудга келадиган ва ишлаб чиқариш харажатларининг кутилмаганда ошиб кетиши (инфляция хавфи) ёки валюта курсининг ўзгариши (валюта хавфи) қабилир киради. К. х. ҳимояланиш кредитларини лимитлаш, кредит сарфларни диверсификациялаш, бериладиган кредитлар бўйича етарлича таъминлай олиш ва ҳ. к. орқали амалга оширилади.

КРЕДИТ ҚАРЗ — корхона томонидан (ташкилот, муассаса) вақтинчалик жалб этилган ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга қайтаришга тегишли бўлган пул маблағлари. К. қ. келишилган муддат ичида счётлар ва мажбуриятлар тўланса метёрий ҳисобланади.

КРОСС БИТИМЛАР — ҳар хил мижозлар контрактларини норақобат асосида брокер ёки комисион уй томонидан бир вақтнинг ўзида сотиб олиниши ва сотилиши.

КРОСС КУРС (*инг.*) — икки валюта ўртасидаги нисбат бўлиб, бу қандайдир учинчи валютага нисбатан ушбу валюталар курси асосида аниқланади.

КРУПЬЁ (*фр.*) — ўйин уйидаги банкомет, сақловчи банк. Бу ўйин кузатиб борилади ва улар иштирокчиларига ютуқлар берилади ҳамда ютқазилган ставкалар олинади.

КУЛИСА (*фр.*) — эркин маклёрлар томонидан ташкил этиладиган, қаттиқ чекланган биржа қонунлари билан боғлиқ бўлмаган норасмий биржа.

КУМУЛЯТИВ АКЦИЯ (*лот.*) — эгасига кейинги йилларда (агарда жорий йилда дивиденд ўрнатилган даражадан паст бўлганда) қўшимча дивиденд олиш ҳуқуқини берадиган акция.

КУПОН ВАРАҒИ (*фр.*) — ҳар биттасида тўлов муддати белгиланган айрим купонлардан иборат акциянинг бир қисми. Тўлов муддати келганда акционер навбатдаги купонни қирқиб олади ва тўлаш учун кўрсатади. Ҳозирда акционер жамиятлари купон тизими билан бир қаторда нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан, яъни акционернинг жорий банк счётига дивидендларни ўтказишдан фойдаланади.

Акционер жамият раҳбарлари дивиденддан ташқари акционерларнинг умумий мажлиси қарори бўйича “тантёма” деб аталувчи қўшимча мукофот ҳам олиши мумкин. Бу акционер жамиятнинг соф фойдасидан тўланади.

КУПЮРА (*фр.*) — пул ёки қимматбаҳо қоғоз белгисининг умумий номи.

КУРС МАКЛЁРИ — расмий котировка курсини ўрнатиш мақсадида биржа битимларида воситачилар сифатида чиқувчи маклёрлар.

КУРС ФАРҚИ — савдо иқтисодий операциялари бўйича битим тузилган пайдан то тулов пайтига қадар миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан ўзгариши натижасида вужудга келувчи валюта тушуми ёки туловлари суммасидаги фарқ.

КУРС ФОЙДАСИ — муддатли қимматбаҳо қоғозлар бўйича биржа битими ниҳоясига етказиладиган курс ва битим тузилган пайтда қайд қилинган курс ёки бўлмаса қимматбаҳо қоғоз маълум даврда реализация қилинадиган курс ва сотиб олинган курс ўртасидаги фарқ.

КУРТАЖ (*фр.*) — биржа битимини амалга оширишда воситачилик учун маклёрга бериладиган мукофот.

Л

ЛАГ (*гол., инг.*) — капитал маблағлар абсолют иқтисодий ҳисоб-китобларида ҳисобга олинадиган капитал солишни амалга ошириш ва самарани олиш ўртасидаги узилиш. Қурилиш *Л.* ва ўзлаштириш *Л.* фарқ қилади.

ЛАЖ (*итал.*) — пулда ифодаланган олтин бозор баҳосининг улардаги олтин номиналига нисбатан ошиш томонига ўзгариши; пул белгилари, векселлар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бозор курсининг уларнинг устига ёзиб қўйилган қийматига нисбатан ошиш томонига ўзгариши.

ЛОТИН АМЕРИКАСИ ИҚТИСОДИЙ СИСТЕМАСИ — Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларининг регионал иқтисодий ташкилоти. Панама Конвенциясига мувофиқ 1975 йилда тузилган. Тузишдан мақсад ички регионал ҳамкорликка таъсир кўрсатиш, халқаро иқтисодий ва социал масалалар бўйича умумий позицияни ишлаб чиқиш. Қўйилган миқдорларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида кооперация, саноатни ривожлантириш ва унинг интеграцияси, молия соҳасида алоқаларни кучайтириш кўзда тутилади. Региондаги 26 давлат *Л. А. и. с.* аъзолари ҳисобланади. *Л. А. и. с.* молиялаш аъзо мамлакатларнинг уларнинг иқтисодий имкониятларига мос равишда бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.

ЛАТИФУНДИЯ (*лот.*) — йирик ерга эгалик қилиш. Биринчи марта эрампиздан олдинги II асрда қадимги Римда вужудга келган. Ҳозирги вақтда фақат Испания, Туркия, Ҳиндистон мамлакатларида, куплаб Африка ва Лотин Америкаси давлатларида ривожланган.

ЛЕВЕРИЖ (*инг.*) — 1) Капитал солишнинг қайд қилинган даромадли қимматбаҳо қоғозларга нисбати (облигациялар, имтиёзли акциялар) ва қайд қилинмаган даромадли қимматбаҳо қоғозларга солиш (одатдаги акциялар); 2) Товар захиралари ва капитал суммаси нисбати.

ЛЕКАЖ (*нем.*) — тара ёки транспорт воситаларидан тўкилиши натижасида товар оғирлиги ёки ҳажмидаги талафот.

ЛЕНДЛОРД (*инг.*) — Англияда энг йирик ер эгаси.

ЛЕСНОЙ ДОХОД — ўрмон ресурсларини рационал эксплуатация қилиш ва такрор ишлаб чиқариш мақсадларида ўрнатилган ўрмондан фойдаланганлик учун давлат бюджетига тўлов.

ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ (*лот.*) — бозор омилилари таъсири остида баҳоларнинг эркин ҳаракатга ўтиши; баҳолари эркин бозорда юзага келадиган товарлар рўйхатини кенгайтириш жараёни. Яъни бу баҳолар давлат томонидан тартибга солинмайди. Баҳоларнинг тўлиқ ёки қисман *Л.* бўлиши мумкин. Баҳолар *Л.* даги бош масала уларни ошириш эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий стимулини яратиш, ушбу натижага эришиш орқали истеъмол бозорида баланслашувга эришиш, иқтисодий ҳолатни барқарорлаштириш ва иқтисодиётни кризис ҳолатидан чиқаришдан иборатдир. Баҳо сиёсати даромадлар, солиқ тизими, хусусийлаштириш ва ишлаб чиқаришни демонополизациялаш соҳасидаги сиёсат билан узвий боғлиқ бўлиши керак.

ЛИБОР (*инг.*) — Лондондаги банкларнинг биринчи классли банкларга евро-валюталарда уларда ўз депозитларини жойлаштириш йўли билан ссуда бериш бўйича ўртача фоиз ставкаси.

ЛИДЗ ЭНД ЛЭГЗ (*инг.*) — маълум молиявий ва бошқа фойда олиш мақсадида ҳисоб-китоб ўтказиш муддатларини манипуляция қилиш тактикаси. Валюта курси айниқса девальвация ва ревальвацияда кескин ўзгаришларда, фоиз ставкаларининг кўплаб тебранишларида, томонлар валюта позициялари бетайинлигининг кучайиши, валюта чекланишларидан фойдаланиш имконияти, фискал тартиботи ҳолатларида кенг қўлланилади.

ЛИЗИНГ — ихтисослаштирилган Лизинг компанияси воситачилигида асосий фондларга капитал маблағни молиялаштиришнинг махсус шакли, бу учинчи шахс учун маълум товарга мулк ҳуқуқи сотиб олади ва қисқа, ўрта, узоқ даврга унга ижарага беради. Европа Федерацияси миллий лизинг ассоциацияларининг аниқлашига кўра, *Л.* деб асосий ишлаб чиқариш воситаларини (машиналар, ускуналар, заводлар, транспорт ва алоқа воситалари, омбор бинолари ва ҳ. к.) ҳамда бошқа товарларни ижарадор томонидан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун ижарага бериш тушунилади. Айни пайтда, ижарага

берувчи битимнинг охирига қадар мулкӣ ҳуқуқни сақлаб қолади. *Л.* нинг асосий икки тури — оператив ва молиявий турлари фарқ қилади. Оператив *Л.* ижара вақтида буюмлар контракт муддати ҳаётӣ циклининг энг қисқалиги ва ускуналарнинг тулиқ бўлмаган амортизацияси билан характерланади. Операциянинг бу тури ускуна ишлаб чиқарувчилари, савдо компаниялари ёки уларнинг лизинг компаниялари томонидан тавсия этилади. Молиявий *Л.* моҳиятига кўра сотиб олишнинг узоқ муддатли кредитлаши билан баробардир, у одатдаги олди-сотти битимидан битим объектининг истеъмоличига ўтиш дақиқаси билан фарқ қилади. Контрактнинг амал қилиш муддати тугаши билан ижарадор ижара объектини ижарага берувчига қайтариши, ёхуд битимни чўзиши ёки *Л.* объектини қолдиқ қиймат бўйича сотиб олиши мумкин. *Л.* битим тузишнинг конкрет шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда кўплаб ҳар хил кўринишларга эга бўлади. Улардан энг кўп тарқалганлари гуруҳӣ *Л.* ва қайтадиган *Л.*

ЛИЗИНГ КОНТРАКТИ — ишлаб чиқарувчи, ижарага берувчи (мулкдор) ва ижарадор (фойдаланувчи мижоз) ўртасидаги битим, кўчар мулкни (машиналар, ускуналар, транспорт воситалари ва ҳ. к.) ва кўчмас мулкни (ишлаб чиқариш характеридagi бинолар, иншоотлар ва ҳ. к.) вақтинчалик фойдаланишга бериш шартлари унинг мазмуни ҳисобланади. *Л. к.* иштирокчилари уч томонлама ҳисобланиши мумкин: корхона — ускуна ишлаб чиқарувчи, лизинг компания (ижарага берувчи) ва моддий қимматликларни олувчи ва фойдаланувчи корхона (ташкilot).

ЛИКВИДАНТ (*фр.*) — савдогар ёки корхонага тўхтатиладиган иш учун ўз талабини қўувчи кредитор.

ЛИКВИДАТ (*фр.*) — иши тўхтатилиши муносабати билан қарзи ундириладиган қарздор.

ЛИКВИДАЦИЯ (*фр.*) — 1) Қимматбаҳо қоғозлар ёки бошқа мулкни нақдга айлантириш жараёни; 2) Маблағларни сотиш ва қарзни тўлагандан кейин компанияни тугатиш, қолган нақд маблағларни акционер ўртасида тақсимлаш.

ЛИКВИДЛИК (*фр.*) — кредит молия мажбуриятларини ва қонуний пул талабларини муддатида узлуксиз тўлаш имкониятини кўзда туғувчи корхоналар, фирмалар, банклар активларининг серҳаракатлиги. Банклар, фирмалар *Л.* фарқ қилади. Банк *Л.* — бу мажбуриятларни ўз вақтида қоплашни таъминлаш қобилияти, яъни ҳажмлари ва муддатлари бўйича банк активлари ва пассивларининг мос келиши даражаси. Банк баланси активлари ва пассивларининг баланслиги, активларни жойлаштириш муддатлари ва банк томонидан жалб этилган пассивларнинг мос келиш даражаси билан аниқланади. *Л.* ошиши ликвидлик активлари ҳиссасининг кўпайиши муносабати билан банк муассаси-

саси фойдалилигининг камайишини кўзда тутати. Ликвидлик активлари деб энгил реализация қилинадиган маблағлар, қисқа муддатли давлат қоғозлари, жорий счётлар, нақдлик ва ҳ. к. тушунилади. Фирма *Л.* деб унинг қарзлари миқдори ва ликвидлик маблағлари нисбатига айтилади, яъни қарзларни қоплаш учун фойдаланадиган маблағлар: нақдлик, банкдаги депозитлар, давлат қимматбаҳо қоғозлари, айланма капитали реализация қилинадиган қисмлари ва ҳ. к.

ЛИКВИД АКТИВЛАР — нақд пуллар, олтин счётлардаги йўқлаб олиннадиган қолдиқ маблағлар, бир календарь ой муддатигача бўлган депозитлар, хусусий ва давлат қимматбаҳо қоғозлари, тижорат векселлари ва бошқа энгил реализация қилинадиган банк маблағлари.

ЛИКВИДНАЯ ЛОВУШКА — пул бозоридаги шарт-шароитлар бўлиб, бунда фоиз нормаси пул таклифидаги ўзгаришларга жуда ҳам кам даражада таъсир кўрсатади (айниқса, паст фоиз нормасида).

ЛИКВИДАЦИОН ДАВР — битимлар ёпиладиган давр, ҳисоб-китоб кунлари ойнинг ўртасидаги тўрт кун ва ойнинг охиридаги тўрт кун, ушбу кунлар давомида биржада тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

ЛИКВИД МАБЛАҒЛАРИ (*лот.*) — қарз мажбуриятларини бажариш учун фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағлари ва бошқа активлар. Алоқадорлигига боғлиқ ҳолда банклар *Л. м.* дан фарқ қилади. У ёки бу активларни *Л. м.* ўтказиш кўп томондан ссуда капиталлари бозори конъюнктураси ва ҳолати билан аниқланади. Фирмаларнинг *Л. м.* га нақд пул маблағлари, банк счётларидаги ресурслар, қимматбаҳо қоғозлар ва айланма капиталининг энгил реализация қилинадиган қисмлари кириди.

ЛИМИТ (*лот.*) — кредит суммаси чегараси.

ЛИМИТ БАҲОЛАР (*лот.*) — фойда эффектини ҳисобга олган ҳолда унинг ишланиш босқичлари бўйича аниқланадиган янги машинасозлик маҳсулотига йўл қўйиладиган чегара баҳолар.

ЛИМИТ БУЙРУҚ — бозор кўрсатмасига зид бўлган “энг яхши нарх бўйича битимни амалга ошириш топширигини билдирувчи” буйруқ, бунда мижоз ё баҳога, ё битимни бажариш вақтига, ёхуд у ёки бунисига лимит ўрнатади.

ЛИМИТЕД (*лот.*) — ўз мажбуриятлари бўйича компаниянинг чекланган масъулиятини белгилаш. Номлашда мавжуд аббревиатура иштирок этган жамият фақат унга тегишли ўз мулкӣ мажбуриятлари бўйича жавоб беради ва акционерлар (пайчилар) мажбуриятлари бўйича масъул ҳисобланмайди. Акционерлар фақат ўз омонати ёки пай доирасида жамият мажбуриятлари бўйича жавоб беради. Буюк Британияда мавжуд термин

хусусий фирмаларни номлашда фойдаланилади, унда акционер-лар сони чекланган бўлади.

ЛИМИТ ИНТИЗОМИ — банк муассасалари томонидан кредитланган лимитлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш.

ЛИМИТ КОНТРАКТЛАРИ — битта шахс эгаллаши мумкин бўлган максимал йўл қўйиладиган фьючерс контрактлар сони. Баҳоларни манипуляция қилишни бартараф этиш учун савдо биржасини тартибга солувчи биржалар ёки органлар томонидан ўрнатилади.

ЛИМИТ ХАБАРНОМАСИ — заёмчига ёки заёмчилар гуруҳига тасдиқланган кредит режасига мос равишда кредитлаш лимитини ўрнатиш тўғрисида банкнинг қўйи муассасаларини хабардор қилиш.

ЛИМИТ ХАТИ — корхона (бирлашма)лар бўйича тасдиқланган кредит режасида кредитларнинг режа ҳажмлари тўғрисида идора томонидан жўнатилган банк бошқармасини хабардор қилиш.

ЛИМИТЛАНГАН БУЮРТМА — миқдор конкрет баҳосини кўрсатган, шу бўйича, агар трейдер уни сотиб олиш қуввати бўлса, битим тузилиши ёки яхши баҳо қўйилиши керак бўлган буюртма.

ЛИМИТЛАНГАН ЧЕК КНИЖКАЛАРИ — чек ҳисоб-китобларининг комплект бланкалари (10, 20, 25 ва 50 арақ); товарлар ва хизматлар ҳисоб-китоби учун тўловчига банк томонидан берилади. Бу шундай ҳолатларда рўй беради: агарда у банк томонидан махсус ссуда счёти ёки йўлдаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича кредитланган бўлса, тўлов кредити олишга ҳуқуқи йўқ, ёхуд лимитланмаган чек дафтарларидан фойдаланиши мумкин эмас.

ЛИМИТЛАНГАН ЧЕК (*лимитланган чек книжкалари*) — чек берувчи томонидан ёзиб бериладиган ҳисоб-китоб (бериладиган чекнинг умумий суммаси маълум чегара — лимит билан чекланган). Чек берувчи счётида ҳисоб рақамида маблағлари бўлишидан қатъи назар, банк томонидан тўланади. Жойдаги пудратчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун қўлланилади. *Л. ч.* да қайси ташкилот ва қандай сёт бўйича (номер, вақти) *Л. ч.* суммаси ўтказилиши кераклиги кўрсатилган бўлади. *Л. ч.* беришда корешокда лимит қолдиги кўрсатилади, ушбу кўрсатма ва чекнинг ўзи биринчи ва иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади. *Л. ч.* банкка чек эгаси томонидан уни берган кундан бошлаб 10 кун давомида таклиф этилиши мумкин. Чек нақд пулга алмашилмайди.

ЛИСТИНГ (*инг.*) — 1) Фақат экспертларда сифати бўйича текширишдан ўтган қимматбаҳо қорозлар савдо биржаларига

рухсат бериш тизими. 2) Мавжуд биржада котировка қилинадиган акциялар рўйхатига компаниялар акцияларини киритиш.

ЛИФО — 1) Охирида тушган ёки тайёрланган партия баҳоси бўйича товар-материал қийматликларининг бухгалтерия ҳисоби методи. *Л.* қўллаш солиқ олишни камайтириш мақсадларида эълон қилинган балансларга киритиладиган фойда суммасини камайтириш ёки қўпайтириш имконини беради; 2) Фоиз суммаларда омонатчига ютуқни таъминловчи банкдан муддатидан олдин ҳисса қисмини олишда фоизларни ҳисоблаш методи. Омонатчиларни мукофотлаш учун қўлланилади.

ЛИХТЕР (*гол.*) — денгиздаги юкларни ортиш ва туширишда ёрдамчи юк кемаси сифатида фойдаланадиган биржа (ўзи юрадиган ёки ўзи юрмайдиган машина).

ЛИЦЕВОЙ СЧЁТЛАР — барча пул кредит ва банкларнинг ўз миқозлари билан ҳисоб-китоб муносабатларини ифодаловчи сифатида чиқадиغان банк ҳужжатлари.

ЛИЦЕВОЙ ҚИЙМАТ — унинг олд (ўнг) томонида кўрсатилган қимматбаҳо қоғоз қиймати. Одатда қоғлаш пайтида эгасига тўланади ва бозор баҳоси индикатори ҳисобланмайди.

ЛИЦЕНЗИАР (*лот.*) — jisмоний ёки юридик шахс, ихтиро, тўлов, технологик бўлимлар ва ҳ.к. эгаси. Ўз ҳуқуқларидан маълум доирада фойдаланиш учун учинчи шахсга (лицензиатга) лицензияни сотувчи.

ЛИЦЕНЗИАТ (*лот.*) — ихтиролар, патентлар, ишлаб чиқариш ва тижорат билимлари ва лицензияни уларнинг эгаларидан маълум доираларда фойдаланиш ҳуқуқи билан сотиб олувчи jisмоний ёки юридик шахс.

ЛИЦЕНЗИЯ (*лот.*) — 1. Товарларнинг экспорти ва импорти ва экспорт-импорт фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш орқали валюта маблағларини сарфлаш устидан давлат назорат шаклларида бири. 2. Келишилган мукофот учун маълум муддат давомида лицензия шартномаси асосида ихтиродан (ноухау ва ҳ.к.) фойдаланишга рухсат бериш. *Л.* асосий турларига қуйидагилар киради: а) оддий; б) махсус; в) тўлиқ.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ (*лот.*) — махсус рухсат бериш йўли билан мамлакатга келтирилаётган ва чиқаётган товарлар устидан давлат назорати.

ЛИЦЕНЗИОН БИТИМ — шартнома ҳисобланиб, унга мувофиқ ихтиро ва технолог билимлар, ишлаб чиқариш тажрибаси ва сирлари эгаси ўз контрагентига маълум доирада патентлар, ноухау, товар белгилари ва ҳ.к.га ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун лицензияни беради. *Л.б.*да лицензия тури (патентли, патентсиз), технологиядан фойдаланишга ҳуқуқларнинг характери ва ҳажми (оддий, махсус, тўлиқ лицензия) аниқланади.

Бундай битимда ишлаб чиқариш соҳаси ва лицензиядан фойдаланиш ҳудудий чегара ҳам аниқланади. *Л. б.* бир неча патентларни ва улар билан боғлиқ бўлган ноу-хауни комплекс беришни кўзда тутиши мумкин.

ЛИЦЕНЗИОН МУКОФОТ — лицензион битим предмети ҳисобланган лицензиялардан, ноу-хау ва ҳ.к. фойдаланишга ҳуқуқ берганлик учун бадал олиш.

ЛИЦЕНЗИОН ОПЕРАЦИЯЛАР — шартноманинг бир томони (лицензиар) шартноманинг иккинчи томонига (лицензиатта) маълум мукофот учун ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқини билдирувчи операциялар. Ихтиро деб мамлакатда ўрнатилган тартибда ихтирочи деб тан олинган ва унга патент ёки муаллифлик гуноҳномаси бўлган техник ечимга айтилади.

ЛИЦЕНЗИОН САВДО — технология билан халқаро савдо қилишнинг асосий шакли. Унинг предмети ихтироларни, технологик тажрибани, саноат сирларини ва тижорат билимларини беришга, товар белгиларидан фойдаланишга ва ҳ.к. патентли ва патентсиз лицензиялар.

ЛИЦЕНЗИОН СИСТЕМА — ташқи савдо операциясини тартибга солишнинг энг муҳим воситаларидан бири. Расмий муассасалар томонидан манфаатдор фирмалар (шахслар) таклифи бўйича товарларни олиб келиш ва чиқаришга расмийлашган рухсатномалар беришни кўзда тутати.

ЛИЦЕНЗИОН ТЎЛОВЛАР — сотувчини (лицензиарни) солиб олувчига (лицензиатта) лицензион битим предметида фойдаланишга ҳуқуқ берганлиги учун мукофот.

ЛИЦЕНЗИОН ТУШУМ — товарларни чегарадан ўтказиб қўйишга расмий муассасаларнинг ёзма рухсатини олишда импортерлар ва экспортёрлардан олинадиган турли хил солиқ.

ЛЛОЙД (*инг.*) — Англия суғурта бирлашмаси. Барча турдаги мулкий суғуртани ҳамда ҳаётни қисқа муддатли суғурта қилишни амалга оширади.

ЛОББИ, ЛОББИЗМ (*инг.*) — АҚШ қонун органларида йирик монополиялар идора ва агентликлари тизими, улар ушбу монополиялар манфаатини кўзлаб қонунлар қабул қилиш, ҳукумат буюртмаларини жойлаштириш ва ҳ.к.да у ёки бу қарорлар фойдасига қонун чиқарувчилар ва давлат чиновникларига таъсир кўрсатади; ушбу идора ва агентликлари агентларини ҳам (бошқача лоббистлар) лобби деб аталади.

ЛОГИСТИКА — иқтисодий субъектлар ўртасида товарлар, хизматлар ва ахборотлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган фаолият тури. Алоҳида корхона доирасида *Л.*га корхона ичидаги барча товарлар, хизматлар ёки ахборотлар ҳамда корхонага йўналтирилган ва уни тарқ этувчи ушбу потокларнинг ўзи киради.

Логистик функциялар буюртмаларни ишлаш, материал потокларни ташкил этиш, комплектация, жойлаш, транспортировка, маҳсулотни оморга жойлаштириш ва ҳ.к. ларни ўз ичига олади.

ЛОГОТИП (грек.) — фирманинг (ёки ушбу фирма товарлар гуруҳининг) махсус ишлаб чиқилган, оригинал ёзилган тулиқ ёки қисқарган номи.

ЛОГРОЛЛИНГ — қонун органлари аъзолари ўртасида амал қилувчи “овоз бериш билан савдо қилиш” амалиёти.

ЛОДИНГ — дисконтрлаш учун тақдим этилган перевод қилинган векселнинг номинал қийматидан банк ёки ҳисобот уйи томонидан тутиб қолинадиган фоиз ва акцепт туловларига қўшимча равишда таваккалчилик учун муносабат. *Л.* ставкаси туловчининг вексел ва индоссантлар бўйича эътибор, нуфузли ва кредитлаш қобилиятига боғлиқ ҳолда ўзгаради ва ҳ.к.

ЛОКАУТ (инг.) — касаба уюшмасининг ташкил этилишига тўсиқ бўлиш ва касаба уюшмасининг ўз талабларини юмшатишга мажбур этиш мақсадида корхонанинг вақтинчалик ёпилиши ва тадбиркор томонидан ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйилиши.

ЛОКО (итал.) — қимматбаҳо қоғозлар ёки чет эл валютаси билан битим, бунда ҳисоб-китоб битим қаерда тузилган бўлса, ўша биржада нақд амалга оширилади.

ЛОМБАРД — ҳаракатдаги мулкни гаровга қўйиш орқали қарзга пул берувчи кредит муассасаси.

ЛОМБАРД БИЛЕТ — ломбардлар томонидан буюм эгасига ссуда олганда бериладиган гувоҳнома.

ЛОМБАРД КРЕДИТ — енгил реализация қилинадиган ҳаракатдаги мулкни гаровга қўйиб бериладиган қисқа муддатли кредит. Гаров кредитнинг қайтишини таъминлайди, гаровнинг қиймати одатда унинг суммасидан ошиқ бўлади. Қарздор кредитордаги гаровга қўйилган мулкка эгалик ҳуқуқини сақлайди. Агарда кредит ўз муддатида қопланмаса, мулкка эгалик ҳуқуқи кредиторга ўтади.

ЛОРО (итал.) — 1. Банк томонидан ўз банк-корреспондентларига очиладиган счётлар, бунда уларнинг топшириғига биноан барча ўтказиладиган операциялар ифодаланади; 2. Мавжуд кредит муассасасида банк-корреспондент счёти востро деб аталади; 3. Айрим пайтда *Л.* мамлакат банкида чет эл банк-корреспондент номига халқаро ҳисоб-китоблар бўйича корреспондент счёт тури сифатида шарҳланади.

ЛОРО-КОНТО (итал.) — банк томонидан корреспондент топшириғига биноан берилувчи ёки олинувчи суммани қайд қилиш учун очиладиган корреспондент ҳисоб рақами.

ЛОТ (нем.) — шартнома бўйича етказиб бериладиган товар партияси, товар миқдорининг қисми. Бундай номлаш аукцион савдода кенг тарқалган, бунда сотишга таклиф этиладиган товар бир фоиздан ё сифати бўйича бир неча бир хил предметлардан иборат *Л.* бўлинади. Аукционда савдо ҳар бир *Л.* бўйича алоҳида ўтказилади. Тартиб номери бўлган ҳар бир аукцион *Л.* га ўзининг баҳоси ўрнатилади.

ЛУКРАТИВНЫЙ — фойда берувчи, фойдали.

ЛЭНДИНГ (инг.) — портда кеманинг юкини тушириш қиймати.

ЛЮКОВАЯ ЗАПИСКА — кеманинг ҳар бир юк хонасида жойлашган юкларни рўйхатга олиш.

ЛЮМПСУМ (инг.) — ташиладиган юкнинг ҳақиқий миқдоридан қатъи назар барча кема учун аккорд шаклида ундириб олинadиган юк ташиш ҳақи.

М

МАВСУМИЙ БАҲОЛАР — йилнинг вақти бўйича (мавсумлар) режали ўзгариб турадиган айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (сабзавотлар, мевалар) харид ва чакана баҳолари.

МАВСУМИЙ СКИДКАЛАР — мавсумдан ташқари ёки мавсум охирида мавсумий талабга эга бўлган товарни сотиб олганлик учун бериладиган скидкалар. Масалан: бундай скидкалар (30 фоиздан 70 фоизгача) ёзнинг охирида ёзги кийимлар сотиб олишда берилади: қишлоқ хўжалик ўқитлари бўйича одатда 15 фоизни ташкил этади.

МАГАЗИНАЖ — товарларни магазинда сақлаш учун олинadиган пуллар; тўлаш.

МАГИСТР (лот.) — 1) Англия, Америка олий таълим тизимидаги илмий даража, бакалавр ва фан доктори ўртаси. Университет ёки унга тенг бўлган ўқув юр்தларини битирган, бакалавр даражаси бўлган, қўшимча ўқиш курсини ўтаган, махсус имтиҳон топширган ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга берилади.

2) Инқилобдан олдинги Россиядаги паст илмий даража.

МАЖБУРИЙ АРБИТРАЖ — махсус тузилган *М.а.* органларига албатта мурожаат қилиш зарур бўлган тadbиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги меҳнат конфликтларини қараб чиқиш тизими. *М.а.* лари кенг ваколатга эга, уларнинг қарорлари қатъий, баҳслашувчи томонларнинг суд органларига мурожаат қили-

ни истиснодир. *М.а.* органлари қарорлари меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий актлар ҳисобланади.

МАЖБУРИЙ ЛИЦЕНЗИЯ — қўллаб давлатларда патент ҳуқуқи воситаси ҳисобланади. Агарда патент берилган дақиқадан бошлаб узрсиз сабаб билан маълум давр давомида (уч йилдан кам бўлмаган) патент эгаси кашфиётдан фойдаланмаса манфаатдор шахслар таклифи бўйича компетент орган патент эгаси ихтиёрига қарамасдан патент эгасига маълум тўлов тўлаш билан уларга ушбу кашфиётдан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Қатор мамлакатларда *М. л.* кашфиёт фақат ва асосан чет элда қўлланилган ҳолатларда ҳам берилади. Агарда *М.л.* бериш носамарадор бўлса, патент бекор қилиниши мумкин (Мас: Францияда, Германияда, Нидерландияда, Японияда). *М.л.* институти 1883 йилда саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича Париж Конвенциясида мустаҳкамланди.

МАЖБУРИЙ МАОШ СУҒУРТАСИ — суғурта муносабатлари (ихтиёрий суғуртадан фарқ қилган ҳолда) томонларнинг хоҳиши бўйича эмас, балки қонун кучи, объектлар рўйхатини (хавф турлари) ва суғурта шартларини ўрнатувчи тегишли қонун актлари асосида вужудга келадиган суғурта шакли.

МАЖБУРИЙ СУҒУРТА — суғурта муносабатлари қонун кучи билан вужудга келадиган суғурта шаклларида бири. Мулкий суғуртада кенг қўлланилади.

МАЖБУРИЙ ҲУҚУҚ — жамиятдаги иқтисодий оборотдан келиб чиқувчи ташкилотлар ва фуқаролар ўртасидаги ҳар хил муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар мажмуи.

МАЖБУРИЯТ — шартнома қилувчи томонлардан биттаси бошқа томонга нисбатан қабул қиладиган тижорат амалиётидаги конкрет мажбурият (жами ўзаро боғлиқ мажбуриятлар).

МАК — денгиз арбитраж комиссияси.

МАКЛАК — воз кечиш учун талаб қилинадиган ҳақни олиш мақсадида аукционларда савдо қилувчи савдогар.

МАКЛЁР (*нем.*) — фонд ва товар биржаларида битимларни тузишдаги воситачи. Мижоз топшириғига биноан ва унинг ҳисобидан амал қилади. Юридик шахс ҳуқуқига эга ва биржа операцияларининг айрим турларига ихтисослашади. *М.* воситачилик хизмати кўрсатувчи ва биржа комитети томонидан ўрнатилган улар учун воситачилик ҳақи ундирадиган маклёр идоралари ва фирмаларига бирлашади.

МАКРОИҚТИСОДИЁТ (*грек.*) — йирик қўламдаги иқтисодий ҳодисаларни ўрганувчи (инфляция, ишсизлик ва иқтисодий ўсish; умуман, ҳўжалик тўғрисидаги фан) иқтисодиётнинг бўлими. *М.* иқтисодиёт қандай қилиб тез ривожланади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қандай, жами даромад қандай деган

масалаларни ўрганади. У бандликни ошириш, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш каби муаммоларни очишни ҳам излайди.

МАКРОИҚТИСОДИЙ АНАЛИЗ — иқтисодиётнинг бир бутунлигини ва унинг муҳим мажмуини ташкил этувчи соҳани ўргатувчи (уй ҳўжалиги, бизнес, давлат сектори) ҳамда бунинг учун умумлашган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланувчи иқтисодий фаннинг қисми.

МАКРОМАРКЕТИНГ (*грек.*) — маркетинг принципларига асосланган корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини бошқариш системаси. М. иқтисодий воситалар ва рағбатлантириш (кредит, солиқ, инвестиция ва ҳ.к. сиёсат) системасидаги фойдаланиш билан бозор соҳасидаги давлат органлари ҳамда нотижорат ташкилотлар фаолияти тизими.

МАНГОНИЗАЦИЯ (*инг.*) — товарларни сохталаштириш.

МАНДАТ (*лот.*) — ваколатни тасдиқловчи ҳужжат.

МАНИПУЛЯЦИЯ (*фр.*) — қонунсиз операция. Актив савдода ёлғон ёки чалғитувчи тасаввур қолдириш ёки баҳони кўтариш, ё тушириш, ёки кимнидир сотиб олиш (сотиш)га бош эгдирмоқ учун қимматбаҳо қўғозни сотиб олиш ёки сотиш.

МАНИФЕСТ (*лот.*) — коносаментлар рўйхатини ўз ичига олувчи ва кема маъмурияти томонидан божхона органларига ҳамда портлардаги тайинловчи агентлар ва стивидор компанияларга тақдим қилинадиган ҳужжат.

МАНКИРОВАТЬ (*фр.*) — ишга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш.

МАНКО (*итал.*) — ёзишдаги хатолар ёки кассирнинг ҳисобда янглишиши натижасида товардаги кам келган оғирлик ва касса суммасидаги камомат.

МАНЦИПАЦИЯ (*лот.*) — сотиб олинган буюмни эгалик қилишга бериш.

МАРГО (*лот.*) — белгилаш учун қолдирилган савдо хати четидаги тоза жой.

МАРЖИН (*инг.*) — одатда капитан томонидан амалга оширилувчи кема эгасининг чартер томонидан ўрнатилган (“тўлиқ юк” чегараси сифатидаги) доирада ортишга тегишли юк миқдорини узил-кесил аниқлаш ҳуқуқи.

МАРЖА (*фр.*) — 1) Товарнинг биржа баҳоси ва унга максимал ҳажмда рухсат берилган ссуда ўртасидаги фарқ; 2) Биржа бюллетенида кўрсатилган сотувчи баҳоси ва сотиб олувчи баҳоси ўртасидаги фарқ.

МАРЖАВИЙ СЧЁТ — дастлабки маржанинг маълум кафолат суммаси зарурияти бўлган биржадаги мижоз ҳисоби. Бундай

сотиши юритиш қоидалари махсус маржа битимида келишиб олинади.

МАРЖА ФОЙДАСИ — фоизда реализация қилинган маҳсулот ёки капитал ҳажмига бўлган фойда кўрсаткичи.

МАРЖИНАЛИЗМ (фр.) — иқтисодий қонунлар ва категорияларни ўрганиш учун чегаравий миқдорлардан фойдаланишга асосланган сиёсий иқтисоднинг методологик принципларидан бири; асосий маржиналистик концепциялар (камнафиллик ва ҳ.к.) ҳозирги буржуа талаб, фирма, баҳо, бозор мувозанати теорияларида фойдаланилмоқда.

МАРЖИНАЛ ДАРОМАД — қўшимча маҳсулот бирлигини сотиш натижасида олинган чегаравий (сўнгги) қўшимча даромад.

МАРЖИНАЛ ЕРЛАР — ишлаш қарийб ўзини қопламайдиган ер, супер-маржиналдан фарқ қилган ҳолда ишлаш фойда келтиради, субмаржиналда эса ишлаш очиқдан-очиқ зарар келтиради.

МАРЖИНАЛ САРФЛАР — сўнгги юқори таннархнинг халқаро ҳисобот кўрсаткичи, ундан ошиш айрим операция ёки корхона фаолиятига зарар келтиради. Конкрет амалиётда *М.с.* маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ёки камайитиришда умумий ишлаб чиқариш харажатлар суммасида (ҳом илм сарфлари, ёқилғи, ишлаб чиқариш персонали ва ҳ.к.) ўзгаришларни характерловчи калькуляция билан аниқланади.

МАРЖИНАЛ ХАРАЖАТЛАР — маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ёки камайитиришда ишлаб чиқариш ялпи харажатларини кўпайтириш ёки камайитириш; корхонанинг зарар кўришига сабаб бўлувчи энг сўнгги юқори харажатлар.

МАРЖИНИ СОТИШ (продать маржи) — фьючерс контрактини яқин муддатга сотиш, сотиб олишни узоқ муддатга қолдириш.

МАРКАЗИЙ БАНК — тўлов маблағларининг монопол эмиссияси, пул муомаласини, кредитни, валюта курсини тартибга солиш, олтин валюта резервларини расмий сақлаш ҳуқуқига эга бўлган банк. Миллий, эмиссион ёки резерв банк деб аталиши мумкин.

МАРКАЗИЙ ВАЛЮТА КУРСИ — валюталар ўртасидаги расмий қайд этилган нисбат, унинг атрофида келишилган чегарада бозор валюта курслари ўзгариб туради.

МАРКАЗЛАШТИРИШ — 1. Бир жойда, бир қўлда бир марказда ниманидир тўплаш; 2. Капитални *М.* — бир неча капиталларни бирлаштириш ёки бир капитални бошқа капитал томо-

нидан ютиб (сингдириб) юбориш орқали капитал ҳажмларининг ўсиши.

МАРКАЛИ ТОВАР (нем.) — исми, термини, белгиси, расми ёки уларни уйғунлаштириш маркасига эга бўлган товар, булар уларни идентификациялаш ва рақобатчилар товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун тайинланган бўлади. Конкрет товарлар маркаси стратегиясини ишлашда фирма уларни *М. т.* сифатида тавсия этишлигини счиши керак. Товар маркаларидан фойдаланишнинг муҳимлигини аниқлайдиган сабаблар қуйидагилар: маҳсулотни идентификациялаш енгиллашади, истеъмолчи таърифлаш ўрнига номи бўйича товарга буюртма бериши мумкин; товарнинг маълум сифати даражасига эга бўлишлиги кафолатланади; қандай фирма сифатига жавоб беришлиги маълум; товар маркасининг жамоатчилик томонидан тан олинishi ўсиши муносабати билан маҳсулотнинг обрўи ошади; сифатсиз товарни сотиб олиш хавфи камаяди; яхши маълум маркалар сотиш каналлари учун энг жозибали; товар маркаларидан фойдаланиш бозор сегментациясини енгиллаштиради; марка катта ассортиментдаги товарлар гуруҳини сотиш учун фойдаланилади.

МАРКЕТИНГ (инг.) — инсон фаолиятининг ҳар хил турларидаги (саноатдан сиёсий курашга қадар ва спортдан социал ҳаракатларга қадар) катта спектрни қамровчи одатдан ташқари мураккаб ҳодиса. “Маркетинг” сўзи инглизча — бозор, сотиш дегани, шу сабабли умумий маънода *М.* бозор соҳасидаги фаолият сифатида таърифлаш мумкин. Классик тушунчада у-бу ишлаб чиқаришдан истеъмолчига товар ва хизматлар ҳаракатини бошқарувчи тadbиркорлик фаолияти. Аммо бозор туғрисидаги ҳозирги тасаввур нуқтаи назаридан бу таъриф унинг моҳиятини тўла ифодаламайди. Масалан, Америка ассоциацияси *М.* ни уни режалаштириш жараёни ва ғояларни тadbиқ этиш, баҳо белгилаш, айрим шахслар ва ташкилотлар мақсадини айирбошлаш орқали қондирувчи ғоялар, товарлар ва хизматлар ҳаракати ва реализация этилиши сифатида аниқлайди. Маркетологларнинг бошқа гуруҳи *М.* ни маҳсулотни максимал сотишни таъминлашга йўналтирилган фирма фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг бир бутун тизими деб тушунадилар. Кўплаб бошқа таърифлар ҳам мавжуд. *М.* мақсади талабни ташкил этиш ва рағбатлантириш, қабул қилинадиган бошқариш қарорларини ва фирма (корхона) ишлари режалари асослигини таъминлаш ҳамда сотиш, бозор ҳиссаси ва фойда ҳажмини кенгайтиришдан иборат.

МАРКЕТИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ — корхонанинг ташқи ва ички муҳити ҳолати омиллари; маркетинг ахбороти асосий манбаси, унинг асосида корхонани бошқаришнинг олий

бўғини тўғрисида ҳар хил бошқариш қарорлари қабул қилади. Ташқи ва ички муҳит омиллари анализи маълумотлар олиш, ишлаш ва тизимга солиш, яъни уларни “истеъмол қилиш”га тайёр оборотга айлантириш корхона маркетинг ахборот тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади. Маълумотларни анализ қилиш ва систематизациялаш жараёнида барча ташқи ва ички омилларни бошқариладиган, ярим бошқариладиган ва тўлиқ бошқарилмайдиганга бўлиш муҳим ҳисобланади.

МАРКЕТИНГ ВА ИЧКИ БОЗОР — мамлакат корхоналарининг ташқи бозор маркетинг фаолияти боғлиқ бўлган корхоналар ўзаро алоқасининг долзарб муаммоси. Ушбу муаммонинг бош йўналиши қайта кўриладиган нобарқарор иқтисодиёт ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари тизими шароитларида *М.и.б.*га солинган имкониятлардан энг рационал фойдаланишдан иборат. *М.и.б.* ташқи иқтисодий алоқаларнинг интеграл қисми бўлиб қолиши ва кутиладиган натижаларни бериши учун дастлабки қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратиш зарур. Ташқи таъсир кўрсатиш учун очилган ва ривожланган ички бозорнинг мавжудлиги шундай умумий шарт-шароит ҳисобланади. Биз ҳаракат қилаётган ривожланган бозор қуйидаги бош сифат кўрсаткичлари билан характерланади: 1. Ўзаро таъсир қилувчи бозорларнинг бир бутун тизими — товарлар, капиталлар, хизматлар, иш кучи, қимматли қоғозлар ва ҳ.к.; 2. Ўзаро биров-бирова билан узвий алоқада бўлган талаб, тақлиф ва баҳони ўз ичига олувчи “автоматик” ҳаракат қилувчи бозор механизми; 3. Банклар, кредит ва суғурта муассасалари, товар, фонд, валюта биржалари, кўчмас мулк билан савдо қилиш ҳамда улгуржи корхоналар ва унинг бошқа элементларини ўз ичига олувчи созланган бозор инфраструктураси тизими; 4. Умуман, бозорда тақлиф қилинадиган товарларнинг уларнинг талабига нисбатан ошиши; 5. Бозорда унинг таркибий қисми сифатида рақобатнинг мавжудлиги; 6. Сотиб олувчилар (истеъмолчилар) томонидан сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни, сотувчилар томонидан сотиб олувчиларни эркин танлаш, яъни эркин бозор фаолияти. Бозор иқтисодиёти бу тенг партнёрлар ўртасидаги шартнома, битим иқтисодиёти.

МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ (инг., лот.) — истеъмолчилар йўналтирилган ва фирманинг “интеграция қилинган мақсадли фалсафий” хўжалик фаолияти фойдаси. *М.к.* ва *М.и.* фарқлаш лозим. Агарда *М.к.* ишчанлик тафаккури фалсафаси, унинг йўналишини билдирса, *М.* эса бизнес соҳасида ҳаракатлар жараёни ва унинг йўналишини билдиради. Демак, тафаккур йўли ҳаракатлар йўналишини аниқлайди. Вазифадор шахслар, масъулиятли шахслар, тадқиқот ва ишланмалар, ишлаб чиқариш, молия

ва ҳ.к. учун масъул кишилар маркетинг фаолиятига бевосита иштирок этишмаса ҳам *М.к.*ни ўзлаштириб олишлари керак. *М.к.* бу *М.* тизими ёки ташкилий тузилмаси эмас, балки илмий асосланган қарашларнинг маълум мажмуидир. *М.к.* маҳсулот, хизматлар, гоёлар, фирманинг пировард ютуғига айлантирилган бўлади. Бунда товарлар ва хизматлар фақат мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилади. Мақсадлари бозор ҳиссаси, рақобатбардош позицияларни эгаллаш, фойда ва ҳ.к. бўлиши мумкин. *М.* эса ушбу мақсадга эришишга таъсир қилади.

МАРКЕТИНГ МИКС (*инг.*) — маркетинг маблағлари йиғмаси бўлиб, улар орқали корхона у ишлаб чиқарган товарга бўлган талабга таъсир қилишга ҳаракат қилади. Шундай маблағлар (ёки *М. м.* таркибий қисмлари)га товар, баҳо, сотиш жойи ва шарт-шароити, реклама, рағбатлантириш киради.

МАРКЕТИНГ РЕЖА — фирманинг қўйилган бозор мақсадларига эришиш учун маълум даврга йўналтирилган фаолиятининг мосланувчан, вариантли дастури. Режа замон, динамик, узлуксиз ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларида, биринчи навбатда бозорда корхона ишига барқарорлик, мақсадга мувофиқлик хараakterини беришга қаратилган. Типик *М. р. М.* бошқаришни, тақсимот, сотиш, реклама ва маҳсулот ҳаракати *М.* функциясини такомиллаштириш бўйича ёрдамчи фаолият, сотишни прогноллаш, молиявий таъминлаш дастурларини ҳам қўшиб барча комплекс масалаларни қамраб олади. Одатдаги *М.р.* қуйидаги асосий блокларни ўз ичига олади: фирма мақсадларини таъриф этиш; бозорларни прогноллаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар: ҳар бир товар бозорида маркетинг стратегиясини ифода этиш; маркетинг тадбирларини реализация қилиш, асбобларини таъриф этиш; тадбирлар назоратини таъриф этиш; *М. р.*да ҳар қандай товар бўйича тўртта муҳим бўлим бўлади: товар тўғрисида маълумот; товарни реализация қилиш масаласи ва фойда олиш; стратегик кўрсатма; *М.р.* тадбирлари бўйича маблағларни тақсимлаш.

МАРКЕТИНГДАГИ РЕЖАЛАШТИРИШ — ҳўжалик фаолиятининг муҳим соҳаси. *М. р.* асосий вазифаларидан бири унинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фирма фаолиятида мавжуд максимал режалилик ва пропорционаликни ўрнатиш. Фирма раҳбариятининг бошқариш вазифаси режалаштиришдан фойдаланганда ҳўжалик фаолиятидаги ноаниқлик ва хавф даражасини камайтириш ва ресурсларни танланган устувор йўналишларга концентрациялашни таъминлаши лозим. *М.* барча функцияларни зарур даражада самарали реализация қилиш обдан ўйланган ва кенг қўламли режалаштиришсиз кам аниқликка эга. Бозор шароитларида ички фирмани самарали

режалаштириш қўйидаги зарур асосий тамойилларга риоя этишни тақозо этади: у зарур мосланувчанлик ва адаптацияга эга бўлиши, яъни ташқи муҳит ўзгаришига ўз муносабатини билдириши керак; режалаштиришдаги компетентлик даражаси корхона ресурсларига буйруқ беришдаги компетентлик даражасига мос келиши керак.

МАРКЕТИНГ РЕЖАСИНИ СИСТЕМАТИЗАЦИЯЛАШ — режанинг барча таркибий элементларини боғлаш, координациялаш ва интеграциялаш. Бу оддий вазифа эмас. Агарда қисқа муддатли фойда ўртача узоқ муддатли ҳисобидан олинса, режа умуман ёмон систематизациялашган бўлади. Истеъмолчилар кўз олдида унинг қиёфасининг ўпирилишига олиб келувчи ва раҳбарларда юз бераётган ўзгаришлар хусусида аниқ манзаранинг йўқлиги ҳолатида фирма қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Ресурслар фирма корхоналари ўртасида шундай тақсимланиши керакки, маблағлар энг катта потенциал тасаввурини берсин. *М.р.с.* барча таркибий қисмларини яхши боғлайдиган ҳал қилувчи омилларга қўйидагилар киради: режани ташкил этувчи узоқ, ўртача ва қисқа муддатларнинг ўзаро таққосланиши; аниқ белгиланган мақсадли бозор; фирма таркибидаги корхоналар белгиланган фаолиятларини координациялаш: *М.р.с.* комплекси тузилма таркибий қисмларини координация қилинганлиги; узоқ муддатли рақобатда устунлик, вақт бўйича барқарорлик.

МАРКЕТИНГ ПРИНЦИПЛАРИ (*инг.*) — корхоналар бозорда ўз фаолиятига раҳбарлик қиладиган асосий вазият. Уларга қўйидагилар киради: бозор эҳтиёжлари ва бошқа тадбиркорлик фаолляти шарт-шароитлари ҳолати ва динамикасини синчиклаб ҳисоб қилиш; ишлаб чиқариш, маҳсулот тури, бошқаруving барча ишлаб чиқариш, сотиш ва савдо фаолиятининг бозор талаби, ижтимоий талаб тузилмаси ва динамикасига максимал мослаштириш; барча қулай воситалар ёрдамида талаб, бозор ва реализация қилишнинг бошқа шартларига актив таъсир кўрсатиш.

МАРКЕТИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ — маркетинг моҳиятидан келиб чиқади. Маркетинг асосида ётувчи дастлабки позиция инсоннинг ҳолатлари, эҳтиёжлари, талабларини қондириш ғоясига хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда маркетинг моҳиятини қисқа қилиб шундай аниқлаш мумкин: ишлаб чиқариш, албатта, бозор талабига йўналтирилган, у билан олдиндан келишган бўлиши керак, истеъмолчига, бозорга ўз ишлаб чиқарган товарлари ва хизматлари юклаб қўйилмаслиги лозим. Маркетинг моҳиятидан унинг асосий тамойиллари келиб чиқади: маҳсулот ишлаб чиқариш асоси ҳисобланган сотиб олув-

чилар эҳтиёжларини, бозорнинг фаоллигини ва ишлаб чиқарувчининг реал имкониятларини аниқ билиш; маълум бозорларда режалаштирилган ҳажмлар ва белгиланган муддатларда товарлар ва хизматларни самарали реализация қилиш; тадқиқот, ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни маркетинг фаолиятининг ҳал қилувчи йўналишларига концентрация қилиш; ишлаб чиқарувчининг бир дақиқалик эмас, балки ишлаб чиқариш тижорат фаолиятининг узоқ муддатли натижасига (фойдалиликка) қаратиш. Маркетинг принциплари асосида ишлайдиган ишлаб чиқарувчилар фаолияти фақат жонкуяр бозор, сотиб олувчи талаб қиладиган нарсани ишлаб чиқариш зарур деган шиор ётади. Маркетинг фаолияти методларида нафақат бозор, балки сиёсий, социал, маданият ва бошқа муҳитни ўз ичига олувчи ташқи муҳит анализи (корхонага нисбатан) ўтказилади. Анализ тижорат ютуғига таъсир этувчи ёки унга тўсиқ бўлувчи омилларни намоён қилиш имконини беради.

МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ — фирманинг узоқ муддатли асосий мақсадлари ва вазифалари, харажатларнинг узлуксизлигини келишиб олиш ҳамда ушбу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ресурсларни тақсимлашни ифодалашни аниқловчи умумфирма стратегиясининг муҳим таркибий қисми. *М. с.* — бу аниқ ифодаланган мақсадлар, уларга эришишнинг белгиланган асосий йўллари, зарурий ресурсларни кўзда тутувчи бош дастур кўринишидаги расмийлаштирилган бозордаги харажатларга раҳбарлик, маркетинг фаолиятига стратегик ёндашишнинг зарурлиги фирма раҳбариятига имкон берувчи стратегик режалаштиришда ўз ифодасини топади: а) ҳар доим чекланган ресурсларни тақсимлашга асосланган устуворлигини ўрнатиш; б) жорий воқеалар тутқуни бўлиб қолмаслик учун ташқи муҳитда келажақда бўладиган ўзгаришларни олдиндан кўра билишга юқори даражада эътиборни қаратиш; в) узоқ муддатли масалаларни ечишга зарар келтириш ҳисобига жорий фойдани оширишдан ўз интилишини тўхтатиш. Стратегик режалаштиришнинг доимий элементлари унинг реализация қилиш шаклидан қатъи назар туб мақсадларни ифодалайди, ташқи муҳит ҳолатини ва ўз позицияларининг рақобатбардошлик даражасини баҳолайди, ресурсларни тақсимлайди, конкрет режалар ва ҳаракат дастурларини тузади; г) фирманинг бозордаги стратегик позициялари самарадорлигини баҳолаш қуйидаги асосий мезонлар асосида амалга оширилади: фирма томонидан назорат қилинадиган бозор ҳиссаси ва бош рақобатчилар билан таққослаганда ушбу назоратнинг нисбий даражаси; мавжуд стратегик сегментда маркетинг ва умумҳўжалик фаолияти туб омилларидан фойдаланиш имконияти доирасида стратегияни реализация этиш

белгиланган (хаётий цикл босқичлари, унинг техник-иқтисодий ривожланиш истиқболи) ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатурасининг барқарорлиги, рақобат даражаси (интенсивлиги), унинг (“ёшариш” имконияти) тармоқ ривожланишининг умумий истиқболи.

МАРКЕТИНГДАГИ СИНЕРГИЯ — икки ёки ундан ошиқ ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш, тижорат, молия ва бошқа хўжалик тузилмалари ўзаро хўжалик алоқалари натижасидан олинadиган қўшимча тижорат самараси. М. с. самараси ишлаб чиқаришни халқаро кооперативлаштиришда, таъсисчи мамлакатларда ўзаро тўлдирувчи қўшма корхоналар тузишда, консорциумлар фаолиятида айниқса кўзга ташланади.

МАРКЕТИНГ ВА СИФАТ СТАНДАРТЛАРИ — уларда саноат корхоналаридаги маҳсулот сифатини бошқариш бўйича халқаро тажриба ифодаланган. Стандартлар тайёрловчида (етиштирувчи) маҳсулот сифатини таъминлаш тузилмасини баҳолаш учун моделлар сифатида ҳар хил мамлакатларнинг фирмалари ўртасида контрактлар тузишда қўллаб қўлланилади. Стандартларга солинган концепцияда ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни тақозо этади.

МАРКЕТИНГДАГИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ — фирманинг мақсадлари, умуман, унинг потенциал имкониятлари (ш.ж. маркетинг соҳасида) ўртасида стратегик мосликни яратиш ва қўллаб-қувватлашнинг бошқарув жараёни. Стратегик режа фирманинг қандай маркетинг ҳаракатлари қўллаштини, улар нима учун зарурлигини, уларни реализация қилиш учун ким жавоб беришлиги, улар қасрда қабул қилиниши ва амалга оширилишини кўрсатади. Фирманинг шундай режасида яна фирманинг жорий ҳолати, унинг бўлажак йўналиши ва ресурслар тақсимо-ти кўрсатилади.

МАРКЕТИНГДАГИ СТРАТЕГИК ТАФАККУР — хўжалик бирлиги ҳаракатларига қувват бериш, уларнинг истиқболдаги ҳаракатлари бирлигида мақсадга мувофиқлик ва мосланувчанликка йўналтирилган янги ишчанлик тафаккур қиёфаси.

МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТИ — маркетингнинг муҳим функцияси. М.т. бозорни ўрганиш билан чекланиб қолмайди, балки янги товарни излаш ғояларидан то уни охирги истеъмолчи томонидан фойдаланишга қадар бўлган барча маркетинг жараёнини қамрайди. Демак, маркетинг фаолиятининг барча турлари ва соҳалари тадқиқот таъсирига учрайди: товар, бозор, товар турлари, сотиш ва тақсимлаш йўллари, сотиш усуллари, тарғибот, сотишни рағбатлантириш ва ҳ.к.

МАРКЕТИНГ ТАКТИКАСИ — топширилган маркетинг стратегиясини самарали реализация қилиш мақсадида бажариладиган ҳақиқий ҳаракатлар. *М. т.* маркетинг стратегияси асосида ва маркетинг конъюнктураси ҳосил этувчи ва бошқа омиллар ўзгаришларига қараб аниқ, қисқа муддатли вақт даврида ҳар бир амалдаги бозор ва ҳар бир товар бўйича ташкил этилади ва тарқатилади. *М. т.* техника вазифаларини қўйиш ва ечиш, истеъмолчилар эҳтиёжлари тўғрисида маълумотлар аниқлангандан кейин экспорт товарлар турларини кенгайтириш; талаб заифлашиши муносабати билан кучайтирилган реклама тадбирлари ўтказиш; сотишни рағбатлантириш мақсадларида товарга бўлган баҳони пасайтириш; товарлар рақобатбардорлигини ошириш учун сервис хизмати томонидан тақдим этиладиган хизматлар турларини кенгайтириш; рақобатчи томонидан сотиш ҳажмини қисқартириш муносабати билан бозор ҳиссасини кўпайтириш; талабнинг характери ўзгариши муносабати билан товарни модернизациялашни ўтказиш; тижорат персонали ва ҳ.к. ишини рағбатлантириш бўйича тадбир ўтказиш. *М. т.* муҳим қарорларни қабул қилувчи ва амалга оширувчи иккита гуруҳни ажратиш лозим. Биринчи гуруҳ — маркетинг фаолиятига жорий харажатлар даражаси. Иккинчи гуруҳ — маркетинг операцияларининг вақтинчалик узлуксизлигини аниқлаш. Умуман, *М. т.* қўйидагиларни таъминлаши керак: конъюнктура ўзгаришига қарамасдан фойданинг барқарор даражаси; бозорда маркетинг хизматининг, тижорат бўлинмаларининг актив муомаласи; бозор вазиятининг ўзгаришига тадбиркорона фикр билдириш; корхона ходимларининг ташаббускорлиги ва уddaбурунлиги; рақобатчилар ҳаракатларига жавобан адекват чоралар кўриш; сотиб олувчилар ва бозор талаблари ўзгаришлари билан тақозо этиланиган корхона илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолиятини ўз вақтида таҳрир қилиш.

МАРКЕТИНГ ТУРЛАРИ (*инг.*) — бозор талаби етказиб берувчиси манфаати учун амал қилувчи ва хоҳловчи ҳолатига боғлиқ бўлади. *М. т.* бир нечта бўлиб, улар қўйидагилар: конверсион, рағбатлантирувчи, ривожланувчи, ремаркетинг, синхромаркетинг, кўмаклашувчи, демаркетинг, қарши ҳаракат қилувчи маркетинг. Конверсион маркетинг талабни яратиш мақсадида негатив талабда қўлланилади. Рағбатлантирувчи маркетинг талаб бўлмаганда, потенциал сотиб олувчиларнинг таклиф қилинадиган товарга бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатида фойдаланилади. Ривожланувчи маркетинг реаллаштириш зарурияти бўлган потенциал талаб мавжуд бўлганда қўлланилади. Ремаркетинг пасаяётган талабни тиклаш учун қўлланилади. Синхромаркетинг ўзгараётган талабни барқарорлаштириш вазифаси қўйилганда

қўлланилади. Қўмаклашувчи маркетинг фирма имкониятларига аниқ мос келувчи талабни барқарорлаштириш учун фойдаланилади. Демаркетинг ҳаддан ташқари талабни пасайтириш учун фойдаланилади. Қарши ҳаракат қилувчи маркетинг иррационал талабни максимал қисқартириш ёки тугатиш учун қўлланилади.

МАРКЕТИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ — корхонанинг жами маркетинг фаолияти турлари. *М.ф.* да маркетинг сони ва мазмуни, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, кенг қўламда товар турлари, корхона маҳсулотига бўлган талабнинг хусусиятлари, рақобат даражаси ва ҳ.к. аниқланади. Чет эл фирмалари фаолияти тажрибаси куйидаги асосий *М.ф.* ажратишга имкон беради: ахборот йиғиш ва маркетинг тадқиқоти; маҳсулот тури, сотиш ва тақсимлашни режалаштириш; реклама ва сотишни рағбатлантириш.

МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ — маркетинг фаолиятини амалга оширувчи бошқарилнинг тузилма шакли. *М.х.* корхонани бошқаришдаги муҳим функционал бўғин бўлиб, у бошқа хизматлар ва бўлинмалар (ишлаб чиқариш, молиявий, технологик ва ҳ.к.) билан ҳамкорликда бозор талабини қондириш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган ягона интеграцион жараёни тузади.

МАРКЕТИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ — маркетингнинг ушбу тарихан тақозо этиладиган соҳа йўналиши илмий, бошқарув ва ҳўжалик бозор фаолияти моҳияти, шакллари ва ривожланиш характеридаги ўзгаришлар. Маркетинг пайдо бўлиши ишлаб чиқаришнинг тармоқланиб кетган ва ўсувчан структураси билан характерланувчи юқори ривожланган иқтисодиёт эҳтиёжлари билан тақозо этилган. Маркетинг бозорнинг кенгайишига таъсир қилади, инновация ва инвестициявий активликни рағбатлантиради, товар айланмаси тузилмаси оптималлигини таъминлайди. Маркетинг умумий қабул қилинган концепцияси 50-йил ўрталарида таърифлаб берилган. Унинг асосини ташкил этувчи бош тезис — истеъмолчи талабини қондириш, фирма ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятининг асосий вазифалари ҳисобланади. Маркетингни амалга ошириш эса ушбу масалани ечишга хизмат қилади. Маркетинг амалий вазифалари тўғрисидаги классик тасаввур тўғри ва бевосита сотишни яхшилаш мақсадида талабни ўрганишдаги маркетинг фаолияти моҳиятини изоҳлайди. Аммо 60—70-йиллар чегарасида фан-техника революцияси таъсири остида айрим фирмалар тижорат фаолиятида мужассамлашган классик концепцияси ишлаб чиқаришни қайта қуриш, рақобатни кескинлаштириш, ишлаб чиқариш ва сотишни барқарорлаштириш учун етарли бўлмай қолди. Узлуксиз ҳисоб ва нафақат жорий, балки бозорнинг умумий ҳолати истиқболини кўра билиш талаб қилина бошланди.

МАСЛОУ МОТИВАЦИЯСИ НАЗАРИЯСИ (инг.) — Америка олими А. Маслоу концепцияси бўлиб, бунга мувофиқ инсоний эҳтиёжлар энг юқори иерархик моҳиятдан энг паст иерархик моҳиятга қадар бўлган тартибга эга бўлган бешта асосий турга бўлинади: физиологик эҳтиёжлар; ўз жонини сақлаш эҳтиёжлари; социал эҳтиёжлар; ҳурматдаги эҳтиёжлар; ўз шахсиятининг аҳамиятини кўрсатувчи эҳтиёжлар. Инсон биринчи навбатда ўзининг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Унга ўзининг қандайдир муҳим эҳтиёжини қондиришга тўғри келса, у ҳаракатланувчи омил бўла олмайди. Айни пайтда, унинг муҳим кейинги эҳтиёжини қондиришга ҳаракат пайдо бўлади.

МАСЪУЛИЯТЛИ СУҒУРТА — зарарни учинчи шахс қоплаши бўйича суғурта қилдирувчи мажбуриятлари хизмати предмети бўлган суғурта.

МАТЕРИАЛ ХАРАЖАТЛАР — маҳсулот таннаرخини ташкил этувчи харажатлар тури.

МАХСУС КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИ — кредитлашнинг қандайдир маълум соҳасига ихтисослаштирилган банк ва но-банк кредит муассасалари.

МАХСУС СКИДКАЛАР — фирма узоқ, узвий контрактларда бўлган доимий сотиб олувчиларга, фирма алоҳида манфаатдор бўлган буюртмалардаги имтиёзли сотиб олувчиларга бериладиган чегирмалар. Бундай чегирмалар ҳажмлари тижорат сирини билдиради ва баҳоси 5—8 фоиз белгиланади. *М.с.* категорияларига янги товарга сотиб олувчини манфаатдор қилиш учун синаш партияси ва буюртмаларга берилган скидкалар ҳамда буюртмаларнинг узлуксизлиги учун бериладиган скидкалар киради, улар ёрдамида ишлаб чиқарувчилар доимий мижозларни ушлаб қолишга ҳаракат қиладилар.

МАХСУС ФОНДЛАР — давлат ихтиёрида турувчи ва маълум мақсад учун тайинланган жами пул маблағлари. Буларга бюджетдан ташқари фондлар, махсус счётлар ва смета-лар киради.

МАҚСАДЛИ АВАНСЛАР — маълум товарларни харид қилиш ва маълум ҳаракатларни ўтказиш учун бериладиган бадаллар.

МАҚСАДЛИ БАҲО — умумий бозор мамлакатларида ушбу мамлакатлар гуруҳининг ягона қишлоқ хўжалик сиёсати олиб бориш мақсадида у ёки бу маҳсулотга солиқни аниқлаш учун фойдаланилади.

МАҚСАДЛИ БОЗОР — қатор сотиш бозорларини анализ қилиш натижасида корхона томонидан танланган бозор, бунда минимум маркетинг харажатлари максимум фойдани ёки бозорга чиқиш мақсадининг бошқа мезонини таъминлайди. *М. б.* корхона танлайди, бунда у ўз фаолиятини йўналтиради ва бу-

нинг учун тегишли маркетинг маҳсулот таркибини тўғри белгилаш, халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини яхшироқ қондириш ва истеъмолчилар талаб қилмайдиган буюмларни ишлаб чиқаришга йўл қўймасликни мақсад қилиб қўяди.

МАҲСУЛОТНИНГ МЕТАЛЛ СИҒИМИ — маҳсулот ёки миллий даромад бирлиги учун металл сарфлаш кўрсаткичи.

МАҲСУЛОТНИНГ МЕҲНАТ СИҒИМИ — маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ёки муайян технологик операцияни бажариш учун иш вақти сарфининг кўрсаткичи.

МАҲСУЛОТ НОМЕНКЛАТУРАСИ — табиий ҳолдаги маҳсулот гуруҳлари, кичик гуруҳлари ва позицияларни режалаштиришда ва ҳисобга олишда қабул қилинган рўйхати.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТИ — бошқа мамлакатларга етказиб бериладиган маҳсулот сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг халқаро қабул қилинган ва реализация этиладиган процедураси. У *М. с.* учун қабул қилинган маълум халқаро стандартларга мос равишда қаттиқ келишилган тартиб бўйича уларда маҳсулотни синаш учун ускуналар ва ўлчов асбоблари билан жиҳозланган махсус марказлар томонидан амалга оширилади, бу ўз навбатида сертификат билан мустаҳкамланади. *М. с.* халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг узвий элементи ҳисобланади. Халқаро савдода маҳсулотнинг рақобатбардорлигини таъминлаш учун уни сертификат акти билан тасдиқлаш лозим.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — маҳсулотнинг ўз вазифасига мувофиқ муайян хусусий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини таъминловчи умумий хоссаси.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ АТТЕСТАЦИЯСИ — маҳсулотни сифат категорияларига киритишни кўзда тутувчи ташкилий-техникавий ва иқтисодий чора-тадбирлар тизими.

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ — буюмлар сифатининг халқ хўжалик нуқтаи назаридан оптимал даражасига эришиш стратегиясини ишлаб чиқади. *М. с. б.* танлаш унинг сифими, истеъмол талабининг ривожланиш истиқболи, ундаги маҳсулотнинг рақобатбардорлиги, рақобатнинг кескинлиги ва бошқа қатор омиллар нуқтаи назаридан асосланади. *М. с. б.* одатда танлаб олинган бозор сегменти тушунилади.

МАҚСАДЛИ ЗАЁМЛАР — давлат заёмлари тури бўлиб, уларни жойлаштиришдан тушган маблағлар маълум, уларни келишилган мақсадга йўналтирилади; қоидага биноан кредит мажбуриятлари шаклига эга бўлади.

МАҚСАДЛИ МАРКЕТИНГ — корхона маркетинг фаолиятининг турли хили бўлиб, махсус изланиш асосида (бозор сегментацияси) барча бозорга эмас, балки унинг айрим қисмларига (сегментларига) йўналтирилганлиги унинг характерли хусу-

сияти ҳисобланади. Бу корхона раҳбарияти эътиборини қаратиш ва энг самарадорликни таъминловчи конкрет бозор сегментига маркетинг имкониятларни тўплаш имконини беради. *М. м.* конкрет истеъмолчи хили учун тайинланган товарга йўналтирилган бўлади.

МАҚСАДЛИ ОМОНАТЛАР — автомобилни навбатдан ташқари сотиб олиш ва ҳ.к. учун тайинланган жамғармалар.

МАҚСАДЛИ СОЛИҚЛАР — маълум тадбирларни ўтказишга давлат маблағларини сафарбар этиш шакли.

МАҲАЛЛА МУЛКИ — жамоа мулкнинг маҳаллага тегишли бўлган мол-мулкка эғалик қилиш шакли. Бу мулк ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг дастлабки бўғинлари ҳисобланади. Маҳалла мулкнинг субъекти ушбу маҳаллада яшовчилар бўлиб, бу мулк маҳалла мулкига эғалик қилиш ва фойдаланиш хусусидаги муносабатини акс эттиради. Маҳалла мулкни махсус маҳалла қўмитаси бошқаради.

МАҲСУЛОТ АССОРТИМЕНТИ — турлар, хиллар, навлар, размерлар, маркалар, артикуллар ва ҳ.к.га қараб ажратиш мақсадида ишлаб чиқаришга режа орқали таъсир кўрсата бориш жараёни.

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ — бирлашма, корхона, ташкилотнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга кетган (ишлар, хизматлар) жорий харажатларининг пул шаклида ифодаланиши.

МЕДИО (*лот.*) — ойнинг ўртасига тўғри келувчи биржа битимларини бажариш муддати.

МЕДИЦИНА СУҒУРТАСИ — фуқароларга медицина ва дори-дармон ёрдами кўрсатишда маълум ҳажм ва шарт-шароитларни кафолатловчи суғурта тизими.

МЕЛОН — тақсимлаш учун тайинланган юқори фойданинг ҳаддан ташқари суммаси.

МЕНА (*грек.*) — томонларнинг битта мулкни бошқасига айир-бошилашни амалга ошириш бўйича шартномаси. Мена шартномасида ҳам олди-сотти шартномасида бўлгани каби маълум эквивалент орқали мулкка бўлган эғалик бир томондан бошқасига ўтади. Бу олди-сотти шартномасидан фарқ қилиб пул билан эмас, балки мулкка бўлган маълум шартнома билан амалга оширилади.

МЕНЕЖЕРИЗМ (*инг.*) — асосан корхона, компания, фирма даражасида ҳозирги замон ишлаб чиқаришини бошқариш тўғрисидаги фан.

МЕНЕЖМЕНТ (*инг.*) — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва энг юқори натижаларга эришиш мақсадида қўлла-

ниладиган ишлаб чиқаришни бошқариш тамойиллари, усуллари, воситалари ва шакллари мажмуи.

МЕНЕЖЕР (*инг.*) — 1) Компания, корхоналар, банклар ва ҳ.к. раҳбарлик қилувчи таркиби. Кузатувчи ва назорат қилувчи органлардан фарқ қилиб, *М.* ижроия ҳокимияти каби фаолият қилади; 2. Капиталлар бозорида эмиссия ва облигация заёмларини жойлаштиришни амалга оширувчи банк синдикатлари раҳбар гуруҳ иштирокчилари. Гуруҳ бошида заёмчи контрагенти сифатида чиқувчи ва ташкил этиш, обуна ва заёмларни жойлаштиришда масъул ҳисобланувчи етакчи *М.* туради. Синдикат раҳбар гуруҳ аъзолари (комменежерлар) эмиссия шартларини аниқлашда иштирок этишади, келишилган курс бўйича ўрнатилган муддатда заёмларни жойлаштириш кафолатланади.

МЕРОСГА СОЛИҚ — қонун томонидан ўрнатилган минимумдан ошиб кетган ҳолатда васият бўйича олинган мулкнинг умумий қийматидан олинadиган солиқ; айрим ҳолатда қариндошлик даражаси камайган ёки ўладиган кишига яқин бўлганда ошади. Францияда шундай солиқ тарифи 5 фоиздан 60 фоизгача ўзгаради. Буюк Британияда *М.* с. 1975 йилда капитални бериш солиғи билан алмаштирилган.

МЕРЧЕН ДАЙЗИНГ — сотиб олувчини товарга олиб келиш ва сотиб олишни амалга оширишда максимал эҳтимолликни таъминловчи қудай вазият яратишга йўналтирилган сотиш фаолияти ва комплекслар тадбирлари жараёни босқичи. *М.д.* — бу сотувчи шахснинг ёрдамсиз маълум тайёрловчи корхона товарини сотиб олиш учун сотиб олувчига руҳий таъсир кўрсатиш ва ишонтириш усули.

МЕТА (*итал.*) — битим шарти бўлиб, унга мувофиқ унинг иштирокчилари фойда ва зарарни тенг бўладилар.

МЕҲНАТ — кишиларнинг онгли ва аниқ мақсадга қаратилган фаолияти бўлиб, улар ана шу фаолият ёрдами билан моддий ва табиат кучларини ўзгартириб, уларни ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштирадилар.

МЕҲНАТ БОЗОРИ — ишга жойлаштиришга, кадрлар тайёрлашга хизмат қилувчи, бандликка, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга таъсир қилувчи муассасалар жами. Меҳнат биржасини, кадрлар тайёрлаш марказини, бандлик фондини, бизнес тижорат марказларини, тадбиркорликка ёрдам қилувчи давлат фондини, нафақа фондини, раҳм-шафқат фондини ва ҳ.к. ўз ичига олади.

МЕҲНАТ ВОСИТАСИ — буюм ёки буюмлар комплекси меҳнат воситалари деб аталади; меҳнат воситаларига энг аввало меҳнат куроллари (турли механизмлар ва машиналар ва ҳ.к.) киради; бундан ташқари, гарчанд меҳнат воситаларига бевосита

кирмаса-да, унинг учун зарур барча нарсалар, яъни ишлаб чиқаришнинг умумий шартлари ҳисобланган бинолар, йўллар, иншоотлар ва ҳ.к. меҳнат воситалари бўлади.

МЕҲНАТ ИНТЕНСИВЛИГИ — иш кучининг вақт бирлигида сарфланиш даражаси. *М. и.* ўсган сайин ишлаб чиқариладиган товарлар миқдори ва шунга яраша уларда мужассамлашган қиймат миқдори ортиб боради, бунда ҳар бир товарнинг қиймати ўзгармай қолаверади.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ — ишлаб чиқаришда, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасаларда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиниши.

МЕҲНАТНИ КООПЕРАЦИЯЛАШ — меҳнат фаолиятини бирлаштириш шакли бўлиб, бунда кўп кишилар бир-бири билан ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаб чиқаришнинг битта жараёнида ёки ўзаро боғлиқ бўлган жараёнларда ишлайдилар.

МЕҲНАТНИ НОРМАЛАШ — маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун кетадиган меҳнат сарфи ёки вақт бирлигида маҳсулот ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш.

МЕҲНАТ ПРЕДМЕТИ — инсон меҳнатига йўналтирилган, бўлғуси маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этувчи нарсадир; меҳнат предметларига машинасозлик заводидаги металл, қурилишдаги цемент, ип-йигирув фабрикасидаги пахта, ёқилғи, ёнилғи, ўрмон, ер остидаги бойликлар ва ҳ.к. киради. Уларнинг бир қисми қайта ишланиб, хом ашёга ёки ярим фабрикатларга айланади; табиий меҳнат предметларидан ташқари, ҳозирги вақтда сунъий йўл билан олинаётган меҳнат предметлари ҳам мавжуд.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ — халқ ҳўжалигида ишлаш учун зарурий jisмоний ривожланиш, ақлий қobiliятлар ва билимларга эга бўлган мамлакат аҳолисининг бир қисми. *М. р.* ўз эҳтиёжларини қондириш учун мавжуд дақиқада жамият жалб этадиган жонли меҳнат потенциал массасини характерлайди.

МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ — жамият тараққиёти жараёнида меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатдан табақаланиши натижа-сида тaлaкил топган, унинг ҳар хил турларининг ажралишига ва бир-бирига боғлиқ ҳолда амал қилишга олиб келувчи ижтимоий меҳнатнинг тарихан маълум тизими; меҳнат тақсимотининг та-комиллашуви ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш му-носабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлади, меҳнат унум-дорлигини оширишнинг омилларидан бири ҳисобланади, тех-ника тараққиёти сингари чексиз бўлади.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ — уни ишлаб чиқаришга сарф-ланган меҳнат миқдорига бўлинган маҳсулотнинг умумий ҳажми;

ўртача меҳнат маҳсули ёки бир ишчининг бир соатда ишлаб чиқарган маҳсулоти.

МИКРО ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ (грек.) — бошқаришнинг ҳар хил даражаларида юқори (барча хўжаликлар — макроиқтисодиёт) ва қуйи (хўжалик қарорлари қабул қилиш) корхона, фирмани бошқариш даражаси — микроиқтисодиёт.

МИКРОИҚТИСОДИЙ АНАЛИЗ — қуйидагиларни ўрганувчи иқтисодий фаннинг қисми: биринчи, тармоқлар, фирмалар, уй хўжаликлари сифатидаги алоҳида иқтисодий birlikлар; иккинчи, айрим бозорлар, конкрет баҳолар ва конкрет товарлар ва хизматлар.

МИКРОМАРКЕТИНГ (грек.) — ҳозирги ва потенциал сотиб олувчиларнинг эҳтиёжини қондирувчи ишлаб чиқариш бозори ва товарлар ҳамда хизматларни сотишни тузишга йўналтирилган корхона фаолиятини ташкил этиш; айрим корхона даражасидаги маркетинг.

МИЛЛИЙ БАНКЛАР — 1. Тўлиқ ва қисман миллий капиталга тегишли бўлган ва унинг манфаатларига хизмат қилувчи банклар; 2. Фаолияти федерал қонун билан тартибга солинадиган АҚШнинг тижорат банклари номи; 3. Айрим мамлакатлардаги марказий банклар.

МИЛЛИЙ БОЙЛИК — ўтган ва ҳозирги авлодлар меҳнати ва жамият ихтиёрида бўлган такрор ишлаб чиқариш жараёнига тортилган табиий ресурслар иштироки билан яратилган моддий бойликларнинг жами; мамлакат иқтисодий потенциалининг муҳим характеристикаси.

МИЛЛИЙ ДАРОМАД — ишлаб чиқариш учун истеъмол қилинган маблағларни (меҳнат предметлари ва меҳнат воситалари) қўлагандан кейин қолган жами ижтимоий маҳсулот қийматининг бир қисми; мамлакат иқтисодий тараққиётининг умумий кўрсаткичи.

МИЛЛИЙ РЕЖИМ — халқаро иқтисодий муносабатлар режими бўлиб, бунда битта давлат ўз ҳудудидаги бошқа давлат жисмоний ва юридик шахсларга ўз жисмоний ва юридик шахслари ва савдо кемалярига бергани каби шундай ҳуқуқларни ва имтиёзларни беради.

МИЛЛИЙ ҚАРЗ — эмиссия қилинган давлат заёмлари бўйича марказий ҳукуматнинг қарзини белгилаш учун Буюк Британия расмий статистикасида қўлланиладиган термин. Умумдавлат қарзининг асосий қисмини ташкил этади (80 фоиз атрофида). М. қ. ҳукумат ва ҳукумат томонидан кафолатланган облигация заёмлари, казначейлик векселлари, нобозор мажбуриятлари, бир қисми чет эл валютасида тўланадиган ташқи қарзни ўз ичига олади.

МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИ (тирикчилик минимуми бюджет) — иш кучини нормал такрор ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб тузилган оилавий бюджет. Бир йилга битта оила аъзоси сони ҳисобига пул баҳосида ишлаб чиқилади ва шундай такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи миқдори ва сифатидаги товарлар ва хизматлар йиғмасини ўз ичига олади.

МИНИМАЛ ИШ ҲАҚИ — тадбиркорлик қонуний асосларда бир соатлик иш учун тулайдиган энг паст иш ҳақи (унинг ставкаси).

МИС ПУЛЛАР — муомала ва тўлов воситалари бўлиб хизмат қилувчи мисдан қилинган ёмби ёки тангалар.

МИҚДОРИЙ СКИДКАЛАР — катта миқдордаги товарни сотиб олишда бериладиган скидкалар. Оммавий талаб қўлинadиган товарларни етказиб беришда уларнинг ҳажми нисбатан катта бўлмайди, кичик серияли ёки индивидуал буюртмалар бўйича ишлаб чиқариладиган товарлар учун скидкалар катта бўлиши мумкин (айрим ҳолатларда 15 фоизга кўтарилади), чунки серияни кўпайтириш ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиришга олиб келади.

МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК — корхонага, муассасага, ташкилотга етказилган зарарни қоплашдаги ходимнинг вазифаси.

МОДДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ — кишиларни меҳнатга қизиқтиришнинг шакллари ва усуллари иқтисодий тизими, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва меҳнатнинг пировард-натижаларини яхшилашда манфаатдор этиш.

МОЛИЯ (фр.) — молия маблағлари фондларини яратиш ва фойдаланиш жараёнида иқтисодий муносабатларни ифодаловчи иқтисодий категория.

МОЛИЯЛАШ — халқ ҳўжалигини ривожлантириш, социал-маданий тадбирлар, мудофаа ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар харажатларини зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш; бирлашмалар, корхоналарнинг ўз маблағлари, давлат бюджетидан ва бошқа манбалардан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

МОЛИЯВИЙ БЛОКАДА — блокада қилинган мамлакат билан унга иқтисодий ёки сиёсий тазйиқ ўтказиш мақсадида қандайдир давлат ёки халқаро молия-кредит ташкилот билан молиявий муносабатларни тўхтатиш ёки чеклаш.

МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЧИЛАР — жами молиявий фирмалар.

МОЛИЯВИЙ ГУРУҲ — молия капиталининг асосий ташкилий шакли, иқтисодиётни монополаштиришнинг хусусий капиталистик олий поғонаси. Асосида иқтисодиётнинг ҳар хил соҳалари ва максимал фойда олишнинг умумий манфаатлари билан боғлиқ бўлган назоратни амалга оширадиган бир неча

оила ёки капиталистлар гуруҳи иттифоқи ётувчи тармоқлараро монополистик саноат — банк-савдо комплексини билдиради. Қоидага кура, молия гуруҳини гигант банклар ёки холдинг компаниялар бошқаради.

МОЛИЯВИЙ ДАРОМАДЛАР — давлат хазинаси даромадлари.

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — қимматбаҳо қоғозлар операциясини ўз ичига олувчи халқаро кредит-молия фаолияти.

МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ — янги молиявий воситаларни ва хавф ҳамда харажатларнинг камайиши операцион схемасини ишлаш (ш.ж. солиқ) ва фойдани купайтириш.

МОЛИЯ ИНСПЕКТОРИ (*фр., лот.*) — унга ажратилган район чегарасида барча солиқ ишларини олиб борувчи вазифадор шахс.

МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР — бозорда савдо объекти бўлган (валюта, қимматли қоғозлар, депозитлар) молиявий активлар ёки мажбуриятлар.

МОЛИЯ ИНТЕГРАЦИЯСИ (*фр., лот.*) — солиқ тизимларини уйғунлаштириш ва унификациялаш, бюджетни классификациялаш, бюджет ва давлат харажатлари жараёни, регионал гуруҳларга кирувчи давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини координациялаш мақсадида кредит институтлари фаолияти устидан марказий эмиссия банклари томонидан назорат тизимлари.

МОЛИЯ ИНТИЗОМИ — барча бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва вазифадор шахслар учун бажарилиши шарт бўлган молия фаолиятини амалга ошириш тартиби.

МОЛИЯВИЙ ЙИЛ — унинг давомида тасдиқланган бюджет амал қилувчи давр.

МОЛИЯ КАПИТАЛИ (*фр.*) — саноат монополистик капитали билан чармашиб ва бирлашиб кетган банк монополистик капитали.

МОЛИЯ КОМПАНИЯСИ (*фр.*) — айрим тармоқларни кредитлашга ёки маълум кредитлар беришга, молиявий операциялар ўтказишга ихтисослашган кредит-молия муассасаси. Унга турга бўлинади:

1. Узоқ муддатга фойдаланадиган истеъмол товарларини бўлиб-бўлиб сотишни кредитлаш бўйича *М. к.* — ҳар хил савдогар ва дилерлардан чегирмалар билан истеъмолчилар мажбуриятларини сотиб олади;

2. Товарларни жўнатишда саноат компанияларининг бир-бирларига берадиган тижорат кредити тизимига хизмат қилувчи *М. к.*;

3. Судхўрлик фоизи билан индивидуал заёмчиларга кичик ссудалар беришга ихтисослаштирилган *М. к.*

МОЛИЯВИЙ КРИЗИС (*фр., грек.*) — капитализмнинг умумий кризиси шароитларида вужудга келган давлат молиясининг чуқур парокандалиги.

МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР — пул фондлари ва корхоналар, ташкилотлар, идоралар ва умуман, халқ хўжалиги жамғармаларини ҳосил этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган турли хил фаолият томонларини характерловчи режа, ҳисобот ёки ҳисоб-китоб маълумотлари.

МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ — ўрта ва узоқ муддатли лизинг тури бўлиб, бунда ускуналар амортизация қийматини ёки унинг катта қисмларини ҳамда ижарага берувчи фойдасини қоплайдиган суммани шартномага амал қиладиган давр давомида ижарадор томонидан тўлашни кўзда тутати. *М. л.* шартномасида уч томон иштирок этишади: ижарадор, ижарага берувчи ва ускунани етказиб берувчи. Соф молиявий функцияни ижро этувчи ижарага берувчи (лизинг фирма) иккита шартнома тузади: ижарага топшириш тўғрисида ижарадор билан, мулкни сотиб олиш бўйича етказиб берувчи билан. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан ижарадор ижарага берувчига ижара объектини қайтариши мумкин; мавжуд мулкни ижарага олишга янги шартнома тузиши мумкин; қолдиқ қиймат бўйича лизинг объектини сотиб олиши мумкин.

МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТ — ҳисобот даври тугаши муносабати билан юқори ташкилотдаги молия органларига бериладиган статистик жавобгарлик тури.

МОЛИЯ МЕХАНИЗМИ (*фр., грек.*) — молия механизмининг таркибий қисми; жами шакллар ва методлар бўлиб, улар ёрдамида тақсимот муносабатларининг кенг тизимини, даромадлар ва жамғармалар ҳосил этишни амалга ошириш, марказлашган ва марказлашмаган пул маблағлари фондларини яратиш ва фойдаланиш таъминланади.

МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР — ишлаб чиқариш муносабатларининг узвий таркибий қисми; давлат ва хўжалик юртишнинг айрим субъектлари ўртасидаги пул шаклидаги иқтисодий алоқаларни ифодалайди.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР — умуман, корхона, бирлашма, ташкилот ва унинг айрим бўлинмалари хўжалик фаолиятининг пул шаклида ифодаланган иқтисодий якуни.

МОЛИЯВИЙ НОРМАЛАР ВА НОРМАТИВЛАР (*фр., лот.*) — молия ресурсларни ҳосил этишни тартибга солиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш минимал, ўртача ёки максимал чегаравий миқдорларини ифодаловчи молиявий режалаштиришдаги кўрсаткичлар.

МОЛИЯНИ ПЛАНЛАШТИРИШ (фр., лот.) — давлат томонидан амалга ошириладиган пул ресурсларини ҳосил этиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини планли бошқариш; халқ хўжалигини планлаштиришнинг таркибий қисми.

МОЛИЯВИЙ РЕЗЕРВЛАР (фр.) — кўзда тутилмаган харажатларни ва махсус эҳтиёжларни таъминлаш учун давлат бошқариш органлари, бирлашмалар, корхоналар ва хўжалик ташкилотлари томонидан резервга қўйилган пул ресурслари.

МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР (фр.) — давлат, корхона, ташкилот иҳтиёридаги жами пул мабларлари фондлари; жами ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида яратилади.

МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ — иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми, ўз функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун молияни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича давлат тадбирларининг мажмуи; молиявий ресурсларни сафарбар этиш шакллари ва методлари, аҳолининг социал гуруҳлари, тармоқлар фаолияти ва мамлакат регионлари ўртасида уларни тақсимлаш системасида, молия қонунчилигида, давлатнинг даромадлари ва харажатлари тузилмасида пайдо бўлади. Молия сиёсати пул-кредит сиёсати билан ўзаро боғлиқ.

МОЛИЯ СИСТЕМАСИ (фр., грек.) — мавжуд ижтимоий-иқтисодий формация доираларида амал қилувчи молия муносабатлари мажмуи; тор маънода давлатларнинг молия муассасалари тизими.

МОЛИЯ ТАЪМИНОТИ — агарда улар тугатилган бўлса, очилган контрактлар ва комиссиялар бўйича фойда ёки зарарни ҳисобга олган счётадаги пул суммаси. *М. т.* тўғрисидаги ҳисобот айрим брокер фирмалари томонидан ҳар ойда ўз мижозларига жўнатилади.

МОЛИЯВИЙ ҲУҚУҚ — давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида ташкил топган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи жами ҳуқуқий меъёрлар.

МОНЕТАРИЗМ (инг.) — баҳолар, даромадлар ва бандлик функцияларини белгиловчи, эътиборни пул муомаласида турувчи миқдордаги ўзгаришларга қаратувчи иқтисодий тафаккур мактаби.

МОНИТОРИНГ (ер), (инг.) — ўз вақтида ўзгаришларни аниқлаш, уларни баҳолаш, оғоҳлантириш ва негатив жараёнлар оқибатларини бартараф этиш учун ер фонди ҳолати устидан кузатиш тизими.

МОНЕТАР ҚОИДА — монетаристлар томонидан таърифлаб берилган қоида: муомалада пул массаси ички миллий маҳ-

сулотнинг реал ўсиш потенциал суръатига тенг суръатларда ҳар йили кўпайиб бориши керак; пул массаси 3 фоиздан 5 фоизгача суръат билан барқарор ўсиши керак.

МОНОПОЛ БАҲО — ишлаб чиқариш қиймати ва баҳосидан ошиб кетувчи ва монополияларга юқори фойда олишни таъминловчи модификация қилинган бозор баҳоси. Монопол паст баҳо ва монопол юқори баҳо *М. б.* турли хил кўринишлари ҳисобланади.

МОНОПОЛИЯ (*грек.*) — бозорнинг ҳолати бўлиб, бунда товар ишлаб чиқарувчи — кўплаб ўзаро рақобат қилувчи корхона, сотиб олувчи эса битта ўзи, шу муносабат билан харид қилиш ҳажмини камайтириб ишлаб чиқарувчилар баҳосини пасайтиришга мажбур этувчи бозордаги энг кучли контрагент бўлиб қолади.

МОНОПСОНИЯ (*грек.*) — битта сотиб олувчига кўп сонли сотувчилар қарши турувчи бозордаги вазият.

МОРАТОРИЙ (*лот.*) — 1. Маълум муддатга ё тегишли шарт-шароит яратилганга қадар давлат ҳокимияти махсус актлари билан расмийлаштирилган ёхуд томонларни икки томонлама (икки томонлама ёки кўп томонлама) келишувига биноан тўзилган қарз мажбуриятлари бўйича тўловларни чўзиш; 2. Муддати келишилмаган — ҳақиқий, расмий эълон қилинмаган (одатда бир томонлама) мораторий қарз тўловларини тўхтатиш; 3. Заёмчининг барча ўз қарзи ва уларнинг қисмини тўлаш имконияти йўқлиги ҳақида ҳужжатли аризаси; тўланмаган қарзни қоплаш шартларини қайта кўриб чиқиш мақсади бўлган олдиндан ўйлаб қўйилган харажат.

МОТИВАЦИЯ (*фр.*) — ташкилотнинг индивидуал ва умумий мақсадларига эришишга йўналтирилган ўзини ва бошқа фаолиятни рағбатлантириш жараёни.

МУАЛЛИФЛИК ГУВОҲНОМАСИ (*лот.*) — ихтирочи учун қонунда ўрнатиладиган ҳуқуқ ва имтиёзни тасдиқловчи ихтирочи таклифини тан олиш туғрисида гувоҳлик берувчи юридик ҳужжат.

МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ БИТИМЛАР — фоиз келтирувчи молиявий воситалар, узоқ муддатли хазинабон облигациялари, депозит сертификатлари ҳамда валюта бозорларида ва фонд биржаларида муомалада бўлган фьючерс контрактларини қайта сотиш билан боғлиқ бўлган муддатли контрактлар.

МУЛК — мулкый муносабатларнинг конкрет хилини ифодаловчи маълум тарихий шароитлардаги маълум жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотлари. Маълум объектларга конкрет субъектлар

ҳуқуқи сифатидаги мулкӣ ҳуқуқ учта қонуний ҳуқуққа бўли-
нади: эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ва мулклар-
га буйруқ бериш ҳуқуқи. Эғалик қилиш ҳуқуқи — қонун то-
монидан буюмга ҳақиқатан эғалик қилиш ва уни ўз эғалигича
сақлаш учун берилган имконият. Фойдаланиш ҳуқуқи — мулк-
ни ишга тушириш, ундан фойдали хусусиятларни чиқариб
олиш ва (ёки) ундан натижалар ва даромадлар олиш учун
қонунга асосланган имконият. Буйруқ бериш ҳуқуқи — мулк-
дорга ўз ихтиёри ва ўз манфаати бўйича мулк тақдирини юри-
дик ҳал қилувчи ҳаракатларни амалга оширишга имконият
бериш. Бу мулкӣ ҳуқуқлар ўзаро узвий боғлиқ ва фақат ком-
плексликда мулкӣ ҳуқуқнинг юридик мазмунини ташкил
этади.

МУЛКӢЙ ЗАРАР — жисмоний шахснинг мулкӣ ҳолатига
ҳар хил сабабларга кўра келтирилган зарар.

МУЛКӢЙ СУҒУРТА — турли хил моддий қийматликлар
объекти ҳисобланган суғурта.

МУНИЦИПАЛӢ (лот.) — ҳукумат штатлар ва АҚШнинг
маҳаллий ҳокимиятлари ҳамда уларнинг агентлари томонидан
эмиссия қилинадиган қимматбаҳо қоғозлар.

МУНИЦИПАЛ ОБЛИГАЦИЯ (лот.) — ижтимоий фойда-
ланиш объектларини (йўл, кўприк, канализация ва ҳ.к.) қуриш
ёки таъмир қилиш учун маблағларни сафарбар қилиш мақсади-
да муниципалитет томонидан чиқариладиган облигация. Қатор
мамлакатларда (масалан, АҚШда) ушбу облигациялар бўйича
даромадлар федерал солиқлардан ҳамда тўлиқ ёки қисман штат-
лар солиғи ва маҳаллий солиқлардан озод қилинади.

МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ — товарлар муомаласи жараё-
ни билан боғлиқ бўлган харажатлар. *М. х.* ўзининг иқтисодий
табиатига кўра икки қисмга, яъни соф ва қўшимча харажатларга
бўлинади. Соф *М. х.* олди-соттига боғлиқ, у фойда ҳисобидан
қопланади, қўшимча *М. х.* ишлаб чиқариш жараёнининг муо-
мала соҳасида давом этиб боришига боғлиқ, у товар қийматига
қўшилиш орқали қопланади.

МУРАККАБ ФОИЗЛАР — фоизли даромадга фоизлар қўшиб
ёзиш.

МУҚОБИЛ ДАЪВО — айбдор томонидан эълон қилинган
даъвога қарши ҳимоя мақсадида даъвогарга қўйиладиган даъво;
дастлабки даъво кўриб чиқиладиган суднинг ўзида эълон қили-
нади ва ҳар иккала даъво суд томонидан ҳал этилади. *М. д.* иш
бўйича биринчи мажлисдан кечикмасдан расмийлаштирилиши
керак.

Н

НАБОБ (араб.) — XVIII асрнинг иккинчи ярмидан Англия ва Франция мустамлакаларида, энг аввало Ҳиндистонда бойиб кетган кишиларнинг умумий номи. Кейинчалик тез бойиб кетган кишини шу ном билан атайдиган бўлишди.

НАЁМ (ёллаш) — бир томоннинг (ижарага берувчининг) бошқа томонга (ижарага олувчига) маълум ҳақ учун вақтинчалик фойдаланишга берилган мулк.

НАЁМНАЯ ПЛАТА (ёллаш ҳақи) — ижара учун ҳақ шундай даражада ўрнатиладики, унинг умумий суммаси мавжуд ускуна одатдаги тижорат шароитларида сотиб олиниши мумкин бўлган нархдан паст бўлиши керак. *Н. н.* техника хизматида ва ускуна таъмирига кетган харажатларни ҳисобга олган ҳолда солиқ ва божхона божини ҳам қўшиб ускунанинг тўла баҳосидан ҳисобланади. *Н. н.* ставкаси ёлланганга солинган капитал учун ўртача фойда нормасидан кам бўлмаган фойда олишни таъминлаши керак. Ёлловчи учун ёллаш қиймати мавжуд ускунани сотиб олишга кетган банк кредити қийматидан кам бўлиши керак. *Н. н.* нинг ҳар хил шаклларида фойдаланилади: ё шартноманинг барча амал қилиш муддатига доимий ставка ёхуд шартноманинг давом этиш муддатига боғлиқ прогрессив камайиб боровчи ставка ўрнатилади.

НАЙРА — темир йўл юк ташишида юк ҳисоб-китоби ҳужжати.

НАНИМАТЕЛЬ (ёлловчи) — маълум муддатга, маълум мукофот учун ва шартномадаги маълум шартларга кўра товарларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш хусусида томонларнинг ёллаш шартномалари. Шартнома шартларига мувофиқ *Н.* техника кўрсатмаси талабларига мос равишда ускунадан фойдаланиш, ускуна конструкциясида ҳеч қандай ўзгариш қилмаслиги, ускуна иши давомида аниқланган барча камчиликлар тўғрисида ёлланувчига ўз вақтида хабар бериши шарт.

НАРХ — товар қийматининг пуддаги ифодаси бўлиб, унинг миқдори уни ишлаб чиқариш ва реализация қилишга кетган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари билан аниқланади. Нархга муомала соҳасида амал қилувчи омиллар ҳам (бозордаги конъюнктур ўзгаришлар, яъни талаб ва таклифнинг ўзгариши, пул инфляциясини таъминлаш) таъсир қилади.

НАРХ ДИСКРИМИНАЦИЯСИ (лот.) — монополист — фирма томонидан сотиб олувчиларга ҳар хил нархлар бўйича битта товарнинг ўзини сотиш ёки хизматлар кўрсатиш.

НАРХНИ ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯЛАШ — бозор иқтисодиётига ўтишнинг талабларидан бири; нархларни кескин ва юқори даражада ошириш, уларни марказдан бўладиган назоратдан озод этиш.

НАРХ МАРКЕТИНГИ — маҳсулотга “сузувчи” нархлар воситасида маркетинг стратегиясини реализация қилишнинг шаклларидан бири.

НАРХ РАҚОБАТИ — бозорда бир хил товарлар турли хил нархлар бўйича тавсия қилинган эркин бозор рақобатчилиги давридаёқ маълум бўлган рақобат кураши методларидан бири. Нархни пасайтириш ёрдамида савдогар ўз товарини ажратади, унга эътиборни жалб этади ва натижада хоҳлаган бозор ҳиссасини эгаллайди. Муҳим позицияларни эгаллаган кам сонли йирик фирмалар ўртасида бўлинган ҳозирги замон монополашган бозорларда ишлаб чиқарувчилар таннархни ва *М.* кетадиган сарфларни мақсадга мувофиқ камайтириш, фойда ўсишини таъминлаш учун нархларни иложи борича кўпроқ муттасил ушлаб туришга ҳаракат қиладилар. *Н. р.* кўпроқ фирмалар — аутсайдерлар томонидан уларнинг монополиялар билан бўлган курашида қўлланилади, чунки аутсайдерларда монарх рақобат соҳасида имкониятлар йўқ. *Н. р.* методлари янги товарлар билан бозорга кириш учун ҳамда тасодифан сотиш муаммоси кескинлашган ҳолатда ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун фирмалар томонидан фойдаланилади. *Н. р.* тўғри ва яширин бўлади. Тўғри *Н. р.* фирмалар ўз товарлари нархларининг камайиши тўғрисида кенг ахборот берадилар. Ёпиқ *Н. р.* эса фирмалар сифатлари истеъмолчилик хусусиятлари билан анча яхшилланган янги товарни киритадилар, нархни эса непропорционал камроқ кўтарадилар.

НАТУРАЛИЗАЦИЯ (*фр., лот.*) — ҳақиқий, қонуний; чет эллик томонидан мавжуд давлатнинг фуқаролик ҳуқуқини қабул қилиши.

НАТУРАЛ МАЖБУРИЯТ (*лот.*) — маълум ишларни бажариш ва шахсий мулкни давлат ҳокимияти органлари ихтиёрига беришни бажариш бўйича давлатнинг аҳолига юклатилган мажбурияти.

НАТУРАЛ СОЛИҚ (*лот.*) — давлат томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши маҳсулотларидан олинадиган солиқ.

НАТУРАЛ СУҒУРТА (*лот.*) — *Н. с.* да моддий ёрдамлар натурала кўрсатилади.

НАТУРАЛ ХЎЖАЛИК — умуминсоний иқтисоднинг тарихан биринчи шакли бўлиб, бунда меҳнат маҳсуллари ишлаб чиқарувчиларининг ўз шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилади. У бозор иқтисодиётига қадар ижтимоий ишлаб чиқариш-

нинг асосий шакли бўлиб келган, барча иқтисодий жараёнларни тор доира билан чеклайди, консерватив, эскиликка мойил бўлиб, янгиликни ярата олмайди. Тараққиётнинг юксалиши натижасида натурал ишлаб чиқариш (узоқ давом этса-да) товар ишлаб чиқаришга айланади.

“НАУ-СЧЁТ” — жамғарма ва жорий счётлар ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгалловчи турли хил ҳисоблар. Уларнинг характери хусусияти шундан иборатки, уларнинг эгалари хабардор қилинганда чек билан тенг тулаш учун уларни чиқариб ташлаш ва фойдаланиш тўғрисида ўттиз кунга “муружаат” буйруғи ёзиш ҳуқуқига эга.

НАЦЕНКА (доплата) — 1) Сотувчи сотиб олувчининг қўшма талабларига рози бўлган ва уларни бажарган ҳолатларда контрактларда кўзда тутилган товар (хизматлар)нинг база баҳосига қўшимча. *Н.* ҳажми сотувчидаги қўшимча харажатлар ва сотиб олувчидаги қўшимча хизматлар самарасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади: 2) Улгуржи фирмалар базалари ва омборларидан олинган товарни реализация қилишда уларнинг харажатларини қоплаш ва белгиланган ўртача фойда олиш учун зарур бўлган унинг баҳосига қўшимча (савдо наценкаси).

НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ (*фр., инг., лот.*) — компетент давлат органларининг махсус актига асосан амалга ошириладиган хусусий шахс маблағларининг давлат мулки ҳисобига бегоналашуви. *Н.* катта, узоқ муддатли маблағ талаб қилувчи, ё жаҳон кризисидан энг зарар кўрган ва ёпилиш хавфи арафасида турувчи норентабель бўлиб қолган корхоналар тармоқлари ва ишлаб чиқаришга кўпроқ дахлдордир. *Н.* тартибини қонун белгилайди.

НАҚД КРЕДИТ — энг тақчил кредит турларидан бири, шунинг учун энг қиммат. Қоидага кўра бу маблағлар иш ҳақини тулаш учун корхоналарга керак. Кредитнинг ушбу турига муружаат қилиш билан зарур бўлган ҳолатда улар жамғарма банклар бўлимларига ўртача йиллик ҳажмнинг 25 фоизини тўлайдилар.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР — тўловчи ҳисобидан олинадиган счётига пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пул ишлатмасдан туриб, ўзаро талабномаларни ҳисобга олиш йўли билан қилинадиган ҳисоб-китоблар. *Н. п. ҳ. к.* нақд пул муомаласи ўрнини босиб, маблағлар оборотини тезлаштиради, муомала харажатларини камайтиради, пул маблағларини жамғариб боришга ёрдам қилади.

НАҚД ТЎЛАШ — товарлар ёки ҳужжатларни, ёки хизматларни бажариш тўғрисидаги ҳужжатларни беришга қарши товарлар ва хизматлар ҳақи.

“НЕВИДИМАЯ ТОРГОВЛЯ” — ривожланаётган мамлакатлар юклари ва пассажирларини ташишда денгиз миллий транс-

портига **Курсатиладиган** транспорт хизматларини реализация этиш, суғурта ва кредит операцияларини амалга ошириш, чет эл туризминини ташкил этиш, чет элда ҳаракатдаги составни ижарага бериш ва ҳ.к.

“НЕВИДИМЫЕ ОПЕРАЦИИ” — экспорт ёки импорт товарларга тегишли бўлмаган тулов баланси моддаларини белгилаш учун қўлланиладиган термин. Қуйидаги моддалар бўйича чет эл валютаси туловлари ва тушишини ўз ичига олади: фрахт, кредитлар ва заёмлар, репарациялар, армияни ва чет эл ҳудудидаги ҳарбий базаларни сақлаш, чет эл туризми, брокер ва банк комиссиялари, патент лицензиялари, техник тажриба — ноу-хау, хусусий ва давлат жўнатмалари.

НЕГАТОРНЫЙ ИСК — унинг мулккий ҳуқуқини мулкдорнинг буюмга эгалик қилиши билан қўшилмаган бузишдан ҳимоя қилишга йўналтирилган мулкдорнинг даъвоси. Бу даъво мулкдорга унинг ўз маблағидан фойдаланишга тўсиқлик қилувчи шовшувни бартараф этишга йўналтирилган.

НЕГОЦИАНТ (лот.) — йирик савдо ишлари, айниқса, бошқа мамлакатлар билан олиб боровчи улгуржи савдогар.

НЕГОЦИАЦИЯ (лот.) — халқаро савдода савдо ёки восита-чилик қилиш.

НЕГОЦИЯ (лот.) — нотижорат битим, савдо.

НЕДОИМКА — муддатида туланмай қолган солиқнинг бир қисми ёки бошқа давлат, жамоатчилик ва ҳ.к. йиғимлар.

НЕДОПОСТАВКА — шарномада курсатилгани билан таққослаганда товарнинг тўлиқ бўлмаган миқдорини етказиб бериш. Агарда барча ускунани эксплуатацияга бериш учун машиналар ва ускуналар қисми тўлиқ етказиб берилмаса, етказиб бериш амалга ошмаган ҳисобланади. Ўрнатилган муддатда товарни тўлиқ етказиб бермаслик жарималарни кўзда тутиш билан етказиб беришнинг муддати узайган деб баҳоланади.

НЕЙТРАЛИТЕТ (лот.) — халқаро ҳуқуқда урушга қатнашмаслик сиёсати, тинчлик вақтида эса ҳарбий блокларга иштирок этишдан воз кечиш. Нейтрал давлат ҳарбий контрабандага киритилмаган ўз ҳудуди, фуқаролари ва мулкнинг дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Нейтрал давлат ўз Н. курул ёрдамида ҳимоя қилиши мумкин (курулли нейтралитет).

НЕОПРОТЕКЦИОНИЗМ — халқаро савдода қўшимча чеклашлар. Бунинг боиси кейинги 40—50 йил давомида жаҳон савдо ҳажми кучли ривожланди. Аммо иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ўлгани йўқ. Амал қилувчи традицион тарифлардан ташқари “неопротекционизм” пайдо бўлди. Н. “тартибга солинган савдо битимлари” ва “экспортни ихтиёрий чеклаш” каби турли хил иқтисодий механизмлардан фойдаланади. Шундай

хилдаги битимларни тузиш кўпинча ямпортга юқори тарифлар ёки квоталар киритиш таҳдиди билан мустақкамланган бевосита “куч тазйиқи” остида боради.

НЕРЕЗИДЕНТ (лот.) — чет элда доимо яшовчи ва келган мамлакатнинг қонуни асосида ҳаракат қиладиган юридик ва жисмоний шахслар; мавжуд мамлакатнинг ҳудудида турувчи чет эл дипломатик, савдо ва бошқа расмий вакиллар ҳамда ҳўжалик ва бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган корхоналар, фирмалар, компаниялар ва ташкилотлар. *Н.* термини ташқи иқтисодий соҳада инвестицион ва божхона амалиётида фойдаланилади.

НЕТТО (итал.) — 1) Қалоқланмаган товар массаси; 2) Скидкани чиқаргандан кейин товарнинг соф баҳоси; 3) Барча харажатларни чиқаргандан кейин соф даромад.

НЕТТО БАҲО (итал.) — битимни бажариш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни чиқариш орқали олди-сотти битимдаги товар бирлигига сотувчининг соф даромади. Сотиб олувчилар учун *Н. б.* — товар бирлигига кетган тўлиқ харажатлар, яъни бўлажак муомала харажатларини ҳисобга олмасдан маълум базис шартларида сотувчига тўланган ҳақиқий баҳо.

НЕТТО-БАЛАНС (итал.) — 1. Ташқи савдода олиб келиш ва чиқаришнинг тенглиги; 2. Счетоводликда оборот балансига нисбатан сальдо баланси.

НЕУСТОЙКА (шартномадаги бирон мажбуриятни вақтида бажармаганлик учун тўланадиган жарима) — қонун ёки шартнома билан белгиланган пул суммаси бўлиб, буни қарздор мажбуриятлар бажарилмаган ва бажаришга тегишли бўлмаган ҳолатда кредиторга тўлаши шарт. Агарда бажарилмаган ва бажаришга тегишли бўлмаган мажбуриятлар учун неустойка ўрнатилса, унда зарар қопланмаган неустойка қисмдан қопланади. Қонун ёки шартнома қўйидаги ҳолатларни кўзда тутиши мумкин: зарар эмас, балки фақат неустойкани ундиришга йўл қўйилади; зарарлар неустойкадан ошиқ тўлиқ ундириб олиниши мумкин; кредиторнинг танловига қараб ё неустойка, ёхуд зарар ундириб олиниши мумкин.

НЕЧЛЕНСКИЙ СТАТУС — савдо залига ишга вақтинчалик мақсадли руҳсат, буни биргина иш қоидаларига риоя қилинган шароитда аутсайдер олиши мумкин. *Н. с.* ассоциация аъзоларининг ҳар бир тоифаси учун ажратилган ҳисобдан чиққан қимматбаҳо қорозлар билан савдо қилиш ҳуқуқини беради.

НОВАЦИЯ (лот.) — 1. Эски мажбурият ёки контрактни янгиси билан алмаштириш; 2. Фьючерс контракти реал товар етказиб бериш орқали тутатилганда ҳисоб-китоб битимлари бўйи-

ча сотиб олувчилар ва сотувчилар иш вақтида истеъмол қилинади.

НОВЕЛЛЫ (лот.) — юриспруденцияда янгидан тузилган қонун амалдаги қонунга киритадиган ўзгариши.

“НОЖНИЦЫ ЦЕН” — сотиладиган ва сотиб олинадиган товарлар баҳолари ўртасидаги узилишни ифодаладиган тоифа.

НОИНСОФ РАҚОБАТ — саноат ва савдо ишларида соф одатларга зид бўлувчи ҳар қандай рақобат акти. Қандай бўлишидан қатъи назар, корхона, товарлар, рақобатчининг саноат ва савдо фаолиятида чалкашлик келтириб чиқаришга қодир барча ҳаракатлар ман қилишга тегишли; тижорат фаолиятини амалга оширишда корхона, товарлар, рақобатчининг саноат ёки савдо фаолиятини беобрў қилишга қодир ёлғон фикрлар; кўрсатмалар ёки фикрлар бўлиб, улардан фойдаланиш тижорат фаолиятини амалга оширишда характери, тайёрлаш усули, хусусиятлари, қўллашга яроқлиги ёки товарнинг сифатига нисбатан жамоатчиликни чалғитишга олиб келиши мумкин.

НОКУМУЛЯТИВ АКЦИЯЛАР (лот., фр.) — тўланмаган дивидендлар жамғарилмайдиган имтиёзли акциялар тури. Бой берилган дивиденд қоидага кўра тамом бўлган ҳисобланади.

НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ — ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ва иш юритишга кетувчи харажатлар.

НОКУМУЛЯТИВ ДИВИДЕНД (лот.) — компания директорлари кенгаши томонидан эълон қилинмаган ҳолатда жамғарилмайдиган ва эгасига берилмайдиган преференциал дивиденд.

НОЛИКВИДЛАР (лот.) — бирлашмага, корхонага ошиқча ёки кераксиз, товар-материал қийматликлар ҳамда реализация қилинмайдиган тайёр буюмлар.

НОЛИКВИДЛИК (лот.) — тугатилиш, сотиш, бозорда реализация қилиш таъсирига берилмайдиган.

НОМЕНКЛАТУРА (лот.) — 1. Қандайдир фан тармоғида, техника ва ҳ.к. истеъмол қилинадиган номлар, терминлар, тоифалар рўйхати. Масалан, иқтисодиётда — ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг туркумланган рўйхати; 2. Тайинланиши ёки тасдиқланиши қандайдир олий органлар компетенциясига тегишли бўлган вазифадор шахслар доираси. Номенклатура системасининг хусусиятлари: шахсий садоқат ва танлашнинг бош мезонлари сифатида ҳокимиятга сиёсий содиқлик, қувватлаш, амалда суд қилиниши мумкин эмаслиги, Н. киришнинг меросий ҳуқуқи, юқорининг пастга ҳисобдор эмаслиги. Бунинг ҳаммаси Н. ни псевдоэлитга айлантиришга таъсир этади.

НОМИГА ЁЗИЛГАН АКЦИЯЛАР — ваколат берилган шахс акциялари. Акция эгасининг номи ва исми унда кўрсатилган ва

акционер жамият книтарига ўтказилган бўлиши керак. *Н. ё. а.* бўйича ҳуқуқларга ён босиш ҳужжатда бериладиган ёзув қўйилиши, ҳужжатни бериш ва акцияларнинг янги эгаларини жамият китобига ўтказиш орқали амалга оширилади. Жаҳон амалиётида *Н. ё. а.* сотиб олувчиси қоғозни бланка цессиясига бериш билан бир қаторда сотиб олишда имзо чекади, бу эса акцияга илова сифатида сақланади.

НОМИГА ЁЗИЛГАН ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗ — компания китобларида эгаси номига рўйхатдан ўтган қимматли қоғоз. Бонкка шахсга фақат эгасининг ёзма рухсати билан сотилиши мумкин. Облигация фақат битта амортизацияга нисбатан ва амортизация ҳамда фоизга нисбатан номига ёзилган бўлиши мумкин. Сўнгги ҳолатда фоиз купонга айирбош қилинмайди, балки чек сифатида тўланади.

НОМИНАЦИЯ (*лот.*) — 1. Тил бирлигининг белгиланган объектларнинг буюмлар, белгилар, воқеалар билан муносабат билдириш жараёни сифатидаги ном; 2. Номзодини кўрсатиш (сайловларда вазифага тайинлаш учун, мукофотлаш учун ва ҳ.к.); 3. Кейин сенатга тасдиқланиш ёки сенатга тасдиқлаш учун номзод таклифи билан АҚШда масъул касбга тайинлаш.

НОМИНАЛ (паритет) (*лот.*) — қимматбаҳо қоғозларда, банкнотларда, қоғоз пулларда, тангаларда кўрсатилган номинал қиймат. Оддий акцияларга нисбатан паритет компания низоми томонидан ўрнатилган суммани (долларда) билдиради. Номинал қийматдан баланс ҳисоботида долларда акциялар қийматини ҳисоблашда ҳам фойдаланиш мумкин. Номинал қиймат одатдаги акциялар бозор қиймати билан кам боғланган. Кўпгина компаниялар акцияларни номинал баҳосиз чиқармоқдалар, аммо балансда битта акция қийматини кўрсатмоқдалар. Имтиёзли акцияларда паритет дивиденд ҳисобланган доллар қийматини билдиради. Номинал қиймат — бу тўлов муддати келганда ушбу компания тўлаш мажбуриятини олган қийматдир.

НОМИНАЛ БАҲО (*лот.*) — биржа савдоси марказларида баҳолаш асосида реал битимлар тўғрисида сотувчиларнинг савдо қилинмаган таклифлари ёки сотиб олувчиларнинг талаблари тўғрисида ахборотнинг йўқлигидаги шартли, аниқланадиган маълумотлар.

НОМИНАЛ ДАРОМАД — маълум давр давомида айрим шахслар ёки шахслар гуруҳи томонидан олинган пул миқдори.

НОМИНАЛ КОМПАНИЯ (*лот., фр.*) — ҳақиқий эгалари бўлган қимматбаҳо қоғозларни бошқариш мақсадида банк ёки брокер томонидан тузилган компания. Қоғозлар шундай компания номига рўйхатдан ўтказилади ва у барча ҳисоб-китоб ва техник ишни амалга оширади, унинг ҳуқуқига дахл қилувчи во-

қсадар тўғрисида эгаси хабардор қилинади. Масалан, номинал инвестор — бу қимматбаҳо қоғозлар эгаси сифатидаги (улар унга тегишли бўлмаса-да) рўйхатдан ўтган инвестор.

НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ — ишчи ва хизматчиларга улар томонидан маълум иш вақти ичида сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб пул шаклида тўланадиган иш ҳақи.

НОМИНАЛ ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ (лот.) — жорий курс бўйича долларда ифодаланган фоиз ставкаси.

НОНАРХ РАҚОБАТ — кенг тарқалган рақобат кураши методи бўлиб, бу ерда махсус сифати, унинг янгилиги, рақобатнинг прогрессивлиги ва ишончлилиги, расмийлаштириш, упакровка, кейинги техник хизмат кўрсатиш ҳамда тарғибот, истеъмоличига бозордан ташқари таъсир кўрсатиш методлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. *Н. р.* нафақат техник-иқтисодий параметрлар йиғимини, балки етказиб бериш шартларининг маълум даражасини, техника хизмати кўрсатишни ўз ичига олувчи товарнинг истеъмоллилик қийматини биринчи режага қўяди; бунда сотишни рағбатлантиришнинг ҳар хил шакллари қўлланилади.

НООВОЗ БЕРУВЧИ АКЦИЯЛАР — умуман овоз беришга ҳуқуқ бермайдиган чекланган акциялар.

НООШКОР САВДОЛАР — халқаро савдолар бўлиб, уларни ўтказишда тендер қўмиталари савдо қатнашчилари иштирокида таклифларни очмайди ва қандай фирма ёки қандай консорциум буюртмани олганликлари тўғрисида маълумотлар эълон қилинмайди. Одатда бундай савдоларни етказиб берувчилар (пудратчилар) ўртасида рақобатни пасайтирмаслик учун такорланувчи буюртмаларни жойлаштирувчи буюртмачилар ўтказадилар.

НОРМАЛ БОЗОР (лот.) — яқин ва узоқ позициялар нархларидаги фарқни қоплайдиган товарни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар бозори.

НОРМАЛ ТОВАР — истеъмол даромадларининг ўсиши билан талаб ўсадиган товар.

НОРМАЛ ФОЙДА — тадбиркорлик даромади қисми; тадбиркорлик қобилиятини сотиб олиш ва сақлаш учун фирма қилиши лозим бўлган тўловлар; фирма тадбиркорлик фаолиятида уларни қўллашни рағбатлантириш учун тадбиркорлик қобилиятларини мукофотлаш керак бўлган минимал ҳақ (даромад); ҳисобланган харажатлар.

НОРМАТИВ ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ — у ёки бу иқтисодий шароитлар ва сиёсатнинг яхшилиги ёки ёмонлиги тўғрисида мулоҳаза билан шуғулланадиган иқтисодий назариянинг қисми.

НОРМАЛАНАДИГАН ОБОРОТ МАБЛАҒЛАР — товар-материал қийматликларнинг минимал захираларини яратиш ва

ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни реализация қилиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг режалаштириладиган ўз маблаглари.

НОРМАЛАР ВА НОРМАТИВЛАР — корхоналар ҳўжалик фаолиятини марказдан бошқариш учун қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлар, ҳўжалик юритишнинг техник ва иқтисодий шарт-шароитларига риоя қилиш устидан назорат қилиш учун муҳим аҳамиятга эга (захиралар нормалари, маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий ресурсларни сарфлаш нормалари, корхона фондларини яратиш нормативлари, бюджетга тўлов нормативлари ва ҳ.к.).

НОРМАТИВ СОФ МАҲСУЛОТ — мавжуд бирлашма, корхонанинг янгидан ҳосил қилинган қиймат ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссасини характерловчи саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг қиймат кўрсаткичларидан бири; норматив иш ҳақи ва чиқарилаётган маҳсулот ҳамда хизматларнинг норматив фойдаси норматив соф маҳсулотнинг элементлари ҳисобланади.

НОСАВДО ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ — носавдо характеридagi операциялар бўйича, яъни товар оборотига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган банк ҳисоб-китобларининг бир қисми. Масалан, чет эл валюталарини сотиб олиш ва сотиш, фуқаролар жорий ҳисобини юритиш, туризм, корхоналар ва хизматларга банк хизмати кўрсатиш, эмиссия ва ҳ.к.

НОСТРО (итал.) — банкнинг ўз банк корреспондентига бўлган ва унга унинг барча харажатлари ҳамда тушумлари ўтказиладиган счёти.

НОТА (лот., итал.) — 1. Давлат ўртасидаги (норозилик баёноти, қандайдир маълумот тўғрисида хабар қилиш ва ҳ.к.) муносабатларнинг ҳар хил масалалари расмийлаштириладиган расмий дипломатик ҳужжат. *Н.* маълум юридик аҳамиятга эга, *Н.* да баён ва ифода этилган маълумот маълум ҳукуматнинг расмий нуқтаи назарини ифодалайди; 2. Компания ёки давлат органи томонидан чиқарилган қисқа муддатли (камдан-кам ўрта муддатли) қимматли қорғоз; 3. Банк-нот, кредит билети.

НОТАРИАЛ ПАЛАТА (лот.) — хусусий амалиёт билан шуғулланувчи, нотариуслар мажбурий аъзолигига асосланган профессионал бирлашмани билдирувчи нотижорат ташкилот. Нотариал фаолият ҳуқуқи учун лицензия олган ёки олишни хоҳлайдиган шахслар ҳам *Н. п.* аъзолари бўлиши мумкин. *Н. п.* нотариуслар манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади, хусусий нотариал фаолиятни ривожлантиришга таъсир кўрсатади, нотариус вазифасига талабгор бўлувчи шахслар стажировкасини ташкил этади, нотариуслар фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича суд томонидан тайинланган экспертизалар ха-

ражатларини қоплайди, нотариал фаолият суғуртасини ташкил этиди.

НОТАРИАТ (лот.) — ҳар хил юридик актлар, шартномаларни тасдиқлаш учун тайинланган давлат органи.

НОТАРИУС (лот.) — вазифадор шахс бўлиб, унинг вазифасига гувоҳлик бериш, ҳар хил юридик актларни расмийлаштириш (шартномалар, васиятномалар, ваколатнома ва ҳ.к.) киради. *Н.* тадбиркорлик фаолияти билан мустақил шуғулланиши ҳамда шартномалар тузишда воситачилик хизматлари кўрсатишга ҳаққи йўқ. *Н.* ўз профессионал фаолиятини амалга ошириш муносабати билан унга маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши шарт. *Н.* биринчи марта вазифага ўтирганда қасамёд қабул қилади.

НОТАРИФ ЧЕКЛАШЛАР — божхона-тариф сиёсати доирасидан чиқувчи ва ташқи савдони тартибга солишда миллий савдо-сиёсий восита сифатида фойдаланиладиган иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирлар мажмуи.

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР — ўз фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш бўлмайдиган ташкилотлар. Мавжуд ташкилотлар ижтимоий ёки диний ташкилотлар шаклида тузилиши мумкин; истеъмол кооперативлари, хайр-саховат ва бошқа фондлар ҳамда қонунлар актлари билан кўзда тутилган бошқа шаклдаги муассасалар. *Н. т.* фақат уларнинг низом мақсадлари учун зарур бўлганда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

НОТИ (доккет) (инг.) — фьючерс контракти бўйича реал товар етказиб бериш тўғрисида сотувчининг ҳисоб-китоб палатасига хабарномаси.

НОТИС (инг.) — биржа контрактини бажариш истаги билан унинг реал товар етказиб бериш мақсадини ифодалаш учун фьючерс биржасида ўрнатилган шаклда сотувчи томонидан билдириш ифодаланган етказиб бериш тўғрисида хабарнома. *Н.* икки тури фарқ қилади: 1. Сотиб олувчи етказилишни қабул қилишдан воз кечган ва олдиндан сотиб олинган контрактни сотгандан кейин яна янгидан етказиб беришга тақдим этилган хабарнома; 2. Сотиб олувчининг олиши шарт бўлган хабарнома, агарда у етказиб беришни қабул қилишни хоҳласа, биржа контрактини сотиши ва у бўйича олинган хабарномани эълон қилиши керак.

НОТИФИКАЦИЯ (лот.) — 1. Вексель эгаси томонидан берилган вексельга қаршилиқ қилиш тўғрисида вексель олувчини хабардор қилиш; 2. Халқаро ҳуқуқда бир давлат томонидан бошқа давлатни қандайдир халқаро масала, қандайдир маълумотлар, воқеалар хусусидаги ўз позицияси тўғрисида расмий хабардор

қилиш. Айрим ҳолатда *Н.* зарурлиги халқаро шартномаларда кўриб чиқилади.

НОТУЛА ЛОТ (*инг.*) — бозор битим бирлиги сифатида қабул қилинган одатдаги партиядан оз қимматбаҳо қоғозлар миқдори. (Одатда 100 акциядан кам бўлмаган.)

НОУ-ХАУ (*инг.*) — техник билимлар ва тижорат қийматини билдирувчи техник, тижорат, бошқариш, молия ва бошқа характердаги амалий тажриба, ишлаб чиқариш ва профессионал амалиётда қабул қилса бўлади ва фоиз ҳимояси билан таъминланмаган. Ноу-хау тижорат сирларини, патентланмаган технологик жараёнларни ва потенциал фойдаланувчилар кенг доираси эришиб бўлмайдиган ишлаб чиқариш ва савдо характердаги бошқа ахборотни ўз ичига олиши мумкин. Бу ахборот патентга нисбатан мустақил ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлиши мумкин. Ноу-хау элементлари фойдаланиш спецификацияси, формула ва рецептура, ҳужжатлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш схемаси, ишлаб чиқариш жараёни характеристикаси ва ҳ.к. бўлган ҳар қандай раҳбарлик бўлиши мумкин. Бунга яна маркетинг соҳасидаги катта капитал маблағлар талаб қилувчи маҳсулотни безаш ва қадоқлаш соҳасидаги билимлар ва тажриба, лаборатория ва бошқа тадқиқотлар ўтказишдаги маҳоратлар кириши мумкин. Ноу-хаунинг асосий белгиларидан бири махфийлик, ахборот ушбу турининг сирлиги ҳисобланади. Ноу-хауни тижоратлаштириш халқаро амалиётда кенг фойдаланилади. Одатда ноу-хау вақт ўтиши билан тижорат моҳиятини йўқотиб боради ва кўпчилик учун фойдаланиш имконияти очилади.

НОЭКВИВАЛЕНТ АЙИРБОШЛАШ — ташқи иқтисодий битимларда, экспорт ва импортда товар ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ва уларни қоплаш ўртасидаги пропорцияларнинг узлуксиз бузилиши. *Н. а.* халқаро савдода жаҳон ҳўжалигида қиймат қонунининг амал қилиш хусусиятлари билан изоҳланади, бунинг натижасида маълум вақт давомидаги унумдор меҳнат интенсив меҳнат сифатида қабул қилинади. Натижада кам қийматга эга бўлган товар катта қийматга эга бўлган товар сифатида баҳоланади, бу қиймат қонунидан келиб чиқадиган айирбошлаш эквивалентлиги тамойилининг бузилишига олиб келади.

НОЭЛАСТИК ТАЛАБ — талабнинг миқдори баҳонинг ўзгаришига қараганда кичик фоизга ўзгарадиган, умумий даромад эса баҳонинг пасайиши билан камайдиган вазият.

НУВОРИШ (*фр.*) — тижоратда бойиб олган ва жамиятнинг олий қатламига чиқиб олган одам; тез мартабага эришган бой.

НУЛЛИФИКАЦИЯ (*лот.*) — давлат томонидан қоғоз пул белгиларини тўлов маблағлари қонуний кучидан маҳрум этиш.

Шундай ҳолатларда қўлланиладиги, инфляция муносабати билан пулнинг сотиш баҳосининг тушиши шундай даражага етадики, бунда таклиф этилган қоғоз пул бирлиги қиймати амалда пулга етказилади ва тўлов маблағлари қонуний кучини йўқотган пулларни олиб ташлаш сиёсий ҳокимиятнинг алмашилиши муносабати билан зарур бўлади. *Н.* айрим ҳолатда эски намунадаги кадрсизланган пул белгилари янгисига энг паст курс билан айирбошланганда девальвацияга мос келади. Масалан, 1924 йилда янги пул бир сўми эски пулнинг 50 млрд сўмига айирбошланган, Германияда эса янги марка эски марканинг 1 триллионига айирбошланган.

НУНДИЙ (*лот.*) — давлатлардаги Рим папасининг доимий дипломатик вакили. Папа ушбу давлатлар билан расмий дипломатик муносабатларни қўллаб-қувватлайди. *Н.* элчининг дипломатик мартабасига мос келади.

НЬЮ-ЙОРК ФОНД БИРЖАСИ — 1792 йилда ташкил этилган АҚШнинг энг йирик қимматбаҳо қоғозлар бозори. Биржанинг ўзи савдо қилувчи қимматбаҳо қоғозларни сотиб олмайди, соғмайди, эгаллик қилмайди ва нархини белгиламайди. Баҳолар ижтимоий талаб ва таклиф билан аниқланади. Биржа тижорат корпорацияси ҳисобланмайди (фойда олиш мақсади қўйилмайди), унда 1366 аъзо мавжуд. У жамоатчиликнинг 10 кишидан иборат директорлар кенгаши томонидан бошқарилади.

О

ОБЛИГАТНЫЙ (*лот.*) — мажбурий, қатъий.

ОБЛИГАЦИОНЕР (*лот.*) — қатъий фоиз олиш ва корпорация тугатилган ҳолатда облигация учун берилган суммани биринчи навбатда қайтариш ҳуқуқига эга бўлган облигация эгаси.

ОБЛИГАЦИОН БИТИМ (*лот.*) — фирма — эмитент ва инвестор ўртасида облигацион муносабатларни расмийлаштирувчи махсус шартнома. *О. б.* шартлари бўйича корпорация инвесторга (кредиторга) ўрнатилган муддатда у берган суммани қоплаш ҳамда барча муддат давомида чиқарилган облигацияни ўрнатилган ставка бўйича фоизлар тўлашни ўз зиммасига олади.

ОБЛИГАЦИОН БРОКЕР (*лот.*) — фақат облигациялар томонидан битимларни амалга оширувчи фонд биржаси аъзоси.

ОБЛИГАЦИЯ (*лот.*) — қарз мажбурияти сифатида давлат, акционер компаниялар, муниципал органлар ва ҳ.к. томонидан чиқариладиган турли хил қимматбаҳо қоғозлар. Қайд қилинган даромадли қимматбаҳо қоғоз, бу бўйича эмитент эгасига кела-

жакда маълум пайтда қайд қилинган капитал суммасини ва фоизлар тўлашни ўз зиммасига олади. Қоплаш муддати 5 йил ва ундан кам бўлган *О.* қисқа муддатли; қоплаш муддати 6—15 йилгача ўрта муддатли; қоплаш муддати 15 йилдан ошиқ бўлса, узоқ муддатли деб қаралади. Облигациялар активлар билан ёки давлат облигациялари ҳолатидаги каби эмитент умумий тўлов қобилияти билан таъминланиши мумкин. *О.* нинг акциядан фарқи шундан иборатки, унинг эгаси акционер жамият аъзоси ҳисобланмайди ва овоз олиш ҳуқуқига эга эмас. *О.* уларнинг талаб ва таклифига, улар келтирадиган даромадга ва ссуда фоиз даражасига боғлиқ ҳолда фонд биржасидаги курс бўйича сотилади ва сотиб олинади.

ОБЛИГАЦИЯЛАР КОТИРОВКАСИ (*лот., фр.*) — облигацияларнинг курс (бозор) баҳосини ўрнатиш. *О. к.* да қуйидагилар ҳисобга олинади: мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва сиёсий конъюнктура, облигация тури, уларни қоплаш шарт-шароитлари, номинал фоиз миқдори, ссуда капиталлари бозорида ссуда фоизи даражаси ҳамда хазинабонликнинг пул маблағларига эҳтиёжи ва шундан келиб чиқувчи заёмни муддатли жойлаштириш даражаси. *О. к.* облигацияларнинг курс баҳоси номинал баҳодан анча ўзгариши мумкин.

ОБЛИГАЦИЯЛАР КУРСИ (*лот.*) — облигациялар сотиладиган ва сотиб олинadиган баҳо. Давлат заёми чиқарилганда облигация давлат томонидан вақтинчалик фойдаланадиган маълум капитални тасаввур этишни тасдиқловчи облигацияларнинг номинал баҳоси ўрнатилади. Бу сумма давлат қарзига киритилади ва облигациялар эгаси томонидан қоплаш пайтида тўланади. Давлат томонидан эмиссия курси ҳам ўрнатилади — бу ссуда капиталлари бозорида облигацияларнинг сотилиш ва сотиб олиниш баҳосини билдиради.

ОБЛИГАЦИЯ МУДДАТИ — қарз мажбуриятлари муддати тугаган кунда облигация сотиб оlinиши керак.

ОБЛИГО (*итал.*) — векселлар бўйича қарзнинг умумий суммаси.

ОБОРОТ АКТИВЛАР — бухгалтерия баланси активида ифодаланадиган бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг нормаланадиган ва нормаланмайдиган оборот маблағлари.

ОБОРОТ — ялпи даромад ёки ҳар қандай чегирмага қадар сотиш ялпи ҳажмини билдирувчи бухгалтерия термини.

ОБОРОТ КАПИТАЛИ (*фр.*) — компанияга ўзларининг доимий операцияларини молиялашга имкон берувчи жорий активларнинг қисқа муддатли мажбуриятлардан ошиши; пулга тезгина трансформация қилиш мумкин бўлган компания фондиари. *О. к.* енгил реализация қилинадиган қимматбаҳо қоғозлар, де-

биттор қарзлар, моддий-ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш, материаллар, комплект буюмлар ва бўлажак даврлар харажатлари пул маблағларидан ташкил топади.

ОБОРОТДАН СОЛИҚ — капиталистик мамлакатларда эгри солиқларнинг асосий турларидан бири; мамлакат ичида ишлаб чиқарилган (айрим давлатларда чет эл товарлари ишлаб чиқаришидан) товарлар оборотидан ҳамда ҳар хил хизматлардан олинadиган универсал акциз. Айрим товарлар ва хизматларга ўрна-тиладиган индивидуал акциялардан фарқ қилиб *О.с.* корхона-нинг ялпи оборот қийматидан олинади.

ОБОРОТДАН СОЛИҚНИ РЕЖАЛАШТИРИШ — бюджет-ни режалаштиришнинг таркибий қисми; мамлакатнинг иқти-содий ва социал ривожланиш плани кўрсаткичларига мос ра-вишда амалга оширилади.

ОБОРОТ МАБЛАҒЛАРИ — режали ва тўхтовсиз ишлаб чи-қариш жараёнлари ва маҳсулотни реализация қилишни таъмин-ловчи оборот ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари-ни тузиш учун бирлашмаларга, корхоналарга, ташкилотларга аванс қилинган пул маблағлари жами.

ОБОРОТ МАБЛАҒЛАРИ БАЛАНСИ — фирманинг тушум-лари ва харажатларини ҳисобга олувчи ҳужжат, бунда маълум давр давомида фирма маблағларининг ҳаракати характери кўрсат-илади. Маблағларнинг келиши фойда, қисқа муддатли ва банк қарзлари ўзгаришлари, амортизация ажратмалари, моддий-иш-лаб чиқариш захиралари ҳажмининг ўсиши ва ҳ.к. ҳисобидан ҳосил бўлади. Фойдаланилган маблағларда дивидендлар тўлов-лари, янги капитал маблағлар, дебитор қарзларнинг ўзгаришлар-и ва ҳ.к. ҳисобга олинади.

ОБОРОТ ФОНДЛАРИ (*лот.*) — бир ишлаб чиқариш цик-лида тўлиқ истеъмол қилинадиган ва тайёрланган маҳсулотга ўз қийматини тўлиқ ўтказадиган бирлашмалар, корхоналар, таш-килотлар ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми.

ОБОРОТ ҲУЖЖАТЛАРИ — пул ҳужжатлари гуруҳини бел-гилаш учун қўлланиладиган термин, бу бўйича ҳуқуқларни маж-бурият бўйича бошқа шахсга ён босиш талаби тўғрисида шарт-номани расмийлаштирмасдан бериш индоссамент томонидан тўлдирилган оддий топшириш билан амалга оширилади.

ОБУНА — инвестициявий дилер томонидан янги чиқарил-ган қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва уларни институционал инвесторларга қайта сотиш. Бундай ҳолатда дилер обуначи ҳисоб-ланади. Дилер брокер ролида чиққанда *О.* агентлик операция-сидан фарқ қилиш лозим.

ОБУНАГА ОПЦИОН (нем.) — эмитентдан дилернинг янги чиқарилган қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқи. Дилер чиқарилган қимматбаҳо қоғозларнинг бир қисмини сотиб олиши, қолганига опцион олиши мумкин.

ОБУНАЧИ — опцион сотувчи.

ОБЫКНОВЕНИЯ (ўрнатилган тартиблари) — томонлар ўзаро алоқаларини тартибга солишда муҳим роль ўйнайдиган ва амалга ошириладиган битим характериға таъсир этадиган ишбилармонлик муносабатлари тартиби. *О.* одатда ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди ва улар шартнома томонларига яхши маълум ва битимда бевосита жўнатиш тарзида ифодасини топган маълум шартнома шартлари бўлгандагина қўлланилади.

ОБЫКНОВЕНИЯ ТОРГОВЫЕ (савдо тартиблари) — савдонинг маълум тармоқларида уларни доимо ва бир тахлитда қўллаш асосида юзага келган ахлоқий қоидалар. Шундай ҳилдаги *О. т.* халқаро савдо соҳаларида тарқалган, шулардан кўплари халқаро савдо терминлари “Иннотермс” тўпламида ўз ифодасини топган.

ОВЕРБОТ (инг.) — катта ҳажмдаги сотиб олиш натижасида (қимматбаҳо қоғозлар муносабати билан тез-тез истеъмол қилиниб турилади) қандайдир товарға нархнинг кескин ошиши вазияти.

ОВЕРДРАФТ (инг.) — жорий счётадаги чек бўйича қолдиқдан ошиқ олинган сумма; банкдаги кредитдан ошиб кетиши.

ОВЕРДРАФТ КРЕДИТ (инг.) — лимитнинг кредитдан ошиб кетиши.

ОВЕРСАЙД-ДЕЛИВЕРИ (инг.) — юкларни олиб келган кемадан юкларни бевосита лихтёр, баржа ёки унинг бортиға боғлаб қўйилган бошқа кемаға топшириш шарти.

ОВЕРСОЛД (инг.) — бозорға катта ҳажмда унинг тушиши натижасида (қимматбаҳо қоғозлар муносабати билан тез-тез истеъмол қилиниб турилади) қандайдир товарға нархнинг кескин пасайиши вазияти.

ОВЕРТАЙМ (инг.) — ишчилар ва хизматчилар учун иш вақтидан ташқари вақт бўлиб, ушбу вақт давомида кемаға ортиш ёки тушириш бўйича иш бажарилади.

ОВОЗГА ЭГА БЎЛМАГАН АКЦИЯ — акционерларнинг умумий мажлисларида эгасиға овоз олиш ҳуқуқини бермайдиган акция.

ОДАТИЙ АКЦИЯЛАР — низом капитал ҳиссасини ва компаниядаги мулк ҳиссасини билдирувчи қимматбаҳо қоғозлар. Акционерларнинг умумий мажлисида битта овоз ва эгаларига имтиёзли акцияларни тўлагандан кейин дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи акциялар.

ОДАТДАГИ АКЦИЯЛАР — эгаси акционер компаниянинг мулкдори ҳисобланган ва компания томонидан олинган фойдага бовлиқ ҳолда дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган акциялар; ҳал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқи билан акционерлар мажлисларида иштирок этиш; компания раҳбарлигига сайланиш; корпорацияни тугатишда унинг мулкнинг бир қисmini олиши. *О. а.* эгаси бундан ташқари корпорациянинг янги акцияларини, улар бошқа шахсларга таклиф қилинишидан олдин, сотиб олишга устунлик ҳуқуқига эга.

ОДАТИЙ ҲУҚУҚ — давлат органлари томонидан ўрнатилмайдиган метёрлар мажмуи, улар узоқ вақт давомида қандайдир ижтимоий муҳитда ишлаб чиқилади ва ўзининг мажбурий кучи билан уларга риоя этишни таъминловчи давлат ҳокимияти ташкилотлари томонидан мустаҳкамланиб юридик бўлиб қолади.

ОДЕЛЬСТИНГ (*норв.*) — Норвегиядаги қуйи палата парламентининг номи. Халқ томонидан сайланган парламент юқори палатага депутатларнинг тўртдан бир қисmini сайлайди. Қолган депутатлар *О.* ташкил этади.

ОКЛАД (маош) — 1. Мансаб *О.* — мансабдорлар схемасига мос равишда уларнинг эгаллаган мансаби бўйича ўрнатилган раҳбар ходимлар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ва ҳ.к. ойлик иш ҳақи ҳажми; 2. Персонал *О.* — мансаб маошидан ва персонал устамадан иборат ойлик иш ҳақи ҳажми.

ОКЛАД ВАРАҚАСИ — тўлов суммаси ва ўтказиш муддати тўғрисида солиқ тўловчи хабарномаси.

ОКЛАД СОЛИҚЛАРИ ВА ТУШУМЛАРИ — солиқ олиш усули бўлиб, бу ишда солиқ олиш субъектлари солиқ мажбуриятлари олинган солиқ бирлигига амал қилувчи ставкалар бўйича ҳисобланади.

ОКОЛО (*инг.*) — қабул қилинган мажбуриятларни бажаришда ўзгаришлар, йўл қўйишлар, тахминларни белгилаш. Оммавий ишлаб чиқарилган товарларни етказиб беришда кўплаб ҳолатларда транспорт воситаларининг юк сифимидан яхшироқ фойдаланиш учун ва бошқа сабабларга кўра етказиб бериладиган миқдорнинг юқори аниқлигига риоя қилиш қийин ва мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли шартномада товар ҳажмини аниқловчи миқдор олдида “Около” сўзи ёзиб қўйилади, бу кўпайиш ва камайиш томонига ўзгариш имкониятини билдиради.

ОКТРУА (*фр.*) — давлат ичидаги маълум ҳудудга (вилоят, шаҳар ва ҳ.к.) олиб кириладиган товарларга қўйиладиган ички бож. *О.* мавжуд божга қўйиладиган ички божхонани ҳам билдиради. Бож ҳажмлари одатда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади. *О.* маҳаллий бюджет даромадига тушади.

ОЛИГАРХИЯ (грек.) — сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлик, унчалик катта бўлмаган гуруҳнинг идора қилиши. Молия олигархияси — мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ҳақиқатан ҳукмронлик қилувчи энг йирик саноат ва банк монополиялари эгалари гуруҳи.

ОЛИГОПОЛИЯ (грек.) — бозор тузилмаси хили бўлиб, бунда бир неча йирик фирмалар ишлаб чиқариш ва маҳсулот асосий массасини сотишни монополлаштирадилар ва ўзаро устун даражада нархсиз рақобат олиб борадилар. *О.* термини бозорнинг урта ҳолатини белгилаш учун қўлланилади. Биринчи, бир тармоқли савдо-саноат фирмалари амал қилувчи бозор тузилмаси. Иккинчи, бир неча йирик етказиб берувчилар рақобат қилувчи ва шу дақиқада ҳеч қандай битимлар билан боғлиқ бўлмаган бозорнинг қисқа муддатли ўтиш ҳолати. Учинчи, ўзаро ихтисослаштириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш пирамидаси хилининг корпорациялар гуруҳи ҳукмронлик қиладиган бозор тузилмаси. *О.* айрим қишлоқ хўжалик товарлари билан савдо қилишда (АҚШ бозоридаги буғдой, маккажўхори, гуруч, бананлар) характерли ҳисобланади.

ОЛИГОПОЛИСТИК БОЗОР — биров-бировига баҳо белгилаш сиёсати ва маркетинг стратегияларига ўта сезгир сотувчиларнинг энг кўп сони сотиб олувчилар билан савдо қилувчи бозор.

ОЛИГОПОЛИСТИК ЎЗАРО АЛОҚА — нарх ва чиқариш ҳажмини аниқлашда олигополистик бозорда рақобатлашувчи фирмалар фаолиятига катта эътибор беришнинг зарурлиги.

ОЛИГОПСОНИЯ (грек.) — сотиб олувчиларнинг етарлича чекланган сони, кўп сонли сотувчилар қарама-қарши турадиган бозордаги вазият *О.* соф (абсолют) монопсония энг яқин ҳисобланади. *О.* олигополия сингари монополия тушунчасига диаметрально равишда қарама-қарши.

ОЛТИН АКЦИЯЛАР — 1. Маълум шароитларда чиқаришда келишилган муддат давомида унинг эгасига акционер жамияти низомига ўзгаришлар ёки қўшимчалар киритиш тўғрисида, уни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида, унинг бошқа корхоналар ёки бирлашма корхоналарида иштирок этиши тўғрисида, гаровга ёки ижарага бериш, давлат мулки бўлиб қоладиган маблағларни бошқа усуллар билан сотиш ёки бегоналаштириш тўғрисида акционерлар мажлислари қарорларига вето қўйишга имкон берувчи маълум овоз бериш ҳуқуқи бўлган акциялар. *О. а.* — акционер жамият устидан давлат назоратини сақлашга имкон берувчи инструмент ҳисобланади; 2. Асосан Жанубий Африка республикаси ва Австралияда олтин қазиб чиқарувчи компаниялар акциялари.

ОЛТИН АУКЦИОНЛАРИ — ошкора савдо орқали олтинни сотиш.

ОЛТИН БЛОКАДА — иқтисодий изоляциялаш мақсадида олтин маблағларини тўлов сифатида қабул қилишдан воз кечиш.

ОЛТИН БОЖЛАРИ — божхона тарифининг фискал ва протекционистик аҳамиятини сақлаш учун қоғоз пул муомаласида айрим мамлакатлар томонидан қўлланиладиган божхона божлари.

ОЛТИН ВАЛЮТА — бевосита олтинга майдаланадиган пул бирлиги.

ОЛТИН ЗАХИРАСИ — марказий эмиссия банкига ёки мамлакат хазинасига тегишли бўлган қўйма ва тангалардаги олтин резерв фонди.

ОЛТИН ИЗОҲИ — унинг мавжуд қадрсизланишидан келган талафотдан қочиш мақсадида валютанинг олтин мазмуни тўлови қайд қилинган халқаро кредит, тўлов ва савдо битимларига ёки контрактларга кирувчи ҳимоя изоҳининг турли хил кўринишларидан бири. Пул бирлигининг олтин мазмуни ўзгариши билан тегишли валюта тўлови суммаси алмашади.

ОЛТИН КВОТА (лот.) — халқаро валюта фондида — халқаро валюта фондига олтин билан тўланадиган аъзо мамлакатлар бадалларининг бир қисми.

ОЛТИН НУҚТАЛАР — олтинни эркин сотиб олиш ва сотиш, уни мамлакатдан мамлакатга жойлаштириш туфайли олтин стандартда курслар ўзгаришининг стихияли регулятори бўлиб хизмат қилувчи валюталар курсининг танга паритетидан ўзгаришлари чегараси.

ОЛТИН ПАРИТЕТИ (лот.) — уларнинг расмий олтин мазмуни бўйича ҳар хил мамлакатлар пул birlikларининг нисбати.

ОЛТИН ПУЛ — олтиннинг бозор баҳосини унинг расмий баҳоси даражасида барқарорлаштириш мақсадида Лондон олтин бозорида ҳамкорликда операциялар ўтказиш учун АҚШда еттига Ғарбий Европа мамлакатлари билан ҳамкорликда тузилган махсус давлатлараро ташкилот.

ОЛТИН ВАЛЮТА РЕЗЕРВЛАРИ — олтиннинг расмий захиралари ва марказий банкдаги ва мамлакатнинг молия органидаги ҳамда халқаро валюта-кредит ташкилотларидаги чет эл валютаси.

ОЛТИН СЕРТИФИКАТЛАР (фр.) — олтинни банкка депозитга қўйиш тўғрисида гувоҳнома.

ОЛТИН СТАНДАРТИ (инг.) — пул-товар сифатидаги олтинни бажаришга асосланган пул-валюта муносабатларини ташкил этиш шакли.

ОЛТИН ТАЪМИНОТИ — банкнот эмиссиясини қоплаш учун, қатор мамлакатларда талаб бўйича тўловга тегишли жорий счётлар ва бошқа мажбуриятларни таъминлаш учун мамлакатнинг марказий банкидаги олтин захираси.

ОЛТИНҚИРҚМА ОБЛИГАЦИЯ (лат.) — қатор йиллар давомида етарлича юқори даромад ишлаш ва ўз кредиторларига танаффуссиз фоидаларни тўлаш қобилиятини намоён қилган компания томонидан чиқарилган биринчи даражали облигация.

ОЛТИНҚИРҚМА ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР — олтин-қирқма билан традицион расмийлаштириладиган Англия ҳукуматининг қимматбаҳо қоғозлари. Буларга Англия банки орқали чиқариладиган биринчи даражали қимматбаҳо қоғозлар — хазина мажбуриятлари ва Британия ҳукуматининг кафолатли облигациялари киради. Булар учун Лондон фонд биржасида иккиламчи бозор амал қилади.

ОЛТИННИНГ ҚЎШ БАҲОСИ — олтин бозорини расмий ва эркин бозорга тақсимлаш натижасида ташкил топган нодир металллар баҳоси.

ОММАВИЙ МАРКЕТИНГ (фр.) — оммавий истеъмолчи учун бир хилдаги товарларни ишлаб чиқариш, тақсимот, сотиш ва сотишни рағбатлантириш соҳасида маркетингнинг амал қилиши. О. м. мавжуд кенг сотиш бозори учун товарлар ва буюмлар бўйича фойдаланилади.

ОМБУДСМЕН (швед.) — ҳукумат муассасалари, вазирликлар ва идоралар фаолияти устидан назорат олиб бориш функциялари юклатиладиган айрим хорижий давлатлардаги вазифадор шахс. Биринчи марта О. 1809 йилда Швеция Конституцияси томонидан жорий қилинган. Кўплаб мамлакатларда О. унга мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахслар ташаббускорлиги бўйича парламент номидан формал амал қилади. Шундай давлат назоратчиси вазифасининг расмий номи ҳар хил. Масалан: Францияда — воситачи, Буюк Британияда — парламент комиссиянери. О. парламент томонидан сайланади, ё давлат бошлиғи томонидан тайинланади.

ОМОЛОГАЦИЯ (грек.) — сотиладиган товар техник характеристикасини товарни истеъмол қилувчи мамлакатлар талаблари ва одатлари билан мос ҳолга келтириш.

ОМОНАТЛАРНИНГ ОБОРОТИ (инг.) — жамғарма банкларида маблағларнинг ҳаракатчанлиги.

ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ОБОРОТЛАР — омонатлар бўйича счётларга тушган ва омонатчилар томонидан нақд пул ҳамда нақд пулсиз талаб қилинадиган умумий сумма.

ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА СЇЁТЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ — омонатга дастлабки бадалнинг тушишида жамғарма банклари томонидан бажариладиган операция.

ОМОНАТЛАР ИНДЕКСАЦИЯСИ — баҳолар ўзгариши даражасига боғлиқ ҳолда аҳоли ҳар хил гуруҳлари номинал омонатларининг узлуксиз ўзгариши.

ОМОНАТЛАРНИНГ ЧЎКИШИ — омонатлар кирими бўйича ҳисобот йилида омонатлар ўсишининг умумий оборот суммасига нисбатини характерловчи кўрсаткич.

ОМОНАТЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ — пул ислохотларини ўтказишда давлат томонидан амалга ошириладиган кредит муассасаларидаги омонатлар номинал суммасининг ўзгариши.

ОНКОЛ (инг.) — қайтишга тегишли биринчи талаб бўйича фойдаланиш мумкинлиги.

ОНКОЛ КРЕДИТ (инг.) — биринчи талаб бўйича қопланадиган қисқа муддатли кредит.

ОНКОЛ МУДДАТЛИ БИТИМ (инг.) — фонд қийматликлари нархи қайд этилмайдиган битим. О. м. б. тузишда нарх белгилашни асос қилиб битимдаги кўрсатилган кунда мавжуд биржада фонд қийматликлари котировкаси қўлланилади.

ОНСИ — биржа битимларидаги мукофот.

ОПЕКА (васийлик) — лаёқатсиз (кичик ёшдагилар, руҳий касал ва ҳ.к.) фуқароларнинг шахсий ва мулкый манфаатларини ҳимоя қилиш шакли. О. давлат томонидан васийга юклатилади (жисмоний ёки юридик шахс) ва давлат ҳокимияти назорати остида амалга оширилади.

ОПЕРАТОР (лот.) — транспортнинг ҳар хил турлари билан комбинациялашган ташишда транспортировкани ташкил этиш ва юкларни жўнатиш учун жавоб берувчи юридик шахс. Бош оператор ўз функцияларини ёки бир қисмини субпудрат шартномаси бўйича бошқа О. га беради.

ОПЕРАЦИОН БРОКЕР (лот.) — залда ҳар қандай рўйхатдан ўтган қимматбаҳо қоғозларни сотиш ёки сотиб олишда бошқа биржа аъзолари топшириқларини бажарувчи Нью-Йорк фонд биржасидаги маклёр.

ОПЕРАЦИОН КУН (лот.) — банклардаги қабул қилиш ва хизмат қилиш ҳамда капитал маблағларни кредитлаш, молиялаш, ҳисоб-китоблар, қабул қилиш ва нақд пуллар бериш ва ҳ.к. учун ажратилган иш кунининг бир қисми.

ОПЕРАЦИОН МАКЛЁР (лот., нем.) — воситачи брокерлар топшириғини бажарувчи ва бунинг учун маълум мукофот олувчи биржа аъзоси.

ОПЕРАЦИОН ТАВАККАЛЧИЛИГИ — қимматбаҳо қоғозлар техник ходимлар ишининг паст сифати, операциялар, қим-

матли қоғозлар бўйича технологиядаги хатоликлар ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлган ахборотни ишлаш тўғрисидаги компьютер тизими ишидаги нуқсонлар муносабати билан келиб чиқувчи таваккалчилик талафоти.

ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР — 1. Функциясига умумдавлат характеридаги тадбирларни ўтказиш кирадиган ихтисослашган ташкилотларни сақлашга кетадиган харажатлар; 2. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бевосита боғлиқ бўлган ва маҳсулот таннархига кирмайдиган бирламималар харажатлари; 3. Уларнинг специфик фаолиятини ифодаловчи бюджет муассасаларининг асосий харажатлари.

ОПЕРАЦИОН ҲАЛОКАТ — иштирокчилари операциялар ўсиш ҳажмларини самарали ишлаш ҳолатига эга бўлмаган фонд биржаси ҳолати. Бундай ҳолатда айрим брокер фирмалари пайт танлаш ва сотиш, сотиб олишга тегишли ҳамда тузилган шартнома бўйича нақд ҳисоб-китобларни амалга оширишда хатоликларга йўл қўядилар.

ОПИГОЖОНИЯ (инг.) — бозордаги маълум товар тури сотиб олувчилари монополияси. Одатда харид қилиш ва сотувчилар даромадларини камайтириш мақсадларида баҳони пасайтириш билан давом этади.

ОПТАЦИЯ (лот.) — манфаатдор давлатлар ва ёки уларнинг миллий қонуни асосида амалга ошириладиган икки ёки ундан ортиқ давлатлар фуқаролигига эга бўлган халқаро ҳуқуқдаги шахслар фуқаролигини танлаш. Энг аввало бу шартнома қилувчи давлатлар фуқароларига *О.* ҳуқуқи берувчи махсус битимлар бўйича ҳудудий ўзгаришларда амалга оширилади. Қоидага биноан болалар *О.*да ота-оналар фуқаролигини олишади.

ОПЦИОН (нем.) — 1. Шартнома қилувчи томонлардан биттасининг бошқа томонга берилган қандайдир битим шартларини эркин танлаш ҳуқуқи; 2. Фуқаролик ҳуқуқида — альтернатив мажбуриятлар ва келажақда шартнома тузиш тўғрисида дастлабки битимларни бажариш усулини танлаш имконияти; 3. Халқаро ҳуқуқда ҳудудий ўзгаришлар бўлганда янги давлатларни тузиш ёки қўш фуқароликни бартараф этиш мақсадида халқаро шартномаларда кўзда тутилган ҳолатларда шахс томонидан фуқароликни танлаш; 4. Чекланган (одатдаги фьючерс операциялари билан таққослаганда) хавф-хатарли биржа битимларининг махсус тури; 5. *О.* корпорация бошқарувчиларини мукофотлаш мақсадида қўлланилади. Уларнинг счётларига ўрнатилган курс бўйича олдиндан маълум акциялар миқдори ўтказилади. Бошқарувчи олган акциялар курси ва ушбу акцияларни сотиш курси ўртасидаги фарқ унинг даромади ҳисобланади; 6. Денгизда юк ташиш шартномаларида *О.* юкни танлаш ҳуқуқи ҳисобланади.

ОПЦИОН БИРЖА (нем.) — ҳар хил опцион турлари савдосига ихтисослашган биржа.

ОРДЕР (нем.) — қимматбаҳо қоғозлар савдосида иккита маъно мавжуд: 1. Қимматбаҳо қоғозларга мулкчиликни тасдиқловчи сертификат; 2. Мавжуд компания қўшимча акцияларини сотиб олишга эгасидаги ҳуқуқни тасдиқловчи сертификат. *О.* ҳуқуққа нисбатан энг узоқ ҳаёт кўради. *О.* олди-сотти объекти ҳисобланади, яъни қимматли қоғозлар хили сифатида намоён бўлади.

ОРДЕР КИТОБИ — орденлар бланкаси бўлган китоб.

ОРДЕРЛИ ОБЛИГАЦИЯ — уни тезроқ реализация қилиш ва компаниянинг қимматбаҳо қоғозларига узоқ муддатли маблағ солиш хоҳишини билдирувчи инвесторларни мукофотлаш учун чиқариладиган облигация. Олдинлари *О. о.* оммабоп бўлган, аммо ҳозир камдан-кам учрайди.

ОРДЕРЛАШ (нем.) — кемани кирага оладиган киши томонидан кемага юк ортишни ва кемадан юкни туширишни нормалаш.

ОРДОНАНС (фр.) — қатор давлатларда олий ҳокимият органларининг ҳуқуқий акти.

ОРЁЛ (инг.) — қиммати 10 долларлик Америка олтин тангаси.

“ОССИ” (нем.) — Австралия доллари (валюта дилерлари жарғони).

ОТВЕС — “тортиладиган сертификат” деб аталади, етказилган товарнинг оғирлигини тасдиқлайди.

ОТВЕТЧИК — судда ёки хўжалик мунозарасини арбитражда кўриладиган гражданлик ишининг томонларидан бири. *О.* даъвогар ҳуқуқини бузганлик тўғрисида даъвогар даъвоси эълон қилиниши муносабати билан ишга тортилади.

ОТДЕЛЕНИЕ — янги компанияда акциялар чиқариш орқали она жамиятидан қиз компанияси ёки корпорацияси бўлими. Унинг акциялари она компанияси акционерлари ўртасида уларнинг дастлабки пакетига пропорционал тақсимланади. Шундай қилиб, акцияларнинг умумий қиймати қарийб ўзгармасдан қолади.

ОТКРЫТИЕ (кашфиёт) — билиш даражасига туб ўзгаришлар киритувчи моддий дунёда олдин номаълум бўлган объектив амал қилувчи қонуниятлар, хусусиятлар ва воқеаларни аниқлаш. Географик, палеонтологик ер ости қазилма бойликларининг ҳамда ижтимоий фанлар соҳасидаги кашфиётлар сайлов ҳуқуқи эмас, балки муаллифлик объектлари сифатида қаралади.

ОТКУП — уни қайтадан сотиб олиш орқали олдиндан сотилган фьючерс контракти бўйича мажбуриятларни тўхтатиш.

Фьючерс контрактининг мақсади реал товарни етказиб бериш эмаслиги сабабли, бу контракт сотиб олувчилардан жорий баҳо бўйича етказиб бериш муддати келганга қадар сотувчи томонидан сотиб олиниши мумкин.

ОТКУП ТИЗИМИ (инг.) — давлат томонидан белгиланган муддатга солиқ йиғиш ва бошқа даромадлар ҳуқуқини хусусий шахсларга — сотиб олувчиларга берилиши.

ОФЕРЕНТ (лот.) — офертага йўл олган шахс (жисмоний ёки юридик).

ОФЕРТА (лот.) — маълум шартлар билан товар партиясини сотиш тўғрисида сотиб олувчининг сотиб олувчига йўналтирилган ёзма таклифини белгилаш учун тижорат амалиётида қўлланиладиган термин. Шундай таклифни юборган фирма ёки шахс оферент деб аталади. О.да товарнинг номи, унинг миқдори, сифати, баҳоси, тўловнинг ва етказиб беришнинг базавий шартлари кўрсатилган бўлади. Халқаро савдода О.нинг тури фарқ қилади: қатъий ва эркин.

“ОФФ-ШОР” (инг.) — жаҳон молия маркаларини ҳамда айрим операция турларини характеристикалаш учун қўлланиладиган термин. “Офф-шор” марказлари (бозорлари) шундай марказларки, бунда кредит муассасалари (миллий ва чет эл) операцияларини норезидентлар билан мавжуд мамлакат учун чет эл валютасида (евровалютада) амалга оширадилар. Ссуда капиталлари ички бозори резидент счётларини норезидент счётларидан ажратиш орқали ташқи (халқаро) томондан ажратилади.

ОЧИҚ АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ — акциялар эркин сотилади ва сотиб олинади.

ОЧИҚ БОЗОР — муомаладаги пул массасига ва кредитлар ҳажмига таъсир кўрсатиш мақсадида қимматбаҳо қоғозларни марказий банк томонидан сотиш ва сотиб олиш. Операциялар асосан қисқа муддатли айрим ҳолатларда ўрта ва узоқ муддатли ҳукумат қимматбаҳо қорозлари билан ўтказилади.

ОЧИҚ БУЙРУҚ — бажариш ёки муддати тугаган пайтга қадар амал қилувчи брокерга берилган буйруқ. Сотиб олиш ёки сотишга буйруқ бериш, у ё бажарилмагунча ёхуд бекор қилинмагунча ўз кучида қолади.

ОЧИҚ БУЮРТМА — кунликдан фарқ қилиб, брокернинг савдо китобида бажарилмагунча ёки бекор қилинмагунча қолдиган буюртма. О.б. ҳаддан зиёд жамғарилиб қолмаслиги учун брокерлар ҳар 30, 60 ёки 90 кунда мижозлардан муддатнинг узайтиришни хоҳлашлари сўраб турилади.

ОЧИҚ КОНТРАКТЛАР (лот.) — куннинг охирида тугатилмаган биржадаги мажбуриятлар. Сотилган, аммо ҳали сотиб олинмаган, тугатилмаган сотишлар контракти куннинг охирида

сотиш ва сотиб олишдаги тугатилмаган контрактлар сонига тенг. Шунинг учун фақат сотишдаги ёки фақат сотиб олишдаги контрактлар ҳисобланади ва эълон қилинади.

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЙ СИСТЕМА — мамлакат ичидаги иш-билармонлик операциялари билан бир қаторда халқаро ташқи иқтисодий алоқалар киритилган иқтисодий тизим, шу бўйича ҳисоб-китоблар чет эл валюталаридан фойдаланишни талаб этади.

ОЧИҚ МАНФААТ — қарама-қарши битимлар билан компенсация қилинмаган чиқарилган опцион контрактлари миқдори.

ОЧИҚ ОБУНА — акцияларга обуна, бунда фақат таъсисчилар иштирок этадиган ёпиқдан фарқ қилиб барча хоҳловчилар иштирок этишади.

ОЧИҚ ПОЗИЦИЯ (*лот.*) — маълум белгиланган вақтда фонд ва валюта қийматликларини ёки бир турдаги биржа товарларини сотиб олиш ва сотишнинг мос келмаслигининг ташкил топиши.

ОЧИҚ СЧЁТ — етказиб берилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб шаклларида бири. Унинг моҳияти ҳақини контрактдаги белгиланган муддати давомида импортёр тўлайдиган хорижий сотиб олувчи адресига товар ва товар ҳужжатларини бевосита йўналтиришдан иборат бўлади. Агарда тўлов муддати бир ойдан ошса *О. с.* нақд ҳисоб-китоб шакли эмас, балки кредитга ҳисоб-китоб сифатида қаралади. *О. с.* ҳисоб-китоблар капиталистик мамлакатларнинг ички савдосида кўпроқ тарқалган. Ташқи савдода ҳисоб-китобнинг ушбу шаклини қўллаш экспортёр учун ноқулайлиги натижасида кучли чекланган. *О. с.* бўйича ҳисоб-китоблар экспортёрнинг ўз контрагентларига юқори даражада ишончини билдиради, у қуйидагича қўлланилади:

- 1) ҳар хил мамлакатларда турувчи битта фирма филиаллари ўртасида;
- 2) узоқ ва тизимли савдо алоқаларига эга бўлган мустақил фирмалар ўртасида;
- 3) комисион ва консигнацион операциялар бўйича.

II

“ПАБЛИК-РЕЛЕЙШНЗ” (*инг.*) — жамоатчилик, матбуот, сайлов муассасалари ва ижтимоий ташкилотлар билан алоқалар тизими, рекламадан фарқ қилиб устун даражада нотижорат асосда олиб борилади.

ПАБЛИСИТИ (*инг.*) — оммавий ахборот воситалари ёрдамида (матбуот, радио, телевидение) товарлар, хизматлар, фирмалар тўғрисида бериладиган мақбул тижорат хабарлари, тақдиротлар ва материаллар.

ПАГАМЕНТ (*итал.*) — нақд пул билан тўлаш.

ПАЙ — унинг айрим иштирокчилари томонидан умумий иш учун ўтказилган ҳисса (пул бадали).

ПАЙ БАДАЛИ — кооператив ташкилоти аъзоси бадали; кооперативнинг ўз маблағини вужудга келтириш асосини ташкил этади. Пай бадаллари пул, материал бойликлар билан амалга оширилади ва кооперативнинг барча қарзларини қоплагандан кейин кооперативдан чиқиш ва уни тугатишда қайтарилади.

ПАЙ ГУВОҲЛИГИ — юридик тилхат кучига эга бўлган таъсис бадалини пайчиларга тўлаш тўғрисида ёзма гувоҳлик (маъсулияти чекланган жамоа иштирокчиси, кооператив аъзоси ва ҳ.к.). Акциядан фарқ қилиб, қимматли қоғоз ҳисобланмайди ва олди-сотти бўюми бўлиши мумкин эмас. *П.* гда иштирокчининг пай ҳажми қайд этилади.

ПАЙ КАПИТАЛ (*фр., инг.*) — тушган пайлардан ташкил топган капитал.

ПАЙ ФОНДИ (*фр., лот.*) — пай бадалларидан ташкил топган кооператив ташкилотнинг мулкӣй ва пул фонди.

ПАЙЧИ (*инг.*) — пайни ким ўтказган бўлса, у ўша жамият аъзоси, пай қайси кооперацияга ўтказилган бўлса, уни ўтказган киши пайчи сифатида ўша кооператив жамиятнинг аъзоси ҳисобланади.

ПАКГАУЗ (*нем.*) — темир йўл станцияларида, пристанларда ва ҳ.к. юкларни қисқа муддатга сақлаш учун ёпиқ хилдаги бино.

ПАКЕТ (*инг.*) — қимматли қоғозлар пакети; 1000 ва ундан кўпроқ акцияларга тенг бўлган қимматли қоғозлар билан битим.

ПАКОТИЛ ТОВАРЛАР (*фр.*) — сифати паст товарлар.

ПАЛАТА (*лот.*) — вакиллик органлари ёки уларнинг таркибий қисмлари номи (парламентлар *П.*) ҳамда айрим давлат ёки жамоат ташкилотлари ва муассасалари номи (савдо-саноат *П.*, китоб *П.*).

ПАРАФИРОВАНИЕ (шартнома) (*фр.*) — келишилган текст охирида, айрим ҳолатда унинг ҳар бир бетида томонлар вакиллариининг ўз инициалларини кўрсатиш орқали музокара натижасида ишлаб чиқилган шартнома матни билан розичилигини тасдиқлаш шакли.

ПАРИТЕТ (*лот.*) — тенглик, тенг ҳуқуқчилик, тенг вакиллик асосида иқтисодий (сиёсий) акцияда иштирок этиш.

ПАРИТЕТ БАҲО (лот.) — ўша миқдордаги ноқилиш хўжалик товарлари ва хизматларини сотиб олиш учун етарли бўлган, билдан-йилга ўзининг бир хил миқдордаги товарига пул даромади олишга фермерга имкон берувчи қилиш хўжалик маҳсулотларига баҳо.

“ПАРКЕТ” (фр.) — қимматли қоғозлар билан барча операциялар расмий биржа маклёрлари воситачилигида амалга ошириладиган биржа. Кулисан (норасмий биржа) фарқи шундаки, кулисада шундай операциялар воситачиликсиз ўтказилади.

ПАРТНЁРЛИК (шериклик) (инг.) — корхонани ташкил этишнинг юридик шакли. Индивидуал (оилавий) корхона билан масъулияти чекланган компания ўртасидаги оралиқ жойни эгаллайди; бир неча шахсларнинг ҳамкорликдаги корхонаси бўлиб, улардан ҳар биттаси унда нафақат ўз капитали, балки ўз меҳнати билан иштирок этишади. Акционер компаниядан фарқи ўлароқ, партнёрликда унинг аъзолари корхонанинг барча қарзлари ва мажбуриятлари бўйича чекланмаган ҳамфикрлик масъулиятини олиб боради ва шунга мос равишда анонимлик ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

ПАРЦЕЛЛА (фр.) — деҳқон хўжалиги юритиладиган кичик ер участкаси.

ПАРЦЕЛЛЬ КВИТАНЦИЯСИ (фр.) — қимматли юкларни кичик партиялар билан (парцелль юклар) ташишда коносаментни алмаштирадиган махсус бериладиган ҳужжат.

ПАРЦЕЛЛЯР ДЕҲҚОНЧИЛИК (фр.) — примитив меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш методларидан фойдаланиш билан кичик ва жуда ҳам кичик ер участкаларида деҳқон хўжалигини юритиш.

ПАРЦЕЛЛЬ (фр.) — товар партияси, юкнинг кичик партияси.

ПАССИВ (лот.) — корхонанинг жами қарз ва мажбуриятлари.

ПАССИВ (савдо) баланс (лот.) — келтирилганнинг чиқарилгандан кўплиги.

ПАТЕНТ (лот.) — давлатнинг компетент органлари томонидан бериладиган ва таклифни ихтиро деб тан олишни, ихтиронинг устуворлигини, муаллифликни ва ихтирога патент эгасининг ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Халқаро савдо оборотида ушбу кўрсатилган ҳуқуққа алоҳида эътибор берилади, унинг мавжудлигида монополь асосда тегишли ихтирони мужассамлантирувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун *П.* га амал қилиш доирасида имконият вужудга келади. Шу билан бир қаторда рақобатчи фирмаларнинг патентланган янгиликка эга бўлишига йўл қўйилмайди ва янги техника кўплаб тармоқ корхо-

наларининг мулкига айланмагунча қўшимча фойда олиш учун шарт-шароит таъминланади. *П.* қайси давлатдан берилган бўлса, уша давлатнинг ҳудудида амал қилади. *П.* берганлик ва унинг ўрнатилган муддати давомида амал қилганлик учун патент эгаси маълум ҳақ (бож) тўлайди. *П.* амал қилиш муддати патент беришнинг бошқа масалалари каби миллий қонунчилик билан белгиланади ва ўртача 15—20 йилни ташкил этади.

Фан-техника инқилоби шароитларида патентни эксплуатация қилишнинг реал муддати, албатта, кам бўлади. *П.* ҳуқуқи халқаро битимлар билан ҳимоя қилинади. 1883 йилдаги саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж Конвенцияси халқаро патент тузмайди ва *П.* миллий ҳудудини ҳам ўзгартирмайди. Аммо *П.* беришнинг Европа тизимини тузиш тўғрисидаги 1973 йилдаги Мюнхен Конвенцияси ва 1975 йилдаги ЕИҲ Конвенцияси ихтиро ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳудуддан чиқиш принципи билан боғлиқ. *П.* буюртма бериш кунидан бошлаб 15 йил муддатга берилади, унинг сақланиш шарти — патент божининг тўла-нишидир.

ПАТЕНТБАРДОШЛИ (*лот.*) — қонунга асосланган ихтироларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш имкониятини олиш. *П.* аниқлаш учун биринчи навбатда патент қилинадиган объектнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш зарур.

ПАТЕНТ БОЖИ — ихтиролар, саноат намуналари ва фойдали моделларни ҳамда патент қонуни томонидан ўрнатилган тартиб ва ҳажмларда товарлар белгиларини рўйхат қилиш билан боғлиқ бўлган патент идораси томонидан олинадиган пул тушуми.

ПАТЕНТ КООПЕРАЦИЯСИ (*лот.*) — халқаро миқёсда хо-рижий патентлаш тартибини соддалаштириш учун вужудга келган.

ПАТЕНТ ПУЛ (*лот.*) — алоҳида фирма тузиш тўғрисида бир неча фирмаларнинг битими сифатида ташкил этилади.

ПАТЕНТ СОФЛИГИ — у мавжуд мамлакатда унинг ҳудудидаги патентларнинг амал қилиш хавфсизлигини бузмасдан эркин фойдаланиши мумкин бўлган техника объектининг юридик хусусияти. Қандайдир мамлакатта олиб келинган техника объекти, агарда у ушбу мамлакатдаги бошқа шахсга берилган патент таъсири остига тушиб қолса, нософ бўлиб қолиши мумкин. *П.* с. ҳудудий характерга эга ва буюм Японияда патент софлигига эга бўлмасдан Германияда патентни бузмайди. Кўп мамлакатлардаги патент ҳуқуқи кўрсатганидек, патент эгасининг ҳуқуқи бузилганда келтирилган товарни қамоққа олиш, жарималарни ва зарарларни тўлаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин.

ПАТЕНТ ТУШУМИ — саноат корхоналари ҳамда ҳунар-мандчилик машғулотидан даромадларга эга бўлган фуқаролар бюджетига тўлов.

ПАУШАЛ (нем.) — кўтарасига олинган; умумий, ташкил тувчилар табақалашмаган (солиқ, тўлов, бож ва ҳ.к.).

ПАУШАЛ СУММА (нем.) — унинг айрим ташкил этувчи қисмларини табақалашмаган умумий суммаси. Бу термин бир хил ёки ҳар хил товарлар партияси учун ёки айрим хизматларни бажарганлик учун ва ҳ.к. битта умумий суммани ўрнатиш тўғрисида сўз борган ҳолатлардагина битимларда қўлланилади. Масалан, комплекс ускунани етказиб берганлик ёки маълум техника ёрдами кўрсатгани учун.

ПАУШАЛ ТЎЛОВ — ундан фойдаланишдан иқтисодий самара (фойда) олганга қадар лицензион битим бўюмидан фойдаланиш ҳуқуқи учун бир марта бериладиган мукофот.

ПАЦИОНАЛ ТЎЛОВ — ноу-хау лицензиясини берганлик учун тўланадиган контракт билан тақозо этиладиган мукофотнинг қатъий суммаси.

“ПЕНАЛЬТИ” (инг.) — неустойка (жариманинг бир тури).

ПЕНЯ — мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик учун жарима.

ПЕРЕВОД — кредит муассасалари ва алоқа вазирлиги корхоналари орқали корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ҳамда улар ва айрим фуқаролар ўртасида пул ўтказиш усули.

ПЕРЕВОД ВЕКСЕЛИ — вексель эгасига муддати битганга қадар маълум пул суммасини тўлашнинг сўзсиз пул мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз. *II. в.* қуйидаги риквизитларни ўз ичига олади: а) текстга киритилган ва ҳужжат қайси тилда тўлдирилган бўлса, ўша тилда ифодаланган “вексель” номи; б) маълум суммани тўлашда оддий ва ҳеч қандай тақозо этилмаган таклиф; в) ким тўлаши керак бўлса, ўшанинг номи; г) тўлов муддатини кўрсатиш; д) тўлов амалга оширилиши керак бўлган жойни кўрсатиш; е) кимга ёки кимнинг буйруғи бўйича тўлов амалга оширилиши керак бўлган кишининг номи; ж) векселни тузишнинг вақти ва жойини кўрсатиш; з) ҳужжат берган кишининг (вексель берувчининг) имзоси.

ПЕРЕВОД ОПЕРАЦИЯЛАРИ — юридик ва жисмоний шахслар топшириғини пул маблағларини амалга оширишни бажариш бўйича кредит муассасалари ва алоқа корхоналари операциялари.

ПЕРЕВОД СЧЁТЛАРИ — валюта назорати тўғрисида қонун бўйича Буюк Британияда киритилган валюта счётлари. Фунт-

стерлинг эгалари учун валюталарнинг чекланиши шароитларида қўлланилади.

ПЕРЕВОД ШИФРИ — хатолар ва суиистеъмол қилишларни бартараф этиш учун пул перевод қилишда банклар томонидан қўлланиладиган шартли белгилар тизими.

ПЕРЕВОЗЧИК — ташиш ҳужжатини берувчи ва ушбу ҳужжатга мос равишда амалга оширувчи ё амалга ошириш мажбуриятини олувчи ҳамда шундай ташвиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатувчи ё хизмат кўрсатиш мажбуриятини олувчи корхона.

ПЕРЕКОС КУРСОВОЙ — валютанинг расмий ва бозор курси фарқи.

ПЕРЕКРЁСТНАЯ ЭЛАСТИЧНОСТЬ — талабга таъсир қилувчи барча бошқа омиллар ўзгармайдиган шароитда товарга (А) бўлган талаб ўзгаришининг товарга (В) бўлган баҳо ўзгаришига фоиздаги нисбати.

ПЕРЕЛОЖЕНИЕ НАЛОГОВ — солиқларни мулкдор синфлардан кенг меҳнаткашлар оммасига ўтказиш.

ПЕРЕНАЕМ — мулккий ёллаш шартномасидан келиб чиқувчи ёлловчи томонидан барча ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини учинчи шахсга бериш.

ПЕРСОНА ГРАТА (лот.) — дипломатик амалиётда агреман (розичилик) олган дипломатик вакиллик бошлиғи ҳамда мавжуд мамлакатга келишга рухсат берилган ҳар қандай чет эл дипломати.

ПЕРСОНА НОН ГРАТА (лот.) — дипломатик амалиётда агреман олиш рад этилган шахс ҳамда мамлакат ҳукумати келишни номақбул деб эълон қилган дипломатик вакил ёки қандайдир бошқа чет эл дипломати.

ПЕРТУРБАЦИЯ (лот.) — одатдаги юришда қандайдир парокандалик, тартибсизлик киритувчи тасодифий ўзгариш, мураккаблик.

ПЕРФОРМЕР (лот.) — ютуққа эга бўлган акция. Бу термин максимал дивиденд имкониятига эга бўлган фонд биржасида уларнинг бозор ва номинал қиймати ўртасида катта фарқ билан реализация қилинадиган акцияларга нисбатан қўлланилади.

ПЕТИЦИЯ (лот.) — 1. Давлат ҳокимият органлари (қоидага кўра олий)га ёзма тарзда бериладиган жамоа кечирим; 2. Компанияни мажбуран тугатиш ёки жисмоний ёки ҳуқуқий шахсни банкрот деб эълон қилиш туғрисида судга расмий мурожаат.

ПИЕТЕТ (лот.) — кимгадир ёки нимагадир чуқур ҳурмат, эҳтиромли муносабат.

ПИКЕТ (фр.) — ходимлар ёки штрейкбрехерларни иш жойига ўтишига йўл қўймайдиган корхона ёки ҳокимият ишини барбод қилишга ҳаракат қилувчи иш ташловчилар гуруҳи.

ПИРАМИДАЛАР ТУЗИЛИШИ (грек.) — қўшимча контрактлар бўйича депозитларни тўлаш учун амал қилувчи контрактлар бўйича фойданинг бир қисмини фойдаланиш орқали тижоратчилар томонидан биржа контрактлари сонини кўпайтириш.

ПИРОВАРД МАҲСУЛОТ — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришнинг якуний кўрсаткичи, яъни ижтимоий маҳсулотнинг аҳоли истеъмоли, йил давомида фойдаланилган (эскирган) ишлаб чиқариш воситалари ва жамғармани қайта тиклаш учун фойдаланадиган бир қисми. Қийматига кўра пировард маҳсулот яъни маҳсулотдан йил давомида фойдаланилган меҳнат буюмлари миқдоридан камдир. У ана шу буюмларнинг тақрор ҳисобидан ҳосил бўлиб, йил мобайнидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини акс эттиради.

ПЛАНЛАШТИРИШ (режалаштириш) (лот.) — мақсадларни ифодалаш жараёни, устуворлик, маблағлар ва уларга эришиш методлари. План — планлаштириш натижаси, ҳаракатларнинг асосли модели, конъюнктур прогнозлаш асосида иқтисодий муҳит яратиш ва қўйилган мақсадларга эришиш. П. директив ва индикатив бўлиши мумкин. Директив П. бажариш учун тасдиқланадиган кўрсаткичларнинг мажбурийлигини кўзда тутди. Индикатив П. ахборот, ардентация қилинадиган характерга эга бўлади.

ПЛАНЛИ ЗАРАРЛАР (лот.) — техник-саноат молия режасида кўзда тутилган маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган бирлашма, корхона харажатларининг уни реализация қилишдан тушган даромаддан ошиқ бўлиши.

ПЛАНЛИ ТЎЛОВЛАР (лот.) — томонлар томонидан товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатганлик учун олдиндан келишилган муддатда ва ҳажмда маблағларни даврий ўтказилиши.

ПЛАШКОУТ (голл.) — юқори палубага юкларни ташиш учун ўзи юрмайдиган юк кемаси; асосан рейдда қайта юк ортадиган ишлар учун фойдаланилади. П. плашкоут кўприклар йўналтирилган таянч бўлиб ҳам хизмат қилиш мумкин.

ПЛЕБИСЦИТ (лот.) — яъни овоз бериш. П. референдумдан шу билан фарқ қиладики, унинг натижалари қонун қабул қилиш учун асос ҳисобланмайди, референдум эса унинг натижаси бўйича қарор қабул қилишни тақозо этади.

ПЛУТОКРАТИЯ (грек.) — бойлар ҳокимияти, бошқаришнинг давлат шакли, бунда ҳокимият энг бой қатламлар вакилларига тегишли бўлади.

ПОГАШЕНИЕ (тулаш) — эмитент томонидан чиқариш шартлари кўзда тутилган пайтда ва баҳо бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш.

ПОЗИТИВ ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ — маълумотлар ва улар ўртасидаги боғлиқликни ўрганадиган иқтисодий назария қисми.

ПОЗИЦИЯ, МУДДАТЛИ ПОЗИЦИЯ (лот.) — 1) Бир ойлик муддатга битимлар бўйича товарни топшириш; 2) Кема юк билан келиши мумкин бўлган вақт.

ПОЛ (инг.) — биржада битимлар тузишга рухсат бериладиган жой.

ПОЛИПОЛИЯ (грек.) — йирик сотувчиларнинг чекланган сони амал қилувчи бозордаги вазият. Бунда уларнинг миқдори рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ўзаро рақобат қилиш учун етарли ҳисобланади.

ПОЛИС (фр.) — суғурта тўғрисида битимни тасдиқловчи суғурта органи ҳужжати. Полис суғурта қилувчи томондан суғурта қилинувчига битим амалга оширилгандан кейин берилади.

ПОРТ ТУШУМЛАРИ (лот.) — ўрнатилган ва расмий чоп этилган тарифлар бўйича ҳисобланадиган портлардаги кема ва юклардан олинадиган тўловлар. Улар қурилишга, порт ҳудудларини тиклаш ва эксплуатация қилиш, уларнинг ободончилигига йўналтирилган харажатларни қоплаш учун портларнинг ўзлари балансига, ё давлат бюджетига ёки маҳаллий ҳокимият органларига тушади. Тушумлар ҳар хил шаклларда олинади.

ПОРТ ТАРТИБЛАРИ — кемага юк ортиш ва туширишда кема эгаси, юк жўнатувчи ва юк олувчи ўзаро алоқаларини белгиловчи амалиёт томонидан ўрнатилган қоидалар, юк ишларини нормалаш, туриб қолган вақтни ҳисоблаш тартиби. Порт урф-одатлари ташиш шартномасида тегишли кўрсатмалар бўлмаган ҳолатларда қўлланилади.

ПОРТО-ФРАНКО (итал.) — товарларни олиб келиш ва чиқариш (эркин зона) божсиз ҳуқуқи амал қилувчи порт, шаҳар ёки денгиз олди вилояти.

ПОРТФЕЛЬ БУЮРТМАЛАР (фр.) — маълум вақтга ва бажаришга тегишли корхона ва фирмада бўлган жами буюртмалар.

ПОРТФЕЛЬ ИНВЕСТИЦИЯЛАР (фр., нем.) — чет элдаги саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, кредит ва бошқа корхоналарга узоқ муддатли капитал солиш. Одатда хорижий компаниялардагидек акциялар ва облигацияларни сотиб олиш шаклида амалга оширилади. Қоидага кўра корхона акционер капиталининг 10 фоиздан камроғини ташкил этади. Бевосита инвестициялардан фарқи шундаки, *П. и.* инвесторларга корхоналар фаолияти устидан тўла назорат қилиш ёки уларга эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди.

ПОСЕССИЯ (лот.) — ижара ерга эга бўлиш.

ПОТЕНЦИАЛ ФОЙДА (зарар) (лот.) — қимматли қоғозлардан реализация қилинмай қолган фойда ёки зарар. Қимматли қоғозлар сотилгандагина фойда ёки зарар реализация қилинган бўлади.

ПОЯС (минтақа) **БАҲОЛАР** — пояслар бўйича табақалаштирилган баҳолар, улардан ҳар бири ишлаб чиқариш, реализация этиш ва маҳсулотнинг айрим турларини истеъмол қилишнинг табиий-иқтисодий шароитлари ўхшаш бўлган бир неча илоятлар, ўлкалар ва республикаларни ўз ичига олади.

ПРАВИЛО “Т” (қоида) — қимматли қоғозлар сотиб олиш учун брокерлар ва дилерлар миждозларга бериши мумкин бўлган кредит ҳажмини тартибга солувчи федерал қоида.

ПРАВИЛО “В” (қоида) — биржада котировка қилинадиган акцияларни сотиб олиш учун кредит ҳажмини тартибга солувчи федерал қоида.

“ПРАЙС-ТЕЙКЕР” — унинг устидан назорат қила олмай-диган кучлар билан белгиланадиган баҳолар бўйича ўз маҳсулотини сотувчи фирма.

ПРЕЗЕНТАЦИЯ (лот.) — корхона, ташкилот, ишбилармонлик ҳамкорлиги ассоциацияси, консорциумлар таклифи бўйича уларнинг товарлари ва хизматларини англаувчи реклама характеридаги баёний тadbир; бўлиши эҳтимолда тутилган шерикларни ишлаб чиқариш ва экспорт профили фаолиятининг имкониятлари билан таништириш. *П.* имижнинг муҳим элементи.

ПРЕЗЕНТАНТ (лот.) — 1. Векселни кўрсатувчи; 2. Презентацияни ўтказувчи орган.

ПРЕЙСКУРАНТ БАҲОЛАР (нем., фр.) — махсус маълумотномаларда — прејскурантларда қайд этилган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотига, товарлар ва хизматларга қўйилган баҳолар. Режали иқтисодиётда, қоидага кўра, амал қилиш муддати камида беш йиллик даврга кўрсатилмасдан ўрнатилади.

ПРЕТЕНЗИЯ (лот.) — унинг мулкый ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган мунозарани ихтиёрий тартибга солиш тўғрисида кредиторнинг қарздорга талаби.

ПРЕФЕРЕНЦИАЛЬ (имтиёзли) **АКЦИЯЛАР** (лот., фр.) — активларга нисбатан, дивидендларга нисбатан корпорацияга бошқа биргаликда эгалари бўлмаган преференция эгасига бериловчи акциялар. Амалда префакциялар эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, аммо дивидендлар эълон қилинмаган ҳолатда эгалари бу ҳуқуқни оладилар.

ПРЕФЕРЕНЦИАЛЬ БОЖХОНА РЕЖИМИ (лот.) — бир мамлакат (ёки гуруҳ мамлакатлар) учун бошқа мамлакатларга нисбатан энг паст божхона тарифлари ўрнатиш.

ПРЕФЕРЕНЦИАЛ РЕЖИМ (лот.) — бир давлатнинг бошқасига учинчи мамлакатга тарқатмасдан берилган алоҳида имтиёзли иқтисодий режим. Энг кўп келтириладиган товарларга божхона божи чегирмаси ташқи иқтисодий операцияларни имтиёзли кредитлаш ва сугурталаш, махсус валюта режими, молиявий ва техникавий ёрдам кўрсатиш тарзида қўлланилади.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ (лот.) — шартнома бўйича бериладиган устунлик, имтиёзли шарт-шароитлар. Масалан, барча ёки айрим мамлакатларнинг айрим товарлари учун ва бошқа мамлакатлар товарларига тарқатилмайдиган давлат томонидан ўрналадиган имтиёзли божхона божи.

ПРИНЦИПАЛ (лот.) — шартнома иштирокчиси, брокер унинг учун буйруқни бажарган шахс ёки ўз ҳисобидан сотиб олувчи ва сотувчи дилерлар. Термин қандайдир шахснинг капиталига ёки облигацияларнинг номинал қийматига ҳам тегишлидир.

ПРИНЦИПАЛ ОПЕРАЦИЯЛАР (лот.) — дилер томонидан қайта сотиш мақсадида ўз номидан ва ўз ҳисобига қимматли қоғозларни сотиб олиш.

ПРИБОРЕТЕНИЕ (поглошение) — битта акционер компания томонидан бошқасининг акциялари контрол пакетини ўзиники қилиб олиши. “Куч ишлатиб ўзиники қилиб олинганда” потенциал сотиб олувчи янги қимматли қоғозлар баҳосини жорий бозор баҳоларига қараганда анча юқори ва акциялар эгаларига бошқа стимуллари тавсия этиши мумкин. Ўзига олувчи компаниянинг раҳбарияти қудай баҳони сўраши ёки учинчи компания билан сингишиб кетишга ҳаракат қилиши мумкин.

ПРИФИКС (фр.) — пасайтириш ёки ошириш мумкин бўлмайдиган қатъий баҳо.

ПРОГРЕССИВ СКИДКАЛАР — олдиндан маълум ва миқдоран кўпаювчи товарни сотиб олиш шароитида сотиб олувчига бериладиган миқдор учун скидкалар.

ПРОГРЕССИВ СОЛИҚ — солиқ тўловчи даромади ошиши ва ушбу даромаднинг қисқариши натижасида камайиши муносабати билан унинг ўртача ставкаси ошадиган солиқ.

ПРОИЗВОДНЫЙ СПРОС (талаб) — уни ишлаб чиқаришда мавжуд ресурс сарфланадиган маҳсулотга бўлган талабга боғлиқ унумли ресурсга бўлган талаб.

ПРОДУЦЕНТ (лот.) — маълум товарни ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқарувчи мамлакат.

ПРОКУРИСТ (лот.) — ҳар қандай битимларни амалга оширишга чекланмаган ваколатга эга бўлган айрим Ғарбий Европа мамлакатларидаги савдо корхонасининг ишончли вакили.

ПРОЛОНГАЦИЯ (фр., лот.) — шартноманинг бажариш муддатини, ваколатлар ва ҳ.к. амал қилиш муддатини узайтириш.

ПРОМПТ — шошилинич тартибда тузилган чартер.

ПРОМОРЦИОНАЛ СОЛИҚ ОЛИШ — солиқ ставкалари унинг миқдоридан қатъи назар, солиқ тўловчи даромадига ягона фоизда ўрнатиладиган солиқ олиш тизими.

ПРОСПЕКТ (лот.) — қимматли қоғозларни дастлабки жойлаштиришга рухсат олиш мақсадида давлат инстанцияларига бериладиган ҳужжат. Қимматли қоғозларни чиқарувчи компания тўғрисида тўлиқ, тўғри ва аниқ ахборотни ўз ичига олиши керак.

ПРОТЕКТОРАТ (лот.) — иқтисодий, сиёсий боғлиқлик шакли бўлиб, бунда мамлакат ўз давлат қурилишини формал сақлаган ҳолда, ҳақиқатда энг кучли давлатга (протекторга) бўйсунади.

ПРОТЕКЦИОНИЗМ (лот.) — товар келтиришни бевосита ва бавосита чеклаш орқали чет эл рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш давлат сиёсати. *П.* четта чиқарилган товарлар, ички солиқлар ва тушумларга божхона тарифининг юқори ставкалари ҳамда нотариф миқдорий чекланишлар орқали амалга оширилади. Ҳозирги вақтда халқаро савдода божхона божини камайтириш ва айрим даврларда нотариф чекланишлар шарти тенденцияси кузатилмоқда. Нотариф чекланишлар АҚШ, Япония ва Европа ҳамкорлиги ўзаро савдосида, энг аввало улар ўртасидаги халқаро ҳисоб-китобларнинг нобаланслиши натижасида кенг фойдаланилади.

ПРОФИТ (фр.) — фойда, наф.

ПРОЦЕНТ (лот.) — ссудадан фойдаланганлик учун кредиторга қарздор тўлайдиган ҳақ. *П.* ҳажми кредит турига, унинг муддатига, олинган ссудаларнинг ўз вақтида қопланишига боғлиқ бўлади. *П.* ҳажмини ўзгартириш билан банк кредитларига корхоналар талабини кўпайтириш ёки қисқартириш мумкин.

ПРОЦЕНТ ДАВРИ (лот.) — сузувчи фоиз ставкаси бўйича берилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредит умумий муддатининг бир қисми.

ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ (лот.) — фойдаланилган пул ёки фойдаланилган капитал.

ПРОЦЕНТ ХАВФИ (лот.) — ставкалар устидан берилган кредитларга биноан улар томонидан жалб этилган маблағлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларининг ошиб кетиши натижасида банкларнинг талафот хавфи. *П.* х. уларни молиялаштиришни кўпайтириш учун қайд этилган ставкалар бўйича берилган маблағлари муддати ёки рухсат этилган ва жалб қилинган банк маблағлари бўйича фоиз ставкалари ҳар хил қоидалар би-

ўз ратификацияланган ёрликларини давлатга депозитарияга сақлашга топширадилар; 2. Айрим мамлакатларда (масалан, АҚШда) конституцион тузатишларни тасдиқлаш махсус тартибидир.

РАУТ (инг.) — тантанали, қақирилган кеча, қабул.

РАФИНИРОВАНИЕ (фр.) — металлургия, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқларида маҳсулотни аралашмалардан узил-кесил тозалаш.

РАЦИОНАЛЛИК (лот.) — мақсадга эришишга йўналтирилган, берилган чеклашни ҳисобга олувчи ва имкониятга эга бўлган мақсадга мувофиқ фаолият.

РЕАБИЛИТАЦИЯ (лот.) — 1. Ҳуқуқларни тиклаш (ссуда ёки маъмурий тартибда); 2. Медицинада оғир касаллик ва травмаларни ўтказган шахслар саломатлигини тиклашга йўналтирилган комплекс тадбирлар.

РЕАКЦЕПТАЦИЯ (лот.) — агарда дастлабки акцепт чеклашлар билан қилинган бўлса, перевод векселнинг янги акцептда қўлланилиши.

РЕАЛ БИРЖА БИТИМИ (лот.) — товарни уни биржа омборига қўйиш ёки омбордан олиш билан сотиш ёки сотиб олиш бўйича биржадаги амалга оширилган битим. Реал товарга *Р. б. б.* қисқа муддатга қўйиш билан “спот” дейилади. Биржа омборига топширилган товар учун биржа ҳисоб-китоб кассасига берадиган гувоҳнома (“вариант”) олади. Реал товарга уни қўйиш билан битим энг узоқ муддатдан кейин тузилиши мумкин. Бундай битимлар “форвард” дейилади.

РЕАЛ ДАРОМАД (лот.) — айрим шахс ёки шахслар гуруҳи маълум давр давомида ўз номинал даромадига сотиб олиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори; баҳолар даражаси ўзгаришига тузатишлар-киритиш билан номинал даромад.

РЕАЛИЗАЦИЯ (лот.) — 1. Спекулятив битимни тузиш; 2. Шу бўйича фойда олиш учун контрактни тугатиш.

РЕАЛИЗАЦИЯ МАРКАЗЛАРИ (лот.) — сотиш ҳажмини қўпайтириш мақсадида баҳони пасайтириш тақққланадиган маънавий хизмат бўлинмалари.

РЕАЛ ИШ ҲАҚИ — ишчи ўзининг пуллик иш ҳақиға сотиб олиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори; пуллик иш ҳақининг сотиб олиш қуввати; баҳолар даражасининг ўзгаришига тузатишлар киритиш билан пуллик иш ҳақи.

РЕАЛ ТОВАР (лот.) — офсет битими амалга ошириладиган фьючерс контрактига қарама-қарши ўлароқ, индивидуал хусусиятларга эга бўлган омборга тезлик билан қўйиладиган ёки келажақда қўйиладиган товар.

РЕАЛ ТОВАР БОЗОРИ — фьючерс биржасига қарама-қарши ҳолда реал товар билан савдо юритувчи бозор. Бундай бо-

зорга тез етказиб бериш (спот), келажакда муддат асосида етказиб бериш (фьючерс) билан битим тузилади. *Р. т. б.* ташкилий шаклларига аукционлар, узоқ муддатли контрактлар, телефон-телекс бозорлар, бир марталик битимлар, тендрлар, реал товар биржалари киради.

РЕАЛ ШАРТНОМА — мажбуриятни вужудга келтириш учун битимдан ташқари буюмларни реал бериш зарур бўлган шартнома тури.

РЕАЛЬВАЦИЯ (*инг.*) — бошқа мамлакатлар валютасига халқаро валюта-пул бирлигига нисбатан миллий курсининг ёки халқаро (регионал) валюта-пул бирлигининг ошиши. *Р.* импортёрлар товарлари ва экспортёрлар манфаатлари билан мос келади-ган чет эл валютасини арзон сотиб олишга имконият яратади.

РЕВАЛОРАЗАЦИЯ (*фр.*) — қийматни, баҳони олдинги даражага қадар ошириш.

РЕВЕРС (*лот.*) — савдо ҳуқуқида — бир шахснинг бошқа шахсга ёзма мажбурияти.

РЕВЕРСИЯ (*лот.*) — 1. Мулкни дастлабки эгасига қайтариш; 2. Мажбуриятни узгандан кейин қайтариладиган қандайдир қийматликлар мажбуриятларини таъминлаш учун кредиторга вақтинчалик бериш.

РЕВИЗИЯ (*лот.*) — ҳаракатларнинг тўғрилиги ёки қонунийлигини текшириш мақсадида муассасалар ёки вазифадор шахсларнинг ҳужалик-молиявий фаолиятини текшириш (қайта қуриш; *инг.*). 1. Унинг иштирокчилари розилиги билан халқаро шартномани қайта кўриш; 2. Уларга тўб ўзгаришлар киритиш мақсадида таълимни, қарашлар назариясини қайта кўриш.

РЕВОКАЦИЯ (*лот.*) — берилган чекни бекор қилишга чек берувчининг таклифи.

РЕВОЛЬВЕР АККРЕДИТИВ (*лот.*) — тулиқ тулов суммасига эмас, балки унинг бир қисмига очиладиган ва навбатдаги товарлар партияси учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича автоматик равишда тикланадиган аккредитив. *Р. а.* ундаги кўрсатилган суммани камайтириш мақсадида вақт бўйича қўзилган бир текисда етказиб беришда очилади.

РЕВОЛЬВЕР КРЕДИТ (*лот.*) — тикланадиган кредит, миллий ва жаҳон бозорларида қўлланиладиган ссуда капиталлари, қарздорликнинг ўрнатилган лимити ва автоматик узиш муддатлари доирасида берилади, яъни кредит битими томонлари ўртасида қўшимча музокараларсиз.

РЕГИСТР (*лот.*) — 1. Ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган рўйхат, санок, ҳисоб ҳужжати; 2. Қандайдир соҳада назорат қилишни амалга оширувчи органнинг номи.

РЕГИСТРАТОР (лот.) — корпорация акциялари эгаларини регистрация қилиш бўйича вазифасини бажарувчи ва рухсат этилган акциялар чиқариш суммасининг ошиб кетишини бартараф этувчи транскмпания ёки банк.

РЕГИСТРАЦИЯ (лот.) — қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ қимматли қоғозлар компанияси уларни бозорга чиқаришга таклиф қилганга қадар рўйхат қилинмоғи керак. Қоғозларни чиқарувчи компания қимматли қоғозлар бўйича комиссияга рўйхатга олиш аризасини бериши керак.

РЕГИСТР ЛЛОЙДА (лот., инг.) — уларнинг сувда сузиш сифатига мос равишда ва ошиқча портни кўрсатиш билан ҳар хил категорияларга тегишли сув сифими 100 тоннадан ошиқ барча тижорат кемаларининг алфавит бўйича рўйхати. Лондонда чоп этилади.

РЕГЛАМЕНТ (фр.) — 1. Қандайдир фаолият тартибини йўлга қўювчи низомлар ёки қоидалар; 2. Халқаро конгресслар айрим актларининг номи; 3. Ички ташкил этишни ва парламент фаолияти шакллариини ҳамда депутатнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи қоидалар мажмуи. Парламент палаталарида Р. риоя этишни назорат қилувчи махсус органлар тузилади.

РЕГРЕСС (лот.) — бир шахс томонидан (муассаса томонидан) бошқа шахсга (муассасага) қўйилган тўланган суммани қайтариш тўғрисида тескари талабнома.

РЕГРЕССАНТ (лот.) — биринчи шахс иккинчи шахс фойдасига кўрган зарарларини қоплаш тўғрисида регрессив даъво қилган шахснинг бошқа шахсга (регрессаторга) тескари талабномаси.

РЕГРЕССАТ (лот.) — регрессив даъво қилган шахс.

РЕГРЕССИВ СОЛИҚ (лот.) — солиқ тўловчи даромади кўпайиши (камайиши) муносабати билан ўртача ставкаси камаядиган (кўпаядиган) солиқ.

РЕДУКЦИЯЛАМОҚ (лот.) — ундаги нодир металл миқдорини камайтириш орқали тангалар қимматини пасайтириш.

РЕДУКЦИЯЛАНГАН СУҒУРТА СУММАСИ (лот.) — ўзини суғурта қилдирган киши томонидан бадалларни тўлашни муддатидан олдин тўхтатганлик муносабати билан ҳаётни суғурта қилишнинг шартнома бўйича суғурта суммаси.

РЕЗЕРВ ВАЛЮТА (фр., лот.) — 1. Мамлакат валютаси, бунда бошқа давлатларнинг марказий банклари халқаро ҳисоб-китоблар учун резервлар жамғаради ва сақтайди; 2. Халқаро ҳисоб-китобларга хизмат қилиш учун фойдаланадиган етакчи давлатларнинг миллий кредит пуллари. Давлатлар хусусий, жисмоний ва юридик шахслар халқаро тўлов маблағларининг компоненти ҳисоблана-

ди, валюта курсларини ифодалаш учун база сифатида фойдаланилади.

РЕЗЕРВ КАПИТАЛ (фонд) (*фр.*) — фойдадан ажратмалар ҳисобидан ҳосил бўлган корхона, акционер жамият ва ҳ.к. ўз маблағларининг бир қисми жорий фойда етарли бўлмаган ҳолатларда операциялар фаолият талафотини қоплаш, асосий капитални тўлдириш ва дивидендларни тўлаш учун фойдаланилади. *Р.к.* тўлдириш ва фойдаланиш тартиби тегишли ташкилотларнинг низомлари билан белгиланади. Бухгалтерия балансларида *Р.к.* суммаси пассив бўйича ифодаланади.

РЕЗИДЕНТ (*лот.*) — солиқ ҳукуқида мавжуд мамлакатда доимий манзилгоҳга эга бўлган шахс (жисмоний ёки ҳукуқий).

РЕЗИДЕНЦИЯ (*лот.*) — олий маъмурий жой эгалловчи ҳукумат, давлат бошлиғи ёки шахснинг манзилгоҳи.

РЕЗОЛЮЦИЯ (*лот.*) — 1. Коллегиал орган, мажлис ва ҳ.к. мажлисида қандайдир масалани муҳокама қилиш натижасида қабул қилинган қарор; 2. Вазифадор шахс томонидан қилинган ва у томонидан қабул қилинган қарорни ўз ичига олувчи ҳужжатдаги ёзув.

РЕИМПОРТ (*инг.*) — қайта ишланмаган мамлакат товарларини сотиб олиш ва чет элдан келтириш. Реимпортга аукционларда сотилмаган, консигнацион омборлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва ҳ.к.дан қайтган товарлар кирмайди.

РЕИНВЕСТИЦИЯЛАР (*нем., лот.*) — инвестиция операцияларидан даромадлар шаклида олинган такрорий қўшимча маблағлар. Реинвестиция фаолиятининг йўналиши инвестициялар йўналишига ўхшаш бўлади. Қимматли қоғозлар ҳисобланган молиявий *Р.* ва корхоналарнинг асосий ва оборот капиталига, фанга ва ҳ.к. солинган реал *Р.* фарқ қилади.

РЕЙТИНГ (*инг.*) — разрядга, тоифага ўтказиш. Махсус агентлик томонидан белгиланадиган маълум заёмнинг нисбатан кредитбардошлиғи ёки қимматли қоғозларнинг сифати ва ишончлилиги.

РЕКАМБИО (*итал.*) — 1. Тескари перевод вексели (муқобил тратта); унга ўтказилган суммани қоплаш ва эътироз бўйича фоизлар, жарималар ва харажатлар тўғрисида эътироз билдирилган векселни тўланган шахс томонидан вексель бўйича шахслардан биттасига қўйилган талаб; 2. Векселни инкассага қўйишга қабул қилинган эътироз билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун мижозга банк счёти.

РЕКАПИТАЛИЗАЦИЯ — компания капитали тузилмасини ўзгартириш (облигацияларни акцияларга айирбошлаш); *Р.* нинг сабаби кўпинча банкротлик ҳисобланади.

РЕКАПИТУЛЯЦИЯ (лот.) — 1. Савдо китоблари ва счётларини текшириш; 2. Қайта суғурта қилувчи томонидан қайта суғурта қилинувчига юборилган рўйхат. Кейинги йиллар амалиётида иш юритиш бўйича харажатларни тежаш мақсадида камдан-кам қабул қилинса-да, *Р.* ҳар кварталда юборилиши керак.

РЕКВИЗИТЛАР (лот.) — амалдаги қондалар ёки қонунларда кўзда тутилган битим таркиби ёки ҳужжатдаги мажбурий формал элементларнинг жами. Ҳужжатлар реквизи́тларсиз операцияларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қила олмайди. Шундай элементлар қуйидагилар бўлиши мумкин: ҳужжатнинг номи ва тузилган вақти, ҳужжатни тузувчи ташкилотнинг номи ва манзили, амалга ошириладиган операция мазмуни ва унинг ҳажми, операцияни амалга оширишга асос ва ҳ.к.

РЕКВИЗИЦИЯ (лот.) — қонун билан қатъий белгиланган ҳолатларда хусусий шахслар, кооперативлар ва жамоа ташкилотларига тегишли бўлган мулкни давлат томонидан мусодара қилиш ёки тўлашни мажбуран бегоналаштириш.

РЕКВИРЕНТ (лот.) — нотариусга векселга эътироз билдиришни талаб қилиб мурожаат этувчи вексель эгаси.

РЕКЛАМА (лот.) — товар ишлаб чиқарувчининг бош иқтисодий манфаати ўша товарнинг истеъмоллилиқ хусусиятлари тўғрисида ишлаб чиқарувчи (реклама берувчи) томонидан сотиб олувчида маълум ижобий тасаввур ҳосил этади. *Р.* бу тижорат тарғиботи, у *М.* муҳим таркибий қисми, унинг фаол элементи ҳисобланади. *Р.* учта асосий йўналиши мавжуд: фирма ичидаги реклама, нуфузли реклама ва товар рекламаси. Фирма ичидаги реклама — реклама фаолиятининг таркибий қисми, у ходимларни ўз корхонасига бўлган ишончини ошириш, уларда фирманинг ривожланиши ва тақдири билан узвий боғлиқ бўлган туйғу ҳосил этишга йўналтирилган. Ички фирма рекламаси воситалари қуйидагилар: корхона ташкилий тузилмасининг тегишли даражаси, раҳбарият ва ходимлар ўртасида яхши муносабатлар; социал имтиёзлар, ходимлар учун ахлоқий стимуллар, фирма газетаси; раҳбариятнинг жамиятдаги намунавий хулқи. Нуфузли реклама ички фирма рекламаси билан узвий боғлиқ ва унинг вазифаси жамиятда корхона обрўйини оширишдан иборат. Товар рекламаси — сотишга таъсир этувчи “маркетинг комплекси” тушунчаси ёки ўзаро боғлиқ барча омилларни координациялаш билан узвий боғлиқ бўлган реклама фаолиятининг асосий соҳаси. Товар рекламасининг асосий вазифалари: мавжуд товарга эҳтиёж-намоён этишга таъсир кўрсатиш; яъни талабни вужудга келтириш; сотишнинг (экспортнинг) барқарор ўсишини таъминлаш; товарга ва унинг ишлаб чиқарувчисига ишонч уйғотиш; сотиб олувчида ўзини товар билан ва уни тай-

ёрловчига ўхшатиш; мавжуд товарга маълум кўриниш бериш. *Р.* тамойиллари бу ростгўйлик ва танлаш хусусияти.

РЕКЛАМАЦИЯ (*лот.*) — аниқланган камчиликлар, баҳони пасайтириш ва (ёки) зарарларни қоплашни бартараф этиш тўғрисида етказилган маҳсулот ва бажарилган ишлар сифати ва юқори навлигининг ишончсизлиги хусусида арз (шикоят). *Р.* одатда ёзма шаклда сотиб олувчининг (буюртмачининг) сотувчига (етказиб берувчига) ундаги мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки маҳсулот сифатининг шартнома шартлари, намуналари, стандартлари, техника шароитларига мос келмаганлиги муносабати билан эътироз тарзида берилади. *Р.* эълон қилиш учун *Р.* харақтерига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган маълум муддатлар ва қондалар ўрнатилади.

РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (*лот.*) — рекламанинг барча аспектлари ҳамда айрим ҳолларда умуман *М.* бўйича профессионал хизмат кўрсатишга қодир бўлган ихтисослашган ташкилот. Миллий миқёсдаги мижозларга хизмат кўрсатувчи йирик хорижий *Р. а.* ўз штатлари юзлаб мутахассисларга эга; айни пайтда кўплаб ўрта ва кичик, одатда тор ихтисослашган, унчалик катта бўлмаган ходимлар штати бўлган *Р. а.* Одатда *Р. а.* асосини тўртта бўлим-ташқил этади: ишланмалар ва ишлаб чиқариш эълонлари билан шуғулланувчи ижодий бўлим; реклама воситаларини танлаш ва эълонларни жойлаштириш учун маъсул реклама воситалари бўлими; тижорат фаолияти томонлари билан шуғулланувчи тижорат бўлими, *Р. а.* комисион мукофотлар ва айрим ҳолатда гонорарлар тарзида компенсация олади. Одатда агентлик улар томонидан реклама воситаларини харид қилиш қийматидан 15 фоиз скидка олади.

РЕКЛАМА БЕРУВЧИ — реклама буюртмачиси.

РЕКЛАМА БЮДЖЕТИ (*лот., фр.*) — фирманинг реклама мақсадларига ажратилган харажатлари ҳажмлари ва тузилмаси. *Р. б.* кўп омилларга, яъни фирманинг бозор мақсадларига, реализация қилинадиган товарлар харақтерига, рақобат даражасига, мавжуд пул ресурсларига боғлиқ бўлади. Рекламага умумий пул белгилангандан ҳамда мақсадлар ва вазибалар мувофиқлаштирилгандан кейин фирма ҳаққий *Р. б.*ни аниқлайди. *Р. б.* ишлаш жараёнида қатор моментлар ҳисобга олинади: рекламанинг муқобил воситалари харажатлари; реклама самарали бўлиши учун уни тез-тез такрорлаш; инқироз даврида фирма реакциясининг харақтери; реклама эълонини тузишнинг қиймати. Кейин фирма унинг учун умумий бўлган реклама мавзуларини ишлаб чиқади.

РЕКЛАМА КАНАЛЛАРИ — кўплаб хабарларни бериш усуллари (каналлар ва ҳ.к.), уларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

бевосита реклама — почта бўйича, шахсан топшириладиган материаллар; даврий матбуотдаги реклама-газеталар, умумий йўналишдаги журналлар, махсус (тармоқ) журналлар, фирма бюллетенлари, маълумотномалар, телефон китоблари ва ҳ.к.; босма реклама — проспектлар, каталоглар, буклетлар, плакатлар, варақалар, открыткалар, тақвимлар ва босма маҳсулотнинг бошқа турлари; ташқи реклама — йирик ҳажмли плакатлар, мультви-зион плакатлар, ҳаракатсиз ёки югурувчи ёзувлар билан электр-лаштирилган панно; товарлар билан эркин турувчи кўргазма-лар; транспортдаги реклама — транспорт воситаларининг ташқи томонидаги ёзувлар; транспорт воситалари салонларида жойлаш-тириладиган босма эълонлар; сотиш жойидаги реклама — мага-зинлар кўргазмалари, вивескалар, белгилар, савдо залидаги план-шетлар; қадоқлаш-ўраш; сувенирлар ва бошқа кичик шаклдаги рекламалар. *Р. к.* воситаларини танлаш уларнинг қиймати, фой-дасиз аудиторияларнинг мавжудлиги: қамровлиги, мактубнинг барқарорлиги, таъсир даражалари, тўлдирилиши, тақдим этиш муддати ва ҳ.к. ҳисобга олиб амалга оширилади.

РЕКЛАМА КОМПАНИЯСИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ —

маълум давр вақти давомида қўйилган мақсадларга эришиш учун координациялашган реклама фаолиятини ўтказиш бўйича про-грамма ҳужжати тузиш. *Р.к.н.* нинг қуйидаги узлуксизлиги тав-сия этилади: реклама таъсирининг мақсадли гуруҳини ажратиш, бунинг учун фирма манфаатдор бўлган бозор аниқланади ва товар ўхшаш рақобатчилар олдида нисбий устунлик, бозор талаблари-га мос келишлик, сотиб олувчилар учун фойдаланиш, ташқи кўринишини тасаввур қилиш нуқтаи назаридан қаралади; бо-зорнинг истеъмоллилик сегменти аниқланади; қўшимча марке-тинг тадқиқотининг кераклиги ҳал этилади; реклама ишининг махсус мақсадлари аниқланади; “мақсад — ҳаракат усули” та-мойилига таянган ҳолда мақсадларнинг ҳар биттасига эришиш-га зарур харажатлар ҳисоб-китоби; олинган умумий суммани аж-ратилган маблағлар билан таққослаш ва тегишли коррективро-вка киритиш; реклама компанияси мақсадларидан, маркетинг режасидан, бюджет имкониятларидан келиб чиққан ҳолда рек-ламани тарқатишнинг оптимал каналларини танлаш, фирманинг реклама бўлими, чет эл филиаллари, воситачилар фаолияти дои-расини аниқлагандан кейин реклама методларини таърифлаб бериш; компаниянинг кенгайтирилган режасини тузиш; рекла-ма компанияси воситаларини ишлаб чиқиш; эксперимент тан-ланган районда реклама компанияси самарадорлик имконияти-ни текшириш; қилинган ишларни синчиклаб тафтиш қилиш — бу охириги имконият, ишни қандай тўғрилаш ёки яхшилаш

мумкин. Самарадор реклама компаниясини яратиш жараёни узоқ давом этадиган иш (300—350 кун).

РЕКЛАМА МЕТОДЛАРИ (лот., грек.) — реклама фаолияти усулларининг мажмуи ва унинг бажариш характери. Бевосита реклама — тўғри почта билан жўнатиш (“директ мейл”) минимал харажатлар билан энг оддий ва даромадди иш усули. Агарда тўғри манзил бўйича жўнатиш билан бўлса, хат ўз ролини ўйнайди. Босма реклама (каталоглар, проспектар, буклетлар ва ҳ.к.) иштирокчиларга виставкалар ва ярмаркаларда берилади, намойиш залларида топширилади. Газеталар ва журналлардаги реклама интенсивлик, ноёблилик, ҳаракатлилики, мос келмаслики ва ҳажми билан фарқ қилади. Радио ва телеэкран орқали реклама кўп сонли одамларга етиб бориш қобилиятига эга. Унинг энг муҳим хусусиятларидан бири динамиклики. Кинореклама кўп куч ва маблағ талаб этади, узоқ вақт яшайди, фильм прокати кўп сонли аудиторияни қамрайди ва ҳ.к.

РЕКЛАМА МАКТУБИ — таклиф қилинадиган товарлар ва хизматлар тўғрисида ахборотни ўз ичига олувчи рекламанинг айрим талаблари асосида тайёрланган сотувчи фирманинг сотиб олувчиларга мурожаати, ҳар қандай матн мактуб мавзусини, киришни, асосий ва тугалланиш қисмини ўз ичига олади.

РЕКЛАМАНИ ПЛАНЛАШТИРИШ — маълум давр вақтга фирма томонидан реклама тадбирларининг кенгайтирилган планини тузиш. Шундай план қуйидаги қисм ёки ҳужжатларни ўз ичига олади: 1. Реклама воситалари ва уларни ўтказиш вақтини белгилаш билан жорий реклама тадбирларини ўтказиш планлари; 2. Қўрғазмалар ва ярмаркаларга қатнашиш; 3. Реклама компанияларини ўтказиш; 4. Тадбирларнинг резерв воситалари ва имкониятларини кўзда тутувчи реклама тадбирларининг умумий плани. *Р.н.* ҳисобга олинадиган асосий моментлар: истеъмолчи мотиви ва рақобатланувчи товар-аналогга нисбатан товарнинг ҳолати; рекламанинг мақсади; рекламанинг мазмуни; реклама воситалари; реклама бюджети; реклама тадбирлари плани; деталлаштирилган калькуляция; реклама самарадорлигини назорат қилиш.

РЕКЛАМА САМАРАДОРЛИГИ — ишлаб чиқарувчи манфатлари учун истеъмолчиларга реклама воситаларининг таъсир этиш даражаси. *Р.с.* аниқлаш энг қийин муаммо, чунки истеъмолчиларда маҳсулот ва уни сотишни кўпайтириш тўғрисида ижобий тасаввур ҳосил этиш баҳолашнинг ҳар хил методларини талаб этади. Бундан ташқари рекламани маълум товар образи (фирмалар) ёки сотиш ҳажмини вужудга келтирувчи бошқа омиллардан ажратиш қийин. АҚШ реклама агентлигининг тавсияси бўйича асосий тамойиллар ҳусусида 1992 йилдаги келишувга

биноан *Р.с.* ўзгаришида қуйидагилардан келиб чиқиш ва ривож этиш лозим: фақат қўриб чиқиладиган реклама мақсадлари билан боғлиқ бўлган маълумотлардан фойдаланиш; ўлчашнинг ҳар хил методларини уйғунлаштириш; текшириш тизимида истеъмолчилар томонидан қабул қилинган қарорга асосланиш; такрорий рекламадан фойдаланишни ҳисобга олиш; муқобил реклама эълонларини таққослаганда ҳар бир кишига қўллаб-қувватлашнинг бир хил даражасини таъминлаш; нотўғрилиқ ва ноҳақликдан қочиш; танлаш тамойилларини аниқ белгилаш.

РЕКУПЕРАЦИЯ (*лот.*) — ишлаб чиқариш чиқиндиларини аниқлаш ва фойдаланиш; технологик жараёнларда сарфланадиган буюмларни такрорий олиш ва фойдаланиш.

РЕЛЕВАНТ БОЗОР (*фр.*) — доирасида улар учун реал рақобат ва монополия муносабатлари ташкил топган маълум маҳсулот ёки хизматлар тури бўйича сотувчилар ва сотиб олувчиларнинг амал қилиш соҳаси. Термин антимонопол амалиётда қўлланилади.

РЕЙЛОВЕР — хом ашё капиталлари миллий ва халқаро бозорларида тузувчи фоиз ставкалар бўйича бериладиган турли хил ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар.

РЕМАРКЕТИНГ (*фр.*) — маркетингнинг турли хили бўлиб, унинг вазифалари у пасайган ҳолатларда товарлар ва хизматларга бўлган талабни жонлаштиришдан иборат. Моҳиятига қўра *Р.* конкрет товарга бўлган “реанимация” талабини билдиради.

РЕМЕДИУМ (*лот.*) — олтин стандартда валюта металл монетаси қийматининг унинг номиналидан ўзгариш чегараси.

РЕМИЗ (*фр.*) — биржа маклёри томонидан қимматли қоғозлар маклёри ва сотиб олувчилари ўртасида воситачи бўлиб чиқувчи шахсга тўланадиган комиссия мукофот.

РЕМИЗА (*фр.*) — перевод вексель орқали тўланадиган пул.

РЕМИССИЯ (*лот.*) — счётлар бўйича камайиш томонига тўлов суммасини яхлитлаш учун скидка.

РЕМИТЕНТ (*лот.*) — фойдасига перевод вексели (тратта) ёзилган шахс, биринчи вексель эгаси. *Р.* перевод вексели бўйича пул маблағларини олиши ва уни бошқа кишига ўтказиши, яъни вексель берувчи (тассант) бўлиши мумкин.

РЕМИТИРОВАНИЕ (*лот.*) — қарздор миллий валюта бозорида ўз мамлакати валютасига чөл эл валютасини (тратта, чек, пул ўтказиши) сотиб олган ва у кредиторга унинг олдидаги қарзини қоплаш учун юборилганда чет эл валютасида қарзни қоплаш усули.

РЕНОВАЦИЯ (*фр.*) — уларнинг оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи жисмоний ва маънавий эскириши натижасида чиққан асосий ишлаб чиқариш фондла-

ри элементларини янгилашнинг иқтисодий жараёни. Асосий фондларнинг тугатиладиган элементларини янги, техник жиҳатдан энг такомиллашганлари билан алмаштириш орқали амалга оширилади. *Р.* харажатлари асосий фондларни тўлиқ тиклашга қаратилган амортизация ажратмалари ҳисобидан молиялаштирилади.

РЕНТА (*нем.*) — ўз қабул қилиб олувчиларидан тадбиркорлик фаолияти талаб қилмайдиган капитал, мулк ёки ердан мунтазам олиниб туриладиган ҳар қандай даромад. Давлат заёмлари облигациялар эгалари томонидан олинадиган даромад ҳам *Р.* деб аталади. Ер *Р.* — қишлоқ хўжалигида бевосита ишлаб чиқарувчилар томонидан яратиладиган ва ер эгаси томонидан ўзлаштириладиган қўшимча қийматнинг бир қисми. Абсолют, дифференциал ва монополь ер рентаси фарқ қилади.

РЕНТАБЕЛЛИК (*нем.*) — маълум даврда корхоналар, бирлашмалар, тармоқлар, умуман, халқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги комплекс кўрсаткичларидан бири. У моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

РЕНТИНГ (*лот.*) — ижародор томонидан уларга кейинги эгалик қилиш ҳуқуқсиз машина ва ускуналарни қисқа муддатли, одатда олти ойгача ижарага бериш. Ижара тўғрисида шартноманинг амал қилиши давомида ижарага бериладиган қийматликларига мулккий ҳуқуқини сақлаб қолувчи машиналар ва ускуналарнинг эгаси одатда рентинг жамияти ҳисобланади, машиналар ва ускуналар бўйича харажатларни кўтаради. Рентинг бўйича ижара ҳақи лизинг бўйича ижара ҳақидан юқори бўлади.

РЕОРГАНИЗАЦИЯ (*лот.*) — қайтадан кўриш, қайтадан солиш, ўзгартириш; юридик шахсни реорганизация қилиш — ишлар ва мулкларни тугатмасдан юридик шахс фаолиятини тўхтатиш (бирлашиш, корпорацияларнинг қўшилиб кетиши ва ҳ.к.).

РЕПАРАЦИЯ (*лот.*) — 1. Халқаро ҳуқуқда давлат томонидан келтирган зарарни бошқа давлатга пул ёки бошқа шаклда қоплаш. *Р.* тўлаш одатда тинчлик шартномасида кўзда тутилади; 2. Уруш келтирган моддий зарарни тўла ёки қисман тўлаш; галаба қилган давлатга енгилган мамлакат томонидан тўланади.

РЕПОРТ (*фр.*) — 1. Янгичасига маълум муддатдан кейин энг юқори курс бўйича кейин сотиб олиш мажбурияти билан қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли биржа битими. *Р.* депортга тескари тарзда қоғозлар курсини оширишга йўналтирилган; 2. Валюта бозорида — чет эл валютасини миллий валютага бир вақтнинг ўзида маълум муддатдан кейин энг юқори курс

бўйича уни сотиб олишга битим тузиш билан сотиш бўйича мавжуд битимни уйғунлаштириш.

РЕПОРТ БИТИМ (фр.) — маълум муддатдан кейин оширилган курс бўйича уларни сотиб олиш шарти билан кун курси бўйича қимматли қоғозларни банкка сотиш.

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ (фр.) — вакиллик.

РЕПРЕССАЛИИ (лот.) — бир давлат томонидан бошқа давлат қонунсиз ҳаракатларига жавоб сифатида ушбу ҳаракатларни тўхтатишга уни мажбур қилиш ва зарарни қоплатиш мақсадида мажбурий жарималари.

РЕПРИВАТИЗАЦИЯ (фр.) — олдиндан сотиб олинган ёки национализация (конфискация) қилинган корхоналар, ер участкалари, банклар, акциялар, қимматли қоғозлар ва ҳ.к. хусусий мулкка қайтариш.

РЕСИПРОСИТИ (инг.) — қайтадан суғурта қилинадиган шартномаларни жойлаштиришда одатда талаб *Р.* суғурта мукофоти ҳажми бўйича у ёки бу томон шартномалари ўтишининг кутиладиган натижалари бўйича ифода этилиши мумкин.

РЕСПОНДЕНТ (инг.) — анкета саволларига жавоб берувчи ёки интервью берувчи шахс.

РЕСТАНТЫ (фр.) — 1. Корхона, ташкилот балансини чиқариш вақтида ҳисобланадиган қарзлар; 2. Омборда ётган товар қолдиқ.

РЕСТИТУЦИЯ (лот.) — гражданлик ҳуқуқида битимни ҳақиқий эмас деб тан олинган ҳолатда битим бўйича булар томонидан барча олинган нарсани битим тузувчилар томонидан қайтариш. Олинган нарсани натурал тарзда қайтариш имконияти бўлмаса, пул ифодасида унинг қиймати қайтарилади. Қўш реституция кўплаб мамлакатлар қонунлари томонидан қабул қилинган умумий қондаси ҳисобланади, яъни томонларнинг ҳар биттаси бошқасига битим бўйича олинган барча нарсани қайтариши керак.

РЕСТРИКЦИЯ (лот.) — 1. Олтин захирасининг чет элга чиқиб кетишини, банкнинг ҳалокатга учрашини ва ҳ.к. бартараф этиш мақсадларида давлат ва банклар томонидан кредит ҳажмини қисқартириш; 2. Ишлаб чиқариш ёки экспортни чеклаш тўғрисида келишиш мақсадига эга бўлган саноат бирлашмаси шаклларида бири. *Р.* мақсади — баҳони кўтариш ва юқори фойда олишдир.

РЕСУРСЫ (фр.) — пул маблағлари, қийматликлар, захиралар, имкониятлар, маблағлар манбалари, даромадлар (табiiй, иқтисодий, молиявий *Р.*).

РЕТАРНО (итал.) — суғурта қилувчи томонидан суғурта қилинувчига рад этишга ҳуқуқ берувчи мажбуриятлар пайдо

бўлганда рад этиш муносабати билан ушлаб қолинадиган суғурта мукофотининг бир қисми.

РЕТОРСИЯ (лот.) — бир давлат томонидан бошқасига ёки унинг фуқароларига ҳуқуқлар чекланганлигига жавоб сифатида чекланган тадбирлар қўллаш; божнинг оширилишида, санитария назоратининг махсус қоидаларини киритиш ва ҳ.к.да ифодаланади.

РЕТРОАКТИВНОСТЬ (лот.) — аввалдан билдириш билан олдиндан келишган шартлар асосида қимматли қоғозларни уларнинг эгалари томонидан сотиб олиш имконияти.

РЕТРАКЦИЯ (лот.) — хато суд ҳукмини бекор қилиш.

РЕТРАТТА (рекамбио) (итал.) — 1. Тесқари перевод вексели (муқобил тратта). Р. векселга уни тўлаган шахс томонидан эътироз билдирилган ҳолатда вексель эғасининг (трассат) номига ёзилади. Талаб қилувчига ўтказилган суммани қоплаш ва эътироз бўйича фоизлар, жарималар ва харажатларни тўлаш мақсадида вексель бўйича жавобгар шахсларнинг бирига талаб қўйилади. 2. Векселни инкассага қабул қилишга эътироз билдириш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун мижозга қўйилган банк счёти.

РЕТРЕКТИВ ПРЕФАКЦИЯЛАР (лот.) — эгалари компанияни маълум моментда маълум баҳода акцияларни қоплашга мажбур қилиши мумкин бўлган преференциал акциялар. Эғаси компанияни хоҳлаган муддатда олдиндан чиқариш тўғрисида хабар қилишга мажбур. Айрим ҳолатда Р.п. қоплаш ёки имтиёзли конверсиянинг икки ёки ундан ошиқ саналари билан чиқарилади.

РЕТРЕКТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР (лот.) — маълум шароитларда эғаси томонидан эмитентга маълум муддатда қоплаш учун кўрсатиши мумкин бўлган облигациялар ёки преференциал акциялар. Амал қилувчи қимматли қоғозларни муомаладан чиқариш учун олинган пуллардан фойдаланиш мақсадида компания томонидан янги қимматли қоғозларни сотиш.

РЕТУР (лот., фр.) — товарни қайтариш.

РЕФАКЦИЯ (лот.) — ўзининг сифати бўйича ўрнатилган стандарт ёки шартномага мос келмовчи товар (ёки унинг партияси)нинг улгуржи баҳосидан олинадиган скидка. Энг аввало донли ем ва нон маҳсулотлари ташқи савдо битимларида қўлланилади.

РЕФЕРЕНДУМ (лот.) — давлат ва жамиятнинг қандайдир ҳаётий масалалари бўйича умумхалқнинг овоз бериши.

РЕФЕРЕНЦИЯ (лот.) — фирманинг тўловга қодирлигига гувоҳлик берувчи тавсиянома; ишбилармонлик доираларида ишончга эга бўлган бошқа шахс ёки ташкилот томонидан (акционер

жамият, банк ва ҳ.к.) шахсга ёки корхонага бериладиган характеристика; референцияда *Р.* сўраладиган шахс ёки ташкилотнинг ишчанлик сифатлари ва кредит беришга қодирлиги кўрсатилади.

РЕФИНАНСИРОВАНИЕ (*лот., фр.*) — 1. Мавжуд қарзни қоплаш учун янгидан маблағ олиш (масалан, одинган маблағларга эски акцияларини қоплаш учун янги чиқарилган акцияларни сотиш). *Р.* қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатга айлантириш ва заёмлар шароитини яхшилаш учун қўлланилади. Кредитни *Р.* қилиш — мижозга кредитни таъминлаш учун банк томонидан энг арзон қисқа муддатли банклараро ссудаларни жалб этиш; 2. Олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришга такрорий ёки қўшимча капитал маблағ солиш; одатда хорижий капиталга нисбатан қўлланилади.

РЕФЛЯЦИЯ (*лот., фр.*) — пасайтирилган баҳоларни олдинги даражасига қадар тиклаш; бошқариладиган иқтисодиётни жонлантириш. Бундан ташқари *Р.* — монетар сиёсат ёрдамида баҳолар тикланадиган жонланиш даврида инфляциянинг турли хил кўринишларидан бири.

РЕЦЕПИССА (*лот.*) — товарлар олишда дастлабки тилхат.

РЕЦЕССИЯ (*лот.*) — одатда узлуксиз икки квартал давомида аниқланадиган инқироз, ишчанлик активлигининг пасайиши. Реал ялпи миллий маҳсулотнинг камайиши.

РЕЦИПИЕНТ (*лот.*) — қандайдир тўлов ёки даромад олувчи жисмоний ва юридик шахс ёки давлат.

РЕЭКСПОРТ (*лот.*) — уларни қайта ишламасдан чет элдан олдин олиб келинган товарларни мамлакатдан қайтадан чиқариш.

РИВОЖЛАНГАН БОЗОР — намоён қилиш учун бозор механизми тўла кенглик оладиган бозор, бунда созланган бозор инфраструктураси тизими мавжуд бўлади, бозор муносабатлари иштирокчилари (мулкдорлар) эркин бозор фаолиятига эга бўлади. *Р.б.* қуйидаги сифатий кўрсаткичлар билан характерланади: талаб, таклиф ва баҳо ўртасидаги узвий ўзаро боғлиқликни ўз ичига олувчи (автоматик) амал қилувчи бозор механизми. Бозор иқтисодиётида эркин баҳо белгилаш — бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Акс ҳолда, ўз-ўзини тартибга солиш механизми ишламайди, ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талабига йўналтириш мумкин эмас; ўзаро боғлиқ бир бутун бозор тизимининг мавжудлиги — товарлар, капиталлар, иш кучи, қимматли қоғозлар; банклар, кредитлар, суғурта муассасалари, биржалар, улгуржи корхоналар ва бошқа компонентларни ўз ичига олувчи созланган бозор инфраструктураси тизими; умуман, бозор таклиф

қиладиган товарларнинг уларга бўлган талабдан ошиши, бозорда унинг ажралмас хусусияти ҳисобланган рақобатнинг мавжудлиги.

РИВОЖЛАНАДИГАН МАРКЕТИНГ — товарлар ёки хизматларга бўлган потенциал талабни реал тавсия этиладиган оборот бўйича корхона маркетинг фаолияти тури. *Р. м.* вазифаси маркетинг имкониятини керакли йўналишга талабни ривожлантиришни ориентация қилишдан иборат.

РИМЕССА (*итал.*) — халқаро ҳисоб-китобларда қарздор томонидан миллий валютага учинчи шахсдан сотиб олинadиган ва чет эл кредиторига қарзини қоплаш учун юбориладиган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари.

РИМСКИЙ КЛУБ — иқтисодиётни давлат томонидан тартибга туширишни прогнозлаш билан шуғулланadиган ноҳукумат ташкилоти.

РИНГ (*инг.*) — бозорда қандайдир товарни сотиб олиш ва кейин уни юқори баҳо билан сотиш орқали фойда олиш мақсадида тадбиркорларнинг қисқа муддатли битими.

РИЭЛТЕР (*лот., инг.*) — кўчмас мулкни сотиш бўйича агент.

РОЛКЕР (*лот., инг.*) — автоприцеплар, контейнерлар, пакетларда жойлаштирилган йириклашган юклар партиясини ташиш учун кема.

РОЛЛЕРВЕР КРЕДИТ (*нем.*) — сузувчи фоиз ставкалари бўйича берилadиган турли хил ўрта ва узок муддатли кредитлар.

РОЭЛТИ (*инг.*) — лицензион битим буюмидан фойдаланиш ҳуқуқи учун сотувчига (цензиларга) даврий ажратмалар. Амалиётда *Р.* лицензион битимининг амал қилиш муддати давомидан келишилган вақт оралиғи орқали лицензиат томонидан тўланадиган қайд этилган ставкалар тарзида ўрнатилади. *Р.* ставкаси сотилган соф лицензион маҳсулот қиймати, унинг таннархи ва ялпи фойдадан фоиз ҳисобида ўрнатилади ва чиқариладиган маҳсулот бирлиги ҳисобига қараб аниқланади. Амалиётда *Р.* ставкасини аниқлаш кўплаб омиллар билан белгиланади.

РҲЙХАТ ҚИЛИШ ТҲҒРИСИДА гувоҳнома — ҳужалик фаолияти иштирокчилари сифатида рўйхат қилинган корхоналар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш кооперативлари ва бошқа ташкилотларга берилadиган ўрнатилган намунадаги ҳужжат.

РУХСАТ БЕРИЛГАН КАПИТАЛ — низомида қайд қилинган акционер капиталнинг миқдори, корпорация чиқариши мумкин бўлган акцияларнинг максимал суммаси сифатида қаралади.

РЭКЕТ (*инг.*) — куч ишлатиш ёрдамида қўрқитиш ва куч ишлатиш орқали амалга оширилувчи йирик товламачилик.

САБЛЕТ — шартнома бўйича ўзига қабул қилган мажбуриятларни бажариш учун бир фрахтовател томонидан бошқасига асосий фрахтователнинг масъулияти шартини бажариш учун чартерни бериш.

САВДО АГЕНТИ — ўзаро рақобат қилмайдиган саноатчилар бир неча жойдаги маълум товарларни сотиш билан шуғулланади.

САВДО БАНКЛАРИ (инг.) — халқаро операцияларга устун даражада ихтисослашган Буюк Британия кредит-молия муассасалари гуруҳининг традицион номи.

САВДО БИРЛИГИ — муддатли товар биржасига контрактнинг стандарт ҳажми.

САВДО ВАКОЛАТХОНАСИ — чет элда унга тегишли бўлган ташқи савдо монополияси соҳасида ўз давлати ҳуқуқини амалга оширувчи махсус орган. Одатда дипломатик ваколатхонанинг бир қисми сифатида *С. в.* айти пайтда ташқи савдо вазирлигининг чет эл органи ролини ҳам бажаради.

САВДО ВЫРУЧКАСИ — чакана савдо корхоналари умумий овқатланиш томонидан аҳолига ва ташкилотлар, муассасалар, корхоналарга кичик улгуржи савдо тартибида товарларни реализация қилишдан олинган пул маблағлари суммаси.

САВДОГАР — биржада битим тузувчи ҳар қандай шахс.

САВДО ДИСПОНТИ — 1. Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини улгуржи ёки чакана савдо бўйича сотадиган баҳони эълон қилинган чакана баҳога нисбатан камайтириш; 2. Улгуржи савдогар товарни чакана савдо билан сотадиган баҳолар.

САВДО КАПИТАЛИ — товар муомаласи соҳасида фаолият қилувчи капитал. Ажралиб чиққан саноат капиталининг бир қисми. *С. к.* ижтимоий капитални реализация қилиш жараёнига хизмат қилади ва товар капиталининг ўзгарган шаклини билдиради.

САВДО МАКЛЁРЛАРИ — ишбилармонлик контактларини вақти-вақти билан ўрнатувчи воситачи. *С. м.* маълум шериклар билан шартнома муносабатлари орқали боғланмаган, аммо у ёки бу битимнинг конкрет иштирокчисига ўз хизматларини таклиф қилади. Воситачилик қилганлиги учун ҳар иккала томондан ҳам мукофот олади.

САВДО МАРКАСИ — ўзига хос расмийлаштирилган фарқ қилувчи белги, бунда савдо корхоналари уларнинг буюртмалари бўйича тайёрланган, улар томонидан реализация қилинадиган

буюмларга халал бериш ҳуқуқига эга: график тасвирлаш, рақамлар, ҳарфлар ёки сўзларнинг уйғунлашуви, ўзига хос қадоклаш.

САВДО ОДАТИ — ишбилармонлик фаолиятида умумий қабул қилинган ва доимий равишда қабул қилинадиган ҳолат, одат.

САВДО ПАЛАТАСИ (лот.) — ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт ва ҳ.к. шароитлари тўғрисида ахборот билан таъминлаш орқали унинг иштирокчиларига тadbиркорлик фаолиятида ёрдам кўрсатадиган маҳаллий тadbиркорлар ассоциацияси.

САВДО ПЕШТАХТАСИ — акциялар ва опционлар сотиладиган ва сотиб олинadиган биржа операция залидаги жой.

САВДО ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРИ — бир давлатнинг бошқасига ўзаро асосда ёки бир томонлама тартибда берадиган савдо-сиейсий режимидаги имтиёзлар.

САВДО СУДИ — қатор мамлакатларда суд муассасалари махсус юрисдикция бўлиб, даъволарни асосан савдо битимлари бўйича ҳал этади. Бошқа мамлакатларда тижорат даъволари ё граждaнлик судларининг махсус бўлимлари ёхуд шундай даъволарни кўришга ихтисослашган судьялар томонидан ечилади. С. с. биров-бировидан граждaнлик ва савдо ҳуқуқи билан алоҳидаликка эга бўлган (Франция, Бельгия, Австрия, Швейцария) хусусий ҳуқуқнинг дуалистик тизими мавжуд мамлакатларда сақланади.

САВДО ТЕРМИНЛАРИ (лот.) — халқаро савдода амалиёт томонидан ишлаб чиқилган товарларни сотишдаги стандарт изоҳли шартлар. Уларнинг энг кўп тарқалганлари қуйидагилар: ФАС, ФОБ, СИФ, КАФ, Франко (қаралсин).

САВДО ВА УЛГУРЖИ СОТИШ СКИДКАЛАРИ — товар чакана баҳосининг таркибий элементи: муомала харажатларини қоплаш ва нормал фойда олиш учун саноат ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари томонидан чакана ва улгуржи савдо корхонасига берилади.

САВДО УЙИ — кучли тaшқи савдо компаниялари билан бир қаторда ишлаб чиқариш, банк, суғурта, транспорт, чакана улгуржи ва бошқа фирмаларни ўз ичига олувчи конгломератция хилидаги кўп профилли савдо компанияси. С. у. тушунчаси мамлакатлар бўйича кучли табақалашган. Кўплаб шундай тaшқилотлар учун умумий фарқ қилувчи белгилар: товарлар кенг номенклатураси бўйича ўз номидан ва устун даражада ўз ҳисобидан экспорт-импорт, товар айирбошлаш ва бошқа операцияларни амалга ошириш; кучли нақд ўз оборот фондларининг мавжудлиги; тaшқи савдо фаолиятини ички савдо ва ҳ.к. билан интеграциялаш.

САВДО ШАРТНОМАЛАРИ ВА БИТИМЛАРИ — мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишчи халқаро шартномалар ва битимлар тури. Савдо шартномалари савдо ва дентизда сузиш тўғрисида шартномалар, савдо битимлари мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларда шартнома-ҳуқуқий базани вужудга келтиради, ушбу муносабатлар тамойилларини ўрнатади, уларнинг ҳуқуқий режимларини белгилайди, биров-бировлари ҳудудида савдо ваколатхоналари тузиш ҳуқуқини беради.

САЛЬДИРОВАНИЕ (*итал.*) — счёт рақами бўйича узил-кесил тўлаш.

САЛЬДО (*итал.*) — маълум вақт оралиғида пул тушумлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ.

САЛЬДО БАЛАНСИ (*итал., фр.*) — маълум вақтга бухгалтерия ҳисоби счётлар қолдиқларини (сальдо) ўз ичига олувчи бухгалтерия баланси.

САММИТ (*инг.*) — конференция, кенгаш ёки олий даражадаги музокара.

САМООКУПАЕМОСТЬ — чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан ёки кўрсатилган хизматдан олинган даромадлар билан харажатларни тўла қопловчи хўжалик юритиш принципи.

САМОФИНАНСИРОВАНИЕ (*фр.*) — маҳсулотни сотишдан олинган ўз даромадлари ҳисобидан корхонанинг оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини молиялаш.

САНАЦИЯ (*лот.*) — унинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадларида чора тизими ўтказиш йўли билан корхонанинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш.

САНОАТ КАПИТАЛИ — моддий ишлаб чиқариш соҳасида фаолият қилувчи ва бир вақтнинг ўзида доиравий айланишнинг барча уч босқичларида (муомала — сотиб олиш, ишлаб чиқариш жараёни ва муомала — сотиш) бўлувчи ва уларнинг функционал шаклларига мос келувчи капитал (пул капитали, унумли капитал, товар капитали). Капитализм ривожланиши билан С. к. дан фақат товар-пул муомаласи соҳасида фаолият қилувчи савдо капитали ва ссуда капитали ажралиб чиқади.

САНИРОВАНИЕ (*лот.*) — 1. Уларнинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида корхоналарнинг молиявий аҳолини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тизими. Одатда акционер жамият шаклига эга бўлган фирмаларда С. амалга оширилади. С.нинг кўплаб комплекс методлари қўлланилади: янги чиқариладиган акцияларни қисқартириш орқали акционер капитални камайтириш, эски акцияларнинг номинал қийматини пасайтириш, ҳукумат субсидиялари бериш,

солиқ олиш бўйича имтиёзлар ва ҳ.к. 2. Баланс ахбороти, яъни ҳисобот йилига тегишли фойда суммаси қисмини фойдани тақсимлаш ҳисоб-китоби тасдиқлангандан кейин ёпиш ва ҳисобдан чиқариш.

САҚЛАШ ҚИЙМАТИ — 1. Суғуртани, омбор харажатларини ва фоизлар тўловларини ўз ичига олувчи мавжуд товарни сақлаш қиймати; 2. Муддатли битимлар бозоридаги ҳар хил муддатларда етказиб бериладиган товар нархлари унинг суғуртаси, сақланиши ва фоизлар тўлови бўйича харажатларни тўла ифодалайдиган вазият.

СБОР — давлат органлари томонидан уларга кўрсатиладиган хизматлари учун корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва айрим шахсларнинг мажбурий тўлови.

СВИНГ (*инг.*) — томонларни ёки клиринг ҳисоб-китобларини ўзаро кредитлаш чегаралари. С. вақтинчалик олишида кредитор мамлакат товарлар етказиб беришни тўхтатиши ё қарздор мамлакатдан ушбу савдони қоплашни талаб қилиши мумкин.

СВИТЧ (*инг.*) — етказиб бериш муддатини бир ойдан бошқасига ўтказиш. Мавжуд контрактни тугатиш ва товарни энг узоқ муддатта етказиб бериш билан бир вақтда янгисини сотиб олиш орқали эришилади.

СВИФТ (*инг.*) — компьютер сети орқали халқаро тўловларни амалга оширишнинг автоматлашган тизими.

СВОП (*инг.*) — форвард битими ва спот битими уйғунлаштириладиган турли хил валюта операциялари; нақд валютани сотиш (спот) бир вақтнинг ўзида уни муддатга (форвард) сотиб олиш билан ва аксинча амалга оширилади. Бундай операциялар қўшимча иқтисодий наф олишга имкон яратади ёки валюта талафотлари билан боғлиқ бўлади.

“СВОП” БИТИМИ (*инг.*) — муомаладан облигациялар чиқариладиган битим, унинг ўрнига эса акциялар чиқарилади. Биринчи С. б. 1981 йил август ойида АҚШдаги “Соломон Бразерз” банки томонидан ўтказилган.

СВОЦИОН (*инг.*) — маълум шартлар билан (мукофот тўлови ўрнига) своп операцияларини ўтказишга опцион шаклида своп ва акцион комбинацияси.

СЕЙЛЗ ПРОМОШН (*инг.*) — 1. Товар ҳаракати, сотишни рағбатлантириш; 2. Мукофотлар, совғалар, конкурслар ва ҳ.к. ёрдамида савдо ходимлари меҳнатини тақдирлаш.

СЕКВЕСТР (*лот.*) — ҳокимият органлари томонидан ман қилинган ҳар қандай мулкдан фойдаланишни тақиқлаш.

СЕКРЕТАРЬ (*фр.*) — 1. Тақиқланган ёки тайинланган ижтимоий ташкилот ва давлат муассаса раҳбари; 2. Давлат хизматчисининг мартабаси; 3. Мажлис, кенгаш қарорларини юритувчи

шаҳс; 4. Иш юритиш, қандайдир шаҳс, ташкилот, муассаса билан ўзаро хат ёзишни олиб боровчи ходим.

СЕКЬЮРИТИЗАЦИЯ (*инг.*) — ссуда капитали ҳаракати воқеаси инструменти сифатида қимматли қоғозлардан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда қимматли қоғозларга традицион тегишли бўлган бошқа инструмент шаклларига бериш жараёни.

СЕНТИМО — товар-транспорт ҳужжатларининг учинчи экземпляр.

СЕРВИС (*инг.*) — сотиш ва машиналар, ускуналар, транспорт воситаларини эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган комплекс хизматларни таъминловчи корхона маркетинги фаолиятининг тизими бўлими. С. буюмни унинг бутун хизмати муддати давомида иш қобилиятини таъминлаши керак. С. сотиш олди ва сотишдан кейинги сервисларга бўлинади.

СЕРВИТУТ (*лот.*) — буюм ҳуқуқининг махсус тури; қонун ёки шартнома томонидан ўрнатилган бегона буюмдан ўрнатилган чегарада фойдаланишнинг бўйсунуш ҳуқуқи ёки маълум муносабатда унинг эгасини чеклаш.

СЕРИАЛ ОБЛИГАЦИЯЛАР (*лот.*) — қарзнинг бир қисми ҳар йили туланадиган, фоиз туловлари чиқариладиган, шунинг учун муомалада қоладиган облигациялар сифати бопадиган облигациялар. Қисқа муддатли С. о. одатда банклар ва трасткомпаниялар, ўрта ва узоқ муддатли С. о. суғурга компаниялари ва индивидуал инвесторлар томонидан сотиб олинади. С. о. 50—60-йилларда чиқарилган. Кейинги вақтда компания мажбурий қоплаш билан С. о. нисбатан катта мосланувчанликка йўл қўядиган қолдирилган фонд облигацияларини маълум кўради.

СЕРИЯЛИ ОБЛИГАЦИЯ (*лот.*) — ҳар хил қопланиш муддатлари билан серияли чиқариладиган облигация.

СЕРИЯ (*лот.*) — бир вақтда бир тартиб остида ёки қандайдир бошқа белги остида чиқарилган жами қимматли қоғозлар.

СЕРТИФИКАТ (*фр.*) — гувоҳнома, ҳужжат, ёзма шаҳодатнома. Пул белгилари ва уларнинг ўрнини босувчилар, давлат заёмлари облигацияларининг айрим турлари ёки жамғарма сертификатлари деб номланади.

СЕРТИФИКАТОФИЛИЯ (*фр.*) — 70-йилнинг ўрталарида пайдо бўлган ва эски облигациялар, акциялар ва молия инструментларини коллекционерлашни билдирувчи термин. Молия инструментининг қиммати уларни расмийлаштириш ва молия ҳамда ишбилармонлик дунёсидаги эмитентнинг ролига боғлиқ бўлади.

СЕРТИФИКАЦИЯ МАРКАЗИ (*фр.*) — вазифасига маълум техник ва истеъмолчилик сифатига эга бўлган маҳсулот турларининг ГОСТ нормалари ёки халқаро стандартларга мос келишини давлат қарамоғидаги эксперт тизилмалари.

СЕССИЯ (лат.) — маълум товар, қимматли қороз бил. жа савдоси олиб бориш давомидаги вақт. Масалан, фонд жасида акциялар учун ўз сессияси, шунингдек, опционлар ў ҳам сессия мавжуд бўлади.

СЕТТЛЬМЕНТ (сеттльмент, сэтлемент) (инг.) — 1. Англия-Саксония мамлакатлари гражданлик процессида томонлар ўртасидаги битим қонун кучи натижасида судда ишни эшитиш қарор чиқарилганга қадар тўхтатилади. Агарда томонларнинг биттаси С. шартларини бажармаса, улар суд орқали мажбуран амалга оширилиши мумкин; 2. Мулкка буйруқ бериш акти ҳамда мулкка ишончни ўрнатиш акти; 3. Англияда мерос бўйича қоидага кўра оиладаги катта ўғилга ўтадиган оилавий кўчмас мулкни таъсис этиш; 4. Биржа операциялари бўйича тўлов куни амалга ошириладиган биржадаги ҳисоб-китоблар; 5. XIX—XX асрларда С. мустамлакалардаги ёки номустақил шаҳарларнинг маҳсу районлари шундай деб аталган.

СЕШЕН КЛОУЗ (инг.) — қайта ён босиш тўғрисидаги шарт бўлиб, унга мувофиқ фрахтователь чартерни бажариши учун бошқа фрахтователларга бериш ҳуқуқи берилади.

СИБОР (инг.) — Сингапурдаги Осиё долларлари бозорида чет эл валютасидаги банклараро депозитлар бўйича ставка.

СИНДИК (грек.) — 1. Айрим мамлакатларда шаҳар бошлиғи ёки ўзини-ўзи бошқариш жамоаси, айрим муассасаларнинг вазифадор шахси, корпорация, университет ва ҳ.к.нинг иш бошқарувчиси; 2. Вазифадор шахс, қайсидир муассасанинг суд ишчили олиб борувчиси.

СИНДИКАТ (грек.) — 1. Картель хилидаги битим шаклиридан бири, унинг мақсади юқори фойда олиш учун бозор (бир хил маҳсулот массаси) устидан назорат ўрнатиш орқали сотиш ва хом ашёни харид қилиш соҳасида монополиялар ўртасидаги рақобатни бартараф этишдан иборатдир. Синдикатда унинг иштирокчилари маҳсулотини реализация этиш ҳамда хом ашёни харид қилиш ягона орган — сотиш бўйича идора орқали амалга оширилади, у барча буюртмаларни концентрация қилади ва тақозо этиладиган квотага мос равишда тақсимлайди; 2. Ҳамкорликдаги сотишни ва янги чиқарилган қимматли қорозларни жойлаштиришни кафолатловчи инвестиция банклари гуруҳи.

СИНДИЦИРОВАННЫЕ КРЕДИТЫ (грек.) — консорциал кредитлар банкларнинг икки ёки ундан ошиқ кредиторлари томонидан битта заём берилади.

СИНЕРГИЗМ (грек.) — ишбилармонлик амалиётидаги ҳодиса бўлиб, бунда умумий натижа айрим самара суммасидан ошиб кетади. С. мақсади — ҳар қандай йўл билан қўшилиш.

СИНТЕТИК УЧЕТ (*грек.*) — умумлаштирилган кўрсаткичлардаги маблағлар ва ҳужалик жараёнлари бухгалтерия учёти.

СИНХРОМАРКЕТИНГ (*грек.*) — ўзгариб турадиган талабда рағбатлантириш усули.

СИТУАЦИЯ АНАЛИЗ (*фр., гр.*) — вақтнинг айнан лаҳзасига бўлган ҳолати бўйича корхонанинг ишлаб чиқариш-тижорат фаолияти ва унинг ташқи муҳитини комплекс ўрганиш. *С. а.* бозордаги ўзгариш характери, корхона иши натижаларини баҳолаш ва стратегияси ҳамда корхонанинг жорий режаларини ишлаш учун хулосалар ва тавсияномаларни таърифлаш имконини беради. *С. а.* блоklar бўйича гуруҳлашган савол ва жавоб асосида қурилган бўлади: бозорлар, экспорт товарлар, сотиб олувчилар, рақобатчилар, корхонанинг ички муҳити, ташқи муҳит, баҳолар ва баҳо сиёсати, товар ҳаракати каналлари, сотишни ташкил этиш, талабни ташкил этиш, реклама ва сотишни рағбатлантириш, сервис.

СИФ (*инг.*) — халқаро савдодаги товарларни етказиб бериш шартларидан бири, бунда сотувчи тоннажни фрахт қилиш ва фрахтни жўнатиш, товарни портга етказиш, келишилган муддатда кема бортига уни ортиш, коносаментни сотиб олувчига бериш, маҳсулотни транспорт хавфидан эҳтиёт қилиш, сотиб олувчига унга ёзилган суғурта полисини топиширишни бажаради.

СИФС ВЫГРУЗКОЙ (*инг.*) — тайинланган портдаги молларни тушириш бўйича харажатларни албатта, сотувчи тўлайди.

СИФАТ СЕРТИФИКАТИ (*фр.*) — етказиладиган товар сифатини тасдиқловчи энг кўп тарқалган илова қилиб юбориладиган ҳужжатлардан бири. Шартнома кўзда тутилган сифат кўрсаткичлари техник характеристикаларни ўз ичига олади. Одатда тайёрловчи корхона ё экспортчи томонидан бериллади. Сотиб олувчининг талаби бўйича сотувчи нейтрал томондан берилган шундай сертификатни тавсия этади.

СКАЛЬП (*инг., лот.*) — одатда қисқа вақт оралиғида амалга ошириладиган унчалик кўп бўлмаган фойда билан тижорат биржаси битими.

СКАЛЬПЕР (*инг.*) — энг қисқа вақт оралиғида кўпинча бир неча дақиқа рўй берадиган баҳо ўзгаришида уйнайдиган АҚШдаги биржанинг тўлақонли аъзоси.

СКВИЗ (*инг.*) — 1. Етиштириб беришда айнан бир ойга ёки айнан бир сортга, жойга эга бўлган корнер; 2. Кредит олиш қийин бўлган, фоиз ставкалари юқори даражани эгаллаган иқтисодий вазият. Шундай ҳолатда кредит сквизи терминидан фойдаланилади.

СКИДКА — сотиш бозорини кенгайтириш, айрим харажатларни қоплаш, реализация қилинган товар миқдорини кўпай-

тириш мақсадида товарни сотувчи томонидан ҳар хил сотиб олувчиларга ажратиладиган сўм миқдори қирқдан ошиқ баҳо скидкалари турлари мавжуд.

СКОНТО (*итал.*) — нақд тўлаганлик ёки муддатигача тўлаганлик учун счётлар суммасидан скидкалар.

СКОНТО СКИДКАЛАР (*итал.*) — баҳо скидкалари бўлиб, бу нақд тўлаганлик ёки контрактга нисбатан тўловларни муддатидан олдин амалга оширганлик учун берилади ва битим қийматининг 3—5 фоизини ташкил этиши мумкин.

СКРИПОФИЛИЯ — эски облигациялар ва акциялар сертификатларини коллекциялаш.

СЛИП (*инг.*) — суғурта брокери хавф ва унинг суғурта шартлари тўғрисида маълумотлар бериладиган суғуртадаги ҳужжат.

СЛИЯНИЕ — икки ёки ундан ошиқ корпорацияларнинг қўшилиши.

СЛОГАН (*инг.*) — юборилган реклама сарлавҳаси.

СМЕТА — тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўзгаришлари, капитал қурилишига харажатлар ва ҳ.к.ни ҳисобга олиб харажатларнинг иқтисодий бир хил моддалари бўйича маълум календарь давр учун ишлаб чиқаришга ва маҳсулотни реализация қилишга (ишлар, хизматлар) кетган корхонанинг бўлажак режали харажатларини гуруҳлаш.

СОЛИҚ АГЕНТИ (*лот.*) — солиқ инспекцияси вазифадор шахси; *С. а.* суғурта солиқ тўловларини қабул қилишни амалга оширади.

СОЛИҚ ГАВАНИ — солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан чет эллик ссуда капиталларини жалб этиш учун сиёсат ўтказувчи унчалик катта бўлмаган давлат ёки ҳудуд. Айрим ҳолатларда имтиёзли солиқ олиш фақат айрим даромад турларига тарқатилади.

СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИ (*лот.*) — солиқ тўловчининг ўтган йилда олган даромадлари ва уларга солиқ скидкалари ва имтиёзлар тарқатиш тўғрисида расмий баёноти. Солиқ декларацияси ва солиқ олишнинг амалдаги ставкалари асосида молия ташкилотлари тўлашга тегишли солиқ миқдорини назорат қилади.

СОЛИҚ ЙИҒУВЧИЛАР — давлат томонидан солиқлар йиғиш мажбурияти юклатилган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар.

СОЛИҚ ИММУНИТЕТИ (*лот.*) — миллий ёки халқаро ҳуқуққа мос равишда айрим ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларни солиқ тўлаш мажбуриятидан озод қилиш.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ — жисмоний ва ҳуқуқий шахсларни солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод қилиш. *С. и.* солиқ сиёсати элементларидан бири ҳисобланади ва социал-иқтисодий мақсадларни кўзлайди. Ташқи иқтисодий соҳада *С. и.* экспор-

тёрларни мукофотлаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун кенг қўлланилади. *С. и.* куйидаги турлари энг кўп тарқалган: солиқ олинмайдиган минимум даромад, солиқ скидкалари, асосий даромаддан айрим харажатларни чиқариш, олдиндан тўланган солиқларни қайтариш, айрим солиқларни тўлашдан тўлиқ озод қилиш — солиқ каникуллари ва ҳ.к.

СОЛИҚ ОЛИШ ДАВРИ — солиқ ёки тушумни олишни амалга оширишга кетадиган вақт.

СОЛИҚ ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР — солиқ олишга тегишли ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ялпи даромадининг бир қисми.

СОЛИҚ ОЛИНАДИГАН ОБОРОТ — оборотдан солиқ кўпаядиган товарлар реализацияси бўйича оборот.

СОЛИҚ РЎЙХАТЛАРИ — молия органлари томонидан даромад солиғи олишга тегишли ҳунармандчилик, хусусий амалиёт, ундаги қурилиш ва бошқа индивидуал фаолият турларидан тушган даромадларга эга бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар.

СОЛИҚ СЕРТИФИКАТЛАРИ (*фр.*) — молия вазирлиги ёки бошқа тегишли давлат органлари томонидан корхоналар ёки корпорацияларга уларни маълум вақт давомида солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод қилиш тўғрисида бериладиган расмий ёзма гувоҳномалар.

СОЛИҚ СИЁСАТИ — солиқлар соҳасида давлат томонидан олиб бориладиган чора-тадбирлар системаси.

СОЛИҚ СИСТЕМАСИ (*грек.*) — давлатдан олинадиган жами солиқлар ҳамда уларнинг тузилиш шакллари ва методлари.

СОЛИҚ СОЛИШ — давлатга ёки маҳаллий ҳокимият органлари фойдасига жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан пул тўлови олиш (солиқлар билан). *С. с.* асосий вазифаси иқтисодиётни тартибга солишдан иборат. Солиқ воситалари ёрдами билан (фискаль сиёсат) давлат ҳўжалик конъюнктураси ҳолатига товар кўрсати, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Пул маблағларини қайта тақсимлаш *С. с.* бошқа энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

СОЛИҚ ТАРИФЛАРИ (*фр.*) — ҳар хил товарлар, кўрсатиладиган хизматлар ва ҳ.к. солиқлар олиш бўйича қатъий суммалар ёки фоизларда ифодаланган тизимланган ставкалар рўйхати.

СОЛИҚ СТАВКАСИ — солинган солиқ бирлигига солиқ миқдори. Қатъий солиқ ставкалари даромадларидан қатъи назар солинган солиқ бирлигига абсолют суммада ўрнатилади. Пропорционал солиқ ставкалари даромаддан унинг ҳажмидан қатъи назар бир хил фоизда ўрнатилади. Прогрессив солиқ ставкалари солиқ солинадиган даромад ҳажмининг ўсиб бориши билан кўпайиб боради. Регрессив солиқ ставкалари даромаднинг ўсиб бориши билан камайиб боради.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР — қонун билан солиқларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахс.

СОЛИҚ ФАРҚИ — ўртача фоиз бўйича солиқни тўловчи ташкилотларда вужудга келадиган оборот солиқ бўйича тўлиқ тўланмаган ёки куп тўланган сумма.

СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИ — қонунда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари ҳисоб-китобида тузиладиган солиқ сиёсати методи анализи.

СОЛИҚ ШАРТИ — мавжуд конкрет шартномани бажариш муносабати билан ҳудудга солинган барча солиқлар ва тушумларни томонларнинг ҳар биттаси ўз ҳисобидан тўлаши шартлигини ўрнатувчи хизматлар кўрсатиш, кредит битими тўғрисида савдо контракти, шартномаси шarti.

СОЛИҚ ҚОНУНЛАРИ (ҳуқуқи) — солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтатилиши билан боғлиқ бўлган мавжуд давлатда солиқ турларини ўрнатиш, уларни ундириш тартиби ва тартибга солиш муносабатлари ҳуқуқий нормалари мажмуи; молия ҳуқуқи институти.

СОЛО-ВЕКСЕЛЬ (итал.) — тўлашни амалга ошириш шарт бўлган, фақат битта шахснинг имзоси бўлган вексель, буларга перевод қилинадиганлардан фарқ қилиб барча оддий векселлар киради.

СОПОРУЧИТЕЛЬ — кредит тўғрисида битимга имзо қўювчи ва шу бўйича бошқа имзоланган мажбуриятлар билан ўзига тенг қабул қилган иккита (ёки яна битта) шахс.

СОРТАМЕНТ (фр.) — маркалари, профиллари бўйича маҳсулот таркиби.

СОСТРАХОВАНИЕ — бир вақтнинг ўзида ҳар биттаси ўрнатилган ҳиссада иштирок этувчи бир неча суғурта қилувчилар томонидан маълум хавфдан мулкни суғурта қилиш.

СОТИШ ГУРУҲИ ТЎҒРИСИДА БИТИМ — янги облигацияларни сотишда зарур ҳужжат, бу чакана миқозларга яна қайта сотиш учун дилерга қимматли қоғозларни бошқа воситачиларга таклиф қилиш имконини беради. Сотиш гуруҳи аъзолари уларнинг буюртмалари доирасидан чиқувчи ўзига ҳеч қандай мажбуриятлар қабул қилмайдиган маълум дисконт билан банк гуруҳидан қимматли қоғозларни сотиб олиши мумкин.

СОТИШДАН СОЛИҚ — ишлаб чиқариш — техник мақсадга тайинланган маҳсулот реализацияси қиймати, қатор халқ истеъмоли товарлари, бажарилган ишлар ва пуллик хизматлардан фоиз ҳисобида солиқ. Барча товар истеъмолчилари, бажарилган

ишлар ва хизматлар ушбу тур солиқнинг тўловчилари ҳисобланади.

СОТИШ СКИДКАСИ — ҳисоб-китобларда иштирок этиш билан маҳсулотни транзит билан сотиш бўйича функцияларни бажарганлик учун таъминот сотиш тапикилотига етказиб берувчи корхона томонидан бериладиган улгуржи баҳодан олинadиган скидка.

СОФ АКТИВЛАР ҚИЙМАТИ — бир акцияга бўлган активлар соф қийматини билдирувчи кўрсаткич. Одатда инвестиция компаниялари муносабати билан фойдаланилади. Инвестиция компанияси у эгалик қилган барча қимматли қоғозлар бозор қийматини жамлаш орқали ўз активларини ҳар куни ёки ҳафта бир кунда икки марта баҳолайди. Барча мажбуриятлар чиқариб ташлангандан кейин қолдиқ тўламаган акциялар миқдорига бўлинади. Якунда олинган рақам бир акцияга соф активлар қийматини кўрсатади.

СОФ МАҲСУЛОТ — янгидан ҳосил қилинган қийматга мос келувчи ялпи маҳсулотнинг бир қисми. *С. м.* моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилади ва жами ижтимоий маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қийматини чиқариш йўли билан аниқланади. Барча моддий ишлаб чиқариш тармоқлари *С. м.* суммаси миллий даромадини ташкил этади.

СОЦИАЛ АССОЦИАЦИЯЛАР (*лот.*) — (иттифоқлар, фондлар, федерациялар) корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар ҳамда маълум шароитларда қандайдир жамият ҳаёти соҳаларида иштирок этувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида ҳамкорлик қилиш учун давлат институтларини ҳам бирлаштиради.

СОЦИАЛ СУҒУРТА (*лот.*) — қариганда, касал ёки ишсиз бўлганда фуқароларни моддий таъминлаш ва хизмат кўрсатиш тизими. Кўплаб тараққий этган мамлакатларнинг қонун низомларига кўра социал таъминотига ажратмаларни мажбуран ундириш билан бир қаторда *С. с.* тизимига иштирок этиш мажбурий ҳисобланади.

СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ (*лот.*) — қариганда тўла ёки қисман меҳнат қобилиятини, боқувчисини йўқотган фуқароларни моддий таъминлаш ҳамда кўп болалик, нотўлиқ ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишнинг давлат томонидан ўрнатилган тизими.

СПЕЦИАЛИСТ (*фр.*) — иккита асосий вазифани бажарувчи фонд биржаси аъзоси. Биринчи — ушбу мутахассисда рўйхат қилинган бозор қоғозлари меъёрий ишини қўллаб-қувватлаш. Бунинг учун биржа маклёрларининг мавжуд тоифаси агарда так-

лиф ва талаб ўртасида вақтинчалик номувозанат мавжуд бўлган ҳолатда оқилона доирада ўз ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиб олади ва сотади. Иккинчи — бошқа брокерга ишлайдиган брокер сифатида чиқади. Агарда брокер — комиссионер биржа операцион залида 60 долларга турувчи акцияни 50 доллардан сотиб олиш бўйича лимит буйруғи олса, у ушбу акция баҳоси келишилган даражага етганга қадар кутиб турмайди, акция баҳоси зарурий даражада турганда буйруқни бажарувчи мутахассисга (маклёрга) буйруқ беради. Мутахассис (ушбу тоифа маклёри) ҳар доим ўз мижозлари манфаатларини ўз манфаатидан устун қўяди.

СПЕЦИЕС (*инг.*) — счёт-пул бирлиги эмас, балки зарб қилинган металл монета эканлигини билдирувчи ҳар хил монета номларига қўшимча.

СПЕЦИФИКАЦИЯ (*фр., лот.*) — ҳар бир сорт, марка, аргикул, зарур бўлган ҳолатларда баҳолар, сифат кўрсаткичлари бўйича миқдорини кўрсатиш билан таклиф қилинадиган ёки етказиб бериладиган товарлар. С. бир неча турлари мавжуд: 1. Юк-лаб юбориладиган — товар партиясига товарни юбориш билан боғлиқ бўлган ҳужжат; агарда товар партияси айрим юк ўринларидан иборат бўлса, мулкый С. тузилади; 2. Шартномага илова қилинган С., одатда шартноманинг таркибий қисмини ташкил этади; 3. Счёт С. ҳисоб-китоб ҳужжатида таркибий қисмини билдиради.

СПИСАНИЕ — қандайдир активни зарарга ўтказиш, баланс активини маълум суммага камайтириш.

СПЛИТ (*инг.*) — акцияларни бўлиб юбориш; битта эски акция ўрнига бир неча янги акциялар чиқариш, бу битта акция номинал қийматининг камайишига олиб келади. Янги акцияларнинг пайдо бўлиши одатда бозорни жонлантиради ва акциялар оборотини тезлаштиради. Ушбу жараён таъсири остида бўлиб юборилган акциялар жами бозор баҳоси уларнинг олдинги ҳолатига қараганда ошади.

СПОНСОР (*лот., инг.*) — ўз бўйнига қандайдир йирик тадбирларнинг молия таъминотини олувчи ҳуқуқий ёки жисмоний шахс. Спонсорлик қоида бўйича чора-тадбирдан олинган даромадлардан фойдаланишда иштирок этмасдан реклама мақсадларида амалга оширилади.

СПОТ (*инг.*) — 1. Нақд товарга бўлган битим тури ёки молиявий инструментлар; 2. Тез ва жуда ҳам тезроқ етказиб бериш билан валюта ёки товар сотиш амалга ошириладиган баҳо. Валюта билан боғлиқ бўлган шартлар билан битим учун Сда уни етказиб бериш иккинчи иш кунда амалга оширилади.

СПОТ — БОЗОР (*инг.*) — реал товар билан савдо олиб бориладиган бозор, битимлар эса тузилган кундан бошлаб бир неча кун давомида тўғриланади. Айрим мамлакатларда спот — бозор узоқ давом этиб тўғриланиш билан характерланади. Лондонда душанбада бошланиб жумада тамом бўладиган икки ва уч ҳафталик савдо даврида қўлланилади.

СПРАВОЧНАЯ БАҲО — ички ва халқаро савдода улгуржи оборот баҳолари тури. Прейскурантларга киритиладиган преys-курaнт баҳолар *С. б.* нинг турли хил кўринишларидан бири ҳисобланади. *С. б.* битим тўғрисидаги ҳужжатда қайд қилинадиган контракт баҳони аниқлашда сотувчи ва сотиб олувчи учун дастлабки нуқта сифатида намоён бўлади.

СПРЭД (*инг.*) — 1. Бир вақтда битта товарнинг ўзига ёки ўзаро боғлиқ иккита ҳар хил товарга ҳар хил етказиб бериш муддатлари билан фьючерс контрактларини сотиб олиш ва сотиш; 2. Тўланадиган солиқларни камайтириш (солиқ спрэди) мақсадида ўзаро боғлиқ бўлмаган товарлар фьючерс контрактларини бир вақтда сотиб олиш ва сотиш; 3. Ҳар хил базис баҳолар ёки опцион тугагунга қадар ҳар хил давр бўйича бир хилдаги опционларни бир вақтда сотиб олиш ва сотиш.

СПРЭДЕР (*инг.*) — спред операциясини амалга оширувчи биржа савдоси иштирокчиси. Баҳолар фарқидан фойдаланиш ҳисобидан фойда олади; ҳар хил ойларда етказиб бериш билан битта товарнинг ўзига бўлган фьючерс контрактлари; ҳар хил биржалардаги битта товарнинг ўзига; битта биржанинг ўзидаги фьючерс контракти ва нақд товар.

ССУДА — заём шартномаси иштирокчиларининг биттаси томонидан бошқаларига қайтариш ва қоидага кўра фоиз тўлаш шартлари билан пул ёки моддий қийматликларни бериш.

ССУДА-ЖАМҒАРМА АССОЦИАЦИЯЛАРИ — аҳоли жамғармаларини тўплаш ва уй-жойларни сотиб олиш ва қуришни кредитлаш билан шуғулланувчи турли хил кредит муассасалари.

ССУДА ЖАМҒАРМА ЎРТОҚЛИКЛАРИ — кооперация кредит муассасаси.

ССУДА КАПИТАЛИ (*фр.*) — фойда тарзида ҳақ тўлаб қайтариш шартлари билан бериладиган пул капитали.

ССУДА ПРОЦЕНТИ (*лот.*) — қўшимча қиймат шакллари-дан бири. Банкир ўз пул капиталини саноатчига ёки савдогарга маълум процент билан вақтинчалик фойдаланиш учун беради. Мисол учун, функционал капиталист саноатчи банкирга товар ишлаб чиқариш натижасида олган фойда ҳисобидан фоиз тўлайди. Шунинг учун барча олинган фойда икки қисмга бўлинади: 1) пул капиталисти (ссуда капитали) томонидан ўзлаштирила-

диган ссуда фоизи ва 2) функционал капиталист томонидан ўзлаштириладиган тадбиркорлик даромади.

ССУДА СЧЁТИ — банк кредитлар бериш ва қайтаришни ҳисобга олувчи счёт. С.с. оддий ва махсус турларга бўлинади. Оддий С.с. бўйича кредитлаш қолдиқ бўйича кредитлаш дейилади; махсус ссуда счёт бўйича кредитлаш обороти бўйича кредитлаш деб аталади.

ССУДА ФОНДИ (фр.) — қайтариш асосида сафарбар қилинадиган ва фойдаланиладиган жами эркин пул фондлари маблағлари; жамият бойлиги шаклларида бири.

СТАБИЛИЗАЦИЯ (лот.) — қандайдир мол-мулк қийматининг бир хил даражада сақланиши.

СТАБИЛЬНЫЙ (лот.) — барқарор, доимий, маълум даражада мустаҳкам ўрнашган, ўзгармайдиган.

СТАГНАЦИЯ (лот.) — 1. Турғун иқтисодиёт ўсишининг сусайишини (3 фоиздан кам бўлган) ёки салбий ўсишини (инфляцияни ҳисобга олган ҳолда) белгилаш учун истъмоқ қилинадиган термин; 2. Қимматли қоғозлар бозорида паст активлик даври.

СТАГФЛЯЦИЯ (лот.) — турғунлик ёки ишлаб чиқаришнинг пасайиши (стагнация) ўсиб боровчи ишсизлик ва баҳо — инфляциянинг тўхтовсиз ўсиши билан уйғунлаштирилган иқтисодиётнинг ҳолати.

СТАДИЙНОЕ ВРЕМЯ (грек.) — юк сотиш ва юк тушириш ишлари фрахтователи томонидан денгиз орқали юк ташишда ишлаб чиқаришга шартнома орқали ўрнатилган вақт.

СТАЛИЯ (итал.) — юкни кемага ортиш ёки кемадан юкни тушириш давом этадиган муддат. Томонлар келишуви билан аниқланади, агарда бу бўлмаганда мавжуд портда қабул қилинган муддатлар билан белгиланади.

СТАНДАРТ (инг.) — 1. Бошқа буюмлар билан таққослаш учун асос қилиб қабул қилинадиган намуна, эталон, модель; 2. Стандартлаштириш буюмига нисбатан комплекс нормалар, қоидаларни ўрнатувчи компетент органлар томонидан тасдиқланган норматив-техник ҳужжат.

СТАРШИЙ ТРЕЙДЕР (инг.) — агарда биржа савдо залида бир неча ходимларга эга бўлган ҳолатда тайинланадиган трейдер. С. т. одатда рўйхатдан ўтган трейдер ёки мутахассис ҳам дейиш мумкин.

СТАТИСТИКА (инг.) — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жамият, уларнинг ҳолатлари ва ўзгаришлари миқдорий кўрсаткичларини тайёрлайдиган ва ўрганадиган фан.

СТАТИСТИК БОЖЛАР (инг.) — ташқи савдо операцияларини жуда ҳам синчиклаб ҳисобга олиш ва тегишли маъмурий

харажатларни қоплаш мақсадларида чегарадан ўтган чет эл товарларидан олинадиган божхона божлари.

СТАТУС (лот.) — ҳолати; шахслар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолати.

СТАТУС-КВО (лот.) — уни сақлаш ёки тиклаш тўғрисида сўз борувчи маълум дақиқада амал қиладиган сиёсий, ҳуқуқий ёки бошқа ҳолат.

СТАТУТ (лот.) — 1. Қонун кучи билан давлат органлари ёки ижтимоий ташкилотлар тузилмаси ва ваколатлари белгиланадиган низом; 2. Айрим мамлакатларда парламент метёрий актининг номи (Буюк Британия, Канада); 3. Бир қанча халқаро ташкилотлар низоми (масалан, БМТ Халқаро Суди); 4. У ёки бу орган тўғрисида низом.

СТЕЙТМЕНТ ОФ ФЭКТС (инг.) — кема капитани ва унинг агенти стайийний вақт ҳисоботи ва ҳисоб-китоби бўйича шароитларга эга бўлмаган ҳолатларда таймшит ўрнига тузиладиган хужжат.

СТЕЛЛАЖ (нем.) — мукофот билан муддатли битим тури бўлиб, бунда мукофотни тўловчи киши битимда ўз ҳолатини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлади, яъни муддат келганда ўзини сотиб олувчи ва сотувчи деб эълон қилиши, ё ўз контрагентидан (мукофот олувчидан) қоғозларни юқори курс билан сотиб олиши ёхуд уларни паст курс билан сотиши шарт. Бу қийматлар стеллаж нуқталари дейилади. Бошқа муддатли битимлар туридан фарқ қилган ҳолда С. да мукофотни тўловчи, агарда улар стеллаж нуқталари чегарасидан чиқса, қийматлар ошганда ҳам ва пасайганда ҳам фойда қилади.

СТЕМ (инг.) — маълум вақтга юкнинг мавжудлигини юк жўнатувчи томонидан тасдиқлаш.

СТИВИДОР (инг.) — 1. Юкларни кемага ортиш ёки жойлаштириш ёки кемадан тушириш бўйича юк эгалари ёки кема эгалари билан биргаликда шартнома асосида ишни бажарувчи транспорт-экспедитор ташкилотлар ва фирмаларга нисбатан қўлланиладиган умумий ном; 2. Юкни ортиш ёки тушириш бўйича ишларнинг бажарилиши устидан кузатиш учун транспорт-экспедитор ташкилот томонидан ажратиладиган шахс.

СТИВИДОР ХАРАЖАТЛАР (инг.) — чет эл портларида ортиш-тушириш ишлари билан боғлиқ бўлган ва пароходчилик томонидан тўланган денгиз транспортидаги харажатлар. С.х. ташиш таннархига киритилмайди ва денгизда юк ташиш тарифларига қўшимча ажратмалар ҳисобидан қопланади.

СТОК-БРОКЕР (инг.) — фонд брокери; миқозлар топшириғи бўйича ва коммиссион мукофот учун операциялар билан шуғullanувчи фонд биржаси аъзоси.

СТОКИСТ (*инг.*) — савдо фирмаси бўлиб, бунда товарлар ишлаб чиқарувчи мавжуд товар захиралари маълум даражасини қўллаб-қувватлаш мажбуриятига айирбошлашга сотиб олиш учун имтиёзли шароитлар беради.

СТОКНОТА (*инг.*) — 1. Акциянинг битимга тегишли бўлган-лигини исботи сифатидаги биржа ҳисоб-китоб палатаси томонидан бериладиган ҳужжат; 2. Сотилган тавсия этилган пиломатериалларга спецификация.

СТОНИРОВАНИЕ В СТРАХОВАНИИ (*инг.*) — навбатдаги суғурта бадалларини тўламаганлик учун шартномаларни муддатидан олдин тўхтатиш натижасида ҳаётий суғурталаш портфелини қисқартириш.

“СТОП” — БУЙРУҚ — брокерга жорий бозор баҳоларининг юқори баҳоси бўйича сотиб олиш ёки паст баҳо бўйича сотишга буйруқ бериш. Сотиб олиш “стоп” — буйруқлар одатда талабни камайтириш ва баҳолар пасайишини кутишда амалга ошириладиган, сотиб олувчида нақд бўлмаган қимматли қоғозлар, валюталар ва товарларни сотишдан реализация қилинмаган фойдани ҳимоя қилиш учун берилadi.

“СТОП” — БУЮРТМА (*инг.*) — агарда қadoқлаш баҳоси мижоз томонидан белгиланган “стоп” — баҳодан пастга тушганда бозор сифатида бажаришга тегишли буюртма. Бундан ташқари, бу агарда акциялар баҳоси ўса бошлаганда талафотни камайтириш мақсадида қисқа позицияли акцияни сотадиган шахсдан тушадиган буюртма бўлиши мумкин.

СТОРНО (*итал.*) — олдинги хато ёзувларни тўғрилаш учун тайинланган бухгалтерия проводкаси. Одатда фақат С. нинг бир тури — салбий С. қўлланилади, бунда салбий белги билан ўша сумманинг ўзига тузилган қўшимча проводка берилadi, шу йўл билан нотўғри ёзув бекор қилинади. Салбий сон одатда қизил ранг билан ёзилади, шунинг учун салбий С. айрим ҳолатда “қизил” С. деб аталади.

СТРАТЕГИК ПЛАНЛАШТИРИШ (*грек., лот.*) — ташкилотга ўз мақсадларига эришишда ёрдам бериш учун тайинланган конкрет стратегияларни ишлаб чиқишга олиб келувчи раҳбарият томонидан қабул қилинган ҳаракатлар ва қарорлар йиғими.

СТРАТЕГИК ТОВАР (*грек.*) — товар эгаси бўлган мамлакат миллий хавфсизлиги зарарини бартараф этиш мақсадида экспорт қилиш тақиқланган, чекланган ёки назорат қилинадиган товарлар (ускуна, технология, ноу-хау). С.т. куйидаги гуруҳларга бўлинади: куролланиш; ядро энергиясини қўллаш билан боғлиқ бўлган ускуна; граждaн ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлган икки марта кўпроқ қўлланиладиган саноат ускунаси.

СТРАХОВАТЕЛЬ (*суғурта қилдирувчи*) — суғурта қилувчи билан суғурта шартномаси тузувчи ёки қонунга биноан шундай шартнома тузишга мажбур ҳисобланган ҳуқуқий ва меҳнатга лаёқатли жисмоний шахс.

СТРАХОВЩИК (*суғурта қилувчи*) — суғурта фаолиятини амалга ошириш (суғурта ташкилотлари ва ўзаро суғурталаш жамияти) ва суғурта фаолиятини амалга оширишга ўрнатилган қонун тартиби бўйича лицензия олиш учун тузилган қонунда кўрсатилган ҳар қандай ташкилий-қонуний шаклларнинг ҳуқуқий шахси.

СТРИНГ (*инг.*) — сифати бўйича ўхшаш лотлар бирлашмасини билдирувчи аукцион савдолар бирлиги.

СТРЭДИ (*инг.*) — 1. Бир товарни бир вақтда сотиб олишни (ёки молиявий валютани) бошқасини сотиш билан уйғунлаштирувчи муддатли арбитраж битими; 2. Қимматли қоғозлар эгасига маълум баҳо бўйича уларни сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини берувчи мукофотлар билан битимлардаги қўш аукцион.

СТРЭНГЛ (*инг.*) — биржада ўша битта молиявий воситага ҳар хил баҳолар ва бир хил бажариш муддатлари билан “пут” ва “колл” опционларини сотиб олиш.

СТРЭП (*инг.*) — биржада “стрэдл” хилидаги опцион стратегияси, бунда “пут” опционларига нисбатан “колл” опционлари кўпроқ сотиб олинади (масалан, бир хил характеристикага эга бўлган битта “пут” опциони ва иккита “колл” опциони сотиб олинади).

СУБАРЕНДА (*лот.*) — ижарага бериладиган мулкнинг бир қисmini учинчи шахс ёки шахслар гуруҳига ижарага бериш. Бундай ҳолатда ижарадор иккиламчи ижарага берувчи сифатида чиқади.

СУБВЕНЦИЯ (*лот.*) — маълум мақсад учун бериладиган маҳаллий ҳокимият органлари, айрим хўжалик тармоқлари ёки корхоналарига давлатнинг молиявий ёрдами тури. С. синиш чегарасида турган корхоналар ва банкларни соғломлаштириш ё ҳарбий саноат ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш маблаглари сифатида кенг фойдаланилади.

СУБКОМИТЕНТ (*лот.*) — корхона ёки шахс бўлиб, унинг учун комитент комиссиянерга товар сотиб олиш ёки кимнинг товарини комитент сотади деган топшириқ беради.

СУБЛИЦЕНЗИЯ (*лот.*) — лицензиатга лицензияни учинчи шахс бўлиб реализация қилиш ҳуқуқининг берилиши. Лицензия битими текстида келишилади ёки лицензиатга ёзма рухсат берилади. Ҳажми бўйича, сублицензия оддий лицензияга мос келади. Унинг учун олинadиган мукофот лицензиат ва лицензиар ўртасида бўлинади. Лицензиат лицензиар агенти сифатида

чиқади ва унга берилган ваколатдан четга чиқиб кетиши мумкин эмас.

СУБОРДИНАЦИОННЫЙ ЗАЁМ (лот.) — махсус муддатсиз заём бўлиб, бунда ресурслар ссуда капиталлари бозоридан жалб этилади ва заём шартлари бўйича заёмчининг ўз маблағларига тенглаштирилади.

СУБРОГАЦИЯ (лот.) — 1. Амалдаги қонунни қисман тўлдириш; 2. Суғурта қилувчи томонидан суғурта мукофотини тўлагандан кейин суғурта қилдирувчи ҳуқуқининг суғурта қилувчига ўтиши.

СУБСИДИАРНЫЙ (лот.) — ёрдамчи, иккинчи даражали, қиз жамияти, қўшимча.

СУБСИДИЯ (лот.) — 1. Зарарларни қоплаш ва бошқа мақсадлар учун фуқароларга ва ташкилотларга қайтариб олмаслик шarti билан бериладиган давлат ёрдами. Иқтисодиётнинг зарур тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган бевосита субсидиялар ва имтиёзли солиқ ставкалари тизими, тезкор амортизация сиёсати ва ҳ.к. ифодаловчи бевосита субсидиялар фарқ қилади; 2. Ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализациясига кетган харажатлар олинадиган даромадлар билан қопланмайдиган корхонага бюджетдан ажратиладиган пул маблағлари суммаси.

СУБСТИТУЦИЯ (лот.) — 1. Биринчи ворис қандайдир сабаб билан ворислик ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолатда захира ворисни — субститутни васиятда тайинлаш; 2. Кредитни таъминлаш битта турини бошқаси билан алмаштириш; 3. Контрактнинг битта иштирокчисини бошқаси билан алмаштириш; 4. Қўшимча қонун ўрнатиш.

СУБСЧЁТЛАР (лот.) — банкларда аҳоли пунктларидаги хўжалик ҳисоби бўлмаган корхоналарга эга бўлган, банк муассаси фаолияти районларига кирмайдиган (барча асосий счётлар очилган) бирлашмалар, корхоналар ва хўжалик ташкилотларида очиладиган ёрдамчи (қўшимча) счётлар.

СУВЕРЕН (фр.) — олий ҳокимият соҳиби.

СУВЕРЕНИТЕТ (нем., фр.) — давлат ҳокимиятининг мустақиллиги ва устунлиги, ҳеч кимга бoғлиқ бўлмаган ҳокимият. Халқаро ҳуқуқда С. давлатнинг ички ишларидаги мустақиллигини билдиради. Ҳуқуқий давлатда С. ҳокимиятни тақсимлаш тизими орқали реализация қилинади. Халқаро денгиз ҳуқуқида С. унинг С. бўлмаган, балки барча давлатлар умумий фойдаланишида бўлган давлатларнинг денгиз акваторияси ва ҳаво кенглигидан фойдаланишда суверен ҳуқуқини кўзда тутати. С. термини давлат — сиёсат маъносида биринчи марта XVI асрда француз олими Ж. Боден томонидан киритилган.

СУД (*инг.*) — давлатнинг махсус органи бўлиб, давлатнинг суд ишларини амалга ошириш унинг ваколатига киради. *С.* ўз вазибаларини жиноят ишлари, гражданлик, меҳнат ёки бошқа даъволарни қонунда ўрнатилган тартибда, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий бузилишларни ечиш шаклида бажаради.

СУД БОЖИ — суд муассасалари томонидан даъво аризаларини ва кассацион шикоятларини кўриб чиққанлик ҳамда уларга қоғозлар ва ҳужжатлар нусхасини берганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданларнинг тўлови.

СУД ТРЕТЕЙСКИЙ (*инг.*) — улар ўртасидаги қандайдир конкрет мавжуд бўлган даъволарни ечиш учун даъвогар томонлар томонидан сайланадиган суд. “Иқтисодий даъволарни ечиш учун трестейск суди тўғрисидаги вақтинчалик низом” *С.т.* судьяларини тайинлашнинг қуйидаги тартибини тавсия этади: судьялар сони тоқ бўлиши керак (масалан, учта); бир томон битта судьяни, иккинчи томон иккинчи судьяни тайинлайди, учинчисини эса сайланган судьялар тайинлайди. Даъволарни кўриш тартиби томонлар томонидан мустақил аниқланади. Суд томонидан чиқарилган қарор томонлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилиши керак; мажбурий бажаришга буйруқ ё гражданлик, ёхуд арбитраж суд томонидан берилади.

СУДХЎРЛИК КАПИТАЛИ — капитализмга қадар бўлган формациялар учун характерли бўлган, фоиз келтирувчи капитал шакли. *С.к.* ссуда капиталининг ўтмишдоши ҳисобланади. *С.к.* ибтидоий жамоа тузумининг парчаланиш босқичида вужудга келган ва асосан икки шаклда фаолият қилган йирик ер эгаларига ва майда ишлаб чиқарувчиларга ссудалар бериш.

СУЗУВЧИ ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ — ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаси бўлиб, унинг ҳажми барча кредит муддатига қайд қилинмайди, балки кредитор ва заёмчи томонидан келишилган вақт оралиғидан кейин вақти-вақти билан қайта кўриб борилади. Ставка ўзгармайдиган даражада қоладиган (одатда 3—6 ой) вақт фоиз даври деб аталади. *С. п. с.* заёмчи ва кредитор ўртасида шартнома буюми ҳисобланган ва барча кредит муддати давомида ўзгармай қоладиган базали ставкадан ташкил топади. *С. п. с.* пайдо бўлиш сабаби инфляциянинг юқори суръати ва ссуда фоиз миқдорининг кескин ўзгариши билан боғлиқ бўлади.

СУКРЕ (*инг.*) — Эквадордаги пул бирлиги номи (100 сантаво).

СУКЦЕССИЯ (*инг.*) — ҳуқуқдаги, меросга олишдаги меросхўрлик.

СУМ — Тожикистон ва Ўзбекистондаги пул бирлиги номи.

“СУ ПАЛАН” — ташқи савдо битимларида учрайдиган қўшимча шарт, ушбуга мувофиқ сотувчи товарни тайинлаган пайтга етказиб бериш билан сотганда юкни трюмдан кўтариш бўйича тушириш харажатларига жавоб беради, юкни яна қайта жойлаштириш билан боғлиқ барча харажатлар эса сотиб олувчи зиммасига тушади.

СУПЕРАРБИТР (лот., фр.) — унинг аъзолари (арбитрлар) томонидан сайланадиган, третейск судьялар ўртасида келишмовчилик бўлган ҳолатда баҳсларни узил-кесил ҳал қиладиган третейск суди раиси.

СУПЕРВИЗОР (лот.) — 1. Кузатувчи: инспектор; 2. Ҳисоблаш тизими ресурсларини оптимал тақсимлашни ташкил этиш учун тайинланган бошқарув дастури.

СУПЕРИНТЕНДЕНТ (лот.) — 1. Халқ таълими департаментини бошқарувчи АҚШдаги вазифадор шахс; 2. Катта полиция офицери.

СУПЕРКАРГО (инг.) — 1. Трюмлар ҳолатини, кемадаги юк биноларидан яхши фойдаланиш ҳамда фрахтователлар ҳисобидан тўланадиган харажатлар устидан кузатувчи кемага юкларни қабул қилиш ва беришни олиб борувчи шахс; 2. Денгизда юк ташишда юкни кузатиб борувчи шахс.

СУПЕРМАРКЕТИНГ (лот., фр.) — кундалик талабга керакли бўлган товарлар билан савдо қилишга (асосан, озиқ-овқат товарлари) ихтисослашган йирик ўз-ўзига хизмат қиладиган магазин. Бизнинг мамлакатимизда шундай хилдаги магазинларни “универсаллар” деб аталади.

СУПЕРПРЕФЕНТ (лот., фр.) — Францияда бир неча департаментлар префектлар фаолиятини назорат қилувчи олий табақадаги чиновник. Расмий номи — “муҳим миссияни бажарувчи маъмуриятнинг бош инспектори”.

СУПЕРСТОР (лот.) — озиқ-овқат ва саноат товарлари хилма-хиллигини ва ҳар хил хизматларни реализация қилувчи савдо маркази. Уларнинг катта қисми шаҳарнинг ташқарисида жойлашган. Асосан, автомобиллари бор сотиб олувчиларга хизмат қилади. С. қоидага кўра сотиб олувчилар автомобиллари учун бензоколонкалар, бепул тўхташ жойлари билан ускуналанган. Товарларни катта ҳажмларда сотиш муносабати билан С. баҳолари одатдаги ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи ва супермаркет магазинларга қараганда 5—10 фоизга паст бўлади.

СУПЕРФИЦИЙ (лот.) — қатор Европа мамлакатлари ҳуқуқидаги бошқа шахсга тегишли бўлган қурилиш ва ер участкасидаги кўчатларга бўлган муҳим буюм ҳуқуқи. Римдаги ҳуқуқда С. “беғона буюмларга” бўлган ҳуқуқнинг турли хил кўринишлари сифатида қаралади. Ижара шартномасидан фарқ қилган ҳолда

С. абадий ва меросий ва ер этасининг розилигисиз бегоналашиш характерига эга бўлиши мумкин.

СУХОГРУЗ — ҳар хил қуруқ юкларни ташиш учун юк кема-си: доналаб сотиладиган (яшиклар, контейнерлар), қопламай ортиладиган (кўмир, руда), тўкиб ортиладиган (дон, цемент) ҳамда автомобиллар, тракторлар, вагонлар ва тарадаги суюқ ҳолдаги юклар.

СУҒУРТА — суғуртани қоплашни ёки суғуртани таъминлашни тўлаш орқали улар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари (суғурта мукофотлари)дан ташкил этилувчи пул фондлари ҳисобидан (суғурта фондлари) маълум воқеалар юз берганда (суғурта ҳодисалари) жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар мулкрий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича иқтисодий муносабатлар тизими. С.да икки томоннинг бўлиши шарт: тегишли фондни тузиш ва фойдаланишни назорат қиладиган махсус ташкилот суғурта қилувчи ва фондга белгиланган тўловни ўтказувчи ҳуқуқий ёки жисмоний шахс ҳисобланган суғурта қилувчи — ўз-ара мажбуриятлари суғурта шартномаси билан регламентга солинувчи суғурта қилинувчилар. Суғурта муносабатлари иштирокчилари учинчи шахс ҳам бўлиши мумкин. С. да учта тармоқ ажратилади: мулкрий суғурта, шахсий суғурта, суғурта масъулияти. Тармоқлар ичида С.нинг ҳар хил турлари ажратилади. Масалан, РЕХ мамлакатларини туркумлаш бўйича 18 мулкрий суғурта турлари мавжуд.

СУҒУРТА АГЕНТИ (лот.) — аҳоли билан ихтиёрий мулкрий ва шахсий шартномалар тузиш ва улар суғурта тўловларини қабул қилиш ҳамда шаҳар жойдаги фуқаролар мулкчини мажбурий суғурта қилиш бўйича давлат суғурта органлари номидан операцияларни бажарадиган вазифадор шахс.

СУҒУРТА АКТИ (лот.) — суғурта қопламасини тўлаш учун асос ҳисобланувчи суғурта тасодиф юзага келганда суғурта муассасаси инспекцияси томонидан тузиладиган ҳужжат.

СУҒУРТА БАДАЛИ — 1. Суғурта қилдирувчининг суғурта қилувчига унинг суғурта қилинган мулкка келтирган моддий зарарни қоплашга мажбурият қабул қилганлиги учун тўланадиган сумма ёки суғурта қилинган киши ҳаётида маълум воқеа рўй берганда суғурта суммасини тўлаш; 2. Қарилик, доимий ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, касаллик ва ҳ.к. юз берганда меҳнаткашларни моддий таъминлаш учун ижтимоий фондга ўтказиладиган сумма.

СУҒУРТА БАҲОСИ — 1. Суғурта қилиш мақсадларида қабул қилинадиган мулк қиймати; 2. Мулк қийматини аниқлаш жараёни.

СУҒУРТА БОЗОРИ — суғурта компаниялари томонидан амалга ошириладиган суғурта бўйича хизматлар кўрсатиш соҳаси.

СУҒУРТА БРОКЕРИ (*инг.*) — суғурта қилинувчи ва қилувчи ўртасида воситачилик ролини ўйнавчи компания.

СУҒУРТА ГУВОҲНОМАСИ — суғурта тўғрисида битимни тасдиқловчи суғурта органлари (суғурта қилувчи) ҳужжати.

СУҒУРТА ДОИРАСИ — ихтиёрий суғуртанинг у ёки бу тури билан қамраб олинishi мумкин бўлган жойларнинг умумий сони.

СУҒУРТА ЗАРАРИ — суғурта тасодифи туфайли суғурта қилинувчига келтирилган моддий зарар.

СУҒУРТАДАГИ ЗАРАРЛАНИШ ДАРАЖАСИ — табиий офатдан суғурта қилинган мулк қийматиға нисбатан кўрилган зарарнинг фоизда ифодаланиши.

СУҒУРТАДАГИ ИМТИЁЗЛАР — айрим суғурта қилинувчиларни мажбурий суғурта бўйича тўловларни тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш ҳамда ихтиёрий суғурта шартномалари тузганда маълум устунлик бериш.

СУҒУРТА КОВЕРНОТАСИ (*инг.*) — суғурта брокери томонидан суғурта қилдирувчига бериладиган ва суғурта қилувчилар рўйхатини кўрсатиш билан маълум муддатта суғурта шартномаси тузишни тасдиқловчи суғурта тўғрисидаги гувоҳнома.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ (*фр.*) — суғурта тасодифи рўй берганда суғурта қилувчи ролида чиқувчи, яъни ўзига суғурта қилинувчининг зарарини қоплаш мажбуриятини қабул қилувчи ташкилот. *С. х.* асосий шакллари акционер, ўзаро ва *х. к.*

СУҒУРТА ЛИМИТИ (*лот.*) — суғурта суммасининг максимал ҳажми, унинг доирасида давлат суғуртасининг айрим органлари индивидуал шахсий суғурта шартномаларини тузиш ёки тузишга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлади.

СУҒУРТА МАКЛЁРИ (*нем.*) — суғурта қилдирувчи ва суғурта қилувчи ўртасидаги воситачи.

СУҒУРТА МАНФААТИ — суғурта моддий манфаатдорлик тадбири.

СУҒУРТА МАСЪУЛИЯТИ — кўзда тутилган шартларга биноан суғурта воқеаси рўй берганда қонунга ёки шартномага кўра суғурта қилувчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш.

СУҒУРТА МУКОФОТИ — суғурта қилинувчининг суғурта жамиятиға навбатдаги пул бадали, суғурта учун тўлов.

СУҒУРТА МУКОФОТИНИ ҚАЙТАРИШ — суғурта даври давомида уни пасайтиришни тақозо этувчи омиллар пайдо бўлган ҳолатда дастлабки маълум суғурта мукофотининг бир қисми қайтарилади.

СУҒУРТА НАЗОРАТИ — давлат органлари томонидан амалга ошириладиган суғурта муассасалари фаолияти устидан назорат.

СУҒУРТА ПОЛИСИ (*фр.*) — суғурта қилувчи томонидан суғурта шартномаси гувоҳномасига бериладиган ва суғурта мукофоти ва суғурта суммаси ҳажмини ҳам қўшиб унинг шартларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

СУҒУРТА ПОРТФЕЛИ (*фр.*) — мавжуд суғурта ташкилоти томонидан қабул қилинган, унинг умумий фаолият ҳажмини характерловчи суғурталарнинг жами.

СУҒУРТА ПУЛИ — маълум турдаги хавфни ҳамкорликда суғурталаш учун асосланган суғурта компаниялари бирлашмаси.

СУҒУРТА СЕРТИФИКАТИ (*фр.*) — суғурта қилинувчига суғурта жамияти ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ҳуқуқий шахс томонидан бериладиган ҳужжат. *С. с.* суғуртанинг ўтказилганлиги ва полис берилганлигини тасдиқлайди.

СУҒУРТА СТАТИСТИКАСИ (*инг.*) — энг оммавий ва типик суғурта операцияларини тизимли ўрганиш.

СУҒУРТА СУММАСИ (*лот.*) — суғурта шартномасида белгиланган ёки қонун томонидан ўрнатилган пул суммаси, ундан келиб чиққан ҳолда, агарда суғурта шартномасида ёки қонунлар актида бошқаси кўрилмаган бўлса, суғурта доираси ва суғурта тўлови аниқланади. Мулккий суғуртада бу сумма суғурта қилинган мулкнинг суғурта қиймати билан чекланади; шахсий суғуртада *С. с.* суғурта қилувчи билан келишилган ҳолда суғурта қилдирувчи томонидан ўрнатилади. *С. с.* суғурта қилувчи масъулиятининг чегараси ҳисобланади.

СУҒУРТА ТАРИФЛАРИ (*фр.*) — маълум давр учун суғурта суммаси бирлигидан суғурта бўйича тўлов ставкалари.

СУҒУРТА ТАСОДИФИ — қонун кучи ёки шартнома таъсирида суғурта қилувчи суғурта қопламасини (суғурта суммасини) тўлаши шарт бўлган ҳолатдаги воқеа.

СУҒУРТА ТУШУМЛАРИ — 1. Йўл билетлари қийматини киритадиган пассажирларни мажбурий суғурта қилиш бўйича тўлашни билдирувчи олдиндан қўлланиладиган термин. 2. Алоқа органлари томонидан пулларни, посилкаларни, бандеролларни жўнатилганлиги ва транспорт органлари томонидан идора суғуртаси тартибида багажларни ташиганлиги учун тўлов.

СУҒУРТА ТЎЛОВИ — суғурта тасодифи рўй берганда суғурта шартномасида тўлаш кўзда тутилган пул суммаси. Мулккий суғуртада *С. т.* суғурта қопламаси тарзида амалга оширилади, шахсий суғуртада эса — суғурта таъминоти сифатида.

СУҒУРТА ТЎЛОВИ СТАВКАСИ — битта объектга, суғурта суммаси бирлигига, мулк қиймати бирлигига ёки бошқа белги

лар бўйича ўрнатиладиган мулккий ёки шахсий суғурта бўйича тўлов ҳажми.

СУГУРТА ФОНДИ (*фр.*) — фавқулодда кўнгилсиз воқеалар, табиий офат, бахтсиз ҳодисалар рўй берганда кенгайтирилган ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун тайинланган резерв моддий ва пул маблағлари.

СУГУРТА ХАВФИ — 1. Суғурта ўтказишда рўй берадиган ҳодисалар мажмуи; 2. Халқаро амалиётда суғуртанинг аниқ объекти; 3. Суғурта тасодифан юзага келганда суғурта қилувчи ва суғурта қилинувчи ўртасида кўнгилсиз иқтисодий оқибатларни тақсимлаш.

СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДАТИ — суғурта шартларида кўзда тутилган вақт бўлиб, мазкур вақт давомида суғурта қилувчининг суғурта масъулияти амал қилади.

СУГУРТАГА ҚАТНАШУВЧИ ТОМОНЛАР — суғурта муносабатлари билан ўзаро боғлиқ бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

СУГУРТА ҚИЙМАТИ — суғурта шартномасидаги ҳақиқий мулккий манфаатни пул билан баҳолаш суммаси. Суғурта суммаси шартнома тузилган пайтидаги суғурта қилинган мулкнинг ҳақиқий С. қ. дан ошиб кетиши мумкин эмас. Бу қоида суғурта лимити деб аталади. Агарда бу ҳол юз берса, шартнома тузилган пайтдаги мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетган суғурта суммаси қисми қонуний кучга эга бўлмайди.

СУГУРТА ҚОПЛАШ ЛИМИТИ (*лот.*) — битта суғурта тасодифи бўйича суғуртани қоплашнинг максимал ҳажми, бунда давлат суғурта инспекцияси томонидан мустақил тупланиши ёки олий суғурта органи томонидан тўла тасдиқланиши мумкин.

СЧЁТ — 1. Савдо муносабатларида сотувчи томонидан сотиб олувчи номига ёзиладиган ва товар етказишни ёки хизматлар кўрсатишни ва уларнинг қийматини тасдиқлайдиган товар ҳужжати ҳисоб деб аталади; 2. Бухгалтерия ҳисобида С. қандайдир конкрет йўналиши бўйича пул маблағлари ҳаракатини кузатувчи бухгалтерия ҳисоботи ёзуви мажмуи деб аталади.

СЧЁТ “ЛОРО” — 1) Банк томонидан ўзбанк-корреспондентларига очиладиган счётлар, буларга олинадиган ёки уларнинг топшириғи бўйича бериладиган барча суммалар ўтказилади; 2) Банк ёзишмаларида “лоро” термини мавжуд кредит муассасининг банк-корреспондентида очиладиган учинчи банк корреспондентига нисбатан истёъмол қилинади, мавжуд кредит муассасасида банк-корреспондент счёти эса “ностро” деб аталади.

СЧЁТ ВОСТРО — банк томонидан чет элда маҳаллий валютада юритиладиган счёт. Ушбу счётга маблағларни жойлаштирадиган банк, унга ностро счётига бўлгани каби таянади.

СЧЁТ “НОСТРО” — ўзаро туловлар ифодаланадиган банк-корреспондентлардаги мавжуд кредит муассасаси счёти.

СЧЁТ ПАЛАТАСИ (лот.) — Франция, Бельгия, Германия, Италия ва бошқа айрим мамлакатларда давлат молиявий назоратини амалга оширувчи олий орган.

СЧЁТ ФАКТУРА (лот.) — истеъмолчи ёки буюртмачига етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан бериладиган ва тулиқ рўйхат, етказилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар баҳоси, юк жўнатилган ҳужжат тартиби, марказий банк қоидалари билан талаб қилинадиган счётлар суммаси ва бошқа реквизицларни ўз ичига олувчи ҳужжат. С. ф. ташкилотлар ўртасида ҳисобкитоблар учун асос ҳисобланади.

СЧЁТЛАРНИ ҚАМАЛ ҚИЛИШ — давлат ҳокимияти томонидан мавжуд давлат банкларидаги ушбу счётларга счётлар эгаларининг маҳрум бўлиши тарзида қўлланиладиган тадбири. Счётларни қамал қилиш (музлатиш) айрим операцияларга рухсат берилганда тулиқ ёки қисман бўлиши мумкин. Маълум иқтисодий ёки сиёсий мақсадларга эришиш учун қўлланилади. Натижаларга эришганда ёки ҳокимият органлари қарори бўйича бекор қилинади.

СЫРЬЕ ДАВАЛЬЧЕСКОЕ — қайта ишлаш ва кейин тайёр маҳсулотни хом ашё эгаси бўлган мамлакатга чиқариш мақсадида бошқа мамлакатга келтириладиган шериги хом ашёси. Шундай ташқи савдо операциялари жаҳон савдо амалиётида кенг тарқалган.

СЮРВЕЙЕР (инг.) — манфаатдор томонлар топшириғи бўйича кеманинг ҳолати, унинг денгизда юра олиш имконияти ҳамда кема ёки юкни ишлаб чиқариш текшириши натижасида юкнинг ҳолати тўғрисида хулосани билдирувчи эксперт.

СЮРВЕЙ РАПОРТ (инг.) — сюрвейер томонидан тузилган ва улар томонидан суғурталанган натижаларни ёки суғурта қилишга тегишли кемалар ва юкларни ўз ичига олувчи рапорт.

Т

ТАБЕЛЬ (нем.) — 1. Маълум тартибда ниманингдир рўйхати; 2. Ишчи ва хизматчиларнинг ишга келиш ва ишдан кетиш ҳисобот доскаси ҳамда ишга келганликни назорат қилиш учун хизмат қилувчи ушбу доскага осиб қўйиладиган жетон.

ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАР — табиат (унинг объектлари, жараёнлари, шароитлари)нинг кишилар моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида жамият томонидан фойдаланадиган ёки фойдаланиши мумкин бўлган қисми.

ТАВРО — фарқ қилувчи белги, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари терисига босилган тамга.

ТАДБИРКОР — хўжалик фаолияти билан мустақил, ижодий шуғулланувчи шахс, бозор иқтисодиётига асосланган ҳозирги жамият социал-иқтисодий ҳаётидаги марказий фигуралардан бири. *Т.* учун ҳаракат қилишга ундайдиган сабаб унинг оқибатда фойда олиш имкониятидир. Шу билан бир қаторда *Т.* юқори саводхон. Ўз мустақил фаолиятини нафақат иш ҳақи топиш воситаси, балки ўз ўрнини топиш усули, ўз мустақил ишини бошлаш имконияти сифатида қарайди. АҚШ сўрови маълумотларига кўра ҳозирги замон *Т.* учун куйидаги шахсий характеристикалар характерли: изланиш имконияти ва ташаббускорлик, қатъийлик ва тиришқоқлик, таваккалчиликка тайёр туриш, самарадорлик ва сифатга йўналган бўлиш, ишчи контрактларига тортилган бўлиш, мақсадга интилиш, ахборот олишга интилиш, мунтазам режалаштириш ва кузатиш, ишонтириш ҳамда алоқа ўрнатиш қобилияти, мустақиллик ва ўзига ишониш.

ТАДБИРКОРЛИК ДАРОМАДИ — тадбиркор оладиган фойданинг бир қисми.

ТАДБИРКОРЛИК — хўжалик ахлоқининг новаторлик, антибюрократик услуби бўлиб, унинг асосида янги имкониятларни доимо излаш, инновацияларга йўналган бўлиш, масалаларни ечиш учун ҳар хил манбалардан олинган ресурсларни жалб этиш ва фойдаланиш маҳорати. *Т.* нинг дастлабки АҚШни қамраб олган тўлқини ҳозир Фарбий Европа, Япония ҳамда янги индустриалашган мамлакатларга тарқалган. Бу жараён кўп томондан микроэлектроникадаги инқилоб, иқтисодий ҳаётдаги ахборот, янги тармоқларнинг тез ривожланиши билан тақозо қилинади. Натижада нафақат катта, балки кичик бизнесдаги қолоқ ишларни автоматлаштириш учун имконият яратилди ва натижа сифатида кичик фирмалар самарадорлиги, индивидуал ва кичик корхоналар жозибадорлиги ошди. Ҳозирги *Т.* унинг ҳар хил шаклларида нафақат хўжалик бирликларининг, балки бир бутун мамлакатлар иқтисодий ютуқларининг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Айнан янги корхоналарнинг очилиши, капиталнинг оқиб келиши, инновациялар оқими, янги вазифаларни уддабуронлик билан ечиш, ташаббускорлик “янги комбинацияларни” амалга ошириш билан узвий боғлиқлик технологик ва тижорат ўпирилишларни мумкин қилиб қўйди. *Т.* нинг барча ютуқ шарт-шароитлари билан қатъий алоқаси мавжуд.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ — бошқа томонга жўнатиш утун тайёрланган асосий ёки ёрдамчи цехлар маҳсулоти.

ТАЙЁР ПРИЧАЛ — чартерларда учрайдиган шарт бўлиб, шунга мувофиқ кема ёлловчининг кема причалига етказиб бериши ва кеманинг келиши билан юк операцияларига киришиши шарт.

ТАЙМ-ЧАРТЕР (*инг.*) — маълум муддатга ва тегишли ҳақ учун юк ташиниш шартномаси.

ТАЙМШИТ (*инг.*) — кема тўхтайдиган вақт ҳисоби. У кемани юклаш ва тушириш ҳар бир порти учун тузилади ва капитан ҳамда фрахтователь вакили томонидан имзоланади.

ТАКЛИФ (“ОФЕРТО”) (*инг.*) — сотувчининг (оферент) маълум шартлар билан товар, хизматларни сотиш хоҳиши тўғрисида баёноти.

ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз давом этиб туриши. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари такрор ишлаб чиқарилади. Оддий ва кенгайтирилган *Т. и. ч.* фарқланади. Оддий *Т. и. ч.* да ишлаб чиқариш жараёни қўламлари ўзгармаган ҳолда такрорланади. Кенгайтирилган *Т. и. ч.* да эса ишлаб чиқариш жараёни кенгайиб борадиган қўламларда давом этади. Қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қиймат ҳисобидан амалга оширилади.

ТАКСА (*лот.*) — товарларга, меҳнат ёки хизматларга давлат томонидан ўрнатилган баҳо.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ — товар ишлаб чиқариш, бозор механизми иқтисодий тоифалари. Талаб бозорга таклиф қилинган товарларга бўлган эҳтиёж сифатида чиқади, таклиф эса бозорда турган ёки бозорга етказиб берилган маҳсулот сифатида намоён бўлади. Талаб ва таклиф биров-бировини аниқлайди. Таклиф талабни ишлаб чиқарилган товарлар ассортименти ва уларнинг баҳолари орқали ташкил этади, талаб эса ишлаб чиқаришга ўз талабини ифодалаб, таклифнинг ҳажми ва тузилмасини аниқлайди. *Т. в. т.* ўртасидаги мувозанат миқдоран ва сифат жиҳатдан бўлади.

ТАЛАБ МИҚДОРИ — маълум давр давомида конкрет баҳо бўйича сотиб олувчи сотиб олишни хоҳлаган маълум товар ёки хизматлар миқдори.

ТАЛАБНИ ШАКЛЛАНТИРИШ (ФОС) (*инг.*) — товарнинг мавжудлиги тўғрисида потенциал сотиб олувчига хабар бериш, эҳтиёжлар тўғрисида билдириш, ушбу товар билан қониқиш, ушбу эҳтиёжларни сифатли қондирилишини исботлаш, янги товарга, қисман сотиб олувчи (агарда у ушбу товарга қониқиш ҳосил қилган бўлмаса) манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида ишончсизлик тўсиқларини камайтириш. ФОС

тадбирлари ёрдамида (реклама, виставка ва ярмарка фаолияти ва ҳ. к.) сотиб олиш тўғрисида бош ролни ўйнайдиган потенциал олувчи онгида “товар образини” шакллантириш. ФОС чоралари бўйича асосий масала бозорга янги товарни чиқариш, бозорнинг зарур ҳиссасини эгаллашдир.

ТАЛАБНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СОТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ (ФОССТИС) (инг.) — айни пайтда бозор талабларини (сотиб олувчилар) ҳисобга олишда ишлаб чиқарувчи (экспортёр) манфаатларини кўзлаб талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантиришга йўналтирилган *М.* тизимидаги барча чоралар жами. ФОССТИС сиёсати товар ва нуфузли рекламани, жамоатчилик билан фирма муносабатларини, ташқи муҳитга таъсир қилувчи бошқа мавжуд воситаларни ўз ичига олади; у талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш бўйича маркетинг коммуникациялари маълум комплексларини амалга оширишни кўзда тутди. ФОССТИС фаолиятида коммуникацион (ахборот берувчи) ва тижорат натижаларни фарқ қилиш лозим.

ТАЛОН (фр.) — 1. Ниманидир, қаргадир боришга олинadиган ҳуқуқни тасдиқловчи назорат ҳужжати тури; 2. Ундан ажратилгандан кейин қоладиган қандайдир ҳужжатнинг бир қисми.

ТАНТЪЕМА (фр.) — олинadиган мавжуд фойдани ҳисобга олган ҳолда акционер жамиятлар, саноат фирмалари, банклар, молия компаниялари ва бошқа корхоналар бош ходимларини қўшимча мукофотлаш шаклларида бири. *Т.* фойдадан солиқларни тўлагандан, резерв капитални тўлдиргандан ва активларнинг қўпайишига маблағлар ажратилгандан (ишлаб чиқаришни кенгайтириш) кейин тўланади.

ТАРГЕТИРОВАНИЕ (инг.) — маълум натижаларга эришиш учун унга таъсир этиш зарур бўлган қандайдир иқтисодий мўлжал, қўйилган мақсадни танлашда ифодаланадиган давлатнинг ёки айрим корхонанинг ҳўжалик сиёсатини реализация қилиш усули. Иқтисодий жараён ёки ҳўжалик кўрсаткичи *Т.* объекти бўлиши мумкин.

ТАРИФ (фр.) — корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолига кўрсатилadиган моддий ва номоддий хизматлар учун ҳақ тўлаш ставкалар тизими; турли хил давлат баҳолари.

ТАРИФ АЛОҚАЛАРИ (фр.) — алоқа корхоналари хизматларни истеъмолчиларга реализация қилиш бўйича ставкалар тизими.

ТАРИФ КОЭФФИЦЕНТИ (фр., лот.) — тариф тизимининг тариф сеткасини характерловчи элементи. Ўз моҳиятига кўра у ёки бу разряд тариф ставкасининг бирлик учун қабул қилинган биринчи разряд тариф ставкасига бўлган нисбатидир. *Т. к.* ишлар ёки операцияларни тариф ставкасининг тегишли разряд-

ларига киритиш вақтида уларнинг мураккаблик даражасини аниқлаш учун фойдаланилади.

ТАРИФЛАР ВА САВДО БЎЙИЧА БОШ БИТИМ (ТСББ) (фр.) — иштирок этувчи мамлакатлар учун мажбурий бўлган, халқаро савдонинг тамойиллари ва қоидаларини ўз ичига олувчи, ҳукуматлараро кўп томонлама шартнома базасида амал қилувчи халқаро ташкилот. 1948 йил 1 январдан бошлаб амал қилади. ТСББ доирасида секретариат, кўп сонли ҳукуматлараро органлар ва комиссиялар ишлайди. 1989 йилда унинг тўла ҳуқуқли аъзолари сони 97 ни ташкил қилди, яна 28 мамлакат ТСББ иштирокчилари де-факто ҳисобланади, 20 мамлакат эса кузатувчи сифатида қатнашади. Ҳозирги вақтда ТСББ ўз таъсирини халқаро савдога иштирок этувчи кўплаб мамлакатларга тарқатмоқда.

ТАРИФ МАЛАКА СПРАВОЧНИГИ — ишларни тарификация қилиш ва ишчиларга малака разрядлари учун фойдаланадиган норматив ҳужжат.

ТАРИФ РАЗРЯДИ — бажариладиган ишнинг мураккаблигини ва ишчининг малака даражасини характерловчи кўрсаткич.

ТАРИФ СЕТКАСИ — иккинчи, учинчи ва ундан кейинги разрядлардаги ишчилар тариф ставкаларининг биринчи разряд тариф ставкасига бўлган нисбатини белгилловчи шкала.

ТАРИФ СИСТЕМАСИ (фр., грек.) — ҳар хил гуруҳ ва тоифа ходимлари меҳнатининг мураккаблиги, аҳамияти ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда унинг миқдорини табақалаштириш учун хизмат қилувчи меҳнат ҳақини ташкил этишнинг асосий таркибий қисмларидан бири. Т. с. қуйидагиларни ўз ичига олади: ишчилар учун тариф сеткалари, ишлар ва профессияларнинг тариф-квалификацион маълумотномаси, тариф ставкалари; ИТХ ва хизматчилар учун — вазифа маошлари чизмаси ва вазифаларнинг квалификацион маълумотномаси.

ТАРИФ СТАВКАСИ — тегишли разряддаги ишчининг бир соат ёки бир кун ичидаги меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори.

ТАСДИҚЛАНГАН АККРЕДИТИВ (нем.) — банк мажбуриятини ўз ичига олувчи аккредитив бўлиб, бунда аккредитивни очган импортёр — банкдан қоплашни олишидан қатъи назар, аккредитивни очиш, экспортёрга унга ҳисобланадиган сумма тўловини бериш бажарилади.

ТАЪМИНЛАНГАН ОБЛИГАЦИЯ (гаровли) (лот.) — жисмоний активлар ёки қимматли қоғозлар ёки бошқа компанияларнинг ишончли мулки билан таъминланган облигация.

ТАЪМИНЛАНМАГАН ОБЛИГАЦИЯ (гаровсиз) (лот.) — қандайдир материал активлар билан таъминланмаган облигация. Бундай облигацияларнинг ишончилиги фақат эмитент — компания виждонлилиги билан мустаҳкамланиши мумкин.

ТАЪСИСЧИ — акционер жамият, фонд, бирлашма, биржа асосчиси.

ТАЪСИСЧИЛАР АКЦИЯЛАРИ (*фр.*) — акционер компаниялар таъсисчилари ўртасида тақсимланадиган ва уларга айрим устуворлик ҳуқуқи берадиган акциялар.

ТАЪСИСЧИ ФОЙДАСИ — акцияларни реализация қилишдан фарқ тарзида ва корхонага солинган ҳақиқий капиталдан акционер жамият таъсисчилари томонидан олинган даромад.

ТАШАББУСКОР РАҲБАР — ўз корхонасида ўзгаришлар ва такомиллаштиришни амалга оширадиган имкониятни изловчи ва олдиндан ўйлаб қўйилган таваккалчиликка боровчи менежер.

ТАШҚИ БОЗОРГА ЧИҚИШ ҲУҚУҚИ — маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ташқи бозорда рақобатбардош бўлган барча корхоналар, бирлашмалар, ишлаб чиқариш кооперативлари ва бошқа ташкилотларга берилган имконият.

ТАШҚИ ГУБЕРНАТОР (*лот.*) — брокер бизнеси билан боғлиқ бўлмаган, энг тажрибали шахслардан сайланадиган ёки тайинланадиган биржа раҳбар органи аъзоси.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ — давлат томонидан қабул қилинадиган ва ҳаддан ташқари ташқи рақобатдан миллий иқтисодиётни ҳимоя қилувчи мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш, мамлакат миллий иқтисодий фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш, мамлакат миллий иқтисодиёти манфаати йўлида ҳар қандай ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. *Т. и. а. д. т. т. с.* хўжалик иқтисодий фаолиятининг барча соҳаларини қамрайди.

ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИ — маркетингда корхонанинг тижорат ютуғига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай омиллар.

ТАШҚИ САВДО — товарлар ва хизматларни четга чиқариш (экспорт) ва четдан олиб келишдан (импорт) иборат бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдо.

ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ — маълум вақт даврида (ой, квартал, йил, беш йил) мамлакатга келтириладиган ва чиқариладиган товарлар қиймати нисбатини характерлайди.

ТАШҚИ САВДО БИРЛАШМАСИ (ТСБ) (*инг.*) — юридик шахс ҳисобланган ва корхона (бирлашма) тўғрисидаги қонунга асосан тўла хўжалик ҳисоби шароитларида амал қилувчи мустақил тижорат ташкилоти. ТСБ воситачи сифатида экспорт товарларни етказиб берувчилар ва импорт буюртмачилар билан хўжалик шартномалари асосида чет эллик контрагентлар билан битимлар ва контрактлар асосида ўз муносабатларини қуради.

ТАШҚИ САВДО ДЕФИЦИТИ (лот.) — мамлакат импорт товарининг унинг экспорт товаридан ошиши.

ТАШҚИ САВДОНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ — умумий тарзда бу жами харажатлар ва ташқи иқтисодий фаолиятдан келган даромадлар нисбати. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги *Т. с. и. с.* аниқлаш асосий тамойили — бу мамлакат импорт ва экспорт товарлар ишлаб чиқаришига кетган харажатларнинг таққосланишидир.

ТАШҚИ САВДОНИ КРЕДИТЛАШ (лот.) — экспортёр томонидан (банк ёки молия-кредит ташкилоти) импортёрга бериладиган ёки импортёр томонидан экспортёрга аванслар бериш билан етказиб бериладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар. Объектга боғлиқ ҳолда савдо кредитлари товарлар ва валюталарга бўлинади. Кредиторга боғлиқ ҳолда: 1) фирма ёки тижорат кредитлари; 2) брокерлик; 3) банк; 4) ҳукумат; 5) халқаро ва регионал банклар ва молия ташкилотлари томонидан берилади.

ТАШҚИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ — маҳсулот ва хизматлар экспорти ва импорти билан ҳўжалик ҳисоби асосларида шуғулланувчи юридик ва ҳўжалик жиҳатдан мустақил ташкилотлар. Улар ҳар хил фаолият йўналишларида бўлишлари (давлат, тижорат) ва турли хил вазифаларни бажаришлари мумкин.

ТАШҚИ САВДО ФИРМАСИ (итал.) — маҳсулоти ва хизматларнинг бириктирилган номенклатураси ва унинг уставида қайд қилинган бошқа ташқи иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи ишлаб чиқариш бирлашмаси, ташкилотнинг тузилмали ташқи иқтисодий бўғини.

ТАШҚИ САВДО ҲУЖЖАТИ — ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳар хил фаолият соҳалари ва юридик муносабатлари тўғрисида ахборотни ўз ичига олувчи ҳужжат.

ТАШҚИ САВДО ШАРТНОМАСИ (контракти) (лот.) — томонлар ўртасидаги эришилган битим тўғрисида гувоҳлик берувчи ташқи савдо операциясининг асосий тижорат ҳужжати. *Т. с. и.* предмети товар олди-соттиси, пудрат ишларини бажариш, ижара, лицензиялаш, сотишга ҳуқуқ бериш, консигнация ва ҳ. к. бўлиши мумкин.

ТАШҚИ ТўЛОВЛАР — айрим шахслар, фирмалар ва бир мамлакат ҳукуматининг бошқа мамлакатлардаги товарлар ва хизматларни сотиб олишга валюта сарфлаши; чет эл пул переводлари; инвестиция даромадини бошқа мамлакатларга жойлаштириш ва четга капитал чиқариш.

ТАШҚИ ҚАРЗ — ўрнатилган муддатда қоплашга тегишли бўлган чет эл кредиторларига мамлакатнинг молиявий мажбуриятлари суммаси. Капитал *Т. к.* (ҳали тўлов муддати келмаган) ва жорий *Т. к.* (тўлов муддати келаётган ёки келган) фарқ қилади; заёмлар ва кредитлар бўйича: қисқа муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (5—10 йил) ва узоқ муддатли (10 йилдан ошиқ); давлат ва хусусий.

ТАҚСИМОТ — такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим фазаси, яратилган моддий неъматларни тақсимлашни ифодаловчи босқич, ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғловчи ҳалқа. Тақсимотнинг шакллари ва тамойиллари ҳукмрон ишлаб чиқариш усулининг хусусияти билан белгиланади.

ТАҚҚОСЛАНАДИГАН МАҲСУЛОТ — тармоқ, бирлашма, корхона томонидан чиқариладиган маҳсулотнинг барча турлари, ўтган (базис) йилда ўзлаштирилган, оммавий ва серияли ишлаб чиқариш.

ТЕЗАВРИРОВАНИЕ (*грек.*) — қимматли қоғозларни уйда жамғариш. Табиий ва мажбурий *Т.* дан фарқ қилади. Табиий *Т.* пул кўзда тутилмаган ҳолатлар, қимматбаҳо товарларни сотиб олиш ва пул маблағларини омонатлар бўйича фоиз олиш мақсадида сақлаш ва ҳ. к. боғлиқ ҳолда жамғаришни кўзда тутadi. Мажбурий *Т.* эса аксинча жамғариладиган пуллар учун товарларни қоплаб бўлмаслигидан вужудга келади, бу инфляция таъсирида рўй беради.

ТЕЗДАН ЕТКАЗИШ — одатда етказишнинг шартнома тузилгандан кейин нисбатан қисқа вақт (1—2 ҳафта) давомида амалга оширилиши кераклигини билдиради.

ТЕЛЕГРАФ АДРЕСИ (*грек., фр.*) — компаниянинг тўлиқ номи ва адреси ўрнига (почта раҳбарлари томонидан қайд қилинади) телеграммаларда фойдаланадиган сўз.

ТЕЛЕГРАФ БАНК КОДИ (*грек., фр.*) — банк муассасалари ўртасида телеграф ёзишмалар трафарет текстларини шифрловчи шартли код белгилари системаси.

ТЕЛЕТАЙП АЛОҚА (*инг.*) — телетайп ёрдамида амалга ошириладиган ишбилармонлик контактлари ва ахборот айирбошлаш турлари. *Т. а.* ташқи савдо ташкилотларида, корхоналарда ва фирмаларда кенг қўлланилади. У зарур ахборотни бериш ва олишни тезлаштиришга имкон беради ва экспорт-импорт операциялари янгиликчилари оператив фаолияти самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатади. Телетайп ёрдамида телекслар деб ном олган телеграмма берилади.

ТЕЛЕФАКС (*грек. фр.*) — ишбилармонлик ахборотини оператив айирбошлаш, ҳужжатлар ва материалларни бериш (ш. ж. ташқи иқтисодий фаолиятда)нинг замонавий усули.

ТЕЛЕФОН — ТЕЛЕКС БОЗОРИ (*грек.*) — фьючерс биржа амал қилувчи реал товар бозорида савдонни ташкил этиш шакли. *Т. т. б.* қандайдир аниқ ташкилий ва юридик тузилмани тузишни кўзда тутмайди. Битимлар бундай бозорда савдогарлар ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган типовой контрактлар асосида амалга оширилади. Савдода воситачилар асосий ўрин эгаллайди; контрактлар асосан телекс ёки факс орқали тузилади, шу бўйича хабар қилиш битимни амалга оширишнинг қонуний тасдиқловчи факти ҳисобланади.

ТЕЛЬ-КЕЛЬ (*фр., инг.*) — халқаро савдодаги олди-сотти шартномаси шартларидан бири бўлиб, сотиб олувчига топширишга келган ёки таклиф қилган товар унинг сифатидан қатъи назар, фақат ўз номига мос бўлишлиги учун охирида қабул қилиниши керак. Бунда сотиб олувчи товарнинг сифатига нисбатан реклама қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Тель-кель шартлари аукцион сотишларда, денгизда юкларни ташишда қўлланилади.

ТЕМИР ЙЎЛ ОРҚАЛИ ЮК ТАШИШ — (халқаро битимлар): чегара темир йўл битимлари — чегарадош мамлакатлар темир йўллари ўртасида тузиладиган ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби ва характериға тегишли бўлган битимлар, яъни станцияларни техник жиҳозлаш, ўзаро хизматлар кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоблар ва айрим бошқа масалалар учун зарур бўлган юклар ва ҳаракат составини бериш. Темир йўл орқали юк ташиш Финляндия, Эрон, Туркия, Афғонистон, Австрия ва Югославия билан мавжуд. Халқаро юк ташиш тўғрисида битим (КОТИФ), Европа мамлакатлари ўртасида халқаро темир йўл орқали юк ташишни амалга ошириш тартибини тартибга туширувчи темир йўл орқали юк ташиш соҳасидаги ҳукуматлараро битим. Барча Ғарбий Европа мамлакатлари КОТИФнинг иштирокчилари ҳисобланади.

ТЕНДЕР (*инг.*) — комплекс объектларни жиҳозлаш, консультатив, қурилиш, технологик, комплекс хизматлар кўрсатишни ҳам қўшиб бошқа ишларни бажариш учун жаҳон бозорида ускуналарни сотиб олиш ёки пудратчиларни жалб этиш буюртмаларини жойлаштиришнинг танлов шакли. Танлов шартлари олдиндан эълон қилинади.

ТЕНДЕР ТАКЛИФ (*инг.*) — битта компания акция эгаларининг бошқа корпорация ёки ташкилот акция эгаларидан маълум шартлар билан қандайдир маълум вақт даври давомида акцияларни сотиб олишнинг ошкора таклифи. Акция эгалари таклиф ёки (ва) максимал миқдордаги акциялар бўлган шароитда бозор баҳосига нисбатан маълум қиймат бўйича ўз акцияларини таклиф қилишни сўрайди.

ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ (*инг.*) — савдоларни ўтказиш ташкилий, техникавий ва тижорат масалалари бўйича ахборотни ўз ичига олувчи ҳужжатлар тўплами.

ТЕНДЕР ҚЎМИТАСИ (*инг., фр.*) — савдони ўтказиб олиш муносабати билан буюртмачи (сотиб олувчи) томонидан тузиладиган вақтинчалик мақсадли ташкилот. Қўмитанинг асосий вазифаси тендер ҳужжатлаштиришни тайёрлаш, савдони эълон қилиш ва ўтказиш, энг рақобатбардош оферталарни танлаш мақсадида савдо иштирокчилари томонидан таклиф этилган таклифлар ва оферт-буюртмани таҳлил қилиш ва баҳолаш. Унга техник ва тижорат экспертлари, буюртма вакиллари, сотиб олувчилар киради.

ТЕСКАРИ ТАЛАБ — айби билан тўлов амалга оширилган учинчи шахсга берган шахснинг (фуқаро ёки ташкилот) тўловни амалга оширган бошқа шахсга бўлган талаби.

ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ (*инг.*) — корхона лойиҳасининг асосий йўналишларини ва вазифаларини белгиловчи режа олди ва лойиҳа олди ишланмаси; лойиҳанинг сифатини оширишга ва қурилишни асослашга йўналтирилган.

ТЕХНИК ТАДҚИҚОТ (*грек.*) — таклифни ва талабни ўрганишга асосланган қимматли қўғозлар бозори таҳлили. Техник мутахассислар курслар ҳаракати, ҳажми, диаграммалар ва графиклар асосида тенденциялар ва тузилмани ўрганади ва бозордаги қимматли қўғозлар талаб ва таклифига вазиятнинг таъсир қилиш имконини аввалдан айтиб беради.

ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ (*грек.*) — ишлаб чиқариш жараёнида машина ва ускуналарни таъминлаш имкониятини таъминловчи ва уларни парвариш ҳамда жорий ремонт қилувчи, парвариш бўйича комплект чизмалар, спецификациялар, инструкциялар ва монтаж бўйича эксплуатациялар ва ҳ. к.

ТЕХНОКРАТИЯ (*грек.*) — 1. Ишлаб чиқаришни бошқаришга, давлатнинг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга иштирок этувчи юқори малакали мутахассислар қатлами; 2. Ҳозирги замон социал-иқтисодий вазияти бўлиб, унга мувофиқ гўё жамиятнинг раҳбар кучи ҳозирги капиталистик синфлар эмас, балки илмий ва техник интеллигенция, мутахассислар ва технократлар ҳисобланади.

ТЕХНОЛОГИК ПАРК (*грек., инг.*) — ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришга фан-техника ишланмалари ва янги технологияни оператив жорий этишга таъсир этувчи янги, аммо жуда қўп тарқалган фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ҳуқуқий интеграциялашнинг самарали шакли. Яхши жиҳозланган ахборот ва экспериментал база ҳамда малакали кадрларни юқори

концентрациялаш шароитида илмий конструкторлик ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бирлашишини билдиради.

ТЕХНОЛОГИЯ (грек.) — маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилаётган хом ашё, материаллар ёки ярим фабрикатлар шакллари, буюмларни ишлаш, тайёрлаш ҳолатининг ўзгариши, хусусиятлари, йўллари ва усуллари мажмуи. Фан сифатида *Т.* вазифаси амалда энг самарадор ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва фойдаланиш мақсадида буюмларнинг физикавий, химиявий, механик ва бошқа қонуниятларини очиб беришдан иборатдир.

ТЕХНОЛОГИЯНИ БЕРИШ (грек.) — технологик айирбошлаш соҳасида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга нисбатан энг кенг қўлланиладиган халқаро амалиётда қабул қилинган термин.

ТИЖОРАТ АКТИ (лот.) — агарда етишмовчилик ёки юк бузилган бўлса, юкларни темир йўлдан ташиганда ёзиб бериладиган ҳужжат. *Т. а.* айбдор томоннинг моддий жавобгарлиги ва жабрланувчи томоннинг даъво талаб қилиши учун асос ҳисобланади.

ТИЖОРАТ БАНКИ (фр.) — саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлашга ҳамда хусусий миқозларга ҳар хил турдаги банк хизматлари кўрсатишга ихтисослашган банк. *Т. б.* пайлар ва акционерлар асосида тузилади ва қўйидагилар билан фарқ қилиши мумкин: низом капиталини ташкил этиш усули бўйича; ихтисослашиш бўйича (масалан, агробанклар, инновация банклари); фаолият ҳудуди бўйича; ўтказиладиган операцияларнинг тури бўйича ва ҳ. к.

ТИЖОРАТ ВЕКСЕЛИ (инг., нем.) — товарларни гаровга қўйиб заём берган заёмчи томонидан кредиторга бериладиган вексель.

ТИЖОРАТ КОРХОНАСИ — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, ўз-ўзини молиялаш шароитида ҳаракат қиладиган ва максимал фойда олишни ўз мақсади қилиб қўйган мустақил ҳўжалик юритиш субъекти. Тижорат корхонасига ижара, акционер, кооператив, қўшма, аралаш, кичик фермер ва кўпплаб бошқа корхоналар кирази. Ҳозирги вақтда товарлар ишлаб чиқариш, товарлар муомаласи ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият қилмоқда.

ТИЖОРАТ КРЕДИТИ (инг., лот.) — сотувчилар томонидан сотиб олувчиларга сотилган товарлар учун тўлов муддатини узайтирган ҳолда товар шаклида бериладиган кредит. Вексель шаклида ёки очилган счёт бўйича берилади.

ТИЖОРАТ РИСКИ СУҒУРТАСИ — бозор иқтисодиёти мавжуд мамлакатларда корхоналар ва бирлашмаларнинг турли хил

суғуртаси, тижорат операциялари суғуртаси ва зарарлардан хўжалик фаолиятини билдиради.

ТИЖОРАТ СИРИ — ишлаб чиқариш, технологик, савдо, молия ва бошқа хўжалик операцияларини ҳамда шулар бўйича барча ҳужжатларни махфий сақлашга бўлган корхоналарнинг ҳуқуқини қонун томонидан муҳофаза қилиниши. Рақобат курашидаги восита. Сирни сақлаш қўшма корхона тўғрисидаги туповий шартномада кўзда тутилган.

ТИЖОРАТ ШАРТЛАРИДА ЕТКАЗИШ — ҳукуматлараро битимдан ташқари етказиш.

ТИЖОРАТ ҚОҒОЗИ — 1. Қисқа муддатли кредитлаш қўлланадиган ва 2 кундан 270 кунгача чиқариладиган махсус таъминлашга эга бўлмаган йирик компаниялар мажбуриятлари. Т. к. шаклида маблағларни жалб этиш фойдали, чунки шу бўйича туланадиган фоиз заёмларни энг яхши миқозларга беришда ҳисобланадиган банк фоизидан паст ва шундай заём компания учун ҳар қандай пайтда амалга оширилиши мумкин; 2. Савдодан келиб чиққан векселлар.

ТИЖОРАТ ЮТУҒИ — корхонага даромадлар олишни (купайтириш) ёки унинг молиявий ҳолатини яхшилашни (барқарорлаштириш) таъминлайдиган мақсадга мувофиқ ҳаракат орқали хўжалик фаолиятида режалаштирилган ёки кутиладиган натижага эришиш.

ТИКЕР (инг.) — биржа аппарати; биржаларда қимматли қоғозларни сотишнинг охириги нарҳини ва қимматли қоғозлар билан бўладиган битимлар ҳажмларини узлуксиз бериб турувчи телеграф алоқа тизими. Ахборот ҳар бир битимдан кейин ёзма тарзда берилади ёки ҳаракатланувчи лентага чиқарилади.

ТИКЕР АХБОРОТ (инг.) — биржада тузиладиган битимлар тўғрисида жорий ахборот.

ТИКЕР СИМВОЛЛАР (инг., грек.) — биржа аппаратларида фойдаланишга чиқариладиган акцияларнинг қисқартирилган номи.

ТИРИКЧИЛИК МИНИМУМИ — социал-иқтисодий категория. Меҳнаткашларнинг ҳаёт кечириши ва иш кучини тиклаши учун зарур бўлган тирикчилик воситалари минимумини ифодалайди.

ТИРИКЧИЛИК ҚИЙМАТИ ИНДЕКСИ (лот.) — ушбу мамлакатлар аҳолисининг маълум категориялари истеъмолига кирувчи қайд қилинган йиғимдаги товарлар ва хизматлар баҳолари ва тарифлари индекси. Товарлар чакана баҳолари ва хизматлар тарифлари ўсиши билан боғлиқ бўлган истеъмол харажатлари асосий қисмлари бозор қиймати ўзгаришини ифодалашга қаратилган.

ТИТУЛ (лот.) — мол-мулкка бўлган асосий ҳуқуқ; сотиш шартларига мос равишда сотувчидан сотиб олувчига ўтувчи товарга эгаллик қилишнинг ҳужжат билан мустаҳкамланган ҳуқуқи.

ТИТУЛ РЎЙХАТИ (лот.) — капитал қурилиш режасини ўз ичига олувчи қурилишларнинг номма-ном рўйхати.

ТОВАР — сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулоти. Товар — эҳтиёжни қондириши мумкин бўлган барча нарсалар бозорда сотиб олиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш учун чиқарилади.

ТОВАР АРБИТРАЖИ (фр.) — 1. Икки ёки бир неча бозорларда битта товарнинг ўзидаги нархлар фарқидан фойда олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида сотиб олиш ва сотиш бўйича операция. Нархлардаги фарқ айрим бозорлардаги талаб ва тақлифнинг ўзгариши, давлатнинг аралашуви, валюта омиллари таъсири ва ҳ. к. муносабати билан юз бериши мумкин; 2. Ҳар қил муддатларда етказиб берилган товарга бўлган нарх котиоровқалари ҳар қандай ноодатий фарқидан фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган битта бозорнинг ўзидаги операциялар.

ТОВАР АССОРТИМЕНТИНИ БОШҚАРИШ — маълум товарлар мажмуи бозоридаги ҳозирги замон тақлифи. Улар корхона-экспортёр ишлаб чиқариш фаолияти профилига мос келган ҳолда, чет эллик маълум тоифа сотиб олувчиларининг талабларини тўла қондира олади. *Т. а. б.* шундай хилма-хиллигини ташкил этиш — бу конкрет товарлар, уларнинг айрим сериялари муаммоси, “эски” ва янги товарлар, битталаб ва серияли ишлаб чиқариладиган товарлар, “фан сифмили” ва одатдаги товарлар сингдирилган ва (ёки) лицензиялар, ноу-хау ўртасидаги муносабатларни аниқлайди. Айни пайтда баҳолар, сифат, даража, кафолатлар, сервис масалалари вужудга келади.

ТОВАР БЕЛГИСИ — уни бошқаларидан фарқ қилиш ва уни ишлаб чиқарувчини (корхонани) кўрсатиш учун ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб товарга қўйиладиган белги. Ҳарфлар ва сонларнинг маълум уйғунлигидаги расмларни билдиради. *Т. б.* ифодали, аниқ, енгил билиб олинадиган ва эсда қоладиган бўлиши керак, уни расмий рўйхатдан ўтказиш имкониятига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқарувчини индивидуаллаштириш воситаси сифатида тушуниладиган *Т. б.* савдо маркаси ёки фирма белгиси сифатида қаралади. *Т. б.* тегинили мамлакатларнинг давлат муассасаларида рўйхат қилинади. *Т. б.* 1883 йилда Париж Конвенциясида мустаҳкамланган саноат мулки турларидан бири ҳисобланади. Тижорат рекламаси билан уйғунлаштирилган ҳолда у рақобатнинг муҳим воситасини билдиради. Кўрсатилган Конвенциядан ташқари *Т. б.* ҳимоя қилиш ҳуқуқи 1981 йилда *Т. б.* халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид Конвенцияси-

да ва 1973 йилда Т. б. рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги шартномада кўриб чиқилган.

ТОВАР БИРЖАСИ (нем.) — сифат стандартлари бўйича аниқ туркумланиши мумкин бўлган маълум товарларни сотиб олиш ва сотиш учун уюшган бозорни таъминловчи савдогарлар ассоциациясини билдиради. Бунда битимларни амалга оширадиган товарларнинг ўзи биржага келтирилмайди. Уларнинг мавжудлиги миқдор ва сифат жиҳатдан характерланидиган хужжатлар билан тасдиқланган бўлади.

ТОВАР БОЗОРИНИ ПРОГНОЗЛАШ (грек.) — маркетинг дастуридаги прогнозланадиган экспортёрнинг маркетинг фаолияти стратегияси ва тактикасидаги маълумотларни ҳисобга олиш учун кейинги даврда бозорнинг ривожланиш истиқболини, бозор шароитлари ўзгаришларини баҳолаш. Т. б. н. ўтган ва ҳозирги ўрганиладиган бозорнинг ҳақиқий маълумотлари анализига асосланади. Прогнознинг мақсади бозорга таъсир этувчи истиқболдаги омилларнинг намоён бўлиш имкониятини ўрнатишдир.

ТОВАР БОЗОРИ ТАДҚИҚОТИ — маркетинг дастурини ишлаш ва корхона ишлаб чиқарувчи ва экспортёр ишлаб чиқариш — тижорат фаолиятини ташкил этиш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш учун етарлича ишончли ахборот олиш мақсадида конкрет бозор ва унинг сегментида товарни сотиш ҳажми, динамикаси ва самарадорлигига бевосита ва бавосита таъсир кўрсатувчи иқтисодий, фан-техника, социал, сиёсий ва бошқа омилларнинг сифат ва миқдор анализи.

ТОВАРНИНГ БОЗОРГА ҲАРАКАТИ — ўз товарлари ва хизматлари тўғрисида ахборотни ишонтириш, эслатиш учун корхона томонидан фойдаланиладиган хабарларнинг ҳар қандай шакли. Хабар қилиш шакллари: фирманинг номи, қадоқлаш, магазинлар витринаси, тўғри почта орқали юборишлар, эълонлар ва ҳ. к. Ҳаракат бўйича фаолиятни рекламалаштириш, персонал сотишлар, паблисити, сотишни рағбатлантириш (виставка, намоишлар ва ҳ. к.)ни ўз ичига олади.

ТОВАР ДЕМПИНГИ (инг.) — пасайтирилган нарх (яъни ички бозор баҳосидан паст) бўйича товарларни экспорт қилиш. Мол сотиш бозори учун кураш воситаларидан бири.

ТОВАРЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛМОҚ (лот.) — барча ташқи савдо юклари учун 1989 йил 1 апрелдан бошлаб мажбурий тартибда киритилган. Т. д. к. давлат божхона назорати органларига юк божхона декларациясини топшириш орқали амалга оширилади. Т. д. к. бўйича операциялар учун назоратни божхона муассаса шохобчалари орқали божхона органлари амалга оширади.

ТОВАР ЗАХИРАЛАРИ — реализация қилиш ва фойдаланиш учун тайёр бўлган ва ушбу мақсадлар учун тайинланган товар фондлари.

ТОВАР КАПИТАЛИ (фр.) — сотиш учун капиталистик корхоналарда ишлаб чиқарилган товарлар сифатида намоён бўлувчи капитал. Саноат капитали доиравий айланишининг функционал шакли ҳисобланади ва бунда товар қиймати ҳамда қўшимча қиймат реализация қилинади.

ТОВАРНИ КУЗАТИБ БОРУВЧИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ — етказиб берилган товарлар миқдорий характеристикасини ўз ичига олувчи ҳужжатлаштиришнинг ташқи савдо тоифаси.

ТОВАР МАҲСУЛОТИ — бирлашма, корхона томонидан ишлаб чиқарилган ва четга реализация қилиш ёки ўз эҳтиёжи учун тайинланган барча маҳсулотлар қийматини характерловчи саноат ишлаб чиқариши ҳажми кўрсаткичларидан бири.

ТОВАРДА МУЖАССАМЛАШГАН МЕҲНАТНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМА ХУСУСИЯТИ — ҳар бир товар икки хусусиятга — истеъмол қиймати ва қийматга эга. Бунга сабаб товар ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг икки томонлама хусусиятга эга эканлигидир. Бир томондан бу конкрет меҳнат, яъни муайян конкрет шаклда сарфланадиган меҳнат (тўқувчи, тикувчи, сут соғувчи ва ҳ. к. меҳнати), конкрет меҳнат товарнинг истеъмол қийматини яратади. Иккинчи томондан, конкрет меҳнат шаклидан қатъи назар, умуман сарфланган иш кучи, жами ижтимоий меҳнатнинг қисмидир. Шу сифатига кўра, меҳнат абстракт меҳнат деб аталади ва бу товар қийматини яратади.

ТОВАР НАКЛАДНОЙ — товар-материал қийматликларни жўнатиш ва қабул қилиш бўйича операцияларни расмийлаштирувчи дастлабки бухгалтерия ҳужжати.

ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИ (лот.) — мавжуд фирма томонидан сотиб олувчиларга таклиф қилинадиган товарлар гуруҳи ва товарлар бирликлари барча ассортиментлари жами. Фирма *Т. н.* га кенглик, қондирилгандлик, чуқурлик, уйғунлик нуқтаи назаридан қараш мумкин.

ТОВАР ОБОРОТИ — товарларнинг муомалада бўлиш жараёни, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайдиган босқичи.

ТОВАРНИ ПОЗИЦИЯЛАШТИРИШ (лот.) — бозорда товарнинг ҳолатини белгилаш. Бозорда товарнинг ҳолатини аниқлаш — бу ўз таклифларини истеъмолчилар идроки ва хоҳиши, рақобатчилар товарлари ва ташқи муҳитдаги ўзгаришлар билан бўлган муносабатини белгилаш демакдир. *Т. н.* бозордаги мавжуд товарнинг ҳолатини (ҳажми ва сотиш динамикаси, ҳаётий цикли босқичи ва ҳ. к.) мавжуд товар бозоридаги рақобатчилар

позицияларини, мавжуд товарнинг потенциал бозор имкониятлари, бозордаги мавжуд фирма товарининг мавжуд ҳолатини кўзда тутди.

ТОВАР САНКЦИЯЛАРИ (лот.) — банк томонидан қўлла-ниладиган интизомсиз туловчиларга таъсир кўрсатиш чоралари. *Т. с.* қуйидаги турлари мавжуд: 1. Банк томонидан интизомсиз заёмчилар товарларини сотишдан иборат банк ссудалари бўйича; 2. Жўнатилган товарлар учун корхоналар — қарздорларни кредитлашнинг махсус режимига ўтказишда истеъмолчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича; 3. Туловга қодир эмас деб эълон қилинган корхоналарга нисбатан банкка асосий воситалар ва ускуналардан ташқари шундай корхоналар моддий қийматликларини сотиш ҳуқуқи берилган.

ТОВАР СИЁСАТИ (грек.) — ассортимент сиёсатини, янги товарларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тушириш, истеъмоллилиқ талабини йўқотган товарларни экспорт дастуридан чиқариш, товар белгиси ва номини янгилаш ва ҳ. к. ларни ўз ичига олувчи комплекс тушунча.

ТОВАР СИФАТИ — тайинланишига мос равишда унинг ўрнатилган ёки кўзда тутилган талабларини қондириш қобилиятини аниқловчи буюмлар(хизматлар)нинг хусусиятлари ва характеристика мажмуи. *Т. с.* талаблар объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсири натижасидир. Биринчиси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасида, иккинчиси эса истеъмолчиларнинг ишлаб чиқаришга бўлган таъсирида намоён бўлади.

ТОВАРЛАРНИ СОТИШ — маркетинг фаолияти жараёнида *Т. с.* муаммоси фирма стратегиясини ишлаш босқичида ҳал этилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш бошланишидан бошлаб маълум бозорда сотишнинг конкрет шакллари ва методларига йўналтирилган бўлади. Фирма амал қилувчи сотиш тизимини умуман ва унинг айрим қисмлари бўйича таҳлил қилади — регионлар бўйича маҳсулотни сотиш ҳажмлари кўрсаткичлари, сотиш шохобчасини ташкил этиш, рекламанинг самарадорлиги, бозорни танлашнинг тўғрилиги, бозорга чиқиш вақти ва усуллари таҳлил қилинади. *Т. с.* бир неча тизими мавжуд: ўз сотиш тизими (чет элда ва ўз мамлакатаида қиз фирмалари ва уларнинг филиаллари); фирма вакиллари (чет элда ва ўз мамлакатаидаги дилерлар доимий ва вақтинчалик вакиллар, сотиш бўйича бюро, сотиш идоралари, савдо нуқталари); ҳамкорликда *Т. с.* (ҳамкорликдаги фирмалар, ҳамкорликда *Т. с.* тўғрисида битим, ассоциацияларга иштирок этиш ва ҳ. к.).

ТОВАР ТАКЛИФИ — 1. Бозорга товар етказиб берувчи сотувчининг аниқ бир мақсадга қаратилган ҳаракати. *Т. т.* ҳар

доим талаб билан ўзаро алоқада бўлади. Бозорда талаб ва товар таклифи нисбати товар ҳўжалигининг асосий иқтисодий қонунларидан бирини ташкил этиш билан ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро алоқасини ифодалайди. *Т. т.* тузилмаси олдиндан ўзлаштирилган товарларни чиқаришни кўпайтириш ва янги товарларнинг пайдо бўлиши ҳисобидан доимо ўзгариб туради; 2. Асосий бозор қисмларидан бири, ижтимоий эҳтиёжларни ва индивидуал талабни қондиришнинг моддий асоси.

ТОВАР-ТРАНСПОРТ НАКЛАДНОЙ (*лот.*) — автомобиль транспорти билан юкларни ташиш шартномаси. Халқаро юк ташишда тўртта ҳақиқий нусхани ташкил этади. Биринчи нусха юк жўнатувчида қолади, иккинчи нусха юк билан жўнатилади, учинчи ва тўртинчи нусхалар юк ташувчига қолади.

ТОВАР УПАКОВКАСИ — товар жойлашадиган тара, материал. *Т. у.* товарни бузилишдан ва зарарланишдан сақлашга қаратилган; товарларни транспортировка қилиш, ортиш, тушириш, уларни омборга жойлаштириш учун юкнинг рационал бирлигини яратишни таъминлаш; товарни сотиш учун оғирлиги ва ҳажми бўйича оптимал бирлик яратишни таъминлаш; реклама учун муҳим роль ўйнайди.

ТОВАР ФЕТИШИЗМИ (*фр.*) — ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига асосланган товар ҳўжалиги шароитлари билан пайдо бўлган кишилар ўртасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини буюмлар (товарлар) ўртасидаги муносабат деб нотўғри тасаввур этиш.

ТОВАР ФОНДИ (*фр.*) — биржа операцияларига солиш учун бадаллар ўтказиш ёки пайлар(акциялар)ни сотиш орқали гузиладиган кичик инвесторлар капиталларини бирлаштириш, товар захиралари, фонд ва валюта биржаларидаги битимлар.

ТОВАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҚИЙМАТ АНАЛИЗИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ (ФҚА) — уларни конструктив қайта ишлаш, стандартлаштириш ёки энг арзон унумли технологиялардан фойдаланишни тайёрлаш имкониятларини аниқлаш мақсадида буюмларнинг таркибий қисмларини синчиклаб ўрганишни кўзда тутувчи ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга бўлган ёндашиш. ФҚА биринчи марта 40-йилларнинг охирида Американинг “Дженерал электрик” корпорацияси томонидан қўлланилган. ФҚА ўтказиш давомида одатда қуйидаги саволларга жавоб олиш мумкин: қайси соҳада товар қиймати унинг фойдалилиги билан таққосланади; товарда мавжуд бўлган барча хусусиятларнинг иштирақ этиши зарурми; кўзда тутилган талабларга тўла жавоб бера оладиган товар мавжудми; кам харажат талаб қиладиган зарур детални тайёрлаш мумкинми; амал қилувчи стандарт деталлардан фойдаланиш учун танлаб олиш

мумкинми; шундай ўхшаш товарни кимдир сотиб олиши мумкинми (ва ҳ. к.).

ТОВАРНИНГ ҲАЁТИЙ ДАРАЖАСИ — у ўз ривожланишида фойдан комплекс товарга қадар ўтадиган босқичлари.

ТОВАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ (грек.) — бозорда товарнинг мавжуд бўлиш вақти. *Т. ҳ. қ.* концепциясига кўра ҳар қандай товар эртами ёки кечми бозордан бошқа энг мукаммал ёки арзон товар томонидан сиқиб чиқарилади. Узоқ муддат турувчи товарлар бўлиши мумкин, аммо абадий турадиган товар йўқ. *Т. ҳ. қ.* концепцияси маҳсулот тури, хили, конкрет модели ва савдо маркасига нисбатан қўлланиши мумкин. *Т. ҳ. қ.* босқичлари одатда жорий этиш, ўсиш, етилганлик, тўлдириш ва инқирозга бўлинади.

ТОВАР ҲАРАКАТИ — товарни аниқ белгиланган вақтда сотиш жойига етказиш ва сотиб олувчига юқори даражада максимал хизмат кўрсатишни таъминловчи тизим. *Т. ҳ.* асосий харажатлари транспорт, товарларни омборга жойлаштириш, товар-материал захираларини қўллаб-қувватлаш, товарларни қадоқлаш, жўнатиш ва олиш ҳамда буюртмаларни ишлашга кетган маъмурий харажатлар бўйича харажатлардан ташкил топади. *Т. ҳ.* биронта тизими бир вақтнинг ўзида сотиб олувчилар учун сервисни максимал таъминлашга ва товарни тақсимлаш бўйича харажатларни минимумга қисқартиришга қодир эмас. *Т. ҳ.* тизимини яратишнинг дастлабки нуқтаси сотиб олувчилар эҳтиёжини ва рақобатчилар таклифини ўрганишдан иборат бўлади.

ТОВАР ҲАРАКАТИНИ БОШҚАРИШ — тайёр товарлар ва эҳтиёт қисмларни сақлашга кетган харажатларни минималлаштириш билан боғлиқ бўлган *М.* даги энг масъулиятли вазифалардан биттаси. Айрим ҳолатда захиралар, омборга жойлаштириш ва ҳ. к. махсус бошқариш тизимини тузади. Товар — материал захираларни қўллаб-қувватлаш, омборга жойлаштириш, ташиш тўғрисидаги қарорлар синчиклаб координациялашни талаб қилади, шу муносабат билан фирмаларда махсус товар ҳаракати бўлимлари тузилди. Бу бўлимлар *Т. ҳ. б.* фаолиятини шундай координация қиладики, кам харажатлар билан бозорни юқори даражада қондиришни таъминлайди.

ТОВАР ҲАРАКАТИ СИСТЕМАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ (лот.) — *М.* нинг ички ва ташқи муҳитига алоқадор. Ички муҳит қисмлари қуйидагилар: сотиб олувчилар буюртмаларини ишлаш; ташқи етиштирувчилардан олинган буюмлар назорати; сотиб олувчилар буюртмаси бўйича товарлар партиясини танлаш ва транспорт нуқтаи назаридан оптимал партияларни ташкил этиш; товарлар упаковкаси божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш; юкни ортиш ва юк ҳаракати

ти назорати. Товар ҳаракати системаси ташқи муҳит элементлари; юкни етказиб берувчи фирмалар; воситачилар ва уларнинг омборлари; сотиш шохобчаси (магазинлар).

ТОВАРЛАРНИ ШТРИХЛИ КОДЛАШ (нем., фр.) — махсус ишланган халқаро стандартлаштирилган тизим ёрдамида ишлаб чиқаришнинг барча параметрлари тўғрисида оборотни кодлаш методи.

ТОВАР ҚИЙМАТИ МИҚДОРИ — товар ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий зарур меҳнат миқдори.

ТОВАР ЭГАСИ — эгалик қилиш ва буйруқ бериш ҳуқуқини ҳам қўшиб, товарни ўз мулки қилиб олган шахс, ташкилот. Сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, инъом қилиш ҳуқуқига ва мавжуд товарни бегоналаштиришнинг бошқа усулларига эга.

ТОВАР ШЛЕЙФИ (нем.) — товарга комплекс қўшимчалар бўлиб, булар истеъмолчи учун манфаатли бўлиши ва рақобат курашида ютуқни таъминлаши мумкин. Т. ш. буюмнинг ўзи билан бир вақтда юз беради ва истеъмолчига катта қулайлик яратади, буни у тўлашга ҳар доим тайёр туради. Бунга қадоқлаш, қўшимча ускуналаш, ҳужжатлаштириш, сотишдан кейинги сервис ва ҳ. к. ни киритиш мумкин.

ТОНТИНЫ — давлатнинг ўртоқлик кредиторлари билан тузган рента заёмлари турларидан бири.

ТОРГИ — олди-сотти шартномаларини тузиш усули бўлиб, бунда сотиб олувчи (буюртмачи) сотувчилар учун (етказиб берувчилар) товарга олдиндан маълум тавсияномалар билан танлов эълон қилади ва олинган таклифларни таққослагандан кейин сотиб олувчи (буюртмачи) учун энг қулай шартлар билан товар таклиф қилган сотувчи (етказиб берувчи) билан контрактга имзо қўяди. Т. машиналар ва ускуналар етказиб бериш, илмий, лойиҳавий ва қидирув ишларини бажариш, саноат ва социал-маданий объектларни жиҳозлашга буюртмаларни жойлаштиришнинг энг кўп тарқалган усули ҳисобланади. Т. ўтказиш учун тендер қўмиталари тузилади, улар Т. ўтказиш бўйича тайёрлов ишларини амалга оширадилар.

ТРАКТАТ (лот.) — халқаро шартнома, битим.

ТРАКТАЦИЯ (лот.) — тегишли битимни тузишдан манфаатдор бўлган мавжуд сотиб олувчилар ёки сотувчиларни аниқлаш мақсади бўлган товарни сотиш ёки сотиб олиш тўғрисида дастлабки таклиф.

ТРАМПОВОЕ СУДОХОДСТВО (инг.) — кема партиялари томонидан ташиладиган денгиз товар обороти, энг аввало оммавий юкларга транспорт хизмати кўрсатиш усули. Бунда юк кемалари иши доимо сузадиган районлар, юк ортадиган ва ту-

ширадиган портлар билан боғлиқ бўлмайди. Маълум юк тури билан чекланмайди, ташиш баҳоси эса фрахто бозори конъюнктурасига боғлиқ ҳолда томонларнинг келишуви бўйича ўрнатилади.

ТРАНЗИТ БОЖЛАР (лот.) — мавжуд мамлакат чегарасидан учинчи мамлакат истеъмоли учун чет эл юкини ташиб ўтишда олинadиган божхона божлари.

ТРАНЗИТ СЇЁТ (лот.) — фақат маълум шартлар бажарилгандан кейин тушадиган, экспорт даромаддан эркин фойдаланиш мумкин бўлган банк счёти.

ТРАНСАКЦИОН ДЕПОЗИТЛАР (лот.) — чеклар ёки электрон пул маблағлари ёрдамида амалга ошириладиган битимлар бўйича тўловлар тарзида маблағлар ундан бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин бўлган депозитлар.

ТРАНСАКЦИЯ (лот.) — қандайдир мақсаллар учун пул маблағларини перевод қилиш банк операцияси (ш. ж. чет элга).

ТРАНСДОРТ — банкнинг ўз корреспондентига буйруқда кўрсатилган шахсга маълум суммани бериш переводи ёки ёзма буйруғи.

ТРАНСЛЯЦИОН РИСК (лот.) — суммани бир валютадан бошқа валютага қайта ҳисоблашда валюталарни нобуд қилиш хавфи.

ТРАНСНАЦИОНАЛ БАНКЛАР — жаҳон бозорида давлатнинг валюта ва кредит операцияларини қўллаб-қувватлашда назорат қилинадиган чет эл корхоналари кенг шохобчалари ва қатнашиш тизимига эга бўлган универсал хилидаги йирик кредит-молия комплекслари; ссула капиталининг халқаро ҳарақатидаги бош воситачилар.

ТРАНСНАЦИОНАЛ МОНОПОЛИЯЛАР (грек.) — бошқа мамлакатларда бўлимлар, филиаллар, ишлаб чиқариш корхоналари кенг шохобчаларини тузиш орқали иқтисодий экспансияни амалга оширувчи капитал бўйича миллий, ўз фаолияти соҳаси бўйича халқаро йирик ҳўжалик бирлашмалари.

ТРАНСПОРТ МАҲСУЛОТИ (лот.) — ташиладиган юклар, пассажирлар, почталар ва багажлар ҳажмини характерловчи кўрсаткич. Натурал, шартли-натурал ва қиймат шаклига эга бўлади.

ТРАНСПОРТ НАКЛАДКОЙИ (лот.) — экспорт идораси ёки транспорт-экспедиция корхонасида тузиладиган ҳужжат. Ҳозирги вақтда эталон асосида, счёт-фактурага асосланadиган ахборот бўйича ёки юкларни ташиш тўғрисидаги битим бўйича дастлабки музокара жараёнида олдиндан тузилган дастлабки фактура бўйича тузилади.

ТРАНСПОРТ СУГУРТАСИ (*лот.*) — ҳар хил йўлларда (денгиз, ҳаво, қуруқлик, аралаш) вужудга келувчи хавф-хатардан сугурта турлари жами.

ТРАНСПОРТ ТАРИФЛАРИ (*лот.*) — транспорт хизматлари учун ҳақ тўлаш ставкалари тизими.

ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИ (*лот.*) — корхоналар томонидан транспортнинг барча турларида бажариладиган йўловчилар, юklar, багажлар, почталар ташиш бўйича сарфлар.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ АВТОМАТИК СЧЁТИ — тижорат банкида жамғарма счёти томонидан фоиз келтирувчи чек счёти комбинацияси, бу унга чек ёзилганда пулни иккинчи счётидан биринчи счётига автоматик ўтказишга имкон беради.

ТРАНСФЕРТ (*фр., лот.*) — топшириш; бу термин ҳар хил операцияларни билдириши мумкин. 1. Бу сотувчи брокердан сотиб олувчи брокерга мулкӣ юридик ҳуқуқнинг ўтишини ҳам қўшиб акционер сертификатни етказиб бериш, бу одатда бир неча кун давомида амалга оширилади; 2. Т. трансферт акциялари бўйича агент томонидан амалга оширилувчи акцияга бўлган мулкӣ ҳуқуқнинг ўтишини корпорация дафтарида сотувчининг номи, жўнатиладиган қимматли қоғозлар эгаларига эмитент томонидан рўйхат қилишни билдиради. Рўйхатлар китобида ёзишгандан кейин дивидендлар, акционерлар мажлиси тўғрисида хабарлар, ишонч қоғозлари, молия ҳисоботлари ва бошқа ҳар қандай ахборот бевосита янги эгасига юборилади.

ТРАНСФЕРТ АГЕНТ (*фр., лот.*) — барча рўйхат қилинган акциялар эгаларини, уларнинг манзиллари ва акцияларининг миқдорини кўрсатиш билан ёзувни олиб борувчи агент. Айни пайтда, у тақдим этилган трансферт сертификатларини бекор қилиш ва эгаси номига янги сертификатлар беришни кузатиб боради.

ТРАНСФЕРТ БАҲО (*фр., лот.*) — турли хил жаҳон баҳолари, булар бўйича тижорат операциялари амалга оширилади.

ТРАНСФЕРТ ТўЛОВЛАР — давлат бюджетидан амалга ошириладиган тўловлар, яъни аҳолига ва хусусий тадбиркорларга тўловлар. Тадбиркорларга субсидияларга бўлинади: давлат қарзи бўйича фоиз тўловлари; аҳоли социал эҳтиёжларига (пенсиялар ва нафақалар).

ТРАНСФЕРТ ХИЗМАТЛАР (*фр., лот.*) — шартнома тури.

ТРАНША (*инг.*) — 1. Ё келажакда бозор конъюнктурасини яхшилаш, ёхуд ҳар хил мамлакатлар ссуда бозорларига заёмларни жойлаштириш учун серияли чиқариладиган халқаро серия ёки облигация заёмининг бир қисми; 2. Халқаро валюта фондидаги квоталарнинг 25 фоизининг фоизли ҳиссаси.

ТРАССАНТ (*нем., итал.*) — перевод қилинадиган вексель эгаси (тратта). Вексель бўйича акцепт ва тўлов учун жавоб бера-

ди. *Т.* имзоси перевод қилинадиган векселнинг мажбурий реквизити ҳисобланади. *Т.* ўзидан акцепт учун жавобгарликни соқит қилиши мумкин; аммо тўлов учун ўзидан жавобгарликни соқит қилишнинг ҳар қандай шарти ёзилган ҳисобланмайди.

ТРАССАТ (*нем., итал.*) — перевод вексели (тратта) бўйича тўловчи (қарздор). *Т.* кўрсатмаси перевод векселининг мажбурий реквизити ҳисобланади. *Т.* фақат вексель акцептидан кейин жавобгар шахс ҳисобланади. Унинг таъсирида *Т.* уни белгиланган муддатда тўлаш учун ўзига мажбурият олади.

ТРАССИРОВАНИЕ — перевод векселини қўйиш (тратталар); қарзни қоплаш усули. Вексель обороти, валюта операциялари, халқаро ҳисоб-китоблар ҳозирги замон шаклларининг бир қисми.

ТРАСТ (*нем.*) — хусусий шахс ва ташкилотлар учун ишонч функцияларини бажарувчи компания.

ТРАСТ-КОМПАНИЯЛАР (*нем., фр.*) — ваколатномага асосан корпорация ва айрим шахслар мулки ва қимматли қоғозларини бошқариш учун тузиладиган муассаса. *Т. к.* активлари компания фондлари (ушбу компаниянинг акционер капитали), кафолат фондлари (ваколатномага асосан бошқаришда қабул қилинган фондлар). Мерос бўлиб қоладиган фондлар, агентлик ва траст-фондларга бўлинади. *Т. к.* консерватив инвестор ҳисобланади. Траст-фондларни қўйишнинг энг тарқалган соҳаси уй-жойни гаровга қўйишдир.

ТРАСТ-КОМПАНИЯ-ДЕПОЗИТАРИЙ (*нем., фр., лот.*) — қимматли қоғозлар марказий депозитарияси, шу орқали компания аъзолари компьютерлашган бухгалтерия ёзувлари ёрдамида биров-бировларига қимматли қоғозларни қўйишни амалга оширадилар, бу акционер сертификатларининг жисмоний ҳаракатини қисқартиради.

ТРАТТА (*итал.*) — кредиторнинг қарздорга маълум суммани учинчи шахсга тўлашини билдирувчи ёзма буйруғи; ушбу буйруқ бўйича қарздорнинг мажбурияти унинг ўз розилигини ўша ҳужжатда тасдиқлаган пайтдан бошланади.

ТРЕЙДЕР (*инг.*) — биржанинг савдо зонасидаги брокер вакили. Биржа номидан сотиш ва сотиб олишга буюртмалар қабул қилади, ҳар хил ахборотни олишга муваффақ бўлади. Кимнинг вакили эканлигини билдирувчи значоги бўлади.

ТРЕНД (*фр.*) — баҳоларнинг ўзгаришини билдирувчи йўналиш.

ТРЕСТ (*инг.*) — бирлашма бўлиб, унга кирувчилар ўз ишлаб чиқариш ва тижорат мустақиллигини йўқотади, улар фаолиятига раҳбарлик ягона марказдан амалга оширилади. *Т.* умумий фойдаси айрим корхоналарнинг ҳисса билан иштирок этишига мос равишда тақсимланади.

ТРЕТЕЙСКИЙ СУД (манфаатдор бўлмаган, холис шахс иштирокида ўтказиладиган суд) — гражданлик иши бўйича баҳсларни ҳал этувчи арбитраж. *Т. с.* компетенцияси томонлар келишувига асосланади. *Т. с.* нинг икки хили мавжуд: “институцион” — доимий амал қилувчи ва “ажралган” — конкрет иш бўйича баҳсни кўриб чиқиш учун махсус тузилади. Ишни *Т. с.* га бериш шарти шартнома таркибига киритилади ва “арбитраж келишув” деб аталади.

ТРИПЛИКАТ (*лот.*) — ҳужжатнинг учинчи нусхаси. Халқаро савдода товарларга буйруқ бериш ҳужжатларини тайёрлаш амал қилади. Масалан, коносаментлар, бир неча нусхаларда, одатда биринчи нусхага муҳр “оригинал”, иккинчи нусхага “иккинчи оригинал” ёки “дубликат”, учинчи экзemplярга — “учинчи оригинал” ёки “трипликаат”, тўртинчи нусхага — “тўртинчи оригинал” ёки “квадрипликаат” қўйилади.

ТРОЙСКАЯ УНЦИЯ (*лот.*) — оғирлик ўлчови, қадимги Римда вужудга келган. Бу ерда у нафақат оғирлик ўлчови, балки узунлик, майдон, ҳажм ўлчови сифатида қўлланилган, чунки ҳар қандай ўлчов бирлигининг ўн иккидан бир қисмини билдирган. Оғирлик унцияси ўша вақтдаги асосий оғирлик бирлиги либрининг ўн иккидан бирини ташкил этган ва 27,166 граммга тенг бўлади.

Унция оғирлик ўлчови сифатида ҳозирги кунга қадар яшаб келмоқда. У қарийб барча халқлар томонидан римликлардан олинган бўлса-да, аммо унинг граммдаги мазмуни ҳар хил мамлакатларда ҳар хил бўлган. Кейинчалик кўплаб мамлакатлар бу тизимдан воз кечганлар. Аммо Англияда у узоқ сақланиб қолган ва Тройская система деб аталган. 1855 йилдан бошлаб Тройская система фақат нодир металларни тортиш учун (олтин, кумуш ва ҳ. к.) амал қила бошлади, бошқа товарлар учун эса савдо тизими оғирлик бирлиги киритилади. Ҳозирги вақтда тройская унция 31,1035 грамм, савдо унцияси 28,35 грамм (савдо унцияси савдо фунтининг ўн олтидан бирини ташкил этади)га тўғри келади. Олтин билан савдо қилинадиган асосий жаҳон бозори Лондонда бўлиши муносабати билан тройская унция олтин оғирлигини ўлчаш учун халқаро база бирлиги бўлиб қолади.

Тройская ва савдо унцияларидан ташқари аптекарь унцияси ҳам амал қилади. Бу бирлик фармацевтик препаратларни тортиш учун қўлланилади.

ТЎДА ПАРТИЯ (*лот., фр., инг.*) — бирлик ёки битимлар бирлиги каррали миқдори. Нью-Йорк фонд биржасида 100 акция ва 1000 ёки 5000 доллар номинал облигациялари одатда битим бирлиги ҳисобланади. Унча яхши ўтмайдиган қимматли қоғозлар мавжуд ҳолатда 10 акция битим бирлиги ҳисобланади.

ТҮЛА ҲҲТОҚЛИК — улар ҲҲтасидаги шартнома асосида ҳам-корликдаги ҲҲжалик фаолияти учун бир неча фуқаролар ва (ёки) ҳуқуқий шахслар бирлашмаси. Т. Ҳ. барча иштирокчилари ҲҲларнинг барча мулкига ҲҲтоқлик мажбурияти бўйича чекланмаган жавобгарликка эга бўлади. Т. Ҳ. юридик шахс ҳисобланмайди. Юридик шахслар — Т. Ҳ. иштирокчилари мустақиллиги ва юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қолади.

ТҮЛА ЮК — денгизда юк ташиш шартнома шарти бўлиб, бунда юк миқдори белгиланмайди, аммо кема ёлловчи юк кўтаришдан тўла фойдаланиб, кемага қанча юк кетса, шунча юкни етказиб бериши керак.

ТҮЛАНДИГАН ВАЛЮТА — ташқи савдо битимидаги товардан ҳақиқатда ҳақ тўлаш юз берадиган валюта ёки халқаро кредитни қоплаш юз берадиган валюта.

ТҮЛАНГАН КАПИТАЛ — мавжуд пайтда чиқарилган акциялар учун олинган сумма, чунки имзодан кейин акциялар қийматининг барча суммаси бирданига ҲҲказилмаслиги мумкин.

ТҮЛАНМАГАН СУҒУРТА РИСКИ — турли хил кредитлар суғуртаси тўловчи томонидан тўланмаган ҳолатда зарарлардан суғуртани билдиради.

ТҮЛАШ ШАРТЛАРИ — томонлар билан келишилган шартлар, ҲҲзаро ҳисоб-китобларнинг усули ва тартиби ҳамда томонлар ҲҲзаро тўлов мажбуриятларини бажаришни кафолатлашни ҲҲ ичига олувчи контракт бўлими. Энг кўп тарқалганлари қуйидаги ҳисоб-китоб хиллари: нақд пуллар, чеклар, банк переводлари, аккредитив, инкассо.

ТҮЛОВ БАЛАНСИ — маълум давр учун мамлакат ташқи иқтисодий фаолият натижаларини характерлайдиган ҳисобот маълумотларини умумлаштириш воситаси Т. б. қуйидаги бўлимлардан иборат: а) экспортдан олинадиган даромадларга мос равишда импорт товарларни сотиб олишга кетган харажатларни тартибга солиш учун тайинланган савдо баланси счёти; б) хизматлар бўйича тўловлар ва тушумлар; в) транспорт тўловлар; г) инвестиция маблағларини келиши ва кетишини баланслаштириш мақсадида капитал счёти тузилади; д) резерв операциялар счёти давлат миқёсида халқаро валюта резервларини сотиб олиш ва сотишни қайд қилади.

ТҮЛОВ БИТИМЛАРИ — савдо ва носавдо операциялар бўйича халқаро ҳисоб-китобларни (тўловлар) амалга оширишнинг тизим ва тартибини амалда ҲҲнгувчи шартномалар. Но-клиринг, тўлов клиринг ва соф клиринг битимлар фарқланади.

ТҮЛОВ ВЕДОМОСТИ — ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи, мукофотлар, меҳнатга қобилиятсизлиги бўйича нафақалар ёки

бошқа тўловлар учун тайинланган бухгалтерия касса ҳужжати.

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ — тўловни қатъий ўрнатилган муддатда тўла ҳажмда амалга оширишда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ёки айрим граждaнларнинг бурчи.

ТЎЛОВ КАЛЕНДАРИ — бирлашмалар, корхоналар ва ҳужалик ташкилотларига маблағларнинг тушиш графиги ва кейинги даврда уларни тўлаш.

ТЎЛОВ КАРТОЧКАСИ — хизматлар соҳаси билан банд бўлган маълум магазинлар ва компаниялар томонидан тўлашга қабул қилинган магнит қатлами бўлган қатор гарбий мамлакатлардаги пластик карточкаси.

ТЎЛОВ ОБОРОТИ — пул оборотининг бир қисми, бунда пул тўлов воситаси сифатида фаолият қилиш билан мажбуриятларни қоплаш учун фойдаланилади. Мажбуриятларни амалга ошириш учун амалга оширилади.

ТЎЛОВ ПОРУЧЕНИЯСИ — тўловчининг банкка унинг ҳисобидан маълум суммани олувчи счётига пул ўтказиш тўғрисидаги ёзма кўрсатма қоғозини ўз ичига олувчи тўлов ҳужжати.

ТЎЛОВ ТАЛАБИ — маблағларни олувчининг тўловчига банк орқали маълум суммани тўлаши тўғрисида талабини ўз ичига олувчи тўлов ҳужжати; маблағлар ва тўловларнинг тушиш муддатларига риоя қилмаслик муносабати билан ва бошқа сабабларга кўра вужудга келувчи тўловчиларда вақтинчалик қийинчиликлар мавжуд бўлганда ҳисоб-китоб ҳужжатларига тўлаш учун кредит.

ТЎЛОВ ХАБАРНОМАСИ — молия органи солиқ тўловчига ундан ҳисобланадиган тўловларнинг суммаси ва ўтказиш муддати тўғрисида хабар берадиган ҳужжат.

ТЎЛОВГА ҚАРШИ ҲУЖЖАТЛАР — товар ҳужжатлари сотиб олувчига фақат уни тўлагандан кейин берилади, деб кўрсатувчи векселдаги имзо.

ТЎЛОВГА ҚОДИР ТАЛАБ — сотиб олувчиларнинг пул маблағлари билан таъминланган товарлар ва хизматларга бўлган талаб. *Т. к. т.* ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади.

ТЎЛОВНИ КЕЧИКТИРИШ — қарзни қоплашнинг махсус усули бўлиб, бунда уни тўла суммага ўтказиш шартномада кўзда тутилганига нисбатан кечроқ муддатга қолдирилади.

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — мамлакатнинг эришилган иқтисодий тараққиёт даражасига мос келувчи аҳоли турмуш шароитлари мажмуи.

ТУШУВЧИ (пасаювчи) ВАЛЮТА — ўз номинали ва барқарор валюталарга нисбатан қадрсизланадиган валюта.

ТЎҒРИ ЗАРАРЛАР — контракт шартларини тузиш натижа-сида вужудга келган қопланишга тегишли бўлган бевосита зарар.

ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — сотиб олиш, корхона фонд-ларини ҳосил қилиш ва кенгайтириш ҳамда барча бошқа опера-цияларни ўз ичига олувчи қандайдир маҳсулот ишлаб чиқариш-га бевосита солинадиган узоқ муддатли капитал маблағлар. *Т. и.* инвесторларга инвестиция қилинадиган ишлаб чиқариш усти-дан амалда назорат қилишни таъминлайди.

ТЎҒРИ КОТИРОВКА — маҳаллий валюта бирлигида ифо-даланган чет эл валютаси курси.

ТЎҒРИ ОБЛИГАЦИЯЛАР — гаровга қўйиш учун активла-ри бўлмаган фирмалар ёки аксинча активни гаровга қўйишга ҳожати бўлмаган юқори кредит рейтингига йирик фирмалар томонидан чиқарилиши мумкин бўлган корпоратив облигация-лар тури. Келажакда молиялаштириш тўғрисидаги масалада мос-ланувчанликни сақлашга имкон беради. Сотиб олувчилар — энг юқори даромадни ишонч билан уйғунлаштиришга интилувчи инсти-туционал ва индивидуал инвесторлардир.

ТЎҒРИ ПРЕФАКЦИЯЛАР — активлар ва дивидендларга нисбатан одатдаги префакциялар билан акциялар. Фонд дара-жаси ўсганда *Т. н.* бозор баҳоси камаяди ва аксинча. Инвестор-лар фикрига кўра *Т. н.* қуйидагиларни таъминлайди: одатдаги акцияларга нисбатан инвестицияларнинг катта ишончли экан-лиги (префакциялар туфайли); солиқ имтиёзлари (дивидендли солиқ кредити орқали); облигацияларга нисбатан кам ишонч, чунки компания дивидендни тўлаши шарт эмас. Қайд этилган даромад; овоз беришга иштирок этмаслик; облигациядаги муд-датли инвестициялардан фарқли ўлароқ муддатсиз инвестиция-лар; ёмон ликвидлик, чунки одатдаги акцияларга нисбатан пре-факцияларнинг камлиги ва ҳ. к.

ТЎҒРИ СОЛИҚЛАР — давлат томонидан бевосита даромад-лардан ёки солиқ тўловчи мулкдан олиннадиган солиқлар (да-ромад солиғи, корпорациялар фойдасига солиқ, мерос ва совға-дан солиқ, мулкый солиқ ва ҳ. к.).

ТЎҒРИ ТРАНЗИТ ЗОНАСИ — халқаро аэропортда тегишли давлатлар органлари рухсати билан ажратилган, уларнинг бево-сита назорати остида бўлган ва мавжуд давлат ҳудуди орқали транзит билан кетувчи қисқа вақтли тўхташ жойи ва кемага ор-тиш учун тайинланган махсус ажратилган жой.

ТЎҒРИ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ — чет эл омонатчи-га чет эл корхонаси фаолияти устидан назорат қилишни таъ-минлайдиган тадбиркорлик капиталини узоқ муддатга солишни билдирувчи инвестициялар шакли. Инвесторга чет эл корхона-сидан олинган барча фойдани бериш имконини беради, йирик

мамлакатларга эса реципиент (қандайдир тўлов ёки даромадни олувчи жисмоний ва юридик шахс) ёки давлат мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатига таъсир кўрсатиш учун имкон туғдиради.

ТЎЛОВ ОБОРОТИ — пул оборотининг бир қисми, бунда пул тўлов воситаси сифатида фаолият қилиб, мажбуриятларни қоплаш учун фойдаланилади.

У

УЗАНС (*инг.*) — савдо муносабатларида ҳақиқатда ўрнатиладиган қоида, бу ҳужжатда бевосита ифодаланмаган шартнома қилувчи томонлар хоҳишини аниқлаш учун фойдаланилади.

УЗАНСЫ (*фр.*) — ҳар доим ҳам ҳужжат билан қайд этилмайдиган биржа фаолиятида амал қилувчи анъаналар, қоидалар.

УЗО-ТАРА (*итал.*) — оғирлиги тортиш йўли билан эмас, балки савдо қоидалари асосида ўрнатилади. (Масалан, маълум ҳажмдаги товарни жойлаштириш учун фойдаланадиган қадоклаш материали миқдоридан келиб чиқади.)

УЗОҚ МУДДАТЛИ ЗАЁМЛАР — узоқ муддатда қоплашга мўлжалланган заёмлар.

УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТ — узоқ муддатга (5 йил ва ундан ошқик) банк ссудаси тарзида ва нобанк хилидаги айрим кредит институтлари томонидан берилади.

УЗУКАЦИЯ (*лот.*) — олдиндан ҳақиқатда эғалик қилиш кучи таъсирида мулкый ҳуқуқни сотиб олиш.

УЗУРА (*лот.*) — пора.

УЛГУРЖИ БАҲО — йирик партия билан (оптом) товарга бўлган баҳо. Одатда товарнинг катта партиясига бўлган баҳо кичик партияларига нисбатан паст ва чакана баҳоларга нисбатан ҳам анча паст.

УЛГУРЖИ САВДО — уларни қайта сотиш ёки профессионал фойдаланиш мақсадида товарларни (хизматларни) катта партиялар билан сотиб олиш бўйича фаолият. У. с. саралаш жараёни, товарларни сотиб олиш ёки товарлар муомаласи ва кейин уларни чакана савдо ташкилотларига ёки бошқа улгуржи ташкилотларга қайта сотиш билан боғлиқ бўлган қўплаб муҳим вазифаларни бажаради. У. с. истеъмолчилар билан минимал контрактлар қилишда жойларда ўз товарларини ишлаб чиқарувчиларга сотиш, уларни йирик партиялар билан қўйиш ва олиб келишга харажатларни камайтириш имконияти билан товарларни катта миқдорларда сотиб олиш, товарни сақлаш ва омборда жойлаштиришга имкон беради. Чет эл улгуржи савдогарлари қуйи-

даги гуруҳларга бўлинади: улгуржи сотиб олувчилар (савдогарлар, коммивояжерлар, ташкилотчилар, консигнантлар, посилка қилиб жўнатиладиган улгуржи савдолар), брокерлар, агентлар; ишлаб чиқарувчилар улгуржи бўлимлари; ихтисослашган савдогарлар.

УЛЬТИМО (*итал.*) — банк амалиётида ойнинг, кварталнинг ёки йилнинг охириги кунини билдирувчи термин; тижорат ва биржа амалиётида товарлар ёки фонд қийматликлари билан олдиндан тузилган битимни бажариш муддати сифатида ўрнатиладиган маълум даврнинг охириги иш кuni.

УМУМИЙ ЭКВИВАЛЕНТ (*лот.*) — бошқа товарлар қийматини ифодалаб товарларнинг ўзаро айирбошланишига хизмат қилувчи ягона товар. Турли даврларда турли товарлар умумий эквивалент ролини ўйнаганлар. Кейинги вақтда барча товарлар учун умумий эквивалент ролини ўйнаш махсус товар ҳисобланган пул-товарларга топширилган.

УНИВЕРСАЛ АКЦИЗ (*лот., фр.*) — меҳнаткашлардан эгри солиқ олиш шакли; оборот бўйича солиқ олишнинг иқтисодий моҳиятини характерлайди.

УНИВЕРСАЛ БАНКЛАР (*лот., фр.*) — барча асосий операцияларни амалга оширувчи кредит муассасалари: депозит, кредит, фонд, ҳисоб-китоб, ишонч ва бошқалар (банкнот эмиссияси истисно қилинади).

УНИТАРИЗМ (*фр.*) — маъмурий-худудий бирликлар ва алоҳида (мустақил) давлат тузилиши бўлмаган марказий раҳбарият томонидан характерланувчи давлат қурилиши.

УНИФИКАЦИЯ (*лот.*) — 1. Ниманидир ягона тизимга, шаклга, бир хилликка келтириш; 2. Маҳсулот ҳар хил турларини ва уни ишлаб чиқариш воситаларини энг кам сонли ҳажм хилларига, маркаларга, хусусиятларга келтириш.

УНИЯ (*лот.*) — 1. Ҳозирги вақтда дуч келинмайдиган давлатлар бирлашмаси тури; 2. Техник, ахборот, маъмурий ва ҳ. к. характеридаги доимий халқаро ташкилотлар.

УНУМЛИ КАПИТАЛ — саноат капитали доиравий оборотининг функционал шакли ва иккинчи босқичи. У. к. ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлади, унинг асосий вазифаси қиймат ва қўшимча қиймат яратишдир.

УНУМЛИ МЕҲНАТ — У. м. инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқанинг оддий жараёни сифатида ижтимоий бойликнинг натурал-буюм шаклини, жами ижтимоий маҳсулотни, миллий даромадни яратишда бевосита иштирок этадиган меҳнатдир. У истёмоқ қийматини яратувчи сифатида ҳар қандай жамиятда меҳнат жараёни мазмунини ифодалайди.

УОРАНТ (*инг.*) — оғирлиги, туюқлар сони, сифати ва миқдори белгиланган товарларни сақлашга олиш учун бериладиган гувоҳнома.

“УОРЛДСКЕЙЛ” (*инг.*) — танкерлар учун фрахта ставкалари базис номинал шкаласи. Унинг асосида фрахта бозорида юк ташиш тоннали танкер ёллаш амалга оширилади.

УПАКОВКА ВАРАФИ — бир товарга белгиланган жойга (яшик, килу, рулон ва ҳ. к.) жойлаб қўйилган товарларнинг барча турлари, сортлари, ассортиментни ёзиб қўйилган товар ҳужжати.

УСРЕДНЕНИЕ — конъюнктурани кўтаришда ўртача сотиб олиш баҳосини камайтириш учун қўшимча қимматли қоғозлар ёки товарлар сотиб олиш.

УСТАВ — қонун ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва рўйхат қилинган ҳуқуқий шахснинг фаолияти, ҳуқуқи ва мажбурияти-ни аниқловчи низом ва қоидалар мажмуи.

УСТАВ ЁКИ АКЦИОНЕР КАПИТАЛ — ҳажми устав қайд қилинган ва акцияларни сотиш натижасида корпорация томонидан олинган маблағлардан ҳосил бўлган капитал.

УСТАВ ФОНДИ — таъсисчилар томонидан корхона, бирлашманинг доимий ихтиёрига юбориладиган моддий ва пул маблағлари жами.

“УТЕЧКА МОЗГОВ” (*инг.*) — энг юқори малакали мутахассисликка эга бўлган иш кучи миграциясининг шакллари-дан бири.

УТОРГОВЫВАНИЕ ЦЕНЫ — сотиб олувчи ишончли йўл ва руҳий далиллардан фойдаланиш йўли билан сотувчи томонидан дастлабки айтилган баҳони камайтиришга ҳаракат қиладиган тижорат музокараларининг масъулиятли бўғини.

УЧЁТ БОЗОРИ — муддатида қоплаш (бир йилга қадар) билан векселлар ва қимматли қоғозлар олди-соттиси орқали кредит институтлари ўртасидаги қисқа муддатли пул маблағларини қайта тақсимлаш амалга ошириладиган пул бозорининг бир қисми.

УЧЁТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ — векселлар ҳисоби ва бошқа айрим қарздорлик мажбуриятлари турлари бўйича банклар операциялари; пул маблағларини аванслаш усули.

УЧЁТ ПРОЦЕНТИ — векселлар, қимматли қоғозлар, акция купонлари ва облигациялар, бошқа қарздорлик мажбуриятларини сотиб олиш орқали шулар бўйича ҳақ тўлаш муддати келганга қадар пулни аванс қилганлик учун банклар томонидан олинадиган ҳақ.

УЧЁТ СТАВКАСИ — АҚШ федерал резерв системаси тижорат банкларига кредит берадиган фоизлар ставкаси. Ҳисоб ставкасининг охишии ушбу банкларда жойлаштирилган банклар

томонидан бериладиган ссудалар бўйича фоизлар ва депозитлар бўйича фоизларнинг ошишига олиб келади. Бу ҳолат чет эл инвесторларини ўз долларли активларини АҚШда жойлаштиришга рағбатлантиради ва валюта бозорларида долларларга бўлган талабнинг ошишига олиб келади.

УЧЁТ УЙЛАРИ — қисқа муддатли кредит операциялари билан шуғулланадиган кредит муассасалари, тарихан векселлар ҳисобига ихтисослашган тижорат банклари ва марказий банк ўртасидаги воситачилар.

Ф

ФАК — халқаро савдода товарларни етказиб бериш ва ҳақ тулашнинг турли хил тижорат шартлари; бу кеманинг техник воситалар бўш қолмасдан юкнинг тез ортилиши ва туширилишини билдиради.

ФАКСИМИЛЕ (лот., инг.) — клише, босма, ўз қўли билан қандайдир шахснинг имзосини ўзидай қилиб тайёрламоқ. **Ф.** билан боғлиқ ҳужжат расмий ҳужжат ҳисобланади ва юридик кучга эга бўлади.

ФАКТОР (лот.) — Англияда консигнаторлар шундай деб аталади. АҚШда ҳам уларнинг воситачилик фаолияти асосий жойини миждозларни кредитлаш — факторинг олгунга қадар шундай деб аталган. Йўналиш фаолияти ўзгариши билан АҚШда “фактор” тушунчаси моҳияти ҳам ўзгарди.

ФАКТОР — КОМПАНИЯ (лот.) — факторинг операцияларига ихтисослашган компания.

ФАКТОРИНГ (лот., фр.) — асосан янгидан бозорга чиқадиган ҳамда кичик ва ўрта фирмалар учун тайинланган молиялаш соҳасидаги хизматлар тури. **Ф.** моҳияти фирма-фактор томонидан товарлар етказиб берувчилардан товарлар етказиб бериш бўйича туловнинг катта қисмини тез қоплаш имконияти, қарзларни тўла қоплаш кафолатлари, счётлар юритиш бўйича сарфларни камайтириш билан қисқа муддатли талабларни сотиб олишдан иборат. **Ф.** ўтказишда етказиб берувчи компания — факторга ўз савдо шериклари рўйхатини ва таклиф қилинадиган товарлар етказиб бериш ҳажмини хабар қилади. Фактор сотиб олувчилар ҳар биттасининг туловга қодир эканлигини текширади ва уларнинг ҳар биттаси бўйича мавжуд лимит кредити миқдорини етказиб берувчига эълон қилади. Ушбу лимит доирасида етказиб берувчи туловни олмаслик рискисиз товар етказиб беришни амалга ошириши мумкин. Чунки, агарда қарздор

белгиланган муддатда қарзини қопламаса, уни компания-фактор бажаради.

ФАКТОРИЯ (*инг., лот.*) — 1. Бегона мамлакатлардан олиб келинадиган ва чиқариладиган товарлар учун омборлари билан катта савдо қишлоқлари; 2. Кооператив системасида фактория кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ўртасида ташкил этилади ва қолган оммани кооперацияга бирлаштириш учун тайёргарликнинг биринчи поғонаси ҳисобланади. Факториялар коллегиял ва тайинланиш бўйича бошқарилади; 3. Фактория тижорат мақсадлари бўлган кўчма экспедициядир.

ФАКТОТУМ (*лот.*) — кимнингдир топшириғини бажарувчи ишончли шахс.

ФАКТУР БАҲО (*лот.*) — қўйилган товар счёти (фактура)да кўрсатиладиган баҳо.

ФАКТУРА — СПЕЦИФИКАЦИЯ (*лот., фр.*) — баҳони ва барча юк реквизитларини кўрсатиш билан товар тасвирини ўз ичига олувчи товар ҳужжатлари турларидан бири.

ФАЛЬСИФИКАЦИЯ (*лот.*) — товарлар, маҳсулотлар ва ҳ. к. ни қалбакилаштириш.

ФАН-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ (ФТР) — табиатнинг янги, янада чуқур хоссалари ва қонуनларини билиш ҳамда эгаллаб олиш асосида ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан ўзгартириш, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро бир-бирига таъсирини кучайтириш, фанни интенсив равишда бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш жараёни. ФТР XX асрнинг 40—50-йилларида энг йирик фан ва техника кашфиётлари натижасида бошланган эди. 70-йилларда ФТРнинг ҳозирги янги босқичи бошланди.

ФАС (*фр.*) — соғувчининг бурчи ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан товарни причалдаги кема бортига етказиб беришдан иборат эканлигини билдиради. Сотиб олувчи кемани ўз вақтида ёллаши керак. У товарларни бортга ортиш бўйича барча харажатларни тўлайди.

ФАСОВКА (савдо ўлчови) (*поляк.*) — мавжуд биржада савдо олиб борилаётган умумий қабул қилинган товар миқдори (масалан, акциялар). Нью-Йоркда 100 акция — фасовка қилинган, 99 фасовка қилинмаган товар. Японияда фасовка — 1000 акция. Буюк Британияда эса умуман фасовка қилинмаган.

ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ (*фр.*) — давлат қурилиши федератив шаклига эга бўлган давлатлардаги марказий ҳукумат бюджети.

ФЕДЕРАЛ ФОНДЛАР (*фр.*) — бозор маблағларини банклараро депозитлар эканлигини билдирувчи Америка пул бозори тушунчаси.

ФЕДЕРАЦИЯ (лот.) — 1. Бир неча давлат тузилмалари бирлашган ва битта иттифоқ давлат тузган давлат қурилиши шаклларида бири; характерли хусусиятлари: *Ф.* ҳудуди унга кирган давлат тузилмалари минтақасини ташкил этади, тузилмаларнинг ҳар биттаси ўз конституциясини қабул қилиш ҳуқуқига эга. *Ф.* ва унинг субъектлари ўртасидаги ваколатлар ягона умумиттифоқ конституцияси билан фарқланади; қўллаб *Ф.* ягона иттифоқ гражданлиги билан бир қаторда гражданликнинг таркибий қисми ҳам мавжуд; умумиттифоқ қонунчилиги билан бир қаторда *Ф.* айрим субъектлари қонунчилигининг амал қилиши; 2. Айрим ижтимоий ташкилотлар иттифоқи (мисол учун Умумжаҳон Касаба Уюшмалари Федерацияси).

ФЕРМЕР (инг., фр.) — қишлоқ ҳўжалиги корхонаси, ферма эгаси.

ФИДУЦИАР (инг.) — ишончли вакил, инвестицияларни бошқариш ишонилган жисмоний ёки юридик шахс.

ФИДУЦИАР ЭМИССИЯ (инг., лот.) — эмиссион банк, металл захираси билан таъминланмаган банк эмиссияси.

ФИДУЦИЯ (инг.) — ишончга асосланган битим, шартнома.

ФИКС (лот.) — мукофотнинг аниқ белгиланган суммаси.

ФИКСИНГ (инг.) — маълум вақт пайтида биржаларда ўрнатилган товар баҳоси котировкаси ёки қимматли қоғоз.

ФИКСИРОВАНИЕ (ҚАЙД ҚИЛИШ) (фр., лот.) — муддатли битим бозорида опцион билан битимда сотиб олиш ёки сотиш бўйича баҳо даражаси. Сотиш бўйича битимда сотиб олувчи томонидан ва сотиб олиш бўйича битимда сотувчи томонидан ўрнатилади.

ФИКСИРОВАННЫЕ ПЛАТЕЖИ (фр.) — фойдани олиш коллектив фаолиятига боғлиқ бўлмаган омиллар билан тақозо этилувчи бирлашмалар, корхоналар фойдасининг бир қисмини давлат даромадига олиш шакли.

ФИКСЧЮР-НОТ (инг.) — кемани ёллаш фактини ва унинг асосий шартларини қайд этувчи дастлабки ҳужжат. Кейинчалик чартер билан алмаштирилади.

ФИКТИВ БАНКРОТЛИК (фр., лот.) — улардан кредиторларга ҳисобланадиган тўловлар ёки қарзлардан ҳисобланадиган скидкаларни олишни кейинга қолдириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш учун кредиторларни чалғитиш мақсадида ўзининг ночорлиги тўғрисида корхона томонидан бериладиган ёлғон эълон.

ФИКТИВ КАПИТАЛ (фр., лот.) — қимматли қоғозларда тақлиф қилинган ва уларнинг эгаларига дивиденд ёки фойиз тарзида қўшимча қийматининг бир қисмини мунтазам ўзлаштириш ҳуқуқини берувчи капитал. Унинг номи шу билан боғланганки, фиктив капитал реал иқтисодий муносабатларни бузиб кўрсата-

ди, гуё қимматли қоғозлар ҳақиқий капитални ташкил этади ва такрор ишлаб чиқариш билан алоқадан ташқари даромал келтиради деган иллюзия яратади.

ФИЛИАЛ (лот.) — қандайдир корхона, муассасанинг мустақил бўлими.

ФИО (инг.) — юк жўнатувчи ёки кема эгаси (аммо ёлловчи эмас) ўзига ортиш-тушириш операциялари бўйича барча харажатларни қабул қилишини билдиради.

ФИРМА (итал.) — тижоратчилик мақсадлари бўлган корхона, компания ёки бошқа қишлоқ хўжалик ташкилоти. Айрим тадбиркорлар ва коллективлар Ф. сифатида чиқиши мумкин.

ФИРМА-АЪЗО (итал.) — фонд биржаси ёки инвестиционал дилерлар миллий ассоциацияси аъзоси ҳисобланган брōкер ёки инвестициявий дилер фирмаси, уларда ҳеч бўлмаганда бош шериклар ёки хизматчилардан биттаси ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади.

ФИРМА БЛОКИ (итал., фр.) — тижорат ва техник фирма кредоси (маслаги), тижорат рекламаси терминини қандайдир ифодаловчи “белги ва логотип” композицияга бирлашиш ҳамда ҳар хил турдаги тушунтирувчи ёзувлар ва кўпинча “фирма шиори”.

ФИРМА БОЗОРИ ФАОЛИЯТИ СТРАТЕГИЯСИ — унинг бош мақсади бозор фаолиятига эришиш учун фирма томонидан фойдаланиладиган стратегик характердаги конкрет дастурлар набори.

ФИРМАНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ — реклама амалиёти билан узвий боғлиқ бўлган жамоатчилик, пресса, сайланадиган муассасалар ва ижтимоий ташкилотлар билан алоқа тизими рекламадан фарқ қилиб устун даражада нотижорат асосда олиб борилади.

ФИРМА ФАОЛИЯТИ СТРАТЕГИЯСИ — атроф-муҳит билан фирма фаолияти (мақсад)нинг келишилган тамойилларига боғлиқ бўлади.

ФИРМА УСУЛИ — сотиб олувчи томонидан идрок этиладиган барча фирма маҳсулотлари маълум бирлигини таъминлайдиган ҳамда фирма ва унинг буюмларини рақобатчилар ва уларнинг товарларига қарама-қарши кўювчи усуллар мажмуи (график, рангли, пластик, тил ва ҳ. к.). Ф. у. тизимига қуйидаги элементлар киради: бошқа фирма буюмларидан фарқ қилиб, мавжуд фирма товарларини фарқлаш учун хизмат қилувчи ўрнатилган тартибда рўйхат қилиб белгиланган товар белгиси; логотип — фирманинг оригинал шаклида тўла ёки қисқарган махсус ишланган номи; фирма блоки — композицияга бирлашган белги логотип ҳамда ҳар хил турдаги тушунтирувчи ёзувлар ва кўпин-

ча қандайдир тижорат ва техник фирма кредосини ифодаловчи “Фирма шиори”, девиз, фирма тасаввури, фирма комплект шрифтилари, фирма константлари.

ФИСКАЛ АГЕНТ (*лот.*) — 1. Солиқ агенти; 2. Облигацияларини чиқариш ва қоплашни ташкил этувчи счётни юритувчи, чекни тўловчи, ҳисоб-китобларни юритувчи ва ҳ. к. ҳужжат ёки давлат муассасалари агенти. Одатда буни марказий банк ба-жаради.

ФИСКАЛ БОЖЛАРИ — давлат бюджетига даромадлар олиш мақсадида ўрнатилган божхона божлари.

ФИСКАЛ МОНОПОЛИЯ — бевосита солиқ олиш шакллари-дан бири, бюджет тушуми олиш мақсадида қандайдир оммавий истеъмол товарини ишлаб чиқариш ва сотиш давлатнинг ҳаддан ташқари ҳуқуқи.

ФИСКАЛ ФЕДЕРАЛИЗМ (*лот., фр.*) — федерациянинг ус-тунлигига асосланган молия соҳасида федерал ҳокимият ва АҚШ-даги штатлар ҳокимияти ўртасида ваколатларни тақсимлаш та-моили.

ФИСКАЛ (СОЛИҚ БЮДЖЕТИ) СИЁСАТ — иқтисодиётга таъсир қилиш мақсадида солиқ олишнинг ва давлат харид қилиш тузилмасининг ўзгариши бўйича ҳукумат органлари томонидан кўриладиган чоралар.

ФИФО — 1. Тушган ёки тайёрланган партия баҳоси бўйича товар материал захираларининг бухгалтерия ҳисоби усулида; 2. Банкдан айрим омонат турларини етарлича қисман чиқариш-да фоизлар ҳисоб-китоб усули, бунда чиқарилган сумма омо-натта биринчи қабул қилинган ҳисобланади.

ФОВ (*инг.*) — халқаро савдога товарларни етказиб бериш шартларидан бири, бунда сотувчи сотиб олинувчи томонидан ёлланган кема бортига ўз ҳисобидан товарни ўрнатилган муд-датда келишилган ва ортिलाдиган портда етказиб беришга ва сотиб олувчига коносаментни топширишга мажбур; сотиб олув-чи кемани ўз ҳисобидан ёллаши ва ўз вақтида сотувчини мудда-ти ва ортиш жойи, кеманинг номи, унинг келиш вақти, ортиш шартлари тўғрисида огоҳлантириши керак.

ФОВ СО ШТИВКОЙ — сотувчи тахлашни ҳам ўз ичига ол-ган ҳолда кема трюмига товарни ортиш бўйича қўшимча хара-жатларни, айрим ҳолатларида сепарацион материаллар билан таъминлашни ўз зиммасига оладиган шарт-шароитлар.

ФОЙДА — 1. Қўшимча қийматнинг ўзгарган шакли, маъ-лум давр вақтида (одатда 1 йил) даромадларнинг харажатлари-дан ошиши сифатида намоён бўлади; 2. Иқтисодий фойда ва нормал фойда; ким иқтисодиётни тадбиркорлик қobiliятлари ёки нормал фойда билан таъминласа, ўшанинг даромади.

Фойда НОРМАСИ — 1. Ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқ бўйича ўртача ҳисобланган фойдаси (солиқлар, иш ҳақи тўлангандан кейин ва ҳ. к.); 2. Мавжуд корхона учун норматив билан юқори ташкилот томонидан ўрнатилган фойда.

ФОНД (*фр., лот.*) — 1. Захира, жамғарма, капитал; 2. Маълум тайинланишга эга бўлган, маълум мақсад учун белгиланган пул ва материал маблағлар; 3. Моддий ёрдам кўрсатиш учун ташкилот, муассаса.

ФОНД АРБИТРАЖИ (*фр.*) — қимматли қоғозларни бир бозорнинг ўзида бир вақтда уларнинг бошқасига сотиш билан курс фарқи тарзида фойда олиш мақсадида сотиб олишни ўз ичига олувчи биржа тадбиркорлик операцияси.

ФОНД БИРЖАСИ (*фр., нем.*) — қимматли қоғозлар олди-соттиси бўйича ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мунтазам фаолият қилувчи бозор. Ҳозирги саноати ривожланган мамлакатлар шароитларида узоқ муддатли капитал солишининг асосий массаси *Ф. б.* ёрдамида амалга оширилади. Қимматли қоғозлар курси, улар келтирадиган даромадлар ва ссуда фоизи даражаси билан белгиланади. Биржа курси талаб ва таклифга қараб ўзгариб туради.

ФОНД САМАРАДОРЛИГИ — *Ф. с.* кўрсаткичи асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўмига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

ФОНД СИҒИМИ — фонд самарадорлигига тескари бўлган кўрсаткич; у бир сўм маҳсулотга тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини кўрсатади.

ФОНД ҚАЙТИМИ — ишлаб чиқаришда фойдаланганлик учун саноат-ишлаб чиқариш асосий ёки оборот фондларининг бирлиги ҳисобига ялпи ёки товар маҳсулоти ҳажмини характерловчи иқтисодий кўрсаткич; ишлаб чиқариш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи.

ФОНД УЧУН ТЎЛОВ — давлат бюджетига фойдадан тўловлардан биттаси, асосий ишлаб чиқариш фондларининг баланс қийматига фондларда ўрнатилади.

ФОР (*нем.*) — етказиб бериш шарти Франко-вагон шартига ўхшаш бўлиб, шунга биноан сотувчи ўз ҳисобидан ва ўз таваккалчилиги билан темир йўл вагонига товарлар етказиш ва ортишга ҳамда сотиб олувчи ихтиёрига транспорт хужжатини топширишга мажбур.

ФОРВАРД (*инг.*) — уни тузгандан кейин икки иш куни ичида валюта ва бошқа битим бўйича ҳисоб-китоб.

ФОРВАРД БИТИМЛАРИ БАҲОЛАРИ — биржа операцияларида бозор иқтисодиётидаги турли хил баҳолар. *Ф. б. б.* талаб ва таклиф нисбати билан бир қаторда товарни етказиш пайтида

кредит учун фоиз миқдорини, биржа операциясини молиялашга кетган харажатларни, товар сугуртаси ва сақлаш бўйича сарфлар, комисион брокерларни ҳам ҳисобга олади. *Ф. б. б.* нормал конъюнктур ҳолатда одатда нақд товар баҳосидан юқори бўлади.

ФОРВАРД БОЗОРИ — битим бир неча кун ичида йўл қўйиладиган спот-бозордан фарқ қилиб битим узоқ вақт давомида тўғриланадиган бозор.

ФОРВАРД ОПЕРАЦИЯЛАРИ — шартнома асосида телефон ёки телекс бўйича банклар ва саноат-савдо корпорациялари томонидан амалга ошириладиган биржадан ташқари муддатли валюта битимлари.

ФОРМАЛ ШАРТНОМА — шартнома тури бўлиб, уни тузиш учун махсус шаклдаги ибора битими талаб қилинади.

ФОРМАН (*лот.*) — чет эл портларида кемага юк ортишнинг боришини, юкларни трюмга тўғри тушириш ва жойлаштиришни кузатувчи катта юк ташувчи.

ФОРМУЛЯР (*нем., лот.*) — йирик ташкилотлар томонидан олдиндан ишлаб чиқилган ва имзо қўйиш учун контрагентга берилган ҳозирги замон савдо оборотидаги типовой шартнома. Контракт таклиф қилинган шартни ўзгартириш ва муҳокама қилиш имкониятига эга эмас; машинанинг турли хил техник паспорти бўлиб, унда қўйидагилар кўрсатилган бўлади: тайёрламоқ, эксплуатация жараёнида ўтказиладиган техник хизматлар ва ремонтлар, конструктив ўзгаришлар.

ФОРС-МАЖОР (*фр.*) — шартномани бажармаганлик учун мулкый жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатдаги кучни енгиб бўлмайдиган мавжуд мажбуриятларда фавқулодда ва даф қилиб бўлмайдиган ҳақиқат.

ФОРФЕЙТИНГ (*фр., нем.*) — ташқи савдо операциялари бўйича векселлар, кафолатли мажбуриятлар ва бошқа қарздорлик талабларини оборотсиз асосда сотиб олиш орқали банк ёки молия компаниялари томонидан экспортни кредитлаш. *Ф.* кўпинча йирик суммада узоқ муддатга тўловни узайтириш билан машиналар ва ускуналар етказиб беришда қўлланилади.

ФОТ (*грек.*) — франко — юк ташувчи — ортиш бўйича харажатларни уларнинг қийматига киритишни кўзда тутувчи автомобиль транспорти билан товарларни етказиб бериш шarti.

ФРАНКИРОВАНИЕ (*итал.*) — товарни жўнатганлик учун олдин тўлаш.

ФРАНКИРОВАТЬ (*итал.*) — жўнатганлик бўйича харажатларни тўлашдан озод қилувчи махсус посилка, багаждаги хатга белги қўйиш ҳамда шундай жўнатишни олдиндан тўлаш.

ФРАНКИРОВКА (*итал.*) — юкларни транспортировка қилиш, ортиш-тушириш ишлари, сақлаш ва сугурта қилиш билан боғлиқ бўлган у ёки бу харажатларни баҳоларга киритиш тартибини белгиловчи иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар.

ФРАНКО (*итал.*) — тижорат операцияларида маҳсулотни етиштириб бериш сифатлари, шунга мувофиқ истеъмолчи юкларни етказиш бўйича харажатлардан уларни товар баҳосига киритиш муносабати билан озод қилинади.

ФРАНКО БАҲО — маҳсулотни буюртмачига етказиш бўйича транспорт харажатларини қоплашнинг кўзда тутилган тартибини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган улгуржи баҳо.

ФРАНКО-ВАГОН (*итал.*) — етказиб бериш базис шарти (базис етказиб бериш). “Франко-вагон...” кейин темир йўл станцияси номи кўрсатилади, унда товарга бўлган барча ҳуқуқ ва барча харажатларни қўшган ҳолда унинг кейинги харажати учун жавобгарлик сотувчидан сотиб олувчига ўтади.

ФРАНКО-КОМИССИЯ (*итал.*) — қандайдир тижорат топшириғини бепул бажариш.

ФРАНКО-ПОЛУЧАТЕЛЬ (*итал.*) — товарни етказиб бериш шарти (базис етказиб бериш), бунда сотиб олувчининг манзили (омбор) кўрсатилган бўлади. Бу шарт сотувчининг энг катта ҳажмдаги мажбуриятини кўзда тутати ва шу сабабли унинг учун оғир. Халқаро савдо амалиётида кейинги йилларда камдан-кам учрайди.

ФРАНКО-СКЛАД, ЗАВОД (*итал.*) — етказиб беришнинг базис шарти (базис етказиб бериш), бунда сотувчи сотиб олувчига берилган транспорт воситаларига юклаш учун шартномада кўзда тутилган омборда (заводда)ги товарни сотиб олувчи ихтиёрига беришга мажбур. Омборда (заводда)ги товарни олган пайтдан бошлаб сотиб олувчи мулк эгаси ҳисобланади, ташиш бўйича барча харажатларга жавоб беради.

ФРАНЧАЙЗЕР (*инг.*) — махсус кўрсатилган жойда маълум вақт давомида битимда ёзилган шаклда кичик мулк эгасига ишни олиб бориш ҳуқуқини берувчи йирик фирма (савдо ёки саноат). Фирма учун бу бозорда ўз таъсир зонасини кенгайтириш, ҳужалик рискинни камайтириш усулларида бири.

ФРАНЧАЙЗИ (*инг.*) — ФРАНЧАЙЗЕР раҳбарлиги остида ўз ишини очувчи кичик тадбиркор. АҚШда франчайзи бўйича ресторанлар, газакхоналар, бухгалтерия ва солиқ хизматлари, юридик марказлар, секретариатлар етказиб бериш бюроси, баҳоловчилар, автосервис, маҳсулот ва бакалея магазинлари ва ҳ.к. ишлайди.

ФРАНЧАЙЗИНГ (*франшизинг*) (*фр.*) — дилер фаолиятининг корпорацияга тегишли савдо корхоналарини эксплуатация

қилишни ҳам қўшиб, маълум ҳудудда ҳаддан ташқари ҳуқуқини кўзда тутувчи корпорация ва дилер ўртасидаги контракт.

ФРАНШИЗА (фр.) — 1. Оддиндан келишилиб ўрнатилган қоида ва нормаларга биноан маълум савдо маркасида яхши фойдаланган ҳолда маълум турдаги хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи. Фирма томонидан Ф. олиш оборотдан тегишли ажратмани тўлашни кўзда тутати. Ўрнатилган талаблардан чекиниш Ф. ни бекор қилишга олиб келади; 2. Суғурта шартларига мос ҳолда суғурта қилувчи томонидан қоплашга тегишли бўлмаган суғуртачилар зарарларининг маълум қисми Ф. суғурта қилинган мулк қиймати ёки маълум суммасидан маълум фоиз тарзида ўрнатилиши мумкин. Шартли ва шартсиз Ф. фарқ қилади.

ФРАХТ (нем.) — ҳар қандай йўл бўйича (айниқса денгиз) юклар ёки пассажирларни ташиганлиги учун транспорт воситалари эгасига ташиш ҳақи. Баъзан ушбу термин остида юкнинг ўзи тушунилади. Айрим ҳолатларда Ф. (шартнома шартига боғлиқ ҳолда)га оргиш, тушириш ва жойлаштириш учун ҳақ ҳам киради.

ФРАХТ АВАНСИ — юк жўнатувчи товарни ортишга рухсат берганлиги, импортёр эса етказиб бериш шарти билан товарни олганлиги учун аванс билан тўланадиган фрахт қиймати. Агарда ташиш шартнома шартларида юкни транспортировка қилиш учун ҳақ белгиланган портда амалга оширилади деб кўрсатилган бўлса, кема капитани юк ортиш портида иш ҳақи сарфларига унга $\frac{1}{3}$ ҳажмда аванс беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ФРАХТ БИРЖАСИ — ёлланадиган кемалар бозорининг доимий амал қилиши; регионал, халқаро, товар ёки бошқа белгилар бўйича ташкил этилади.

ФРАХТОВАНИЕ НА КРУГОВОЙ РЕЙС — икки ёки ундан ортиқ портлар ўртасидаги рейсга кема ёллаш, бунда нафақат тўғри йўналишда юкни ташиш, балки кемани дастлабки жўнатишдан районга қайтариш учун барча кемалар ёки унинг қисми ёлловчи ихтиёрига берилади.

ФРАХТОВАНИЕ ПО ГЕНЕРАЛЬНОМУ КОНТРАКТУ — кема ёллаш бўлиб, бу бўйича кеманинг эгаси келишилган ҳажмдаги юкни ташиш учун ажратиш билан маълум миқдордаги юкни маълум вақт давомида ташиш мажбуриятини олади.

ФРАХТОВАНИЕ СРОЧНОЕ — кема ёллаш бўлиб, бунга мувофиқ кема ёллаш битими тузилгандан кейин бир неча кун давомида юк ортишга тайёр бўлиши керак.

ФРАХТОВАТЕЛЬ (нем.) — юк ташувчидан фрахт ташиш учун ўрнатилган тўлашга қарши юкни белгиланган портга ташиб бе-

ришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган денгизда юк ташиш шартномаси томони ёлловчиси.

ФРАХТОВАЯ РАСЧЁТНАЯ ЕДИНИЦА — энг муҳим қимматли юклар қийматидан масса, ҳажм бирлиги, жой учун фоизларда ўрнатилган фрахт.

ФРАХТОВАЯ СТАВКА — денгизда юк ташиш баҳоси. Транспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш харажатларини ва ўртача фойдани ўз ичига олади.

ФРАХТОВОЙ БАЛАНС — мамлакат тўлов балансининг бир қисми, чет элдан хорижий валюталарнинг келиши ва денгизда юк ташиш муносабати билан чет элдаги унинг харажатини ифодалайди.

ФРАХТОВЫЕ ИНДЕКСЫ — қандайдир базис даври баҳоси ёки 100 фоиз деб қабул қилинган қайд қилинган ставкаларга нисбатан денгизда юк ташиш баҳолари даражаси ўзгаришларининг нисбий кўрсаткичлари.

ФРАХТОВЫЙ РЫНОК — юклар ва пассажирлар ташиш бўйича денгиз транспорти хизматлари халқаро савдо соҳаси.

ФРАХТОВЩИК (нем.) — ўрнатилган ҳақ учун ишонилган юкни тайинланган портга ташиш мажбуриятини ўзига қабул қилган денгизда юк ташиш шартномаси томони юк ташувчиси.

ФРАХТ-ФОЯСИ — кемани ёллашда ориентир сифатида фойдаланиладиган, одатда бозор ставкасига мос келадиган фрахтнинг тахминий миқдори.

ФРИ-АУТ (инг.) — етказиб берилган юкка ҳақ тўлаш шарти бўлиб, шунга биноан юк эгаси кемадан тушириш бўйича харажатларни тўлайди. Юк олувчи эса фақат юк кема тутқичи орқали ўтгандан кейин тўлайди.

ФРИ-ИН (инг.) — юкни етказиб бериш учун ҳақ тўлаш шарти бўлиб, шу бўйича юк кемаси ортиш бўйича харажатлардан озод қилинади.

ФРИ-ЭЛОНГСАЙД (инг.) — сотувчининг кема бортига юкларни етказиб бериш бўйича барча харажатларни тўлаш мажбуриятини кўзда тутувчи тўлов шарти, юкни етказиб бериш.

ФРОНТИНГ (нем.) — операция бўлиб, уни ўтказиш жараёнида компания суғурта полисини расмийлаштиради, аммо рискни бошқа суғурта қилувчига беради.

ФУЗИЯ (лот.) — икки ёки бир неча акционер жамиятларнинг қўшилиб-чирмашиб кетиши, капитални марказлаштириш шакли.

ФУМИГАЦИЯ (лот.) — зараркунандаларни йўқотиш мақсадида кема трюмларини, порт омборларини ва юкларни химиявий йўл билан ишлаш.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ (*инг.*) — сотиш ҳажми, асосий воситалар, фойда, товарлар ва хизматлар, бозорлар ва бошқариш каби маълумотларга асосланган саноат ва компаниялар фаолияти анализи. Иқтисодиётда фундаментал тадқиқотларни қўллаш ИММ (Ички миллий маҳсулот)ни ўрганишни, фоиз ставкалари, ишсизлик, товар захиралари, жамғармалар ва ҳ.к. ўз ичига олади.

ФУНДИРОВАННЫЙ — ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ДОХОД (*инг.*) — қисқа муддатли ва ўрта муддатли қарзларни бирлаштириш натижасида ҳосил бўлган узоқ муддатли ёки муддатсиз давлат қарзи.

ФУНДИРОВАННЫЙ ДОХОД (*инг.*) — барқарор (қатъий) манбалардан, яъни ерга ва бошқа кўчмас мулкка эгалик қилишдан олинадиган даромад.

ФУНДИРОВАННЫЕ ЗАЙМЫ (*инг.*) — қисқа ва ўрта муддатли заёмларни бирлаштириш натижасида ҳосил бўлган узоқ муддатли давлат заёмлари.

ФУРНИТУРА (*фр.*) — ишлаб чиқаришнинг айрим турларида қўлланиладиган ёрдамчи материаллар.

ФЬЮЧЕРС БАҲО (*инг.*) — фьючерс биржа битимлари бўйича баҳо.

ФЬЮЧЕРС БИРЖАСИ — товарлар биржаларини ташкил этишнинг ҳозирги замон шакли. *Ф.б.* савдо фақат фьючерс контрактлари асосида олиб борилади. *Ф.б.* вужудга келиши ва ривожланиши шу билан боғлиқки, у баҳолар ўзгаришидаги ноқулай рискни пасайтириш, ноқулай конъюнктура ҳолатида талаб қилинадиган резерв капитал ҳажмини камайтириш, аванс қилинган капитални пул шаклида қайтаришни тезлаштириш, савдони кредитлашни тез арзонлаштириш ва муомала харажатларини пасайтиришга имкон беради.

ФЬЮЧЕРС БИТИМЛАРИ — товар ёки фонд биржасида муддатли битимлар тури. *Ф.б.* контрактда ўрнатилган битимни тузгандан кейин маълум муддат оралиғидаги баҳо бўйича товар ёки акция учун пул суммаси тўлашни кўзда тутди. *Ф.б.* асосий мақсади тугатилиш муддатида вужудга келувчи (битимни амалга ошириш муддатида) акциялар баҳоси ёки курсидаги фарқни олиш ҳисобланади.

ФЬЮЧЕРС БОЗОРИ — 1. Савдо фьючерслар билан амалга ошириладиган маълум товар ёки қийматликлар тури бозори. Қоидага кўра ҳар бир биржада бир неча *Ф.б.* мавжуд бўлади; 2. Реал товар бозорига қарама-қарши ўлароқ, фьючерс савдони белгилаш учун фойдаланиладиган термин.

ФЬЮЧЕРС КОНТРАКТИ — қоидаларга мувофиқ ўрнатилган вақт даврида келишилган баҳо бўйича тақозо қилинадиган

сорт (марка) ёки сортлар (маркалар)га эга бўлган қатъий қайд қилинган товар миқдорини етиштиришга контракт. Унчалик кўп бўлмаган фоизни истисно қилганда қарийб барча ҳолатдаги мажбуриятлар *Ф.к.* бўйича реал товарни етказиб бериш билан эмас, балки тўлаш ёки баҳодаги олинадиган фарқ орқали бажарилади.

ФЬЮЧЕРС ОПЕРАЦИЯЛАРИ — маълум вақт оралиғида (2—3 йилгача) операцияни бажариш билан қайд қилинган баҳо бўйича битим тузган пайтда ҳам товарлар, олтин, валюталар, молия ва кредит ашёларини билдирувчи биржалардаги муддатли битимлар. Клиринг палатаси сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида воситачи ҳисобланади ва мажбуриятларни бажаришни кафолатлайди.

ФЬЮЧЕРС ОПЦИОНИ — биржа битими тури, бунда товар биржада кейинчалик қайта сотиш мақсади билан сотиб олинади.

Х

ХАЙРИНГ (*инг.*) — мулкнинг ўрта муддатли ижара шартномаси.

ХАЛАТНОСТЬ — давлат ёки жамоатчилик манфаатига ёхуд қонун томонидан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлар ёки граждандар манфаатларига жиддий зарар келтирган вазифадор шахс томонидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим бўлган даражада бажармаганлик билан боғлиқ бўлган лавозим жинояти тури.

ХАРДВЕР (*инг.*) — ҳисоблаш машинаси материал қисмини ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи.

ХАЛҚАРО БИРЛАШМА — халқ ҳўжалигининг ҳар қандай соҳасида ўз иштирокчилари ҳўжалик фаолиятини координациялашни амалга оширишга қаратилган. Координация қилинадиган *Х.б.* ҳўжалик фаолияти уларнинг ҳар биттасига тегишли бўлган мулк асосида унинг иштирокчилари томонидан юритилади, у ўзининг олдин кимга тегишлилиги ва тураржойини сақлайди. *Х.б.* асосий вазифаси унинг иштирокчилари ўртасида фантехника ёки ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этишга хизмат қилиш, бирлашмалар ичида уларнинг келишган ҳолда фаолият қилишидан иборат.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЛИКВИДЛИГИ (*қадрлилиги*) — шерик мамлакатлар тўлов воситалари учун ўзаро маъқул халқаро савдо-иқтисодий ва кредит-молия муносабатлари билан таъминланиш; мавжуд валюта тизимининг халқаро тўлов воситалари ёр-

дамида мамлакатлар ўртасида ҳисоб-китобларни узлуксиз амалга оширишга қодирлигини характерлайди.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ — валюта ва кредит-молия муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлатлараро битимлар асосида тузилган халқаро иқтисодий ташкилотлар.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА РЕЗЕРВЛАРИ — тўлов баланси тақчиллигини қоплаш учун мамлакат фойдаланиши мумкин бўлган чет эл валюталар ва бошқа активлар (масалан, олтин).

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ — бир хил турмайдиган тўлов баланслари билан боғлиқ бўлган валюта қийинчиликларида валюта қийматларини тартибга солиш нормаларини ўрнатиш ва уларга риоя этишни назорат қилиш, кўп томонлама тўлов тизими ва валюта чекланишларини бартараф этиш ҳамда ўз аъзоларига валюта ресурсларини бериш орқали халқаро савдо ва валюта ҳамкорлиги ривожланишига таъсир кўрсатувчи халқаро валюта-молия ташкилоти. БМТ ихтисослашган органи сифатида Фонд Бреттон-Вудсдаги халқаро валюта-молия конференциясида таъсис этилган, 1944 йил мартдан фаолиятга киришган. ХВФнинг дастлабки низоми (1969 йил 28 июлдан кучга кирган) 2-қисмида тузатиш киритилган (қарз олиш ҳуқуқининг махсус тизимига кириш — СДР) ва 1978 йил 1 июлдан (бреттонвуд валюта тизимини Ямай янги валютаси билан алмаштириш) 1947 йилда умумий квотаси 7,7 млрд доллар бўлган 49 мамлакат кирган; 1991 йилда аъзолар сони 153 га етган, капитал 120 млрд доллар ошиб кетган. ХВФ раҳбар органлари — бошқарувчилар кенгаши ва директорат. Кенгаш — олий орган принципиал масалаларни ҳал этади, у аъзо мамлакатлар молия вазирликлари ва марказий эмиссион банклари бошқарувчиларидан иборат, бир йилда бир марта йиғилишади. Директорат — ижро органи.

ХАЛҚАРО ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КООПЕРАТИВЛАШТИРИШ — олдиндан келишилган маҳсулотни ҳамкорликда ишлаб чиқариш мақсадида ҳар бир мамлакат ишлаб чиқарувчилари ўртасида узоқ муддатли, барқарор ҳамкорлик. Ўзининг иқтисодий табиатига кўра *Х.и.к.* НИОКР соҳасида белгиланган ижтимоий фойдали натижага эришиш, бошқа-бошқа иштирокчилар фаолият қилишида зарур бўлган харажатлар билан таққослаганда нисбатан кам жонли ва сингдирилган меҳнат харажатлари сарфлаб ишлаб чиқариш, сотишга имкон берувчи ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланади. *Х.и.к.* нинг асосий хусусиятлари: 1. *Х.и.к.* бевосита субъекти сифатида ҳар хил мамлакатлардаги sanoat корхоналарининг мавжудлиги; 2. Келишилган дастур доирасида топшириқларни шериклар ўртасида тақсимлаш, кооператив битимларнинг асосий мақсадларидан келиб чиқиб уларга

ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишини топшириш, кооперация доирасида ишлаб чиқариш дастурларини реализация қилиш билан шериклар томонидан ўзаро ва бир томонлама товарлар етказиб бериш амалга ошириладиган бевосита алоқаси; 3. Шартнома тартибида тайёр буюмлар, компонентлар, бошқа қисман маҳсулотлар ва тегишли технология кооперацияси бош объектлари сифатида мустаҳкамлаш; 4. Шериклар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг узок муддатлиги, барқарорлиги ва узлуксизлиги; 5. Ҳамкорликнинг бош методи сифатида келишилган соҳада ҳар хил мамлакатлардаги шерик корхоналар ҳўжалик фаолиятини координациялаш.

ХАЛҚАРО КОМПАНИЯЛАРДА МАРКЕТИНГНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — фаолият характери, биринчи навбатда жаҳоншумуллиги, тегишли жаҳон товар бозорларини кенг қамраб олиш, уни кўплаб мамлакатларга тарқатиш билан белгиланадиган ўз хусусиятларига эга.

ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ (инг.) — ҳар хил мамлакатлар корхоналари ва ташкилотлари томонидан тузиладиган молия лизинги тури. Лизинг фирмаси чет эл фирмаларидан (ёки миллий) ускуналарни сотиб олади ва уни миллий (ёки чет эл) ижарадорларга ижарага беради. Шундай ҳолатда импорт (ёки экспорт) лизинги тўғрисида гап кетади. 1988 йилда халқаро молия ижара(лизинги)си тўғрисида УНИДРУА Конвенцияси қабул қилинган эди, аммо бу Конвенция ҳозирча кучга киргани йўқ.

ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ — бу корхона жойлаштирилган мамлакат ташқарисидаги ва хизматлар *М. Ички М.* (миллий бозорда) ва халқаро *М.* экспорти ўртасида принципиал фарқ йўқ. У ёки бу ҳолатда ҳам мавжуд маркетинг фаолияти тамойиллари фойдаланилади. Аммо халқаро ташқи муҳитни ўзига хослиги билан маълум фарқ мавжуд. У ёки бу мамлакат муҳитидаги мамлакатлар ташқи бозоридаги, айниқса иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, социал, маданий хусусиятларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ — ташқи бозор ва ўз фойдаси имкониятлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда чет элда лицензияларни реализация қилиш бўйича фирманинг комплекс фаолияти. *Х.м.л.* амалда олдиндан билиш мумкин бўлмаган ёки бошқалардан олдин билиб олиш мумкин бўлган кўплаб омиллар ҳамда товар сифатида лицензиянинг спецификаси билан аниқланадиган ўз хусусиятларига эга. Лицензия сотувчиси ечиши мумкин бўлган бош муаммо — бу янги технология асосида лицензия олувчи билан қўшма корхона тузиш ёки лицензия олувчига ундан мустақил фойдаланиш ҳуқуқини топшириш лозимлигидир. Чет элда янги технологияни уларнинг

кетма-кетлиги асосида реализация қилишда фирма маркетинг фаолиятининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар: мавжуд технология анализи ва баҳоланиши, уни ишлаш даражаси, патентлар билан ҳимоялаш ва ҳ.к.; фирманинг ишлаб чиқариш, молиялаш ва бошқа мақсадларини ифодалаш; қўшма корхона ташкил этиш ва лицензияларни сотиш бўйича таклиф қилинган мавжуд йўлларни аниқлаш; янги технология асосида амалга ошириладиган товар бозорини прогнозлашни ишлаб чиқиш ва уни технологиянинг потенциал сотиб олувчиларига юбориш.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ (ХМТ) — бевосита айри-бошланган маълум миқдор ва сифат пропорцияларга эга бўлган мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти. ХМТ барча планета миқёсида давлатларнинг самарали иқтисодий ўзаро муносабатларини ўрнатишнинг муҳим моддий шарт-шароити, барча жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ишлаб чиқариш, фан-техника, тижорат алоқаларининг объектив асоси, ижтимоий меҳнатнинг бевосита давом этиши, мамлакатлар ичида ва ўртасида унинг ривожланишининг қонуний якуни. ХМТ ҳаракатлантирувчи кучлари ва унадиган сабаблари — ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай ҳўжалик бирлигининг унга иштирок этишдан иқтисодий фойда олишга интилиши. Бунда эришиладиган иқтисодий самара умумий тарзда вақтни тежашда, меҳнат унумдорлигини оширишда ифодаланади.

ХАЛҚАРО ОЛТИН СТАНДАРТИ — XIX асрда ва XX асрнинг бошларида амал қилувчи халқаро валюта тизими, шунга кўра ҳар бир томон маълум олтин миқдорида ўз пул бирликлари қийматини ифодалайди. Ўз олтин захираси ва муомаладаги пул массаси ўзгармас нисбатини қўллаб-қувватлайди ҳамда олтинни эркин олиб келиш ва чиқаришга йўқ қўяди.

ХАЛҚАРО РЕЗЕРВ АКТИВЛАРИ — халқаро тўлов воситалари резервларини билдирувчи давлатларнинг валюта активлари (банклар, транснационал корпорациялар).

ХАЛҚАРО САВДО — барча жаҳон мамлакатлар ташқи савдо мажмуасини ифодаловчи халқаро товар пул муносабатларини ифодаловчи соҳа. *Х.с.* ҳажми (жаҳон товар обороти) АҚШ долларларида экспорт ҳажмларини қўшиб жамлаш ва ФОБ баҳолари (импорт СИФ баҳоларида ҳисобланади, натижада экспорт қийматидан тахминан 7—10 фоиз ошади) орқали ҳисобланади. *Х.с.* товарлари ва хизматлари фарқ қилади. *Х.с.* географик тақсимланиши саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар устунлиги билан характерланади. 1987—1990 йй. халқаро жаҳон экспортининг тахминан 70 фоизи улар ҳиссасига тўғри келган.

ХАЛҚАРО САВДОЛАР, ТЕНДЕРЛАР (*инг.*) — комплекс жиҳозлаш, инжиниринг хизматлари кўрсатишни ҳам қўшиб (кон-

сультатив, технологик, комплекс) бошқа ишларни бажариш учун жаҳон бозорида ускуналарни сотиб олишга ёки пудратчиларни жалб этишга буюртмаларни жойлаштиришнинг танлов шакли. Танлов шартлари олдиндан эълон қилинади.

ХАЛҚАРО САВДО СЕРТИФИКАТИ (*фр.*) — эркин оборотли импорт лицензия; мамлакатдаги конвертирланмайдиган валютаси мавжуд сотиб олувчига ушбу мамлакатда товарларни қатъий валюта ва келишилган суммада сотиш ҳуқуқини беради.

ХАЛҚАРО СОЛИҚ БИТИМЛАРИ — мақсади ҳар хил мамлакатлар ўртасидаги солиқ олиш масалаларини тартибга солишдан иборат.

ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ — солиқ чегаралари юрисдикциясини (қонунларни қабул қилиш соҳадари) ўзаро тартибга солиш хусусидаги мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар.

ХАЛҚАРО СЧЁТЛАР ПУЛ БИРЛИКЛАРИ — халқаро қарз мажбуриятлари, тўловлар, валюта резервлари, депозитлар ва кредитларни солиштириш учун қўлланиладиган шартли миқёс — билдирувчи сунъий валюта бирликлари, валюталар курслари нисбатларини аниқлаш, банк баланслари кўрсаткичларини таққослаш.

ХАЛҚАРО ТОВАРЛАР ОЛДИ-СОТТИСИ ШАРТНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА БМТ ВЕНА КОНВЕНЦИЯСИ — халқаро иқтисодий битим. 1980 йилда қабул қилинган, 1988 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган. 1990 йил 1 мартда Аргентина, Австралия, ХХР, Франция, Италия, Мексика, Швеция, АҚШ ва ҳ.к. қўшиб 19 давлатда амал қилган. В.К. шартнома томонлари тижорат корхоналари ҳар хил давлатларда жойлашган бўлса, олди-сотти шартномасига нисбатан қўлланиладиган миллий қонунчиликни кенг унификациялашни таъминлайди. У бошқа миллий қонунчилик нормаси ўрнига икки ҳолатда қўлланишга тегишли: 1. Шартнома томонлар тегишли бўлган давлатлар В.К. иштирокчилари ҳисобланади; 2. В.К. давлат-иштирокчиси ҳуқуқи коллизия норми шароитида қўлланилиши мумкин. В.К. 101 моддани ўз ичига олувчи 4 қисмдан иборат: 1. Қўлланиш соҳаси ва умумий ҳолат; 2. Шартномани тузиш; 3. Товарлар олди-соттиси; 4. Яқуний ҳолат.

ХАЛҚАРО ТОВАРЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ — қандайдир классификация схемаси бўйича тақсимланган товарларнинг мукамал рўйхати. Халқаро савдода муомалада бўлувчи товарларни классификациялаш учун ҳозирги вақтда БМТ халқаро стандарт савдо классификацияси (ХССК) ҳамда энг кенг ёйилувчи уйғунлаштириладиган тизим номенклатураси (УСН) қўлланилади. БМТ халқаро стандарт савдо классификацияси кўпчилик

жаҳон мамлакатлари миллий ташқи савдо классификациясини қуришда асос қилиб қабул қилинган. ХССК базасида купина мамлакатлар гуруҳ индексларига, булар бўйича эса ташқи савдо умумий индексларига ҳисоб-китоб қиладилар. ХССК даги бўлимлар, гуруҳлар, кичик гуруҳлар бўйича товарлар тақсимланадиган асосий белги — маҳсулотларни ишлаш даражаси.

ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БАНКИ — ҳукуматлараро кредит-молия ташкилоти. ХТТБ 1944 йилда ХВФ билан бир вақтда таъсис этилган ва 1946 йил июндан ўз фаолиятини бошлаган. Банк аъзолари фақат ХВФ аъзо мамлакатлар бўлишлари мумкин, 1991 йилда ХТТБ таркибида 153 давлат бўлган. Банкнинг олий органи бошқарувчилар кенгаши, ижро этувчи орган — директорат, унга президент раҳбарлик қилади. Анъанага кўра, ХТТБ президенти этиб АҚШ вакили сайланади, чунки у банкда энг юқори овоз олиш фоиизига эга. Унинг асосий вазифаси аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш, халқаро савдонинг ривожланишига таъсир кўрсатиш ва тўлов балансларини қўлаб-қувватлашдан иборат. ХТТБ формал жиҳатдан БМТ нинг ихтисослашган муассасаси ҳисобланади, аммо банк Низоми ва БМТ ва ХТТБ ўртасида тузилган битимга кўра, банк ўз қарорларида тўла мустақил ҳисобланади. ХТТБ нинг асосий фаолияти узоқ муддатли заёмлар бериш ҳисобланади, ҳозирги вақтда асосан ривожланаётган мамлакатлар, 80-йилларнинг охиридан бошлаб эса Шарқий Европа мамлакатларига кредитларнинг катта қисми хусусий тижорат заёмлари шартларига ўхшаш шартлар, яъни юқори фоииз билан берилади. Заёмлар нафақат давлат, балки хусусий корхоналарга ҳам берилади. Ўз фаолияти йиллари давомида банк 150 млрд доллардан ошиқ кредитлар берган, шундан ярмидан кўпи кейинги ўн йилликка тўғри келади.

ХАЛҚАРО ТЎЛОВ ВОСИТАЛАРИ — халқаро кредит мажбуриятларини қоплаш воситалари, авваллари — олтин, ҳозирги вақтда — конвертирланадиган валютадар, халқаро ҳисоб пул birlikлари.

ХАЛҚАРО ФАН-ТЕХНИКА ҲАМКОРЛИГИ (ХФТХ) — халқаро ҳамкорликнинг энг динамик ва перспектив йўналишларидан бири. ХФТХ деганда фан-техника муаммоларини ҳамкорликда ишлаш, фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқариш тажрибаси, юқори малакали кадрлар тайёрлашни ўзаро айирбошлаш тушунилади. ХФТХ шакллари: фан-техника ахбороти, патент иши ва кашфиётчилик соҳасидаги ҳамкорлик; фан-техника сиёсатининг асосий масалалари бўйича ўзаро маслаҳатлар; тажриба ва фан-техника ютуқларини алмашиш; узоқ муддатли фан-техника прогнозларини ишлаш; муҳим орган ва техника муаммо-

лари ечимларини ҳамкорликда режалаштириш; фан-техника тадқиқотларини кооперативлаштириш; фан, техника ва фан ишлаб чиқариш муаммоларини ҳамкорликда ҳал этиш; лицензиялар, ноу-хауни сотиб олиш ва сотиш; машиналар, материаллар ва ҳ.к. ҳамкорликда синаш.

ХАЛҚАРО ФОНД БИРЖАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ — Парижда жойлашган ташкилот. Асосий мақсадлари барча акционерлар учун тенг ҳуқуқни таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозорлари тузилмасини координациялашдан иборат. Ҳар йили кенгаш ўтказилиб, унда қонунчилик ва қимматли қоғозлар савдосини тартибга солиш, сиёсатнинг фонд бозорига таъсири, биржа иши техника ва технологиясининг ривожланиши кўриб чиқилади.

ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР — иқтисодий, сиёсий, фан-техника, маданий ва бошқа муносабатлар асосида ҳар хил мамлакатлар ҳудудида жойлашган давлатлар, ташкилотлар ва граждандлар ўртасида вужудга келувчи пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни тартибга солиш тизими.

ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР БАНКИ (ХХКБ) — халқаро валюта кредит ташкилоти. ХХКБ Бизелда (Швейцария) 1930 йилда акционер жамият шаклида тузилган; ҳозирги вақтда унинг таркибига барча Европа банклари ҳамда Австралия, Япония, Канада, ЖАР ва АҚШнинг қатор тижорат банклари киради. Банкнинг 15 миллиард эски Швейцария франкидан иборат асосий капитали банк иштирокчилари бадалларидан ташкил топган. Банкнинг олий органи — Марказий банklar — таъсисчилари раҳбарларининг умумий мажлиси муҳим масалаларни ҳал қилиш учун бир йилда бир марта йиғилади: янги аъзолар қабул қилиш, ҳисоботни тасдиқлаш, банк баланси ва ҳ.к. Унинг жорий фаолиятини банкнинг 13 вакилидан иборат директорлари кенгаши бошқаради. Кенгаш бир йилда 10 марта йиғилади. Қарорлар овоз бериш сони бўйича қабул қилинади. Банк сиёсатини етук Европа мамлакатлари (Германия, Буюк Британия, Франция) белгилайди. ХХКБ низомига биноан унга иккита асосий вазифа юклатилган бўлади: халқаро молия операциялари учун қулай шарт-шароит таъминлаш билан Марказий банklar ўртасидаги ҳамкорликка ёрдам кўрсатиш; ўз аъзолари халқаро ҳисоб-китобларини ўтказиш бўйича ишончли шахс ёки агент сифатида чиқиш. ХХКБ қарийб барча йирик халқаро валюта-кредит операцияларига қатнашади.

ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОН АЛОҚАСИ ШОХОБЧАСИ — Нью-Йорк биржаси ёки Америка фонд биржаси ва битта ёки ундан ортиқ регионал биржаларда котировка қилинадиган акциялар бўйича улар ўртасидаги мусобақани мукофотлаш учун ҳозирги

вақтда еттига рўйхат қилинган операция заллари биржаларини биржа дилерлари миллий ассоциациялари билан қўшади.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАЛАР ВА ВИСТАВКАЛАР — халқаро бозор фаолиятининг специфик шакллари бўлиб, бунда нисбатан ҳажм бўйича катта бўлмаган ва тегишли ускуналанган ҳудудда янги товарлар, фан-техника ва ишлаб чиқариш ютуқлари намуналарини сотиш учун намоёиш қилинади. Ярмаркалар ва кўргазмалар ўртасида принципиал фарқлар йўқ, аммо соф амалиётда уларнинг хусусиятларида фарқ мавжуд. Ярмаркалар мунтазам асосда ва маълум муддатда йилнинг белгиланган вақтида ўтказиладиган бозор характеридаги йирик тадбирлар. Универсал, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ярмаркалар фарқ қилади. Ярмаркалардан фарқ қилган ҳолда халқаро савдо-саноат кўргазмалари — бу одатда даврий такрорланмайдиган ва ҳар хил жойларда ташкил этиладиган бир марталик тадбирлар.

ХАЛҚАРО ҚЎШ СОЛИҚ ОЛИШ — ҳар хил мамлакатларда бир вақтда ўхшаш ёки бир хил табиатга эга бўлган солиқлар олиш.

ХЕЖ — 1. Баҳо хавфидан кафолатлаш; 2. Баҳо хавфларидан эҳтиёт қилиш учун хизмат қиладиган фьючерс контракти.

ХЕЖЕР — хежерлаш деб аталувчи фьючерс биржасида операцияларни амалга оширувчи ҳар қандай фирма, банк, фермер ёки бошқа ҳўжалик субъекти.

ХЕЖИРОВАНИЕ — 1. Узоқ муддатли битимларни амалга оширишда баҳонинг тушишидан сугурта қилиш учун тузилган муддатли битим; 2. Фьючерс битимларини амалга оширишда биржадаги баҳолар ёки валюта курсларидан фойдани сугурталашнинг ҳар хил усуллари белгилаш учун банк, биржа ва тижорат амалиётида фойдаланиладиган термин.

ХИЗМАТ КўРСАТИШ БЕЛГИСИ — бир корхона хизматини бошқа корхона хизматида фарқ қилувчи (фирма пакетлари, бланкалар, этикетка) белги. Қоидага кўра Х.к.б. товар белгилари ҳуқуқий режимда тарқатилади.

ХИЗМАТ СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ — истеъмолчиларга тегишли бўлган буюмларни ижарага беришни, модернизацияни ва товарлар ремонтини, шахсий хизматлар ва ҳ.к. ни ўз ичига олади. Х.с.м. хусусиятлари уларни бошқа товар буюмларидан фарқ қилувчи махсус хизматлар билан белгиланади — бу уларнинг сезилмаслиги, манбадан ажралмаслиги, сифатнинг ўзгарувчанлиги, сақланмаслиги. Хизматлар харажатига асосан учта ёндашиш мавжуд. Биринчи — хизматларга материал беришни ҳосил қилиш. Иккинчи — сезилмайдиган хизматни сезиладиган объект билан ассоциациялаш. Учинчи — сотувчи хизматлари ва унинг

фойдаланувчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосий эътиборни қаратиш ва сезилмайдиганидан кетиш.

ХОЛДИНГ (*инг.*) — тадбиркорлик тури, унинг моҳияти уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва дивиденд тарзида даромадлар олиш мақсадида ҳар хил компаниялар акциялар назорат пакетларини сотиб олишдан иборат. Ҳ. йирик инвестициялар талаб қилади, шунинг учун бир неча жисмоний ва юридик шахслар капиталларини бирлаштириш асосида амалга оширилади.

ХОЛДИНГ-КОМПАНИЯ (*фр.*) — у эгаллик қилган акциялар назорат пакети ёрдамида битта ёки бир неча юридик жиҳатдан мустақил компанияларни назорат қилувчи корпорация (акционер компания). Кўпгина ҳолатларда овоз бериш ҳуқуқига эга. Компанияни ташкил этишнинг шундай шакли кўпинча кўплаб корпорациялар умумий манфаатларига риоя этиш ёки диверсификация жараёнларини тезлаштиришга риоя қилиш устидан ягона сиёсат олиб бориш ва ягона назоратни амалга ошириш учун фойдаланилади.

ХОМ АШЁ ТОВАРЛАРИ УЧУН УМУМИЙ ФОНД — халқаро товар битимлари учун молия базаси бўлган хом ашё товарлар учун интеграция қилинган дастур доирасидаги халқаро молия муассасаси. Буфер захиралари яратиш орқали хом ашё баҳоларининг кескин ўзгаришини бартараф этишга қаратилган халқаро товар битимлари дастурнинг асосий ашёси ҳисобланади. Аммо буфер захиралар сақлаш катта молия маблағлари талаб қилади. Бозорни тартибга солиш учун тайинланган маблағларни бирлаштириш уларни тежашга олиб келади. Умумий фонд 1980 йилда тузилган.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР МУЛКИ — ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро шартномаларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда дипломатик, консуллик, ижтимоий-маданий ва халқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи доирасида фаолият кўрсатади.

ХРАНЕНИЕ — шартнома асосида ё қонун кучи билан вужудга келувчи гражданлик ҳуқуқидаги мажбурият.

ХРОНОМЕТРАЖ (*грек.*) — уларнинг давом этишини ўлчаш ва бажарилиш шартларини анализ қилиш асосида такрорланувчи меҳнат операцияларининг қўл ва машина қисмларини бажаришга кетган иш вақти харажатларини ўрганиш услуги.

ХЎЖАЛИК АССОЦИАЦИЯСИ (*лот.*) — битта ёки бир неча функцияларни ҳамкорликда амалга ошириш мақсадида шартнома асосида ташкил бўлган бирлашма корхоналари ва ташки-

лотларини билдиради. Унинг иштирокчилари айти пайтда бир-бир-бирининг розилигисиз ҳар хил шартнома муносабатларига киришлари мумкин.

ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАСИ — фаолиятларни координация қилиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва бошқа органлар ҳамда халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни ифодалаш мақсадида тармоқ, ҳудудий ёки бошқа тамойиллар бўйича тузилган юридик шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси — ишлаб чиқариш кооперативлари, давлат, ижара, жамоа ва бошқа корхоналар.

ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТИ ВА ШИРКАТИ МУЛКИ — улар иштирокчиларининг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда улар томонидан қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларда қўлга киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади.

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИ — ташкилий структуралар ҳамда конкрет хўжалик юритиш шакллариининг, бошқариш усуллари ва ҳуқуқий нормаларнинг жами бўлиб, улар ёрдамида жамият иқтисодий қонунлардан конкрет вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда фойдаланади. *Х.м.*нинг тузилмаси: режалаштириш; бошқариш тузилмаси; омманинг бошқарувда қатнашиши; моддий-кредит омиллари; нарх белгилаш; хўжалик ҳисоби ёрдамида рағбатлантириш; меҳнатга ҳақ тўлаш; иқтисодий алоқаларни ташкил этиш шакллари.

ХЎЖАЛИК УЮШМАЛАРИ (*бирлашмалари*) **МУЛКИ** — корхона ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (концерн, тармоқ, тармоқлараро ва ҳудудий корхона) ва ташкилотларнинг ихтиёрий равишда берган ва унинг ўз хўжалик фаолияти натижасидан олинган мол-мулкдан ташкил топади.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ — корхоналарни бошқариш ва оборотни ташкил этиш услуби. *Х.ҳ.* ишлаб чиқариш харажатларини аниқ ҳисобга олишга, корхонанинг режали даромадлигини ўрнатishга асосланади. *Х.ҳ.* асосида ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқариш натижаларини таққослаш ётади.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ДАРОМАДИ — тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаш асосида амал қилувчи корхона (бирлашма) даромадиниинг бир қисми, унинг ишлаб чиқариш ижтимоий ривожланиши, ходимлар иш ҳақининг асосий манбаси. *Х.ҳ.д.* корхона ихтиёрида қолади ва у ундан мустақил фойдаланади. Даромаддан моддий харажатлар қопланади, бюджет, юқори ташкилотлар, банклар билан ҳисоб-китоб қилинади. Ҳосил бўлган *Х.ҳ.д.* ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондида, фан ва техника, ижтимоий тараққиёт ва бошқа шу каби фондларга йўналтирилади. Қолган *Х.ҳ.д.* дан эса ягона иш ҳақи фонди тузилади.

ХУЖЖАТЛИ АККРЕДИТИВ (нем.) — аккредитивнинг бир хили бўлиб, унинг шартига асосан банк йўриқномага биноан сотиб олувчининг сотувчига товарларни тартибга солувчи кўрсатилган ҳужжатларга қарши ҳолда маълум суммани тўлатиш мажбуриятини олади.

ХУЖЖАТЛИ ИНКАССО (итал.) — тижорат ҳужжатлари билан кузатиладиган (транспорт ва суғурта ҳисобот ҳужжатлари) молия ҳужжатлари инкассоси ҳамда фақат тижорат ҳужжатлари инкассоси. Агарда сотиб олувчи ҳақ тўлашдан бош тортса, ҳужжатлар унга берилмайди ва у товарга буйруқ бера олмайди. Сотувчи банкка агарда сотиб олувчи ҳақ тўлашдан бош тортганда товар ва ҳужжатлар билан нима қилишлиги хусусида аниқ йўриқнома бериши керак.

ХУСУСИЙ БИРЖАЛАР (нем., грек.) — акционер компаниялар ва ёпиқ корпорациялар шакли. Шундай биржаларда битимни фақат унинг аъзолари ҳисобланган акционерлар тузиши мумкин. Х.б. фойдаси улар учун битимларни амалга оширадиган клиентлардан олинadиган мукофотлар ҳисобидан ҳосил бўлади, яъни биржа аъзолари брокерлар ролида чиқади.

ХУСУСИЙ КОРПОРАЦИЯ (лот.) — акционер жамият тури бўлиб, унда акционерлар сони оз, акциялар сонининг катта қисми (80-90 фоиз) бир мулкдорга — акционерлар тор гуруҳига ёки битта оила аъзоларига тегишли бўлади.

ХУСУСИЙ КОРХОНА — хусусий мулк асосида фаолият қилувчи корхона. Фуқаролар (оила) маблағларидан олинган даромадлардан, кредитлардан ва бошқа қонуний манбалардан ташкил топади. Хусусий корхона эгаси низомда белгиланган доирада корхона мажбуриятлари бўйича масъул ҳисобланади.

ХУСУСИЙ МУЛК — ишлаб чиқариш шароитлари хусусидаги кишилар ўртасида юз берадиган иқтисодий муносабатлар хили бўлиб, бунда мулкдор мулк объектларига эгалик қилишда, фойдаланишда ва буйруқ бериш (бошқа шахсга бериш ёки сотиш)да ҳамда даромад олишда чекланмаган ҳуқуққа эга бўлади.

ХУСУСИЙ СЕКТОР (лот.) — мамлакатдаги уй ҳужаликлари ва фирмаларнинг жами.

Ц

ЦЕДЕНТ (инг.) — вексель ва бошқа мажбурият бўйича пул олиш ҳуқуқини бошқа шахсга берувчи шахс.

ЦЕССИОНАРИЙ — 1. Унга талаб қилиш ҳуқуқини бериш билан кредитор бўлиб қолган шахс; 2. Ворислик ҳуқуқи.

ЦЕССИЯ (*инг.*) — мажбуриятда талабга бошқа шахсга ён бериш, биронта кишига бирор нарса бўйича ўз ҳуқуқларини бериш. Талабни сотиб олган кишига мажбуриятларни бажаришни таъминлаш ҳуқуқи ўтади.

ЦИВИЛИСТ (*лот.*) — цивилистика бўйича мутахассис.

ЦИВИЛИСТИКА (*лот.*) — гражданлик (цивил) ҳуқуқи тўғрисидаги фан.

ЦИВИЛ ЛИСТ (*лот.*) — монарх ва унинг хонадонини боқиб учун бюджетдан ажратиладиган суммани аниқлайдиган давлат акти.

ЦИРКУЛЯР (*лот.*) — бирор идорага тегишли муассасаларга ёки итот қиладиган вазифадор шахсга юбориладиган ёзма буйруқ.

ЦОЛФЕРЕЙН — умумий божхона тизимини қабул қилувчи ва умумий божхона муассасаларига эга бўлган бир неча давлатлар битими.

Ч

ЧАЙҚОВ БОЗОРИ — жуда ҳам юқори нарх бўйича маълум товарлар ва хизматлар билан нолегал савдони юритиш. Тақчиллик, рационлаштириш (озик-овқат маҳсулотлари ва товарларини), карточкалар бўйича ва қандайдир бошқа усул билан тақсимлаш тизими ва баҳоларни қаттиқ назорат қилиш Ч.б. келиб чиқиш тенденцияларини яратади.

ЧАКАНА БАҲО — кам миқдорларда шахсий истеъмолга сотиладиган товарга ўрнатиладиган баҳо.

ЧАКАНА САВДО — шахсий, оилавий ёки уйда фойдаланиш учун товарлар ва хизматларни охириги (пировард) истеъмолчиларга сотиш билан боғлиқ бўлган савдо фаолияти. Ч.с. вазифаси: кўп сонли етказиб берувчилардан товарлар ва хизматлар турини танлаш; реклама воситасида товарлар ва хизматлар тўғрисида истеъмолчиларга ахборот бериш; товарларни сақлаш, уларни савдо залларига жойлаштириш ва баҳо ўрнатиш; савдо шохобчаси орқали товарларни сотиш (магазинлар, универсаллар, почта, телефон, каталог, омборлар, савдо автоматлари, магазиндан ташқари Ч.с. ва ҳ.к.).

ЧАРТЕР (*инг.*) — маълум рейс ёки муддатга барча транспорт воситаси ёки унинг бир қисмини ижарага бериш учун транспорт воситаси эгаси ва ёлловчи ўртасидаги шартнома. Денгизда сузиш савдосида қоидага кўра типовой чартер шакллари фойдаланилади.

ЧАРТЕР РЕЙСОВЫЙ (инг., нем.) — маълум портлар ёки районлар ўртасида юкни ортиш ва тушириш рейсларини (ёки бир рейс) амалга ошириш учун кема ёллаш. Фрахт учун тўловлар ёлланган тоннага тўланади.

ЧАРТИНГ (инг.) — унинг ҳолатини аниқлаш мақсадида бозорни анализ қилишда ва баҳолар ҳаракати ёки ўртача баҳони прогнозлаш учун диаграммалар ва графиклар тузиш.

ЧАРТИ (инг.) — ҳисоб ва прогнозлаш учун қўлланиладиган баҳолар графиги. Столбик чартилар ва нуқта-крестча чартилар фарқланади. Прогноз графиклар пайдо бўлган кўринишлар ва бошқа график белгиларни андектификациялаш орқали амалга оширилади. Тадбиркорлар томонидан жуда кенг қўлланилади.

ЧЕК (инг.) — унда кўрсатилган суммани маълум шахсга ёки даъвогарга тўлаш ёки банкдаги маблағлар олувчи счётига ушбу суммани ўтказиш тўғрисида банкдаги жорий счёт эгасининг сўзсиз буйруғини ўз ичига олиш. Ч. асосий тайинланиши жорий счётда турувчи маблағларга буйруқ бериш воситаси нақд пулсиз ҳисоб-китоблар воситаси бўлиши мумкин. Ч. тўлов воситаси сифатида ҳам чиқади. Аммо бу ерда унинг роли чекланган, чунки Ч. ҳисоб-китоби Ч. суммаси унинг банкидаги экспортёр счётига ўтказилганига қадар экспорт ва импорт ўртасидаги тўлов муносабатларининг амалга ошганлигини билдирмайди. Шунини айтиш лозимки, Ч. кредитлаш воситалари бўлмайди ва даъвога кўра уни банкка тўлашга тегишли Ч. муомала муддати чекланган: Женева Конвенциясига кўра агарда тўлаш ўша мамлакатда амалга оinsa 8 кун билан; агарда бериш жойи ва тўлаш жойи ҳар хил мамлакатда бўлса 20 кун билан; агарда тўлаш дунёнинг бошқа қисмида бўлса 70 кун билан. Кўплаб мамлакатларда Ч. муомаласини тартибга соладиган махсус меъёрлар амал қилади. Мамлакатларнинг бир қисми Ч. тўғрисидаги Женева Конвенциясини 1931 йилда имзолашган, бошқалари унинг низомларини ўз қонунчилигида фойдаланади, учинчилари Англия қонунига амал қилишади. Ч. бир неча турлари фарқ қилади: предъявительский (кўрсатувчига тўланаверадиган), именные (исми ёзилган), ордерли.

ЧЕК БЛАНКАЛАРИ (инг., фр.) — босмаҳона усули билан тайёрланадиган чек формулярлари. Қалбакичиликни бартараф этиш учун махсус қоғозда босиб чиқарилади ва кетма-кет рақам тартиби билан таъминланади. Банк мижозларига бериладиган чек дафтарчаларига ёзилади.

ЧЕК ИНВЕСТИЦИОН ФОНДЛАРИ (инг., нем., фр.) — қуйидагиларни ўз ичига олади: биринчидан, акциялари хусусийлаштирилган чекларга алмаштириладиган чек фондининг ўзи. Иккинчидан, счётларни юритиш ва қийматликларни сақлаш

бўйича депозитарий, хизмат қилувчи фонд. Депозитарий фондлари билан барча операцияларни бошқарувчининг кўрсатмаси бўйича олиб боради. Фондни бошқарувчи унга Кенгаш директорлари томонидан берилган ваколатлар доирасида маблағларга буйруқ беради. Таъсисчилар, биринчидан, фонд акциялари бўйича дивидендлар оладилар, иккинчидан, яқин 15 ой ичида бошқариш органларини ташкил этишлари мумкин. Акционерлар эса дивиденд оладилар.

ЧЕК КЛИРИНГИ (*инг.*) — чеклар билан ҳисоб-китоблар бўйича марказлашган ўзаро зачётлар системаси Ч.к. клиринг палаталари, чеклар бўйича махсус ҳисоб-китоб системаси орқали ёки бевосита банклар ўртасида амалга оширилади.

ЧЕК КНИЖКАСИ — банк томонидан жорий банк счёти эгасига бериладиган маълум миқдорда дафтарча шаклига келтирилган чек бланкалари. Чекдан фойдаланиш билан банк мижози счётидан зарур суммани чиқариши ва ундан нақд пул олиши ёки бевосита чек билан учинчи шахслар орқали орани очик қилиши мумкин. Ч.к. жорий счётига буйруқ бериш воситаси ҳисобланади.

ЧЕКЛАНГАН АКЦИЯЛАР (*инг., фр.*) — одатда дивидендлар келтирувчи, аммо овоз бериш ҳуқуқини бермайдиган ёки ушбу ҳуқуқни чеклайдиган акциялар.

ЧЕКЛАНГАН ИШ АМАЛИЁТИ — улар томонидан бозорда ҳукмронлик мавқеини эгаллаш ва ушбу мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келувчи корхоналар ёки улар бирлашмаларининг харажатлари ва муомаласи.

ЧЕКЛАНГАН МАСЪУЛИЯТ (*инг.*) — акционер фақат акционер капиталдаги ўз ҳиссаси доирасида, яъни сотиб олинган акциялар учун улар томонидан тўланган сумма доирасида акционер жамият (корпорация) қарзлари бўйича жавобгарлигидан иборат акционер мулкнинг муҳим аспекти.

ЧЕКЛАНИШЛАР (*инг.*) — миллий товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, умумдават манфаатларини таъминлаш ва халқаро мажбуриятларни бажаришга йўналтирилган ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш воситалари сифатида давлатлар ва давлатлар гуруҳига экспорт ва импорт соҳасида ўрнатилади. Хорижий давлатларда экспорт ва импортни назорат қилиш ва тартибга солишнинг шунга ўхшаш ва айрим бошқа чоралари қўлланилади.

ЧЕК СИСТЕМАСИ (*грек., инг.*) — корхона бўлимлари ички ҳўжалик ҳисобида ишлаб чиқаришлари ва натижалари ҳисоботи шакли.

“ЧЕТВЁРТЫЙ РЫНОК” — асосан институционал инвесторларга мўлжалланган биржадан ташқари бозор. Унинг хусу-

сияти шундан иборатки, ушбу бозордаги битим иштирокчилари воситачиларни четлаб компьютерлашган система орқали операцияларни амалга оширадилар.

ЧЕТГА КАПИТАЛ ЧИҚАРИШ — бошқа мамлакатларга хусусий корпорациялар ва давлат томонидан чиқариладиган капитал. Тадбиркорлик шаклида (тўғри ва портфель капитал солиш) ва ссуда капитали тарзида (заёмлар, кредитлар, хорижий банкларга пулларни жойлаштириш) амалга оширилиши мумкин.

ЧЕТЫРЕ “М” (инг.) — Ғарбий бизнесменлар томонидан истеъмол қилинадиган ва мавжудлигини ёки меъёрий тадбиркорлик фаолиятининг тўртта асосий шарти (омили)ни таъминлаш зарурлиги: хом ашё, иш кучи, ускуналар, пулни билдирадиган жаргон термини.

ЧИҚАРИЛАДИГАН МУКОФОТЛАР (ЭКСПОРТ) — маълум товарлар экспортёрларига молиявий имтиёзлар. Ч.м. давлатлар четга товарларни рағбатлантиради ва экспортёрларга энг паст баҳолар бўйича ташқи бозорга товарларни чиқариш имкониятини таъминлайди, бу ушбу товарлар рақобатбардошлигини оширади. Шу билан улар экспорт экспанциясини тақдирлайди. Очiq ва яширин Ч.м. мавжуд. Очiq Ч.м. мавжуд товарларни чиқарганлиги учун экспортёрларга пул субсидиялари беришни билдиради. Яширин Ч.м. социал фондларни эгри ва айрим тўғри солиқлар ва бадаллардан озод қилиш, божхона божини қайтариш ва ҳ.к. шаклида намоён бўлади.

ЧИҚАРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ КАПИТАЛИ (инг., лот., фр.) — корпорация низом капиталининг сотилган қисми. Келажакда қўшимча чиқариш ёрдамида қўшимча маблағлар олиш учун низом берадиган имкониятга қараганда кам акциялар чиқарилади.

ЧЛЕНСКАЯ КОРПОРАЦИЯСИ (лот.) — корпорациянинг вазифадор шахси ёки хизматчиси ҳисобланган корпорация сифатида ташкил бўлган қимматли қорозлар билан шуғулланувчи ва камида Нью-Йорк фонд биржасида битта аъзога эга бўлган брокерлик фирмаси.

III

ШАНТАЖ (фр.) — фош қилиш билан қўрқитиш ёки обрўсизлантиришга оид маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ. Мулкни бериш талабида (мулккий ҳуқуқлар) ёки мулккий характерга эга бўлган қандайдир ҳаракатни амалга оширишдан иборат турли хил товламачилик.

ШАРТЛИ БИТИМЛАР — битимлар тури бўлиб, бунда иштирокчилардан биттаси бошқасига маълум мукофотни тўлаб, ўз мажбуриятларини бажаришдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлади.

ШАРТЛИ БОЖСИЗ ОЛИБ КЕЛИШ — ўрнатилган муддатларда ушбу предметларни чет элга қайта чиқариш шарти билан импорт муносабати орқали олинadиган тушумлардан солиқлар, мамлакатга божхона божи олмасдан олиб келинадиган товарлар ва бошқа предметлар. Ушбу муддатларга риоя қилинмаган ҳолатда предметлардан божхона божи олинади.

ШАРТЛИ ДОИМИЙ ХАРАЖАТЛАР — миқдори маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ишлар ва хизматлар ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ёки кам боғлиқ бўлган харажатлар.

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ — шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишлича бажариш. *Ш.и.* бузиш мулкий санкциялар — неустойка, зарар жазолари қўллаш билан боғлиқ.

ШАРТНОМА ОБЪЕКТИ (*лот.*) — беришга, сотишга ва ҳ.к. тегишли бўлган предмет ва материал маблағлари ва (ёки) шартноманинг моҳиятига тегишли ва ташкил этувчи номулкий ҳуқуқлар. *Ш.и.* соҳаси шартнома предметини аниқлаш билан етарлича аниқ чекланади. Вена Конвенциясига асосан қуйидагилар халқаро олди-сотти контракти объектлари бўла олмайди: шахсий фойдаланишга олинган товарлар; аукциондан сотилган товарлар; қимматли қоғозлар, оборот ҳужжатлари ва валюта; ҳаво ва сув транспорти кемаси; электроэнергия хизматлари; ўзи тайёрлаган маҳсулот. *Ш.о.* маълум шартларга жавоб бериши керак: а) маълум сифатларга ва аниқ белгиланишга эга бўлиши; б) шартномада инсон бажариши лозим бўлган шундай мажбуриятларни бажариш кўзда тутилган бўлиши; в) рухсат этилган бўлиши керак.

ШАХСИЙ ВАКИЛЛИК — акционерлар мажлисларига шахсан қатнашиш йўли билан акциялар эгаларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш усули.

ШАХСИЙ ДАРОМАД СОЛИҒИ — айрим шахсларнинг (уй ҳўжаликлари ва кооперативлашмаган фирмалар) солиқ олишга тегишли бўлган даромадидан олинadиган солиқ.

ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ҲЎЖАЛИК — томорқа ёки боғ-полиз участкасидаги шахсий меҳнатга асосланган ҳўжалик. Шахсий мулкнинг бир тури бўлиб, меҳнаткашлар даромадининг ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондиришнинг қўшимча манбаи сифатида хизмат қилади.

ШАХСИЙ ИСТЕЪМОЛ — кишининг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжини (кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой, рўзгор анжомлари ва ҳ.к.) қондириш жараёни. Кишиларнинг шахсий

истеъмолининг ўсиши жамиятнинг тараққиёт даражасига ва ижтимоий тузум характерига боғлиқ бўлади.

ШАХСИЙ МУЛК — якка шахс (оила аъзолари) ва жамият ўртасида вужудга келадиган моддий бойликлар ва хизматлар хусусидаги иқтисодий муносабатларни билдиради. Шахсий мулкдаги маблавлар мамлакат миллий бойлигининг таркибий қисми ҳисобланади. Фуқароларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштироклари билан боғлиқ бўлган барча индивидуал даромадлари мажмуи шахсий мулкнинг манбасини ташкил этади.

ШАХСИЙ СОЛИҚЛАР — бевосита муҳим солиқ олиш шакли бўлиб, бунда солиқ тўловчи даромадидан солиқ берилган имтиёзларни ҳисобга олиш билан солиқ олинади.

ШАХСИЙ СУҒУРТА — суғурта тармоғи бўлиб, бунда турмуш, соғлиқ кишининг меҳнатга қобилиятлилиги суғурта муносабатлари объекти сифатида чиқади.

ШЕДУЛА (*инг., лот*) — улардан даромад солиғи олишда даромадлар манбалари бўлинадиган қатор мамлакатлардаги разрядлар.

ШЕДУЛЯР ДАРОМАД СОЛИҚ (*инг., лот.*) — глобал даромад солиғи олишдан фарқ қилиб солиқ тўловчиларнинг жами даромадидан олинмайди, балки даромад манбасидан қисмлаб (шедул) олинади.

ШЕРИКЛИК — корхонани ташкил этишнинг юридик шакли. Масъулияти чекланган индивидуал (оилавий) корхона ва компания ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди; бир неча шахсларнинг (жисмоний, юридик) қўшма корхонасини билдиради, уларнинг ҳар биттаси унда нафақат ўз капитали, балки ўз меҳнати билан ҳам иштирок этишади. Акционер компаниядан фарқ қилиб шерикликда унинг аъзолари корхонанинг барча қарзлари ва мажбуриятлари бўйича чекланмаган (уларнинг жойлари билан) ҳамфикрлик масъулиятига эга бўлади ва шунга мос равишда анонимлик ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

ШЕФМОНТАЖ (*фр.*) — ҳар хил мамлакатлар контракт амалиётида ушбу терминнинг ягона шарҳи йўқ. Кенг маънода шефмонтаж — бу буюртмачи томонидан ишларни бажарганлик учун мутахассислар томонидан ташкилий-техникавий раҳбарлик ва назорат.

ШИПЧАНДЛЕР (*инг.*) — кемаларга озиқ-овқат ва техник таъминот етказиб берувчи ташкилот ёки фирма.

ШТАТ (*нем.*) — қатор федератив давлатлардаги ўз-ўзини бошқарувчи маъмурий-ҳудудий бирлик (АҚШ, Мексика, Ҳиндистон ва ҳ.к.); қандайдир муассаса ходимларининг доимий таркиби. Штат жадвали — вазифаси ва маошларини кўрсатиш билан тегшли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ходимлар таркиби сонининг рўйхати.

ШТАФЕЛЬ — лицевой счётининг махсус шакли бўлиб, бунда дебет ва кредит оборотлари битта умумий жадвалда ифодаланади.

ШТРАФ (нем.) — амал қилувчи қонунни, шартномаларни ёки маълум қоидаларни бузишда айбдор деб ҳисобланган шахсларга пул билан жазо, материал таъсир кўрсатиш чоралари.

ШТРАФ КОНВЕНЦИОНАЛЬНЫЙ (нем., лот.) — шартнома иштирокчиларидан бири тўлайдиган паушал тўлдириш, зарарларни қоплаш. Жабрланган томон зарарларини қоплаш ҳуқуқи шартнома бўйича нафақат келтирилган зарар, балки айби даражасига боғлиқ ҳолда бой берилган фойдага ҳам тарқатилади. Келтирилган зарар миқдорини аниқлаш кўп ҳолатларда қийин ва катта сарфлар талаб қилади. Шу сабабли, кўпинча ушбу қийинчиликлардан қочиш учун шартнома шартларини бажармаган ёки нотўғри бажарган ҳолатда шериклар қайд қилинган Ш.к. киритиш тўғрисида келишиб оладилар. Унинг ҳажми вужудга келган реал зарарлар миқёсига боғлиқ бўлмайди ва айбнинг характери ва даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрнатилиши мумкин.

ШТРАФ САНКЦИЯЛАРИ (нем., лот.) — контракт бўйича мажбуриятларни бузган томонлардан ундириб олинadиган тўлов тури. Штраф санкциялари сотувчилар (экспортёрлар)га нисбатан қуйидаги хатолар учун олинadиган тўловлар (жарималар, пеня) киради: тегишли сифатга эга бўлмаган товарларни етказиб бериш, сифатсиз қадоқлаш ва маркалаш, комплектация ва ҳ.к. Ш.с. сотиб олувчилар (импортёрлар)га нисбатан қуйидаги тўловлар ундирилади: техник ҳужжатларни етказиб бериш, мутахассисларни командировка қилиш, аккредитивлар очини, тўловларнинг ўз вақтида бўлмаслиги ва ҳ.к.лардаги ушланиб қолишлар. Штрафларнинг максимал миқдори ўз вақтида етказиб берилмаган товарлар қиймати суммасидан 8-10 фоиз.

ШТУРМАН ИМЗОСИ (гол.) — ташишга қабул қилинган юкни тасдиқловчи кема ҳужжати. Коносаментни ёзиш учун асос ҳисобланади. Масъулиятнинг юк жўнатувчидан кемага ўтганлиги фактини ифодалайди. Имзога қўйилган вақт мавжуд юкни кемага ортиш ҳақиқий вақтига мос келиши керак.

Э

ЭВАЛЬВАЦИЯ (фр.) — баҳони, қийматни баҳолаш, аниқлаш; миқдори, сифати, яроқлилиги ва ҳ.к. аниқлаш; маълумотлар, вазият анализи.

ЭВИКЦИЯ (лот.) — гражданлик ҳуқуқида сотишга қадар вужудга келган асос бўйича сотиб олувчидан у сотиб олган мулкни

судлашиб эгалик қилиш. Э. ҳолатида сотувчи олувчига келтирилган зарарларни қоплашга мажбур. Тула ва қисман Э. фарқ қилади. Тула Э. учинчи шахс қандайдир ҳуқуқий асосда барча буюм ёки ҳуқуққа эгаликдан маҳрум қилинган ҳолатда юз беради. Қисман Э. шундан иборатки, қабул қилувчи фақат қисман буюм ёки ҳуқуқдан маҳрум этилади.

“ЭВРИКА” (грек.) — қатор Фарбий Европа мамлакатларининг технология соҳасидаги кўп томонлама дастурли ҳамкорлиги. Франция ташаббуси билан 1985 йилда Европа ҳамкорлиги вакиллари иштирокида 17 Фарбий Европа мамлакатлари вазирликлари конференцияси қарори асосида тузилган. “Э”. мақсади унинг хартиясида қайд этилган АҚШ ва Япониядан фан саноати катта тармоқларда технологик жиҳатдан орқада қолган Фарбий Европа позицияларини мустаҳкамлаш учун янги технология соҳасида кенг миқёсли кооперацияни ўрнатиш. “Э”. кооперацияни 5 йўналиш бўйича ўрнатади: “Евроматик” — қудратли компьютерлар, сунъий интеллект, микроэлектроника; “Евроробот” — саноат роботлари ва лазерлари; “Евробио” — биотехника ва генетик техника, агросаноат; “Евроком” — коммуникация ва бошқариш системалари, оптоэлектроника; “Евромат” — сунъий материаллар. “Э”. да 19 та Фарбий Европа мамлакатлари иштирок этишади: 12 ЕҲ мамлакатлари, Австрия, Исландия, Норвегия, Туркия, Финляндия, Швейцария ва Швеция. “Э”. органлари ишида ЕҲ вакиллари Комиссияси иштирок этишади. “Э”. олий органи 1 йилда 2 марта чақириладиган иштирокчи мамлакатлар вазирлари конференцияси ҳисобланади.

ЭДИФАКТ — бошқариш, савдо ва транспортдаги маълумотлар билан электрон айирбошлаш учун универсал қоидалар. Халқаро савдонинг ривожланиши экспорт ва импорт операциялари иштирокчилари томонидан юбориладиган товарлар, етиштириш шартлари, тўловлар ва бошқа маълумотлар тўғрисида ахборот ҳажмларини тегишли равишда кўпайтириш билан олиб борилади. Қоғоз ахбороти тарзидаги тижорат ахборотини традицион тарқатиш етарлича оператив эмас, тўлдириш жараёнида хатога йўл қўяди, катта қўл кучи талаб қилади ва шунинг учун қиммат. Тижорат ишига компьютерларни жорий этиш ишлаб чиқариш ва телекоммуникация шохобчаларини тарқатиш билан бу камчиликлар анча бартараф этила бошлади. Аммо бундай шароитда янги муаммо — маълумотларни электрон айирбошлашнинг халқаро стандартлаштириш процедураси вужудга келди. Буни ҳал этиш учун ИСО томонидан тасдиқланган ЭДИФАКТ универсал қоидалари ишлаб чиқилди.

ЭКЗОТИК ВАЛЮТА (*грек., итал.*) — битимлар жуда ҳам камдан-кам амалга ошириладиган ва унинг учун халқаро бозор йўқ бўлган валюта.

ЭККАУНТИНГ (*инг.*) — ҳар хил молия ахборот турларини йиғиш, ишлаш, туркумлаш, анализ қилиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган бизнеснинг функционал соҳаси.

ЭКЛЕКТИКА (*грек.*) — ҳеч қандай янгилик яратмайдиган ҳар хил қарашлар, назариялар, усулларни ўйламасдан механик араштириб юбориш.

ЭКОНОМЕТРИКА (*грек.*) — иқтисодий кўрсаткичлар ўзаро алоқаларини математик моделлаштириш учун компьютер анализдан фойдаланиш.

“ЭКОНОМИКС” — иқтисодий фандаги янги йўналиш. “Экономикс” термини биринчи марта Англия иқтисодчиси У. С. Жевонснинг (1835—1882) тугалланмаган “Экономикс тамойиллари” ишида пайдо бўлади. А. Маршалл томонидан кенг илмий оборотга киритилган ва батафсил характеристика берилган. А. Маршаллнинг фикрига кўра, “сиёсий иқтисод” ва “экономикс” тушунчалари ўхшаш эмас; соф ва амалий иқтисодий фан “сиёсий иқтисод” ва “экономикс” мавжуд.

ЭКС-ДИВИДЕНД АКЦИЯЛАР (*лот.*) — экс-дивиденд муддатга сотиладиган акциялар. Э.-д.а. сотувчи акциялар дивидендларига ҳуқуқни сақлайди, сотиб олувчи эса бу ҳуқуқни экс-дивиденд муддат тугагандан кейин олади. Э.-д.а. айрим ҳолатларда дивиденд миқдорига камайтирилган баҳо бўйича сотилади. Акцияни уларнинг Э.-д.а.га айлантирилган куни сотиб олган шахс эълон қилинган дивидендни олмайди.

ЭКС-ДИВИДЕНД МУДДАТ (*лот.*) — акциялар экс-дивиденд сифатида сотилиш давомидаги вақт, яъни сотувчи дивидендларга ҳуқуқни сақлаб қолади, сотиб олувчи эса ҳали уни олмаган бўлади.

ЭКСКЛАВ (*лот.*) — бошқа давлат ҳудуди томонидан ажратилган давлат ҳудудининг бир қисми.

ЭКСКЛЮЗИВНЫЙ (*лот.*) — ўзига хос мисол, эксклюзив ҳуқуқ — ниманидир фойдаланишнинг ўзига хос ҳуқуқи.

ЭКСПАНСИЯ (*лот.*) — айрим мамлакатлар, монополистик иттифоқчилар, фирмалар ва ҳ.к. таъсир соҳасини кенгайтириш. Капитал солиш, хом ашё манбалари, мол сотиш бозорлари ва ҳ.к. энг фойдали соҳалари учун курашда ифодаланади. Э. термини иқтисодий кризисдан чиқиш учун ишчанлик активлигини ошириш ва шароит яратишга йўналтирилган тадбирларни характеристикалаш учун иқтисодий адабиётда ҳам фойдаланилади.

ЭКСПАТРИАНТ (лот.) — ватанни тарк этишга ва гражданигини йўқотишга мажбур бўлган шахс.

ЭКСПЕРТ (лот.) — экспертизаларни ўтказиш учун махсус билимга эга бўлган ва корхоналар, ташкилотлар ёки давлат органлари томонидан жалб этиладиган шахс.

ЭКСПЕРТИЗА (лот.) — махсус билимларни талаб қилувчи қандайдир масалани ўрганиш, масалан, бухгалтерия экспертизаси, патент экспертизаси ва ҳ.к.

ЭКСПОЗЕ (фр.) — 1. Қандайдир ҳужжатни қисқача изоҳлаш ёки ундан кўчирма олиш; 2. Айрим Европа мамлакатлари парламент амалиётидаги жорий сиёсат масалалари бўйича бош вазир ёки вазирнинг қисқача ахбороти.

ЭКСПОНЕНТ (лот.) — қандайдир предметни кўргазмага қўювчи шахс ёки ташкилот.

ЭКСПОРТ (инг.) — ташқи бозорда уларни реализация қилиш учун товарлар, технология ва хизматларни чиқариш. Мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда четдан олиб келиниб қайта ишланган товарлар ҳам Э. предмети ҳисобланади. Сотувчи мамлакат экспорт операциялари сотиб олувчи мамлакат импорт операцияларига мос келади. Четта чиқариладиган товарларнинг келиб чиқиши ва тайинланишига боғлиқ ҳолда Э. қуйидаги асосий турлари фарқ қилади: чиқарадиган мамлакатдаги ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган ўз мамлакат товарларини чиқариш; мавжуд мамлакатда уларни қайта ишлагандан кейин божхона назорати остида чет эл товарларини чиқариш; қайта ишланмайдиган (реэкспорт) товарларни божхона омборларидан чиқариш; мамлакат орқали божхона омборларидан транзит билан ўтадиган чет эл товарларини чиқариш.

ЭКСПОРТЁР (фр.) — экспорт билан шуғулланувчи шахс ёки муассаса.

ЭКСПОРТЁРНИ КАФОЛАТЛАШ РИСКИ — экспорт операциялар бўйича зарарлардан турли хилдаги суғурта; ихтисослаштирилган давлат ёки хусусий муассасалар, кўпинча банклар томонидан берилади. Суғурта ҳолати юзага келганда банк келтирилган зарарни қоплаш учун маълум суммани тўлайди.

ЭКСПОРТ БИТИМ — товарлар ва хизматларни сотиш граждандлар, фирмалар ва мавжуд ҳукумат қўлларида чет эл пуллари миқдорининг кўпайиши.

ЭКСПОРТНАЯ ДЕТАКЦИЯ — ташқи бозорга чиқариш учун тайинланган маҳсулотдан олинадиган солиқни камайтириш ёки бутунлай бекор қилиш.

ЭКСПОРТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ — экспорт учун тайинланган маҳсулот ва хизмат турлари ва номлари миқдорини кўпайтириш.

ЭКСПОРТ ДОТАЦИЯЛАРИ — четга товарлар чиқаришни мукофотлаш учун давлат бюджети томонидан ажратиладиган маблағлар, Э.д. экспортёрларга ҳар хил солиқ имтиёзлари бериш, экспорт кредитларга тижорат банки томонидан бериладиган имтиёзли фойз ставкаларини субсидиялаш, узоқ муддатли молия ва суғурта экспорт операцияларини амалга оширувчи ихтисослашган кредит ва суғурта институтлари пул ресурсларини тўлдириш учун тайинланган.

ЭКСПОРТ ЁКИ ИМПОРТГА ЛИЦЕНЗИЯ — давлат бошқарув органлари томонидан маълум сифатга эга бўлган у ёки бу товарлар гуруҳини ташқи савдо операцияларини амалга оширишга берилиши. Экспорт-импорт лицензиялар икки турда бўлиши мумкин: генерал ва бир марталик.

ЭКСПОРТ-ИМПОРТНИ КВОТАЛАШТИРИШ — айрим товарлар ва хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум муддатга жорий этилган импорт ва экспортнинг миқдор ва қиймат жиҳатдан чекланишлари. Давлат томонидан экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг нотариф воситаси.

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ЮКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ — юкларни транспортировка қилиш жараёнида вужудга келувчи нобуд бўлган зарарларни қоплаш учун восита.

ЭКСПОРТ КАПИТАЛ — мунтазам фойда олиш ҳуқуқини берувчи, чет эл мулкни ёки мажбуриятларнинг бошқа шаклини тузишга олиб келувчи пул ёки товар шаклида, хизматлар соҳаси орқали (ш.ж. патентлар, лицензиялар, “Ноу-хау”) чет элда капитални жойлаштириш. Э.к. ривожланган бозор ҳўжалиги шароитларида халқаро иқтисодий муносабатларнинг бош шаклларида бири ҳисобланади. Э.к. асосан икки шаклда, яъни унумли ва ссуда капиталлари шаклида амалга оширилади.

ЭКСПОРТ КВОТА — экспортга товарлар тақлифини чеклаш ва экспорт баҳоларнинг ёки экспортдан даромадларнинг камайишини бартараф этувчи усул. Айрим ҳолатларда экспортни квоталаштириш ички бозорда товар баҳосининг ҳаддан ташқари ошиб кетмаслиги учун мамлакат ичида товар тақлифини таъминлашга йўналтирилган бўлиши мумкин.

ЭКСПОРТ КРЕДИТЛАР — экспортёр томонидан (фирмалар, банклар, ҳукуматлар) хорижий фирмалар ва давлатларга кредитор — мамлакатада улар томонидан товарларни сотиб олиш мақсадида бериладиган кредитлар.

ЭКСПОРТ КРЕДИТЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ — кредитлар хавфини қоплашга бериладиган кафолатлар. Шундай кафолатларнинг асосий мақсади контрагент томонидан ўз мажбуриятларини бузиши оқибатида вужудга келган зарарлардан суғурта

қилиш. Кафолат ҳолати юз берганда банк келтирилган зарарни қоплаш учун маълум суммани тулайди.

ЭКСПОРТ КРЕДИТЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ — экспортёрлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўлланилади. Суғурта хусусий компаниялар ва давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Давлат ўзига нафақат тижорат, балки сиёсий хавфни қабул қилади. Сиёсий таваккалчилик бўйича зарарларни қоплаш кредит суммасининг 90 фоизидан ошади, бошқа таваккалчиликлар бўйича 80-90 фоизга етади.

ЭКСПОРТ МАРКЕТИНГИ — ташқи бозорга йўналтирилган маркетинг ишининг бир қисми. Рақобат курашида корхоналарга ёрдам бериш, ташқи бозорга перспектив товарлар билан таъсирчан “ёриб” ўтадиган стратегияни таклиф этиш, экспорт фаолият йўналишини аниқлашга ёрдам беришга қаратилган.

ЭКСПОРТ МАРКЕТИНГИ СИСТЕМАСИДАГИ ПРОГНОЗЛАШ — ташқи бозорни комплекс ўрганишнинг асосий тугалланиш босқичи, унинг асосий натижаларини экспортёрлар ўз фаолияти дастури асосига қўяди. Прогнозлаш иши уфқидаги фарқлар режалаштириш характерида ўз ифодасини топади: стратегик режалаштириш — ўрта ва узоқ муддатли прогнозлаш базасида, ҳужалик (экспорт) операцияларини жорий режалаш — қисқа муддатли прогнозлаш асосида. Ушбу иккала йўналиш ҳам *М.т.изимининг* таркибий қисми сифатида экспорт стратегиясини унинг оператив программаси билан боғлаб, ўзаро алоқада таъсир қилади.

ЭКСПОРТ МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШНИНГ ДАСТУРЛИ-МАҚСАДЛИ МЕТОДИ — аниқ белгиланган мақсад ва ундан келиб чиқадиган масалалар билан кенгайтирилган комплекс программа асосида корхонанинг мақсадга йўналтирилган экспорт фаолияти. Экспортга дастурли-мақсадли ёндашиш шуни билдирадики, корхона томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай масала нафақат унинг жорий масалаларига, балки экспортнинг узоқ муддатли мақсадларига жавоб бериши керак. Мунтазам коррективка қилинадиган ва аниқлик киритиладиган шундай комплекс программа экспортёр — корхона жамоасини аниқ ҳаракат истиқболи билан куроллантиради, барча кучни экспорт ишининг ҳал қилувчи йўналишларига концентрация қилиш имкониятини беради. Шундай дастур туфайли мўлжалланган мақсадларга эришиш ва жорий масалаларни ечиш учун қандай ресурслар кераклиги аниқланади.

ЭКСПОРТ МУКОФОТЛАР — давлат органлари ёки монополистик бирлашмалар томонидан четга товарлар чиқаришни кенгайтириш учун экспортёрларга бериладиган молиявий имтиёзлар.

ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ — экспорт дастурларини ишлаб чиқиш, контингентлар ўрнатиш ва айрим товарларни чиқаришга лицензиялар бериш, айрим мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳи билан бўладиган савдони кузатиш орқали амалга ошириладиган экспорт операциялари устидан давлат назорати.

ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА КООРДИНАЦИОН ҚЎМИТА — тақиқланган товарлар ва технологиялар устидан экспорт назорат қилиш учун тузилган НАТО мамлакатларининг (Исландия ва Япониясиз) халқаро ташкилоти.

ЭКСПОРТНИ РАБАТЛАНТИРИШ — миллий экспортёр — корхоналарни мукофотлаш.

ЭКСПОРТ РЕСУРСЛАРИ — чет элга чиқариш ва ташқи бозорда реализация қилиш учун тайинланган маҳсулот, хизматлар, ишларнинг айрим турлари, молиявий маблағлар; айрим ишлаб чиқарувчилар томонидан тузилган мамлакат экспорт фондининг бир қисми. Э.р. халқаро меҳнат тақсимиютига актив киришнинг натижаси ҳисобланади, улар импорт учун моддий шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

ЭКСПОРТ ТОВАР — корхона қарга етказишни амалга оширишни мўлжаллаган мамлакатда (мамлакатлар гуруҳи) тегишли бозор сегментларини — талабларини жиддий анализ қилгандан кейин яратилган товар. Э.т. ишлашда ушбу талабларнинг ўзгариш имкониятларини, ҳуқуқий, сервис, реклама таъминотини ҳисобга олиш зарур. Фақат шундай товаргина экспортни барқарор кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга кафолат бериши мумкин.

ЭКСПОРТ ТОВАР ҚИЙМАТИ — агарда улгуржи баҳода, юкларни ташиш ва уларни сақлаш бўйича харажатларда ҳисобга олинган бўлмаса, товарни тайёрловчи корхонадан чегарага олиб бориш бўйича экспорт бажариш ва транспорт харажатлари учун устамани ҳисобга олувчи оборотдан солиқсиз улгуржи баҳолардаги сотиладиган қиймат суммаси.

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИГА ДАВЛАТНИНГ ЁРДАМИ — миллий ишлаб чиқарувчилар экспортини рабатлантириш бўйича давлатнинг чора-тадбирлари тизими. Э.ф.д.ё. мақсади: экспорт тармоқлари маҳсулоти ва айрим хўжалик бирликлари рақобатбардошлигини ошириш; чет элда миллий компаниялар инвестицияларининг ўсишига ёрдам кўрсатиш; жаҳон бозоридаги фаолият учун миллий корхоналарга давлатлараро даражада халқаро шартномалар ва битимлар тузиш орқали қулай шароитлар яратиш, халқаро ишлаб чиқариш корпорациясини ривожлантириш; экспортёр — фирмаларни ички солиқлар тўлашдан қисман ёки тўла озод қилиш ёки уларга солиқ имтиёзлари бериш.

ЭКСПОРТ ФОНД — экспортга қўйиш учун ажратилган товар ресурсларининг маълум қисми. Корхона, тармоқ, регион, республика ва мамлакат даражасида ташкил бўлиши мумкин.

ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИГАН БУЮМЛАРНИНГ КОМПЛЕКС ЮРИДИК ҲИМОЯСИ — патент қилинган буюмлардан фойдаланадиган фирмага маҳсулотни чет элда кафолатли, тўхтовсиз ишлаб чиқариш ва сотишга имкон берувчи экспорт операциялари патент — ҳуқуқий ҳимояланишининг чора-тадбирлари мажмуи. Патент ҳимояси рақобат ва бозорни монополаштириш методи сифатида қўлланилади.

ЭКСПРОПРИАЦИЯ (*фр., лот.*) — давлат органлари томонидан амалга ошириладиган юридик жиҳатдан мажбурий текинга ёки қисман тўланадиган кўчар ва кўчмас мулкнинг бегоналашуви. Мукофот тўланиши ёки тўланмаслигига боғлиқ ҳолда реквизиция ва мусодара фарқ қилади.

ЭКСТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ (*лот.*) — миқдорий омиллар — иш кучини қўшимча жалб қилиш, экин майдонларини кенгайтириш, хом ашё қазиб олишни кўпайтириш — эвазига ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш усули. Э.р.й. имкониятлари табиий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ҳар доим чекланган бўлади.

ЭКСТЕРРИТОРИАЛЛИК (*лот.*) — давлатлар томонидан чет эл дипломатик вакилларига ўзаро бериладиган махсус устунлик (шахснинг дахлсизлиги, судланмаслиги, солиқлардан озод этилиши ва ҳ.к.).

ЭКСТРА ДИВИДЕНД (*лот.*) — дивидендларга мунтазам ёзиладиган ва қондага кўра йилнинг охирида тўланадиган мукофот.

ЭКСТРАДИЦИЯ (*фр., лот.*) — ушбу давлат қонунини бузган шахсни чет эл давлатига бериш: АҚШда қамоққа олинган кишини бошқа штатга бериш.

ЭКСТРАОРДИНАР ДАРОМАДЛАР — ЗАРАРЛАР (*лот.*) — бир вақтда иккита критерияга мос келувчи компаниянинг даромадлари ва зарарлари: улар корхонанинг хўжалик фаолияти учун ноодатий ва камдан-кам вужудга келади. Уларга қуйидагилар киради: табиий офат оқибатида зарарлар, мулкни мусодара қилиш, ҳукуматнинг тақиқлаш чора-тадбирлари ҳамда компания фойдасига ва ҳ.к. хайр-эхсон натижасида олинган даромадлар.

ЭКЮ (*фр.*) — 1979 йил 13 мартдан бошлаб Европа валюта системаси (ЕВС) иштирокчи мамлакатлари томонидан фойдаланадиган халқаро регионал валюта бирлиги. ЭКЮни яратиш валюта соҳасида интеграцияга таъсир кўрсатиш, АҚШ доллари таъсирига қарши туриш, ЕИХ ягона валюта баҳосини ташкил

этишга шарт-шароит таъминлаш мақсадига қаратилган. Ҳақиқий маълумотлар бўйича вақти-вақти билан коррективировка қилинадиган жами ялпи миллий маҳсулотдан мамлакатлар ҳиссаси ҳисобга олган ҳолда ЭКЮ ЕВС иштирокчи — мамлакатлари миллий валюталари валюта савати, Англия фунти ва грек драхми базасида ҳисобланадиган маълум валюта қийматига эга. ЭКЮ ҳисоб-китоб ва кредит функцияларини бажаради, иштирокчи — мамлакатлар валюта паритетларини тенглаштириш базаси, бозор валюта қийматлари ўзгаришлари регулятори сифатида фойдаланилади.

ЭЛАСТИКЛИК (*грек.*) — маркетингда битта ўзгарувчи ўзгариш даражасининг унчалик катта бўлмаган ўзгаришга ўзгариши натижасида талабнинг ўзгариши оқибатида экспорт қилинадиган саноат товарларига талабнинг ўзгариши. Агарда баҳолар ўзгариши улардаги мавжуд талабга кам таъсир қилса, товарлар камроқ эластикликка эга дейилади.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА (*грек.*) — улаш, кабель ёки телефон линиялари бўйича компьютер орқали маълумотларни бериш (ҳамда излаш). Телефон линиялари орқали берилиши мумкин бўлган товушдаги компьютер ички сигналларини қайта қуришни амалга оширувчи система орқали таъминланади.

ЭМАНСИПАЦИЯ (*лот.*) — қарамлик, зулм, хурофотдан озод этиш; чеклашларни бекор қилиш, ҳуқуқлардаги тенглик (масалан, хотинлар (Э)).

ЭМБАРГО (*исп.*) — қандайдир мамлакат (мамлакатлар гуруҳи) билан савдо муносабатларини тақиқлаш. Товарлар, хизматлар, валюталар ва бошқа қийматликларни олиб келиш ёки чиқаришни давлат томонидан тақиқланиши иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра юз беради. Э. савдо-иқтисодий фаолиятнинг барча томонларини ё унинг фақат маълум турлари, товарлар категориясини қамраши мумкин. Э. иқтисодий тазйиқ ўтказиш курили, мамлакат ҳукумати томонидан қандайдир ўтказилаётган сиёсатни ўзгартиришга мажбурлаш сифатида қўлланилади.

ЭМИГРАНТ (*лот.*) — иқтисодий, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга кўра, бошқа мамлакатга кўчиб кетадиган шахс (экспатриантдан фарқ қилиб ўз мамлакати граждандлигини йўқотмайди).

ЭМИССИЯ (*лот.*) — 1. Ҳар хил шаклларда пул белгиларини муомалага чиқариш. Оборот пул массасининг кўпайишига олиб келади. Э. асосий шакллари: кредит пул — банкнот Э; депозитчек Э; қимматли қоғозлар Э. 2. Компания қимматли қоғозларининг ҳар қандай тури ёки ушбу қоғозларни тақсимлаш жараёни.

ЭМИССИОН БАҲО — қимматли қоғозлар уларни чиқариш вақтида сотиладиган баҳо: устига ёзиб қўйилган қиймат ёки дисконт, ёки мукофот билан паритети бўйича.

ЭМИССИЯ СИСТЕМАСИ — пул белгиларини муомалага чиқаришнинг қонун билан ўрнатилган тартиби; пул тизимининг тартиби; пул тизимининг таркибий қисми.

ЭМИССИЯ ФОЙДАСИ — қимматли қоғозлар эмитентлари ва уларни сотиб олувчилари ўртасида воситачилик натижасида тараққий этган мамлакатлар банклари, бошқа кредит-молия муассасалари томонидан қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар)ни жойлаштиришдан оладиган фойдаси; йирик молия корпорацияларининг бойиш шаклларида бири.

ЭМИТЕНТ (*лот.*) — пул белгилари, қимматли қоғозлар, тулов ҳисоб-китоб ҳужжатларини муомалага чиқарувчи давлат (марказий ёки ҳокимият, бошқариш органи), корхона, муассаса, ташкилот, компания.

ЭРГНОМИКА (*грек.*) — ишлаб чиқаришни рационаллаштириш мақсадида конкрет ишлаб чиқариш фаолияти шароитларида инсон ва машинанинг ўзаро таъсирини ўрганувчи фан.

ЭТИКЕТ (*фр.*) — маълум социал соҳада ўрнатилган ахлоқий қоидалар жами. Ишбилармонлик этикети — иш юзасидан алоқа қилишнинг кўп йиллик халқаро амалиёти томонидан ишлаб чиқилган комплекс ахлоқий нормалари. Халқаро хушмуомалалик тамойили шундай ахлоқий нормаларнинг негизи ҳисобланади. Халқаро дипломатик ва ишчанлик амалиётида нейтралитет хушмуомалалиги ва йўл қўймаслик хушмуомалалиги тамойилига амал қилиш қабул қилинган.

ЭТИКЕТКА (*фр.*) — товар қадоғидаги товар белгиси тури, ёрлиғи.

Ю

ЮНИДО — саноат ривожланиши бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлими.

ЮНКТАД — савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси.

ЮРИДИЗАЦИЯ (*лот.*) — қандайдир фактлар, муносабатларга юридик характер бериш; қандайдир масала, ҳодисанинг юридик томонини бўрттириб кўрсатиш.

ЮРИДИК АДРЕС — расмий қайд қилинган ва рўйхат дафтарига ўтказилган юридик шахс манзили. Ҳисоб счёти очилганда Ю.а. корхона низоми, рўйхат тўғрисидаги маълумот, имзо намуналари бўлган карточкада бир хил бўлиши керак.

ЮРИДИК АКТ (*лот.*) — давлат органи, вазифадор шахс ёки ижтимоий ташкилотлар томонидан давлат топшириғи бўйича уларнинг компетенцияси доирасида чиқарилган акт ва бажарилиши шарт бўлган умумнорматив ва маълум индивидуал кўрсатма. *Ю.а.* ўрнатилган қонун шаклида чиқарилади ва қандай орган томонидан чиқарилишига боғлиқ ҳолда қонун, қарор, буйруқ, инструкция, ҳукм, буйруқ бериш ва ҳ.к. деб аталади.

ЮРИДИК РҲҲАТ — суғурта компаниялари ва банкларга ўхшаган институционал инвесторлар капитал солиши мумкин бўлган ҳар хил штатлар томонидан танлаб олинган қимматли қоғозлар рўйхати. Юридик рўйхатлар кўпинча маълум талабларга жавоб берадиган фақат олий классдаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

ЮРИДИК ШАХС — алоҳида мулкка эга бўлган корхона (ташкилот), ўз номидан мулккий ва шахсий мулккий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши, даъво қилиши, судда, арбитражда ёки третейск судда жавобгар бўлиши мумкин. Банкда ҳисоб счёти бўлади, мустақил баланс юритади.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ТУГАТИШ — ишлар ва мулкни тугатишни ўз ичига олувчи юридик шахслар фаолиятини тўхтатиш усуллари (шакллари) бири. *Ю.ш.т.* деганда уларнинг ишлаб чиқариш, савдо, фан-техника ва ижтимоий фаолияти, уларни кредитлар билан таъминлаш, юридик шахслар аъзоларига пай бадалларини қайтариш, улар мулкларини сотиш тушунилади.

ЮРИСДИКЦИЯ (*лот.*) — 1. Судланадиган; суд ҳуқуқини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий масалаларни ечиш; 2. Мавжуд давлат органи ваколатлиги тарқаладиган ҳуқуқий соҳа.

ЮРИСКОНСУЛЬТ (*лот.*) — ҳуқуқнинг амалий масалалари бўйича муассаса, корхона ёки ташкилот қошидаги доимий маслаҳатчи, суд ва бошқа инстанцияларда ушбу муассаса манфаати ҳимоячиси.

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ (*лот.*) — ҳуқуқшунослик, ҳуқуқ тўғрисидаги жами фанлар; юристларнинг амалий фаолияти, суд органлари қарорлари.

ЮСТИЦИЯ (*лот.*) — 1. Адлия; 2. Суд муассасалари тизими, суд идораси.

Я

ЯВНЫЕ (денежные) ИЗДЕРЖКИ — ишлаб чиқариш омиллари ва оралиқ буюмлар етказиб берувчиларига шубҳасиз тўлов шаклини қабул қилувчи муқобил харажатлар.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ — бир йил ичида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган барча товарлар ва хизматлар қиймати суммаси.

ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ — қандайдир мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар йиллик ҳажмини характерлайдиган кўрсаткич.

ЯЛПИ ФОЙДА — қиймат билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ.

ЯМА — поли залнинг барча полига нисбатан пастроқ жойлашган биржа биноси участкаси. Бу биржа битимларини тузишга рухсат бериладиган жой.

ЯМАЙ ВАЛЮТА СИСТЕМАСИ — 1978 йилда Ямайкада Халқаро валюта фонди (ХВФ) аъзолари — мамлакатлари томонидан валюта реформаси ўтказиш тўғрисида битим тасдиқланган. Ямай янги валюта тизими яратилди. *Я.в.с.* асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади: жаҳон пули сифатида олтинга майдаланмаган миллий валюталардан фойдаланиш ва аста-секин доллардаги халқаро ҳисоб-китобларни қисқартириш; олтиннинг “расмий” баҳосини бекор қилиш ва олтинни давлатлараро ўловлардан чиқариш; халқаро бош ҳисоб-китоб ва резерв маблағлар сифатида Халқаро Валюта Фонди — қарз олишнинг махсус ҳуқуқларига (СДР) коллектив пул бирлиги аста-секин киритиш.

ЯРЛЫК (*турк.*) — товар белгиси, тури, оғирлиги, миқдори, баҳоси ва ҳ.к. кўрсатилган товардаги белги.

ЯРМАРКА — 1. Маълум давр вақти давомида бир жойнинг ўзида амал қилувчи товарлар намуналари кўргазмаси. Уни ўтказиш вақтида савдо битимлари тузилади ва товарлар партиясини улгуржи сотиш амалга оширилади; 2. Давлат томонидан рухсат берилган вақтинчалик савдо.

ЯРМАРКА ВАКАНСИЯЛАРИ — ҳар хил корхоналар вакиллари улардаги мавжуд вакансиялар тўғрисида ахборот берадилар ва ўша вақтда ишга расмийлаштирадилар ёки даъвогарларнинг профессионал яроқлилигини текшириш жойини белгилайдилар.

ЯРМАРКА — СОТИШ — ярмаркада ҳар хил товарларни намойиш қилиш, у амалга оширилгандан кейин барча қўйилган намуналар қоидага кўра сотилиб кетади.

Қ

ҚИЗ ЖАМИЯТИ (*корхона*) — Қ.ж. мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмаган она фирмаси назорати остида ўз балансига эга бўлган, ҳужалик фаолиятини мустақил юритувчи юридик шахс. Қ.ж. назорат қилиш капиталнинг маълум ҳисса-

сига эга бўлиш ҳисобидан амалга оширилади. Қ.ж. бошқа компаниялар акцияларига эга бўлиши мумкин.

КИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР — эгалик қилиш ҳуқуқи ёки қарз бўйича муносабатни тасдиқловчи, ушбу ҳужжатларни чиқарган шахс ва уларнинг эгалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилловчи, дивидендлар ёки фойизлар тарзида даромадни тулашни ҳамда ҳужжатлар доирасида пул ва бошқа ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини кўзда тутувчи пул ҳужжатлари. Қ.қ. акциялар, облигациялар, векселлар, чеклар, депозитлар, давлатнинг казначейлик мажбуриятлари, омонат сертификатлари ва ҳ.к. киради. Қ.қ. чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳар бир давлатнинг чиқарган қонунлари доирасида амалга оширилади.

КИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — молия бозорининг бир қисми (акциялар, облигациялар, векселлар, валюталар, фойизли қоғозлар ва ҳ.к. муомаласи соҳаси). Банк бозори ссудалари унинг бошқа қисми ҳисобланади. Агарда банк давлат муассасаси бўлмасдан ҳақиқий тижорат банки бўлса, ссудани бир йилга камдан-кам беради. Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш билан пулни бир неча ўн йилга олиш мумкин (облигациялар) ёки муддатсиз фойдаланиш мумкин (акционерлар). Молия бозорини икки қисмга бўлиш капитални оборот ва асосий турга бўлиш билан боғлиқ. Қ.қ.б. банк кредити тизимини тўлдиради ва у билан ўзаро алоқада бўлади. Масалан, тижорат банклари янги чиққан қимматбаҳо қоғозлар обунаси учун Қ.қ.б. воситачиларига ссуда беради, улар эса чакана баҳода қайта сотиш учун ва бошқа сабабларга кўра банкларга қимматбаҳо қоғозларнинг йирик блокларини сотади. Айрим Европа мамлакатларида Қ.қ.б. асосий ролни йирик тижорат банклари ўйнайди.

Пул бозори Қ.қ.б. муҳим қисми ҳисобланади, бунда қисқа муддатли қарз мажбуриятлари, энг аввало казначейлик векселлари муомалада бўлади. Ҳар қандай бозорда бўлгани каби Қ.қ.б. талаб, таклиф ва улар баҳосининг тенглашувидан ташкил топади.

КИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ЭМИТЕНТИ — қимматбаҳо қоғозлар чиқарувчи ва қимматбаҳо қоғозлар эгалари олдида ўз номидан шу бўйича мажбуриятлар олувчи юридик шахс, давлат органи ва маҳаллий маъмурият органи. Давлат, давлат органлари, маҳаллий маъмурият органлари, корхоналар ва мамлакат территориясида рўйхатдан ўтган бошқа юридик шахслар эмитентлар сифатида чиқиши мумкин.

ҚИСМАН КОНВЕРТИРЛАНАДИГАН ВАЛЮТА — айирбошлаш операциялари ва тўлов оборотининг айрим турлари бўйича валюталар чекланиши қўлланиладиган мамлакатларнинг валютаси. Қоидага кўра айрим миллий валюталарга айирбошланади.

ҚЎШМА КОРХОНА — иштирок этувчи мамлакатлар мулки асосида тузиловчи ва ҳамкорликда бошқариш, ҳўжалик ҳисоби ҳамда иштирокчилар ўртасида шартнома асосида фойдани тақсимлаш орқали ўз фаолиятини амалга оширувчи корхона; ўз мамлакати ва чет эллик шериклар капитал маблағлари асосида тузилувчи ҳамда ҳўжалик фаолиятини бошқариш ва фойдани тақсимлашни ҳамкорликда амалга оширувчи корхоналар. Қ.к. мамлакат иқтисодиётига ҳозирги замон ускуна ва технологияларни, моддий ва молиявий ресурсларни ҳамда ривожланган капиталистик мамлакатлар бошқариш тажрибасини жалб этишга қаратилган бўлади. Қ.к. мамлакат халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар экспорти ва импортида актив роль ўйнайди.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА СОЛИҚ — оборот солиқдан фарқ қилиб, барча товар қийматидан эмас, балки реализация ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир кейинги босқичи ўсишидан олинадиган солиқ тури. Оқибат-натижада товарлар ва хизматларни реализация қилишдан олинган даромад ва етказувчилардан олинган хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва хизматларга кетган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқдан солиқ олинади.

Қ.қ.с. бир ойда бир марта тўланади. Қ.қ.с. қонунда кўрсатилган доирада амал қилади.

Ғ

ҒИРРОМ РАҚОБАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН — риоя қилиш зарур бўлган рақобатни тартибга солувчи “ўйин қоидалари”ни тасдиқловчи норматив актлари. Кенг маънода чет элда амал қилувчи “рақобат ҳуқуқи” антимонопол ва ғирром рақобатга қарши ҳимоя ҳуқуқини кам қамрайди. Рақобат ҳуқуқи хусусиятлари: у гражданлик, жиноят, маъмурий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олувчи комплекс характерга эга; у бир хил эмас, яъни саноат мулки объектлари хусусида вужудга келувчи рақобат муносабатларини, шартнома мажбуриятларини, тадбиркорларнинг шахсий ҳуқуқларини тартибга солади.

Ҳ

ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ АККРЕДИТИВ ШАКЛИ — аккредитив маблағлари ҳисобидан ва чегарасида маблағларни айрим ҳисобларда депозитга қўйиш ва етиштириб берувчига унга

ҳисобланадиган суммани тўлаш орқали сотиб олувчи битимларни конкрет етиштириб берувчилар адресини бўйича операцияларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб шакли. *Ҳ.-к.а.ш.* МДХ доирасида бошқа шаҳарликлар лақатлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда қуйидаги ҳо. қўлланилади: у ҳукумат ёки ҳукуматлараро битимлар и. тириб бериш шартлари билан ўрнатилганда; ҳар хил сабабларга кўра санкция тарзида; агарда у етиштириб берувчи шартномаси билан ўрнатилган бўлса.

ҲИСОБ-КИТОБ БАҲОСИ — биржада мавжуд кун учун ҳар бир фьючерс позициясининг ягона баҳоси. Савдонинг тамом бўлиши олдидан охириги дақиқада амалга оширилган битимлар баҳолари асосида ҳисоб-китоб палатаси томонидан ўрнатилади. Депозитлар ва маржиларни ҳисоблаш ва баҳоларни белгилаш учун қўлланилади, бу бўйича реал товар етказиб берилган ҳолатда фьючерс контрактлари тугатилади.

ҲИСОБ-КИТОБ ПАЛАТАСИ АЪЗОСИ — биржанинг тўла аъзоси. У орқали биржадаги ҳисоб-китоб палатаси билан битимлар тузишнинг барча ўзаро муносабатлари амалга оширилади ва унда ҳисоб-китоб палатасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ётади.

ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ — чекдаги пастки бурчакдан ўнгдаги юқори бурчакка борадиган диагональ бўйича чизиб ташланган полосали чек.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев И., Баранова Г. Что мы знаем о рынке. Тошкент. "Меҳнат". 1991.
2. Амалий иқтисодиёт. Тошкент. "Шарқ". 1996.
3. Амборцумов А. А., Стерлинов Ф. Ф. 1000 терминов рыночной экономики. Справочное учебное пособие. М.: Крон-Пресс. 1993.
4. Брокер и биржа. "Информбизнес". М. 1991.
5. Краткий внешнеэкономический словарь-справочник. "Международные отношения". 1991.
6. Макконелл К. Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Том 2. Таллин. 1993.
7. Носирхўжаев С. Сиёсатшунослик фани буйича қисқача лугат — маълумотнома. Тошкент. "Ўқитувчи".
8. Мескон М. Х., Альберт М., Хедоури Ф., Пер С. Основы менеджмента. (англ.) "Дело". М. 1992.
9. Рыночная экономика. 200 терминов. Популярный словарь. М. "Политиздат". 1991.
10. Словарь делового человека. "Экономика". М. 1992.
11. Солиев А., Усмонов А., Жўраев Н. Тадбиркор йўлдоши. "Университет". Тошкент. 1994.
12. Справочник делового человека. Ташкент. 1992.
13. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лугати. "Қомуслар бош тахририяти". Тошкент. 1993.
14. Ўлмасов А. Бозор иқтисодиёти. Қисқача лугат — маълумотнома. "Қомуслар бош тахририяти". Тошкент. 1991.
15. Финансово-кредитный словарь. Том I. "Финансы и статистика". М. 1984.
16. Финансово-кредитный словарь. Том II. "Финансы и статистика". М. 1986.
17. Финансово-кредитный словарь. Том III. "Финансы и статистика". М. 1988.

18. Чжен В. А. Хусусийлаштириш асослари. 1-жилд. "Бизнес каталог". Тошкент. 1996.

19. Чжен В. А. Пул ва молия бозорлари. 2-жилд. "Бизнес каталог". Тошкент. 1996.

20. Чжен В. А. Бозор қонуниятлари асослари. 3-жилд. "Бизнес каталог". Тошкент. 1996.

21. Чжен В. А. Бозор ва очиқ иқтисодиёт. "Бизнес каталог". Тошкент. 1996.

22. Язык бизнеса (термин). ИПК "Шарқ". Ташкент. 1995.

Х. Р. Раҳмонкулов, Б. Б. Жўраев

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СИРЛАРИ

Бозор иқтисодиёти терминлари

Муҳаррир Ҳикоят Маҳмудова

Рассом Александр Кива

Расмлар муҳаррири Анатолий Бобров

Техн. муҳаррир Татьяна Смирнова

Кичик муҳаррир Назми Фозилова

Мусахҳиҳ Мавжуда Насриддинова

Компьютерда тайёрловчи Елена Гильмутдинова

ИБ №3694

Босишга 01.07.2002 й. да рухсат этилди. Бичими $84 \times 108^{1/32}$. Таймс
гарнитура. Офсет босма. 21,0 шартли босма тобоқ. 25,0 нашр босма
тобоғи. Жами 3000 нусха. 294 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома
асосида. 55—99 рақамли шартнома.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.
700169. Тошкент. Усмон Юсулов кўчаси, 86.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Раҳмонкулов Хушбоқ Раҳмонқулович Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида 1936 йилда туғилган. Термиз Давлат дорилфунунининг “Иқтисодиёт ва бизнес” кафедраси мудири. “Ихтисослаштириш ва самарадорлик” (1975), “Ихтисослаштириш ва жойлаштириш муаммолари” (1976), “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги” (1982), “Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш истиқболи” (1987), “Бозор иқтисодиёти асослари” (1994) каби кўплаб китоб ва рисоалар, юзлаб илмий мақолалар муаллифи.

Жўраев Баҳодир Бозорович Сурхондарё вилояти Бойсун туманида 1952 йилда туғилган. 1973 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ни битирган. Физика-математика фанлари номзоди, доцент. Термиз Давлат университети иқтисодиёт факультети декани. Йигирмадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

